


# ШУКРУЛЛО

тапланған асарлар




УЧЕБНИКИ И УЧЕБНОВОСТИ  
«ПРОФЕССИОНАЛ»  
ДОКУМЕНТЫ

УЗА  
III-91

# ШУКРУЛЛО

Чиңгизбек




ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

I  
ЖИЛД

КАФАНСИЗ КҮМИЛГАНЛАР  
ТИРИК РУХЛАР

Романлар




«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2007

**Шукрулло**

Танланган асарлар: 1-жилд / Тирик рухлар. Кафансиз күмилгандар. (Романлар). — Т.: «Шарқ», 2007. — 400 б.

ББК.84(5У)

ISBN 978-9943-00-024-7



© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлык компанияси  
Бош таҳририяты, 2007

## МУҚАДДИМА

Ўзбек адабиётига мен шеърларим билан кириб келганман.

Ёшлигимдан шеъриятга бўлган мендаги ҳавасга институттага ўқишига кирганим, 1938—1939 йиллардаги адабий муҳит катта таъсир кўрсатди.

Ўз ижодлари билан эл оғзига уша кезлари тушиб қолган шоирлар шу институтда ўқир эдилар. Улар билан танишиб, шеърхонликларга қатнашиш, айни замонда Навоий ғазаллари, Хайёмнинг рубойлари, Шекспир сонетларини ўрганиш, булар фақат шеърий шаклларни эмас, ҳаётда оқ-коранинг фарқига етишни ҳам ўргата бошлади.

Энди, мендаги шеъриятга бўлган ҳавас, шунчаки ҳавас эмас, дардга, мақсадга айланди. Афсус, мақсадга айланди-ю, кўнглингдаги гапни ёзиш тамом бўлди. Илҳом бўғилди!

1937—1938 йиллардаги севикли ёзувчи, зиёлиларнинг қамалиш вахимаси дилларга тош бўлиб чўккан эди.

Энди тушкунликка тушмасдан фақат коммунистик ғоя асосида, баҳтли авлод, баҳтли ҳаёт эканлиги ҳақида, оч бўлсанг тўқман, йўқ, бўлса ҳам борман деб ёзиш замони бошланган эди.

Кўнгилдаги дардни айтиш ғоясизлик, пессимизм саналади.

Бир-икки йил шеър ёзмадим. Машқ қилиб ён дафтаримда ёзиб юрган рубойларимни энг ишонган яқинларимгагина ўқирдим.

Тангрим, ўзинг, ўзинг ярлақа,  
Ўзингдан ҳеч ўзга мадағ йўқ.  
На дўстим бор, на дард тингловчим,  
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳағ ўйқ.

1941 йили бошланган уруш сабаб, ұлим, ғам, севги, табиат манзаралари ҳақида ёзиш, дилингдаги дардларингни айтиб олиш имкони туғилди. Лекин уруш ту-

гаши билан сиёсат, адабиёт ва санъатта қараш ҳам ўзгарди, юқоридаги имкон ҳам тугади.

Қайғы, айрилиқ, табиат ва севги ҳақидағи шеърларни пессимистик, ғоясиз деб қоралаш бошланди. Ижод ахли тұғонда қолган кемада яшагандек хавфу хатарда яшади.

Ұз она тилингда сұзлашдан маҳрум, ұз ватанининг бойликларига әғалик ҳуқуқи йүқ, ұз тарихинг билан фахрланиш ҳисси сұндирилған, әрксиз бир замонда бунга қарши күнглингиздагини ёзиб бўлармиди?!  
Бўларди ҳам!

Шоир қалби — бу қайнаб турған булоқ. Уни күмиб бўлармиди! Йўқ! Лекин шундай замонда ижод қилиш, бу маҳоратни талаб қиласарди. Ҳақиқатни халқ қалбига оз бўлса ҳам сингдириш йўларини излашни тақозо этарди. Деярли ҳар бир шеъримда ҳақиқатни англашга ишора бўлди.

*Дунё ҳаммамизни фарзанди санаб,  
Неъматидан ёзди бизга гастурхон.  
Оламни жалодлар қиларкан хароб,  
Дунё, деб жим қолиш мумкини бир он!*

Халқ билан сиёсат ўртасида маъқул йўлни топиш, бу катта ижодий меҳнатни талаб этарди, машаққат эди.

Ижод истаги туғилганда имкон борича қалбим бу-юрганини ёздим. Халқнинг дардини унутмадим.

Худога минг марта шукрларким, ниятим холислиги учунми, асарларим китоб дўқонларида чанг босиб ётмади.

Халқимизда сен ўзингни мақтама, бошқалар мақтасин, деган нақл бор.

*Фаришта дер баъзилар ўзин,  
Иқрор қилмас айбин ҳеч қачон.  
Нуқсоним йўқ, дейишнинг ўзи  
Инсон учун энг катта нуқсон.*

Албатта, менинг асарларим ҳам нуқсондан холи бўлган эмас. Асарларимнинг нуқсонлардан холи қилишда самимий маслаҳат берган кишиларнинг ёрдамини инкор этиб бўлмайди. Лекин баъзан ғараз ёки тама, сиёсатга үз садоқатини кўрсатиш мақсадида асарларимдан ғоявий-сиёсий хатолар излаб, руҳий азоб бериб қийнашлар, имтиёзлардан маҳрум қилиш, камси-

тиш фақат Сталин шахсига сифиниш йилларида эмас, минг афсуски, қамоқдан чиққанимдан кейинги даврларда ҳам, фақат шеърларимгагина эмас, достонларим, драмаларимга нисбатан ҳам бўлди.

Минг шукурки, ижодим ҳақида фақат маҳаллий матбуотимизда эмас, балки турли тилларда, турли қардош мамлакатларнинг газета, журналларида олим, ёзувчилар, турли қасб эгаларининг юзлаб ижобий мақолалари босилиб чиқди.

Бу менга беҳад руҳий мадад бағишилади.

Ижод бу — севги, машаққат, қувонч!

Буюк шоир Faфур Гуломнинг ўз мақолаларидан бирида «Шукрулло йирик лирик шоир», деб ёзиши ижодимга босилган фахрли муҳр эди.

Қардош халқларнинг машхур шоирларидан Қайсин Қулиев, Мустай Каримлар шеърий тўпламларим ҳақида ёзган мақолаларини «Ёрқин истеъдод», «Ақл ва қалб етуклиги» деб аташлари, рус шоираси Римма Казакова, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматовларнинг ижобий фикрлари мен учун катта баҳо эди.

Ҳар бир асар ўз баҳосини ўзи бериши керак. Бу асарларим, жумладан, «Кафансиз кўмилганлар», «Жавоҳирлар сандиги» миллионга яқин нусхада ўзбек тилида нашр қилинганидан ташқари, рус, немис, турк тилларига ҳам таржима қилинди.

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, уни на шеър, на ҳикоя қилиб бўлади. Фақат саҳнага кўчириш, пьеса қилиш керак бўлиб қолади. «Хатарли йўл», «Табассум ўғрилари», «Ўгрини қароқчи урди»... «Унсиз фарёд» каби пьесаларим, шу тариқа дунёга келди.

Драма бу энг ғалваси кўп жанр ҳисобланади.

Шу кунларда «Ҳасрат боғи» шеърий драмам Миллий театрда тамошабинларга тақдим этилди. Томошабинларга манзур бўлди. Аммо саҳна юзини кўриши, очиқ айтадиган бўлсам, осон бўлмади. Ҳатто «шу ёшда асар ёзиб нима қиласан, тинч Олло-худо, деб ўтирамайсанми?» деганлар ҳам бўлди.

Мұҳаббат, севги деган машаққат қариш билмас экан.

Боғдан эшишилди қизлар ялласи,  
Жўр бўл, шоир, олиб танбурни кўлга.  
Теваракни тутди соchlарин иси,  
Иzlаридан қолмай отлангин йўлга.

Қалбинг түла севги, қалб түла илхом,  
Асло қаршиликни қылма баҳона.  
Қизлардан айрилиб қолдингми, тамом,  
Шеър ҳам, илхом ҳам сенга бегона.

Бутун умрим бүйи, то шу кунгача севгини тарк этмай яшадим. Севмоқ бу — севган нарсаси учун қай-фурмоқ демакдир. Мен ерни севдим, ҳатто майса эзилса, ачиндим. Бусиз Ваганни севиб бұлмайды.

Мен одамларни севдим, бахтсизларнинг қайфусини қилдим. Уларнинг шодликлари шодлигимга, армонлари эса дардимга айланди. Бир гўдак ўлимига ёш тўқдим. Бусиз халқни севиб бўлмайди. Адолатсизлик олдида қўл қовуштирамадим. Бутун умрим бўйи:

*Шон-шухрат лаззатин бошимдан күтәр,  
Қалбимга халқымнинг ташвишин сол, —*

деб яшадим. Ижодимни бағишиладим. Ижод — севги — машакқат — қувонч!

## *Муаллифдан.*

## ХОТИРА САБАБИ

Сұхбатлардан бирида гапдан гап чиқиб, кимдир вазирликка тайинланғанини айтаб қолишиди. Үтирганлардан бири бу вазир қандай бұларкин, одингисидан яхши чиқармикан ёки бу ҳам олдингилардек бұлармикин, дегандек гап бошлаган эди, бошқаси унинг гапини шартта бұлиб:

— Бизларда үзи яхши раҳбар бўлганми?.. Стalin... У үлгандан кейин Хрушёв, Брежнев, ундан кейин Черненко, ундан кейин... Одатда, бизда раҳбарларнинг қайсиси яхши-ёмонлиги тиригида эмас, аксинча, үлгандан кейин айтилади, — деди.

Ярим ҳазил, ярим чин қилиб айтилган бу гап кутилмаганда кулгига, охири баҳсга айланиб кетди.

— Хўп замонларга етиб келдик-да, бундай гаплар мабодо үттизинчи, ҳатто эллигинчи йилларда бирорнинг оғзидан чиққанда, ҳали сен совет раҳбарини масхаралайдиган бўлдингми, бу партия раҳбарлигидан кулиш, деган сиёсий айбни қўйиб, оёғингни ерга теккизмасдан ҳалқ душмани қилиб қамарди, — деди кўпни кўрганлардан бири.

Үттизинчи, эллигинчи йиллар даҳшати, қамақамаларни бошдан кечириш у ёқда турсин, ҳали у вақтда туғилмаган, орамизда үтирган йигирма ўшлар чамаси бир йигитга бу гаплар афсонадек туюлди шекилли, кулиб қўйди. Аммо унинг бу ўринсиз кулгиси орамизда үтирган бир одамга (отаси навқирон йигит вақтида 37-йилда отилиб кетган эди) қаттиқ ботди шекилли, йигитчага қараб:

— Абдулла Қодирий, Усмон Носир деган ёзувчиларни эшиштганмисан? Файзула Хўжаев, Акмал Икромовдек раҳбарларни-чи? Уларни ким отган? Нега? Биласанми?.. Мана ёнингда үтирган Шукрулло «ҳалқ душмани» бўлиб, неча йилга ҳукм қилинган, неча йил қамоқ лагерларида үтириб чиққан, бунга ҳам ишонмайсанми? Бир неча ўлимлардан

қандай қилиб қолгани, хүрликларини эшитганнысан?

Йигит елка кисди.

Наҳотки ҳозирги бу авлод буюк истеъдод, билим соҳиблари бўлган боболарининг ватанга, ҳалқига хоинликада айбланиб отилганига ишониб келган бўлсалар!

Үтирганлардан бири бу авлод қонли тарихини билиб қўйсин, гапириинг, дегандек менга қаради.

Айтиб беринг дейиш осон. Ҳар қандай даҳшатли, фожиали воқеаларни ҳам эртак эшигандек эшитиш мумкин. Аммо қамоқларда тилка-пора бўлган бу юрак, қақшаган бу асаблар туҳмат ва ҳақоратлар азобини қайта хотирлашга энди бардош бера олармиканлар!

КАФАНСИЗ  
КҮМИЛГАНЛАР



## ҚҰЗИ БОҒЛИҚ ОДАМ

Одам үлдирибми ёки үғирлик қилибми, ишқилиб бирор гуноҳга ботиб қўлга тушган кишининг аҳволини тасаввур қилиш мумкин. Аммо ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ мутлақо бегуноҳ, бир одамнинг уйидан қўлига кишан солсалар-да, олиб чиқиб, қамаб қўйсалар, бундек қуруқ тухмат кимнинг хаёлига келади-ю, қайси рисолада битилади.

1951 йили нашриётда муҳаррир бўлиб ишлардим. Мутлақо бегона бир одам менга иш охирида телефон қилиб, сизнинг муҳлисларингиздан бириман, куришмоқчи эдим, деган истак билдириди. Мен, вақтнинг кеч бўлиб қолганини, бундан ташқари айни замонда имконим йўқлигини, ижод ҳақида ҳамиша гаплашиш мумкин, деган важ-корсонга қарамай, атиги беш минуттина вақтингизни оламан, яқин жойдаман, ўзингизда бўлсангиз ҳозир бораман, деди-да менинг жавобимни эшитмасданоқ трубкани қўйиб қўйди. Унинг илтимосининг тагида нима мақсад борлиги, ҳамма гапи ёлғонлигини энг бефаҳм одам ҳам тушунарди.

Бу яхшилика эмаслигини сезган эдим. Ахир, ўша кезлари менинг энг яқин кишиларим, дўстларим — шоир Шуҳрат, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймонлар қамоққа олиб кетилган эди... Бу — навбат менга келганидан дарак эди.

Орадан кўп ўтмай нашриёт ходимларидан кимдир ташқарида мени қандайдир одам кутаёттанини, чақириб беришни илтимос қилганини айтди. Чиқдим.

Бегона одам ишшайиб саломлашди. Атрофга олазарак қараб мени чеккароққа олди.

— Мен военкоматданман, ҳарбий билетингиз ёнингизда бўлса кўрсам, — деди.

Тинчлик бир замонда бундай гап кишини таажжубга солиши табиий, албатта бу мени ҳам ҳайратга солди.

Керакмас вақтда бу ҳужжатни ёнимда олиб юрмаслигимни айтдим. Аммо у эса қатъий қилиб, уйингизда бўлса кўришим керак, — деди. Ўша йиллардаги «овчи»ларнинг синалган усули эди бу.

Пастга тушдик. Кўчада газ машина кутиб турар, машинада балаңд бўйли рус кишиси ҳам бор эди. Ўша заҳоти қўлимга кишан солищдими, йўқми — ёдим-

да йўқ, уйга келдик. Улар номига ҳарбий ҳужжатимни кўргандек бўлдишди-да, уйда ким бор, ким йўқлигини аниқлагандан кейин ҳеч ким ҳеч қаёқقا қимиirlамаслиги лозимлигини таъкидлашди. Мендан эса уйда қурол-яроғ, тақиқланган сиёсий адабиётлар бор-йўқлигини сўрагач, тинтуб бошлашларини айтди. Мен нима ҳам дердим! Бирорта одам тақиқланган китоблар сақлаган деб маълумот берган бўлса, бундай нарсалар менда йўқлигидан хотиржам бўлиб қарашса-қарашаверсин деб кўнглимдан ўтказиб қўйдим. Халқ душманни бўлиб қамалиб кеттан Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларнинг китоблари, ҳаттоки уларнинг номлари ёзилган газета ва журнallар чиқиб қолармикан деган умидда роса излашди. Ҳатто отам, қариндош-урувларимнинг 20—30-йилларда оврўпача ёқада тушган расмларигача йиғишиди. Кейинчалик билсан, уларни жадидларга алоқадор, деган шубҳада олишган экан. Ҳатто мен билан ўрта ва олий мактабларда бирга ўқиган дўстларим, маҳалладош, таниш-билишларимнинг урушдан юборган суратларини ҳам олишиди. Улар уйдаги нарсаларни ҳар ёқقا отиб-сошиб тинтуб қиласардилар. 4 ёшли ўтилчам бўлса ҳеч нарсадан хабари йўқ уларга мен ёзган «Кремль юлдузлари» деган шеърни ўқирди.

Тинтуб пайтида гувоҳлик учун чақирилган қўшни аёл гўдакнинг ўз отаси тақдиридан бехабарлигиданми ёки менга ачинганиданми, уни бағрига босиб ҳўнграб ийғлаб юборди.

Мен эса уйимда тақиқланган бирор нарса топилмаслигига комил ишонч билан хотиржам эдим. Аммо бу хотиржамлик узоққа чўзилмади. Тинтуб тугагач, мени ўзлари билан олиб кетажакларини айтишиди. Қаерга, нега, аниқ жавоб беришмади. Хоҳласангиз, эҳтиётдан кўрпа-ёстиқ, кийим-кечаклар олишингиз мумкин, деб қўйишиди.

Хотин, бола-чақа, уйимда ҳозир бўлган қўни-қўшниларнинг қий-чуви остида мен улар билан кетдим.

Бошимга тушган бир неча йиллик айрилик, қаро кунлар мана шу дақиқадан бошланди. Аммо олдимдаги йўл қандоқ, худди кўзи боғлиқ одамдек менга қороифи эди.

КГБ қамоқхонасиининг якка хонасида ётганимга мана бир неча кун бўлди. Қамалганимнинг эртаси куни со-

чимни қиртишлашди. Бу ҳам хунук бир хабарнинг, яъни бу даргоҳдан яқин орада чиқишидан умид қиласлик белгиси эди. Худди шуни тасдиқлагандек номим ёзилган тахтачани кўкрагимга қўйиб расмимни олиши. Ўзини-ўзи осиб ёки буғиб қўймасин деган «ғамхўрлик» билан камарим борми, ҳатто томирини кесиб, ўзини-ўзи ўлдирмасин деган мақсадда бўлса керак, шимимдан тортиб ҳамма кийимларимдаги тутмаларгача қирқиб олини.

Қамалганимнинг нечанчи куни, ёдимда йўқ, мен ётган хонанинг темир эшигидағи туйнукдан назоратчи номимни айтиб чиқишига тайёрланишимни буюорди.

Кутиб турдим. Эшик очилиб чиқишим билан назоратчи бошдан оёқ гўё мен ниманидир яшириб қўйгандек ҳамма жойимни тинтиб чиқди-да, қўлингни орқага қил, йўлда гапирма, юр деганимда юр, тўхта деганимда тўхтайсан, деб тартибни тушунтириб, қаергадир олиб кетди. Бу дўқ-даваранинг замираша шу бугундан бошлаб бутун инсоний ҳуқуқлардан маҳрумсан, кимлигингни энди унутавер деган ишора бор эди.

Хўш, мени қаерга олиб бормоқчи? Яна қандай кўргиликларим бор — булар фақат худойимнинг ўзигагина аён эди.

Қамоқ назоратчиси мени терговчи Сухановнинг хонасига олиб кирди.

— Хўш, ахволинг қалай? — деди у сохта меҳрибончилик билан ишшайиб. Бу «меҳрибончилик»ни айнан масхаралаш, деб тушуниш лозим эди.

Бутунги терговда гўё туғилганимдан бошлаб шу кунгача бўлган қилмишларимни эслатиб, ёдимга солмоқчи бўлгандек, таржимаи ҳолимни суриштиришдан бошлади. Туғилган йилимдан тортиб то ота-онам кимлиги, қачон туғилиб, қачон ўлганию, қариндош-уругларим ким бўлгаи, қамалганими-йўқми, чет элларда бўлганми-бўлмаганилигигача ҳамасига жавоб бердим. У эса нишмарнидир узоқ вақт ёзди. Ниҳоят ёзганиларини ўқиб бериб, қўл қўйишимни сўради. Қўл қўйищдан аввал ўқидим-у ёقا ушладим. Туғилган йилимдан бошқа деярли ҳамма гаплар бузиб, мен айтмаган нарсалар қўшиб ёзилган эди.

Отанг ким, деган саволга отам ҳам, авлод-аждодим ҳам эмчилик касби билан шуғулланган деб берган жа-

вобим отам диндор, домла бўлган, мен ўзим советларга қарши тарғибот билан шуғулланганман, деб ёзилиди. Ахир таржимаи ҳолимни бузиб ёзишдан мақсад нима? Бундан кузатилган бирдан-бир мақсад, бутун авлод-аждоди билан советлар душмани, деган тавқи лаънатни бўйнимга осиш, холос. У пайтларда, айниқса, диндорми, тамом советга қарши душман, деган сўз эди.

Мен қўл қўйищдан бош тортдим. Мана шу бугундан бошлаб оқни қора, қилмаган гуноҳларимни қилди деб курсатиш, дўқ-ҳақорат, ёлғон бошланди.

Бу ҳақорат ва хўрлик азобларидан қутулиш учун битта йўл бор эди, у ҳам бўлса мен сочимнинг толасидан тирноғимгача совет давлатига душманман, миллатчиман, деб ёзиб беришим эди, холос. Бу эса ўзими ўзимга ҳукм қилиш билан баробар эди.

Ким бунга рози бўлади?! Рози бўлмасанг-чи? Карцерга ташлашади. Карцер қандай бўлади, биласанми? Ётар жойинг цемент. Ҳар куни ейдиган бир чўмич ёвғон сўк оши ёки сули бўтқадан ҳам маҳрум бўлиб, икки юз грамм нон ва сувга кунинг қолади. Ойлаб сенга уйқу бермасликлари мумкин. Уйингдан киритиладиган ейиш-ичищдан ҳам, хат-хабардан ҳам маҳрум этиласан. Истаганча ҳақорат қилишлари, азоблашлари мумкин. Буларнинг ҳаммасига бардошинг етадими? Яшашдан умидинг борми? Қанча чидайсан? Нима қилиш керак? Ёлғонларни рост деб тан олиш — бу ўзингни ўзинг душман деб ҳукм чиқариш бўлмайдими? Хўш, борди-ю шундай ҳам қилдинг, барака топ, деб сени қамоқдан озод қилиб юборишадими?

Тўқима айбномаларга қўл қўйишини рад этганимдан кейин терговчи:

— Нега қамалганингни биласанми? — деди.

Бу билан, сен қўл қўясанми, йўқми, сени душман деб қамадикми, мажбур қиласиз, демоқчи. Албатта, менинг ҳайратланишим ва йўқ дейишимдан ўзга жавобим бўлмас эди. Мендан йўқ жавобни эшифтгач, терговчи ўтирган жойидан дарғазаб қўзғалиб:

— Маккор!.. Маккор! Душман маккор бўлади! Советларга қарши ҳаракатларинг, пантуркизм ва панисломизм қарашларинг ҳақида бизларни билмайди деб ўйлайсанми! Зўрлаб, қийнамасимиздан ҳаммасини яширмай, ўзинг гапиришинг маъқул, бу гуноҳингни

енгиллаштиради. Максим Горький нима деган? Шоирсан, билишинг керак! «Душман ўзи таслим бўлмаса, уни мажақлаб ташлайдилар», шундайми? — деди.

— Ўзи йўқ нарсани нимасини яшираман? Гуноҳимни билсанг, айтабер! Мени совет давлатига ҳеч қандай душманлигим ҳам, енгиллатадиган ёки оғирлатадиган гуноҳим ҳам бўлган эмас.

Менинг бу жавобим унга ҳақорат туюлиб, столга ғазаб билан мушт уриб:

— Душманлигингни яшириб бизни алдамоқчимисан, тухматчи! Сенга шафқат бўлмаслигини ўйла! — деб урмоқчи бўлгудек тепамга келиб туриб олди.

Ҳамиша тўтиқушдек бир гапни қайтарарди:

— Совет давлатига қарши қандай ва кимлар билан биргалиқда курашмоқчи бўлгансан? Биз мажбур қиласмисиздан ўзинг айт!

У қанча дўқ-пўписа, ҳақорат қиласин, менинг ҳам жавобим фақат битта бўлди:

— Мен душман бўлмаган бўлсам, нимани ўйлайман!.. Нимани айтаман!

— Сенинг ашаддий душманлигингнинг битта белгиси шундаки, ҳаттоқи сен совет чекистларини ёлғончи қилмоқчи бўласан, уларга ҳам ишонмайсан.

— Йўқ!.. Мен чекистларни энг фидойи, давлат ва ватан манфаатидан ўзга манфаатни ўйламовчи, энг ҳалол одамлар деб ҳисоблаганман.

Аммо мен терговчига нима жавоб қилмай, ҳар битта сўзимни аксини айтиб, мендан душман чиқармакка интиларди.

— Яхшиликча миллатчилигингни буйнингга олмасанг, далил ва гувоҳлар билан душманлигингни фош қиласиз, бизларга ишониб, айбингга иқрор бўлсанг, яна такрорлайман, гуноҳинг енгиллашади, терговни тезроқ туталлашга сабаб бўларди... Ўйла!

— Гуноҳим бўлса гувоҳсиз ҳам, далилсиз ҳам тан оламан. Йўқ гуноҳни нимасини ўйлайман! Гуноҳим бўлса айт!

— Миллатчилик фаолиятингни яширасанми?

— Тухмат!

— Қамалган миллатчи, халқ душмани ёзувчилар билан алоқанг-чи?

— Ҳеч қандай миллатчи билан ҳеч қачон алоқам бўлган эмас. Бўлса, айтабер, тан оламан!

— Бизга ҳаммаси маълум. Душман маккор бўлади, дарҳол тан олмайди.

Жавобларимдан жини қўзиган терговчи мендан олдинроқ ҳибсга олинган Ҳамид Сулаймон, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, ака-ука Алимухамедовлар, Маҳмуд Муродовлар билан танишлигим, қандай алоқада бўлганим, қаерларда учрашганимиз ва советларга қарши қандай ғоявий қўпорув ишлари олиб борганимиз ҳақидаги саволларга жавоб беришимни талаб қила бошлади.

Бунга дод дейишдан бошқа илож йўқ. Қаерга қочасан? Нимани ўйлаб, нимани иқрор қиласман.

— Биз ҳеч кимни ноҳақ қамаган эмасмиз. Гуноҳсиз одамлар бу ерга келмайди.

Терговчи менга зуғум билан қаради-да, назоратчими телефон орқали чақириб мени олиб кетишни буюрди.

Мана неча кундирки, якка кишилик камерадаман. Терговчи мени унугиб қўйди. Гуноҳларини обдан ўйлаб олсин, деб чақирмаётгандир балки. Ундей бўлса қайси гуноҳимни ўйлай! Ўзимга-ўзим савол бераман, қилган гуноҳларим бормикан деб ахтараман. Балки унугтандирман...

Бордию кимдир менга бу кўргиликлар бирон пайт ота-онангнинг дилини ранжитганинг, озор берганинг учун деса, уларнинг оёқларига йиқилиб тавба-тазарру қилишга, ҳатто ҳар қандай жазога ҳам рози бўлардим. Аммо ўз ватаним, халқимга эса асло хиёнат қилган эмасман! Агар шундоқ бўлганда ўлимимга рози эдим.

Тақдиримни виждонимга ҳавола қилиб, ўз-ўзимга савол ҳам бериб кўраман. Ахир ҳаётдан, сиёсатдан норози бўлган вақтларим бўлмаганмикин? Бўлганми? Балки шунинг учун қамашгандир?

Қамоққа олиб келгандаридан бери қиши ўтиб, баҳор ҳам кириб келди. Бу орада ердан кўкатлар униб, далаларда лолалар очилдими, дараҳт куртак чиқариб гул ёздими, билмадим, буларни кўришдан буткул маҳрумман. Қушлар овози ҳам мен учун ёт. Мен ёттан қамоқхонага на баҳор шамоли, на кўклам нафаси киради. Қилган қай гуноҳларимга худо ўзининг бу оромбахш неъматларидан мени маҳрум қилди!?

Қани, терговчи айтгандек бошдан кечиргандаримни ўйлаб кўрай-чи... Беайб парвардигор дегандек қайси

гуноҳларимга худонинг қаҳри келдийкин? Отам қори бўлса ҳам гуноҳкорманми? Борди-ю Абдулла Қодирий ёки Усмон Носир асарларини ўқиган айбми? Бундан Совет давлатига нима душманлик бўлиши мумкин? Мени нима айбим бор?

Менга қўйган асосий айбларидан бири — Совет ҳокимииятига душманлигим, Совет турмуш тарзидан, сиёсатидан норозилигим, нолишим эмиш! Душманлик бор, норозилик бор!.. 1930 йилларда одамлар очлиқдан шишиб қирилди. Бунга ким рози бўлади? 1937 йилда бегуноҳ одамлар қамалиб, йўқ булиб кетди. Ким бунга рози бўлди? Ақдимни танибманки, ёшлик чоғларимданоқ ҳамиша бир хавфу хатар билан юрагимни ҳовучлаб, норозилик билан кун кечирганим рост, буни яширмайман. Наҳотки бу душманлик саналса!

Беш-олти ёшларимда кўрганларим адолатсизлик, зўрликлар ҳали эсимда.

Маҳалламизнинг (Маманбей) деган комиссияси бўларди. Ўта муттаҳам одам эди. Ватан уруши йилларида ортиқча зоборний — карточка олиб сотишда айбланиб қамалганча, қамоқда ўлиб кетди. Маҳалла аҳолисининг кўпчилиги бунга қайғурмади ҳам. Ҳатто одамлар орасида: «Қилмиш-қидирмиш, бировларнинг ҳаки қўймайди, битта ёмон камайибди», деганлари ҳам бўлди. Маманбей бировнинг ҳақидан кўркмайдиган, қанчаканча маҳалла кишиларининг 1928—1930 йилларда ноҳақ қулоқ бўлиши, қамалишига сабаб бўлганлардан бири эди.

Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди: 1926—1927 йиллари ҳар кун бўлмаса ҳам бир ҳафта, ўн кунда гарчанд отам домла бўлмаса ҳам эшигимиздан «Қори домла» деб бақириб-чақириб келарди. Маманбейнинг домла сўзига урғу бериб чақириб келиши сабаби мени кўнглимни овлолмасанг, диндор, домла деб қулоқ қилдириш ҳам қўлимдан келади, деган дўқ, таъна маъносида бўларди. Унинг бу ниятини билган отам домла эмаслигини исботлаш учун Чор Россияси давридаёқ эмчи деб берилган шаҳодатномадан тортиб Совет даврида қай район, қай шаҳар, қайси жумҳуриятда қачон, қанча аҳолини эмлаганлиги ҳақидаги ҳужжатларни чиқариб кўрсатарди. Чаласавод Маманбей уни ўқий олармиди, йўқми, бу ҳужжатларни фалон жойга кўрсатинг, деганча бирор нарса ундиrolмай қайтарди.

Аммо ҳафта ўтмасдан яна бирор баҳона топиб, маҳалла фаолларидан бирини ёнига олиб бақириб-чақириб эшиқда пайдо бўларди:

— Болохонани чиқиб кўрмоқчимиз, одам ўтқазамиз.

— Ахир бу одам ўтирадиган жой эмас-ку, на деразаси, на эшиги бор, ўтин-пўтин, хазон-хузон қўйишдан бошқа нарсага ярамайди-ку... — Онамнинг бир чеккада рўмолига юзини яшириб қилган бу жавобига:

— Кўчиб кирадиган одам ўзига қерак нарсани қилиб олади. Ичидаги ашқол-дашқолларни тушириб қўйинглар, — деган совук жавобни қиласади.

Онаминг:

— Қори акангиз бу сафар узоққа, Қозоғистон томонга ишга кетганлар, келсинилар, ундан кейин бир маслаҳати бўлар, — деб қилган ноласига қарамасдаи, «Эртага одам киради», — деганча орқасига қарамай чиқиб кетди.

Тепамизга ким келади? Бизларнинг устимиздан бостириб ким болахонага ўтиб юради? Бу зўравонлик, бу ваҳималардан фақат онамгина эмас, ёш бола менинг ҳам кўнглимда ҳаловат, хотиржамлик бўлмасди. Доимо кўнглимда қулоқ қилинсан ёки домла деб отамни қамашса нима қиласиз, деган ғашлик, қўркув ётарди. Онам эса эшик тиқ этса, Маманбей кимни устимизга кўчириб келяпти деган хавф билан кун ўтказарди.

Бу ғалвадан қутилиш учун кичкина бола ҳам чиқса бўладиган тахта нарвонни отам кимгадир бериб юбориб, ўрнига қўл ушламасдан чиқиб бўлмайдиган ёроч нарвон топиб қўйди. Гўё шу билан болохонага одам кўчириб келиш ташвишидан қутилгандек бўлдик.

Йўқ, бу билан ҳам холамнинг ўғли Убайдуллохон каромат қилиб айтганидек, Маманбейни эшик қоқиб келишидан қутилмадик, унинг айтган гаплари бўлди.

1925—1926 йилларда отам яхши ният билан менинг суннат тўйимга атаб ҳавас билан иморат солдиргани эди. Ўша вақтда ҳовлимизга келган Убайдуллохонга мақтаниб:

— Убайдуллохон, ҳали уйимиз чала, шипларни бўятиб, деворларини ганҷ қилдираман, ўшанда келасиз, — деганда Убайдулла акам:

— Ганч қилиб шипининг панерларини бўятиш эмас, иложи бўлса, панерларини бузиб, тунуканинг ўрнига лой том қилиб кўйинг, замоннинг бу кетиши шу бўлса, болохоналик уй-жойинг бор экан, бой экансан, деб тортиб олиб қўяди. Ўзингизни қулоқ қилмаса ҳам, одам киритади, ҳозирги сиёsat шундай, — деган эди.

Бу қандай замон бўлди, ўз ҳалол меҳнатинг билан топган пулингга кўнглингдагидек орзу-ҳавас қилиб яшолмасанг, бу нима деган ҳаёт бўлди. Бундан ортиқ зўравоилик бўладими?

Убайдуллохон Россиянинг шаҳарларидан бирида 1905 йилда ҳуқуқ мактабини битирган, адвокат бўлган жуда билимдон, замон сиёсатидан боҳабар одам эди. Лев Толстойлар билан хат олиб, хат ёзишган. 1917 йилда Қўқон муҳториятининг раҳбарларидан бири бўлган. (Албатта, Убайдулла акамнинг Қўқон муҳториятининг раҳбарларидан бири экани у ёқда турсин, менга қариндош эканини буларга айтгудек бўлсан, ҳамма айбларни йиғиштириб қўйиб, мени қамаш учун шунинг ўзини дастак қиласди-қўярди.) Орадан бир-икки йил ўтмаёқ, унинг каромат қилиб айтган ҳамма гаплари тўғри чиқди.

Маманбейнинг эшик қоқиб, тури баҳоналар билан келишидан қутилиб бўлмади: ҳали арзимаган қоровул пули, ҳали ҳовли солиқлари тўланган-тўланмаганини текшириш баҳонаси билан пайдо бўлаверди. Тўлаш муддатидан бир кун ўтган бўлса бас: уйимизни тинтуб қилдириб, саңдик, борми, болохонами, молхонами — ҳаммасини остин-устун қилиб фалон муддатгача тўламасанглар ҳаммаси давлатга ўтказилишини тайинлаб, ваҳима солиб кетарди. Куиларни ваҳимада ўтказардик.

У вақтларда сандифингдан уч-тўрт кийимлик мато чиқса бўлди, қулоқ қилиш учун баҳона бўлаверар эди. Онамнинг бирдан-бир ташвиши уйимиздаги китоблар, айниқса Қуръонни у ердан олиб бу ерга, киши кўзи тушмайдиган ерга беркитиш эди. Чунки ўша вақтда саводи бор, ҳатто масжидга чиқувчилар ҳам қулоқ қилинган. Уйимизда Навоий, Бедилдан тортиб Сўфи Оллоёр баёзларигача, Амир Умархон давридаги «Мажмуат-уш шуаро» гача бор эди. Бу китоблар Маманбейнинг кўзига тушиб бошимизга бало бўлмаслиги учун кунлардан бир куни ҳаммасини ҳовлимизнинг бир чек-

касига ўра қазиб күмганимиз эсимда. 1960 йилда ўра қилинган жойни умид билан ковлаб күрдим, тупроқ тагидан китоблар ўрнида ҳовуч-ҳовуч кепаклар олиб йиғладим.

У йиллар шундай бир давр эдики, бутун ҳукуқ Маманбейга ўхшаган китоб нималигини билмаган саводсизлар ихтиёрига бериб қўйилган эди. Ҳатто ўша йиллар «пастдан юқорига кўтариш» сиёсати қўлланиб, оддий ишчими, қоровул борми, раҳбарлик ишларига кўтарилаверганди. Ҳатто мактаб қоровули Қосим ака деган саводсиз бир одамни 1920 йилларнинг охирида мен ўқиган «Шайх Саъдий» мактабига мудир қилиб тайинлаб, бир неча тилларни ва фанларни биладиган Жамил афанди, Яҳё афандиларни эса қувгин қилиб, айримларини қамашганди. Маманбейдекларнинг айтгани айтган, дегани деган замонлар эди.

Илм, маърифат эгалари оёқости бўлиб, умрини чойхонада ўтказган, мактаб, тарбия нималигидан мутлақо бехабар, ҳатто қўл қўйишни ҳам билмаган одамлар иззат-икромда бўлса, ақли расо кишилар бу қандай сиёсат демайдими?

Терговчининг менга Совет тузумидан норозилигинг, душманлик фаолиятинг ҳақида ўзинг айт, деган саволи сабаб бўлиб ёшлиқдан бошимдан кечирган бирбиридан кўнгилсиз, юқоридагидек адолатсиз воқеалар хаёлимдан ўтабошлади. Ахир бу ноҳақликлар кишида норозилик ўйғотадими, йўқми? Ахир отам текинхўр, ўғри ёки савдогар бўлмаса (savdogarlik ҳам гуноҳ, эмас, ахир у ҳам меҳнат), халқнинг болаларини эмлаб, оғатдан сақлаб қолиш учун ҳалол меҳнат қилиб топган пулига болохоналик иморат солган бўлса, хўш, нега энди у қурган тайёр жойга бир бегона одам текиндан-текин кириб яшashi керак? Бу зўрлик эмасми! Бундай адолатсизликка ким рози бўлади? Бундай адолатсизликдан нафратланиш наҳотки совет тузумидан норозилик, жиноят ҳисоблансан!

Кечагина терговчи, отамнинг касбини эмчи бўлган дейиши ўрнига, ўзича қаердандир ўйлаб, домла деб ёзди. Бу ёлғон-ку!

Борди-ю, отам эмчи эмас, домла бўлганда нима бўлибди? Унинг кимга зиёни бор? Диндор одам ёмону, диндан қайтган яхши, ҳукуматга садоқатли бўладими? Ахир эътиқодсизликдан кўра нимагадир

ишониб, эътиқод қўйиб яшаш афзалроқ-ку. Лев Толстой художўй бўлган, диндор бўлган, уни заарли одам деб бўладими? Борди-ю, диндорлар совет кишилари-ни бузади, дейдиган бўлсак, ахир, одамлар ҳам баъзи-лар ўйлаганча, дарҳол ҳар бир нарсага ишониб кета-берадиган даражада содда бўлмасалар керак! Бу олтин эмас, темир деган билан ишониб, темир экан деб таш-лаб кетабермайди. Менимча эътиқодга эмас, эътиқо-дини йўқотган, нафси учун, манфаати учун ҳар кўчага кириб кетаберувчиларга қарши курашмоқ афзалроқ эмасми, деб ўз-ўзимча ўйлардим.

Қамоқнинг якка хонасида ўзим билан ўзим кура-шиб, ўйлаган бу фикрларимни терговчига айтиб бўла-миди? Диндорликда айбламайдими?

Фақат 1920—1937 йиллар эмас, яқин-яқинларда ҳам диний эътиқоди учун, эскича фикрлашда, феода-лизм қолдиги сифатида айбланиб минглаб эмас, мил-лион-миллион кишиларни қамаб, сургун қилганлари ҳаммага аён-ку. Шулар ҳукуматнинг сиёсатидан ро-зими? Эътиқод учун кишини душманга чиқариб бўла-дими?

Ўзи туғилган тупроғидан маҳрум бўлиб, қулоқ қили-ниб Сибирь, Украинаға юборилган бечоралар бу адолатсизлиқдан нолимаганмикан? Тилида айтмаса ҳам дил-дилидан бу сиёsat, бу ҳаётдан рози бўлганми? Ўз меҳнати билан бой бўлиш гуноҳми? Бой бўлса, душ-ман санала берадими?

Ҳақиқатни айтмаслик бу — хиёнат. Аммо айтсанг-чи!.. Ҳаёл сени минг ёқса олиб кетади. Баъзан қанча-лик чидамли, мард бўлсанг ҳам адолатсизлик алами, чирқираб қолган фарзаңдаринг, оиласанг кўз олдинг-дан ўтиб бу хўрлиқдан кўзларингга ёш қуйилиб кела-ди. Қамоқда бирдан-бир ҳамроҳинг ҳаёл-ҳаёл!..

Сенинг бундай узлуксиз ҳаёлларингни фақат ўзи-ни-ўзи осиб қўймадими ёки деворни тешиб қочишни мўлжаллаётгани йўқми, деб назоратчининг дам-бадам темир эшикнинг тутмадек тешигидан қарашигина бу-зади, қамоқда эканингни эслатиб туради. Назоратчи мени нима билан машғул эканимни бир оз кузатгач, эшик туйнукласини очиб, исм-шарифимни сўраб, юк-ларим билан чиқишига тайёрланишимни айтди.

Ё тавба! Юкларим билан қаерга олиб боришмоқчи! Балки уйимдан олиб кетаётганда баъзи нарсаларни

аниқлаб, гуноҳинг бўлмаса, эрта-индин қўйиб юбо-риш ҳам мумкин, биз бир нарса дёёлмаймиз, деганла-ридек, наҳот уйга қайтарсалар! Эй, худо!

Аммо терговчининг, бу ерга бегуноҳ кишилар олиб келинмайди, деган сўзи ёдимга тушди-ю умидларим чил-чил синди. Хўш, энди қаерга олиб боришмоқчи? Уйдан кўтариб келган кўрпа-ёстиқ, яна нималарни дир ўраб туриб, бирданига ўпкам тўлиб кўзларимга ёш келди: хотиним шўрликнинг олти ёшидан худди мен-дек кўрпа-ёстиқ орқалаб юриши кўз олдимдан ўтаберди. Тақдиримиз шўрлигига йиғладим. Унинг поезд-ма-поезд, дарёма-дарё кезиб, қувгинлиқда кечирган азоб-уқубатлари, баҳтсизликлари эсимга тушди-ю ўзимга эмас, маъсума муштипар хотинимнинг тақди-рига йиғладим. Кўз олдимдан унинг баҳтсиз ўтмиши эмас, фожиали бугуни, келажаги ўта бошлади. Наҳот келажаги ҳам ўтмишидек қаро бўлса!

Хотиним билан тўй олдидан танишиб орзу-ҳавас, авлод-аждод, ота-она ҳақида гап кетганда кўзларида милт-милт ёш билан бир неча йилдан бери ота-она-сининг ўлик-тиригидан дарак йўқлиги, олти ёшидан бўён дарбадарлиқда бошидан кечирган ноҳақдиклар, даҳшатли кечинмаларни айтаркан, уни эшитган ин-софли одам шу ҳаётдан рози бўладими?

Кўчиш. Дарбадарлик. Янги қабр.

### Хотинимнинг ҳикояси

1931 йил, ёз. Мен олти ёшли қизалоқ эдим. Бизларни қулоқ қилишди. Тингувдан сунг ҳовли-жой, мол-мулк, от-уловлар мусодара қилиниб, отамларни қай-гадир олиб кетишиди.

Орадан 20 кунларча ўтгач, эрларнинг Украинага жўнатилиши, агар хотинлар эрлари билан кетмай, болалари билан қолишини истаса, қолсин деб эълон қилишди. Шунда ҳалойиқ орасида дод-фарёд кутарилиди. Онам эса мен болаларимни тирик етим қилмайман, эримни қаерга жўнатсангиз мен ҳам болаларим билан бирга кетаман, қандай азоб бўлса ҳам бирга тортаман деб илтижо қилдилар. Айрим оиласлар аж-ралиб кетди.

Бизни нега қулоқ қилишди — ҳаммамиз ҳайрон эдик. Озгина ер, бир сигир, бир от ва бизлар билан

яшайдиган корандамиз Хушвақт ака ва унинг кампидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Биз жўнаб кетишимиз олдида, онам Хушвақт ака — бизнинг уйда қолинг, мусодара қилинган молларимизни эҳтимол сизга беришар, деганларида Хушвақт ака, мен сизлардан ҳеч ёмонлик кўрмаганман, биттагина кетмонимни олиб бўлса ҳам сизлар қаерга кетсангиз, бирга кетаман, деган жавобни қилди. Шу билан Хушвақт ака ҳам кампири билан қулоқ қилинди. Бирга кетдик.

Август. Кун иссиқ. Ҳамма қулоқ қилинган оиласарни Қўйлиқдаги этап қилиш пунктига йифиши. Қариандош-уруглар келишган. Хайрлашув. Кимdir дод-фарёд қилиб ўзидан кетган. Кимdir йифидан ҳолдан тойган. Биз эса отамиз билан бирга жўнаб кетаётганимиздан хурсанд эдик.

Тошкент темирийўл вокзалига олиб келиб, қизил товарний вагонларга жойлашди. Ҳар бир вагонда 2—3 оила жойлашган. Ҳар оиласада камида 3—4 тадан болалар бор. Вагонда фақат биттагина деразага бўлиб, у ҳам жуда кичкина эди. Эшик ёпилди. Эшик тагида иккитадан соқчи қўйилди ва поезд жўнади. Поезд жўнадию гўё ҳамманинг юрагини бирдан узуб олиб кетаёттандек бўлди. Ҳамон йифи-сиги босилмас эди.

Вагоннинг ичи иссиқ, ҳавоси бузук, кўнгилни оздирарди. Поезд катта станциядагина тўхтайди, холос. Шунда соқчилар билан бирга қайнаган сув олиб чиқиши мумкин эди. Ҳожатхона йўқ. Тувак тутгилади. Вагон иссифига чираб бўлмас эди. Тувак поезд юрган пайтдагина деразадан ёки тешикдан тўкилар, сув ҳам етишмас эди. Уни эса тозалаб туриш керак. Шу аҳволда 13 кун йул юрдик. Олинган озиқ-овқатлар қанча тежалмасин етишмас эди. Ҳар куни туш пайтида суюқ балиқ шурва бериларди. Бу шўрвани эса айниқса болалар ичмай хархаша қилишарди. Шу азоб билан Одесса шаҳрига келганлигимиз эълон қилинди. Яна қанча юрамиз — номаълум эди.

Одессадан бизни теплоходга («Пенай») ўтказдилар. Шу даврда кўз оғриқ, ич оғриқ касали авж олди. Дेярли ҳамма болалар кўз оғриқ касали билан оғриган. Қўзларимиз юмилиб, шишиб кетган. Менинг кичкина 3 ёшли Абдулазиз деган укам эса зотилжам бўлиб

қолди. Иситмаси баланд, шайтонлаб қолади. Ота-онам ухламай галма-гал күтариб чиқишиди.

Бир суткадан сұнг теплоходдан Херсон деган ша-харга түшдик. 100 га яқын аравалар (4 гидриакли бричка) келтирилиб, қишлоқларға тарқатишиди. Шу ерда қулоқлар 4 миллатта ажратилди. Қозоқ, туркман, ўзбек, қыргыз. Ҳар бир миллатни алоҳида қишлоқларға олиб кетишиди. Тошкентдан қулоқ қилинганларға отамни бошлиқ қилишди (отам рус тилини яхши гапирап, са-водли зәдилар). Бизга «Ястреб» деган қишлоқни бе-ришиди. 20 оила Ястреб қишлоғига жұнаб кетдик. Биз билан Хушвақт ака ва кампири бирға зәді.

Биз борған қишлоқдаги украинлар Сибирга сурғун қилиниб, уларнинг мол-мулки ва үй-жойлари бизга үхшаб мусодара қилинган экан. Улар бүм-бүш, үй ат-рофларини ўт босиб, ҳатто деразалар зұрга күриналади. Ҳар бир оиласа бир хона ва бир даҳлиз ажратилди. Бизнинг ёнимизга Хушвақт ака кампири билан жой-лашды.

Хушвақт аканинг биз билан кетиши отам учун катта ташвиш зәді. Чунки бир кетмонидан ташқари ҳеч нар-саси йўқ. Үнга бир кигиз, бир кўрпа, бир ёстиқ ва бир кўрпача ажратдик. Үй-рўзғор буюмларидан бизга жуда кам берилган зәді. Ҳагто қозон ҳам биттагина берилган. У ҳам бўлса ўртacha декча зәді. Йўлга олин-ган озиқ-овқатлар поезддаёқ тугаган. Отам икки-уч эркак билан Птаховка деган қишлоққа овқат қидириб кетдилар.

Укамнинг аҳволи оғирлаша бошлади. Онам эр-та-ю кеч укам билан оворалар. Доктор йўқ. Бегона юрт. Учинчи куни ниҳоят отам Птаховқадан бир док-тор топиб келдилар. Дори берди. Лекин фойдаси бўлма-ди. Ниҳоят олтинчи куни кечаси вафот этди. Бутун қишлоқ, аҳолиси йиғилди. Эрталаб дағн қилинди. Үнга бир сиқим она тупроғи насиб этмади. Биринчи қабр пайдо бўлди. Шу жой мусофиirlар мозори деб аталди. Мусофиirlар мозорига биринчи бўлиб менинг укам Абдулазиз қўйилди. Бу биз учун жуда оғир кун бўлди. Гўрков ҳам, ювгувчи ҳам йўқ. Хушвақт ака эса шу мозорга қараб турадиган бўлди. Укамнинг қабрини Хушвақт ака ўзи қазиб, ўз қўли билан қабрга қўйди. Шундай қилиб бизнинг мусофиirlар шахридаги оғир ҳаётимиз бошланди.

Орадан б ойча үтгач Хушвақт ақанинг кампири Саври хола ҳам вафот этди. Саври холани укамнинг ёнига қўйдилар. Шу-шу Хушвақт ака мозордан чиқмай қолди.

Биз билан кетганлар ичида Амирсаидовлар оиласи ҳам бор эди. (Улар ҳозир ҳам бор.) Улардан Амирилахон, Ҳамидхон акалар 3—4 тилни биладиган ўқимишли кишилар эдилар. Тез орада ҳаракат қилиб мактаб очиб, ўзлари шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашди. Амирилахон ака немис, француз, рус тилидан дарс берар, Ҳамидхон ака эса (ҳозир 85 ёшда) она тили, адабиётдан дарс бера бошладилар. Қулоқ қилинганлар 3000 хонадон бўлиб, улар жанубий Украина районларида пахта етиштириш ишига сафарбар қилинди.

Биз яшаган ерда ёз майин бўлса ҳам қиши қаттиқ келаркан. Қор бўрони, шамоллар. Ўрта Осиё шароитида яшаб, юпун юришга ўргангандан халқ орасида совуқда юз руҳларини, оёқ-қўлларини совуққа олдирганлар кўп эди. Ёқиғи топиш қийин, уйни иситиш азоб (печларга похол ёки тиконли ўтлар ёқилар, уни кетма-кет ёқмаса совуб қолар эди). Шу қийинчиллик йиллари касалликлар, айниқса зотиажам кўпайиб, кўпларни олиб кетди. Мусофирлар мозоридаги қабрлар сони ҳам тобора кўпаярди.

1933 йил баҳори оғир келди. Очарчилик бошланди, толиқиб чиққан халқ баҳорда ҳолдан кетиб очлиқдан қирила бошлади.

Шунинг учун отам отхонага ишга кирдилар. У ерда отларни боқиши учун бериладиган кепак билан бир амаллаб, ўлмай ёзга чиқдик. Аммо, айниқса, қозок, туркманларга қийин бўлди. Уларда на бирор бисот, на тилла, на кумуш бор эди. Улар шўра ўтни қайнатиб еб, шишиб ёппасига қирила бошладилар. Қишлоқ аҳолиси жуда сийраклашиб қолди. Кунда ўнлаб ўликлар кўмилар эди. Шу оғир кунлардан бирида бизга ҳамроҳ бўлиб қолган Хушвақт ака ҳам тиф касали билан вафот этди. Отам уни кўмдилар, борича маъракаларини ўтказдилар.

Очлик, қимматчилик аста-секин қаҳатчиликка айланди. Пулга ҳам нарса топиш қийин бўлиб қолди. Шу кунларда Гортгин деган магазин очилди. Унда тилла ва кумушгагина қанд ва ун берар эди. Ойимларнинг келинликларида олиб қўйган зирак, узуклари шунда

жонимизга ора кирди. Уларни Торгсинга топшириб ун ва қанд олдилар. Бу ҳам қанчага етарди? Бисотда бори тамом бўлди.

Бизнинг ёнимизда отамнинг Ортиқов Кўшоқ ака деган яқин ўртоқлари бўлиб, унинг хотини, уч ўғли ва бир қизи бор эди. Қийинчилиқда хотинлари, сўнг қизлари вафот этди. Уч ўғил билан Кўшоқ ака қолди (Ортиқов Абдурахмон — хозир Тошкент давлат Политехника институтининг профессори, фалсафа фанлари доктори, Ортиқов Абдурахим — халқ хўжалик институти доценти, иқтисод фанлари номзоди, Ортиқов Абдуллалар эди).

Кўшоқ ака болаларининг очликдан нолишига чидаёлмай, арпазордан ярим килоча арпани болалари учун олиб келаётганда қоровул ушлаб қамаб қуяди.

Суд қилиниб ун йил қамоқقا ҳукм қилинади. Ун йил-а! Ун йил эмас, узи бу очликдан ҳали омон қоладими, йўқми, худо билади. Бундан ташқари, очликдан шишиш даражасига етган бу уч бола отадан кейин кучада қоладиган бўлди. Отам ўзбекларнинг ичида рус тилида ёзиш ва гаплашишни биладиган одам бўлгани учун турли жойларга ариза ёзиб, Кўшоқ акани жазодан қутқариб қоладилар.

(Бир оиланинг бошидан кечган бу даҳшатли воқеаларни қамоқда хаёлдан ўtkазиб, шунча хўрлик, шунча очликни бошидан кечирган бу авлод вояига етганда ҳаётдан рози бўлармикан? Бевақт очликдан ҳалок бўлган ота-оналар, гўдакликда дунёдан кўз юмган азиз жигарларининг алами унтуилармикан, деб ўйлардим.)

1935—1936 йиллар тўйиб ион ейдиган замон бўлди, деб хотиним ҳикоясини давом эттириди.

Очарчиликлар ортда қолиб оғзимиз энди ошга текканда, насиб этган бу қувончлар ҳам узоқقا бормади. 1937 йилда ваҳимали гаплар тарқала бошлади. Бу ваҳимали мишиш-мишлар тез орада ростга айланиб, қулоқлар ичидан энди ҳалқ душманини излаш бошланди. Қулоқлар оиласидаги илмли, маърифатли кишилар, бизнинг яхши ўқитувчиларимиздан Амириллахон ака ва у кишининг укаси Ҳамидхон акани ҳалқ душмани деб бир кечада олиб кетдилар. Қаерга, нима учун олиб кетганлиги ҳақида ҳеч хабар бўлмади. Амириллахон аканинг беш боласи бўлиб, ҳаммаси ёш эди. Хотинла-

ри нимжон, ишга яроқсиз. 70 ёшли оналари вафот этдилар.

Отам ҳам доим хавфда юрар эдилар. Кечалари қора машина қишлоқда пайдо бұлар, яна кимнидир олиб кетар эди. Қама-қама 1940 йилларгача давом этди.

1941 йили бошланған уруш, айниқса бизлар учун оғир бүлди. Уруш бошланиши билан қулоқ бүлган эркаклар, шу жумладан отамни Ақмолинскка ишчи батальонга олиб кетишиди. Бу вактда акам билан мен Тошкентда бұлиб, Украинада туғилған синглім онам билан немислар құршовида қолишиди. Бир неча йил отамдан дарап бүлмади.

1944 йил Днепр немислардан озод қилингач, онам ва синглім билан эвакуация қилиниб, кузда Тошкентта келишиди. 2 ой оғир ахводда йүл юрдик. Онам оёқларини совуққа олдирған бұлиб, шу касал билан вафот этдилар. Отам бұлса Құшоқ aka Ортиқов билан Ақмолинскка кетганча очлик ва ишнинг оғирлигидан вафот этганлар!

Бу шүринг құрғурларнинг гунохлари нима эди?

Хотиним шүрлікка туғилғанидан бери бошига түшінгін азоб-уқубатлар етмагандек, энди мендан айрилиш азоби, икки болани бокіб үстириш мاشаққати қолғанмиди? Даҳшатли бу үйларимни қамоқ, назоратчisinинг юкларингни құтар, қани чиқ, деган буйруғи бузиб юборди.

Терговчининг сен ҳаётимиздан нолигансан, менга қайпули шеърлар ёқади дегансан деб құйған айномасыга жавобан бу гапларим ҳақми, туҳматми, мендан эмас, йигирманчи йилларнинг охирида бегуноқ, қулоқ қилиниб, үз юртидан жудо бүлган, хазондек түзіб, 1932—1933 йилларда очлиқдан күчаларда шишиб үлгандардан сұра! Йүк, фақат булардан эмас, 1937 йилларда қатл этилган минглаб, миллионларнинг фарёд урган рухларидан, тирик етим қолған фарзандларидан сұра, улар розимикан? — дегім келарди. Аммо айтиб бұлармиди?

Борди-ю бу гапларимга ишонмасанғ, бундай азоб-уқубатлар, ноҳаққыларни үз бошидан кечирған хотинимдан сұра, дегудек бұлсанғ үша куни хотинингни ҳам халқ душмани деб ёнингга олиб келишлари мұқаррар әди.

Бундай гапларни айтиш терговчининг кўнглидаги ишни қилиш бўларди. Ўша куниёқ қўйган бутун айбларимизга ўзи иқрор бўлди, деб терговни тутатади. Судга оширади. У эса муддатидан илгари терговни туттагани, маҳорати учун яна бир юксак даражага ҳам эга бўлади.

Юкимни кўтариб қамоқхона ҳовлисида кутиб турган «Черный ворон» машинасига чиқдим. Энди қаерга олиб боришлоқчи? Хаёлларим қарор топгунча ҳам бўлмай, машина икки-уч дақиқали масофани босмасдан тўхтаб, яна қандайдир темир дарвазанинг кўнгилсиз шарақлаб очилиб-ёпилиши эшитилди.

Юкларимни орқалаб, машинадан тушдим. Милтиқ туттан назоратчининг қўлингни орқага қил, тўхта, ат-рофга қарама, бу ёқса юр, деган буйруғи остида ертўлага тушдим. Бу ертўла икки ёғи темир эшиклардан иборат узундан-узоқ қамоқхона эди. Мени бир хонага киргизищи.

Тавба, инсон табиати шу қадар ажойибки, камерага кириб, унда ўтирган бир-икки маҳбусга қўзим тушиши билан, қамоқ азоблари бир дам унугтилиб, кўнглимда кутилмаган қандайдир равшанлик пайдо бўлди. Бу ёлғизхонадан чиқиб одамлар билан учрашганимданми ёки қоронги тор хонадан кенгроқ хонага ўтганимданми, билмадим, шу заҳоти хаёлимдан озодлик вақтимда эшиттаним кулгили бир ривоят ўтди:

### Р и в о я т:

Бир бечора камбағал дехқон бола-чақа, мол-жони кўпайиб, уй-жойи торлик қилганидан доимо нолир экан. Бунинг ноласини эшиттанилардан бири, уйим кенгайсин десанг чораси осон: шу бутуноқ кечқурун болачақсанг билан ётадиган уйингни бир чеккасига сигир, бузогингни боғлаб, худога нола қиласан. Эрталаб қарабсанки, кеңг уйининг эгаси бўласан-қўясан, дебди. Дехқон айтганин қилибди-ю, аммо ҳеч нарса ўзгармабди.

Дехқоннинг уйини кенгайтиromoқчи бўлган одам буни эшитиб, энди сигирингни ёнига эчкинг билан қўйингни олиб кириб боғлаб, худога муножот қиласан, ана шунда мақсадга эришасан, дебди. Дехқон буни ҳам қилибди. Аммо ҳеч нарса ўзгармабди.

Деҳқонга ваъда берган одам, буни эшишиб, энди ҳовлингдаги товуқларни ҳам уйингнинг бир чеккасига олиб кириб ёт, дебди. Умид билан сигир-бузок, қўй, эчкининг устига товуқларни ҳам олиб кириб, азонгача бу тор-танқислиқдан қачон қутуламан, деб нола қилибди. Аммо тонг отиб, кун ёришибди ҳамки, ҳеч нарса ўзгармабди.

Бундан ғазабланган деҳқон шурлик бояги ваъда қилган одамни топиб, воқеани баён қилган экан, у эса:

— Энди бугундан бошлаб бирма-бир сигир билан бузофингни, эртасига эчки билан қўйингни, ундан кейин қарабсанки эски тор уйингнинг олдида катта сарой пайдо бўлади, дебди. Деҳқон унинг айтганини қилиб, бир кун сигир билан бузогини, эртасига қўй билан эчкисини, ундан кейин товуқларини олиб чиқиб қараса, уйида ўнлаб одам яшаса бўладиган жой қолибди. Буни кўрган деҳқон, ҳайвоnlар билан ётишдан қутулганимга шукур, бўлди, бошқа уй керакмас, шу уйимнинг ўзи ҳам етади, энди нолимайман, деган экан.

Худди шунга ўхшаш мен ҳам эни бир газлик яккахонадан қутулиб икки-уч одам турадиган хонага кирганимдан кейин, бу қўзимга кенг ҳовлидек кўриниб кетди.

Камерада маҳбусларнинг бири 70—80 ёшлардаги серсоқол яхдий домласи, бири 1937 йилда ҳалқ душмани бўлиб ўн йиллик қамоқ ва беш йиллик сургун муддатини Калимада тугатиб қайтгач, қайтадан қамалган 40—50 ёшлардаги Раим исмли собиқ партия ходими экан. Буларнинг кимликларини билгач, аввалига мен ўзимни бутунлай бегуноҳ, уларни эса душман санаб ишончсизлик билан жирканиб қарай бошладим. Чунки кимки ҳалқ душмани бўлиб қамалган бўлса, суриштирмай уни душман деб санаш бизларнинг қонимизга сингиб кетганди. Аммо суҳбат давомида эса уларнинг бирортаси ҳам ўзларини совет давлатига душман деб санамасдилар. Худди мендек улар ҳам ўзларини бутунлай бегуноҳ, деб билардилар.

Мен ўзим кимлигим, қачон қамоқقا келганлигим ҳақида улар берган саволларга жавоб бергунимча бўлмай, эшик очилиб ниҳоятда баланд бўйли бир маҳ-

бус кириб келди. Бу Гитлер армиясига асирга тушган Лоран исмли совет немиси эди. У кириб келиб ўз темир кароватига ўтириди-ю, гап-сўзсиз шошилганча халтасидан бир неча чақмоқ қандни алюмин кружкага солиб, суви қочиб, қотиб қолган нон билан ея бошлади. Маълум бўлишича, гуноҳларини бўйнига олмаганлиги учун карцерга ташланиб, ҳафталаб ухламай, очиқиб ҳозир чиқиб келиши экан. Бир оз тамади қилгандан кейин бир ойдан ортиқ нон-сувга чида, қуруқ тахта устида ёттанидан нолиш ўрнига ўша ерда озми-кўпми ухлаб, кўзини илинтириб олиш имкони бўлганидан мамнун бўлиб гапирди. Айтишича, йигирма кун уйқу беришмаган. Кечқурун терговга чақиришгандан то тонггача уйқу бермай икки терговчи галма-гал, алманиб сўроқ, қилиб, тоңг отар олдидан, уйқудан туришга бирор ярим соат қолганда жавоб бериб, кўзини илинтиришга улгурадими, йўқми, яна кундуз куни уйқу бермай, ўтиришга мажбур қилишарди. Кечки уйқу вақтида энди ёстиққа бош қўйиб ухлай бошлиши билан асабларини азоблаш мақсадида яна терговга олиб чиқиб кетавердилар. Бу аҳвол ҳафталаб, ойлаб давом этган. Лоран нимадир демоқчи бўлган эди, шу пайтда қамоқ мухитида бирдан-бир чехрасини очиб, маҳбусларни одам ўрнида кўрадиган, уйдан юборилган нарсаларни тарқатиб юрадиган, маълум миқдордаги пулга терговчининг ижозати билан тамакими, нонми, колбасами олиб келадиган Машанов эшик очиб нима олишимизни сўраб қолди. Лоран унга бир кило гўштга етарли пули борлигини айтиб, хом гўшт буорди. Атрофдагилар бундан таажжуубга тушганини кўриб:

— Мен асирикдан қутулиб келганимдан кейин Чирчиқ шаҳрига юборилдим. Заводга ишга кирдим. Рус аёлига уйландим. Унинг уй-жойи, каттагина ери бор экан. Товуқ-хуроз қилдим, чўчқа боқдим. Чўчқани сўйган вақтимда, қонини бекор кетказмай ичардим. У кишига жуда қувват бўлади. Айниқса қамоқ шароитида хом гўшт пиширилган гўштдан фойдалирок, — деди.

Унинг гапларидан этим сесканиб кетди.

Мен яхудий домлани қаердадир кўрганлигим, қаердалигини ва кимларнинг танишлиги ҳақида сўраган эдим, жавоб беришни истамади. Бу ерда танишлар-

пинг номини айтиш ҳам хатарли экан. Чунки, номини айтган одамни ҳам ҳалқ душмани билан алоқада айблаб қамашларига имкон түгдирган бұлардик. Ёки аксина, сен таниган одамларингдан бирортаси илгари ёки шу күнларда қамалған бұлса, бу ҳам сенга битта айбнома бұлиши табиий. Бундан ташқари қамоқда маҳбуслар бир-бирларига ишонмасдилар. Чунки сир олиш учун қамалғандардан ёлланған одамлар камераларга киритиларди.

Ұзимни бутунлай бегуноқ ҳисоблаганligim туфайли мени — совет шоирини немис солдати билан бирдей күриб, бир хонага қўйилишим мени умидсизликка тушириб, руҳан азобларди. Гуноҳим шунча жиддийми, деб ўйлардим. Немис солдати билан хонада ҳамтовоқ бұлиш тасаввуримга сифмаган нарса эди. Наҳотки мен ҳам ана шу немис солдати, 1937 йилда ҳалқ душмани бұлиб қамалған Раим aka ёки яхудий домласи даражасида гуноҳкор саналсам! Додингни кимга айтасан! Наҳотки шулар билан тақдирим бир бұлса!

Уша кечаси Лоранга уйқу беришдими, йўқми, билмадим, ётар олдидан мени терговга олиб чиқиб кетиши.

### КУТИЛМАГАН ҰЛИМ

Давлат хавфсизлиги комитети қамоқхонасида үтирганимга мана бир неча ойлар бұлды. Тақдирим нима бұлади — ҳеч нарса маълум эмас. Бу хусусда на мен ва на бу қамоқда ётганларнинг бирортаси бир гап айтолмайды. Бу даргоҳда ҳамма нарса сирли. Дүниёда нима кечяпти — ҳеч ким ҳеч нарса билмайды. На радио, на газета!.. Құшни камерада ким бор, ким қамалған — уни ҳам билмайсан. Аммо ҳамма үтиргайлар битта нарсаны биларди. У ҳам бұлса үзининг гуноҳи йўқлигини. Мен билан үтиргайларнинг бирортаси, ҳақиқатан ҳам билиб-бilmай мана шундай гуноҳни қилғанман, үзимдан ҳам айб үтган деган афсусни айтmasdi. Аммо шунга қарамасдан ҳамма ўз билгани, эшиттанини гапиради.

— Бу ерга қамалғандарнинг ҳеч бири омон чиққанми?

— Душманлар ҳам бұлған-ку?

— Сен үзинг душманмисан? Душман бұлиб нима қилғансан?

— Бу ерга олиб келишдими, гуноҳинг бўлиши шарт эмас. Отмаса ҳам, 25 йил бермаса ҳам, жуда бўлмаганда беш йил, ўн йилсиз чиқармайди. Масалан, мен мана ўн йил лагерь, 5 йил сургунда бўлдим, нима душманидим? Мутлақо! Бу ернинг қоидаси шу, сени олиб келишдими, тамом.

Ўзимни гуноҳсиз билиб, дунёда ҳақиқат бўлса чиқиб кетарман, деган умид билан яшаётган мен учун бу гапларни эшитиш жуда даҳшатли эди. Аммо ўн йиллаб лагерма-лагерь, қамоқма-қамоқ, сургунларда умр ўтказган бу одамнинг гапи, қанча ваҳимали бўлмасин, ҳақиқатга яқин эди. Ноҳақ қамалган минг-минглаб одамлар билан бирга йиллаб кун кўриб, уларнинг тақдири нима бўлганини, ким қандай айблар билан айбланса, қанча муддат берилишини ҳам билиб қолган эди. Лекин шунга қарамасдан ҳамма ўз билган, эшигнларини бир умид билан айтарди.

Бири суд қилингандан «Особое совещание» («махсус кенгаш») бўлгани яхши, чунки у ўн йилдан ортиқ беролмайди, суд эса 5 йил ҳам, 25 йил ҳам бериши, ҳатто отишга ҳукм қилиши ҳам мумкин, ҳарҳолда, нима бўлса ҳам маҳсус кенгаш ишингни кўргани дуруст деса, бошқа бири маҳсус кенгашнинг ўн йили эмас, ҳатто беш йилидан суднинг 25 йили афзал, чунки суд ҳукм қилгани муддат битса, бўлди, чиқиб кетасан, тугиб туролмайди, аммо маҳсус кенгаш орқали ҳукм қилинган бўлсанг умринг қамоқда ўтиши ҳеч гапмас. Муддатинг битса, сени бир сабаб билан ишингни қайта кўриб қўшиб қўя беради, — дерди.

Бундай гапларни мен биринчи эшитишим. Ўзимча, ахир, қонун, адолат, ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ қилалигани одам наҳотки бўлмаса, деб айтгим келарди-ку, аммо буни ҳам баъзилар хукуматнинг сиёсатидан ноҳозилик деб тушуниб, айблашидан чўчиб индамасдим. Деярли ҳар куни шу гап. Қамоқда ўтирганларнинг шундан бошқа нима дарди касали бўлиши мумкин?!

Ҳаммаси ваҳима гаплар.

Наҳотки менга ҳам 25 йил берсалар!.. Мени ваҳима босган эди.

Аммо Райим ака бундай гапларни эшита бериб, эти қотиб кетганиданми, худди қамоқ, сургун унинг учун оддий нарсадек, менинг ҳолатимни ҳам ҳис қилмасдан, «бу ерга келдингми, ўн-ўн беш йил муддат ол-

масдан чиқиб кетиб бўлмайди», деб, яна гапининг тўғрилигига ишонтириш учун далиллар келтириб гапира беради. У мендан: — Тожихон Шодиева деган аёлни энгитганмисиз? — деб суради. Мен у аёлни шахсан танимасам ҳам 37-йилларда халқ душмани булиб қамалган деган овозасидан хабардор эдим. Аммо халқ душмани бўлган одамни танийман дейиш хавфли, хатарли саналгани учун, ҳам, йўқ ҳам демасдан гапира беринг дегандек қарашиб қилдим.

— Мана шу хотин ҳозир Калимада. Ўн йил муддатини тутатди. Қамоқдан чиқди. Хоҳлаган жойингта кетишинг мумкин дейишиди. Аммо мен Тошкентта хурсанд бўлиб қайтдим-у, у қайтишини истамади, ўша ерда дарё портида ишга кириб қолди. Нега? Туғилган юртини соғинмаганми ёки кечганими? Эй, ким ўз туғилган юртини соғинмайди, ундан кечади. Тожихон балони биладиган хотин эди. Ўзи эмас, ҳатто менга ҳам Тошкентта қайтишини маслаҳат бермаган эди. У ҳукуматнинг юксак идораларида ишлаган, сиёсатини тушунган хотин эди. Абдурайим, Тошкентта боришни орзу қилсанг, билиб қўй, үрганган бу жойингдан ҳам ажраб қоласан. Бир марта халқ душмани номини олдингми, бўлди, сени омон қўйишмайди. Бир баҳона топиб яна қамашади ёки бошқа ёқларга сургун қилишади, деган эди, мана айтгани бўлди. Мен унинг гапларига ишонмай, бола-чақани бир кўрсам, армоним йўқ, нима, бу хотин пайғамбарми, деб шубҳа билан қараган эдим, у эса балони биларкан, яна нима деди денг: — Мен бу гапларни ҳаводан олиб айтиётганим йўқ, тарихнинг сабогидан олиб гапиряпман. Йигирманчи йилларнинг бошларида озмунча зиёлилар, ҳукумат раҳбарлари душман деб үлимга, айримлари сургун, қамоқларга ҳукм қилинмади. Хуш, нима бўлди? 30-йилларга келиб сургун қилинганлари қайта қамалди, қамоқдагилари эса отилди. 30-йилларнинг бошида қамалганлар қамоқдан чиқарилмай 1937 йилда қайтадан душман саналиб, отиб ташланди. Сен билан бизнинг тақдиримиз ҳам шундай. Халқ душмани деб номимиз бир қора бўлдими, энди ҳукумат бизга ишонмайди. Отиб ташламаса ҳам қувилганимиз қувилган! Тожихон бу гапларни каромат қилгандай айтган экан, тўғри чиқди. Мана, қамоқнинг ҳам, сургуннинг ҳам муддатини ўтадим. Бирор гуноҳим йўқ, нимага қамаш-

ди? Тошкентта келиб кўрган роҳатим бир неча ой ҳам эмас, бир печа кун бола-чақамнинг олдида бўлиб дийдорини кўрганим бўлди. Ҳали тўйганим ҳам йўқ, мана, яна қамашди. Тақдирим энди нима бўлади?

Гапини давом эттиrolмай, хўнграб йиғлаб юборди. Шўрликнинг асаблари тамом бўлган эди.

Унинг аҳволини кўриб, гапларини эшитганимдан кейин, мени қанчага қамайдилар деган ташвишни ўйлашдан ҳам кўра, бу адолатсизликларга қарши қандайдир нафрат, тақдирга тан беришдек қандайдир журъат пайдо бўла бошлади. Унинг бу гапларини эшитган маҳбуслар, гарчанд ўзларининг мутлақо айбисиз эканликларини билсалар ҳам ойлаб, йиллаб давом этган тергов азоблари, зўрлаб қўйилган айбномалар оқибатида бу ердан эсон-омон, эрта-индин, ҳақ жойига қарор топиб, кутулиб чиқиш эмас, худонинг марҳамати бўлиб, камроқ муддат олиш, 5 йил, 10 йил бўлса ҳам бир кун бола-чақа билан ўлмай қайтадан дийдор кўриш насиб бўлиши ҳақида ўйлардилар. Тақдирга тан бериб қолгандилар.

Аммо-лекин мен буни тан олиш эмас, ўйлаб-ўйлаб бундай бўлишига кўнига олмасдим. Терговчилар қанчалик зўрлаб асоссиз гуноҳларни бўйнимга қўймасин, 10 йил, 25 йил у ёқда турсин, ҳатто қамоқда ётишим мумкин эмас, менда гуноҳ, йўқ, эрта-индин мени чақириб, сен озод бўлдинг, дейишлари керак деб ўйлардим. Ахир, менинг гуноҳим нима? Сен динаор, динни тарғиб қилгансан деб қамасалар, ахир, мен Бурихов-дек домла ҳам эмасман! Ёки бўлмаса, қўлтифи тагига нина билан «эс-эс» деб ёзилган немис солдати Лоран ҳам эмасман-ку! Ахир, немис фашистларининг устидан ғалаба қилингандა, уни қувонч кўз ёшлари билан қаршилаб, ғалаба шаънига ҳамду санолар тўқиган шоиrlардан бири мен эдим-ку! Наҳот энди ўзим нафралаган, ўз қариндош-уругларимнинг кушандаси бўлган фашист солдати билан тенг қилиниб, ҳамтовоқ бўлиб, бир хонада тенг нафас олишга муносиб кўрилсам. Наҳотки, гуноҳим шуичалар оғир! Наҳотки, мен шунчалар душманлик қилган бўлсам!

Баъзан бу хаёллар билан дод-фарёд солиб, қамоқ эшикларини уриб парчалаш эмас, ўлимимга рози бўлиб кетардим. Ҳатто баъзан алам кўз ёшлари тирқираф оққанини сезмай қолардим.

Шунда Лоран:

— Мен фашист Германиясидан асир тушган «эс-эс» солдатиман. Гарчанд асиригимдан бошқа бирор гуноҳим бўлмаса ҳам, бирор зарарим етмаган бўлса ҳам немис солдати бўлганим учун гуноҳкор қилса, бирор нарса дёёлмайман. Аммо сени, чет эл разведкачиси бўлмасанг, совет шоири бўлсанг, унга қарши ёзилган асаринг бўлмаса, нега душман деб қамашди? Унинг устига ёш экансан. Ташвиш қилма, сени чиқарив юборишар, — деган таскинни берарди.

Райим ака ҳам нимадир демоқчи эди, аммо камерага ниҳоятда дарғазаб сўкиниб кириб келган бир оёғи йўқ, инвалид рус йигити гапни бўлди. Саломалик, ҳол-аҳвол сўраш йўқ, оғзига келган ҳақорат сўзлар билан ҳаммани ота-онаси қолмай, астар-пахтасини ағдариб сўкинган ҳолда маҳорка ўрай бошлиди. Жаҳд билан ўраётган маҳорка қоғози йиртилиб, ерга тўкилди. Кўлида қолганини ғазаб билан ерга урди. Худди мен билан эски танишдек, сан-санлаб, чекасанми, тортадиган нарсангдан ол, — деди.

Бир камерадан иккинчи бир камерага кўчириб киритилган маҳбус ўз кўрпа-ёстифи, жуда бўлмаса, бирор тугуни билан киради. Бунда қўлтиқтаёқдан бошқа нарса йўқ, на бир емиш, на кийим-кечак. Мен маҳорка узатдим.

Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман. Бу қамоқда маҳоркадан бошқа на сигарет, на папирос чекиши имкони бўлмади, чунки уйдан келтирилган папирос-у сигареталарнинг ҳаммасини ичидан бирор хат, бирор заҳарли ёки портловчи нарса борми деган шубҳа билан бурда-бурда қилиб, текширувдан ўтказиб берилади.

У мендан олган маҳоркани қўлига олиб, раҳмат ўрнига сансанлаб, сен кимсан, бу ерга қачон тушидинг, — деган гапи бўлди. Мен шоир эканимни, бир йилдан ошиқ вақтдан бери ётганимни айтдим. Яна у маҳоркани ўраб сўкина бошлади:

— Сен шоир экансан, сен ҳукуматта душман бўлишинг мумкин. Сен илмли одамсан. Мен-чи, сука, лаънати, онангни палон қиласлар, кимман! Мен бир ўгри, безори бўлсан, қандай қилиб мен сиёсий маҳбус бўлиб қолдим. Мен ўғриман, ҳа, ўгри, блатнойман! Ўғрилигимни яширмайман. Бугун ўғрилик қиласман, ейман, ича-

ман. Эртасига құлға түшсам, КПЗга олиб боришади. Мен КПЗ нималигини тушунмаганимни сезиб: — Қамоққа биринчи тушишинг бұлса керак, КПЗ нималигини ҳам билмайсан, КПЗ дегани камера предворительного заключения (вақтингча ҳибсда туриш хонаси). КПЗ мен учун үз уйимдек гап. Савдогар, бойваччаларга уйдан олиб келинган ёғлиқ овқат, ичкилик борми шерик бұлардим. КПЗ — мен учун текин овқатхонадек гап. Бир йил-икки йилга ҳукм қилиб лагерга юборса, бир оёғим йүқ, ишламайман, савдогар, колхоз раислари борми, уларга келган овқатларга шерик бўлиб, текин овқат еб, ичкилик ичиб, наша чекиб яшай берардим. Мени бошқалардек орқамда қолган бола-чақам бўлмаса, лагерь мен учун иккинчи үй эди. Бу ер-чи! Бу қамоқ, эмас, жаҳаннам-ку! Сука! Бу ерда хоҳлаган вақтингда истаган передачангни ололмасанг. Ичкилик ичолмасанг, ашула айтиш у ёқда турсин, бир-биринг билан овоз чиқариб сўзлашолмасанг, карта, шеш-беш үйнамасанг! Кундузи ухлатмаса. Бу ерда бир ой ётгандан кўра отиб юборса розиман. Фашистлар! Сука! Тавба, ҳатто ёстиққа суюнолмайсан, дарров дарчани очиб, ёнбошлама, деб танбех беради. Мени отиб юборса розиман. Икки ойдан бери суд ҳам қилмайди, лагерга ҳам жўнатмайди. Мен сиёсий маҳбусмишман! — У үзича кулиб: — Биласанми, биродар, менга нима айб қўйишган! Мен террорист эмишман. Фақат куласан, сука! Қанақа террорист! Айбим, мастилик билан трамвайдә Сталинни сүкканиммиш! Нима деб сүкканман, үзим ҳам билмайман. Шунинг учун мени сиёсий маҳбус, ҳалқ душмани деб олиб келса... абраҳадар! Қанжиклар! Қани, биродар айтичи, менга қанча беришар экан?..

Мен нима дердим. Үз хаёлим билан үзим банд эдим. Жавоб бергунимча ҳам бўлмай гапира кетди:

— Ҳақиқий шоир Есенин эди! Халқни ҳам, үғрини ҳам үйларди. Сенлар Сталинни мақташдан бошқа нимани биласанлар? Гапиришга ҳам қурқасанми? Сенларни ҳаммангни қамаш керак... Ҳафа бўлма, оғайнини, ҳамманг бичилгансан. Анави камерада бир жид, яҳудий хусид (яҳудий домласи) билан ўтириб қолибман. Юрагимни ёриб юборай деди. Бўғиб үлдиргим келди. Фашимга тегиб, пичирлаб дуо ўқищдан бошқани билмайди. Нега сен ҳам индамайсан? Есенинга ушаб блотной, таскин берадиган шеър ўқисанг-чи!

Мен унинг гапларини эшишиб, ўзимча ўйлардим: Есенинча шеър ёзишмиш! Таскин берадиган шеър ўқишишмиш! Табиат ҳақида ёзган шеърларимдан хато излаб, ғоясизлиқда айблаб ўтиришибди-ю, бунга Есенинча ёзилган шеърларимдан ўқиб берармишман! Мен унинг гапларини жим тингладим. У эса бундан ғазабланиб: — Мен дўзахга келиб қолибман, тўғрими? — дерди.

Мен унга нима дердим? Уни куйиб-ўртанишлари тўғри бўлса ҳам Сталинни сўкиб турган одамнинг гапларига қўшилишиб бўлармиди? Аввало бунинг ўғри эканига ҳам ишониб бўлмайди. Балки гап олиш учун киргандир. Чунки хоналардан хоналарга гап олиш учун маҳсус одамлар қўйилади. Қамоқда ётганлар ҳам бирбирларига ишона бермасди.

Менинг жавобимни кутмасданоқ бирдан жазаваси тутиб, икки муштлаб темир эшикни уриб, оғзига келган ҳақоратлар билан қамоқ назоратчисини чақира кетди. Прокурорга шикоят ёзиш учун қалам билан дафттар талаб қилди...

Бу орада мени терговга олиб чиқиб кетишиди. Кечқурун соат 7 да суроққа чиққанимча, ухламасдан тонг отарда қамерага қайтдим. Ҳамроҳим йўқ эди. Кровати бўш. Тўшак, ёстиқлари ҳам олиб чиқиб кетилган. Нима гап? Мени эса қўшни камерага кўчиришиди.

Бу камерага киришим билан, у ердагилар, мендан қайси камерадан ўтганимни сўраб билишгач, кечаси билан бу камерада ғала-ғовур бўлгани, кимдир ўзини-ўзи ўлдирганини айтишди. Бу кечаги бир оёғи йўқ инвалид Иван эди.

### ЭЪТИҚОД ЖАЗОСИ

Кеча кечқурун, ётар олди соат 10 ларда терговга қақирилгапча тун бўйи уйқу бермай мана тонг отди, ҳатто кун ёйилиб тушликка яқинлашашти, ҳали суроқ тамом бўлгани йўқ. Бир терговчи билан иккинчиси алмашиб, мудраш у ёқда турсин, ҳатто сени кўзингни юмиди ўйлашга қўймайди. Ўтирган курсингда беижозат қимирлашга ҳам ҳаққинг йўқ. Тур деганда бир неча соатлаб тик туришинг, ўтир деганда эса тун бўйи қадалиб ўтиришга мажбурсан. Бу жазонинг энг енгил йўли. Борди-ю ўтирган курсингда уйқусизлик-

дан толиқиб мудрагудек бұлсанг, японча массаж құллашлари ҳам ҳеч гап әмас. Бу шундай усулки, бүйнингга кафтининг қирраси билан бир туширади, ағдарилганингча бир неча вақт ҳушингга келмай ётасан. Үзингга келгач, дүк-девара, ҳақорат билан яна сұроқ бошланади. Бир үлемдан қолганингга шукр қилиб, күзингни очасан. Бу ерда борди-ю, үлганингда ҳам ҳеч ким сени нега үлди, деб суриштирумайды. Бу ташкилотнинг устидан, адолатсизлигидан додлаб шикоят ёзадиган азамат йўқ.

Терговчининг хонасида у берган сұроқларни үйлаб ўтириб, хаёлимдан ҳалқимизнинг «сувдан ҳолва ясаш» деган мақоли ўта берди. Сувдан ҳолва ясаб бұладими? Бұларкан! Шундай осон бұларканки, тергов вақтида бундай нарсанинг бўлишига яна бир бор иқрор бўлдим.

Одатда одам ўлдирган ёки ўғрилик қилган гуноҳини тан олмаса, уни исботлаб, бўйнига қўйиш учун таниш-билишларини гувоҳликка чақирилади. Аммо мана, мени қамоққа олишибдики, келганимдан бери ўз гуноҳимдан кўра ҳали ота-онамнинг кимлиги, ҳали қариндош-уругларим ким бўлган, таниш-билиш, яқин кишиларим, улар билан қандай алоқада бўлганим, авлодимда ким қамалган, негалигини мендан суриштиради. Бу нега керак бўлиб қолди? Бундан мақсад битта: ўзимдан айб тополмаганларидан кейин, улар билан алоқада айблаб, уларнинг гуноҳларига мени ҳам шерик қилиш! Улар нима гуноҳ қилгани менга маълум әмас. Бунинг терговчига ҳам аҳамияти йўқ, унга уларни танишимни айтсам бўлди!

Ҳақиқатини айтадиган бўлсак, бизнинг замонамизда ҳалқ душмани бўлиб бирор одам қамалмаган хона-донни топиб бўладими? Ахир 1920 йиллардан бошланбоқ жадидчиликда айблаб зиёлиларни қамаш бошланган эди. 1927—1928 йиллардан диндорлар борми, мулкдорлар борми, қулоқ қилинди. Бир қисми ёт унсур ҳисобланиб яна қамалди, сургун қилинди. Бу тозалашлар камлик қилгандек, 1937 йилдан бошлаб Марказком секретарлари, давлат арбоблари, ёзувчилар ҳалқ душманига чиқарилиб қирғин қамаш бошланди, бу 1940 йилгача давом этди. Ватан уруши тугагандан кейин, фронтдан қайтганларнинг бир қисми фашистга асир тушганлиқда айбланиб қамалган бўлса, 1947 йилдан

бошлаб ёзувчи, олим, санъат аҳлини ғоясизлик, космополитизмда айблаб янгидан яна қама-қама бошланди. Бирор қариндоши қамалмаган одам қолган йўқ, ҳатто битта одам эмас, бутун оиласари билан отилди. Сургун қилинди.

Ахир менинг ўзимни ҳам қамалган таниш ва қариндошларим йўқмиди! Битта эмас, бир неча...

Холамнинг ўғли Убайдулло Хўжаев 1900 йилларда Россия институтларининг аддия факультетини битирали. У жаҳон қонуншуносиги, адабиётидан боҳабар, ҳатто Лев Толстойлар билан хат ёзишиб, баҳслаша олиш даражасидаги юқори савияли адвокат бўлган, 1917 йили Қўқон жумҳуриятининг Маҳмудхўжа Беҳбудийлар қаторидаги ташкилотчиларидан бири бўлиб, миллат учун ниҳоятда жон куйдирган сиймо эди. 1927—1928 йилларда сиёсий айб билан қамалиб, 1936 йилда қамоқдан қайтади. Убайдулло акамда на бола-чақа, на бисотбағал, на тайинли уй-жой бор эди. Қамоқдан қайтгач, синглисиникида турди. Бор бисоти китоб эди. У одам қамалгандан кейин бу китобларни сақлашга қариндошуруглар ҳам хавотирланиб, бирининг уйидан иккинчи синикига кўчириб, охири бизларнинг болохонага келиб қолган эди. Биринчи маротаба Лев Толстойнинг 20 жилдиги, Фитратнинг кўк муқовалик «Ҳинд ихтилочилари» китоблари, «Эл», «Садойи Туркистон» каби газеталарнинг қаватланганини куриб, танишган эдим.

Қамоқдан келгандан кейин синглисиникида яшаб, О. Генрининг «Маутли» асарининг таржимаси билан шуғулланди. Бу одамнинг билим доираси шу қадар кенг эдик, 1930 йиллардаёқ ҳали ўзбек зиёлиларига унча таниш бўлмаган О. Генрининг ижоди моҳиятини тушуниб етган эди.

1937 йилларда яна қамалди. Шу кетганча бедарак йўқолиб кетди.

1937 йилда ҳалқ душмани бўлиб поччам қамалди. У муаллим бўлиб, билим доираси кенг, дунёдан боҳабар, адолатни фаҳм этган одамлардан бири эди.

Мендан таниш-билишларим, яқин одамларим кимлигини сўраган терговчи, ҳалқ душмани бўлиб қамалган юқоридагиларнинг менга қариндошлигидан хабардормикан, йўқми? Хўш, ўзим айтсан-чи!..

Ахир, улар нима гуноҳ, қилган, нимага қамалган — билмасам, мен у вақтда ёш эдим-ку!

Борди-ю улар гуноҳкор ҳам бўлсалар, ахир, менга нима алоқаси бор? Уларнинг менга қариндошлигини билганда нима қиласди? Лениннинг акаси Александр Ульянов Русия подшосига сунқасд қилиб, ўлдирмоқчи бўлганда жиноят устида қўлга тушган. Жинояти исботланиб осиб ўлдирилган. Аммо қариндош-уруглари га тегмаган-ку! Ҳатто подшо ҳазратлари унинг онаси — Мария Александровнани бир инсон, она сифатида қабул қилиб, арзи-додини тинглаб, унга таскин бериб, ўз афсусини билдирган. Ўғлиниг жинояти аниқ ва элга ошкор бўлгани учун қонундан ташқари иш қилолмаслигини, узрини айтган. Гуноҳкор фарзанд учун подшо на она, на отани хўрламаган-ку! Бузук тарбия беришда гуноҳкор қилмаган-ку!

Бизда бўлса... Бизда шундайми? Отаси учун бегуноҳ, фарзандларини, ҳатто яқин қариндош-уругларини қамашлар бўлмаганми?

Акмал Икромов ҳалқ душмани деб қамалганда ўғли Комил Икромов 10—14 ёшлар чамаси вояга етмаган бола эди. У шурликнинг айби нима эдики, умрининг ун йил баҳорини қамоқда, яна бир қисмини Сибирь сургунларида, хор-у зорлиқда кечирди. Нега? Битта уми? Афсуски битта бу эмас, минглаб, миллионлаб қамалган эри ёки отаси учун умри таъқиб, сургунларда ўтган хотинлар, ўғил-қизлар бўлмаганми?

Терговчининг таниш-билиш, қариндош-уруг, яқин одамларим ҳақиқидаги саволига жавоб ўйларканман, шайтон хаёлимни минг ёққа олиб қочарди. Терговчи бўлса, тепамга келиб, кимлар билан қандай алоқада бўлгансан, кимлар билан улфатчилик қилиб, чойхоналарда ош устида советларга қарши гаплар айтгансан, деб ўдағайларди, гапир, дерди.

Аммо, мен эса уйқусизлиқдан ўзимни зўрға тутиб гангиган ҳолда унга жавобан: — Гуноҳим сенга маълум бўлса, айт, қасам ичаман, икror қилмасам ҳар қанча жазога розиман... Аммо у бўлса: — Душман ўзича таслим бўлмайди, Советларга қарши фаолиятинг, шерикларинг кимлигини ўзинг айтишинг керак, дейишидан бошқа гапни айтмасди.

Буларга нима деб жавоб берасан! Ахир ким ўзини ким билан қачон, қаерда учрашгани, нима тўғрисида гаплашгани, кимлар билан ош еганини ёзив юради. Бундан кузатилган мақсад битта, у ҳам бўлса қамал-

ган қариндошларим билан алоқада мени айبلاغанла-ридек, мен номларини айтган кишиларни эса мен билан алоқада айблаб қамаш эди.

Албатта, олимлар билан илм ҳақида, шоирлар билан шеър, одамига қараб ҳамма билан ҳар нарса тұғри-сида гаплашасан. Терговчимни бундай жавобларим қызиқтирумасди. Унинг буларни суриштиришдан мақ-сади бутунлай бұлак нарса эди.

Мен номларини айтган таниш-билишларим тергов-чининг күтганича бұлмади шекилли, сира хаёлимга келмаган ва мен учун мұтлақо кутилмаганда у:

— Усмон Носир ҳақида нималар биласан? — деб сүраб қолди.

Мен ўйлаб-нетмай Усмон Носир жуда яхши, се-викли шоир бұлғанини айтдым.

— Бу сенга қаёқдан маълум, қандай алоқада бұлган-сан?

— Китобларини, шеърларини ўқиганман.

Менинг бундай жавобимни эшитган терговчи нима учундир худди күтган мақсадига етишиб, уни құлдан бой беріб қўйищдан хавотирланғандек, гүёки айтган гапимдан мен айниб қолаётғандек шошилинч, қандай-дир жилмайиш билан менга:

— Билғанларингни айтабер, яна кимлар ўқиган унинг китобларини, у билан қаерда учрашгансан? — деди.

— 1936—1937 йиллар. Пед. билим юртида талаба-лик вақтим. Усмон Носир үша йилларнинг энг севикли, машхур шоири эди. «Юрак», «Мехрим» каби янги чиққан шеърий китоблари ўқувчиларнинг қўлидан, таъ-риф-тавсифи эса тиллардан тушмасди. Шу вақтда Ус-мон Носир халқ душмани бўлиб қамалди, деган гап тарқалди. Комсомоллар йиғилишида уни лаънатлаб, кимнинг қўлида китоблари бўлса ёқиб ташлашни таъ-кидлашди. Шундай қылдик. Бор билганим шу!

Бунда кишини гуноҳкор қиласидан нима бор! Аммо менинг тўғри кўнгиллик билан, ҳақиқатни бўяmasдан айтган гапларимдан терговчи ўзича хуласалар чиқа-риб, етти ухлаб тушимга кирмаган, мен айтган гапла-римнинг бутун тескарисини ёзган эди. Ўқиб, ёқа уш-лайсан! Ўзингни қаерга қўйишингни, додингни кимга айтишингни билмай қоласан!

«Мен халқ душмани, ашаддий миллатчи, советларга

қарши ҳаракатлари учун қамалиб кетган Абдулла Қодирий, Чұлпон, Усмон Носирларнинг миллатчилик, ҳәётимиздан нолишдан иборат, пессимилик асарларини севиб үқиб, уларнинг миллатчилик, Совет давлатига қарши, тұхматдан иборат ғояларини үтиришларда танишларим орасыда техникумда үқиган давримдан тарғиб қилиб келганиман» каби мутлақо тұхматдан иборат, үйлаб топилган үйдирмалардан иборат гапларни үқидим.

Бунга қандай қилиб құл құясан! Бунга құл құйиши үларга құйилған гунохларни бүйнингга олиш билан баробар эди. Демак, Чұлпон, Усмон Носирларга нима айб құйилған бұлса, мени ҳам шу билан айбламоқчи. Бундан чиқарыладиган хуроса битта: яъни уларнинг гунохлари билан гунохинг, уларнинг тақдирі билан сенинг ҳам тақдиринг бир дейиш эди.

Қандай дағшат! Ахир, уларнинг тақдирі нима билан тугаган! Наҳотки!.. Шу куни терговчи менга Советларга қарши ташвиқотда айблашдан ташқари яна битта айбнома — миллатчи деган моддани қўйди!

Терговчининг ёзғанларига құл құйищдан олдин үларни үқиб чиқиб, бу ердаги қамоқда ётган одамлар бирор жиноят ва бирор қылған гунохлари учун эмас, КГБ ходимлари томонидан олдиндан үzlари тұқиб-би-шиб, үzlари үйлаб құйған үйдирма жиноятларни зұрлаб үтказиш учун қамалғанларига имоним комил бұлды.

Менинг миллатчилигим нимадан иборат? Усмон Носир шеърлари, Абдулла Қодирий асарларини үқиганимми? Бу асарлардаги миллатчилик нимадан иборат? Усмон Носирнинг қайси шеърида миллатчилик бор? Бирор мисол борми? Аммо терговчи буни айтмасди. Миллатчилик руҳидаги бирор шеъри бұлмаса, уни үқиганим учун нега мен миллатчи бұламан? Бунга терговчи жавоб бермасди.

Ахир, мен Абдулла Қодирийни ҳам, Чұлпоини ҳам, Усмон Носирни ҳам күрмаган, улар қамалғанда мен 16 ёшли бола бўлиб, уларни сұхбатларида бўлмагап бўлсамда, уларнинг миллатчи экани-ю, совет давлатига қарши ғояларини қаёқдан билишим мумкин? Билмаган нарсамни нима деб тарғиб қиласман? Шеърларини мақтаганим учун мен ҳам миллатчи бўладиган бўлсам бу — бутунлай асоссиз! Мен унинг шеърларини кўпчилик қатори ёд олиб мақтаган бўлсам, бу унинг миллатчилик, йиғлоқи руҳда ёзилгани учун эмас, аксинча, ки-

шиларнинг қалбини, шодлик ва дардларини ифода эта-  
олгани учун, мафтун қилгани учун мақтаганман!

Усмон Носирнинг ёдимда қолган шеърларини хотирамдан ўтказдим:

*Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жур этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан ишқибозим.*

*Сенга тор келди бу кўкрак,  
Севинчинг тошиб қирғоқдан.  
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи  
Сени таржима қилмоқдан.*

Шу мисралари кўнглимдан ўтди-ю, ўзимни тутол-  
май беихтиёр кўзларимга ёш келди. Ҳўнграб йигла-  
дим! Ахир, ҳаётдан олган севинч ва шодликлар кўкра-  
гига сифмай, қирғоғидан тошиб кетган бир шоир қандай  
қилиб пессимист бўлади, қандай қилиб уни песси-  
миист дейиш мумкин? Қандай қилиб бу сўзга тил  
боради! Бундай ёлғон нега керак бўлган? Шу шеър-  
нинг давоми Усмон ўзи айтгандек хотирамда селдек  
қўйилиб кела бошлади:

*Итоат эт, агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоқча айлан, сен,  
Ёрил, майли тамом ўласам!*

Ёқамни чок қилиб дод-фарёд кўтаргим келди. Ахир  
Ватанининг ҳар бир хизматига аскардек ҳамиша тайёр,  
уни рози қилиш учун чақмоқча айланиб, ҳаётини қур-  
бон қилишга рози бир оташин шоирни қандай қилиб,  
қайси инсоф, қай диёнат билан душман дейиш мум-  
кин бўлади!

Ахир мен Усмон Носир шеърларини деярли ҳам-  
масини ёд олгандим. Ҳаёлимдан қайси шеърида мил-  
латчилик, ҳаётдан нолиш, сиёсатни қоралайдиган фоя  
бор экан деб бирма-бир ўtkазиб кўрдим. «Юрак»  
тўпламидан кейин орада бир йил ўтмасдан нашр  
қилинган «Мехрим» тўпламидағи шеърларни хотирам-  
дан кечирдим. Тўпламнинг номини «Мехрим» деб ата-  
лишининг ўзи ҳам, виждан билан айтганда, шоирни  
нақадар ҳаётга муҳаббати зўрлигидан далолат бер-

майдими! Түплем Ленинг бағишланған «1870» шеъри билан бошланарди:

*Волга! Волга! Оч руснинг ёши.*

*Волга! Волга! Фигонли дарё!*

*Қуёш гүё Разиннинг боши*

*Кенг бағрида ҳамон мағрур, о!*

*Унумиллас йилларнинг ёди,*

*Некрасовни зор-зор йиғлатган.*

*Бурлакларнинг аччиқ фарёди*

*Тубларингта тош бўлиб ботган!*

*О, тили иўқ, сариқ тошларим,*

*О, бақрайган совуқ мурдалар...*

Бу шеър эмас, бу мусиқа! Менинг назаримда бу Россия, рус халқининг инқилобдан олдинги ҳаётини жамулжам ифодаловчи симфония эди. Ахир бу қисқа мисраларда инқилобнинг моҳияти, унга зарурат ва Лениннинг буюк хизмати шу вақтгача ёзилган асарларнинг бирортасида учрамаган, такрорланмас қилиб айтилган бўлса, жўшқин муҳаббат, самимий эҳтирос, қалбларни сехрлаш даражасида ишонарли ифодасини топган бўлса, Усмон шеърларини ўқиган ҳар қандай ўқувчи халқа, Ватанга бундан ортиқ яна қандай садоқат, қандай муҳаббат булиши мумкин деб айтишдан бошқа нима дейиш мумкин?

Усмон Носир шеърларини хотираидан яна бир бор ўтказарканман, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу айбномалар, бу туҳматларга Усмон ўзи қандай бардош бергани, у қилган оҳу фарёдлар бутун вужудимни ларзага сола бошлади.

Қандай қилиб мен халқи севган, китоблари қўлдан тушмай ўқилган буюк бир шоирни халқига душман деб айта оламан!

Усмон!.. Садо бер, Усмон! Бу бекиёс бўхтон азобларига қандай қилиб сенинг бардошинг етган, Усмон! Сенинг шеърларингдан олган оромим, менинг ижодимга мактаб бўлганинг ҳақи, қандай қилиб сени ўз халқининг душмани, миллатчи дейман! Кўр бўлмайманми! Йўқ! Бунинг учун улар нима ҳукм чиқарсалар чиқарсиналар, инсоф бўлса — инсофларига, виждан бўлса — вижданларига ҳавола! Кўнглимдаги гапларни терговчига айтдим.

Не учундир шу онда кўз олдимда 24 ёшида қамалган Усмон Носир гавдаланади. Назаримда Усмон Носир худди мен ўтирган шу қора курсида ўтириб, терговчига — мен душман эмасман, барча қўйган айбларинг тухмат! Халқимга, ватанинга чексиз меҳру муҳаббатимдан ўзга бисотимда дардим йўқ! Ўлдирсаларинг ҳам миллатчилик, давлатга душманлиқда ўзимни айбдор билмайман, кўл қўймайман, деб нола қилаётгандек туюлди. Наҳот 24 ёшли буюк истеъдод эгаси, келажакнинг даҳо шоири Усмон Носирни тухматларни тан олмагани, ҳақгўйлиги учун ўлдирганлар! Наҳот шу қисмат менда ҳам такрорланса!

Бу даҳшатли хаёлимни терговчининг:

— Сирларингни биздан яширолмайсан, қўлимида сени фош қилиш учун далил ва гувоҳлар етарли! Усмон Носир, Чўлонпонарнинг таъсирида Совет халқи ғамда қолган, уни ғамдан қутқариш керак деган ким? Сен эмасми? Хўш Совет халқининг ғами нимадан иборат? Қандай қилиб кутқармоқчи бўлгансан, шу ҳақда гапир! — деган дўки бузиб юборди.

— Қаерда айтибман?

— Ўйлаб кўр!

— Бундай деган эмасман!

Терговчи шкаф тортмасидан менинг 1939 йилда ёзилган (қаердан олган билмадим, чунки у ҳеч қаерда босилмаган эди) тўрт йўл шеъримнинг русчага ағдарилган иусхасини ўқиб берди:

*Вужудимни тилиб тилка-тилка  
Айла, виждонимни сотмайман,  
Халқ дардини жойладим дилга,  
Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман.*

— Бу шеър сеникими?

— Меники!

— Демак, совет халқи баҳтсиз, ғамда қолган, уни ғамдан озод қилиш учун ўлимдан ҳам қўрқмай курашмоқчи бўлгансан?

Баъзан киши ғазабланган вақтда шундай ҳолатлар бўладики, бундай пайтда ўз ҳақлигингни исботлаш учун сўз тополмай қоласан. Асабларинг чидаш бермайди. Истамаган ҳолда тилингдан сўкиш, ҳақорат отилиб чиқади.

Ахир терговчи менинг «Совет халқи — баҳтсиз, Совет халқи — ғамда» деган шеъримда йўқ сўзларни ўзича қўшиб кўзини лўқ қилиб турса, нима жавоб қилишинг, қаҳрингни нима деб ифода қилишинг мумкин! Аммо шу дақиқада қўнглинигдан турён урган, булар бари туҳмат, бу ифлослик, лаънат сендек терговчига деган сўзларни айтиб бўлармиди? Ахир:

«Халқ дардини жойлагим дилга», —

деган гапдан совет халқи ғамда, баҳтсиз деган маъно келиб чиқадими! Халқ дардини шоир дилга жойлаган бўлса, дардини аритиш учун курашса, бунинг нимаси гуноҳ, нимаси! Шоир ўз халқининг ғамини емаса, унинг юкини енгиллатмаса, ижод қилишининг нима кераги бор! Хуш, халқнинг дарди йўқмиди? Миллион-миллион тухмат билан қамалган кишиларнинг бола-чақаси, қариндош-уругларида дард йўқмиди? Ноҳақ қулоқ қилиниб, аллақайси юртларга кўчирилиб оиласи барбод бўлганларнинг авлод-аждодларида дард йўқмиди?

1930 йиллар очарчилигида очлиқдан шишиб ўлган, болаларидан ажralиб қолган, ўзи эса кунжара еб ўлган оналарнинг, тирик қолган фарзандларда армон, дард бўлмаганми? Бу оғатларни такрорланмаслиги учун кураш тухмат бўладими? Буни унга қандай тушунтирасан!

У менга:

— Хўш, Совет халқини қайси йўллар билан ғамдан кутқармоқчи бўлгансан? — деган савол бериб, қўлга туширмоқчи будди.

— Ижод йўли билан.

— Яхши! Шеърингда «Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман» деганингда, хўши, нимани назарда туттгансан? Қани айт-чи! — деди-ю башарасида энди қўлга туширдим, дегандек мамнуният билан менга тикилди.

Вужудимни тилиб тилка-тилка  
Айла, виждонимни сотмайман, —

деб ёзган бўлсам, ҳар қандай ҳолатда ҳам кишиларни кўрқмас, виждонли бўлишга, халқнинг дарди билан яшашга ундинасам, хўш бунинг нимаси Советларга қарши?

«Үлдир. Үлимдан ҳам қайтмайман!» — деганимда, 1920 йилларда буюк ўзбек қонуншунос юристи, қариндошим Убайдуллахонни, бегуноҳдан бегуноҳ, қамалган поччамни, ҳалқининг буюк тақрорланмас истеъдодли фарзандлари Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носирларни қамаб, йўқ қилиб юборган сени, сенга үхшаган жаллодларни назарда туттганман! 1930 йилда очарчиликдан ҳалқни қирғанларга қарши ёзганиман, дегим келди-ю, аммо бу терговчини фақаттина яна ғазабга келтириб, ўзимга-ўзим азоб сотиб олишлик эканини ўйлаб, тилимни тишладим. Бир умид фақат худодан эди.

Хаёлимдан:

Тангрим ўзинг, ўзинг ярлақа,  
Ўзингдан ҳеч ўзга мадағ йўқ,  
На дўстим бор, на гард тингловчим,  
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳағ йўқ! —

1939 йилда ёзганим шу тўртлик ўтди.

Бу тўртликни ўша вақтда ёзганимдан кейин ёд олиб, ўзини йиртиб ташлаганман. Чунки, бу тўртлик, ёки шу руҳда ёзилган шеърлар ўша вақтда пессимилик, диний саналиб сўзсиз қораланаарди, қамаш учун ашёвий далил бўларди. Ваҳоланки, бу шеър ўша даврда демократия, сўз эркинлиги йўқлигига, оқни оқ, қорани қора деб айтиш имкони бўғилганига қарши ёзилган эди. Аммо бундай нуқсон, камчиликлар — адолатсизликка қарши кураш, ҳалқининг дардини енгиллашибтириш учун жон куйдириб танқид қилиш душманлик саналарди. Мана бундай хатолар, камчиликлар бўляпти, дегудек бўлсанг, бунинг ғамини ейдиган, тўғрилайдиган ҳукумат, раҳбарлар бор, деган жавобни эшитардим.

Ўша раҳбарлар хатога йўл қўйяпти, деб кўрингчи, сени раҳбарларга суиқасдда айблашади. Сенинг вазифанг камчиликларни кўрсатиш эмас. Агар сен чиндан ҳам Совет давлатининг дўсти бўлсанг, ҳар қандай ҳолатда ҳам, душманларга сир бермаслик учун ҳаётимиз фаровон, баҳтиёрмиз, дейишимиз керак. Аксинча, ҳаётдан норози, душман саналиб, сенга ишонч йўқолади, шубҳали одам бўлиб қоласан.

18—19 ёшларимда «Сонет» шеърим босилган:

*Халқ — бойлигу, Ватан — хазина,  
Мен посибон. О, ноёб касб.  
Хоҳ тун бұлсın, құраман босиб  
Душман кирса, бұлғиб бир игна.*

*Севинчларга тұла бу сийна,  
Чунки шуны менга мұносиб  
Күриб, халқым айлабди насиб,  
Майли, умрим бұлсın ҳадия!*

*Ватан ишқи билан о, қалбим,  
Денгиз каби түлук, лиммо-лим.  
Севгім бұлмас асли бегона,  
Ишонтирай қайта онт ичиб  
Ки, жон берсам жангларга кира!  
Севгім, юрак бут қолур яна!*

Бу шеърни ёзган шоирни Совет давлати, халқи-  
нинг душмани деб бұладими? Ёки, урушнинг биринчи  
куни ёзилган шеърим:

*Истайманки, дайыб келган ёв  
Гулзоримни яксон эттасин.  
Жангда ұлай, майли, халқымнинг  
Бир умрлик әркі кеттасин.*

Ёв ким? Немис фашистларими? Улар хужумни қаер-  
дан бошлади? Үзбекистонданми, ёки рус ерларидан-  
ми? Албатта, у Үзбекистонни, менинг юртимни эмас,  
Белоруссия, Россия ерларини босиб ола бошлади. Рос-  
сия ерларини ёв босиб олса, менга нима, деб қараб  
үтирай, жангда үзини құрбон қилишга рози бұлған  
шоирни байналмилалчи демай, миллатчиликда айлаш  
адолатданми?!

Бундай айбномани құйиши сен онангни ҳақорат қил-  
ғансаң, онанғдан кечгансаң деган туҳматдек даҳшат-  
ли-ку! Бу маломатни ким бүйніга олади? Ҳақиқи  
фарзанд бу шармандаликтин иқрор қилиб зә ичида  
бош күтариб юришдан, ёқаларини чок қилиб, дод со-  
либ, минг бор үлімга рози бұлмайдими? Үлімни аф-  
зал құрмайдими?

Бу ҳақорат, туҳматлар камлик қылғандек, сен бу  
шеърларни үз миллатчилик, советларга душманлигинги

ниқоблаш учун ёзгансан, деган жавобни эшилсанг, бунга қандай чидайсан!

Миллатчилигим нимадан иборат деган бир фикр доим мени қийнарди? Мен бирор миллатни ҳақорат қилибмаини? Умуман миллатчиликнинг ўзи нима? Негизи нимадан иборат! Миллатчилик деган гап ўзи қачон пайдо бўлди, қаердан келиб чиқсан? Ўзбек халқи тарихида шу вақтгача бирон шоир, биронга олим, бирор касб эгасини, сен миллатчисан деб қамаш у ёқда турсин, айбдор қилинганини билмайман. Миллатчи деган гап қачон пайдо бўлди? Руслар Ўрта Осиёни бошиб олганидан кейинми, ёки инқилобдан кейинми? Чор Россияси даврида ҳам бирор ўзбек ёзувчиси, олимини миллатчилиқда айблаб, ҳозиргидек ялли қамалгани тарихдан маълум эмас.

Халқ душмани деган гап ўзи тарихда бўлганми? Хонга, ҳокимга қарши курашлар бўлган, аммо ўз халқига қарши чиқсан, уни баҳтсизлигини истаган зиёлини тасаввур қилолмайман. Яхши ният йўлида ҳар қандай одам ҳам ҳато қилиши мумкин, аммо, ҳеч бир даврда хато қилган одамни халқ душмани деб қамаганини билмайман. Наҳотки, «Ўтган кунлар»дек халқ севиб ўқийдиган асарни яратган Абдулла Қодирий ёки буюк билим эгалари Фитрат, Чўлпонлар ўз халқининг баҳтига қарши курашган бўлса! Битта булар эмас, Файзулла Хўжаев, Ақмал Икромов, улар қатори мингминглаб қамалган зиёлиларчи? Наҳотки шундай доно одамлар ўз халқи зиёнини ўйлаган бўлса! Баҳтига тўғанинг бўлишни истаган? Йўқ! Йўқ! Буларни ҳақиқатни билмаган нодонлар деб бўладими? Йўқ!.. Йўқ!!! Шундай бўлгач, бир халқнинг шундай истеъодди фарзандларини душманга, миллатчига чиқариб отиб, ўлдириб йўқ, қилиб ташланса, адолатдан деб бўладими? Буларга ҳеч ким ачинмайдими? У шўрликларнинг тақдири ҳар бир ақли расо, оқ билан қорани ажратишга фаҳми оз-моз етган одамни ўйлатмайдими? Масалан, мен ўзим китобларини қўлдан қўймай кечалари ухламасдан ўқиган, адабиётимизнинг фаҳри, ёрқин юлдузи бўлган 24 ёшли Усмон Носирнинг қамалишига тилимда айтмасам ҳам дилимдан рози бўлганманими?

Дилингдаги гапни айтишга нега қўрқсансан? Кимдан? Кимдандир, нимадандир чучиб, ҳақиқатни айттолмай яшаш эркинликми? Абдулла Қодирийнинг

«Үтган кунлар»и, «Меҳробдан чаёни»ларини одамлар яшириб қўлдан-қўлга бериб ўқиган-у йиртиб ташла-маган. Мен шундай одамларнинг ўлимига қувонгандманми? Асло, асло! Уларнинг китобларини ўқиган халқчи?! Демак, халқ севган одамларни қамаганлар халқ душманими, ёки бундай адолатсизликдан нафратлан-ганлар душманми?

Хаёлимдан ўтган дилимдаги бу аччиқ ҳақиқатларни айтиб бўлармиди! Айтиш эмас, хаёлингдан ўтка-зишга чўчийсан! Буни айтиш, ўзингни очиқдан-очик миллатчи, душман қилиб кўрсатиш бўларди. Додингни кимга айтасан? Ким тинглайди! Тепангда қўлини мушт-лаб, ўдағайлаб турган терговчими?

Битта чора:

Тангрим, ўзинг, ўзинг ярлақа,  
Ўзингдан ҳеч ўзга мағад ўйқ.  
На дўстим бор, на гард тингловчим,  
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳаг ўйқ, —

деб худога нола қилиш-у, ёки иккинчи чора, ўзини ўзи камерада қатл қилган Ивандек бу тухмат азобла-ридан қутулиш учун ўз жонингга қасд қилиш!

### ТАНГРИНИНГ ҚАҲРИ

Бугун мени шундай бир хонага киргизищдики, ху-донинг олдида нима гуноҳ қилган эканман, билмадим, камерага эмас, худди дўзахга кириб қолдим деб ўйла-дим. Бу камера бошқаларга нисбатан бирмунча кенг бўлишига қарамасдан, кириш билан шундай бир қўлан-са ҳидга тўғри келдимки, димогларни ёриб юборгудек бўлди. Чидаб туриб бўлмасди. Худди ит, мушукнинг ўлигининг ичига кириб қолгандек бўлдим. Камералар-нинг махорка тутуни, қирқ даража иссиқдан чиқсан одамларнинг тери, бир бурчақдаги ҳожат қилинадиган тувакнинг аралаш сассифига ўрганган одам ҳам бунга ўқчимай чидаши қийин эди.

Камерадаги цементга қоқилган икки-уч темир ка-роватлар бўш бўлиб, бир бурчақдагисида кимdir орқа ўтирганча, қимирламай ётарди, оёқ томонида мис ту-вак (параш) турарди. Кўрпа-ёстиғимни кароватга таш-лаганча, ёзиш ҳам кўнглимга сифмай, хаёлга толганча

үтиридим. Сассиқдан ўқчиқ келарди. Қаерга қочасан! Нима илож! Балки мени жазолаш учун шу камерага киргизишганми? Инсон нималарга күнікмайды, нималарга бардош бермайды! Тутқуыллик!

Бу ётган одам ким? Камеранинг бу сассиғига қандай бардош қилиб ётибди. Нега индамайды? Қамоқ, одатича, камерага бирор янги маҳбус киргудек бұлса, ташқаридан бирор хабар айтармикан, бирор дардкаш топилди дегандек умид билан қараларди. Бу одамдан садо чиқмасди. Тирик, үликлигини билиш учун тепасига бордим. Ё тавба, бутун сассиқ шу одамдан келарди. Күзини юмғанча ўзича нималарни дір пичирларди. 70—75 ёшлар чамасидаги бу одам үгірилиб менга қарді-ю бир оғиз гап айтмасдан күзини яна юміб олды. Бир оз жимлиқдан кейин, йиғи аралаш ўзича нола бошлади:

Худоे оху — вовайло,  
Ўзимдан бўлмагим огоҳ!  
Каромат қилмассанг, омлоҳ,  
Оро йўлларда қолғонман!..

У буни қандайдир оҳанг билан айтарди.

Менга айтган биринчи гапи: — Сен кимсан? — дегани бўлди. Кимлигимни айтдим. Эшилди-ю, гёй мен унга даво бўладигандек ёлғиз ётиб йиғилиб қолган ҳасратларини бир олам кўз ёшлари билан айта бошлади:

— Бир оёғим ғўрда, бир оёғим тўрда, етмишдан ошган вақтимда қаёқдан мени душман бўлиб қолдим! Ўликларим қаерда қолиб кетади энди. Ўзим саводсиз бир кўкнори, гиёҳванд одам бўлсам, бу аҳводда ажалимдан олдинроқ, суд қилмаслариданоқ үлиб кетаманку! Оёқларим туришга ярамайды. Турғазишга ёрдамлаш, пешонам шур экан. Қайси гуноҳимга худо бу кунга солди! Тувакка үгіришимга ёрдамлаш, нима чора, ичим бузилган... Бу аҳводда эрта-индин үлиб қоламан.

Ҳақиқатан ҳам оёқларининг тиззalари шишиб кетган, қўлтиқтаёқсиз юриши қийин эди.

Мен уни туришiga ёрдамлашдим, унинг бутун вужуудидан сассиқ келарди. Тувакка ўтқаздим. Ўзини ўзи эплолмасди, уни тозалашга ёрдамлашдим. Мени дуо қилиб, ўз ҳолидан ўзи худога нола қиласади. Гуноҳларига кечирим сўрарди. Мен эса унинг бу нолаларини тинглаб, бу кўргилик, бу хўрликлар менинг

қайси гунох, қай шаддодликларимга бўлди, балки гуноҳларимни енгиллаштириш учун мени бунинг олдиға кирилдими деб ўйлардим. Шу хаёллар кўнглимдан ўтаркан, камеранинг кишини ўқчитиб, кўнгилни бехузур қилувчи бадбин бўйлари ҳам диморимдан кўтарилгандек, бу бегона худди аввалдан қадрдондек, ундан жирканиш ўрнини қалбимда уйғонган қандайдир ачиниш, савоб деган ҳис эгаллай бошлади.

Савоб?.. Бу нима?

Бизнинг энг катта гуноҳимиз савобни унуганимиз эмасми!

Савоб нима! Савобни билмаган одам холисанилло бирорвнинг юкини енгиллаштиришга ҳам ҳисса қушадими? Савоб бу — инсонга меҳрибонлик ҳиссидан туғилган, яхшиликка яхшилик қайтишига ишониш эътиқоди эмасми? Савобга ишониш кишини гуноҳдан, шафқатсизликдан қайтармайдими? Инсонни инсофга келтирадиган нарса, балки шу савобга ишонишмикан!

Мен бу муйсафиидни суюб жойига ўтқаздим. У шундай бир руҳий ҳолатда эдики, мен кимман, нима қилиб бу ерга келдим, ҳатто буни сўраш ҳам уни қизиқтиргани йўқ. Унинг хаёлида нималар кезарди?

Лекин бу одам менга таниш, қаердадир кўрганман. Эслашга ҳам, сўрашга ҳам улгурмай ўзи гап бошлаб қолди:

— Болам, сенга раҳмат, мени бу аҳволимга чидашинг қийин, нима чора, худо қилди! Бу аҳволдан кутублиб, ўлмаслигим учун битта чора бор. Сендан илтимос, мен ўрисча гаплашолмайман, бошлиқдарини чақириб тушунтир, тинтуб вақтида олиб қўйган кўкноримни қайтариб беришсин, бўлмаса ич кетишини тўхтатиш қийин. Бу ич кетар кўкнорини емаганимдан. Бу аҳволда икки-уч кун ичида ҳолдан тойиб, шиша бошлайман, шиши бошландими, бу энди ўлим деган сўз. Шу ерда ўликларим қолиб кетмасин, началнигига тайинла, кўкнорининг ҳаммасини қўлимга бермасалар ҳам, аввалига етти ичим, уни эртасига яна камроқ, аста-секин, кундан-кунга меъёрини камайтира бориб, шу йўл билан бир ҳафта ичида кўкнори ичишдан қутулишим мумкин. Бу шароитда ташламай иложим йўқ.

Мен унинг илтимосини қамоқ бошлиқларига айтдим. Билмадим, қамоқ бошлиқлари инсофга келибми,

ёки суд қилингунча ўлиб қолмасин деган ўй биланми, чолнинг айтганича ҳар куни унга қўкнорисидан озоддан бера бошлашди. Кўкнорини ичиб олиши билан, дунё кўзига тор бўлиб, қўнглига ҳеч нарса сифмай, гаплашиш ҳам ёқмай, нола қилиб ётган одам бирдан тетикланиб, руҳи ўзгариб тилга кириб, қамоқ азоблатрини бир дам унтиб, ўзининг ёшликлари, қилган маишатлари, ҳатто «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаларидан билганича ривоятлар айта бошларди. Кайф тарқалиши билан бу кўтаринки руҳ ҳам аста-аста сўнаётган шамдек пасайиб, яна оху-вовайло, яна йиги бошланарди. Унинг бирдан-бир ташвигчи, шу ёшимда, етмишдан ошганимда мени суд қилсалар, ўликларим кафансиз, қай ерларда қолиб кетади, деб қайфуриш эди.

Мен уни қаердадир кўрганимни айтиб, нега қамалганларини сўрадим. Менга таниш кўринган бу мўйса-фид шўрликнинг жавоби мени даҳшатга солиб қўйди:

Тошкентнинг Навоий кўчасидаги қадимги Қатортерак деган жойда, 1945—1950 йилларда шуңдоққина кучा юзида, маҳалла аҳолиси учун қилинган кичкинагина чойхона бўларди, чойхонанинг кўчага қараган ойнавонли деразасининг пастки бир кўзига очилиб ёпиладиган тахта эшикча қилинган бўлиб, бу одам бешүн пачка папирос, уларнинг ёнига қурт қўйиб сотиб, шундан тушган даромад билан кун кўрувчи Илёс ота бўлиб чиқди. Унинг кимлигини билгач, шу одамни ҳам халқ душмани қилиб қамашганидан ҳайратга тушиб, нима гуноҳ қила қолган эдингиз, қамаҳди, деган саволимга:

— Мен Совет ҳукуматини ағдармоқчи бўлганман, — деган жавобни қилди. Бу, албатта, ҳеч ким ишонмайдиган фазаб билан айтилган кесатик эди.

Етмишдан ошган, саводсиз, унинг устига ногирон, гиёванд бир одамдан эшитилган бу гап кимни ҳайратга солмайди! Кимни ишонтиради! Шу одамгаки раҳм-шафқат қилмай, халқ душмани деб қамаган бўлсалар, унда...

Унинг бу гапига бирор жавоб қилмай, ҳайратга тушганимни кўриб:

— Ахир, мен, кексайган, гиёванд, бутун айтган гапим эртага эсади чиқадиган бир одамдан, чойхонада ўтириб, ҳукуматга қарши қандай ифво, туҳмат гапларни айтгансан, деса, хўш мен нима дейиншум керак?

Аввало буларни ақли бұлса, ҳукуматта қарши гап қанақа бұлади-ю, қаршисаси қанақа бұлади, нималигини үзим билмасам-у келиб-келиб шу саволни менга берадими, үзинг үйла! Чойхона бу — карvonсаройдан ҳам баттар жой. Унга кимлар кириб чиқмайды, нима гаплар бұлмайды. Ким билан нимани гаплашғанман, ким нима деган, қайси бири эсимда!.. Мен нодон, худо урган бұлмасам, таниш-билиш яқинларинг ким, деса, ёнимда колхоз дүконининг сотувчиси Ҳакимжонни, чойхонанинг ёнида турадиган, эртадан кечгача чойхонадан чиқмайдиган Хомидхонни айтаманми! Шу гаппим сабаб бұлыб, мана энди уларни ҳам ҳалқ душмани санаб менга шерик қилиб қамашибди. Нақотки бизлар ҳукуматии ағдарасқа! Нақотки, шундай катта давлат, шунча аскар, шунча қуороли билан бизлардан құрқиб үтируса! Бу ёғини сұраб нима қиласан, болам!

Қамоқда үтирган одамнинг күнглига кулаги сиғмайды. Аммо чолнинг гапларини бир артист сақнадан айттаётгай деб тасаввур қылсанг, беихтиёр кулмай иложинг йүк. Ахир Совет давлатини ийқітмоқчи бұлган бу гиёванд чол ким-у унинг атрофидаги ҳамфиклары ким? Буларнинг гапини таъсири нима бұларди! Нақотки ҳалқ шуларнинг таъсирига берилиб, гапига ишониб, кетидан кетса! Хаёлимга Дон Кихот келиб, қамоқдалигим бирдан хотирамдан күтарилиб, үзимча күлдім. Бу гапларни эшитиб нима ҳам дейсан. Мен унга таскин бериб:

— Ота, сиз бола-чақа, орзу-ҳавас, бу дунёning майшатини күргансиз, ҳукуматта инсоф берса ҳеч гапмас. Сизларни нима қиларди, чиқарип юборади, мана бизлар, дунёга келиб нима күрдик, бизларга жабр, — десам, у:

— Кимдан эшитган бұлмай, бу бадбаҳт қамоққа түшгап борки, 25 йилдан кам муддат бермайды, — дейди. — Сенларга 25 йил берганда ҳам умр берса, ёшсанлар, энди 30 ёшга кирибсан, 55 да қутулиб чиқасан, мен яна неча йил яшайман, сенга эмас, менга жабр, үлікларим қай юртларда қолиб кетади! — деб, мени ёш умримнинг хазон бұлиши-ю унга ачиниш эмас, үзининг үлиги қай юртда қолишининг ғамини қилиб нағсониятимга тегиб ранжиттан бұлса ҳам, лекин иккінчи ёқдан кексайған чөнда бундай баҳтсиз бұлганига ачинардим.

Ахир мушук ўлса ҳам киши ачинади, уни кимдир күмади! Аммо лагерда, тутқунликда ўлсанг, сени ит ўлигича ҳам қадринг бўлмайди!

Чолнинг ўликларим қай юртларда қолиб кетади, деб қайфуришида, киндиқ қони тўкилган ердан, ўз юртидан айрилиш, ўз ватанининг бир кафт тупроғи насиб этмаслигидан нолиш бор эди. Ҳа, дарвоҷе, озмунча одамлар ўз юртининг бир сиким тупроғига зор бўлиб, бегона ерларда йитиб кетдиларми! Бу ўлимдан кўрқиши эмас, ўз юртига меҳру муҳаббат эди.

Илёс отанинг нолиганича ҳам бор эди. Бу орада унинг кайфи тарқаб руҳи ўзгара бошлади. Кайф хумори, ҳақсизлик азоби қўшилиб, чексиз бир алам билан Илёс отанинг худога нолиши юракларни ларзага солиб отилиб чиқарди:

Худоё, оҳи-вовайло,  
Ўзимдан бўлмагим огоҳ!  
Каромат қиласанг, оллоҳ,  
Оро йўларда қолғонман!..

Қамоқ шароити, бегуноҳ одамларга ёғдирилаётган тухматлар даврида Илёс отанинг бу шеърий ноласи шу қадар ўзининг тўлиқ ифодасини топган эдики, ҳақиқатан ҳам бирор каромат, мўъжиза юз бермаса бу асоратдан қутулиш мушкул эди.

У фазаб билан, кимларнидир лаънатлаб, васият қилгандек нималардир менга демоқчи бўлди-ю бу орада назоратчининг чиқишига тайёрлан деган овози эшитилиб, айтмоқчи бўлган ниятини охиригача етказишига имкон бўлмади.

Илёс отани олиб чиқиб кетдилар. Қаерга?

Қаерга бўларди — балки, даволангунча вақтинча касалхонага, ё суд қилиб 25 йилга ҳукм қилиб лагерлардан бирига! Сен ким бўлма, бу даргоҳнинг чангалига илиндингми, бас, фақатгина битта йўл, у ҳам бўлса лагерларга олиб борадиган йўл. Бу ердан бошқа ёққа борадиган йўл йўқ, қолган ҳамма йўллар сен учун берк.

Етмиш беш ёшга борган бу оёқсиз мўйсафиидни қаерга олиб кетдилар? Беш кунлик умри қолганми, йўқми? Унинг нимаси душман бўлди? Унинг душманлиги ўн тийинлик қурт ёки бир пачка сигарет оловчи харидорнинг:

«Куртни иккитасини эмас, тұрттасини үн тийин қилинг, ёки «прима»ни арzonроқ сотинг» деган гапига:

«Бу гапингни ҳукуматта айт, тагини мұл қилиб мазынларга чиқарып қўйса, мен ҳам арzon сотардим, мени үзимга ҳам магазинчилар устига қўйиб сотади, менга қоладиган фақат нон пули холос», деб қилган жавобими? Советларга қарши тарғибот шуми? Бу шўрлик чол кучага чиқиб Совет ҳукуматининг дастидан «дод», деб жар солмаган бўлса, ёки бирон жойга бомба қўйиб, шериклари билан портлатмаган бўлса! Йўқ нарсани йўқ дейиш, қиммат нарсани қиммат деб тўғри гапни айтиш душманлик саналса, унда нима қилиш керак? Йўқ бўлса ҳам бор, оч бўлса ҳам тўқман дейиш керакми? Ёлон гапириш дўстлик буладими? Шу бир оғиз гапни айтган ва буни эшигтан атрофдаги одамлар бу хато демаганлари учун ҳаммаси Советларга қарши туда саналиб, қариган чоғларида бола-чақа, уй-жойларидан маҳрум булиб бегона юртлардаги қамоқ лагерларида ўликлари қолиб кетишга маҳкум этилса, бу қайси қонун, қайси инсофга киради! Бир оғиз гап учун 25 йилга ҳукм қилиш керакми?

Илёс ота шўрликнинг «ўликларим қаерларда қолиб кетади» деб оху-нола қилишлари киши юрагини ўртари.

Наҳот, инсонга раҳм-шафқат шу бўлса! Бу ердаги терговчиларнинг инсофи, виждони қаерда!

Мен Илёс ота аҳволи, унинг тақдирига юрак-бағримдан ачинар эдим-у, аммо үзимнинг тақдирим, олдинда мени нималар кутмоқда, булардан бехабар эдим. Эртага бу дунёда нималар бўлишини ким билади. Менинг тақдирим ҳам...

Ўйларим охирига етмай темир эшикнинг туйнук-часи очилиб, назоратчи овқат олиб келганини айтди. Мен бир неча йилдан бери тутилиб, маҳбусларнинг қўлларидан қўлларига ўтавериб, қаерларгадир уриб гардишлари қийшайган мис тобоқни узатдим. Бир чўмич ёвғон, сўк оши қуйиб берди. «Арпа емас бу отларни ажриққа зор қилди худо», деганлариdek ичмасдан иложинг борми!

Ўз айбларингни бўйнингга олмаганинг, яъни Советларга қарши фаолиятингни үзинг очиқ айтиб бермаганинг учун жазолаш мақсадида уйингдан келган

озми-кўпми нарсаларни ҳам олдирмаса, ёнингдаги бор пулингга харажат қилдирмаса, хўш, бу ерда бериладиган бир чўмич сўк оши, сули бўтқани емасдан нима чора! Яхши емоқчи бўлсанг «Мен Советларга қарши душман бўлганман», деб айбларингни, шерикларинг ким бўлганилигини тан олиб айтиб бер, уйингдан келган нарсаларни ҳам оласан, буфетлардаги нарсалар ҳам сеники бўлади. Бу дегани вижданни жигилдонга алмашишнинг худди ўзи.

Оч бўлишимга қарамай бир қошиқ овқат ҳам томоғимдан ўтмади. Илёс отани олиб чиқиб кетган бўлсалар ҳам тувақдан чиқкан сассиқ ҳали камерадан аримаган эди. Назоратчига аҳволни айтиб, тувакни тўкиб келиш керак, деган илтимосимга, «фақат кечки ҳожат вақтидан бошқа пайт мумкин эмас», деган жавобни олдим.

Кўлингдан нима келади!

Орадан кўп ўтмай темир эшиклардан бирининг очилиб ёпилган хунук овози эштилди. Бу ён-веримдаги эмас, овозининг узокдан келишига қараганда, ертўланинг эшиги эди. Киши йиллаб қамоқда ўтирабергандан кейин эшикнинг очилиб-ёпилган овозидан ҳам нечанчи камера эканини тахминан сезадиган бўлиб қоласан.

Мен ётган камеранинг ёнида назоратчининг кимгадир «тўхта» деган овози эштилди. Темир эшик шарақлаб очилиб, менинг камерамга соchlари оппоқ оқарган ўрта бўйли, ниҳоятда хушрўй 50 ёшлар атрофидағи маҳбус елкасида юки билан кириб келди.

Бу одам 1919 йилдан коммунистик партия аъзоси, тошкентлик Насриддин Хўжаев эди. Инқилобнинг биринчи йиллари ёқ отилиб чиқиб партияга кирганлардан. Энди ҳақиқий озодликка эришдик, бутун орзуумидларимиз энди рўёбга чиқади деб, йигирманчи, ўттизинчи йилларда жон-жаҳди билан жонбозлик кўрсатганлардан. Мана энди елкасида қўрпа-ёстиқ билан кириб келиб, мен билан зихи пачоқ мис тобоқда бўтқа емоқда.

Бу содик коммунистнинг гуноҳи нима?

Насриддин Хўжаев менинг саволимга ғазаб аралаш: «Сени қайси гуноҳингга қамащди?» — деб савол билан жавоб берди.

Шу жавобни эшитдим-у бошқа бир нарса ҳақида сўрашга тилим бормади. Тоғамнинг ўғли содик коммунист Баҳоводдин ақанинг фожиали тақдирни кўз ол-

димдан ўта бошлади. У ҳам 1918—1919 йилларда шу партия сафига сидқидил билан кирган эди-ку! Тақдири нима билан тугади? У қамалмади, аммо шу эътиқод билан яшаб, оқибатда нима топди?..

Насриддин Хўжаев гарчанд менга қамалиш сабабини айтмаган бўлса ҳам, тоғаваччамнинг феълига, эътиқодига қиёс қилиб, бунинг қамалиши-ю Баҳоводдин аканинг нечук қамалмаганидан ўзимга хулоса чиқардим.

Тоғамнинг ўғли Баҳоводдин aka партияга киргач, худди бутун орзу-армонларига етказадиган Ҳумо қушини ушлагандек, уй-жой борми, уйланиб бола-чақа қилиш борми, қариндош-уруфу барчасидан кечиб, ҳукумат нимани буюрса, шуни қилиб, қаерга бор деса ўша ёққа кетаберди. 1924 йилларда озиқ-овқат отрядига қўшилиб қишлоқма-қишлоқ дехқонлардан дон йикқани кетди. Босмачиликка қарши куралига юборганида жони билан бу ишга ҳам киришди. Кейинчалик колхоз, совхозларда гоҳ мудир, гоҳ партком бўлиб ишлаб, ўн-ўн беш йилда бирор сабаб билан Тошкентта келганди, қариндош-уруғларниги кириб ўтадиган бўлди. Бу йилларда ота-онадан қолган ичкари-ташқари ҳовлижой қаровсиз, қишида қор босиб куралмай, ёзда сув тошиб қаралмай, уйларнинг томи босиб, эшик, дера-заларини кўчадагилар ташиб кетабошлади. Қариндош-уруғларнинг: «Баҳоводдинхон, ҳовли-жойингизни ё сотинг, ё кўчиб келадиган бўлсангиз келганларингизда у ёқ-бу ёғига қараб туринг», — деган маслаҳатларига у:

— Коммунистларга хусусий мулк қеракмас, хусусий мулкчиликка қарши курашишимиз қерак! — деган жавобни қиласарди.

У Совет давлати манфаатидан бўлак ҳамма нарсадан кечган, ўзини шу fossa йўлида қурбон қилишга тайёр, баҳтини шу йўлда топишга ишонган одам эди. Бундан бошқа динни ҳам, худони ҳам, астағурилло, танимай қўйган эди.

Унинг отаси — менинг тоғам Нуриддин маҳсум диндор, ҳаттот бўлиб, ўз маҳалласидаги Баланд масчит пештоқларини Навоий байтлари, Қуръон оятлари билан холис безаган киши бўлган. Бобомиз эса, Зайниддин маҳсум Шайҳонтаҳур мадрасасининг мударрисларидан бири бўлиб, Тошкент аҳолиси орасида ўз эътиқоди билан эътибор қозонган табаррук шахс бўлган.

Бобомиз, Зайнидин махсум дин ва эътиқодга шу қадар содиқ одам бўлганки, ҳатто халойик шаҳар қозилигига тайинламоқчи бўлганда ҳам эътиқод олдида амалдан кечиб, розилик бермаган. Эътиқодга содиқлик, шахсий манфаатдан кўра кўпга хизмат қилишни афзал қўриш жиҳатидан Баҳоводдин ҳам бувамизга тортган эди. Иккаласи ҳам амал, давлатга ҳирс қўймаган эди, аммо, умрларининг якуни, оқибати ўхшашиб бўлмади.

Зайнидин махсум бобомиз вафот этганда, эшишимча, тобутларига ёпилган малла табаррук деб бир парчадан талаш-талаш бўлиб кетган экан.

Баҳоводдин махсум-чи?

Баҳоводдин махсум 20—30-йиллар қишлоқма-қишлоқ, районма-район кезиб партия топширигини бажариб, қаерга юборса, бош тортмай бориб 1974 йили тўрт қиз, бир ўғил ва мусофиричиликда топган хотини билан бизларнинг уйга кўчиб келди. Бошқа қаерга боради? Уй-жой майдонга айланиб, кучага аллақачон қўшилиб бўлган. Шунча йил хизмат қилиб орттириб келган бисоти, болаларидан ташқари бир неча кўрпа-ёстик, битта шолча, беш-ўнта пиёла, чойнак.

Ёз бағри кенг деганларидек, ёз ойлари бизларни-кида яшаб, қишига яқин ижарага олиб қўшнимизникига кўчиб ўтишди.

Шунча йил қишлоқларда жонини жабборга бериб ишлаб, ҳовли-жой қилишга лойик бирор нарса орттириб келгандир десам, қаёқда, кутариб келган шолча-ю, кўрпа-ёстиқдан бўлак нарса кўринмади. Ҳукумат ишга жойлашганидан кейин уй ваъда қилибди.

Омади келиб унча-мунча одам пул бериб киромайдиган, жуда даромадли, ёғлиқ жойга, Тошкентдаги гўшт-ёғ комбинатига бошлиқ бўлиб ишга тайинланди. Лекин бу ерда узоқ вақт ишламади, бир-икки йилга етар-етмас вақт ичида ариза бериб ўз хоҳиши билан бўшади. Мен ундан:

— Ахир, ҳаммага ҳам насиб этмайдиган озми-кўпми сариёғ, гўшт, какао, колбаса уйингизга текинга келиб, тирикчилигинги үтиб, маошингизга ёрдам бўлиб турган эди. Шундай даромадли жойдан бирор кет демаса, нега ариза бердингиз, — десам:

— Ўзим бўшамасам, қамалиб кетишум керак эди. Менинг уйимга директор фондидан деб шофер ташлаб

кетадиган улушлар мутлақо қонунда йўқ эди. Бундай қонунсизликлар муовиним, бухгалтериядагилар учун ҳам одатий иш бўлиб, ҳатто бирор ишчи уйга қуруқ қайтмас экан. Ахир бу давлат мулкини талон-тарож қилиш-ку! Ўғрилик-ку! Бир айтдим — бўлмади, икки айтдим тушунтиrolмадим, чора кўришга мажбур бўлдим. Йўқ, аксинча бўлиб чиқди. Энди, муовинларим-у инженерлар менинг устимдан айб топиб, гуноҳкор қилиб турли идораларга ариза ёзабошлиши. Туҳматга ўтишиди. Қарасам, булар кўпчилик. Юқори ташкилотлардаги раҳбарларнинг ҳам менинг ишдан кетишимга майли бор. Ҳалоллик, ўғрилик, давлат мулкини талон-тарож қилиш ҳақидаги гапларимга улар энсаси қотиб қарандек... Мен бу ерда бўлсан, уларга ҳеч ким тегмайди. Демак ҳаммасининг тили бир, куни шу ердан ўтиб турган. Битта ўзим қандай қилиб булар билан кураша оламан! Дунё тамом бўлди. Ҳалол одам қолмади! Бу гапни сенга айтдим. Бу гапларни айтсанг, душман кўринасан. Ишдан кетишимнинг сабаби шу! — деб жавоб берди. Мен унга яқин ишонарли қариндош бўлганим учун уйиллар бўйи кўнглида йиғилиб қолган дардларини очик, яширмасдан айтиб солди: — Бизлар инқилобни нима учун қилган эдик, укам? Ўғри, муттаҳамларни кўпайтириш учунми? Давлат мулкини ҳамма истаганча талон-тарож қилиши учунми? Ҳақиқатни айтсанг, гуноҳкор бўлиш учунми? Шунинг учун инқилоб қилиб, инқилобга жонимизни тикиб хизмат қилдикми?

У ёниб, йиғлагудек бўлиб гапираради. Ҳар гапининг орасида кимдандир, нимадандир хавотирлангандек, «гап шу ерда қолсин, бу гапларни бошқаларга айтиб бўлмайди, айтсанг, душман кўринмасан», — деб қўярди.

Комбинатдан бўшагандан кейин бир неча ой хаёлчан юрди-да, кунлардан бир кун мен билан кўришиб:

— Шаҳарда инсоф қолмабди. Раҳбарлар ҳам гапингга қулоқ солмайди, эътибор бериб эшитмайди, ҳаромжўрликлар одатий нарса бўлиб қолганими, арзидодингга чора излаш, куйиниш ўрнига шарво қилмай қарайди. Ҳали ҳам қишлоқларда инсоф бор. Мирзачўлдаги колхоз-совхоз қурилиши министрлигига қарашли трестга партком бўлиб тайинландим. Маошим кам бўлса ҳам соғлиғимга ҳавонинг ёрдами бўлар, — деган хабарни айтди.

У ерда ҳам узоқ ишламади. Бола-чақа Тошкентда. Ҳафтада бир келиб-кетиб ишлади. Ётар-туар, еяр-ичарда ҳаловат бўлмади. Қишида ўпкасини совуққа олдириб, зотилжам бўлиб қайтди. Касалхонада узоқ ётмай вафот этди. Жасадини олиб келишганда кийимларининг чўнтағидан битта беш сўмлик, бита уч сўмлик фижимланган пул чиқди.

Таъна эмас, ахир тобутини ўрашга уйидан 4 метр сурп чиқмади.

Бобоси Зайниддин маҳсум ўлганда тобутга ёпилгани малини ҳалойиқ табаррук деб йиртиш қилиб олган бўлса, тобутини бутун шаҳар кўтариб кетса-ю, давлат хизмати учун жонини аямай, молу мулқ, қариндошурӯғ демай хизмат қилган бу одамни ўз шаҳрида мусофиридек маҳалланинг беш-ўн одами олиб бориб жойига тиқиб келса!

Камерада икки муштини тиззаларига тираб, бошини қуи солганча ўтирган Насриддин Хўжаевга афсус билан тикилиб, Баҳоводдин акамнинг ҳаётини хаёлимдан ўtkазар эканман, гарчанд ўзи айтмаган бўлса ҳам Насриддин Хўжаевни нега қамашларининг сабаблари менга аён бўла бошлаган эди. Бунинг сабаби шуки, Баҳоводдин aka ниҳоятда эҳтиёткорлиги орқасида дардларини мендан бошқага ошкор қилмай, ичида олиб кетди. Қамалишдан қутулиб қолди. Насриддин Хўжаев жамиятимиздаги ноҳақликларга қарши ошкора курашди, ана шу уни қамоққа етаклаб келди.

Насриддин Хўжаев қуи солинган бошини гўё уни кимдир чақиргандек бирдан кўтарди-да, икки панжасини тиззаларига шашт билан уриб: «Тавба,adolat йўқ!» — деб ўрнидан туриб камерада юра бошлади.

Назоратчи эшик туйнуқчасидан ҳожатга чиқишига тайёрланишни буюрди. Эшик очилиб, табаррук ёшдаги бу одам билан, нима чора, қанчалик руҳан қийин бўлмасин, икки ёқдан иккаламиз тувак дасталарини ушлаганча кечки ҳожатга чиқа бошладик.

### КИНОЯДАН ЧИЗИЛГАН ШАКЛ

Киноянинг ҳам шакли бўладими? Тавба, унинг шакли қанақа бўлади?

Сувдан ҳолва-чи? Сувдан ҳолва ясайдиганлар бўлгандан кейин, хўш, киноядан шакл ясайдиганлар

топилмайды дейсизми? Бунинг қандай бўлишини давлат хавфсизлик қўумитасининг ички қамоқхонасида ётганлар билади.

Қамоқда ётганимга мана бир неча ой бўлган бўлса, нималарга дуч келмадим!

Бугун мени терговчимнинг таниш хонасига эмас, 1-бўлим бошлиғи Конюховнинг оддига олиб кириди. Конюхов қотма, юзидан заҳар томиб турадиган одам эди. У мени хўш, қалайсан, деб меҳрибонлик қилган-дек аҳвол сўраб, ясама бир табассум билан кутиб олди. Орада ўтган бир оз кўнгилсиз жимлиқдан кейин маҳбуслар учун бурчакка кўйилган маҳсус курсига утиришга ишора қилиб, «хўш, нималарни ўйладинг, қани, гапирчи», деб мулоиймлик билан гап бошлади.

— Мен душман бўлмасам, гуноҳим бўлмаса, нега ушлаб утирибсизлар, — дейишдан бошқа нима ҳам дердим. — Мен шу чоққача нима иш қилган, нимаики ёзган бўлсан, совет давлати, Сталинга меҳр, садоқат уйғотишига хизмат қилдим. Буни фақат китобхонлар эмас, танқидчилар ҳам достон ва шеърларимда куйланганини тан олиб, ижобий баҳолаган бўлсалар бу душманлигимми? Менинг кимлигимга шулар далил бўлмайдими?

— Асарларингда ёзганинг ўз душманлигинги ниқоблаш учун қилинган!

Мана қилган меҳнатингнинг баҳоси! Қадри!

— Қайси айбимни ниқоблаганман? Совет халқига ўз хизматим билан келтирган фойдамдаи наҳот зиёним кўп бўлса!

Конюховнинг мени чақиришидан мақсади, терговчининг гапларини рад этишга уринишингнинг фойдаси йўқ, у кундиролмаса, мана мен бор, биздан қочиб қутулолмайсан, дейиш эди.

Худди шуни тасдиқлагандек эшиқдан полковник Козеров кириб келди. Конюхов унга:

— Халқ душмани Юсуповни суроқ қиляпман, — деб маълум қилди. Бунгә жавобан у:

— Хўш, жиноятларини тан оляптими?

— Яширяпти!

— Унда терговни чўзаберади, ётаберади. Шафқатсиз фош қилинглар. Терговни давом эттиринг! — дедида, Козеров шундан бошқа гап айтмасдан, қандайдир қофозларга сирли назар солгандек бўлиб чиқиб кетди.

Душманлигим нимадан иборат? Ўйлаб-ўйлаб охирiga етолмасдим. Мабодо одам ўлдирган бўлсам, қамоқнинг бу азобларига чидаб, ўзимни қийнаб ўтирамай, тақдирга тан бериб, иқрор бўлардим-қўярдим. Мен ўзимни гуноҳкор деб билмасам, ахир, қайси гуноҳими ни бўйнимга оламан? Қайси гуноҳимни!

Конюховнинг менга биринчи саволи:

— Жиноятчи Юсупов, қани иқрор қилиб айт-чи, Совет давлатига қарши кимлар билан тил бириктириб, қандай ишлар олиб боргансан? Очиқ, яширмасдан айтсанг жиноятинг енгиллашади. Оиласанг билан кўришишга рухсат берамиш. Передача олишингга рухсат этамиш, судинг ҳам тезлашади.

— Гуноҳим бўлса, айтабер. Айбим бўлса, отсаларинг ҳам розиман!

— Биз сени отмаймиз. Суд ҳукм қилади! Бизнинг вазифамиз сенинг жиноятингни фош қилиш!

— Қайси жиноятимни ахир!

— Дўстларинг бўлганми?

— Албатта бўлган.

— Кимлар?

Менинг дўстларим кимлиги буларга нега керак бўлиб қолди. Қайси бирини айтасан?

Бу фикрим ҳали бир жойда қарор топмасдан «Хива» киносига үрнатилган радио карнайидан келаётган музика овози тиниб, қулоғимга узуқ-юлуқ «Фоявий душманларимиз космополитлар...» яна шунга ўхшашиб, қамалганлар ҳақида, ҳатто Мирзакалон, Ҳамид Сулаймонларнинг номлари айтилгани элас-элас эшитилиб қолди. Эшитганимга минг пушаймон едим. Кўнглим хуфтон бўлиб, умидларим яксон қилинди. Демак, Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев, Абдулла Қодирийлар қамалган кезларда омма орасида уларга қарши нафрат ўйғотувчи қандай мұхит уюштирилган бўлса, радиодаги ҳозирги бу эшиттириш руҳи ҳам ўшанинг давомидек эди. Бу эшиттиришдан кейин мени қамашларидан мақсад нақадар жиҳдий эканини ўйламасдан иложим йўқ эди. Наҳотки, мени ҳам ўшалардек ҳалқ душмани қилиб умримни қамоқда чиритсалар! Наҳотки, ўшалар қатори отиб ўлдирысалар! Наҳотки, радиодан бу гапларни эшитган ҳалқ, менинг дўстларим, қариндош-уругларим шунга ишониб «ҳалқ душманларига нафрат», дейишга тиллари борса! Хўш, душман-

лиги нимадан иборат, айтинглар дейдиган бирор мarda топилмасмикан!

Абдулла Қодирий ёки Усмон Носир қамалганида уларнинг гуноҳи нима деганимидик ахир ўзимиз? Йўқ, бундай мард топилишига ишонмайман! Ҳимоя қилиш у ёқда турсин, ҳатто у нима гуноҳ қилган, мен билмайман, деб айтишга ҳам журъят этмасалар керак.

Онам ҳаёт бўлганда онам, отам ҳаёт бўлганда отамгина менга ачиниб, дод-фарёд қилишларигина мумкин бўларди. Бу замон шундай замонки... Хўш, қандай замон? Қани гапир, десалар, қайси мард: «Одамлардан бир-бирига ишонч, оқибат кўтарилган, ҳар ким фақат ўзини ўйлаб қолган замон», деб айта оларди!

Хўш, мен учун қайфурадиган ким қолди! Ким? Қайси меҳрибоним? Икки бева опам, хотиним, бола-чақамдан бошқа яқинларимдан ким бор? Оҳ, шўрлик хотиним! Оддидаги икки ёш бола, яна қорнидаги билан 25 баҳорни эндиғина курган жувоннинг ҳоли не кечди! Ундан бошқа кимдан умид қиласай!

Ниҳоятда даҳшатли, кўнгилни ғаш қилувчи хаёлларимни терговчи Сухановнинг эшиқдан кириб келиши бўлиб юборди. Бунинг пайдо бўлиши эса яна ҳам кўнгилсиз, яна ҳам қайгулироқ эди. Назаримда, у айтганларимга сени ўзим кўндиrolmasam капитан Конюхов бор, у ҳам ожизлик қисса, полковник Козеров, шунда ҳам айбларингни тан олмасанг, ҳали қараб тур, генераллар, бутун бир орган бор, бу чангандан қаёққа қочиб қутуласан? Сендек душманларни илҳомлантирган Марказқўмнинг собиқ биринчи котиби Акмал Икромов нима бўлди! Буюк ёзувчиман деган Абдулла Қодирийнинг қўлидан нима келди! Ӯшаларни ҳам тавбасига таянтира олган бизларни ким деб ўйлайсан! Уларнинг оддида сен ким бўпсан, душманлигининг бўйнингга олабер, — дегандек туюлди.

Усмон Носир шеърларини ўқиганим, уни мақтаганим учун мени ҳам уларнинг таъсиридаги шоир деб миллатчиликда айблаб, битта модда билан айблаб бўлишди. Энди Совет хукуматига қарши тарғиботда, совет ҳаётидан норозиликдаги «жиноятларимни» фош қилишга ўтишди.

Қаерда қандай гаплар гапирганман, кимлар бор эди, Совет ҳаётидан куловчичи қандай латифалар айтганман, шуларни суриштиришга ўтилди. Бундан кузат

тилган мақсад, Советларга қарши яширин ташкилот тузмоқчи бўлгансизлар, деган айбни бўйнимга қўйиши эди.

Советларга қарши ташкилот тузишда айбландингми, тамом, бу тузоқдан қутулишинг қийин. Чунки сендан бирор айб тополмаганда ҳам ташкилот аъзоларининг бирортасига танишлигинг, алоқанг бор бўлса бўлди, ташкилот аъзоси сифатида жиноятчи қилиш учун етарли.

Совет ҳукуматининг сиёсатига қарши тарбиботда ва ташкилот тузишда айблаш учун мен айтмаган шундай нарсаларни ўйлаб топишибдики, ё тавба, на уларда мантиқ бор, на ақлга тўғри келади. Бутун бир давлат ташкилоти ҳақиқат ва акд олдида андиша қўлмасдан шу аҳволга тушганидан кулгинг келса, йўқ нарсаларга сени ишонтироқчи бўлганларидан қаҳраламасдан ҳам иложинг қолмасди.

Мени айблаш учун энди шундай бир гуноҳ топишибдики, бундай қараганда ниҳоятда кулгилидек кўринса ҳам, аммо бунинг тагида битта одамнинг умрини қамоқда чиритиш учун етарли жиноят ётарди.

Сталин худо даражасига кўтарилиган бир замон, унга тил теккизишдан кўра катта гуноҳ топиб бўлмасди. Унга тил теккизган одамни ўзинигина эмас, шу баҳона авлод-аждоди социдан тирноғигача қиличдан ўтказиларди.

Мана бугун мени улуф доҳий Сталиннинг сўзини масхаралаб, киноя билан айтгансан, деб айб қўйишмоқчи бўлишди. Гўё мен тенгдош ёзувчи дўстларимдан бирининг тўйида Сталиннинг урушдан кейин айтган «Турмуш яхшиланиб қолди, ҳаёт қувноқ бўлиб қолди», деган сўзини масхаралаб киноя билан айтган эмишман. Бу тұхматдан иборат эмиш. Нимаси тұхмат! Киноями ёки тўғри кўнгилда айтганманми, буни қаёқдан билдинг! Киноя қилиб айтган бўлсан ҳам тўғри айтганиман. Чунки тўй бўлишига қарамасдан дастурхонда сайдиган нарса йўқ, эди. Ахир, уруш вақтида, битта кўйлагимиз иккита бўлиши у ёқда турсин, ҳатто бутун кўйлакнинг ўзи бўлмаган. Ахир мен ўзим бирор узоқроқ жойга тўй-томушага бориб, ётиб қолгудек бўлсан, чироқни учирмасларидан ечинолмасдим. Чунки гарчанд кўйлагимнинг ёқаси, галстугим бўлса ҳам кўйлакнинг орқаси йўқ, эди...

Уруш вақтида завод борми, фабрика борми, ҳаммаси жангга керакли нарса ишлашга қаратилган эди. Бир кийимлик чит — анқонинг уруғи. Топилганда ҳам унча-мунча одам киёлмасди. Оддий калиш деган нарса нима, у ҳам йўқ бўлиб кетган-да. Ҳунармандлар уйларида бўз тўқий бошлишди. Бозорларда резинкадан қўлда қуйилган, тиши йўқ, зил-замбил қўйма калишлар сотиларди. Емак-ичмак, тирикчиликка зарур нарсаларни топиб бир амаллаб кун кечириш халқининг ўзига ташлаб қўйилган. Урушга бормай қолган оиласлар ўзи емаса ҳам, ичмаса ҳам жангга кетган ака-укасими, эрими, фарзандими, ўлмай омон қайтишининг дардида очликка ҳам, яланғочликка ҳам чидарди.

Ахир, бир ойда бир одамга тўрт юз грамм ёғ берилади. Кунига қанчадан тўғри келади? Бир ойга бир кило-ю икки юз граммдан дон бериларди. Ўлаб кўрса, бу нарсалар росмана ейман деган одамга бир ҳафтага ҳам етар-етмас масаллиқ-ку. Орзу-ҳавас, тўй-томоша қаёқда! Фақат уруш йилларидамас, урушдан кейинги дастлабки йилларда ҳам бирорвнинг олдига қўйишга бир бурда ортиқча нон топилмасди.

Шуни фаровон ҳаёт деб бўладими? Менинг айбим ҳақиқатни айтганимми? Шунинг учун қамаш керакми?

Уруш тугаши билан худди осмоидан дарҳол нознеъмат ёғилгандек, ҳаммаёқ обод, ҳаммаёқ фаровон десак, ким ишонарди!.. Мантиққа сиғадими?

Уруш тамом бўлди. Кимдир отасидан, кимдир фарзандидан айрилди, кимлардир бедарак кетди. Хона-донларда, қариндош-уруғлариникида дод-фарёдлар кўтарилиди, кишиларнинг қалбларидан айрилиқ аламлари, кўз ёшлари ҳали аримай туриб, уларнинг дардларига дардкаш бўлиш ўрнига ҳаёт қувноқ бўлиб қолди десак, инсонийлик бўладими?

Сталиннинг урушдан кейин «Ҳаёт фаровон бўлиб қолди», деган гапи эсимда. Айтганман. Инкор қилмайман. Мени таажжубга соладиган нарса шуки, бу гапимни қайси дўстим етказган, бундан қатъи назар, аммо бу гапни мен тўғри кўнгил билан айтганманми ёки киноя қилибми, нима билан исбот қиласди ёки ўша вақтда башарам қандай ҳолатда бўлганини суратга олиб, товушмни магнитафонга ёзиб олган эканими?

Йўқ, терговчини қизиқтирган нарса буни исботлаш эмас, уни қайси маънода айтганлигим ҳам эмас, улар учун энг муҳими — шуни айтганимни тасдиқлатиб олиш. Бундан чиқарадиган холоса эса уларнинг ўз қўлларида эди. Яъни «халқлар доҳийсини» масхаралаш, унинг сўзига ишончсизлик, деган айбни қўйиш эди.

Терговчи менинг бу гапларимдан қуйидаги холоса чиқариб ёзган эди:

«Сталиннинг гапларини айтишдан мақсадим фақатгина Совет давридаги ҳаётдан норозилик, уни қора-лашгина эмас, одамлар орасида халқлар доҳийсининг сўзига ишончсизлик туғдиришни ҳам кўзда тутган эдим... Мен ўзим шоир бўлатуриб Совет даврида битта кўйлакка ёлчимадим, мана шунинг ўзи ҳам доҳийнинг сўзини масхаралаб айтганимнинг исботи бўлади...» ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Буни ўқиб, бундай айбномани эшишиб, инсоф билан айтгаңда, нима дейиш мумкин! Менинг айтганларимдан шу холоса чиқадими!

Ўша даврда «халқлар доҳийсининг» сўзини масхаралаган одамга қандай жазо бериш мумкин эди? Бунинг учун отиш ҳам кам эди.

Айримлар, шунга ҳам одамларни қамашганми, ишониб бўлмайди-ку, дейишлари мумкин. Шошилманг, бу ҳам ҳолва, ҳали шундайлари борки...

Менга қўйилган гуноҳлардан яна биттаси елпигич ҳақида айтилган латифа эди. Буни эшишиб, ё тавба, деб ишонмай, ҳазил бўлса керак, деб қотиб-қотиб кулишингиз ҳам мумкин.

«Эчкига жон қайгу, қассобга мой» дегандек, буни эшишганлар ичаги узилгунча кулади-ю, аммо буни айтган мен учун-чи, мотам, фожиа. Бу шундай бўлган эди:

Кунлардан бир кун йўлим тушиб, менга таниш колхоз раисларидан бириникига кириб ўтмоқчи бўлдим. Одат бўйича бирор жойга боргандা, қуруқ бориб бўлмайди. Нима олдим? Мева-чева олай десам, қишлоқ жой, унинг устига колхоз раиси, ҳамма нарса ўзида бор. Ўйлаб-ўйлаб, раис анчагина семиз одам бўлгани учун иссиқ кунда елшиниб ўтирас деган хаёл билан дўконга кириб иккита елпигич олдим.

Гарчанд бу арзимаган совға бўлса ҳам раис оғайним курсанд бўлди. Аммо уни очиб елпинмоқчи бўлган

экан, иккаласи ҳам сочилиб кетиб, уй ичи, бола-чақаларининг олдида бир оз кулги бўпти. Гўё буни маломат қилиш учун атайлаб қилгандек, раис мендан ранжиб гапириб қолди. Аммо мен буни атайлаб ёки ҳазил учун қилмаган эдим.

Шунинг учун эртасига еллигич сотган дўкондорга учрашиб, воқеани айтдим. Гапимни эшишган дўкондор:

— Ака, еллигич сочилиб кетган бўлса, бизда айб йўқ, еллигични тута билиш керак, қани, қандай қилдингиз, кўрсатинг-чи, — деб сўраб қолди. Мен еллигични очиб, ўзимни қандай қилиб еллиганимни айтдим.

У эса:

— Муллака, еллигични тутишни билмасиз, еллигични бундай тутгмайди. Сизга ўхшаб еллигични очиб елписа, албатта, сочилиб кетади, бу аҳволда сизга бир кунда ўнта еллигич ҳам камлик қиласди. Еллигич сочилиб кетмасин десангиз, еллигични очиб мана бундай қилиб қўлингизда тутиб уни қимиirlатмасдан каллангизни ўзини икки ёқقا қимиirlатсангиз еллигич сочилиб кетмасди... Ҳа, акажон, еллигични тута билиш керак, — деди жиддий.

Аввалига гапига жиддий қулоқ солиб, кейинчалик бу андижонликларнинг меҳмонларга қилган ҳазили эканини англагач, роса кулишдик. Чой қуйиб, ҳол-аҳвол сўрашдик.

Еллигич ҳақидағи бўлган бор гап шу, хўш, бунда Совет ҳукумати, унинг сиёсатига қарши душманлик дегулик нима бор? Буни эшиштан терговчи ўзи ҳам аввалига кулади. Аммо чиқарган холосаси-чи? Куракда турмасди. Ақлага сифмас даражада даҳшатли эди: у шундай деб ёзганди:

«Мен бу латифани тўқиб чиқаришимдан мақсад Совет давлати сифатсиз мол чиқариб, ҳалқни алдаш билан шуғулланади, бу билан мен совет савдо системасига тухмат қилмоқчи бўлганман». Бунга нима дейсиз! Совет савдо системасига тухмат этиш!

Аввало ҳеч маҳалда, ҳеч ким еллигични бундай қилиб ишлатмайди. Шундай бўлгач, йўқ нарсанинг нимаси Советларга қарши бўлади! Бунинг нимаси тухмат! Хўш, бизда сифатсиз мол чиқарилмаганми? Сифатсиз мол чиқарилмасин, деб танқид қилинса, си-

фат учун курашилса ёмонми? Шу тұқмат бұладими? Сифатсиз мол чиқариладынин терговчиларнинг үзи билмайдими? Қайси виждан билан мени айлашмоқчи! Бу латифани Советларга қарши қасддан айтганимни исботлаш учун:

*Халқ даргини жойладым дилга,  
Ұлдир, ұлымдан ҳам қайтмайман, —*

шеъримни мисолға келтириб, агарда Совет ҳукуматининг сиёсатидан рози бұлганингда, сен бу шеърни ёзмаган бұлардинг, иорози бұлганинг учун шундай тұхматдан иборат латифаларни советларга қарши ҳам-фикр дүстларинг Шұхрат, Мирзакалон, Ҳамид Сулаймон, Алимухамедов Абдурахмонар билан алоҳида иғиниларда айтиб юргансан, деган құшымчани ёза бошлади.

Мен бу одамларга еллигич ҳақида айтмаганман-ку?.. Нега уларға айттан деб ёзди? Бунинг тагида кузатилған даҳшатли мақсад ётарди. Яъни бу билан менга бизлар ҳамиша йиғилишиб Советларга қарши душманлықдан иборат иғволар билан шуғулланувчи яширин ташкилот аъзоларимиз, деган айбномани қўймоқчи эди.

Энди яна қандай жиноятлар үйлаб топишаркин?

Ўз-ўзимча үйлаб, үйимнинг охирига етолмайман. Нима қилиш керак!?

Шуни үйларканман онам раҳматликнинг: «Эй, болам, аччиқ ҳақиқатнинг ороми бұлади», деган гапи ҳаёлимдан үтаберди. Бу гапни онам күп гапиради, ёшлигимдан қулогимга қуярди. Бу гапни эсладим-у, рұхимда бир енгиллик, қандайдир ғуур пайдо бұлди.

Агар янгишмасам, 32—33—йиллар юртда очарчиклик эди. У вақтда нонни заборний чиптаси билан олардик. Талон бұлишига қарамай, баъзан бир-икки күнлар дүкөнга нон келмасдан тегишли нонни ҳам үз вақтида ололмасдик. Келгани ҳам ҳаммага етмасди. Хадрадаги Тоштрам дүкони ишчиларга қарашли бұлгани учун бу ерга нон бошқа дүконларга қараганда вақтида келарди. Шунга қарамасдан нон олиш осон бўлмасди: ҳамиша ур-туплон, бақириқ-чақириқ. Мен ёш бола бўлганим учун баъзилар раҳм қилиб олдинга қўйиб юборарди. Кўпинча ярим кечадан навбат олишга тўғри

келарди. Оладиган нонимиз шунақанги қоп-қора, жириш бүлардикى, дүкончи пичоқни сув солинган челакка тиқиб олмасдан буханкани кеса олмасди. Одамлар шу жиришга ҳам зор эди. Құлимдаги нонни Хадрадаги очлар юлиб кетмасликлари учун әхтиётлаб халтага солиб олиб келардим.

Үша йиллари Хадрадаги Тоштрам деворларининг тагида оёқ-құллари очлиқдан шишиб, юзлари қоқ сүяқ, эски увадаларга үралган, битлаб кетган эркак, ёш болали аёллар қаҳратон қиши совуғида тизилишиб, тиленчилек қилиб үтиришарди.

Эрталаб нонга чиққан пайтларимда кеча кечқурун тиленчиларнинг айримлари очлик ва совуқдан қотиб үлган бўлиб, жасадларини худди саржин ортгандек араваларга ташлаб олиб кетардилар. У маҳалда шаҳар айланиб, ўлик йиғадиган махсус аравалар бўларди.

Шундай ҳаётдан одамлар мамнун булиши мумкинми? Албатта, йўқ! Уларни душман санаш адолатдан бўладими?

«Киши ўзига бир оз машаққатни олмаса, бошқа-нинг кўнглини ололмайди». Онамнинг шу гаплари эсимга тушарди-да, ўз нафсимдан қийиб оч болали хотинларга бир бурда бўлса ҳам нон ташлаб үтардим. Рұхимда қандайдир ғамгин енгиллик сезардим.

Очарчилик ниҳоятда авжга чиққан баҳор кунларидан бири, ҳамма бир амаллаб тут пишиғига етиб олсак үлмай қолардик, деган умид билан яшаётган бир пайт. Шу паллада уйимиздаги бир туп эртанги гилос пишиб қолди. Бир ён очарчилик, бир томондан маҳалла комиссияси Маманбейнинг ҳовли солиги, қоровул пулини қистаб келиши сабаби зарурати билан 5—10 кило чамаси гилос териб сотгани бозорга олиб бордим. Со-тиб бўлгач, тоғорамни дастурхонга ўраб кетмоқчи эдим тоғорамнинг ёнидан эллик сўмлик пул чиқди.

Ёшлигимда ҳалол бўл, ўз нафсини қиймаса, бошқани хурсанд қилиб бўлмайди, деган онамнинг насиҳати қулоғимга қуйилгани ва ўргатилган одатга амал қилиб, ёнимдагилардан пул йўқотмадингларми, деб сурадим. Йўқ жавобини олганимдан сўнг, қаторимдаги гилос сотаётган мўйсафида дехқонга кимдир эллик сўмини қолдирганини, ўқиш вақтим яқинлашиб қолиб, кутиш имкони бўлмагани учун сизга ташлаб кетсан, мабодо эгаси излаб келгудек бўлса берарсиз, деган

илтимос билан мурожаат қилдим. Мўйсафид дехқон эса мабодо пулнинг эгаси чиқмаса, бирор бечорага хайр қилиш шарти билан олиб, менга эса умрингдан барака топ, тарбия берганингта раҳмат, деб дуо қилганини эслаб ҳали-ҳали фахрланаман. Атрофдагиларнинг менга меҳр билан қараганларини эслаб, ҳалоллигим билан мақтанган вақтларим ҳам бўлган.

Терговчининг саволларига жавоб қилишни ўйларканман, ўша воқеалар хаёлимдан ўтиб, қанчалик машиқатли бўлмасин фақат бор гапни, ҳақиқатни, онам айтгандек «аччиқ ҳақиқат лаззати»ни татиб куришга журъат ўйғонарди.

Яна бир воқеа:

17—18 ёшлик йигитлик вақтим; ўзим қатори бир ўспирин юриб кетаётган бир трамвайнинг олдинги вагонида ўтирган бир аёлнинг рўмолини юлиб олиб кейинги вагонга чиқиб олди. Буни курдим-у чидолмадим. Муюлища секинлашган трамвайнинг кетидан чопиб чиқиб, рўмол ўғриси — йигитнинг чўнтағидан рўмолни олиб, келаси бекатда ўзини трамвайдан судраб туширдим. Милицияга олиб бориб тоширдим. Бундан менга нима манфаат? Рўмолини олдирган ўзбек аёлмиди? Ёки ўғирлаган рус ё яхудиймиди? Ўша замонда мен буларнинг миллатини ажратармидим? Йўқ! Рўмол олдирган аёл ўзбек, ўғирлаган бошқа миллат бўлгани учун жон куйдирганимидим? Миллатчилик ҳисси билан қилганимидим?

Бундан менга битта манфаат: рўмолни ўғирлатиб чирқираб қолган аёлнинг қувончини куриш, ҳалоллик ва ҳақиқат учун курашиб, онам айтган аччиқ ҳақиқатнинг лаззатини totish эди.

Нега энди ўзимга ўзим хиёнат қилиб терговчининг туҳматларини ҳақиқат деб, ўзимни-ўзим гуноҳкор қилишим керак! Нега умр бўйи ўз қилмишим учун виждан азоби билан яшашим керак! Нега аччиқ ҳақиқатнинг лаззатидан ўзимни бир умр маҳрум қилишим керак!

Бирорларнинг ҳақига хиёнат қилмаган нега энди ўзимга, ўз виждонимга хиёнат қилишим керак. Одатда туҳматчини ҳақгўй бўлишга, хоинни садоқатга ўргатишга даъват этиш учун жазоланаарди. Булар-чи, ҳалол одамларни нопокликка, ростгўйларни туҳмат ва ёлғонга ўргатиш учун қамашганми?

Худди менинг дардларимни ифода қилғандақтекса  
лимдан бейхтиёр Илес отанинг ноласи ўтабошлади:

Худоёш, оҳ-вовайло,  
Ўзимдан бўлмадим огоҳ!  
Каромат қилмассанг, омлоҳ,  
Оро йулларга қолғонман.

Бу тұхмат, бу адолатсизлик заңжиридан ким қут-  
қаради! Ким додингга етади?

Сталинми? Йўқ! Кечагина унинг ёнида бўлган мар-  
шаллар Тухачевский, Блюхер, ўнлаб инқилоб саркар-  
далари, қадрдан ёзувчи, олимлар бедарак бўлиб кет-  
ганда, ахир Сталин, улар қаерга ғойиб бўлдилар, деб  
сўрадими? Наҳотки, Сталин бундан бехабар бўлса!..  
Хаёлимга шундай ўйлар келарди-да, ўзимдан ўзим  
чўчиб кетардим. Чунки бу гапларни айтиб бўлармиди!  
Айтиш қаёқда!

Йигит чорум эди, шайдои чорум,  
Ёв ҳужум бошлади азиз Ватанга.  
Қўзим қийиб ташлаб севган ёримни,  
Ватан меҳри ҳаққи жўнадим жангга.

Онам дуо қилиб қолдим ортимда:  
«Ўзинг асра дега бевакёт ўлимдан!»  
Она ва ёр меҳри жўшиди қалбимда,  
Оташларга кирдим.  
Ўлим ўлимдан  
Минг бор тўсиб чиқди. Билмадим қўрқув.  
Висол завқи билан курашдим дадил.  
Эътиқод ўлимни енга олди-ю,  
Голиб бўлиб қайтдим қирқ бешинчи йил.

Онамнинг шодлигин йўқ эди чеки,  
Ўлсам ҳам йўқ, дерди энди армоним.  
Бу қувончи узоқ бормаги лекин,  
Даҳшат, қўрқув билан ҳовучлаб жонин.

Кўзёш тўкиб яна қолди ортимда:  
«Қуруқ тұхматингдан асра деб худо».  
Мени қамадилар не учун, шунда  
Онам ҳам кўплардек билмасди аммо!

У ҳам билмас эди. Мен ҳам билмасдим,  
Тинчликда ўртади яна дод, фироқ,

Ёв құліга тирик асир тушмасдим,  
Үз юртимда асир қылиндим бирок.

Менинг кимлигимни, қалбимни билган  
Дүсту құшншларым ҳайрон ҳаммаси.  
Ҳаммаси ичдан жим... Тили кесилған,  
Гүё гунг одамдек чиқмасди саси.

Балки гуноҳкорман, балки нурдек пок!  
Ким ҳам журъат этар билишга сирин!  
Кимга арз айласин, ким бўлар паноҳ?  
Ёки Сталинга очсинми дилин!

Йўқ, ундан ҳайиқиб боқарди мутлақ!  
Кўрққанига қалбин очармиши халқ!

Ўша даврларда Сталинни худо даражасида қанчалик кўтариб мақтамайлик, бошқаларни билмадим-ку, унинг қаҳри қаттиқлигини қалбимдан ҳис қиласдим. Қаҳри қаттиқлик инсон учун яхши фазилатми? Балки шу сабабми, тенгдошларим, ўша давр шоирлари Сталин ҳақида ўнлаб шеърлар ёзган бўлишларига қарамай, менинг эса Сталинга бағишлиланган биронта ҳам маҳсус шеърим йўқ эди. Терговчи ҳали мени шу жиҳатдан ҳам гуноҳкор қилмаса деган хавф ҳам йўқ эмас эди.

Қадимда бойлар, хонлар, хоқонлар одамларга жабрзулм қиласан, халқ ҳўрланган, дердик. Тўғри! Аммо у нимадан иборат эди? Бойлар меҳнаткашларнинг ҳақига хиёнат қиласди, дехқонларга сув бермасди, ерларини тортиб оларди! Яна? Камбағалларнинг қизларини ўзларига хотин қилиб олганлар. (Хотин бўлгандан кейин у чўри эмас, албатта келгуси меросхўр бўларди.) Яна қандай жабр-зулм, ҳўрлашлар бўлган?.. Қама-қамалар-чи?

Қадимда қамоқхона Тошкентнинг қаерида бўлганини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Чунки ўғрининг ўзи бўлмасди. Тўғри, бўларди, бўлганда ҳам битта-яримта от ўғриси бўларди. Бир йил, икки йилда битта-яримта ўғирлик бўладими, бўлмайдими, бунинг учун маҳсус қамоқхона, маҳсус мишлохона йўқ эди. Шунинг учун битта жазо — халқ ичидаги оломон қилиш бўлган.

Зинданлар-чи? Зинданлар бўлган. Зинданлар подшолар яшаган пойтахтларда бўлған. Унга қанча одам сиғарди! Икки-уч йил мобайнида бир неча одам зин-

дон қилинган деган гапнинг ўзи ҳам эшитган қулоққа у маҳалларда даҳшатли туюларди. Энди-чи? Нима десам?.. Ҳозирги вақтда қамоқ деган сўз одамларга курорт, санаторий дегандек оддий гап булиб қолган. Чунки қадимда бирор хонлик, бирор ҳокимлиқда битта зиндан, бирор қамоқхона бўлса, энди, ҳар бир депаранинг ўзида юзлаб, минглаб одамлар сифадиган қамоқхоналар қилинган. Ҳатто ҳозир айрим ташкилотларнинг шахсий қамоқхоналари ҳам бор. Масалан, мелисанинг ўз қамоқхонаси бор. Давлат хавфсизлик қўмитасининг ўзиники алоҳида! Қадимда гоҳида от ўғриси учраса ёки битта-яримта пичоқлашган бўлса, энди қамоқнинг ҳам, жиноятнинг ҳам, жабр-зулм, инсон хўрликларининг ҳам минг бир хили пайдо бўлган.

Мен эрталаб терговдан қайтиб камерага кирсам, оёқ қўядиган жой қолмаган, тўрт кишилик камерага йигирмадан ортиқ маҳбус киритилган эди.

Каравотларнинг тагига оёқларини узатиб етти-саккиз одам ёнбошлиб ётарди, чалқанча ағдарилиб бўлмасди. Буш жой йўқ. Айримлар бурчак-бурчакда чўнқайиб мудрарди. Мен камерага кирганимда параш (мис тувак) қўядиган жой ҳам қолмаган эди.

Бир кечада булар қаердан келиб қолган?

Булар жумхуриятнинг турли вилоятларидан ушлаб келинган немис, чеченлар, ватан уруши қатнашчилари, қари-қартанг диндор ўзбек, яхудий домлалари эди. Буларнинг айримлари Тошкент қамоқхонасида ётганлар билан юзма-юз қилишга олиб келинган бўлса, айримлари қамоқда ётганлар билан жиноий алоқаси бўлгани учун бирга суд қилиш учун келтирилган. Булар орасида ўн йил-ўн беш йил қамоқ муддатини тутатиб, қайта қамалганилар ҳам бор эди. Тер ҳиди, маҳорка, кексароқ одамларнинг кечки ҳожатга чиқариш вақтигача ҳам чидамай тувакка бўшашибаридан пайдо бўлган сассиқ ҳаводан нафас олиб бўлмасди. Нима чора! Ҳатто темир панжара қилинган туйнук орқасидаги ойна ҳам йил бўйи очилмасди.

Бир йил, икки йилдан бери суд қилинишини кутиб, қамоқхонанинг берадиган бир чўмич сўк оши ёки балиқ шўрваси билан кун кечирган шўрликлар отадими, осадими, тезроқ суд қилиб берадиганини бериб, бу азобдан қутулсак, деб интизор кутиб ётардилар.

Орадан қанча вақт үтди — ёдимда йүк. Камерадаги одамлар аста-секин кетиб сийраклаша бошлади. Камерада уч киши қолдик. Бири колхозда механизатор бўлиб ишлаган ёш йигит, иккинчиси Насриддин Хўжаев эди.

Ахир бу одам ўзини Совет ҳокимиятини тиклаганлардан бири мен деб ҳисоблайди. Мана энди шуидай бир одам қўлида бир парча увадани қумга булғаб, камеранинг бир бурчагига қўйилган мис тувакнинг ҳожатга чиқилган пайтда томган доғларидан тозалаб ўтирибди. Мен унга бу ишни сиз қылманг, дейишимиға қарамасдан у: «Кемага тушганнинг жони бир, буни қилиш қамоқ қоидаси эканми, ҳаммамиз баробармиз», деб илтимосимга кўнмасди. Бу одам совет қонунини, буйруқни муқаддас билган, ҳар қандай буйруқни бўйин товламай бажаришга ўрганган кишилар тоифасидан эди. Гражданлар уруши, босмачиларга қарши курашда ҳам қўлига қурол олиб чиққанлар ҳам шунақа одамлар эмасми! Пахта мустақиллиги учун курашда, ҳатто кишиларнинг кўрпа-ёстиғидаги пахталарни уйидан олиб чиқиб давлатга топширища жонбозлик кўрсатганларчи? Шулар! Мулқдор, диндор, ҳатто илмли одамларни шўргога ҳақсиз қилиб қулоқ қилиш даврида биринчи бўлиб маҳаллалардаги йиғинларда сўзга чиққан, қўл кўтарғанлар ҳам шулар эмасми? Шулар-ку! Энди нимани ўйлаётган экан. Хаёлида нималар бор! Наҳотки, энди душман бўлиб чиқса?! Ўзи жон чекиб қурган иморатни ақди расо бирор инсон ҳеч маҳал ўз қўли билан ўзи ёқадими? Унинг қулашини, барбод бўлишини истайдими? Шундай бўлса, нега бу одам қамоқда??!

Мен-ку ўшман. Партиясизман, Совет давлатига бунчалик хизматим ҳали сингунича йўқдир. Аммо умр бўйи жонини шу йўлга тикиб, қошдан қовоқ қайтармай, ҳамма буйруқни бажариб келган, сочига оқ тушган бу кекса коммунистнинг гуноҳи наҳотки қамалиш дараҷасида оғир бўлса!..

Тувакка пардоз бериш бу — бир нафаслик хўрлик. Аммо қамоқнинг сенга бир кун ҳам тинчлик бермайдиган азоблари ҳам бўлади. Бу қандала-ю канага таланиш. Айниқса қандала деган қон сўрувчи ҳашарот шундай жони қаттиқ бир офатки, маҳбусларга на кундузи, на кечаси тинчлик беради. Одатда, камераларда чироқ кеча-кундуз, йил бўйи ёқиқ туради. Қоронгида

маҳбуслар қочишига бирор тайёргарлик кўрмасин ёки ўзини-ўзи бир нарса қилиб қўймасин учун атайлаб ёқиб қўйилган. Одатда, кечаси пайдо бўладиган қандалалар ёруққа ўрганиб қолгани учун кечаси ҳам, кундуз кунлари ҳам деворлардан, шифтлардан сен ўтирган жойга сакрайди. Бу балодан ҳар ойда бир икки кунгина қутулиш имкони бўларди. Бунинг учун назоратчилар чойгумларда келтириб берган қайноқ сувни каравотларимиз устидан куярдик. Қандалалар ҳовуч-ховуч семон полга тўкиларди.

Ўрдак лакабли назоратчи хотин дам-бадам темир эшикнинг дарчасидан муралаб:

— Парашда доф қолмасин. Тезроқ қимиirlаларинг, сувни кўп сарфлама! — деб бир неча бор буйруқ бериб турарди. Хотин бўлса ҳам ниҳоятда қаҳри қаттиқ, раҳмсиз эди. Аммо унга сен киму, мен ким деялоласанми? Бу ҳуқук қаёқда! Улар сенга инсон деб қарашадими? Мутлақо!

Бир ой, икки ойда камераларга кириб турадиган врач ёки турма бошлиғи ҳам атрофга назар солиб, камеранинг қишида музлаб қолгани ёки ёзнинг иссиифида сасиб, бижғиб кетганига эмас, асосий эътиборни бурчакда турган мис тувакнинг доти борми, йўқлигига қаратади. Бундан мақсад сенга ғамжўрлик эмас, аксинча, сенлардан кўра мана шу тувак биз учун эътиборли, сенлар шуни тозалашга лойиқсизлар, демоқчи бўларди. Тувакда бирор доф топса, сени карцерга ташлаб жазолашни ёки уйдан келадиган озми-кўпми назибадан маҳрум қилишни мўлжалларди.

Уша куни назоратчи тушки овқат вақтида Насридин Хўжаевга юкларини йиғиштириб чиқишига тайёрланишни буюорди.

Нарсаларини йиғиштиришга ёрдамлашдим.

Шу кунгача ниҳоятда камгап, ҳамма сирини айтабермайдиган Насридин Хўжаев юкларини тайёрлаб, кетар олдида:

— Кеча менга қўйган айбномалар билан танишиб чиқдим. Ишимни судга оширишган. Гуноҳим бўлмаса ҳам энди суд қилишади. Орамиздан яхши-ёмон гап ўтган бўлса унутинглар! Энди қайта кўриш насиб эта-дими, йўқми! Хайр!

Менга қараб айтган гапи:

— Сен умидсиз бўлма! — дегани бўлди.

## НОМУС ҰЛИМДАН КУЧЛИ

Бугун нима учундир терговчиларнинг менга қилаётган муносабатларини ўйлаб ўтириб, маҳалламиздаги карвоиларнинг асов отларни аравага қўшишга ўргатаётган вақтларидағи ур-сурлари кўз олдидан ўтаберди: аравага қўшилмаган отларни икки шотининг орасига киритиб, қоринбогини тортиш, айниқса, жиловлаб унинг устига миниш осон бўлмасди. Кўзини боғлаган пайтда ҳам биқинига арава шотисининг текканини сезиши биланоқ қўлдан чиқиб қочиш учун икки орқа оёқлари билан орқа-ўнгига қарамай арава борми, одам борми, пишқириб, тарсилматиб тепа бошларди. Бу аҳвол бир-икки такрорланганидан ғазабга келган карвон отни жиловидан ушлаб юзи-кўзи аралаш қамчилаб кетарди. От шўрлик бу шафқатсиз қамчин зарбидан сакраб ўзини тўрт ёқقا уриб, гир-гир айланиб пишқиради-ю, аммо жиловини узиб ҳеч қаерга қочолмасди. Бугун бўлмаса — эрта, эрта бўлмаса — индин, охири қамчин зарбидан аравага қўшилишга кўникарди.

Қамоқ шароитида менинг ўша отдан нима фарқим бор!

Қамалганингни дастлабки пайтларида гуноҳингнинг йўқлигини ўйлаб, бирор шубҳа билан қамашган бўлса, ҳақиқат қилишар, дунёда адолат бор-ку, деб ўзингни юпатасан. Аммо сенга бирдан-бир суюнчиқ бўлган бу ишонч ҳам аста-секин йўқолиб, ҳатто ўзингнинг бегуноҳлигингни исботлаш учун арз-дод қилишдан фойда чиқмаслигига икрор бўла бошласанг, ундан нима чора! Битта чора шуки, буларнинг қўлидан қутулиш қийинлигига амин бўла бошлагач, тақдирингга таин бериб, худонинг раҳми келиб ҳукуматда бир ўзгариш бўлар, деган умид билан яшай бошлайсан.

Мана яна баҳор келди. Иккинчи баҳорни қамоқда ўтказмоқдаман. 15 ойдан ошияпти. Йил бўйи еганинг сули бутқа, чекканинг маҳорка. Баҳор келиб гилос, қулунилай, тут пишади. Ёз кириши билан чиллаки пишади. Кетма-кет қовун, тарвуз етилади. Сен бу неъматларнинг ҳаммасидан маҳрумсан! Худо яратган бу неъматларни тотиб куришга ҳам сенинг ҳаққинг йўқ! Карам солинган шурва ичяпсан-ку, шуни беришганига ҳам шукур қил! Сен ўзингнинг кимлигингни биласан-

ми? Сен душмансан! Эртага сени қандай тақдир күт-япти, үйләяпсанми? Сен қилган гунохларни балки отувга лойик топишар. Шундай булиши ҳам ҳеч гап эмас. Бундай үйлар олдида ўзингдан ўзинг чўчиб тушасан.

Терговим тугади. Ишимни судга оширишган. Икки ойдан бери камерада битта ўзим. Атрофингдаги семонли тўрт девор, бўш қолган темир каравотлар. Дардлашиб, кўнгил ёзадиган одамлар ҳам ҳукм қилиниб, тақдир насиб қилган жойлардаги лагерларга кетиб бўлди. Терговчи чақирмайди. Тергов тугагач, хотин бола-чақанг билан кўришишга рухсат этамиз, деб берган ваъдасига ҳам амал қилганий ўқ. Радио эшиitmайсан, газета бермайди. Елғиз дардкашим — хаёл!

Қамаш мавсуми тугаб, қамаладиганлар қамалиб бўлди шекилли, деб үйлагандим, ўқ, бугун эрталаб камеранинг эшиги очилиб, қотмадан келган, баланд бўйли, соқол қўйган 70 ёшлиар чамасидаги бир мўйса-фид кириб келди. Қўлидаги юкларини ерга қўйиб, мен билан саломлашиб, атрофни кўздан кечирди-да, билмадим, нима маънода, нима учундир, «худога шукур» деб қўйди. Нимага шукур қиласди! Қамоқقا тушганигами? Ёки яккахонада узоқ вақт ётган бўлса, энди мен билан дийдор кўришиб, дардкаш учратганигами? Бошқа нима сабаб булиши мумкин? Ахир қайси танжони соғ одам қамоқقا тушганида худога шукур, дейди.

Хаёлимдан балки бу одам отишга ҳукм қилиниб, ўлим камерасида ётган бўлса, ҳукми бекор бўлиб, омон қолганига шукур қилдимикан, деган фикр ҳам ўтди.

Бунииг шукронасининг сабаби кейинчалик маълум бўлди. Мен үйлаганча бўлиб чиқмади.

Бу одамниг таги-тахти, тураг жой асли Хоразмдан бўлиб, тошкентлик қариндошлариникига келаётганда қўлга олиниб, шу сабаб бу ердаги қамоқхонага келиб қолган экан. Қамоқقا янги келгани, тергови энди бошлангани учун, гунохи нимадан иборат, нега қамалганини ҳам ҳали ўзи аниқ билмасди. Билмасди эмас, нега ушлаб олиб келишганини тасаввур қилолмай, менин бирор билан адаштириб олиб келишган бўлса керак, банданинг бошида бундан ҳам ёмон куилар бўлади, деб шукур қилаётган экан.

Эй, содда шўрлик! Бирорга адаштириб қамаган бўлсалар ҳам бу ерга олиб келишдими, тамом, бирор

айб топиб муддат беришларини, душман қилишларини бу сода одам хаёлига ҳам келтиролмасди.

Албатта, мен бир йилдан ортиқ қамоқда ётиб, сўроқларига жавоб беравериб, нимадан нима чиқариб айблашларидан хабардор бўлиб қолганим учун, ундан нималар ҳақида сўрашяпти, деган саволимга у:

— Сўраган гаплари куракда турмайди, майнавозчилик. Мени тергов қилаётган йигит, қўчкору хўroz уриштиришга менга үхшаган ишқибоз шекилли, нуқул қўчкор уриштиришни қачон, қаерда кўрганим, ора-сира ўша пайтда кимлар билан, нималар ҳақида гаплашганимни сўрайди, холос, — деб жавоб берди.

Хе, сода одам! Терговчи ҳам менга үхшаш қўчкор уриштиришга ишқибоз экан дейди-я! Аммо терговчи нега мунча қўчкор уриштиришни мендан сураб қолди, нега мунча ковляяпти деган нарсани хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак шўрлик! Хоразмлик бўлганим учун шунчаки қўчкор уриштиришни сўрагандир, деб ўйлаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо буни нега суриштиргани, тагида нима мақсад кузатилганини кейинчалик билди.

Қамалганининг иккинчи-учинчи ҳафталари бўлса керак, бу бечора мўйсафид терговдан ўзини қайга қўйишини билмай, ғазаб билан камерага кириб келди:

— Дунё тамом бўлди! Дунё адо бўлди! Мени отиб ташласин, энди бу терговчига бир оғиз сўз айтмайман. Ҳеч қанақа гапига жавоб бермайман. Сталинга ёзаман! Сталинга арз қиласман. Мен оқ пошшони тарафдоримишман, Неколай пошшони! Нима, мен уни башарасини кўрибманми ёки икки туғиб бир қолганимми, мақтайман! Оқ, хўrozни мақтаган бўлсам, оқ, пошшони мақтаган бўламанми? Бу қандай бедодлик!

Бу бечоранинг бутун гуноҳи Хоразмда хўroz уриштириш вақтида кимдир ундан:

— Кимнинг хўрози енгади, қизилими, оқими, сен қайси бирининг тарафдорисан? — деган сўровига:

— Кўринишдан қизилга қараганда оқи зўрроқ кўринади, оқи енгади, мен оқ тарафдориман, — деган гапни айтгани бўлибди. Унинг бу гапидан терговчи ўзича хулоса чиқариб: «Ҳақиқатан ҳам Хоразм шоҳи Жунаидхонга менинг хешлигим бўлгани рост, шунинг учун ҳам мен хўroz уриштириш пайтидан фойдаланиб

қизиллардан, яъни Совет ҳукуматидан кура оқ пошшо яхши эди, бир кунмас бир кун оқ пошшо енгади, демоқчи бўлганман», деб ёзиб, ундан қўл қўйишни талаб қилган экан.

Албатта, бу гапларга ҳозирги одамлар ишониши қийин. Аммо юзлаб эмас, минглаб эмас, миллионлаб одамлар қамалиб, отилиб, Сибирь сургуналида йўқ бўлиб кетганлар-чи? Бунга ҳам ишонмаймизми? Ахир, буларнинг купи асосан коммунист, совет давлати учун жонини тиккан одамлар эди-ку! Буларнинг душманлигига ишониб бўладими? Йўқ, бўлмайди! Хўш, шундай бўлгач, уларни нима деб қамашган? Демак, йўқ айбларни, киши хаёлига келмайдиган юқоридаги каби сабабларни ўйлаб топишган, десак, ишонмай бўладими?

Мен ўзимча ўйлардим, хўп, ишониб бўлмаса, бегуноҳ одамларни қамаш ҳукуматга нега керак бўлиб қолган?

Қамалгунимга қадар, мен ўзим ҳам қамалганларнинг кўпчилигини ҳақиқатан душман бўлса керак, деб ўйлардим. Аммо қамалганимдан кейин бу фикрим хато эканлигига имоним комил бўла бошлади.

Терговчининг адолатсизлиги, билатуриб оқни қора қилиб кўрсатишидан фиғони фалакка чиқаётган ҳамроҳимга таскин бериш учун унга:

«Куйганингизнинг фойдаси йўқ. Қамалишингизга оқ подшони мақтаганингиз ҳам, хўroz ҳам сабаб эмас, булар факат бир баҳона, бу қама-қамалардан мақсад битта: маошингиз кам бўлса, маошим кам деб арз қила оласизми? Чет элга боргингиз келса, бораоласизми? Йўқ! Бизда бошқа давлатлардагидек эркинлик, демократия йўқ, деб айтаоласизми? Айттолмайсиз, дардингиз ичингизда. Қайси давлатда 1—2-сinf болаларини октябрь ойидан то план бажарилгунча ўқищдан маҳрум қилиб қор-ёмғирда дилдиратиб, пахта баҳтимиз деб далаларда ишлатади? Бу баҳт эмас, деб айтаоласизми? Ўзбекнинг минг йиллик тарихи бор, ўзбек жаҳонни ҳайратга соладиган санъатнинг юксак намуналари Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларни бунёд қилган, буюклиги олдида замонлар таъзим қилган Навоий, Улуғбек, Бобурларни яратган ҳалқни саводсиз, қашшоқ гадо деса түғрими? Йўқ, бу түғри эмас деб айта оласизми? Айттолмайсиз! Нега? Чет эл радиосини

эшиздим деб бирровга очиқ айта оласизми? Бизда дин эркинлиги йүқ деб айтаоласизми? Айтиб куринг-чи! Айтолмайсиз! Аммо ичингиздан-чи, буларнинг нотуғри эканини сезасизми? Сезасиз! Битта сиз эмас, бошқалар ҳам сезадими? Сезади! Борди-ю, сиз ҳам, у ҳам, хуллас, күпчилик шу норозилигини айтса, унда нима бўлади? Ошкора норозиликка айланмайдими? У маҳалда нима бўлади! Нима бўларди, норозилик авж олади. Оқибатда халқ қўзғалади. Бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Бирдан-бир чора, ҳа, халқни чўчитиш! Бунинг учун сиз билан бизни қамаш. У ёқ-бу ёққа қарамай ҳақиқатни айтадиган, тили ўткирроқ одамлардан қутилиш. Шу билан одамларга ваҳм солиши», — дегим келарди.

Аммо тилим учида турган гапни ёниб турган ҳамроҳимга айтиб бўлармиди? Балки бу мўйсафиидни мендан сир олиш учун ёнимга киритган бўлса-чи? КГБ қамогига бу ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Терговчининг хўroz уриштиришдан ўйлаб топган, киши ақлига сифмайдиган хуносасидан ғазабланган чол бошини қай деворга уришини билмай сўкинар ва терговчини ҳақоратлашдан ўзини тиёлмасди.

Халқимизнинг:

*Кет, десанг Қашқар кетойин,  
Йулда ёлғизлик ёмон.  
Ёлғизлиқдан ким ўлибдири,  
Ҳаммадан хўрлик ёмон, —.*

деган ҳикматларининг маънисига бошинг деворга текканда етар экансан.

Қамоқ бу ёлғизлик, айрилиқнинг ўзигина бўлса, дийдор кўриш умиди билан чидайсан! Аммо бу ердаги хўрликларга-чи? Худонинг ўзи раҳм қилмаса, бандасига тўзим бермаса, чидаб бўлмасди.

Бу мўйсафиид маҳбуснинг қалбидаги тухмат алами босилгунча ҳам бўлмай, худди сен қочиб кетаётгандек, қамоқ эшиги бирданига шарақ-шуруқ очилиб, икки назоратчи кириб келди. Биримизга анови бурчакда, иккинчимизни манави ерда турларинг, деб буйруқ бериб, кўрпа-ёстик, идиш-товоқ, тувакларнинг ичи борми, чекадиган маҳоркадан тортиб ейдиган нарсаларингчача ағдар-тўнтар, тити-пити қилиб шумои (тиннтув) бошлади.

Бундай ахвол ҳар ҳафта, ҳар үн-үн беш кунда маҳбуслар портлатувчи бирор нарса, қурол-яроғ ўйлаб топгани йўқмикан, деган гумон билан такрорланиб турарди. Бир йилдан ортиқ қамоқда ётган мен учун бу табиий бўлса, ёнимдаги янги келган ҳамроҳим учун кутилмаган хол бўлди. Ҳатто тинтувчилар ҳам менга таниш бўлиб қолган. Буларниңг айримлари ҳаммаёқни ағдартўнтар қилмай расмият учун қўл учиди у ёқ-бу ёқни кўрган бўлиб чиқиб кетса, айримлари ўзингни ҳам қипяланғоч ечинтириб, бирор ҳавфли нарсанни яшириб қўйгандек орқа-ўнгинггача текшириб кўради.

Бу гал бошдан-оёқ, ич кийимигача ечдириб, яланғоч қилиб янги одам бўлгани учунми, текширишни қўшнимдан бошламоқчи бўлди. Аммо у бунга ўрганмагани учун, мен ва бошқаларниңг олдида ҳаё билан устки кийимларини ечди-ю овратини кўрсатишга унамади.

Назоратчи эса қани, тезроқ бўл, деб дўқ-девара қилишини қўймасди. Чол эса нима қидирасан, яширган нарсанни топмоқчи бўлсанг, уст-бош кийимимни қара, яланғочлаб нима, жинсимни текширмоқчимисан! Ҳез эмасман, бола-чақа кўрган одамман, — деб фазаб билан бақирав, назоратчи эса гап қайтарма, тез бўл, ечин, дейишини қўймасди.

Албатта, мен унга турадиган жойимиз қамок, тўрт атрофимиз девор, борадиган жойимиз терговчининг хонаси-ю, сенларниңг назоратинг остида бир кечакундузда икки марта ҳожатга чиқиши. Ўшанда ҳам туйнукдан кузатиб турасанлар. Кучага чиқмасак, бирор одам билан алоқада бўлмасак, ҳар ҳафта, үн кунда бундай тинтувларни қилиб турсаларинг, яна нимани қидирасанлар, дегим келди-ю, қамоқ қоидаси бўйича назоратчи билан гаплашиш мумкин эмаслиги, бунинг учун ҳам жазолашларини ўйлаб, фазабимни ичимга ютишдан бошқа илож топмадим. Бу гапларни мен айтмасам ҳам буларниңг ўзи билмасмиди? Мақсад — сени хўрлаш! Ўз айтганига сени кўндириш.

Иккинчи назоратчи, кекса одам экан, қўяқол дегандек қараш қилди-ю, аммо оғиз очолмади. Чунки уларниңг ўзи бир-бирига ишонмасди, душманга раҳм қилди, ён босди, таниши бўлганми, деб айблашларидан кўркарди. Бир-бирига раҳм қилмайдиган, бир-биридан қўрқсан одамларга гапириб нима фойда то-

ноҳақликларни, ичинг тўла дардларингни қўрқмасдан шеърми, достон қилиб айнан ўзиdek ёзаоласанми? КГБдан қўрқмайсанми?

Мана кечагида хотининг саккизта ёғлиқ патир ёпиб, бир оз майиз ва чақилган ёнгоқ, икки-уч пачка «Саратов» маҳоркасини киритибди. Албатта, сенга патирни ейишдан ҳам кўра севикли хотинингнинг унга теккан қўллари, болалинг кўз олдингта келиб, юракбағринг эзилгани рост. Ҳар бурдаси томоғингга тикилиб, кўз ёшларинг билан заҳар бўлиб ютилоқда. Бу бевақт айрилиқ алами чидаб бўлмас даражада албатта оғир. Ахир, қамалганингда оиласигта пул босиб кетмаган эдинг-ку! Бу қайси пулга келган? Уч болани боқиши осонми? Ижод қиласман, достон ёзаман деб литетфондан минг сўм пул олиб, ҳали тўлагунингча йўқ эди, раҳм қилмай уни қистаб келсалар ким тўлади! Сен Совет адабиёти ҳақиқатни, кишиларнинг дард-аламларини куйладиган адабиёт дейилишига ишонсанг, шу айрилиқларни, шу соғинчларни, шу тўкилган кўз ёшларингни шеър қилиб ёзаоласанми? Матбуотда босишлирига ишонасанми? Космополит, ҳаётидан норози пессимист, ҳаётнинг фақат салбий жиҳатларини кўрадиган шоир деб айблашларидан қўрқмайсанми? Бу жамиятда ижод эркинлиги йўқ деб, айтаоласанми? Асло, айтольмайсан!

1946 йилда партиянинг космополитизм ва ғоясизликка қарши деб чиқарган қарори, Ждановининг «Ленинград» ва «Звезда» журналларини қоралаб қилган маърузаси сенинг ақлингта миҳдек қоқилиб, юрагингни олиб қўйганки, ҳозир қамоқда ётиб ҳам, қўлингга қофоз, қалам бериб, мана, Совет ҳаёти ҳақида билгандарингни, дилингдаги гапларни очиқ ёзиб бер, десалар, имоним комилки, қамоқда ётиб ҳам мен баҳтиёр Совет кишиси, ҳаётимиз фаровон, бу баҳтири кунларни берган Сталин яшасин, деб шеър ёзасан. Қани айт-чи, ёки нотўғри гапирдимми? Ижод эркинлиги йўқ, ҳақиқатни ёзиб бўлмайди, дермидинг, ёки...

Бу саволларга ўзимча жавоб излаб ҳаёл суриб ўтириб, 1939 йилда ёзган тўрт йўл шеърим ёдимга тушди:

Тангрим, ўзинг, ўзинг ярлақа,  
Ўзингдан ҳеч ўзга магад ўйқ,  
На дўстим бор, на дард тингловчим,  
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳаг ўйқ!

Бу түртлиқда қандай хато бор?

Аммо бу түртликни пессимизм, динни тарғиб қилишдан иборат деб айб топишларидан құрқиб, бирор одамга үқиб бермасдан, ҳатто, қофозга туширмасдан, шу вақтгача ёдымда саклаб келаман-у! Нега? Бу құрқоқлик, ижод әрки йүқтілігі эмасми? Ёки:

*O, тасодиғ! Тасодиғ гоҳ баҳт,  
Гоҳ келтирар ұлым ва ҳатар.  
Тасодиған хурсандман беҳад,  
Дүчор қылди, баҳтга бу сафар.  
Тасодиған күрдім базми кеч,  
Үғириладинг, севгимни гархол,  
Юрак гардин айттолмаги ҳеч,  
Боқишиларың қылди мафтун, лол.  
Айланмаги тил ұша онда,  
Хайрлашдик бебұса ва жим.  
Сен кетсінг-у қолдым армонда,  
Учрашишни сүроқдолмагам.  
Тасодиғншың мен учун бу гал  
Келтирғани баҳтми, ё ҳижрон?  
Ҳали-ҳали этолмайман ҳал,  
Фироқнинга үртама, жақон!  
Тасодиған шодман, аммоқи,  
Ағсус билан қолғанлығым рост!  
Қайдасан ёр, топғунча токи  
Тасодиғға ииғлайман холос!*

1944 йилда ёзилған шу шеърда Совет халқы, совет сиёсатига қарши айтилған қандай мақсад бор? Бу шеърим ҳам, биз тасодиғға ишонмаймыз, бу ғоявий саёз деган сабаблар билан ҳеч қаерда босилмаган, мана бу ҳам ижод әркинлигига кирадими?

Үз-үзимча үйлардим! Мен суд олдидан шулар ҳақида үйларканман, үзимнинг ҳақдигим, виждоним олдида бир оз таскин топиб, қамоқ азобралари унтуил-гандек бұларди.

Терговчиларнинг бегунох, одамларни гунохқор қилишлари, адолат ҳақамлари — прокурорларнинг маң-бұсларнинг арз-додини эшитиб амал қилмасликларини гарчанд билсам ҳам, сұнгти умидим суддан эди. Нима бұлса ҳам ахир, суд деган номи бор-ку! Нега ишонмай!

Терговчи ёки чаласавод назоратчилар илмли одамларнинг қадрига етмаган, арз-додини фаҳм этмаган бўлса, ҳар ҳолда суд ходимлари олий маълумотли кишилар — уларга нисбатан холис ҳакам-ку! Бундан ташқари, ахир, адвокат деган гаплар ҳам бор-ку, деб ўзимни-ўзим овутардим.

Қассобдан чиққан жаллоддан олимдан чиққан жаллод хатарли. Чунки қассобдан чиққан жаллод илмсиз, оми, у довдир-совдир иш қилиши мумкин. Аммо олимдан чиққан жаллоднинг қўлидан қутулиш қийин. Нетаки, у ақл билан иш қиласди ва ўзининг ҳақлигига унча-мунча одамларни ишонтира олади. Судга инсоф берсин!

Мен шулар ҳақида хаёл қиларканман, тәбиатимда бир равшаник пайдо бўларди. Тезроқ суд бўла қолса-ю бу қамоқ азобларидан қутула қолсам деб ўйлардим. Ҳақиқатан ҳам мени суд қилиб бир йилми, ўн йилми муддатга ҳукм қиласдиган нима гуноҳим бор? Нима? Терговчиларнинг ёзганлари ҳаммаси ясама, ахир ўзлари тўқиган ёлғон-ку!

Елиғич ҳақидаги ақлга тўғри келмайдиган латифанамо гапим учун ҳалқ душмани бўлиб қоламанми? Наҳот суд шунга ишонса! Ёки сифатсиз мол ишлаб чиқарилаётгани ёлғонми? Ҳаммага аён-ку! Битта елиғич эмас, ҳамма соҳада сифатсизлик бор-ку!

Сталиннинг гапини кесатиб айтган деб гуноҳкор қилиш ҳам асоссиз. Аввало кесатиқми, тўғри кўнгилда айтганманми, буни эшитган одам билан юзма-юз қил десам, буни қилмади. Демак асоссиз. Борди-ю кесатиб айтган тақдиримда ҳам бу ерда тухматдан иборат нима бор? Ҳаётимиз жаннат эмас-ку, етишмовчиликлар, қийинчиликлар йўқми? Уруш тамом бўлган бўлса ҳам ҳали қорнимиз тўйганча йўқ-ку! Буни суддагилар тушинар!

Мени миллатчиликда айблашлари ҳам бутунлай асоссиз. Миллатчиликим Усмон Носир шеърларини мақтаганимми, уни истеъодди шоир деганимми? Ахир адабиётдан озми-кўпми хабари бор, унинг шеърларини ўқиган одам уни ҳеч маҳалда ёмон, қалбаки шоир экан, дейдими? Демайди! Агарда миллатчи бўлиб бирор миллатини масхаралаган ёки ўрисларни босқинчи, ҳамма ҳуқуқ уларда десам, шунга ұшаш бир гап айтган бўлсан, миллатчиликда айбласа. Суддагилардаadolat бордир ахир!

Шундай фикрлар бир неча кундан бери эшиклари очилмай сасиб кетган камерада ёлғиз ўтириб хаёлимдан ўтар экан, тезроқ суд бўлақолса-ю ўзимни бутунлай бегуноҳ эканимни айтақолсан деб шошилардим. Ахир, Совет давлати бу фақат Ўзбекистондаги жоҳил терговчилар, прокурорлардан иборат эмас-ку. Ахир дунёда ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ қиласидиган Москва, Сталин каби суюнчиқлар борлигини ўйлаб, умидим бардам бўларди.

Гуноҳим йўқлигидан умидвор бўлишимга яна бир сабаб — кейинги вақтларда уйдан юборилган нарсаларни ола бошладим. Чуники, гуноҳи оғир маҳбусларга оиласи билан кўришишга, нарсалар олишга ҳам рухсат этилмайди. Бундан ташқари прокурорга айтган гапларим амалга ошиб, ўқиш учун китоблар ҳам берила бошлади. Бу ҳам менга энди одамдек қарашаётгандек, айбим йўқлигидан дарак бераётгандек туюлиб, судда оқланиб чиқишимга ишонч бағишиларди.

Бугун мен учун худди дардкаш, яқин дўстим билан топишгандек қувончли кун бўлди. Бугун менга мистик рус шоири Александр Востоков билан, кейинчалик билишимча, ҳалқ душмани бўлиб қамалган грузин ёзувчиси Жавахишилиниң қисса ва ҳикоялар тўпламини беришди. Айниқса ҳалқ душмани деб ноҳақ қамалиб, кейинчалик ҳақ бўлиб оқланган «Бегуноҳ, Абдулло» ва Сибирь совукларида қўл-оёқларидан айрилиб, ҳатто жинсий алоқа қилишдан маҳрум бўлиб қолган, шунда ҳам умидсизликка тушмай, ўз ижодий меҳнати билан кимё илмида янгилик ижод қилиб маҳбусликдан қутулган, иродали одамлар ҳақидаги қиссалар дардимни енгиллаштиради. Бу китоблар бир оз бўлса ҳам ёлғизлик азоби, турли ваҳимали хаёллар сиртмогидан кутқаради.

Айниқса, ёдимда йўқ, Александр Востоковми ёки бошқа рус шоирими Гётенинг «Умид» шеърининг таржимаси суд олдидан менга шу қадар далда бўлдики, китобни қайтариб йиғиштириб олгунча бу шеърни ўзбек тилига таржима қилиб, ёдлаб олдим.

*Ёлбораман умид париси,  
Иш чоғлари менга бўлгил ёр.  
Тугатмасдан ишнинг барисин,  
Толиқишига эрк берма зинҳор!*

*Ишонаман, рүёбга чиқар,  
Таскинларинг кетмай беҳуда.  
Умид билан суқилган таёк  
Мөхнат, чигам натижасида  
Бир кун берар мева ва япроқ,*

Қамоқ мұхитида бу шеър энг яқин дүстнинг менга таскинидек бўлиб қолди. Бу шеър азобимни енгиллаштириди, дармон бўлди. Шайтоний хаёллар босиб келганда, ётган-турганимда ўқидим. Қамоқда ширин хаёлдан бошқа сенга ким таскин беради, ким дардкаш бўлади!

Китобнинг қадри, унинг одамга энг яқин дардкаш, сирдош дўстдек мададкор бўлишини қамоқда жуда яхши ҳис қиласкансан.

*«Бошингга мушкул иш тушса,  
Дегайсан, ё расулаллоҳ!»*

Бирор дардкашсиз, ёлғиз қолган чоғингда, ўйлаб-ўйлаб тагига етолмаган, сени қийнаган хаёллар ечимига китоб мададкор бўларкан. Бошингга маломат тошлари ёғилиб, қамоқда ётганингда, ҳақиқат учун букилмай курашган қаҳрамонлар сенга ибрат бўлиб, ғамларингни енгиллаштиаркан. Тухматчиларнинг мағлубияти, уларнинг фош бўлишлари сенда ҳам ҳақиқатнинг ғолиб чиқишига куч-қувват, чидам ва умид уйғотаркан. Севикли ёрингдан жудо бўлиб, рашқ ўти қалбингни ўргаб, чиркин хаёлотлар сени қуршаганда, ҳар қандай машаққат, ҳар қандай азоб, айрилиқ дамларида ҳам севгисига риё қилмай, бардош берган ошиқлар ҳаёти ҳақидаги ривоятлар ортингда қолган хотинингга ҳам ибрат бўлаётгандек, дунёда севгига вафо, садоқат борлигига ишонасан, бир дам таскин топасан.

Мана бутун бир йилдан ортиқ ноҳақ чекканим қамоқ ва тергов азбларидан қутуладиган кун ҳам келди. Суд бўладиган бўлди. Қайси гуноҳимга суд қилишади!

Терговчилар сен қилмаган ишларингни қилди, айтмаган гапларингни айтди, деб зўрлашларига бўйсунмаганингда, сени қўл кўйдиришга ундаш учун уларнинг бирдан-бир айтадиган гаплари, агар бизлар сени ноҳақ айبلاغан бўлсак, сен, ҳозир бизни ҳам, ўзингни ҳам қийнамай, қўлингни кўябер, адолатли суд бор, прокурор бор, арзингни ўшаларга айтасан, дейиш бўлар эди.

Терговчининг бу гаплари гарчанд бир дамгина кўнглимга далда бўлса ҳам, аммо, авлодларимиз шу кунгача бошидан кечирган фожиалар хотирамда тирилиб, кўнглимни яна қора булат қоплаб оларди. Ахир, уларни ҳам шу ерда тергов қилишган, шу ерда суд қилишган-ку! Шуларни ўйласам умидларим чил-чил бўларди. Айрилиқ аламлари ўртай бошларди.

Адолатли суд, адолатли прокурор!.. Ахир қанча-қанча ёзувчилар, давлат арбоблари қамоққа олиниб, эртасигаёқ Тошкентнинг яқинидаги жарликка олиб бориб ёки қамоқнинг ўзидаёқ отиб ташланмаганми? Уларнинг қабри қаерда эканини ҳеч ким, ҳатто ҳозирги ҳукуматнинг ўзи ҳам билмайди-ку!

Шу вақтгача бизлар адолатли суд, адолатли қонун деган гапларни эшитабериб қонимизга сингиб, бунга ишонч ҳосил қилиб келганмиз. Аммо адолат қандай бўлади, у нимадан иборат, негизига зеҳн согланмизми? Йўқ! Негаки, фикр билдириш, хатоларни айтишни қонунга зид деб келганмиз. Қонун бузилишларини кўра туриб ҳам қонуний бўлса керак, деб қабул қилишга ўргатиб қўйилганмиз.

Ахир, шу вақтгача, қанча-қанча одамлар бегуноҳдан бегуноҳ қамалиб кетганлигини халқ билмайдими? Билади! Ҳатто ўзига энг яқин, сирдош кишилари, дўстлари қамалганда ҳам мен буни ёшлигидаи била-ман, бундан душман чиқмайди, деб айтишга журъат этолганимизми?

Бизда ҳамма нарса қонуний, адолатли деймиз-у, аммо кўнгилдаги гапни айтиш имкони бўлмаса, ёки айтишга келганда нимадандир чўчиб турсанг, шу адолатданми? Адолат борлигиданми? Ахир шунинг ўзи ҳам қонун бузилишига қўшилмайдими! Ахир, деярли судлар ёпиқ эшиклар орқасида ўтказилиб, унга фақат суд ҳайъати, прокурор ва КГБ ходимларидан бўлак бирор одам ташқаридаи киришига ижозат бўлмай, бутунлай халқдан яширинча ўтказилса, бу ҳам адолатданми? Бундай судларнинг адолати нимада?

Суд бўладиган куни эрталаб мени маҳбусларга мўлжалланган маҳсус «қора қарға» деб аталағидан машинага чиқаришиди. Қаерга олиб кетяпти — сен ҳеч нарсани билмайсан. Бутун ихтиёринг шуларнинг қўлида. Бу ердаги ҳамма нарса сирли. КГБ бутун халқ, бутун давлатдан ажralган сирли бир дуне. Ҳозир сени

бирор ерга олиб бориб отиб ташласалар ҳам ҳеч ким билмайди.

Машина бир-икки дақиқалик йўл юрмасданоқ, қандайдир темир дарбозанинг тарақлаб очилиб-ёпилгани эшитилди. Автомат тутган соқчи машина эшигини очиб тушишга буюриши биланоқ қўлни орқага қилиб тушдим. Бу бир ярим йил, қамоқда яшайвериб одат бўлиб қолгани учун эмас, асло, асло! Бу автомат тутган соқчининг қўлингни орқага қил деб кишини хўрловчи овозини яна эшитмаслик ва унинг ниҳоятда жонга текканлигидан эди.

Бу ер қамалганимнинг биринчи куни келганим қамоқхонанинг ҳовлиси бўлиб, мени ер остидаги қамоқ камерасига эмас, кичикроқ хонага олиб киришди. Бу суд зали экан.

Бизлар бир ой давомида суд қилиндиқ. Мендан бошқа яна етти-саккиз киши.

Суд залида мен билан бирга суд қилиниши эмас, ҳатто қамалиши ҳаёлимга келмаган одамлар билан учрашдим. Масалан, профессор Ҳамид Сулаймон. Бу одам 1939—40-йилларда менга дарс берган. Ушандан бери деярли энди учрашишим, шахсий борди-кељим мутлақо бўлмаган. Таржимон, танқидчи ака-ука Абдураҳмон, Абдунаби Алимухамедовлар, Шуҳрат, Мирзакалон Исмоилийларни ҳамма қатори ёзувчи, танқидчи сифатида таниган бўлсан ҳам ёш жиҳатдан, борди-кељди жиҳатидан яқинлигим бўлмаган. Аммо булар орасида мени ҳайратта солғанлардан яна бири Мели Жўра эди. Бунинг менга қандай алоқаси бор? Тўғри, қамалишимидан бир-икки ой илгари Ёзувчилар уюшмасининг сафари билан Қашқадарё вилоятига борганимда муҳарририятда кўрганман, шу кезларда Мели Жўра вилоят рўзномасининг бош муҳаррири бўлиб ишларди. Бор танишлигимиз шу. Уни ёзувчилар билан бирга суд қилинишининг сабаби Мирзакалон билан бўлган танишлиги экан.

Гарчанд бизлар бир-биrimiz билан шахсан таниш, борди-кељди қилмаган, масалан Мели Жўрани танимаган бўлсан ҳам, ёзувчи сифатида менга таниш бўлган Мирзакалон орқали у билан Советларга қарши ниятли, бир маслақдош сифатида яширин боғланишда бўлганмишман.

Профессор Ҳамид Сулаймон, Абдураҳмон Алиму-

ҳамедов эса гарчанд ёзувчи бўлмасалар ҳам, мен, Шуҳрат, Маҳмуд Муродовларга дарс берган чоғларида Советларга қарши, миллатчилик руҳида шаклланишимизга таъсир ўтказганлари учун бош айборлар сифатида билар билан суд қилинаётган экан.

Терговчининг айтишича, ҳеч қандай гуноҳим бўлмаганда ҳам менинг бирдан-бир айбим, шулар билан яқин бўлганим ва уларни миллатчилик, Советларга қарши қарашлари таъсирига берилишим эмиш. Аммо уларнинг Советларга қарши қарашлари, миллатчилиги нимадан иборат, буни мен билишим шарт бўлмай, бу КГБга маълуммиш. Хуллас, шундай қилиб советларга қарши хавфли бир ташкилот, катта бир гурӯҳ тайёр. Бир гурӯҳ бўлиб, битта занжирга тизидингми, тамом, мен ҳақман деб минг арзодод қилганинг билан бу ҳалқадан якка ажраб чиқолмайсан. Тақдиринг бир.

Буларнинг ҳаммаси билан қамалгандан буён суднинг биринчи куни, суд пайтида учрашдим. Мен үзим қай аҳволда, уларнинг назарида қандай кўринишдаман, билмадим-у, аммо жамиятнинг энг маданиятли, билимдони саналган бу одамларнинг бутунлай ўзгарган кийим-бошлари, афт-ангорларига кўзим тушганча ўз алам, дардларим, ҳатто тақдирим ҳақида қайғуриш ҳам бир дақиқа унтулиб, эсанкираб қолдим.

Айниқса, Ҳамид Сулаймон ўзбек зиёлилари ичида кийим-кечак, билим, муомалада ниҳоятда маданиятли, илғор фикрловчи, шарқ ва ғарб адабиётини теран эгаллаганлардан бири эди. Айниқса, бу одам чала дазмолланган шим, галстуксиз кўйилак киймаган, ҳар бир хатти-ҳаракатида салобат ва қатъият акс этиб тургувчи одам эди. Шундай бир одамни бугун соchlари олинган, соқоллари ўсган, қовоқ, юзлари салқи, рангпар, устида телогрейка, галстуксиз, ёқавайрон бир аҳволда кўрдим-у нақадар хўрланганимизга йиғлагим келди. Демак, шу аҳволгача олиб келинган эканми, энди суддан ҳам, давлатдан ҳам раҳм, инсоф кутиш бекор эканига ишона бошладим. Бу орада:

— Суд келяпти, турларинг! — деган буйруқ эшитилиб, суд ҳайъати кириб келди.

Суд бошланди!..

Афсус, минг афсус! Ҳа, бу суд эмас, қўғирчоқ ўйини эди. КГБнинг қўлидаги тубан қўғирчоқ! Бундан мадад,

адолат, шафқат эмас, ҳатто, заррача инсофдан умид қилиш ҳам күрлик эди, ута нодонлик эди. Чунки суд раисининг ўзи залнинг у ер, бу ерида турган, ваҳоланки қонун бўйича иштирок этишга ҳақлари бўлмаган КГБ ходимлари, терговчилардан кўзларини узмай, хато қилиб қўяётганим йўқми, тўғри иш олиб боряпманми, дегандек ҳар бир сўзларини қандайдир хавфу хатар, ҳадик билан айтиётгандар очиқдан-очиқ сезилиб турарди.

Суд ҳар куни эртадан кечгача чўзилишига қарамасдан бир ойга яқин давом этди. Ваҳоланки, бир кунда тамомлаб, ҳукм ўқилса ҳам bemalol бўлаберади. Чунки, қўйилган гуноҳларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги, булар ҳаммаси теровчиларнинг уйдирмалари, далил, гувоҳсиз, исботланмаган айловлар эканлигипи бир оғиз айтишга судланувчиларга имкон берилмаган эди. Имкон эмас, йўл қўйилмасди. Судланувчиларга терговчилар қандай гуноҳ қўйиб ёзган бўлса, судлар ҳам айнан ўқиб, айтадиган гаплари эса «Шу жиноятларни бўйнингга оласанми, ёки йўқми»дан иборат эди. Сенинг айтадиган гапинг эса, ҳа ёки йўқдан иборат, холос! Ортиқча сўзлашга рухсат бермасди. Оғзингга уриб тўхтатарди. Судни ойлаб чўзишлиридан мақсад эса, гўё ҳамма жиноятларини синчилаб ўрганиб, ҳақиқат қилинган деб ҳужжатлаштиришдан иборат эди.

Сиртдан қараганда бу ердаги ишлар ҳаммаси қатъий қонунийдек. Ҳатто адвокатларгача ҳам бор. Аммо улар кимлар? Вазифалари нимадан иборат деган саволга тўғри жавоб айтадиган бўлсанг, шармандалиқдан ўзга нарса эмас. Бундай кўзбўямачилик, найрангларга қайси инсон чидайди. Айтишга айтдим-у аммо, виждонсиз деган сўзни шу ерда, буларга нисбатан ишлатишнинг ўзи ҳам жоиз эмас. Чунки виждонсиз деб виждонаи бўлган-у, аммо қандай сабаблар билан хато қилиб йўқотгандарга нисбатан айтилади. Бу ерда қилинаётган ҳангомалар эса виждонаи бўлган одамларнинг иши эмас эди.

Баъзи кунлари суд залида бир-икки адвокатлар пайдо бўлиб қоларди. Улар кимларни ҳимоя қилгани келган, вазифаси нима, билиб бўлмасди. Чунки уларга ҳам истаган вақтда сўз берилмасди. Булар ҳаммаси расмият, қонуний иш юритишмоқда дейиш учун қилинган хийла бўлиб, аслида адвокатларда ҳеч қандай ҳуқуқ ҳам, қиласиган иш ҳам йўқ эди.

Кейинчалик билсам, менинг ҳам Гопқораев Йұлдош ака деган адвокатим бүлган экан. Тавба, қачонки, мен билан суд даврида гаплашиш у ёқда турсин, ҳатто юзма-юз келиб бир марта ҳам күришмаган бўлса, қандай қилиб менга адвокат бўлиши мумкин?

Бу қандай бўлганини хотиним ҳикоя қилиб берди.

### **Хотинимнинг ҳикояси**

Тергов тутатилганлиги ҳақида хабар олдим.

Суд бошланди.

Суд бошланиши билан одамлар орасида миш-мишлар ҳам бошланди. Бирор, энди ҳаммасини чиқарип юборади, ҳеч қандай гуноҳлари йўқ деса, бошқа бири — бу ерга келганларнинг ҳеч бири омон чиқсан эмас, 25 йил, ўн йил берса ҳам шукур денг, баъзиларни оиласи билан сургун қиласмиш деса, ҳатто отишга ҳукм қилмаса бўлди, деган ваҳима гаплар ҳам эшитиларди. Баъзи гаплардан бир нафасгина умид уйғониб енгил тортсанг, айрим ваҳимали миш-мишларни эшитганда фарёд, кўз-ёш бошланарди. Бу гапларни эшитиб, суд тугагунига қадар қамалганлармас, бу ёқда қолганларнинг на уйқусида, на еб-ичишида ҳаловат бўлди. Суд тугагунча минг хил миш-миш ваҳималар, минг хил гаплар. Кимлардир адвокат солиш зарурлигини айтарди.

Мен деярли ҳар куни эрталаб соат нақ 10 га суд бўлаётган ерга бораман. Кун анча изғирин эди. Суд залига, албатта, бизларни киритмасди. Буни билардик. Аммо умид билан қамоқхона дарвозасининг тирқишидан мўралаб сизларни суд залига олиб келаётган машина овозини эшитиш, ҳеч бўлмаганда сизларни машинадан тушаётганда оёқларини кўриб, оёқ кийимидан таниб қолиш учун ҳаракат қиласи эдик. Бизларни эса қўриқчилар у сурдан ҳайдар, кузатиш ҳам мумкин эмас, дер эдилар.

Бу даҳшатли даргоҳга ҳар келганда ҳамма юрагини ҳовучлаб, минг хил ваҳима билан келарди. Чунки кимнингдир отаси қамалгандан кейин унинг ўғлини ҳам қамашибди. Эри қамалгандан икки-уч ой ўтмасдан ҳомиладор хотинини эрига шериклиқда айблаб уни ҳам қамашибди, деган гапларни эшитардик. Шунинг учун судга кўпинча қамалганларнинг кекса оталари, оналари ке-

лишарди. Ўша кезлари терговчилар қамалганларнинг хотинларига эрларидан ажралишни, акс ҳолда ишдан четлатилишини айтиб, пўписа қиласр эдилар. Бола-чақани боқиш, бир амаллаб тирикчилик учун ўша замон тақозоси билан вақтингча ажралганлар ҳам бўлган.

Ўша кунлари сизларнинг жиноий ишингизни суд раиси Муҳиддинов кўрар эмиш деб эшитдим. Унинг хотини Вазифа ёса мен билан бир мактабда ишлар, борди-келдимиз бор эди. Бошимга ташвиш тушган кунларда ҳам муносабатини ўзгартирмади. Қисматимга ачиниб, далда бериб турди.

Шу яқинлигимизни назарда тутиб, мен унга эрининг судга раислик қилаётгани, адвокат солмоқчи эканимни айтганимда, гап ўзаро қолсин, деб эрининг суд ҳақидаги фикрларини айтиб берди. Эрининг гапига қараганда, ҳеч қандай ҳаракат ва адвокат солишининг фойдаси йўқ экан.

Унинг юракдан айтилган бу гаплари бир жиҳатдан, эрим сизлар учун қўлидан келган ёрдамни аямайди, деган маънода бўлса, иккинчи жиҳатдан, суднинг ҳам, адвокатларнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмас экан, ҳамма ихтиёр КГБдагиларда, деган маънони ҳам англатарди. У менга ўзини яқин тутиб ҳатто эрининг «Бизлар ҳам юқорининг буйругини бажағмай иложимиз йўқ. Бирдан-бир умид яхши замонлар бўлишидан, битта Шукрулло эмас, ҳаммаси озод бўлиши керак, гуноҳи йўқ уларнинг», деган сўзларни ҳам айтиб берган эди.

Нима чора! Қамалганларнинг оиласлари ўзаро дардлашишар ва замон ҳамиша шундай қолмаслиги, қандайдир ўзгариш бўлишига умид боғлардилар.

Аммо бир ойлик суд давомида ноумид шайтон деб адвокат Йўлдош Тошқораев билан учрашдим. Охири адвокат ўзининг судда ҳеч қандай ҳуқуқи йўқлигини яширмай айтди. Шунинг учун инсоф юзасидан хизмат ҳақи ҳам талаб қилмади. Суд нима билан тугаши, озод қилиши мумкинми, жуда бўлмаганда неча йил беради, гуноҳлари нима? Бу ҳақдаги саволимга ҳам ҳеч қандай жавоб айттолмади. Адвокатдан бўлган умид бутунлай узилди.

Мана адвокатнинг аҳволи-ю, мана адолатли судларга ишонч!

Мана инсон тақдирининг қиммати!.. Мана инсон умрининг баҳоси! Уни ўйладиган ким?!

Қамоққа тушган маҳбусларгина бу адолатсизлик, бу қонунсизликларни үз кўзи билан қўриб, гувоҳи бўлиб, ким қандай ниятда қилаётганини, бунинг учун оҳ-воҳ қилишнинг фойдаси йўқдиги, ҳақиқатан ҳам бирор мўъжиза рўй бермаса бу азоб-уқубатдан қутулиш мумкин эмаслигини биларди. Бу мўъжиза нимадан иборат, ҳамма ошкора айтолмаса ҳам, аммо айрим юрак ютганлари, айниқса, аввалига отишга ҳукм қилиниб, кейинчалик, маҳсус кенгашнинг қарори билан жазо муддати ўн йилга алмашинган Муҳидбек Комиловга ўхшаганлар қўрқмай гапираверарди:

-- Бошимизга тушган бу адолатсиз ишларни фақат КГБ терговчиларининг ўзлари қилаётган дейдиган бўлсак, хўш, прокурорлар билмайдими? Прокурорлар билмаса, суддар-чи? Ахир қамалганлар бигта бизлар эмас, юзлаб, минглаб, миллионлаб-ку! Неча йилдан бери бу аҳвол давом этиб келади, ҳукумат тепасида ўтирганлар, ёки Сталиннинг ўзи билмайдими, унга бу аҳвол етмаганимикан? Ҳамма нарсани билган Сталин, худо дарражасига кўтариб қўйғанмиз, ҳақиқатан ҳам худо бўлса, адолатли бўлса, буни билмайдими? Билмаса, худолиги қаёққа борди! Шундай бўлгач, кимдан умид кутасан? Бир ўзгариш бўлмаса, бу чангалдан қутулишни ўйлама!

Бу ўзгариш қандай ўзгариш. Бу мўъжиза нимадан иборат, бу ҳақда гапирганда нимани назарда тутиларди, уруш бўлишиними, раҳбарларнинг ўзгаришиними, Сталиннинг ўлиминими?.. Гарчанд аниқ, айтмасалар ҳам, қисқа қилиб, бир ўзгариш бўлиши керак, бундай қолиши мумкин эмас, дердилар. Ҳамманинг умиди келажакдан эди.

Бугун суд муҳокамаси тамом бўлиб, қўфирчоқ суд ҳайъати ҳукмга кириб кетиши эълон қилинди. Ҳаммамиз «Қора қарға» машинасида яна камераларга қайтиб кирдик. Суд ҳукмини қачон, нима деб эълон қиласди.

Бир йил, бир ярим йиллик тергов қийноқлари, умид кутганимиз адолатли суддаги адолатсизлик, инсофсизликлар, инсон қадри-қимматини ҳеч кўрилмаган, ақлга сифмайдиган даражада оёқ ости қилинишидан кейин, бу ердан қутулиб кетишини ўлаш эмас, ўлимингга рози бўлиб, отиб ташласалар ҳам, отиб ташлайверсин, дейдиган, ҳеч нарсадан қўрқиш билмайдиган бир ҳолат пайдо бўлган эди. Суддан умидимни бугунлай узган эдим.

Ахир, сен кимнидир дўст билиб, уни қучоклаб бағрингга босмоқ бўлсанг-у у эса, меҳрингга меҳр билан жавоб қайтариш ўрнига кўкрагингга мушт тушириб, сени ҳақорат қила кетса, бундан аламли нима ҳам бўлиши мумкин!

Ёки кимдир сенинг бирдан-бир севикли одаминг, жонингни ҳам қурбон қилишга тайёр бўлганинг — онангни хўрладинг, ҳақорат қилдинг деб, тухмат қилиб турса, бу маломатдан фарёд солиб, ёқангни йиртиб, ўлимингга ҳам рози бўлиб кетмайсанми?

Кечак Ватан урушида қон кечиб, жонини ҳам аямай ёв билан жанг қилиб, саломат қайтган жангчиларни, бугун сен ватан хоини деб, йўқ айбларни бўйнига қўйиб суд қилиб турса, бу аламга чида бўладими?

Бугун суд қилиниб ҳукмини кутаётган истеъодди шоир, романнавис Шуҳратнинг айби Ватан учун жанг қилиб ўлмай қайтгани, садоқат ҳақида «Шинелли йиллар» романини қони билан ёзганими?

Ёки менинг гуноҳим ҳаётдан олган бир дақиқалик шодлик, завқимни ифодаламоқчи бўлиб айтилган:

*Мунча ҳур!..  
Пар каби енгил капалак,*

*Гулдан-гулга кўчар, учарди тинмай...  
Узоқ қуниб қолди. Хаёлимни ҳам  
Фунча япрогига кўмди сездирмай.  
Тирпинги, сесканги, хаёл ҳам учди  
Бўсаларга қониб, елпштгач қанот.  
Боқдим теваракка, шунда ўзимни  
Ҳис этдим капалак каби енгил, шод, —*

деб ёзган шеъримми? Бу шеърда Совет давлатига, унинг сиёсатига қарши айтилган қандай хато бор? Бундан жиноят излаш, шоир меҳрига, унинг меҳнатига тупуриш эмасми? Ҳақорат эмасми!

Бу шеърнинг бирдан-бир хатоси ғоясизлиги эмиш! Бу адолатли суднинг менга қўйган айномаларидан бири эди. Ғоясизлиги шунда эмишки, бунда Совет кишининг меҳнати ўз аксини топмаган эмиш. Сиёсий гап йўқ эмиш.

Ахир, кишининг руҳиятини ифода қилиш, ҳаётта, гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ҳаётдан завқдан билиш, ватаннинг ҳар бир заррасидаи қувона олиш, ки-

шилар қалбида разолат, худбинлик эмас, яхшилик ҳисларини үйғотиш — бу меңнат эмасми? Шуни фаҳм қилмаган, фарқига бормаган, борса ҳам, билатуриб гуноҳкор қилиб турган суд, суд ҳайъатидан қандай инсофли,adolatli ҳукм кутасан!

Демак, күнгилдаги гапни айтиш хато бўлса, шоир нимани ёзиши керак? Бу ижодкорни ўз эркидан маҳрум қилиш эмасми? Нима қилиш керак? Оч бўлсанг ҳам тўқман, ноҳақликни ҳақ деб ёзиш керакми? Бунинг нимаси ижод. Бу ижодкор учун ҳузур эмас, азоб-ку! Ижодкорни ижоддан маҳрум қилишдан бошқа нарса эмас. Кўзим билан кўриб турган поҳақликлар, адолатсизликларни ёзиш имкони бўлмаса ҳам, худо яратган табиат гўзаллиги, унинг парранда-ю даррандаларига бағишлиланган завқни ҳам кўйлаб хумордан чиқолмасам, бундай шоирликнинг кимга кераги бор демайсанми? Демак, сен ўзинг севган, ўзинг завқ олган, ўзинг ҳақиқат деб билган нарсангни эмас, кимларнингдир кўнгил хушлигини кўйлашинг керак. Ҳаётга ўз кўзинг билан эмас, кимларнингдир кўзи билан қарашинг керак. Шунда асарларинг ғоявий, ҳалқил деб мақталади. Мукофотлар ҳам, амал-мартаба ҳам сеники, президиумларда ўтирасан, чет элларга ишониб юборишиди. Акс ҳолда бошинг танқиддан чиқмайди, ёзганларинг босилмайди, ўзинг тарьқиб остида яшайсан.

Сен буни ҳалқни алдаш, китобхон дидини бузиш, пасткашликка ўргатиш деб дод солмоқчи бўлсанг, хато қиласан, сени социалистик реализмга қарши чиқишида айблашади. Суднинг менга қўйган айбларидан бири шу бўлди! Мана суднинг аҳволи! Мана судларнинг савияси! Булардан қандай адолатли ҳукм кутасан! Мен тақдирга тан бериб, бу тўғрида ўйламай қўйгандим.

Мени бирдан-бир ўйлатадиган, азоблайдиган нарса у ҳам бўлса, оилам, тирик етим қолган уч фарзандим ва севики хотинимнинг бундан буёқ кечадиган ҳаёти, севгимизнинг тақдири, оилавий келажагимиз, севгимдан айрилиш эди. Фақат айрилиқ эмас, севгимизга қанчалик ишонмай, рашик алами ўртарди.

Шайтоний ҳаёллар!..

1942 йил, очарчилик замонида уйландим. Ота-онам кекса, ёлғиз ўғил бўлганим учун эртамас-индин аскарга олиб кетса, тўйини кўриб қолайлик, бу орада

фарзанд кўрса, келгунича ўринга ўрин, эрмак бўлар деган орзу билан уйлантиришганди. Орадан кўп ўтмай отам вафот этди. Уйланган кунимдан эътиборан тўйининг қарзидан қутулиш ташвиши, муҳтожлик бошлини. Хотиним шурликка нима роҳат кўрсатдим? Уйимиздаги озми-кўпми орттирганимиз, отамнинг қўлидаги бор нарса тўйга сарфланиб бўлган эди. Отамдан қолган сигирни сотиб, унинг йиллигини ўтказдик.

Урушгача бўлган бутун бисот-бағал қорин тўйғашибига сарфланиб адо бўлди. Тўйиб нон емайдиган, тўлатиб қозон қайнатилмайдиган замон келди. Бирор одам келса, олдига нон қўйиб, қозон қайнатиш имко-ни йўқ, бўлгани учун уйда ўтирумай, эрталабдан чиқиб, ҳатто хаёлимга келган шеърларни кутубхоналарга бориб қофозга туширадим.

Хотиним ўқитувчи бўлиб, бирор сабаб билан ўқишига келмай қолган ўқувчиларнинг бўғирсоқдек пончигини олиб келган кунлари уйимизда қувонч бўларди. Чунки бошқаларницида бу ҳам бўлмасди. Урушдан кейин ҳам қарз билан яшадик.

Суд ҳукмини айтгунча қамоқнинг ёлғиз хонасида ўтириб оиласиб ҳаётимни, хотинимнинг оиласи мөхри, жафокашликларини, унинг сиймосини хаёлимдан ўтказар эканман, унинг биронта орзусига етказолмаганимнинг армони мени қийнарди.

Мен ўттиз, хотиним эса йигирма олти ёшда! Навқирон умр! Очарчиликда, қувғинларда, хўрлик ва мөхнатда хазон бўлган ёшлиқ. Энди яна неча йил айрилик, не-не кўргиликлар бор! Эй парвардигор! Хотинимнинг бардоши етармикан? — деб ўлардим!

Мана бугун «адолатли» суднинг ҳукми ўқиб эшигтирилди.

Мана 25 йил қамоқ жазоси, 5 йил сургун қилинишм, 5 йил сайлаш, сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилишим ҳақида ҳукм чиқарилди.

### АЛВИДО, ОНА ЮРТ!

Тақдирга тан бериб шу сўзни тилга келтиришининг ўзи нақадар оғир! Тенангда автомат, ёнингда айтилган чизикдан бир қарич нари чиқсанг ташланиб ражишига ўргатилган итларни тутган соқчилар сени қайгадир

ҳайдаб борса, шунчай пайтда тилингга бундан бошқа қандай сұз келарди.

Мана бугун қамоқдан қутулиб чиқиш ҳақидаги хаёллар үрнини энди бутунлай үзға дард-ташвиш қора булатдек ёпирлиб згаллай бошлади. Бугун, ҳибс қилингандын куним олайми-олмайми деб тебраниб ҳар әхтимолға қарши олганим күрпа-ёстиқни орқалаб, туғилған юртим, бола-чақам, қариндош-уруглар билан қайта күришиш насиб этармикан деган үй оғушыда маҳбусларни лагерларга тақсим қиласынан жойга олиб келгандарини билмай қолибман.

Шу ердан жиноий моддасига қараб бирорни лагерга, қамоққа хукм қилингандарни эса қамоққа бутун мамлакат бўйлаб тарқатилади. Бу ер вақтли қўналға ҳисобланиб, молхонадек катта бир хонага юзга яқин ўғри борми, одам ўлдирган каллакесар, фирибгар, диндорлар борми, зич қилиб жойлаштирилган эди.

Мен бу ерга қадам қўйдим-у менга мутлақо бегона, афти-ангари, усти-бошлари бутунлай бошқа, кўзлари бежо одамларга кўзим тушиши билан ҳайратимдан елкамдаги күрпа-ёстик, озми-кўпми солинган қопими ни ерга қўйиб, қаерга жойлашишимни үйлаб, үзимга келгунимча ҳам бўлмай, «мени ёнимга кел», деб ҳар бири үз ёнига тортувчи меҳрибонлар пайдо бўлиб қолди. Албатта, бу меҳрибонликдан эмас, қопимдаги нарсалар, насибангта шерик бўлиш учун эди. Булар ўғрилар эди. Буларнинг кўпчилиги янги келгандарнинг дурустроқ кийим-кечак, пулми, ейдиган, ичадиган нарсалари борми, талаб кун кечиравчилар, қамоқда умр ўтказганлар эди. Буларнинг бир тудаси бир бурчакда бир-бири билан сўкинишиб қарта ташлашар, хонанинг бир бурчагида назоратчи келиб қолишидан ҳадиксираб кўзи олазарак ўғри болалар кайф қилиш учун кичкина кастрюлкадаги сувга бир пачка чой солиб, ёқадиган нарса бўлмагани учун кепкаларининг жиягидаги қофозларгача ёқиб «чипир» қиласынан жетишидан айрилиб, бошини қўлларига қўйганча хаёлга чўмганди.

Албатта, олдин қамоқ кўрмай, бу ерга энди келиб қолган одам үзини бутунлай бошқа дунёга, қароқчилар орасига, дузахга тушиб қолгандек ҳис қиласынан жетишидан айрилиб, эркинликдан маҳрум бўлдим деган аф-

сус-армондан нишон ҳам йўқ эди. Булар учун озодликдан маҳрум бўлиб қамоққа тушиш, гўё бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ёки бир уйдан иккинчи ҳовлига ўтгандек гап. Озодликда улар меҳнат қилмай, кишиларни талаб қандай кун кечирган бўлсалар бу ерда ҳам, лагерларда ҳам ўзгаларнинг уйидан келган нарсаларини талаш, ўғирлаш, қартадан орттиргани ҳисобига яшарди. Ўз нафслари учун бир-бирини фажиш, ўлдириш бу ердагилар учун одатий ҳолат, яшаш қонуни эди.

Наҳотки менинг йигирма беш йиллик умрим энди шулар билан ўтса?!

Йигирма беш йил ичida ким бор, ким йўқ, замон-у заминда не-не ўзгаришлар бўлади, бундан қатъи назар, эндиги умрим қаерларда, қандай кечишини ўйларканман, жияним Бадридиннинг 1937 йилда халқ душмани бўлиб қамалган отаси Шукр Колонов ва ўзларининг ҳаёти ва азоблари ҳақида қандай мақсадда ёзиб қўйган, хотираси хаёлимга қўйилиб кела бошларди. Булар бир-биридан даҳшатли, бир-биридан фожиалироқ эди. Бу инсоннинг нақадар хўрлиги, унинг бардоши метинлигининг ҳам тимсоли эди.

### *Жияним Бадриуддин ҳикояси*

Отам 1937 йил январда Ўзбекистон жиноий қонунларининг 66-моддаси 1-қисмiga биноан қамоққа олиндилар. 1937 йил 17 июнда Ўзбекистон Олий Махсус коллегиясининг қарорига биноан беш йил ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, тарбиявий меҳнат лагерларида ўз муддатини ўташ шарти билан Узоқ Шарқдаги Калима шаҳрига жўнатилган. Лагердан 1945 йил август ойида озод қилингандиларига қарамасдан уйга келишга рухсат бўлмаган. Бу «жаннат макон» шаҳарда 1946 йилгача махсус назорат остида, мажбурий, инсон бовар қilmайдиган машаққатли ишда ишлаганлар.

Биринчи марта қамалганларида мен тўрт яшар бола эдим. Гўдаклигимга қарамасдан, ўша кунлардаги баъзи воқеалар хотирамда яхши сақданиб қолган.

Тергов тугаб, суд ҳукми эълон қилингандан кейин отамни жўнатадиган куни, онам «узоқдан бўлса ҳам отасини кўриб қолсин», деган мақсадда бўлса керак, мени ҳам етаклаб борган эдилар. Кун ниҳоятда иссик,

темир йўлдаги тошларнинг қизиганлигидан оёқларимнинг таги қавариб кетган эди.

Отамни узоқдан, вагонга чиқаришларидан оддин кўриб қолдим. Оёқларимнинг жароҳатларига қарамасдан оддиларига югуриб бормоқчи бўлганимда ҳарбий соқчилардан бири етаклаб юрган итини қўйиб юборди. Мени қувлаган итдан қочаман деб ерга йиқилиб, йиглаб, думалаганим ҳам эсимдан чиқмайди. Ҳали эсими танимаган ёш болага итни қўйиб юбориш ваҳшийлик эмасми?.. Ўша куни отамни олиб кетищи.

Отам ўн йилдан кейин, 1946 йил ноябрь ойида Калимадан қайтиб келдилар. Келганларидан кейин ҳам хотиржамлик бўлмади. Ўша даврда, қамоқдан чиқсанларни ўз уйлари у ёқда турсин, ҳатто туғилган шаҳарларида яшашга ҳам ҳуқуқлари йўқ эди. Одатда улар ўзлари туғилган ерлардан узоқроқ бир шаҳарда ишлаб яшашлари шарт эди.

Отам шу қоидага биноан Қўйлиқда бир колхозчнинг уйини ижарага олиб, касби муаллим бўлишига қарамай, ўша ердаги гурунч заводида оддий ишчи бўлиб ишга жойлашдилар. Бу даврда кўпгина хонадонларнинг қозонлари ойлаб гўшт кўрмас, ҳафталаб қозон осилмасдан иссиқ овқатсиз ҳаёт кечирар эди. Кунлардан бир кун овқатланиб ўтирганимизда онам рўзгорда кепақдан бошқа ҳеч нарса қолмаганлигини айтдилар. Шунда отам кепақдан ҳам қанчадан-қанча яхши таомлар тайёрлаш мумкинлигини айтиб, шу аҳволда яшаётганимизга мингдан-минг шукур қилган эдилар. Негаки, она юртида, озодликда ўз уйида кепақдан тайёрланган овқат ҳам отам учун шоҳона туюлар эди.

Қишида уйларни иситиш ва овқат пиширишга ҳам кўмир, ўтин ўрнига шоли қипифини ишлатардик. Овқат пиширишга кўпроқ ёқиб қўйилса, печкага кам қолиб, уй яхши исимас эди. Шунда отам, Узоқ Шарқнинг табиатини, қиши фаслининг узоқлиги ва ниҳоят совуқлигини эслаб:

«Ишга чиқсанимизда ҳарбий соқчилар бизларни маҳсус ўргатилган, совуққа ниҳоятда чидамли, йиртқич ҳайвонлар билан тенг олишадиган итлар билан қўриқлардилар. Меҳнатнинг ниҳоятда оғирлигидан Сибирь совуқларини ҳам сезмас эдик. Одатда маҳбусларнинг иш вақти об-ҳавога қараб 12—14 соат давом

этарди, аммо итларни иш вақти икки соатдан ортмас, чунки улар бу совуққа бардош беролмас эди. Махбустарга итчалик ҳам раҳм қилинмасди», — дердилар.

Отам бечорага бизлар билан ҳатто совуқ, уйда яшаб, кепак нонни баҳам күриш ҳам узоқ насиб этмади.

1949 йил октябрь ойининг ўрталарида бўлса керак, мактабга бориш учун кўчага чиққанимда завод томондан отамни икки нотаниш одам билан, ранги ўчган ҳолда келаётганини кўрдим, уни шундай ҳолатда ҳечам кўрмаган эдим. У менга қараб уйга секингина киришимга ишора қилди. Уйга кирганимдан кейин, келган одамларнинг кимликлари маълум бўлди. Улар Давлат хавфсизлик комитетидан эдилар, уйга киргандаридан кейин тинтишга киришдилар, бироқ ҳеч нарса тополмадилар. Нега деганда уйимизда тинтийдиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Бир сидра рўзгор асбоблари, кийим-кечак, стол устидаги китоб ва дафтарларимдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Шу сабабли тинтуб ҳам узокқа қўзилмади.

Келганларнииг бири ўзбек бўлиб, отам ва бизлар билан ўзбекча гаплашиб ниҳоятда маданий муомалада бўлди. Ҳатто отамни бир оз тинчлантиришга ҳаракат қилди. Аммо иккинчиси отам у ёқда турсин, бизлар билан ҳам қўпол, дағдага билан муносабатда бўлди. Ташки кўринишидан ҳам маҳсус тайёрланган, тажрибали жаллодардан қолишимасди. Бизнинг бирор-бир ҳаракатимиз унинг эътиборидан холи қолмас, ўз ўлжасига ташланишга тайёр турган йиртқич ҳайвонни эслатарди.

Онам яна кўз ёши билан, беш кунлик дийдор киришиш ҳам насиб этмаганидан оҳ уриб, отам учун бир сидра лозим бўлган сочиқ, кўйлак ва бошқа зарур, арзимас нарсаларни йиғиб бермоқчи бўлганда, у онамнинг қўлидаги нарсаларни шу қадар қўпполлик билан тортиб олар, олазарак кўзлари синчилаб текшириб, кейин қайтариб берар эди.

Отамни олиб кетаётгандарида «Отангиз ҳақида маълумотни Давлат хавфсизлиги комитетидан олишингиз мумкин», дейишиди. 1950 йили Махсус Кенгашнинг Қарорига биноан муддати кўрсатилмаган ҳолда отам Красноярск ўлжасига бадарға қилинган экан.

1949 йили отамни яна қайтадан қамоққа олишларига асосий сабаб 1937 йилда қўйилган айбнома бўлган.

Дастлаб терговда, кейинчалик судда «Мунтазам аксили-инқилобчилик, миллатчилик» ва троцкизм ташвиқотчи-си» деган айбни расмийлаштириб қарор қабул қилин-ган. Бу ҳукм қабр тошидек совуқ, тегирмон тошидек оғир, мавхум сатрлар эди. Мана ўша айбнома:

1. Тинтуб пайтида ўзбек шоирларидан бири Чўлпон-нинг ман қилинган шеърлар тўплами топилганлиги;
2. Отам ўрта мактабда ўқиб юрганларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Мунаввар Қори ва Шора-сул Зуннуновларнинг талабалари бўлганлиги учун;
3. Тергов бувамни руҳоний деб топганлиги учун;
4. Троцкизмда айлашларининг бирдан-бир сабаби, тинтуб пайтида уйимиздан 1926—27-йиллари босилиб чиққан «Рабоче-крестьянский календарь» журнали то-пилган. Бу журналда партия ва давлат раҳбарлари билан бир қаторда Троцкийнинг ҳам портрети бўлган.

Адолатсизликни қарангки, тил ва адабиёт ўқитув-чисининг уйидан топилган қатор адабиётлар орасида Чўлпоннинг Совет нашриётида чоп этилган, Совет ма-газинидан сотиб олинган шеърлар тўплами миллатчи-лиқда, аксилинқилобчилиқда айлашга асос бўлса?

Ҳеч кимга сир эмас, ўша даврдаги кекса ёшдаги-ларнинг ҳаммаси динга ишонган ва намоз ўқиган. Шун-дай экан, уларнинг барчасини миллатчиликда айблаб қамаш лозиммиди? Йўқ! Қамоқ, жазо, ўлим ҳукми саводли, ақлли, доно зиёлиларнигина териб, уларни жисмонан йўқ қилиб юборишга қаратилган ёки бўлмаса руҳан мажруҳ қилиш учун эди.

1953 йили халқларнинг «отаси», «буюк доҳий» Сталин ўлимидан бир йил ўтар-ўтмас, 1954 йили июнь ойида отамни сургундан қўйидаги мазмундаги справка билан озод қиласидар: «Каланов Ш. 1937 йили 17 июль Ўзбекистон Олий Судининг ҳукми билан ЎзССР Жи-ноят кодексининг 66 модда, 1-бандига асосан қамоқقا олинган ва беş йил ҳуқуқдан маҳрум қилинган, ке-йин Красноярск ўлкасида сургунда бўлган, у МВД ва СССР Прокурори кўрсатмасига асосан 1954 йил 24 апрель сургундан озод қилинган, 1954 йил 9 июль СССР Олий Совети Президиумининг 1953 йил, 27 март қарорига биноан суд қарори бекор қилинган».

Мана инсоф, манаadolat! Ўн саккиз йил ноҳақ қамалиб, бола-чақа, уй-жой, эркинлиқдан маҳрум булиб, соғлиқдан айрилиб, умрнинг энг азиз дамлари

азоб-уқубатда ўтиб бўлгандан кейин, сенинг гуноҳинг йўқ экан, дейилса, бу қонунсизлик, бу адолатсизликка қандай чидаш мумкин!

Жияним Бадриддиннинг отаси ҳақидаги хотираларини эслаб, буларнинг менга қўйилган айблардан нима фарқи бор деб ўйлардим. Поччамнинг ўз бошидан кечирган даҳшатли ҳёти, оиласининг хароб ва баҳтсизлиги, инсон бўлиб туғилиб, бирор кун бу дунёда роҳат кўрмай фожиали ўлими наҳотки менинг бошимда ҳам такрорланса, деб ўйлардим.

Бундай ўйлаб кўрсам, бундай баҳтсизлик, фалокатлар битта менинг бошимда эканми? Мамлакатда бу фалокатни бошидан кечирмаган бирор оила бормиқан? Ахир мен ўзим билган таниш-билишлардан ташқари қамалган қариндош-уруглар озмунчами? Поччам ва холамнинг ўғли Убайдуллахоннинг умрлари қамоқда ўтди. Мен ўзим қамалдим. Хотиним олти ёшдан дарбадар. Отаси, амакилари қамоқда вафот этиб кетдилар! Ўҳӯ, вой-вой!.. Эслайман деса!..

Бир неча кундан бери мана шундай даҳшатли ўйлар босимида инсон қиёфасини йўқотган, йиллаб умрини қамоқда ўтказишга одатланган, нафси олдида ҳар қандай жиноятдан қайтмайдиган маккор ва шафқатсиз каллакесар, ўғрилар орасида лагерларга юборишиларини кутиб ётибман. Дардлашадиган бирор одаминг йўқ. Ўрнингдан қимирадинг ёки ҳожатга чиққудек бўлсанг, қайтиб келгунингча албатта нарсаларингдан ажрайсан. Ким олди, деб сўраб кўр-чи? Кимга арз қиласан? Назоратчиларгами? Уларнинг ўзлари ҳам бу ерга чўчиб киради. Молимни олди деб шикоят қилганларни бўғиб ўлдирсалар ҳам ҳеч ким жавоб гар қилолмайди. Юзлаб одамдан қай бирини айбдор қиласди. Бирдан-бир дардкашим сиёсий айб билан қамалган 20 ёшлар чамасидаги йигитчада бўлиб қолди. Бу бечора қишлоқи йигитнинг гуноҳи, халқ душмани бўлиб қамалишига сабаб ўрта мактабда шанбалик қилинган куни Сталиннинг бюстини бир жойдан иккинчи жойга қўяман деб кўтариб кўрса, ниҳоятда енгил уннаб, жуда енгил экан, калласининг ичи бўш экан, деган бир оғиз тўғри гапни айтгани бўлиби. Кейинчалик бир сабаб билан оралари бузилиб қолган мактабдошлиаридан қайси бири бу гапни тегишли жойларга маълум қилиб, КГБ қошидаги маҳсус ко-

миссиянинг қарори билан халқлар доҳийсини мас-харалаш, унга тұхматда айбланиб үн йил озодликдан маҳрум этилиди. Бу воқеа юз берганда у ҳали балоғатта етганми, етмаганми? Наҳотки бу бола шўрликнинг Сталинда қасди бўлган бўлса! Адолат юзасидан айтганда, ҳақиқатан ҳам кўпинча бюстларнинг ичи ҳовол, бўш бўлади.

Кимдир бу шўрликнинг тўғри гапини ғараз билан нотўғри тушунган бўлса, ахир, ҳукумат тепасида ўтирганларда, судда ақл-фаросат йўқми? Ахир үша бюстни текширдик, ҳақиқатан ҳам ичи бўш экан, бу ерда ҳеч қандай ёмон ният йўқ дейилса, олам гулистон эмасми? Тўғри гапни айтгани учун бу йигитнинг умрига ачинмай, раҳм-шафқат қилмай хазон қилинса, додингни кимга айтасан.

Бу йигитнинг кўз ёшлари тинмасди. Алами олдида ўлимига ҳам рози эди. Ахир, уйланганига энди бешолти ойгина бўлган экан. Унинг бирдан-бир дард ташвиши олти ойлик келин қолган севики хотини эди. Унинг бағрини бирдан эзган алам энди мени үн йил кутадими, йўқми, деган айрилиқ, рашқ азоби эди. Бечора дардини айтиб йиғларди. Бу алам фақат унинг эмас, менинг ҳам дардим эди. Бу азоб мени ҳам қийнарди.

Ахир, бунинг қамоқ муддати үн йил, севгида вафо бўлса, омонлик бўлса, дийдор кўришмоқ мумкин. Аммо менинг дийдор кўришмоғим учун йигирма беш йил эмас, беш йиллик сурғунни ҳам ҳисоблаганда ўттиз йил керак-ку! Ўттиз йил айрилиқ! Ўттиз йил кутиш!.. Йигирма беш, йигирма олти ёшда эридан тирик айрилиб қолган хотиним 30 йил эрсиз яшаб, кутишга сабр-бардоши етармикан? Дунёга инсон бир марта келади, деса-чи? Борди-ю шу хаёл билан уч болани етим қилса-чи! Менинг хотинимга меҳримдан бўлак нимам бор ўзи? Ахир унга на бойлик, на олтин бисот қолдирдим! Ахир бола-чақамни ота-онамдан қолган уйдан, молу мулкимдан ҳам маҳрум қилишибди-ку! Уй-жойдан ажралиб ҳаёт кечириш осонми?! Бунга иродаси етармикан? Наҳот ўртадаги муҳаббатимиз чин бўлмаса!

Қаршимдаги йигитнинг кўз ёшларини кўриб, севги ҳақидағи армону нолаларини эшитиб, вафо, фидойи аёллар борлиги ҳақида гапирдим. Бу билан унга тас-

кин бериб, умид бағишлиб эмас, ўзимни ҳам овутардим.

Ахир, поччам халқ душмани бўлиб 1937 йилда қамалиб кетганда опам 22 ёшида уч бола билан бева қолган эди-ку! Салкам 17 йил эрини кутди. Дийдор кўришди. Бир неча йилгина бирга яшади. Айрилик, уруш йилларининг очарчилигига чидади-ку! Севгисига риё қилмади-ку! Умид билан яшади-ку!

Нуридин тогамнинг хотини-чи? Ичаги буралиб навқирон ёшида вафот қилганда хотини — келинойим ҳам 22—23 ёшларида уч қиз билан бева қолган эди-ку! Тогам қайта тирилиб келмайди, эр қиласа ҳеч ким айб қилмасди. Эрга тегса бўларди. У болаларини ўтай отанинг қош-қовоғига қаратмаслик, эҳтимол эрининг арвоҳини норози қилмаслик учунми ёки буни бева-фолик деб билдими, ўз меҳнати билан болаларини мартабали одамлар қилиб тарбиялади. Шу билан фахрланаиди.

Шулар ҳақида қаршимдаги йигитчага ҳикоя қилардимда ўзим ҳам бир оз таскин топардим, рашк азобидан бир оз енгил тортардим. Наҳот хотиним уч боласи билан менинг қамоқдан чиқишимдан умид узиб, ажralишни кўнглига келтирса! Шундай аёлларнинг севгига садоқатлари хотинимга ибрат бўлмасмикин? Балки, у ҳам мени кутар.

Аммо мени ўзга бир ташвиш умидсизликка ҳам соларди. Худо кўрсатмасин, йигирма беш йил ичидаги ахир мен ким бўламан. Мендан нима қолади? Бу шароитда не машаққатлар бор, ўзим бу хўрликларга бардош бериб, омон яшай олармикинман?

Хотиним севгисига вафо қилиб, айриликқа бардош бериб мени кутар, аммо унинг ёш умрини, ҳали келажагим нима билан тугашини билмай туриб хазон қилсан, бу менинг инсофимданми? Хат ёзайми? Ихтиёрига қўяйми?

Шу ерда баракда ўғрилар орасида ўзаро муштлашиб, бир-бирини буғиши, ўлдириш бошланиб кетди. Бизнинг оғзимиздаги оғзимизда, бўғзимиздаги бўғзимизда қолди.

Албатта, умрида бирорнинг ҳақида хиёнат қилмаган, хиёнат қилиш эмас, ноҳаққиларни кўрганда жим туролмаган вижданли, ҳалол одам учун ўз кўз олдида

булаёттан буидай босқинчилік, күппа-кундуз куни бирорвларнинг молларини талаш, бўғиб ўлдиришларни кўришдан оғир азоб бўлармиди! Аралашиш эмас, ҳой, деб индаб кўр-чи, ўзинг омон қолармикансан! Ким сенинг ёнингта киради. Сенинг молингни таламаганлари га шукур қиласанми! Борди-ю шу тоғда сенинг ҳамма нарсангни тортиб олсалар ёки бўғиб ўлдирмоқчи бўлсалар, бунинг учун кимни жавобгар қиласди? Ҳеч кимни! Дардингни кимга айтасан? Шикоят қилиб кўр-чи, ёдинигда тут, 25 йилга ҳукм қилинган одамсан, ўғриларнинг ўзи бугун бўлмаса, эртага сени сотқинликда айблаб бир-бирларига сен ҳақингда хабар бериб муддатингда борган жойингда ўлдириб юборади. Қамоқ қоидаси шу! Ўлсанг ким сенга ачинади! Сен ҳалқ душманисан, 30 йил озодликдан маҳрум этилган, аслини суриштирганда, тирик ўлиқ кимсасан. Ўз ажалинг билан ўласанми, ёки бирор ўлдирадими, бунинг фарқи йўқ. Агарда ўз кучингга ишонсанг, булар билан олишасан. Енгсанг, устун келсанг, омад сеники, яшайсан.

Қамоқда бир-бирининг устидан бошлиқларга шикоят қилиш сотқинлик ҳисобланади. Бундайларни ахир бир кунмас бир кун ўлдириб юборишади.

Менинг шу кунгача кўрган-кечирган азоб-уқубатларим ҳали холва экан. Бу ерга келганимнинг учинчи кунлари, агар хато қиласам, Ёрқинжон ака исмли андижонлик илм-маърифатдан хабардор, Чўлпон, Абдулла Қодирийларни яхши биладиган мулла одам билан танишиб қолдим. Бу одам 1937 йилда қамалиб, ўн йиллик муддатини битириб, ундан кейин бир неча йил Сибирь сургунида юриб, бола-чақасини кўргани келганда яна қайтадан қамоқقا олинибди. Унинг ўз бошидан кечирганлари нақадар даҳшатли, кишини вахимага соладиган бўлишига қарамасдан, иккинчи бир жиҳатдан менга далда ҳам бўлди.

«Хозирги вақтда 100 йилга ҳукм қиласа ҳам ўлмаган одам умр берса эсон-омон қутулиб чиқиши мумкин, ўлмай яшаш мумкин. Бизлар қамоқда эканимизда уруш даври, очарчилик эди. Эркинликда яшаёттандар нон тополмаёттан бир маҳалда, биз, ўлим кишиларининг ғанини ҳукумат ўйлармиди. Топилса, каламуш бўлса ҳам ейиларди.

Бизлар ўрмонда дараҳт кесардик. Очликдан ҳолдан тойғанлар, силласи қуриб, дам олиш вақтида ўрнидан

туришга мадади етмай, ўтирган жойида ўлиб қолаберар эди. Бир куни неча одам бир чеккада бирдан уймалашиб қолди. Билсам, қандайдир ҳайвоннинг чала йиқилиб қор тагида қолиб кетган бўлали топилган экан. Ҳатто, яшаш учун бир-биридан қизғаниб, шуни хом еганлар ҳам бўлди. Ахир 1920 йилларда Волга бўйида ўз боласини ҳам одамлар еган-ку. Ленин ҳам буни иқрор қилиб ёзган-ку».

Бу одамнинг бошдан кечиргандари бир-биридан даҳшатли эди. Бу ерда кўраётганларинг ҳали ҳеч гап эмас, бардам бўл деяётгацек туоларди.

Бу одам қамоқда ўз уйидек мағрур, гўё табиий бир ҳол дегандек юарди. Бу одамнинг хатти-ҳаракат, гап-сузида ҳатто шунча йил озодликдан маҳрум бўлиб қамоқда умр ўтказишидан на укинч, на бирор ҳасрат йўқдиги, ҳатто сўзларининг дадил ва қувноқдиги мени ҳайратга солганди. Унда на қайғуриш, на атрофдагилардан қўрқиш ва на хавотирланиш аломати бор эди. У ҳатто ўлимни хаёлига келтириш эмас, ундан назаримда қўрқмасди ҳам. Назар солсан унинг атрофдагилардан эҳтиёт қиласиган ортиқча кийим-кечаги ҳам, еб-ичадиган нарсаси ҳам йўқ эди. Ахир, уйдан келаётган одам, не сабабки қуруқдан-қуруқ, бундай аҳволда эканлиги мени ўйлатган бўлса, кейинчалик ўзининг айтишидан аён бўлди:

— Мен қамалган кезда хотиним фабрикада мудир бўлиб ишларди. Фирқа аъзоси эди. Мен қамалгандан кейин халқ душманининг хотини фирмада туриши, раҳбарлик лавозимида ишлиши мумкин эмас, шунинг учун эрингдан ажралишинг лозим деган шарт қўйишиган. Хотиним бунига кўнмаган-у ишдан бўшашига рози бўлган. Икки болани бир амаллаб боқсан. Аммо уруш бошланиб, тирикчилик оғирлашгандан кейин, бир ўғлим билан қизимни болалар уйига берганидан хабар топдим. Шуни эшитдим-у вақтинча бўлса ҳам ажралиш ҳақида хат ёздим. Хатимни олганми, олмаганми, оғир касал бўлиб оламдан ўтгани дарагини эшитдим.

Мен сургун муддатини тутатиб, ўз юртимга бориш ҳуқуқига эга бўлганимдан кейин, хотинимнинг қабрини зиёрат қилиш, болаларимнинг дийдорини бир куриш учун борган эдим. Минг афсус, — деди-ю, шу фурсат сўзи ҳалқумига тиқилиб, бир дам ниманидир ўйлагандек кўзларини юмиб, — Андижонга боришга бор-

дим-у қоттан ярамни янгиладим. Фақат хотиним бечоранинг қабрини кўриш насиб бўлди. Болаларимни тополмадим. Халқ душманининг фарзандлари деб қайси детдомга жўнатиб юборганлар, излаб топгунимча ҳам бўлмай, қайтадан қамашди.

Унинг бу гапларини эшитарканман, беихтиёр кўзларимга ёш келарди. Аммо таажжубки, бу одам эса, юракларни ларзага соладиган бу гапларни асло ҳаяжон ва афсусга берилмасдан, оддий воқеадек сўзларди. У одамнинг феълидаги бундай ўзгариш, Совет давлатининг сиёсатига бутунилай ишончини йўқотиб, кишилар бошидаги бу фожиалар табиий бир ҳол деб қарашибдан пайдо бўлган экан.

Бу одамнинг ўз фалсафаси бор эди, гарчанд унинг хулосаси мантиқаи тўғри бўлиб, ичингда тан олсанг ҳам, аммо ҳозирги қама-қама даврида унча-мунча одам эшлишига ҳам чўчириди.

Бизлар турган баракдаги содир бўлаётган турли жиноят-у, ур-ийқитлар, ўзаро муштлашиш, бир-бирини раҳм қилмай ўлдиришлар, одамларнинг бу дараҷа бузилишига келиб қолганликларига унинг ўз қараши, ўзича фалсафаси бор эди. У қўрқмасдан, бу ахволга Октябрь инқилоби, ундан кейинги нотўғри сиёсат сабаб деб очиқдан-очиқ гапиради. Масала сиёсатга тақалганда, ундаги шу вақтгача ҳукм сурган бепарвонлик бирдан тарқалиб, кўзларида қандайдир чақнаш, сўзларида кескинлик ва разаб пайдо бўлабошлади. У атрофдаги одамларга ишора қилиб:

— Сен билан мени сиёсий маҳбуслармиз, булар-чи? Буларнинг ўғрилик қилиб, одам ўлдириб, кишиларнинг ҳақларига хиёнат қилиб, ёш-ёш қизларни зўрлаб жиноятга қўл уришларига нима сабаб? Бизлар синфиз жамият қурдик, дедик. Яхши! Синфларни тутатмоқчи бўлдик. Қайси синфларни? Қандоқ қилиб? Ҳаммамиз бир мамлакатда яшасак, битта халқ бўлсак, кимга қарши курашамиз? Камбағаллар бойлар синфига! Бу деган сўз камбағалроқ одам бойроқ ўз қариндошига, ўз қўшнисига, ўз ҳамқишлоғи, маҳалладаги одамларга қарши курашиши керакми? Ўзи билан бирга яшаб келган одамларни аямасдан синф сифатида йўқотиши керакми? Қандай йўқотади? Қулоқ қиласдими? Ўз юртидан бола-чақаси билан бадарға қилиб, уларнинг молу мулкини тортиб олиб ўзи эга бўладими? Синф-

ларни тутатиш шуми? Бу синфсиз жамият эмас, босмачилар жамияти эмасми?

У менга, вижданли шоир бўлсанг, қани, айт-чи ёки гапим нотурими, дегандек жиддий қарап қилди. Гарчанд унинг гаплари мантиқан тўғри бўлса ҳам, бу гапларни эшигтан одам чўчимасдан тўғри, деб айтолмасди. Ҳатто мен ўзим ҳам йигирма беш йилга қамалган одам бўлишимга қарамай, унинг фикрларини дарҳол тасдиқлашга ўйланиб қолган эдим. Эркинликка чиқишига умидвор одам, бу гаплар қанчалик ҳақиқат бўлмасин, айтишга эмас, эшигига ўрганиб қолмаслиги керак, ўзини узокроқ тутиши керак деб ўйладим. Тўғри гапни айтиш ҳам хатарли замон эди.

Аммо у одам ўзига ишонч ва ҳақлигидан фахрланиб ҳузур қилгандек:

— Инсофли, вижданни бор одам бир-бирини талайдими? Бизнинг ҳукумат эса, талашни, бирорларни ҳақидан қўрқмасликни савоб деб ўргатади. Қариндош қариндошни талади, синфий душман деб бола отанинг кўзини ўйди. Мана оқибат: ҳаммани ўғирликка, худодан қўрқмасликка, бандадан уялмасликка ўргатиб бўлдик. Одамлардан меҳр-шафқат кутарилди. Мана булар — ўша сиёsatнинг меваси, — деди ўз атрофидағи ўғирлик қилиб қамалганларни кўрсатиб. — Ҳар қандай ақли бор инсон оч-қашшоқлик, муҳтожликда эмас, бой бўлиб, тўқ бўлиб яшасам, дейди. Бизнинг ҳукуматчи, камбағалликни эмас, бойларни йўқотаман, деди. Мана энди ниятига етди. Ҳамма камбағал, ҳамма ўғри. Мана шундай тўғри гапни айтиган сиз билан биз — ҳалқ душмани. Вижданингни ютиб, ҳақиқатни гапиролмай эркин юрганингдан, очяланғоч бўлсанг ҳам, овозингни борича ўзинг севган куйни айтганинг маъқул.

Бу одамнинг шунча йил қамоқда бўлиб, руҳан тушкунликка тушмай, бунчалик тетик юришига сабаб энди аён бўлган эди.

Пересильний пункт (бундай сўзлар ўзбекчада бўлган эмас, чунки, бундай жойларнинг ўзи бизнинг ҳалқимизга бегона, шунинг учун аслича ёздим) шундай бир даргоҳки, бугун бирга бўлган одаминг эртага йўқ. Ахир, ўзингнинг ҳам қаерда, қачон, нима бўлишингни билмайсан!

Бутун ҳам шундай бўлди. Қамоқ назоратчиси ҳам-

мамизни баракдан ҳовлига чиқишига, саф булиб туришга буорди. Исли шарифларимиз, жиноят қонуининг қайси моддаси билан айланганимизни айтиб, йўлга чиқиш учун юкларимизни олиб чиқишини таъкидлади.

Суд тугаб йигирма беш йил ҳукм қилинганимдан кейин, уйдагилардан устимдаги костюм-шим, оёқ-кийимларимни олиб кетиб, ўрнига ички-устки иссиқ кийимлар, пахталик шим, пахталик чопон, күн этик, оддий бўлса ҳам жун қалпоқ олиб келишларини сўраган эдим. Бугун кун иссиқ булишига қарамай умримда биринчи марта керза этик кийиб, қопимни орқалаб чиқдим. Энди қаерга олиб боришади билмайман. Аммо нима учундир, ўша кунлари андижонлик Ёрқин ақанинг ўз оиласи ҳақидаги айтганлари хаёлимдан кетмай мени азобларди. Хотинимнинг умри ўхшамасин-у, аммо унинг ҳам шу кунларда бошдан кечирган азоблари Ёрқин ака хотинининг кўргуликларидан нимаси кам?

Ҳали тергов тугамасдан уни «халқ душманининг хотини», деб ишдан ҳайдашди. Хўш, энди нима қилиш им керак?

Икки бола, унинг устига яна ҳомиладор. Урушдан кейин ҳали уй-рўзгорни ўнглаб олганимизча ҳам йўқ эди.

Мен қамалгач, орадан кўп ўтмай Андижонданми, Қашқадарёданми 34 сўм пулга қофоз келиб, ишонч қофозини тасдиқлаш учун хотиним Ёзувчilar союзига мурожаат этади. Эрталаб борса, союз раҳбарлари: «Бирпас кутиб туринг», дейишган. Оч, оғироёқ, кечгача пойлаган. Унга «кутиб тур» деган союз раҳбари ишонч қофозини тасдиқлаб бериш ўрнига: «Нега бу ерда ўтирибсан, биз сени ҳам, Шукруллони ҳам танимаймиз, иккинчи бу ерга қадам қўйма», деганча кетиб қолган. Бу куғилмаган муомаладан кейин, союзнинг эшигидан чиқиши билан ҳушидан кетиб қолган. Уйга қандай келгани, ким олиб келиб қўйганини ҳам эслолмайди.

Мен қамалишимдан один иирик достон ёзишга киришиб, ижодий таътилга чиқиб, шу муносабат билан асар биттунча адабиёт фондидан ўша вақтнинг пули билан минг сўм олган эдим. Мен қамалгандан кейин кўп ўтмай Ёзувчilar союзи пулни улдириш учун хотинимни судга беради. Пулни олган қамоқда! Нима қилиш

керак? Агар уни тезда тўламаса ҳовли-жойни мусодара қилишларини билдиришган. Шундан сўнг уйдаги бор нарсани — гилам, қўлидаги билакузук, ҳар балоларни арzon-таровга сотишга тушган. Ҳам айрилиқ, ҳам етишмовчилик, ҳам энг яқин одамлар келтирган хўрлик — айниқса бунисига чидаш қийин эди.

Қизим Умида туғилиши муносабати билан учрашишга рухсат этишларини сўрамоқчи бўлиб хотиним терговчига телефон қиласди. Терговчи: «Бу телефон номерини қаердан олдинг? Сенга ким берди?» — дея дўй, уриб, дағдага билан уни хақоратлай бошлади. Бундай муомаладан қўрқиб, дағ-дағ титраб, юраги ёмон бўлиб, болани ерга ташлаб юборади. Ёнида турган Мирзакалон Исмоилийнинг хотини қўлидан тушаётган гўдакни илиб олганча, ўзини ерга ўтқазиб, тинчлантиради. Севикли хотинимнинг тортаётган хўрлигу азобларини хаёлимдан бир-бир ўтказарканман, гуноҳкор бўлиб қамалган мен бўлсан-у, у бечораларда нима айб! Муштипар, мушфиқ бу аёл бечораларга шунчалик зулм! Бу шўрликларнинг гуноҳи нима! Отасиз уч фарзандни боқиши, айрилиқ азобини тортишнинг ўзи етмасмиди! — деб ўйлайман.

Тоштурмага олиб келишганига ҳам мана бир неча ҳафта бўлди. Севикли фарзандларим, хотиним, қариндош-уруғларим билан сўнгги марта дийдор кўришиб, хайрлашиш ҳақидаги илтимосимга ҳам ҳамон жавоб йўқ. Аммо одам ўлдирган, ўғри, айрим савдогарлар эса, уйдан келган нозу-неъматларни еб, ҳатто қамоқда эканликларини ҳам унугиб, қарта, қимор ўйнаш, айшишрат билан овора. Аслини суриштирганда буларнинг нима фами бор! Чунки, ўғри ўғрилик, фарибгар фирибгарлик қилганда бир кунмас бир кун қўлга тушиб қолишига ишонмаса ҳам, албатта, кўнглидан ўтказгани табиий. Бундан ташқари ўғриларгина эмас, ҳатто одам ўлдирганлар ҳам бизчалик раҳмсизлик билан 25 йил озодликдан маҳрум қилинганмас! Уларнинг муддатлари ҳам оз, қамоқ шароити ҳам бошқа. Бола-чачалари ҳам ўз уй-жойида, ҳеч ким улардан ҳалқ душманининг оиласидан жирканиб қочгандай қочмайди, хўрламайди. Фақатгина илм аҳли, зиёли зотигина ўғри, киссабурлардан ҳам хор, тубан саналади.

Айшини нодон суриб, кулфатини доно тортади! →  
деган замон шу эмасми!

Энди сен шоир ёки олим эмас — керухасан. Үзингдан ёш чүнтак кесар чекищдан ол, керуха (бу қамоқ шевасида шерик дегани) деб ёнингга кела бошлайди. Бу ерда шоир, олимлигинг уч пул, керуха — шерик деса нимаси ёмон? Ёмонлиги шундаки, сураган нарсасини яхшиликча берсанг бердинг, бермай кур-чи, иложинг йўқ, нарсанг борлигини билдими, бўлди, бўриб бўлса ҳам олади.

«Замона зўрники, томоша кўрники», — деганлари ҳам шу ерда.

Қамоқ муҳитини билмаган, шоир ёки олимлик фурурни ҳали вужудингдан аримаган дастлабки кунларда бундай муносабатлар сенинг хўрлигингни келтиради, ғазаблантиради. Аммо бу ерда бир оз қаҳрингдан тушириб, таскин берадиган, оғиздан-оғизга ўтиб юрадиган «параша», холос (бу узунқулоқ, тўқима гаплар дегани). Маҳбуслар ўзларини овутиш учун бир-бирларидан, хўш, бугун қандай парашалар бор, янгисини эшитдингми, билишимча, 25 йил қамоқ муддати йўқ қилиниб, ўрнига отиш ёки узоги беш йил қамоқ бўлармиш, деса баъзилар бунга эътиroz билдириб, бу бекор гап, мен бошқача эшитдим, яқинда, умуман сиёсий маҳбуслар ҳаммаси озод қилинармиш, деган гапга ишонтиришга уринарди.

«Уруш чиқарадиган ростдан, муросага келтирадиган ёлғон афзал», деганларидек, бу гаплар бир нафас бўлса ҳам сенга умид бағишлиайди.

Тоштурмадан жўнатишлари олдидан оилас, қариндош-уруглар билан кўришадиган кунимда мана шундай гаплар борлигини хотиним, болаларимга айтиб, яқин орада дийдор кўришишга умид уйғотмоқчи бўлардим.

Ниҳоят Тоштурмадан жўнаб кетар олдидан уйимдагилар билан дийдор кўришиб, хайрлашишга рухсат бўлди. Кўришишга кўришдик-у, аммо минг афсус ҳам едим, дилимга аччиқ алам ҳам солди. Буни аслида кўришиш эмас, абадий видолашув деса тўғрироқ бўларди. Хайрлашувга келганлар орасида хотинимдан ташқари эри халқ душмани бўлиб қамалиб кетган опам бечора ҳам бор эди. Эридан айрилиш азобини тортиб, адойи тамом бўлган опам, ўзининг ғами етмагандек, менинг ғамимга ҳам шерик бўлиб, энди мен билан хайрлашишга келган эди. Балки бу сўнгти

күришишдир, шунга қарамай, сени күргани келгандар билан бағрингта босиб, хайрлашиш имкони ҳам йүк эди. Оралиқда бир метрча очиқ жой қолдириб, икки томони түр симдан қилинган деворлар ортидангина бир-бириң билан бор-йүғи 10—15 дақиқагина гаплашиб олишинг мумкин эди. Нимани ҳам гаплашасан? 30 йилга ҳукм қилинган одам сен нима дердингки, улар нима деяоларди.

Эрининг ҳижронида адо бўлган, энди худодан ти-лаб-тилаб олган ёлғиз укасидан ажралиш дардида куйиб кетган, аламзада опамнинг жовдираган қўзларига, зъ-фарон юзларига боққанимча умид ва ёки дармон бўлгувчи сўз айтишга тилим айланимай қолган эди. Опам эса:

— Опанг ўргулсин. Худонинг раҳми келсии, отабобомнинг арвоҳи ёр бўлсан, — дейишдан бошқа гап айттолмасди. Бутун истаклари, бутун вужуди кўз ёшли-ри бўлиб оқарди, худоё худовандо, тухмат қилганлар ниятига етмасин, дерди. Опам такрор-такрор дуо қиларди, такрор-такрор кимларнидир қарғарди. Унинг ёнида турган хотиним эса, қўзларида ёш, худди бе-хушдек жим эди. Гүё унинг бугун дардларини опам айтгандек, фақатгина у:

— Ўзингизни ўйланг, бизлардан ташвиш қилманг, болаларни хор қилиб қўймайман, хат ёзиб туринг, аҳволингизни маълум қилиб турсангиз бас!..

Яна нималар деди, қулоғимга кирмади. Чунки, унинг меҳр билан айтган бу сўзлари, ёки жудолик олдида менда уйғонган рашк сабаб бўлиб қўзларимга ҳар галгидан ҳам гўзал қўриниб, қалбимга кутилмаган қийноқ ҳам солиб қўйган эди.

Бу кўришув чексиз дард, хотирамда энг оғир дақиқа бўлиб қолди. Уни ҳаётимдан ҳам ортиқ севганилигим шу айрилиқ олдида яна билинди. Билинди-ю юрагимга ут солиб қўйди. Шу фурсатда менда севги, вафо, садоқат, риё, хиёнат — ҳамма-ҳаммаси даҳшат ва қувончлари билан ёпирилиб келиб, бу сўзларни гүё энди эшитаётгандек ҳақиқий моҳиятини энди хис этаётгандек ҳолат пайдо бўлган эди.

Мен уларга таскин бериш учун, маҳбуслар орасида юрган 25 йил муддат беш йилга камаярмиш, яқин орада сиёсий маҳбусларга афв умумий эълон қилинارмиш, янги жиноий кодекс қабул қилинармиш каби

гапларни айтиб, тез орада дийдор күришишга умид үйфотгунимча бўлмай, назоратчининг муддат тугади, кетинглар, тутатинглар, деган бешафқат дўки билан ажралишдик. Кўзёшлар, фарёд билан ажралишдик.

*Алвиго, она юрт, алвиго ватан,  
Болалигим кечган ерлар алвиго!  
Қайси гуноҳимга бу кўйга солдинг,  
Қайси қилмишимга, эй қодир Худо!*

Бутун мен нури дийдаларим, бола-чақаларим, севикили ёrim, мушфиқу, муштипар, жабрдийда опамдангина эмас, ёшлик хотираларим, қувончларим, она юртим билан, қайта кўриш насиб этадими, йўқми, бутун бахту севинчим билан, зиёратгоҳим бўлган отаонам хоки ётган муқаддас тупроғимдан мангутга жудо бўлиб, хайрлашар эдим.

Орадан бир кун ўттач, юзга яқин маҳбусларни юклари билан Тоштурманинг ҳовлисига йиғиб, ўтиришни, ижозат бўлмагунча қимирламаслик, ўриндан турмасликни буюорди. Жазира ма, саратон офтобида куйдириб соатлаб ўтқазиб қўйди. Икки йилга яқин қамоқда ўтириб офтоб иссиғига ўрганмаган, беқувватлиқдан қонсиз, оқи-сарир бўлиб қолган юзимга худди чўғ босгандек ачишар, кўнгил беҳузур эди. Томоқларинг қақраб ташналиқдан сулайсанг ҳам, ҳожатга чиқиш зарурати туғилгудек бўлса ҳам автомат ушлаб атрофингни қўриқлаб турган соқчилар, сендан кўз узмай ташлангудек бўлиб акиллаб турган овчарка итлар ўрнингдан қимирлашга қўймасди. Рухсатсиз бир қадам ташлашга, оғиз очиб бирор талаб қўйишга ҳаққинг йўқ. Сен жазога, ҳа, суд ҳукми билан жазоланишга ҳукм қилингансан. Агарда сен саратон офтобими, очлик, ёки 50—60 даражали қаҳратон қишининг совуғига бардош беролмай ўлсанг, бунинг учун ҳеч ким жавоб гар эмас, чунки сен берилган жазога чидашинг керак эди. 25 йиллик жазога бардош беролсанг, озодликка эришасан, суднинг ҳукми шу! Яхшики, Тоштурма ҳовлисида саратон офтобида кўнглинг беҳузур бўлиб ҳолсизланяпсан. Бу сенинг баҳтиңг! Агарда шундай аҳвол 50 даражали совуқ, буронда ёки 50 даражали жазира ма, 15 километрлик жойга транспорт бўлмай пиёда ҳайдаган вақтида рўй бериб орқада қолсанг, энг осон чора, буни қочиш ҳисоблаб, отиб ташлайдилар. Чунки

сен жазога маҳқум, хуқуқдан маҳрум одамсан. Агар сен ўлмай, тирик қолиб, бир кунмас бир кун ёруғ кунлар келиб озодликка умид боғласанг, ҳар қандай жазога чидашинг керак.

Бу гапларни гүё мен эмас, менга ҳамроҳ бўлиб Тоштурма ҳовлисида жазирамада мен билан ёнма-ён ўтириб, йиллаб қамоқ азобларини тортиб чиниқиб кетган андижонлик Ёрқин aka айтгандек эди.

Шу орада қандайдир папкалар кўтарган турма бошлиқлари биттами-битта исми шарифимиз, жиноий ҳукм моддамиз, неча йилга ҳукм қилинганимизни турғизиб сўраб, лагерга олиб кетувчиларнинг ихтиёрига санаб топшира бошлади. Бизларга қўйилган жиноий модда 58 эканини айтганимизда, одам ўлдириб, ўғрилик билан қамалганлар ўзаро бизларни кўрсатиб, бир-бirlарига булар сиёсийлар, фашистлар, дегани қулоғингга чалиниб қоларди. Гүё улар ҳалқ дўстлари-ю бизлар ҳалқ, душманлари.

«Ташкент-товарний» станциясига олиб келиб «Черниий ворон» («Қора қарға»)дан туширгач, ҳаммамизни ерга ўтиришга буйруқ бериб, яна отамиз, ўзимизнинг исмимиз, қўйилган жиноий моддамиз, неча йилга ҳукм қилинганимизни сўраб, худди мол санагандек бирмабир ҳисобдан ўтказарди. Айрим жойларда баъзан соатлаб туриб қолсак, баъзан, ёв қувгандек, қани, қани, тез-тез бўл, — деб юришга шошириб, — бир қадам сафдан четга чиқиш, қочиш ҳисобланиб огоҳлантирамасдан ўт очилади, — деб таъкидлашарди.

Бу гапни биринчи эшитаётган bemорлар, кексалар елкаларида юки билан куннинг иссиғида томоқлари қақрашига қарамай ваҳимада оёқларини зўр билан судраб километрлаб йўл босишарди.

Юзлаб маҳбусларни офтобда қизиб ётган қизил вагонлар олдида тўхтатиши. Шу фурсатда бизлар чиқариладиган вагонлар томонга «ана улар, худди ўшалар» деб темир йўл шпаллари устида югуриб келаётган одамлар пайдо бўлабошлиди. Булар Тоштурмада дийдор кўришолмаган, қаёққадир бугун жўнатилишидан хабар топиб отаси билан, фарзанди, ёки эри билан гаплашиш имкони бўлмаса ҳам узоқдан дийдор кўриб қолиш учун келган одамлар эди. Конвойлар эса, буларни итлар билан қўрқитиб, сўнгти марта бир оғиз сўзини айтишга ҳам яқинлаштирасди.

Бу вагонларга қанча одам сифишига қараб эмас, маҳбусларнинг сонига қараб, бир одам сифадиган жойга ўн, ўнта одам жойлашадиган жойга юз одамни урибтиқиб чиқаарди. Жой топиб жойлашиш у сенинг ўзингга боғлиқ. Ўтириб кетасанми, ётиб кетасанми, конвойлар бунга эмас, санаб қанча маҳбус олган бўла тайинлаган жойга шунча маҳбусни етказишга жавоб берарди.

Кузатувчиларнинг дод-фарёдларининг ўрнини вагонларнинг зарб билан силжиши, чиниқириб узоқлашиши эгаллай бошлаган эди. Гўё бу она юртидан айрилган бизларнинг чиниқириқ, фарёдларимиз эди.

Ўз юртимизда кўрган бу азобу кўргиликлар ҳам халоват экан. Дўсти-ёрларинг, она юрting, сенга жони ачиған қариндош-уруғларингнинг нафаси сезиларди. Уларнинг ёнингда борлигини сезиш ҳам дармон бўларкан. Додинг уларга эшитилиб тургандек таскин топаркансан киши. Ҳақиқий тутқунлигимиз, бутун эрксизлигимиз, ҳақиқий дўзахнинг эшиги ҳали бизлар олиб бориладиган лагеримизга етмасданоқ Красноярск пе-ресильний пунктларидан бошланди. Бу ердаги бўлаётган ваҳшийликларни биринчи бор кўрган одам 25 йилни ўлмай тутатиш эмас, айниқса биздек зиёли маҳбуслар бир йил, икки йил омон яшашга ҳам ишончи ни йўқотарди. Бу ер дўзахнинг иккинчи қопқаси эди.

## ДўЗАХНИНГ ИККИНЧИ ҚОПҚАСИ

Саратоннинг авжи жазирама иссиғида қизиб ётган қизил вагонларда Тошкентдан жўнаб, Красноярск пе-ресильний пунктига боргунимизча бир ҳафтами, ўн кун йўл юрдикми, билмадим, бу орада яна қайси пе-ресильний пунктларига тушдик, кимлар билан учрашиб, кимлар билан хайрлашдик, бирортаси эсимда қолмади. Негаки, поезд жилиши билан бутун дунё кўзимга қоронги кўриниб, кўнгилга Тошкентда қолганлар-у келажак тақдиримни ўйлашдан ўзга ҳеч нарса сифмай қолганди. Энди қачон яна она юртим, бола-чақа, қариндош-уруғларим билан дийдор кўришаман! Қайта кўришиш насиб бўладими, йўқми, бутун хаёлим ўшанда эди. Ҳаттоқи қизил вагонга уриб тиқилган одамларнинг саратон иссиғида сасиб-бижгиб кетишлиари, сувсизлик, оёқ узатадиган жой йўқлиги, истаган

вақтингда ҳожатта чиқиш имконидан маҳрумликлар ҳам бу айрилиқ азоби олдида ҳеч гапдек туюлиб қолған эди.

Тахминан Тошкентдан чиққанимнинг иккинчи ҳафтаси бўлса керак, Красноярск пересельний пунктига олиб келди. Бу ерга келганимда йўл-йўлакай бошдан кечирган азоб-уқубатлариму, ҳатто, Тошкент пересильний пунктида кўрган фожиаларим ҳам — ҳаммаси унтулиб кетди. У кунларга ҳам шукур қилиб қолдим.

Красноярск пересильний пунктида кўрганим қирғин-урушлар, куппа-кундуз куни бир-бирларини кўз олдингда ўлдиришлар, айниқса ундан кейинги Шимолий муз денгизига туташган Таймир ярим оролининг Дудинка портига боргунимча баржадаги ўн-ўн беш кун ичida бошдан кечирганим ваҳшийликлар асло ақла сифдириб бўлмасди.

Красноярск пересильний пунктини КГБ ички қамоқхонасидан кейинги дўзахнинг иккинчи, ҳақиқий қопқаси деса бўлади. Худо қарғаган бандаларигина бу ерга келади. Ажалингдан беш кун илгари ўлиб кетиш ҳеч гапмас!

КГБ қамоқхонасида терговчилар қийнасалар ҳам, назоратчилар хурлаб, бир нафас кўзингни юмишга қўймасалар ҳам, аммо, ҳукм қилингунича ўзини-ўзи ўлдириб қўймасин деб сенинг ҳаётингни қўриқлаб, ҳар дақиқа назорат қилишарди. Борди-ю ўлим жазосига ҳукм қилинишингни билганиларида ҳам, сени отишга ўзлари хумордек эҳтиёт қиласдилар. Ҳатто сен ўзинг ҳам ҳарҳолда ҳукм қилгунларига қадар қандайдир умид билан ўлмаслигингга ишониб яшардинг. Энди-чи! Пересильний ёки баржада битта кийиминг, ёки ўғриларга ёқкан бирор нарсанг учун улар сени таласалар, ўлдирсалар ҳеч ким суриштирмайди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси бир-бирига бегона. Ҳатто ўғрилар ҳам бир неча тоифага бўлинадилар, улар ҳам ўзаро бир-бирларига ёв.

1952 йилнинг июль ойи бошларида мени Красноярск ўлкасига олиб келишди. Бу ерга тушда етиб келишимизга қарамай, кун иссикида вагонлардан не учунидир туширмай овқат ҳам, сув ҳам бермай кечгача қамаб ўтиридилар. Пересильний пунктга олиб келганларида ярим кечага яқин эди. Шунда ҳам ичкарига киритиш олдидан ҳаммамизни одаг буйича мол санагандек бир-

ма-бир санаб, кимлигимиз, жиноят моддаларни сұрап-ди. Үрнимиздан туриб, юришга ижозат беріб, зонага кириш олдиdan бир-биrimiz билан гаплашмаслик, шов-қинламаслигимизни тайинлаб, бугунча ҳаммом бино-сида ётишимизни, аксинча, үт哩лар нарсаларимизни талашликлари мумкинligini очық айтib үтищди. Биз-ларни ҳаммом биносида жойлаб, устимиздан қулфлаб кетишиларига қарамасдан, орадан күп үтмай, айтганла-ридек, эшикларни очиб кириш, туйнуклардан тушиш-га уринишлар бўла бошлади. Йўл азоби, чала-чулпа уйқу, минг хил қийноқ ҳаёллар билан тонг оттирдик. Эртаси куни бўлиб-бўлиб баракларга киргизищди. Ҳали юкларимни жойлаштиришга улгурмасимданоқ атро-фимда Тошкент пересилкасидаги каби «мехрибонлар» пайдо бўлиб, нимага қамалганим, этап қаердан келга-нини сўрай бошладилар. Албатта, бу табиий бир ҳол. Кимdir ўз таниш-билишини, кимdir бирор янгилик-лар борлигини билишга қизиқади. Аммо менинг атро-фимдагиларнинг мақсади нима эканлиги, кейинги вақт-ларда бирмунча тажриба орттириб қолганим учун менга маълум эди. Гарчанд улар қаердан келганимни сўра-салар ҳам бежо кўзлари нарсаларимда бўлиб, ниятла-ри менда нима борлиги, пулларим бўлса қаердалигини билиш, уни бошқалар эгаллаб кетмасдан олдинроқ узлари эгаллаш эди.

Мен Мамад исмли, қўлига тасбеҳ ушлаган хушби-чим, мўйлаб қўйган, кийим-боши дурустгина кавказ-лик билан қўшни бўлиб қолдим. Ўзимнинг кимлигими-ни айтдим. Менга яхши муомалада бўлди.

Мен унинг кимлиги билан ортиқча қизиққаним йўқ. Бундай қилиш ҳам хатар эди. Чунки «стукач» (маҳ-буслар орасидаги гап ўғирловчи жосуслар)ликда сен-дан шубҳаланиб қолсалар ёки унинг рақиблари сени у билан дўст деб ўйласалар, бу ҳам ҳаётинг учун ха-тарли бўлиши мумкин эди.

Мамаднинг кимлиги, нимага қамалганligини су-риштирган бўлсан ҳам, атрофдаги маҳбусларнинг унга муносабати, менга эса ўзининг: «хотиржам бўл, гардаш», дейишидан унча-мунчаси бунга яқинлаша ол-маслиги сезилиб турарди. Аммо яхши гапириб, унинг ўзи ҳам нарсангни қоқиб олиши ҳеч гапмас. Чунки ўғирларнинг бир тоифаси яшириб эмас, олдингга ке-либ мана шу нарсангни бир ёки арзимаган бир нар-

сани кўрсатиб шунга алмашайлик деб очиқласига сўраб олади. Бермай иложинг ҳам йўқ. Зўр бўлсанг, кучинг етса олишасан, бўлмаса...

Мамаднинг важоҳатидан сиёсий маҳбус эмаслиги аниқ эди. Демак... Бу шароитда энг тўғри йўл, муомаласига қараб муомала қилмоқ. Эҳтиёт бўлмоқ!

Красноярск пересилкаси Иттифоқдаги энг йирик пересилкалардан. Бунда минглаб одам жойлашадиган ўнлаб бараклар бор. Бутун лагерларга - Абакан, Норилск, Калима, Воркута, Тайшет — ҳаммасига, шимолдан тортиб Узок Шарққача маҳбуслар шу ердан жўнатилиди.

Мен бирор танишни учратармиканман деган нижта икки-уч кундан кейин баракларга назар солмоқчи бўлдим. Ахир, мен билан судланган Шуҳрат, Мирзакалон, Ҳамид Сулаймон ва бошқаларнинг биронтасини судда кўриб, ажрашганимча кўрганим йўқ эди. Кўрармиканман деган умида, аммо афсуслар бўлсинки, бир барак ичига қадам қўйгандим, инсон боласининг хаёлига келиши мумкин бўлмаган ваҳшийлик устидан чиқиб қолдим... Ваҳимадан орқага қайтмоқчи бўлиб қадам қўйишм билан эшик олдида турган иккитаси йўлимни тусиб тўхтатди. Булаётган бу воқеага қараб чидаб туриб бўлмасди. Додлашнинг эса иложи йўқ эди. Ҳаттоқи мен эмас, каттакон баракда, қанча одам бор эди, билмадим, бирортаси садо чиқармасди.

Баракнинг ўртасида икки-уч одам биттасининг қўл-оёғидан ушлаб, кўтариб тепага отарди. Ерга тушгандан кейин, типирчилашига қарамай, яна кўтариб отишарди. Типирчиларди-ю, аммо овози чиқмасди. Оғзига нимадир тикилган эди. Бу аҳвол бир неча бор такрорланиб, уни ярим ўлик бўлганига ишонгандаридан кейин баракдан чиқиб кетдилар.

Мен умримда хаёлимга келмаган бу даҳшатдан бир нафас эс-хушимни йўқотганча, наҳотки йигирма беш йил шулар билан яшайман, деб ўйлардим. Наҳотки!.. Ярим ўлик бўлиб ёттан бу бечора одамнинг гуноҳи нима эди? Қиморда ютқазганми, ёки шерикларини сотганми? Ёхуд ўғрилар билан олишмоқчи бўлган қайсарроқ сиёсий маҳбусмиди? Бу сир эди.

Маҳбусликнинг азобларидан яна бири шуки, дардлашишга ишонарли дардкаш тополмайсан. Қамоқда ҳам

эркинлик йўқ. Кўнглингдаги гапни айтолмайсан. Қамоқда ҳам сени кузатадилар. Маҳбуслар орасида ҳам гапингни маҳсус бўлимга етказгувчилар бўлади.

Йигирма беш йил бериб қўйибди, бундан ортиқ нима бўларди, демоқчи бўлсанг, хато қиласан. Советларга қарши гапларинг учун яна ҳам оғирроқ ишларга қўйишлари, омон қолишинг гумон бўлган лагерларга юборишлари, бола-чақангга хат ёзишлардан маҳрум қилишлари мумкин бўлади. Бир кунни уч кунга ҳисоблайдиган лагерлар ҳам бор деган гап агар рост бўлса, демак, 25 йилга ҳукм қилинганлар 7—8 йилда қутулиб чиқиши мумкин. Озодликка чиқиб, ўлмай, дийдор кўришга бирдан-бир умид қиласа бўладиган нарса, чин бўлса — шу! Эшлишимча бу имтиёз ҳам ҳамма лагерларда, ҳамма маҳбусларга берила бермас экан.

Хўш, мени қаерга, қандай лагерга олиб боришади? Бир кунлик меҳнатингни уч кунга ҳисоблайдиганигами, ёки катерижнисигами? Бордию бир кунлик меҳнатингни уч кунга ҳисоблаганларида ҳам қўнимда бирор ҳунарим йўқ, хўш, мен нима иш қилаоламан? Пересилкада қолган кунларим бу азоблардан қандай қилиб қутулиш ҳақида хаёл сурарканман, Олмаотадан менинг вагонимга чиқиб, бир неча кун мен билан бирга бўлган қозоқ ёзувчиси Қаюм Муҳаммадхоновнинг асослими, асосизми таскин берувчи гапларигига даlda берарди. Чўкаётган одам сомон парчасига ҳам тирмашади деганларидек, унга ишонгим келаберади. Бундан бошқа нима илож! Бу безорилик, хунрезликларда умидсизликка тушмай, бир нафас бўлса ҳам сенга дармон бўладиган нарса, ростми, ёғонми мана шундай туқилган гаплар эди, холос. Лекин бундай олди-қочди гапларни айрим маҳбуслар шу қадар асослаб, худди ўзлари бош-қошида бўлгандек гапи-рардиларки, бир дам бўлса ҳам ишонмай иложинг қолмасди. Айниқса мендек 25 йилга ҳукм қилинган Муҳаммадхоновнинг гапларига ҳозирги ҳолатда ишонмай иложим йўқ, эди. Чунки у ўз гапларини шундай ишонч билан, дадил айтардики, ҳатто ҳар бир хатти-ҳаракати, бутун кўриниши ҳам бунинг асосли эканини тасдикларди. Кўринишидан басавлат, оқ юзли бу одам менинг назаримда қамоқдан чиқсанга ўхшамасди, ҳатто у кўрпа-ёстигини орқалаб бизнинг вагонга чиқсанда ҳам қиёфасидан қамалган одамнинг ташвиши акс эт-

магандек күринди. Кундалик ҳаётдагидек мен билан муюмалада бўлди. Ҳатто у ўзинигина эмас, бошқаларнинг ҳам, шу жумладан менинг ҳам душманлигим, йигирма беш йил қамоқда ётишим мумкинлигига ишонмасди. У:

— Йигирма беш йил! Бўлмағур гап! Йигирма беш йилда ё эшак ӯлади, ёки подшо, деганларидек ҳаёт ҳам, сиёсат ҳам бир хилда турмайди-ку, оқсоқол! Айниқса, бизда нима кўп, раҳбарларнинг алмашуви кўп. Бугун Ягода раҳбар бўлса, эртага у душман, ўрнига Ежов бўлади. Мана Ежов душман бўлиб фош этилгандан кейин, у қамаган одамлар оқланиб, ўрнига Берия бўлди. Ким билади, бунинг ўрнига бошқаси келса, олдингисини ўзини қамаб сиз билан бизни нотўғри айблланган деб чиқариб юбориши ҳеч гап эмас. Сиз билан мен — шоирлармиз. Мен Қозогистон республикаси гимнининг муаллифиман. Сиз билан менинг совет ҳукуматига қарши асаримиз йўқ! Нимамиз душман! Бундан ташқари, яқинда эшитган гапим шу бўлдики, кодекс ҳам ўзгараркан, амнистия бўларкан, жуда бўлмаганда қамоқдан бир кунни уч кунга ҳисоблаб чиқариши, бу аниқ, — дерди. Мени нимага қамаганларини суриштириб билгач, худди қонушуносдек: — Булар ҳаммаси бўлмағур гаплар, лагерга етиб олгач, Москва — генеральний прокурор, СССР Олий Суди, Олий Советга шикоят ёзсан, ўшаларга етиб борса бўлди, ишимизни қайтадан кўриб, чиқариб юборишиади, — деб мени ишонтиради.

Бу гапларни у менга таскин бериш учунми, ёки ўзи ишонгани учун айтармиди, билмадимку, яхши ишласанг, қамоқ режимини бузмасанг бир кунни уч кунга ҳисоблашлари мумкин деганида, бошқалардан ҳам бу ҳақда эшитганим учун ишонгим келса ҳам, аммо Москвага, бош прокурор, Олий судга ёзсан, шикоятимиз етиб борса бас, чиқариб юборади, ёки қамоқ муддатини қисқартиради, деган гапига мутлақо ишониб бўлмасди. Булар бари таги пуч, ўйланмай айтилган гаплар эди.

Чунки қамалганимнинг дастлабки қунларида мен ҳам худди шундай умидда, шундай фикрда эдим. Аммо суддан кейин, айниқса, юзлаб, минглаб қайта-қайта қамалганлар билан учрашиб, уларнинг ҳикояларидан кейин бу фикрим бутунлай хато эканини англай бош-

ладим. Ахир, битта бизлар эмас, шунча-шунча қамалиб, отилиб, йигирма беш йилга қамалиб кетаётганларни наҳотки Москвадагилар билмаётган бұлса, бехабар бұлса! Наҳотки, жумхуриятдагилар Москвадагилардан bemаслағат, үз әрклариңа одамларни қамаётган, бу ишларни қилаётган бұлсалар!

Мұхаммадхонов билан бир неча күн йұлда бирға бұлған күнларимиздеги гапларни эслаб, үйларимни охирiga етказмасымданоқ, бирданига пересилний пунктнинг ҳовлисідан үнлаб одамларнинг бақириқ-чақириқлари, ур-сур, түполон овози эшитилиб қолди. Мен ёнимдеги Мамадға бу нима гап, эшитяпсанми, дегандек қарадим. Аммо у эса, эшиттан бұлса ҳам ҳеч нарса бұлмагандек, түпалонлар, қирғинлар бундай шароитда табиий бир ҳол дегандек ёстиғига ёнбошлаб тасбекини бепарво үгира берди.

Аммо мен ақволни билмоқ бўлиб аста ташқарига чиқдим. Ташқариде ўттиз, қирқа яқин одам үзаро қирғин қилишарди. Бир томонда яхши кийинган, оёқларида хиром этик, ҳарбий кийим кийган 10—15 поляк офицерлари, иккинчи томонда уларни таламоқчи бұлған бир тұда ўғрилар құлларига тушган нарса билан, таёқми, тошми, ҳовлидеги витриналар, ҳатто баракдаги нарсалар борми (кроватларни) бузиб, бир-бирларини ураддилар. Бировларнинг күзи чиққан, бир-ровларнинг боши ёрилган. Йиқилғанларни аямай ҳолдан кетгунча тепавердилар.

Поляк офицерлари аламзадалик ҳамда ҳарбий кишилар бұлғанларидан ўғрилар билан жон аччиғида олишардилар. Офицерларда яхши усти-бош, ортиқча кийим-кечак, соат, қимматли нарсалар борлигининг исини билган ўғрилар уларни таламоқчи бұлғанлар. Албатта, үз ватанидан айрилиш алами, аламзадалик, унинг устига жангда чиниққан одамлар булардан құрқиб үз молларини бир тұда безориларға индамай бериб құярмиди! Бир-бирларини қувиб ураддилар. Бир-бирларига бегона бұлған маҳбуслар эса икки томонға ҳам аралашмасди. Айримлари ҳатто бу түпалонлардан хабардор бұлсалар ҳам бир-бирининг гүштини есін дегандек бараклардан чиқыши ҳам истамасдилар. Бундай пайтда фақат маҳбуслар эмас, қамоқ назоратчиларининг үзлари ҳам оломонни бостириш учун үртага тушмасдилар, құрқардилар. Ур-йиқитни бостириш учун

пересилка ҳовлисипинг тўрт бурчагидаги мезаналарда турган соқчилар огоҳлантириш учун автоматлардан юқорига бир неча маротаба ўт очдилар. Поляк офицерлари яраланган шерикларини судраганча ўзларига ажратилган маҳсус баракка кириб эшикларни ёпиб олдилар.

Ўғрилар кечаси ҳам уларнинг баракларига босиб киришмоқчи бўлдилар. Анча вақтгача ғалва тинчимади. Эртасига офицерларни қаергадир олиб кетишиди. Улар кетди-ю барибир бу ер тинчигани йўқ, чунки ўғри, муттаҳамлар ҳукмрон эдилар.

Бу қадар шафқатсизлик, бу қадар ваҳшийликлар чумолига озор бермаган, бир умр ҳалқимга илм-маърифат берай деб бошини китобдан кўтармаган, кўзойнакда йўлинни зўрга топадиган, умр бўйи одоб ва ахлоқдан дарс берган толиби илмлар учун бу безориларнинг қилмишларини қўриш, унга бардош бериш ўлимдан ҳам оғир эди! Инсон хаёлига келтиролмаган бундай ҳўрликларга чидаш!.. Инсонларни бу қадар ҳўрлаш, оёқ ости қилиш!.. Илм-фан, бу табаррук сиймоларнинг уволи, қарғишлари бир кун ёқаларидан тутмасмикан, деб ўйладим.

Аммо ёнимдаги одам бефойда ўйларимдан афсуслангандек хуррак отарди. Ким билади, балки бу кечаси кимнидир талаш учун кундуз уйқусини олмоқчи бўлган ўғридир. Ҳаммасига чидайсан. Хурракларга ҳам, қирғинларга ҳам, тунги тувакнинг сассифига ҳам... Чунки кечаси баракларнинг эшиги қулфлаб қўйилади. Ҳожатга тунда шу ерда чиқилади. Ҳаммасига чидайсан... Чой қаёқда! Ичишга сув топилмайди. Юз-қўлингни ювмасликка ҳам чидайсан, ўрганасан...

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин юкларимиз билан йўлга тайёрланишни айтишиди, энди қаерга ҳайдашади? Энди олиб борадиган жойлари қандай, балки бундан минг баттардир, лекин ҳозирча бу ердан қутулганингта шукур қиласан. Энасой дарёси портидаги баржага чиқариш учун ҳайдаб боришиди. Баржага чиқиш олдидан ўғрилар билан бирга бўлиш азобидан жони ҳалқумига келган сиёсий маҳбуслар, уларни алоҳида каюталарга қўйишни, ўғриларга қушмасликларини талаб қила бошлиқлар. Кўпчилик бўлиб норозилик билдирилар. Этап бошлиқлари аввалига бунга розилик билдирган бўлсалар ҳам, кемага чиқар олдидан жой

етиши маслигини баҳона қилиб, ўғриларнинг яхши тоифаси, уларнинг ўз назарларида шикаст етказмайдиган тоифаси билан бирга бўлишимизни айтдилар.

Жаллоднинг яхшиси қайси-ю ёмони қандай бўлади, нима қилганда ҳам жаллод жаллод-да! Ўғриларнинг қандайлиги, уларнинг феълларини этапма-этап бир неча маротаба бирга бўлиб, жуда яхши билиб қолган сиёсий маҳбусларнинг бу норозиликлари фойда бермади. Соқчилар автомат ва итлар билан қушхонага келган молдек ҳаммамизни ҳайдаб каюталарга тиқа бошлади. Қаерга қочасан. Сенда нима ихтиёр!

Бизларни кеманинг пастки хонасига тиқиши. Бошлиқлар безарар, деб мақтаган ўғрилар биринчи кундаёк қилиқ курсата бошладилар: кўнгиллари хушлаган жойни эгалладилар. Сиёсийларни ҳожатга чиқиш учун қўйилган бочканинг ёнидаги жойларга, иссиқдан нафас олиб бўлмайдиган бурчакларга тиқиб қўйдилар. Тепадаи ёғоч чеълакларда узатилган овқатларни тақсимлаш ҳам ўшаларнинг қўлларига ўтди. Қамоқнинг овқати маълум. Аммо шуни ҳам хоҳлаганча тақсим қилиш ўшаларнинг ихтиёрида: ёғлигини ўзига олиб, ёвғонини бошқаларга беради, агар шуям қолса... Қаршилик қилиш бефойда. Кеманинг пастки, қоронги қаватида сени бўғиб, молларингни талашлари ҳеч гап эмас. Улар билан сен тенг бўлолмайсан, ўрганмагансан, бундан ташқари сиёсийлар 30—40 киши бўлса, улар кўпчилик эди. Йигирма беш йил шулар билан бирга умр кечирадиган бўлганингдан кейин қайсиниси билан олишаман! Ахир, булар тасодифан жиноятга қўл уриб қамалган одамлар бўлмай, аксинча, озодликда ҳам, қамоқда ҳам меҳнат қилмай қарта, қимор ўйнаб, бирорларни талаш ҳисобига яшайдиган одамлар эдилар. Эркинлиқда одам ўлдириш, ўғрилик қилиш хавфлироқ; қўлга тушсанг қамашади. Аммо бу ерда-чи, ким-кимни ўлдирганини суриштиришмайди. Одам ўлдириш, бир-бирларини талаш бу ерда bemalol. Савдо, хўжалик соҳасида ишлаган бойвачароқ одамлар ёки сиёсий маҳбуслар, уйларидан тузукроқ кийим-кечаклар, емиш олишлари мумкин. Аммо булар-чи?! Бошқаларда бўлса, демак уларники! Қандай қилиб тортиб олишни яхши билишади.

Қамоқ деган шундай бир жойки, бу ерда бир-икки йил умр кечирган, айниқса узоқ муддатга ҳукм қилин-

бусларнинг кўнглига на кийим-кечак, ган сиёсий мөъчиш сиғарди! Бу дўзахдан, бу шай-на яхши ейилиб омон қолишни ўлларди, холос. тонлардан кутулиб чамиз тинч ўтди. Бошлиқлар айтгандек, арга тегмади. Бу тинчликнинг сабаби

Биринчи күн аярга тегмади. Ву тинчликкін сабаби бирортаси би мұлум булди. Бунинг сабаби кечаси билан шишлишни кимдікшілдік күн ухлашарди, кечаси, ҳамма уйқу-экан.

КГБ қамо<sup>т</sup>т<sup>и</sup> сум пулимга квитанция беришган зди.  
КГБ қамо<sup>т</sup>т<sup>и</sup> қофозим қолмагач, оз-моз бұлса ҳам  
дан келган етк<sup>и</sup>т<sup>и</sup>га қофозим қолмагач, оз-моз бұлса ҳам  
дан келган етк<sup>и</sup>т<sup>и</sup>га үш учун, үша квитанция қофозини бўлиб-  
Махорка үрат<sup>и</sup>ш<sup>и</sup> маротаба чекишига етказдим, шуни  
хумордан чик<sup>и</sup>н<sup>е</sup> маекимлигии угрилар олиб қуяди.  
бўлиб, бир үлаб Турханск, Игарка орқали Дудинка-  
ҳам икки-ү<sup>ч</sup> қанча кун ўтди, ёдимда йўк, бу орада

Энасой бүгдін таңда күп уәді, едәндә нүк, бу браңда  
га етгүнимиздең теган «безарар» дүстларимиз, уйдагилар  
бошлиқтар айтылған «безарар» дүстларимиз, уйдагилар  
бошдан-оёқ яңги этик, кийимларимизни  
бериб юборгатын болып, үзлари күёвлардек кийиниб, эски  
битта-битта кийимларини бизларга қолдириб булиш-  
чорик, увада одан мартарнинг даҳшатли жиҳати яна шунда  
гаңди. Бу одан мартарнинг даҳшатли жиҳати яна шунда

әдіки, булар фақат сени нарсангни талаб құлмасдан, үзаро талашиб, бир-бирларини үлдиришга ҳам тайёр маҳлуқлардан фарқ құлмасдилар. Мана неча күнки, улар кеманинг узун-узун михларини суғуриб, туни бүйи сопол товоқларга чархлаб, наизадек қилиб құшни қаютада кетаётган бошқа тоифадаги үғриларга ҳужум қилиш учун кема деворини тешіб үтмоқчи бұлардилар.

Буларда бизлардек на бола-чақа ташвиши, на орзу-ҳавас, на ноңақ қамалдим, деган ағсусу армон бор эди. Яна жиноят қылсам, қамоқда умрим үтади-ку, деган фикр ҳам йүқ әди.

Нега шундай?! Қаердан пайдо бўлган бу одамлар? Булар кимлар? Буларни шу кўйга солган, бунчалик ваҳшийликлар сабаби нимада? Ўз-ўзимча шулар ҳақида ўйларканман, буларга нисбатан бўлган чексиз қаҳру ғазаб, нафратим юмшаб, унинг ўрнига ҳатто қандайдир ачиниш, бу шўрликларда ҳам нима айб, дегандек ҳис пайдо бўла бошларди. Ҳақиқатан ҳам буларнинг инсон қиёфасини йўқотиб, ҳаёт, меҳнат, бола-чақа, орзу-ҳавас завқидан маҳрум бўлишлари, жазодан ҳам қўрқмай, қамоқ билан эркинликка бефарқ қарашларининг сабаби нима? — деб ўз-ўзимча ўйлайман.

Бизлар шу чоққача бунга асосий сабаб деб Ватан уруши давридаги очлик, яланғочлик, болаларнинг ота-онасиз, қаровсиз қолиши деб ўйладик. Тагини ўйлаб кўрсанг, бундай фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Ахир, уруш фақат бизнинг мамлакатда бўлдими? Хитойда бўлмадими? Япония, Америка, Фарбий Германия, Польша, Чехословакияда уруш бўлмадими? Ҳаммасида бўлди. Очлик-яланғочлик, ота-онасиз етим қолганлар буларда ҳам бўлмади, дейсизми? Бўлган! Агар үгрилик, авлодларнинг бузилиши уруғга боғлиқ бўладиган бўлса, бу давлатларнинг биронтасида, ҳатто бир миллиардга яқин аҳолиси бўлган Хитойда ҳам бизлардагидек үгрилик, одам үлдириш авж олиб кетгани йўқ-ку! Агарда ахлоқ бузилиши чиндан ҳам урушга боғлиқ бўлса, иккинчи жаҳон уруши даврида унга қатнашмаган давлатлар деярли кам қолган эди. Ахир, бутун жаҳонни бизлардагидек үгри, муттаҳам босиб кетмади-ку. Ахир, нега мамлакатимизнинг ҳамма бурчагини қамоқ лагерлари босиб кетди! Үгри, муттаҳамчиликларнинг авж олишига уруш сабаб бўлган бўлса, миллионлаб илм ахли, дав-

лат арбоблари 1937 йилги тиғчлик йиллари, ҳозирги ғалабадан кейинги 1950 йилларда қамалишларига сабаб нима? Буларни ҳам уруш буздими? Уруш даврида давлатта зиён етказмай, құпорувчилек қымай, очлик, яланғочликка чидаб келган мұаллим борми, ёзувчи, диндор борми, ҳаммасининг энди қамалишига сабаб нима?

Бизнинг мамлакатда үғриликнинг авж олишига ҳам, эңг яхши одамларнинг ноҳақ ҳалқ душмани деб қамалишига сабаб биттә, у ҳам бұлса, инқилобдан кейинги сиёсатимизда йўл қўйилган хатоликлар! Ҳалқни бойкембағалга ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйдик. Бирорни бой деб, бирорни диндор деб молмұлкини, уй-жойини чирқиради тоғтиб олиб, қулоқ қилиб бошқаларга бердик. Бирорларнинг ҳақидан қўрқмаслик, қулоқ қилиниб бегона юртларга сургун қилингандарнинг кўз ёшлари, нолаларига раҳм қиласликка ўргатдик. Мана шу сиёсат меҳр-шафқатнинг орада қўтарилиши, йўқолишига сабаб бўлмадимикин? Хоҳлаган одамни хоҳлаган пайтда қамаш, сургун қилиш, мол-мұлкини тоғтиб олиш каби адодатсизликлар, суд, тергов органларидағи қонун бузилишлари ёшлар ўргасида келажакка ишончсизлик уйғотмадими? Ноҳақ қамалғандарнинг оиласлари, дўстяқинлари, қариндош-уругларида давлат сиёсатига нисбатан ишончнинг сусайишига, ҳалол бўлиб жон күйдирганингнинг фойдаси йўқ, ҳалол бўлганлар нима бўляпти, ўзингни ўйла, бир амаллаб кунингни кўрсанг бўлди, дейишга сабаб бўлмадимикин!

Баржада хаёлга толғанча ёш-ёш йигитларни шу аҳволга тушғанлари, қамоқларда ўтаётган умрларига ачинардим. Ҳатто айримларининг ёнига яқинлашиб сұхбатлашгим ҳам келарди. Ахир, булар ҳам одам-ку!

Бизнинг жамиятимизда үғриларнинг бунчалик кўпайиб кетишига балки қонунимиз, унинг бўшлиги сабабдир? Ахир икки оғиз тўғри гапни айттаплар ҳалқ душмани саналиб 25—30 йил озодликдан маҳрум қилинди, аммо, үғрилик, ҳатто одам ўлдиргандарга эса бунчалик жазо йўқ. Уларга муносабат қамоқ шароитида ҳам бошқача.

Лагерларда үғрилар сиёсий маҳбусларни «ҳалқ душманлари, фашистлар», деса, сиёсийлар эса үғирилик, одам ўлдириб, қамалғандарни кесатиб «ҳалқ дўстлари» деб аташарди. Диндорлар, ёзувчиларнинг бу ерда бе-

зориларча ҳам қадри йүқ эди. Улар лагерларда сиёсий маҳбуслардек 12—15 соатлаб 50 даража иссиқ, совуқда ишлашмайды. Уларнинг бир қунлик ишини уч кунга ҳисоблаш имкони бор. Балки мана шундай муносабат ҳам ўғриларнинг кўпайишига олиб келмаганимикан? Ахир, бизларда қадимда ўғриларни ушлашса қўлларини кесишарди, оломон қилишарди.

Ваҳоланки, жиноятчиликка қарши жамоатчилик талаби билан чора қўрилмайди. Ахир, яқин-яқинларгача ҳам Хитойда ўғрилик қилганларни халқ ўртасида майдонларга олиб чиқиб осишиди. Ҳозирда эса ўғрилик билан қўлга тушган одамнинг тўтиғидаги томири кесиб ташланади, ёмон чўлоқ бўлиб, қийтонглаб юради. Балки шунинг учун уларда ўғрилик йўқдир. Нега бизлар шундай қилмаймиз?

Ўғрилик, безориликнинг дунё бўйича бизларда бунчалик кўплигига сабаб балки диннинг йўқ қилингани ёки худодан қўрқмай, бандадан уялмаслигими?

Бундай хаёллардан ташқари, мени кечадан бери ёнимда қайт қилиб, ухламай инграб ётган одамнинг бугун яна иситмаси кўтарилиб, қорнидаги оғриқ зўрайиб тортган азоби, унинг қилган арзи-додига соқчиларнинг бизлар врач эмас, деган бепарво жавоби, ўғриларча ҳам қадр-қийматимизнинг йўқлиги қийнарди.

Шу орада баржамиз тўхтаб, кимдир Турханска келдик деса, бошқаси бу ер Игарка деди. Қаерлиги ҳаммамизни кемадан туширишгандан кейин маълум бўлди. Бизларнинг баржамиз тўхтаган бу ер Шимолий муз океанига туташган Таймир ярим оролининг Дудинка деган жойи бўлиб, буни порт деб ҳам атаб бўлмасди. Бир-икки ёғоч бутка қаққайиб турарди. Атрофда на бир инсон шарпаси ва на бир одам яшайдиган хонадон бор! Бу ерларда йилнинг ўн ойи қаҳратон қиши бўлиб, бир ой, бир ярим ойлик илиқ-иссиқ кунларда юк пароходлари конлардан маҳбуслар қазиган маъданларни олиб кетиб, унга керакли нарсаларни етказиб бераркан. Август ойининг ўн бешларида бу ерда қор бўронлари бошланиб, дарё музлаб қатнов ҳам тўхтарди. Бир оз кечиккан кемалар келаси йилгача музлаб қолиб кетарди.

Мен келган пайт июль ойининг охири, августнинг бошлари бўлиб, қоп-қора булутлар орасидан қуёш гоҳо

күриниб қолишига қарамасдан, шимолдан эсган изғирин баданларни жунжиктиради, қиңдагидек юзларни үймаларди. Шимол ботқоқзорларида беш-үн кунлик иссиқда тирилган оч чивинлар очиқ жойга ёпирлиб таларди. Атрофда одам зоти йўқ. Бутун атроф жимжит, бир томон пастак-пастак дараҳтлардан иборат тундра. Бир томон океанга туташган дарё, бутун атроф дунёдан ажралган моховдек ваҳимали. Нахотки кимсасиз ерга мени олиб келишган бўлса!

Биз сиёсий маҳбусларни каютадан туширгач, яна фамилиямиз, жиноий моддамиз, неча йилга ҳукм қилинганимизни сұраб санай бошлаган назоратчилар, қандайдир шубҳа билан ҳар биримизга тикилиб ўзаро нималарнидар гаплашиши. Уларнинг шубҳали қарашларида жон бор эди. Чунки биз сиёсий маҳбуслар ҳаммамиз таниб бўлмас даражада ўзгариб қолган эдик. Кемадан тушган вактимизда бизларни фақат бошқалар эмас, ҳатто ўзларимиз ҳам бир-бирларимизни танимай қолган эдик. Чунки бизларнинг ҳамма яхши кийимларимизни ўғрилар эгаллаб, ўғриларнинг бутун увада, эски кийимлари — ботинка, телогрейкалари, йиртиқ кепкалари борми, бизларга ўтиб қолганди. Обжом секретарининг қишида кийиш учун уйидан олган янги этиги ўрнида эскириб кетган туфли, иссиқ қалпоқ ўрнида жиягида картони чипир қайнатишига ёқилган йиртиқ кепка, айримлари эса кўйлаксиз майка устидан телоғрейка кийиб олган эди.

Сиёсий маҳбусларнинг ўғриларга таланиб бу аҳволга чида, индамай туришлари қўрқанлиқданмиди? Йўқ. Уларнинг бунга бефарқ қарашлари бесабаб эмас эди.

Йигирма беш йилми, ўн беш йилми, шулар билан бирга яшаш бундан бўёнги ҳаёт ҳамон шулар билан бўлишини ўйлаган одам шикоят қилишни ўзига лозим кўрмасди.

Бундан ташқари, хўш, қайтариб олдинг дейлик, тутқунликда, хор-у зорликда ўтган умрингда беш кун яхши кийдингу киймадинг нима! Шуни ўйлаб кўпчилик қайтариб олишни талаб қилмади. Бизларнинг бундай хаёлимизни сезгандек этап соқчиларининг инсофлиларидан бири:

— Кимки нималарингни олган бўлса, қўрқмасдан айта беринглар, олиб берамиш, улар билан икки дунёда ҳам бир бўлмайсизлар, кўришмайсизлар, — деган гап-

ни айтиб бизлар билан бирга бўлган ўғриларнинг ҳаммасини каютадан олиб чиқиб, бирма-бир олдимиздан ўтказди. Бирор ана мени этигим деса, бири ановининг бошидаги қалпоқ меники, деб унга эски кепкасини қайтарарди. Хуллас, ўғриларнинг қўлларига кишан солиб бир томонга ҳайдаб, бизларни эса елкада қопларимиз билан яёв, қизил вагонлар олдига олиб келишди.

Ёмғир ёға бошлади. «Ўтиринглар», деб буйруқ берганларича совуқ шамол билан челяклаб қуя бошлаган ёмғир бадан-баданимизга сингиб, ўғрилардан қайтариб олган кийимларимиз жиққа ҳўл бўлишига қарамай, очик ерда соатлаб тутиб турдилар. Шулар ҳам инсон фарзандлари-ку деб ачиниш, на раҳми-шафқат бор эди! Бирор панароқ жойга олишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Мен уларнинг қиёфаларига тикилиб, бундай бағритошликларига ҳайрон қолардим. Тасаввур қиломасдим. Улар ўласанми-қоласанми, сендан ўтган азобни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Чунки улар сени ҳар қандай қийноққа лойик, халқнинг ашаддий душманлари деб қарадилар.

Эртаси куни бизларни лагерга олиб келдилар. Кечадан бери ёғаётган ёмғир июлнинг охири бўлишига қарамай, бирданига қорга айланди. Совуқ. Кийимларимиз жиққа ҳўл. Мен келган лагерни бу ердагилар «Тириклар қабристони» деб аташаркан. Бу ваҳимали, хунук номнинг негалиги менга кейин маълум бўлди.

## ТИРИКЛАР ҚАБРИСТОНИ

Мен келган қамоқ лагерини бу ердаги маҳбуслар тириклар қабристони, деб менга ўхшаш йигирма, йигирма беш йилга ҳукм қилинганларни эса, отилмай ёки осилмай қолган тирик мурдалар дейишаркан. Албатта, менга ўхшаш янги келганлар учун бундай гапларни эшитиш қанчалик оғир бўлмасин, аммо тагида ҳақиқат йўқ эмас эди. Мен бу гапнинг қаердан келиб чиққани, нега шундай дейишлари сабабини суриштирганимда, бир йилгина бу ерда яшаб кўр, нега эканини биласан-кўясан, деб жавоб беришди. Бундай жавобда улар нимани назарда тутганини билмадим-у ҳақиқатан ҳам улар айтгандек бир йил эмас, биринки ой эмас, келган кунимданоқ бу гапларнинг нега айтилгани сабаби аён бўла қолди. Ҳақиқатан ҳам бу

лагерь улар айтгандек тириклар қабристонидан фарқ қилмас эди.

Красноярск пересильний пунктидан бизларни күриқлаб келган соқчилар одатдагидек мол санагандек бир-бир санаб лагерь бошлиқлари ихтиёрига топширишлари биланоқ, уларни қызықтирган бирингчи нарса кимнинг қўлидан қандай ҳунар келишлиги бўлди. Чунки лагерь эшигига қадам қўйган шу соат, шу дақиқадан бошлаб ёзувчи ёзувчимас, министр министрмас, ишчи кучига, қулга айланган эдик. Энди сен касбингга, кучинг еттанига қараб эмас, лагерь бошлиқлари нимаики ишни буюрса, шуни қиласан.

Лагерга келган биринчи кунимизданоқ, одатдагидек ерга ўтқазиб, энг аввал орамизда бетончи, юк ташувчи, сантехник, фишт терувчи, темирчилар борлигини суриштиришди. Орамизда мен деган бирон одам топилмади. Аммо, ошпаз, тикувчи, сартарош, нонвой, ямоқчилар борми деб сўраганда, мендан бошқа кўпчилик «мен», «мен!» деб баробарига қўл кўтара бошлади. Ҳаттоқи Қарағанда лагеридан келаётган ленинградлик тарихчи олим ҳам нонвой борми деса ҳам, кейин тикувчи борми деса ҳам қўл кўтараберган эди. Бунчалик кўп ҳунарларни қачон ўрганиб ултурғансиз, деб сўрасам, беш-ўн йил лагерма-лагерь юриб унинг тузини тотиб, шароитига тушуниб қолган одам бўлгани учун:

— Қўл кўтаргандарнинг ҳаммаси ҳам шу ҳунарларни билади деб ўйлайсанми? Бирортаси ҳам билмайди, мақсад, етмиш даражада қаҳратон совуқ, бўронли қиши-қировли кунларда усти ёпиқ, иссиқроқ жойга бир амаллаб кириб олиб жон сақлаш холос, — деди.

Лагерь бошлиқлари керакли касб эгаларини танлаб бир томонга ўтказиб, қолганларга навбат етгач, «Юсупов ким?» деб алоҳида урғу билан сўради.

— Сен шоир экансан-а! Бу ерда қалам билан қофоз йўқ. Фақат белкурак билан чўкич бор, меҳнат шарифимиз, бахтимиз деб куйлаб келгансан, мана энди ўзинг амалда кўрасан, — деб ер қазувчилар бригадасига қўшиб қўйди. Эртасига ишга чиқдим. Қўлимга ер қазиш учун чўкич, шағални ташиш учун ғалтак арава тутқазишиди.

Мен бу лагерга келган вақтимда бир ярим йилдан ортиқ қуёш кўрмай қамоқда ётиб, терговчиларнинг ҳақорат, зуғумлари, пересильний пунктдаги фожиа-

ларнинг руҳий қийноклари, бир неча ойлик йўл азоблари, уйқусизлик, очликлардан кейин озиб-тўзиб, вазним ҳам болаларникидек 40—50 килограммга келиб қолган эди. Унинг устига қон босимим бош айланар даражасида пасайиб кетган. Бу ерларда ўн бир ой қиши, бир ойгина илиқ-иссиқ кунлар бўлиб, ерлар абадий музлиқдан иборат бўлгани учун чўкич билан музликларни қазиб бир фалтак аравани тўлатиш ҳам менинг аҳволимда осон эмас. Шеригимнинг ёрдамида бир амаллаб тўлатиб, уни ердан узиб кўтартганимда ҳам тахта йўлнинг устидан икки қадам юрмасимданоқ қўлим қалтираб, мувозанатимни сақлолмасдан ағдариб юборардим. Атрофимдагилар аввалига кулсалар ҳам, орадан кўп ўтмай, фақат планни ўйлайдиган бригадир менга:

— Керуҳа, сен менинг бригадамда ишлашга ярамайсан, ишимни орқага суряпсан, фақат менинг бригадамга эмас, умуман лагерга тўғри келмайсан, сени қамоқда олиб қолишлари керак экан, қамоқбоп экансан, — деди.

Унинг гапини эшитган атрофдагилардан баъзилари:

— Шоир экан, уни меҳнат лаззатидан маҳрум қилма! Шу вақтгача меҳнат — баҳт, меҳнат шараф-шон келтиради, деб ёзиб келган, лекин яхшироқ меҳнат қилмаганми, бечора баҳтга эришолмаяпти. Эришолмаган баҳтига эришаман деб умид билан бу ерга келибди, ноумид қилма, меҳнат қилсан, излаган баҳтини шу ердан топар, бундай шарафдан маҳрум қилиш инсофдан эмас, — дерди.

Албатта, бу алам билан айтилган гап эди. Бунинг тагида мана сен ўзинг, шоир, шунча меҳнат қилиб охири нима бўлдинг, мана бу ерга келиб, шу аҳволга тушиб ўтирибсан-ку, меҳнатингнинг қадрига етишдими? Меҳнатининг совет кишиларига келтирган шон-шарафи, баҳти шуми? — деган адолатсизликка қарши нафрат, инсон меҳнатининг қадри-қиймати йўқлигининг ифодаси ётарди.

Менинг ишим фақат бригадирга эмас, шеригимга ҳам маъқул келмас, унга ҳам баробар ишлаша оладиган одам керак эди. Берилган иш бажарилмаса, сен унинг насибасига зомин бўлиб, маҳорка пули ишлашдан ҳам маҳрум қиласан. Фалтак аравани юргизолмай

бир марта, икки марта йиқилганимдан кейин шеригимнинг раҳми келди шекилли, шағал ортишни менга қолдириб, ўзи ғалтак аравани олди. Бу мен учун ундан ҳам оғир эди. Чунки менда ҳа деганда ғалтак аравани тўлатадиган даражада куч, чўкич билан ер қазишга етарли мадор қолмаган эди. Мени ҳолдан тойганимни, ҳеч нарса қиломаслигимни сезган шеригим Юра қўлимдан чўкични олиб, ер ковлашни ҳам, ғалтак аравага ортишни ҳам, ташишни ҳам ўзи қила бошлади. У ҳали ёш, энди йигирмага кирган эди. У мендан чекиши-чекмаслигимни сўраб, шу баҳона иккаламиз бир дақиқа нафас ростлаб сұхбатлашиб қолдик. Қачондан бери бу ердасан, деган саволимга Юра:

— Қамалганимга олти йил бўлди, — деб жавоб қилиди.

Юранинг бу жавобига ҳайрон бўлдим, ишонмадим. Ўзи энди йигирмага тўлган бўлса, қандай қилиб, олти йил ўтирган бўлади? Юра ёлғон гапирмагаи экан. У ғарбий украиналик бўлиб, немисларнинг қуршовида қолганлари учун ота-оналарини қаергадир лагерга жўнатиб, буни эса 14 ёшида балоғатга етмаганлар колониасига, кейин ватан хоини сифатида бу ерга юборилганини мендан олган маҳоркасини ўраб айтиб берди.

Бу ерда ишлаб топган пули маҳоркага ҳам зўра етарди. Мен билан шерик бўлиб ишласа, бу пулдан ҳам маҳрум бўлиши аниқ эди. Мен буни истамасдим. Бу бегуноҳ, ёшлиқдан ота-онадан маҳрум бўлган бу шўрликка раҳмим келди. Қўлим қабарадими, бошим айланиб йиқиласманми, ўзим учун бўлмаса ҳам шеригимнинг насибасини қирқмаслик учун ҳам ишлашим керак эди.

Бошқа нима чора!

Қўлимда бирор касби-кор бўлмагандан кейин ер қазищдан бошқа бу ерда нима ҳам қилиш мумкин? Қўлимдан нима ҳам келарди? Аммо бошқалардек ишлашга ярарли куч-куват бўлмаса, хўш, унда нима чора! Ишлашга мажбурсан, аммо бу ердаги қурилиш ишларига ярамасанг-чи!

Терговчининг менга қўйган гуноҳларининг деярли ҳаммаси ҳам тўқиб чиқарилган бўлса ҳам, аммо тергов вақтида унга — ўз ватаним, ҳалқимга бўлган садоқатимни, тириқ эканман қаламим билан, ижодим билан исботлайман, деганимда у заҳарханда билан:

— Ижодим-а! Қаламим билан эмиш! Ижод деган нарсани энди хаёлингга ҳам келтирма, ҳа! Буни каллангдан чиқарип ташла! Энди бундан буёқ сенга қалам эмас, белкуракни ҳам ишонмаймиз, — деган эди, шу гапи тұғри чиқди.

Киши меңнатдан үлмайди. Меңнат беадад эмас, бир нафаслик уйқу, бир нафаслик дам олиш сенга мадад бұлади, меңнат юқидан холи қилади. Аммо қалбингта отилган ҳақорат юқидан қочиб қутулмоқ амри маҳол! У сени бир дақиқа холи құймайди. Уйқингда ҳам, үнгингда ҳам, ҳордик өзінгіде ҳам, сени тарк этмай кемиради, адо қилади! Құлни хаёл үлдіради, деганла-ри шу эмасми!

Гунохи бор одам виждони бұлса меңнати билан эмас, үлеми билан ҳам гунохини оқлашга рози бұла-ди. Ҳар қандай машаққат, меңнатта чидайди, бардош беради. Бунинг хузури бор. Машаққат чеккан саринг гунохинг ювилғандек, енгил тортасан, бардамлашасан. Аммо бу ердачи, қылмаган қайси гунохингни меңна-тинг билан ювишинг керак! Сенга қылған туҳматлари, номингни айтишдан жирканиб қылған маломатлари учунми? Пешона-ю елкаларингта босилған тамғалар бадалигами?

Лагерга келганимнинг бириңчи күнларидаңың ин-соний қиёфадан, ота-онам умид билан құйған исмим-дан маҳрум қилишиб, маҳбуслик тамғаси босилди. Маҳ-буслик либосларини беришди. Оёқ кийими сифатида үліқданми, тириқданми қолған, тешикларидан сим үтказилған, эскириб бужмайиб кеттән ботинка, ёмғир-қорда кийиш учун минг ямоқ пахталик шим, тело-грейка, үзимга мутлақо лойиқ бұлмаган (бу вақтда ваз-ним 50 килограмм атрофида эди), ҳалпиллаган, почалари узун жомакор, бош кийим сифатида лагернинг машиналари тиккан қалпоқ, унинг устидан кийиш учун бошлик (буни бириңчи эшитишим), брезентдан қилин-ған құлқоплардан иборат эди. Бу ернинг қоидаси шу: сенинг ихтиёриңгде ҳеч нарса йўқ, берганини кийиб, берганини ейсан. Қор-ёмғир жонингдан үтса, ямаб-яскаб олиш бу сенинг үзингга боғлиқ.

Кийимларни олганингдан кейин қор, ёмғирда ҳам кетмайдиган буёқ билан ички кийимнингдан тортиб уст-ки кийимнингача, ҳатто бош кийим, шимларингни күринадиган олд қисмига, елкаларингта номинг үрни-

га ўзингга қўйилган рақамни ёзишади, шу бугундан бошлаб ота-онаиг қўйган ном билан хайрлашасан. Сени кимлигинг шу бугундан бошлаб елкангга ёзилган рақам билан юритилади, бу сени инсон номи билан аташга ҳам муносиб кўрмаслик, одам қаторидан чиқарилганингга ишора эди. Кийим-кечаклар ямогига чидаш мумкин, чидайсан, аммо сенинг инсонлигинг, сенинг қалбинингга босилган ҳақорат тамғасини кўтариш, унга чидаш!.. Қайси гуноҳимга, қайси ёвуз қилимисимга ахир бу ҳақоратлар!.. Қайси ахир!!!

Сен ҳар қандай жисмоний машаққат, ҳар қандай руҳий ҳақоратларга чидашга маҳкумсан!

Отилмай қолган тирик мурдалар дейилишининг маъноси ҳам ахир шунда эмасми?! Бу лагердаги маҳбуслар посилка олиш, уйдагилар билан кўришиш у ёқда турсин, бир энлик хат ёзиш нима деган нарса — шундан ҳам маҳрум қилинган-ку! Сенинг ўлик-тириклигинг, қаерда эканингни бирор билмаса, шунинг ўзи тирик мурдалик эмасми? Тил-забонинг бўлса-ю дилингдагини гапиромасанг, бирон дардкашинг бўлмаса, имкониятларингнинг ҳаммасидан бирваракайига маҳрум бўлсанг, тириклигинг, инсон бўлиб юрганинг қаёқда қолди. Тириклар қабристони дейилишининг сабаби шунда эмасми?

Агар борди-ю ноҳақ қамаганларини бирор ташкилотга ёзгудек бўлсанг у маҳалда оиласанг, ёр-биродарларинг, қариндош-урӯвларингта хат ёзишдан маҳрум бўласан. Чуники сенга бир, икки йилда бир марта хат ёзиш ҳуқуқи берилган. Нега? Нима учун?.. Мақсад нима? Бу қийноқ нега? Қариндош-урӯф, бола-чақаанг сендан умидини узсин учунми? Жисмоний азоб етмагандек руҳий азоблаш учунми?

Бу ерда августнинг ўрталарида кунлар совиб, қор ёғиб, қиши бошланади. Шимолнинг кишини учирив кетгудек бўронлари бошланади. Бир неча ойдан бери ботмасдан уфқларда айланиб юрган қуёш, энди бутунлай кўринмай, олти ойлик кутб туни бошланади. Гарчанд ҳозирча қуёш қор бўронлари орасида милтиллаб кўриниб қўйса ҳам, аммо бутун зулумот, бутун қоронгулик менинг қалбимга, менинг ўйларимга чўкканди, бир мен эмас, менга ўхшаш баракларда ётган минг-минглаб тутқунларнинг қалбини қон қақшатарди. Қишининг қаҳратон бўронлари, саратон жазирамаларига киши чора

топади, аммо ҳақорат, хұрликлар, руҳий азоблар сени кемириб, беилож қоласан.

Юра билан бергә ишлаш ҳам ортиқча насиб этмади. Менинг қорнимдан паст қисмида оғриқ пайдо бўлиб санитария бўлими бор лагерга олиб кетишиди. Шу сабаб бир-икки кун лагерда қолдим. Врачлар бирор жиддий касал тополмади. Қориндаги оғриқ ёғсизлик, қувватсизликдан бўлиб, бунинг бирдан-бир чораси ёғлиқ нарса емак, ёки бандаж тақиб ишлаш эди. Йўқ ёғни қаердан топасан! Бир ойда берган пуллари маҳорка, ярим кило мол ёғи, ярим кило қанд олишга базур етади. Икки чақмоқ қандни алюмин кружкага солиб, қотиб кетган мол ёғини сарёғ ўрнида, шуни ҳам топилганига шукур қилиб бир маҳал еяр эдим.

Сўқимга сўйиладиган молни керак бўлгани учун парвариш қилинганидек, менинг ҳам меҳнатим зарур бўлгани учун бандажни ўзлари топиб беришиди. Бандаж билан ҳам ғалтак аравани кутарганимда ошқозон-ичакларим пастга сирғалиб тушгандек, қорнимда санчик пайдо бўларди.

Мен ишга чиққанимда шеригим Юра йўқ эди. Унинг иситмаси баланд бўлиб, қайт қилишига қарамасдан, сен ёшсан, ўлмайсан деб ишга чиқаришган. Кўр ичаги ёрилиб, ўзидан кетгач, ишнинг охиригача бир чеккага ётқизиб қўйишган, аммо ўзига келмаган. Врачлар чопиб келарди, дейсанми, лагерга ўлигини олиб келишган.

Лагерда ўлимнинг сабаби суриштирилмайди. Билган билади, билмаган йўқ, оёғига номер боғлаб, қаергadir олиб бориб яланғоч, кафандан қаёқда, кийимларини ечиб олиб кўмиб келадилар. Бу ерда ўлган бебаҳтлар икки газ кафандик докадан ҳам бенасиб бўлади. Бу ердаги маҳбусларни ўлимга лойик одамлар деб қаралгани учун, операция қилинганда тузалгунча ойлаб ётиши керак бўлса ҳам бир ҳафтагача ётқизмай, ўлса ишда ўлсин деб ишга ҳайдашарди. Айниқса, ёвғон овқат, 10—12 соатли оғир меҳнат сабабли дабба, чурраси тушиш билан операция қилинадиганлар кўп бўларди. Вақтидан илгари ишга чиқариб, операция қилинган жойи сўқилиб, сочилиб кетиб, то ўлгунча қайта-қайта очиб, тикилаберарди. Аммо ишдан қолмаслиги керак.

Мен бундай бевақт, хор-зор, кафансиз кўмилгандарни ўйлар эканман, йўқ бўлиб кетган Абдулла Ко-

дирий, Акмал Икромов, Усмон Носир каби қатор-қатор ўзбек халқининг азиз, буюк фарзандлари хаёлардан тинчлик бермай ўтаберарди. Уларнинг ўлим олдида ҳақсизликдан қилган оҳи-нолалари, қарғишли-ри эштилаберарди. Ўзимнинг аламларим ҳам унуги-либ кетарди. Дунё шу экан, инсоф кутиб бўлмайди, деган фикрга ҳам келиб қолардим. Шундай чоқда бандаж тақиб юришим ҳам, ўз аҳволим ҳам бир дам унугиларди. Бу ерда эртага нима бўлишингни билмай умринг омонатдек яшайсан. Ҳар куни, ҳар соатда кутилмаган бир фожиа, бахтсизлик устига бир бахтсизлик. Отилмай, осилмай қолган тирик мурдалар деганлариdek, тирик қолганлар бу ерда конвойлар томонидан отилиб кетардилар.

Эрталаб соат олтида турганча кеч соат саккизгача тик оёқда ишлаймиз. Эрталаб нонуштага бир чўмич ёғсиз сўк, ёки сули бўтқани егач, дарбозадан чиқиш олдидан минглаб маҳбусларни қор, ёмғир остида қайта-қайта бригадаси билан бирма-бир санаб чиқиш олдидан:

— Гапни тўхтатинглар, қатордан бир қадам орқада қолиш ёки четга чиқиш қочиш ҳисобланиб, огоҳлантирилмасдан ўт очилади, қани, юрларинг, — деган ҳар кунги буйруқ бир неча марта тақрорланади.

Булар ҳаммаси асабингни бузиб, маҳбуслигингни эслатиб туриш учун қилинади. Бизлар ишлайдиган қурилиш майдони лагердан икки-уч километр нарида бўлиб, ёмғирли кунларда ивиб, сасиб, у ерга етгунча чалажон, кекса, менга ўхшащ бандаж тақиб ишлайдиган одамлар ҳолдан тоярди. Ўз нафсини ўйлаган бригадирлар аҳволинг билан ҳисоблашмайдилар.

Бизлар ишлайдиган жойдан бир оз нарида хотин маҳбуслар ишлашарди. Гарчанд бизлар уларни, улар бизларни кўрмасалар ҳам, лекин вақти-вақти билан нола тўла, фарёдан иборат, худога ёлбориб:

*Бизларни ким айрди,  
Ким қилди бизни жудо?!*  
*Жазосини ўзинг бер,*  
*Мехрибон, қодир худо!..*

деб айтган ашуналари эштиларди. Аммо ашула охирiga етмасдан соқчилар уларнинг нафасларини учирарди.

Худога ёлбориб фарёд чекаётган бу мунис аёллар кимлар? Булар уруш даврида немисларнинг қуршувида қолган, шунинг учун ватан хоини ёки жосусликда айбланганлар эди. Деярли кўпчилиги Украина, Белоруссия, Болтиқбўйидан келган шўрлик хотин-қизлар.

Яқиндагина ўз тувишган синглисини шу лагерга келганилиги дарагини топиб, жуда бўлмаса овозини эшишиб, ҳол-аҳвол сўраш ниятида девор ёнига яқинлашганда уни кўрган соқчи отиб ташлаган. Машинаси нинг устига чиқиб оиласи билан сўзлашмоқчи бўлган шоферни отилиб ўлганига ҳали бир ойча ҳам бўлгани йўқ. Синглимни кўраман, хотинимни бир марта кўрсам армоним йўқ, деб отилиб ўлганлар бир йилда бир неча марта бўлиб туради. Аммо шунга қарамай, хўрлик, ҳижрон жонидан бездирган висолга ташналар таваккал қилишдан тоймасдилар.

Тириклар қабристони дейилишининг сабабларидан бири ана шу эмасмикан!

Афсуски, битта эмас! Бу ерда ажалингдан беш кун олдин ўлиб кетадиган воқеаларни ҳар куни кутса бўларди. Ҳар куни бир фожиа. Бирор отилиб, бирор юк кўтаратдиган крандан йиқилиб, кимдир 70 даражали совукда ўпкасими, нозик жойиними совукقا олдириб ўлиб кетаберди. Бу ерда ўлибди деган овозни эшиласан-у нега деган гапни, қаерга, қачон дафн қилинганини билмайсан. Бу ерда ўлдинг — тамом. Бу ерда сенинг ихтиёринг тиригингда ҳам, ўлганингда ҳам лагерь бошлиқларининг ихтиёрида. Худо умр берса, бир мўъжиза юз бериб, қутулиб чиқарман деб умид қиласан-у, баъзан менинг бошимда ҳам мана шундай бевақт оғатлар, ўлимлар ташвиш солган дамлар тез-тез бўларди.

Ер қазиши, фалтак арава ташиш ишларига ярамаганимдан кейин енгилроқ, қор, ёмғирдан панароқ деб сантехмонтажчилар бригадасига ўтдим. Маҳбуслар учун енгил иш бўладими? Енгили шуки, ишлайсан-у фақат ўлмайсан. Мен қиласиган ишм янги қурилаётган биноларга радиаторлар ўрнатиш учун жой тайёрлаш. Бир қўлимда шламбург (фишт деворларни ўиши учун трубадан қилингани уч томони тишли асбоб), бир қўлимда 10—15 килограмм болға (кичкина, енгил болга билан шламбургни уриб, деворни тешиб бўлмайди)

билин ғишт деворларни ўйиб, аввал унга ёғоч қозик, кейин кранштейн қоқиб чиқаман. Албатта, ўн соат болға билан ғиштни ўйиб, мұлжалдаги ишни бажариш учун ҳам ҳамма қатори күч бўлиши керак. Бўлмаса маҳорка пули ҳам ололмайсан. Кунинг лагернинг бир чўмич бўтқасига қолади. Ё шу билан яшашга, ё меҳнатта чидашинг керак.

Лекин 45—50 даражага совуқ, ҳали эшик-деразалари қурилмаган, ҳаммаёғидан шамол гуриллаб турган бинода 10—12 соат давомида оч-наҳор 15 килограммли болғани кўтариб уриш бандаж тақиб юрган мен учун оғирлик қиласарди.

Ниҳоятда оғир жисмоний меҳнатда қолганимдан хабардор бўлган, 7—8 йилдан шу лагерда маҳбуслиқда умр ўтказаётган тошкентлик врач Турғун Алимуҳамедовнинг раҳм-шафқати сабаб бўлиб, енгилроқ ишга, навбатчи сантехмонтажчи бўлиб ишлашга ўтдим. Аммо енгил санаалган бу юмушнинг ҳатто ўлимимга ҳам рози қиласиган азоб-уқубатлари бўлишини билмаган эканман.

Гарчанд менга бегона бу ҳунар жисмоний жихатдан асрий музликни чўкич билан ковлашдан кўра енгил, усти ёпиқ устахонада бўлса ҳам, аммо тутқунлик, лагерь ҳаётидаги кутгилмаган азоблар, даҳшатли ҳодисалар бўлардики, баъзан 25 йил қамоқда ўтиришга ҳам рози бўлиб кетардинг.

Мен навбатчилик қиласиган устахона лагердан 1—2 километр нарида эди. Совуқ 45—50 даражага етиб, қор бўронлари бошлигиган кунлари маҳбуслар баъзан ишга чиқарилмасди. Бўрон вақтида совуқ 50—60 даражадан ошарди. Аммо менга ўхшаган тунги навбатчилар, темирчиллик каби касб эталари қурилишга эртанги зарур нарсаларни тайёрлаш учун ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишга чиқишга мажбур эди.

Шундай кезларда қўлларида автомат ва итлар ушлаб куроллангиган назоратчилар бизларни сафга тизишарди-да, ҳар доимгидек «бир қадам сафдан ташқарига чиқиш ёки орқада қолиш қочиш ҳисобланиб, огоҳдантирилмасдан ўт очилади», деб юришга буйруқ беришарди.

Атроф теп-текис. Тун. Коронги зулмат. Даҳшатли қор бўрони атрофинингда оч бўридек увиллар, устимизда лагерь берган пахталик телогрейка ёки жун пустин,

пахталик шим, унинг устидан брезентга ўхшаш мато-дан жомакор шим, ямоқ-ямоқ кигиз этик, құлқоп. Булардан ташқари, ўзинг орттирган ёки уйдан юборилган иссиқ кийимларга үралиб олганимизга қарамай, бўроннинг зўрлигидан қор ичимиизга кириб қолганини билмай қолардик.

Икки кўздан бошқа ҳаммаёқ үралган бўлиб, очиқ қолган ерингни бир дамда совуқ уриб кетарди. Даҳшатли бўрон эса кўз очирмасди. Совуқдан ёшланган кўзларда киприклар ёнроқнинг ярим палласидек музлаб қоларди. Бир қадам олдинни кўриш ҳам оғир эди. Шундай вақтларда янгилишиб, сафдан бир оз ташқарига чиқдингми, ҳаётинг тамом, қочган ҳисобланиб огоҳлантирмасдан отиб ташлайди. Улиб кетиш ҳеч гап эмас. Сен учун ҳеч ким жавоб бермайди. Мени мана шу бевақт үлим хавфи ташвишга соларди. Умр берса 25 йилда ҳам қамоқдан қутуласан, бундай тасодифлардан үлиб кетишни ҳар дақиқа кутиш мумкин эди.

Жуда қувватим кетиб қолганди. Кучим борича, қорбўрон ва совуқ билан олишиб, сафдагиларга етиб юришга ҳаракат қиласдим. Бир куни совуқдан икки кўзим юмилиб, музлаб қолди. Музни олсам, киприкларим узилиб чиқади. Ноиложлиқдан ёнимдаги шеригимга «мени ушлаб бор», дедим. Бизнинг ўзаро гаплашганимизга кўзи тушган колонна бошлиғи нимадандир шубҳаланиб, тиконли сим дарвоза олдига яқинлашганимизда бизни тухтатиб: «Ҳамманг ўтири, турсанг отиласан», деб юборди. Начора, ҳамма ўтириди. Кимларнинг оёқлари, баъзиларнинг юзларини совуқ олди. Мен эса устахонага эсон-омон, үлмай тирик келганимга шукур қиласдим. Чуики қамоқ муддати тугаб, энди озодликка чиқиш пайтида бекордан-бекор қанча маҳбусларнинг ўлиб кетганига гувоҳ бўлганман.

Улар кимлар эди? Булар 10—15 йил лагернинг оғир меҳнатини қилиб ҳолдан тойиб йиқилган армиянинг кекса генераллари. Булар бутун Красноярск ўлкасидаги шаҳарлар, катта-катта қурилишнинг бутун лойиҳаларини тайёрлаб берувчи йигирма беш йилга ҳукм қилиниб, лагернинг бутқасини еб яшовчи машҳур меъморлар, инженер шўрликлар эди. Норильск посёлкаси деб аталувчи шаҳарни пойдеворидан тортиб то томигача ёлиб, битириб берадиганлар ҳам, энг хароб, хўрлик ва азобларда яшайдиганлар ҳам шулар эди.

Булар табиатан меҳнат азобини бирор зўрламаса ҳам ўзларига ўзлари сотиб оладиган одамлар. Булар чала-чулла қўл учида хўжакўрсинга иш қилишга ўрганмаган вижданли одамлар. Хом-хатала ишга кўнгиллари тўлмай, бўлганча бўлар, менга нима дейиш хаёлларига келмайдиган, ҳатто иш вақтида маҳбус эканликларини ҳам эсдан чиқариб, ўзаро жанжаллашишга ҳам бора-диган фидойи кишилар эди. Чунки улар ҳалолликка ўргангандан одамлар. Шундай одамларни қўшни лагердаги ишласа ишлаб, ишламаса бир-бирининг нарсасини ўғирлаб, қимор ўйнаб яшайдиган муттаҳамлар ҳалқ душманлари, фашистлар, деб девор орқасидан ҳақорат қилиб, ўзларини эса бизлар ўғри бўлсак ҳам ҳалқнинг дўстимиз дейишарди.

Бу ўғри муттаҳамларнинг ҳақоратлари етмагандек, сиёсий маҳбуслар қурган шаҳарларни радио, марказий газеталарда шармандаларча комсомоллар отряди деб аташар, комсомоллар ўзларига топширилган объектларни муддатидан илгари шараф билан топшириди деб ҳаммаёққа жар ҳам солишарди. Бундан бехабар одамлар бунга ишонсалар ҳам, аммо бу ишларни ким қилганини ўз кўзлари билан кўриб гувоҳи бўлган шу ерлик аҳоли, комсомолларнинг ўзлари газета, радиодаги бу ахборотларни ўқиб нима деб ўйларди? Гарчи маҳбусларнинг хизматлари айтишга муносиб кўрилмай, сир тутилса, комсомоллар қилмаган ишни улар қилди, деб ёлғон ишлатишнинг нима зарурати бор эди! Бу ёшларни ёлғонга ўргатиб, росттуй одамларни ғазаблантирмайдими? Ана шу фидойилар эса бу ёлғонларга табиий бир ҳол деб қараганлариданми ёки бундай ёлғон ахборотларга ўрганиб қолганилариданми, табиатан пишиқ иш қилиш қонларига сингиб кетганиданми, ғазабланиш ўрнига ҳатто иш вақтида бир-бирлари билан бундай қилма, бундай қил, деб ёқа бўғишгудек бўлардилар. Чунки душман саналган бу одамлар аслида ҳалол, вижданли, эътиқоди бутун одамлар эдилар.

Қор бўронларида юролмай, беихтиёр сафдан четта чиқиб, конвойлар отиб ташлаган одамлар ҳам шундай ҳалол, вижданли одамлардан эдилар.

Ўша олтмиш даражали совук, қор бўронли тунда икки кўзим ёшдан ёнғоқдек-ёнғоқдек музлаб каловлаб юролмай қолганимда устахонагача мени етаклаб борган навбатчи темирчилар — молдавиялик Миша

билан ёдимда йўқ, полякми, украиналик Перитулалар ҳалоллиги, вижданли бўлганлари учун қамалганлардан эдилар. Буларни тунги овқат вақтида бир-бирларини ғажигудек жанжаллашганлари ҳали эсимда. Нега? Жанжал нимадан? Иккаласи маҳбус, иккаласи бир-бирига бегона, бошқа-бошқа миллат, ота-бобосининг молини талашадими лагерда?

Ха, ҳалолликка ўрганган, виждан амри билан тўғри иш қилишга одатланган ва шундан ором оладиган одам ҳеч маҳал ўз ихтиёри билан қийшиқ иш қилмайди. Ҳаромга қўл урмайди. Бу икки темирчининг жанжали ҳам мана шундан. Бири бундай қилса яхши бўлади деса, буниси бундай қилса, деб баҳслашишади. Буни қаранг, иккиси ҳам маҳбус, иккаласи ҳам қилмаган гуноҳлари учун 10—15 йилга ҳукм қилинган, таажжу-би шундаки, уларни begunoхдан-begunoх, қамаган давлатнинг иши учун шунчалик жон куйдириб, бир-бирлари билан яна сан-манга борсалар, бундай холис, бундай бағараз одамларни қамаш эмас, қадрлаб бошга қўтариш керак эмасми? Наҳотки шулар ўз ватанлари-га ёмонликни раво кўрсалар.

Бу кунлар ўз бошимга тушигунга қадар кўплар қатори мен ҳам ҳалқ душмани бўлиб қамалганларга баъзан иккиланиб, бирор айби бўлса керак деб қарапдим. Ҳатто ҳибсга олинганимнинг дастлабки пайлари ўзимдан бошқа КГБ қамоқхонасидағиларга ҳам, айниқса ватан уруши даврида хоинлиқда айбланиб қамалган лагердагиларга Совет давлатининг ашаддий душманлари, деб жирканиб қарапдим.

Душман ким? Ватанини ҳар қадамда заволини ўйлаганми ёки унинг манфаати учун қамаб қўйганда ҳам шу ер, шу замин менинг ватаним деб жон куйдиргандарми? Ким? Ахир, ким ҳалқнинг душмани?!

Бу саволларга ўз-ўзимча жавоб ўйлаб, 50—60 даражали совуқда қирқ ямоқ, увадаларга ўралиб, жир-жирдони йўқ қуруқ сувда қайнатилган сулини пачақ-пачақ алюмин мисқадан қошиқсиз ҳўплаб ўтирган Перитула билан Мишага тикилиб ҳалоллик, эътиқод, кишилардаги яхши фазилатларни нақадар оёқости, хор қилинганидан дод солишимни ҳам билмасдим.

Мен Перитуладан қамалганига қанча бўлгани, шундай меҳнаткаш ҳалол одам бўла туриб шикоят ёзганими, ёзмаганини сўраганимда, у заҳарханда билан:

— Кимга? Нима деб ёзаман? Мени ноҳақ қамадилариинг дебми? Ноҳақ қамаганларини ўзлари билишмайдими? Ёки «мўйловга» арз қилсамми, а? (Сталинни лагердагилар номини айтмай, «мўйлов» лақаби билан атардик,) — деди-да, нима учундир қаҳ-қаҳ, уриб кула бошлади. — Мана, «мўйловга» арз ёзганиларнинг биттаси шуми? — деб ёнидаги баланд бўйли молдавиялик Мишани кўрсатди.

Мен бу ҳақда оғиз очганимга минг афсус қилдим. Мишанинг унтутилган дардларини янгиладим. Эскирган ярасини тирнадим. Фақат унга эмас, ўзимга ҳам ортиқча дилсиёҳлик орттирудим.

Бизларга арз-дод қилиш, ҳукм хато деб шикоят ёзиш мумкин эмас. Бизлар умрбод қамоққа маҳкум одамлармиз, шуни биласанми? Бизларни ҳукумат душман деб қамагандан кейин душманинг гапига, минг ҳақ бўлсанг ҳам, минг дод десанг ҳам, ишонадими? Ишонмайди! Ишонмайди... — Бу гапларни у шундай ғазаб билан айтдики, назаримда бу гапни қўзғаганим учун қўлидаги миска билан мени ургудек эди. Чунки Мишканинг қамалгандан кейинги ҳаётидаги баҳтсизликларига Москвага, юқори ташкилотларга ёзган шикояти сабаб бўлган экан.

«Бизга шикоят ёзиш мумкин эмас», деганининг сабаби одатда 8—10 йил муддатга қамалгандарнинг деярли ҳаммаси ҳақми, ноҳақми, норозилик билдириб шикоят ёзишмас экан, чунки ёзганинг билан ҳеч маҳал бирор ижобий натижа чиқмаган. Ҳатто шикоят ёзиш улар учун хавфли саналаркан. Негаки, ёзган шикоятинг раҳбарларининг нафсониятига тегиб, сенга нисбатан яна ҳам нафратини қўзғатаркан. Сенинг шикоятингни улар душманинг Совет қонунига бўлган ишончсизлигининг яна бир белгиси, деб қабул қилиб қамоқ муддатини камайтириш ўрнига устига-устак қўшиб қўяркан. Мана шундай инсофсизлик Мишанинг бошидан ҳам кечибди.

Миша лагерда 6 йил ўтиргандан кейин, ўзининг ҳалоллиги, меҳнаткашлиги, аввало бегуноҳлигига ишониб, қолган 4 йилини олиб ташлашни сўраб, давлат ҳам инсофга келиб қолгандир деган ниятда СССР Бош прокурорига шикоят ёзибди. Шикоятни олгач, қайтадан тергов бошлаб, шикоят ёзадиган ҳали сенми деб, йўқ гуноҳларини зўрлаб бўйнига илиб, лагерда ўтказ-

ган олти йилини ҳам бекор қилиб, ёзган шикоятига қайтадан 10 йил қамоқقا ҳукм қилинди деб жавоб бершиби. Мана сенга арз қилишнинг оқибати. Манаadolat!

Катта умид билан, бир марҳамат кутиб арз ёзган Миша бу жавобни олгандан кейин, дунёда ҳақиқат борлигидан умид узиб бундан буёқ дийдор кўришиш йўқ деб, ўша кундан бошлаб оиласи билан алоқасини бутунлай узган экан. Қандай даҳшат! Ахир, бу ўзини ўзи тирик кўмиш-ку!

Менинг юзимга тепган чексиз қайғу ва умидсизликни сезган Перитула:

— Сен Мишанинг гапидан чўчима, сенинг муддатинг 25 йил экан, арз-дод ёзасанми, шикоят қиласанми, инсоф бериб камайтиrsa камайтиради-ю устига қўшиб қўймайди, нимани қўшади. Ёзсанг, ҳеч нарса йўқотмайсан, — деб таскин бериб, лагерда ясалган қўлбола кострюлкадаги овқатнинг қолганини мискага солиб ичабошлиди.

Бу гапларни эшитиб мен ўзимча, ўн йил ҳукм қилинганлар қайта дийдор кўришишдан умид узиб, ўзларини ўлдига чиқарсалар, 25 йилга ҳукм қилинган мен хотиним, бола-чақаларим билан қайта кўришишдан қандоқ умид қилай?

Менинг дунёим бу — тўрт томони тиконли сим билан ўралган девор, увада кийим, емишим арпаю сўк. Хаёлимда бирдан-бир нарса хотин, болаларим, эркинлик. Аммо озодликда еб-ичиб, тўю-томошаларда безаниб юрганларнинг ўй-хаёлларича!.. Хонандаю созандаларнинг дилни қитиқловчи куйлари янгра-ганда нозу неъматларга тўла дастурхон атрофида ўтириб, рақсларга торт-торт бўлиб, қийқириқ авжга чиқ-қанда, наҳот бизларни бирор эсга олса!

Ноумид шайтон! Перитула айтгандек, карнайчиidan пуф, шикоят ёёсам, нима йўқотаман? Борди-ю шикоятимга гуноҳи йўқ, озод қилинсин ёки қамоқ муддати қисқартирилсин, жуда бўлмаганда, сургун билан алмаштирилсин деган жавоб келиб қолса-я! Ахир, ҳаётда не-не мўъжизалар рўй бермайди!!! Шикоят ёзишдан ўзга нима чора! 25 йил қаёқда-ю, 10 йил қаёқда! Оҳ, банда, нималарга кўнукмайди!

Ноумид — шайтон.

## МҰҢЖИЗА

Фотиқага құл очиб дуо қилинганды: «Худоё худо-  
вандо, қуруқ тұхматдан, бевақт үлимдән ҳамиша үзинг  
асра, дұзах азобларини ҳеч баңданға күрсатма», деб  
ният қилинарди. Гуноқкори осий баңдаларни у дунёда  
муз дұзахдан олов дұзахга, гоҳ олов дұзахдан муз дұзахга  
ташлиб, ёлғончи-ю тұхмат қылғанларнинг тишини илон-  
чаёнларга чақтириб, вужудини каналарга талатаркан-  
сан, парвардигор, аммо мен яшаётгап бу лагернинг  
ундан фарқи борми! Мен сенға нима гуноҳ, қила қо-  
лувдим, парвардигор!

Қирқ, эллик даража күн иссиғида ёниб ётган те-  
мир вагонда 100—150 одам тиқилиб, унинг устига үзи  
үтирган тувакнинг сассиғида, ҳафталаб құлтум сувга  
зор бўлиб яшасанг, бу қайси дұзах азобидан кам! Бунга  
ношукурчилек қылсанг, дунёнинг бир чеккасидағи үн  
бир ой қиши, 50—60 даражали совук, бурон бўладиган,  
олти ой тун, қуёш кўрмайдиган жойга ташласалар,  
йил бўйи қана-ю қандала, бургалар уйқу бермай та-  
ласа, бундан бошқа яна қандай дұзах бўлади? Дұзах  
азобининг үзи шу эмасми?

Үзинг қымаган ишларни қылдинг, ростни ёлрон,  
деб тұхмат қылған терговчию судларни жазоламай, нега  
бегуноҳ, ҳақиқатни айтган меҳнаткаш, ҳалол баңдала-  
рингни бу күнга солдинг, парвардигор!

КГБ қамоқхонасидағи қандала, бургалар чақишидан  
қутулдим десам, мана энди ундан баттарига мубтало  
бўлдим. У ерда қайноқ сув қуйиб қандалаларни йўқо-  
тардик, бу ерда уч қаватли нарларға сув қуйиб бўлади-  
ми? Бу ерда қана, қандалаларга қарши курашнинг бир-  
дан-бир чораси фақаттана дераза, эшикларнинг тे-  
шикларини суваб, бир кеча-кундуз олтин гугурт тута-  
тиш. Аммо унинг кўрпа-ёстиқларнинг мағзи-мағзига  
сингиб кетган, димоғларни ачитувчи сассиғидан ухлаб  
бўлмасди. Сассиғи кўрпалардан ҳафталаб аrimасди. Де-  
разаларни эса очиб, баракни шамоллатишнинг иложи  
йўқ, чунки ташқари 50—60 даража совук, бурон. Уму-  
ман бу ерда йил бўйи деразалар очилмайди. Қиши бўйи  
қонингни қана сўрса, бир неча ҳафталик илиқ кунлар-  
да эса торф ботқоқзорининг чивинлари талаб, кўзингни  
очирмайди. Бир томондан кечагина тутатилган олтин-  
гугуртнинг сассиғи, бир ёқда хаёл азоблари... Туни

бўйи ухламай, тонгга яқин эндиғина кўзим илингандা, ниҳоятда ваҳимали туш кўриб уйғондим.

Уйғонганда ҳам кўз ёшларим билан йиғлаб, Қуръон ўқиб уйғондим.

Тушимда Тошкентдаги Кўкаaldoш мадрасасимиш. Куппа-кундуз куни. Бирданига қибла томондан қоп-қора булат ёпирилиб, бутун атрофни бир нафасда қоронфилик босиб кетганмиш. Булат билан бирга шундай бир бўрон турганмишки, оёғимни ердан узиб мени учириб кетибди. Агар бир жойга олиб бориб ургудек ёки ташлаб юборгудек бўлса борми, парча-парча бўлшим турган гап. Мен бор кучим билан тепаликдаги «Тиконли мозор» деган кабристоннинг бир бурчагидаги Аваз девонанинг ғорига кириб жон сақлаб қолиш учун унинг ёнидаги толни ушлаб олишга интилармишман. Бўрон эса ўз ҳолимга қўймай, осмонга учириб кетармиш. Фор ёнидаги толга зўрға яқинлашиб, ҳали унга ёпишиб олгунимча ҳам бўлмай, шу маҳалда булатлар орасидан, худди танаси бузоқдек, ҳар битта қаноти қучоқдек келадиган қоп-қора қуш пайдо бўлиб, чанглаларини ёйиб мен томон ташланмоқчи бўлиб кела бошлади. Уни кўрдим-у энди куним битибди, ўлимим муқаррар экан, деб бу оғатдан асрашни сўраб эмас, фақатгина билиб-бilmас ота-онамга қилган гуноҳларим, берган озорларим бўлса шунга худойи таолодан узр сўраб, кўз ёшларим билан калима келтира бошладим, чунки ота-онам олдида қилган гуноҳим бўлmasa, ундан бошқа бирор одам ёки халқим олдида узр сўрайдиган гуноҳим йўқ эди. Бундан ташқари, мен учун энг муқаддас нарса, бу ота-онамнинг ризолиги эди, холос! Тушимда кўз ёшларим билан худога ёлбориб, калима келтиришим биланоқ, ҳозиргина бутун осмонни зим-зиё қилиб қоплаб турган қоп-қора булат ҳам, қанотини ёйиб менга ташланмоқчи бўлиб келаётган баҳайбат ёввойи қора қуш ҳам бирданига қаёққадар ғойиб бўлиб, мен эса пешин пайтимиш-да, қуёш чиқиб, ҳовлисига терилган гиштлари топ-тоза, ярқираб турган Лайлак масжида пайдо бўлиб қолибман. Ҳаммаёқ нур, мен ўзим озода кийимларда! Тушимнинг давоми нима билан тугади, эслолмайман-у, шу вақтда баланд овоз билан қилган тиловатимни эшитиб уйғониб кетган ёнимда ётган қўшним: «Ҳой, нега бақирасан, уйқусирама, йиғлама...» деб туртиб

мени уйғотиб юборди. Тушимда ўқиган дуойим ҳамон қулоғимда жарапнагаб турарди. Уйғондим-у шу заҳоти хаёлимга: «Охим энди худога етибди, менга ёпирилган балолар даф бўлиб, фалокатларим арибди. Энди уйга кетарканмман», деган фикр келди. Бундай ўйлашымга ишонарли сабаб ҳам бор эди. Масжид — муқаддас, гуноҳлар арийдиган жой. Қуёш — ёруғлик, булат билан қора қушнинг ғойиб бўлиши эса бошимдан фалокатларнинг ариши эди. Буңдан ташқари яқин орада бир мўъжиза рўй бериши, яхшилик бўлиши ҳақидаги гаплар кейинги вақтларда маҳбуслар оғиздан тушмай қолган эди, бу бежиз эмас эди, жон бор эди. Бир неча кун хаёлим шу туш қувончи билан банд бўлди. Бу тушимнинг таъбирини Москвага ёзган шикоятимнинг ижобий жавобига йўйдим. Фақатгина бу эмас, бу туш менда қандайдир янгидан куч пайдо қилди. Менинг руҳимни кўтарган нарса яна шунда эдики, бу туш ўзимнинг кимлигимни ўзимга танитди. Эътиқодимнинг синови бўлди. Ҳар қандай даҳшат, ҳаттоқи ўлим олдида ҳам ўз жонимни ўйламай, қўрқув билмай, қилган гуноҳларимни дадил тан олишга етишганимнинг тимсоли эди. Бу пешонага нима ёзилган бўлса, шуни кўриш, фақат имону ҳақиқатга суюниб қолганим, покланганимнинг нишонаси эди.

Озодликка чиққунимча бу тушимни ҳеч кимга айтмайман деб ирим қилдим. Тушимнинг таъбири тўғри чиқди, яхшиликка бўлди. Орадан кўп ўтмай, яна бир кўрган тушим буни тасдиқлади.

Тушимдамиш, лагернинг темир дарвозалари очи-либ, мен бўлсан қизил от минганимча ёп-ёруғ бепоён кенглиқка чиқиб қолганимишман. Лекин тахминан юзикки юз қадам юрмасимдан жунли қўлқопимнинг бир пои лагерда қолгани эсимга тушиб, ортга қайтайми деб ўйланиб, отимни тўхтатганча уйғониб қолдим.

Уйғондим-у ниҳоятда қувонч билан ўйлана бошлидим. Чунки бу тушим таъбири олдингисидан ҳам хайрли эди. Бу олдинги кўрган тушимни тасдиқларди.

Ахир, от тушда кўринса мурод дейилган. Демак, от миниб тиконли сим деворлардан ташқарига чиқиб кетишим, бу қамоқдан қутулиб, муродимга етишимнинг белгиси эди! Аммо бир пой қўлқопининг қолишига қандай таъбир бериш мумкин? Бу ниманинг аломати! Бу кўнглимни бир оз ғаш қилди. Бундан қатъи назар,

яқин орада қандайdir мұжиза рүй бериб, озодликка чиқib кетишимга заррача шубҳам қолмаган эди. Шундай ишонч билан яшай бошладим. Тутуқулиқда яхши тушдан бошқа қувонтирадиган, умид қиладиган ни-манг бор!

Күрган тушларимнинг таъбирини бирор одам нотұғри йүйиб таъбимни хира қилиб, бирдан-бир умид, бирдан-бир топған шодлигимдан ҳам маҳрум қилмасын деган үй билан қамоқдан қутулиб чиққунимга қадар ҳеч кимга айтмай, ичимда сақладим. Бундан ташқари лагердагиларнинг деярли күпчилигига шундай эътиқод, шундай бир хусусият шаклланиб қолган эдикі, бу шүрликлар ҳаётларыда ёлғон-яшиқ, алдовларни бошдан кечираберіб, эшитаберіб фақат тушэмас, ҳатто унча-мунча гапларга ҳам, үқиғанлари, ёзилғанларға ҳам ишончлари қолмаганди.

Үзимда-чи!?

Лагердаги қайси бир маҳбусдан қайси қилған гунохингга, неча йилга қамалғансан? — деб сұрасанг, ҳаммасидан бир хилда — үғрилик қилибманми, одам үлдирибманми? — деган жавобни эшитасан. Фақат улар змас, мендан сұрасалар ҳам шу жавобни қилған бұлардим. Лекин булардан фарқым шу эдикі, уларнинг деярли ҳаммаси адолат борлигига, бу тузықдан эсон-омон қутулиб чиқишига ишонмай қўйишганди. Буларнинг бирдан-бир айтадиган гаплари, қамоқ муддати тугагач, яна қандайdir ясама гуноҳ топмай уйларимизга қайтарса бўлди, дейиш эди. Улар қонунга ишончларини йўқотган эдилар. Адолат, ҳақиқат ҳақида гап очилгудек бўлса, фақат заҳарханда, кулги, кесатик билан гапирадилар. Адолат сўзини киноясиз, асабийлашмасдан айтмасдилар. Ҳақиқат ҳақида гапирсанг, портлагудек бўлардилар! Бу одамлар ноҳақликларни кўраберіб, тўлиб кетганди. Начора! Қамоқнинг азобларидан бири ҳам мана шу чорасизлик!

Наҳот шундай бир мамлакатда додингга етгувчи, ҳақни ҳақ қилгувчи инсон, бирор раҳбар топилмаса! Наҳот!.. Наҳот, айримлар айтгандек қилинган шикоятлар Сталинга етиб бормай, йўлларда тутиб қолиниса! Наҳотки, халқнинг оҳ-зори, минг-минг тирик етим бўлиб қолган гўдакларнинг кўз ёшлари, ёшлигига бева қолган келинларнинг нолишларину ёлғиз фарзандла-

ридан тирик айрилган оналарнинг фарёдларидан Сталин бехабар бўлса! Судларда, прокурорларда инсофқани?

Қамалибманки, ўшандан бери эртадан-кечгача хаёлимда шу савол.

Дунёда беш қўл баробар бўлмагандек, ҳаммага қўйилган гуноҳ ҳам бир хил эмас-ку! Баъзан шундай хаёллар билан шикоят ёзмоқчи бўламан-да, бутунлай гуноҳсиз деб оқламасалар ҳам, ҳарҳолда ўн йилга туширсалар, дийдор кўришиш мумкин деб қувонаман. Бир дам тирик одамга ўхшайман.

Юқорида кўрган тушларимнинг ҳақиқатта айланишига, ўнг келишига мен билан битга бригадада ишлайдиган 50 ёшлар чамасидаги чеченнинг гаплари яна ҳам ишончли далил бўлди. Бугун унинг ёзган шикоятига катта ердан (бизлар яшайдиган лагерь шимолий муз денгизига туташган ярим орол бўлгани учун ундан ташқари шундай деб аталади) жавоб келди. Айтишича, бутунлай оқлаб юборишармиш. Бунга унинг ишончи шу қадар комил эдики, айrim нарсаларини яқин кўрганларига, ҳатто юз граммча қолган пиширилмаган сур думбасини менга қолдириди.

Икки йилнинг ичидаги оғзимга биринчи мазали нарса тегиши. Хайрлашар олдидан, яқин орада бирор яхши ўзгариш бўлишини, аниқ одамдан эшитганига мени ҳам ишонтириб, албатта ноумидликка тушмай, Москвага шикоят устига шикоят ёзишимни тайнинлади.

У бу гапларни айтганда нимани назарда тутган эди билмадим-у, аммо орадан кўп ўтмай, айримларнинг эшитгани бўйича, яқин орада давлат раҳбарлари орасида ўзгариш бўлармиш деган миш-миш, параша гаплар оғиздан-оғиз ўтиб қолди. Яқин орада «мўйлов»дан кутуламиз, деган гап ҳам чиқиб қолди. Бу ҳам тушимнинг ўнг келишидан далолат эди.

Сталин ҳақида бундай гапларни, ҳатто лагерь шароитида айтиш ҳам қанчалик хавфли бўлмасин, аммо кўпчиликда қандайдир яхшиликка умид уйғонгандек эди. Одамларга бу гап қаердан эшитилган билмадиму, лекин бу миш-мишлар бежиз эмас эди: орадан учтourt ой ўтмай, гўё маҳбуслар бу гапларни каромат қилгандек, радиодан Сталиннинг касаллиги ҳақидағи ахборотни эшитиб қолдим. Бугун лагерлардаги маҳбуслар орасида ички бир ғалаён бошланди. Бугун адод

лат, бутун эркинлик, бутун ўзгаришлар Сталин номи билан алоқадор бўлгандек, одамлар орасида кутилмаган бир ҳолат пайдо бўлди. Очиқ айтмасалар ҳам яхшиликка, бўлажак ўзгаришга умид уйғонган эди. Гўё йўловчилар учун хатарли, аммо қачондир қулаши лозим бўлиб қолган қоя қулагандек, атрофидаги аҳоли хатардан энди қутулгандек кайфиятда эди.

Сталиннинг касалмиги ҳақидаги ахборот радио орқали бир неча кун давомида соатма-соат бериб борилди. Эшитганларнинг ташвиш-у безовталиклари Сталиннинг ўлиши ёки қолиши эмас, йўқ, асло, бирдан-бир нарса, унинг ўлемидан кейинги ўзгариш, раҳбарликнинг инсофли бўлиши, ноҳақ жабрланган миллион-миллионларнинг тақдирига бўладиган адолатли мунисабатида эди. Буларнинг кўпчилиги фақат ўз тақдирлари устида эмас, жамиятда бўладиган ўзгаришлар ҳақида баҳс қиласдилар.

Сталин ўлди.

Гўё каттакон муз тоғи аста-аста уммон қаърига чўкиб кетгандек, бир неча кунлар давомида одамлар орасида бир саросима, ўйчанилик ҳукм сурди. Чўкаётган муз тоғи гоҳ чўкиб, гоҳ қалқиб кўтарилендек, маҳбусларнинг ўйчанилиги, пичир-пичирлари ҳам кўп ўтмасдан бўрон олдидан чанг, тўзон кўтариб келган шамол бирдан бўронга айлангандек, одамларнинг дилидаги гаплар ҳайқириқда айлана бошлади.

Сталин ўлемидан кейин, ёдимда йўқ — қанча вақт ўтди, мен турган Норильск ярим оролидаги қаттиқ режимили барча сиёсий лагерларда бир кунда, бир соатда исён кўтарилиди. Фақат Сталин ҳамманинг қўлига кишан бўлиб, овозларини бўғиб ётгандек, Сулаймон ўлиб, девлар қутулгандек, маҳбуслар иш ташлашди. Ўз талабларини лагерлар бошқармаси бошликлари олдига моддама-модда ёзма (манифест) тариқасида кўтариб чиқдилар. Унда:

1. Иш соатлари қисқартирилсин.
2. Бир йилда бир марта хат ёзиш бекор қилинсин!
3. Оиласи, яқинлари билан кўришишни истаганларга рухсат этилсин.
4. Вафот қилган маҳбусларни бекафан, фақат қўлларига тахта бойлаб ит қатори кўмилмасин.
5. Ноҳақ қамалганларнинг ишлари қайта кўрилиб, озод қилинсин.

6. Мәхнатларига нон ва чекишигә етәрли ҳақ тұланынан.

7. Лагерь ходимлари томонидан маҳбусларнинг инсон ҳуқуқларини истаганча поймол қилишлари бас қилинсін. Инсон деб қаралсın... — шунга үхашаш бир неча моддадан иборат қатъий талаблар қўйилған эди.

Булардан ташқари маҳбусларнинг талабларини айтиш учун Москвадан давлат раҳбарлари, Маленковнинг, айримлар Ворошиловнинг келишини, аксинча, унга қадар лагерни ўз қўлларида тутиб, ишга чиқмасликларини билдирилар. Уша исён кунлари лагердаги исёнчилар лагерь қамоқхонасидағи маҳбусларни чиқардилар. Исён раҳбарлари ошхонадан тортиб лагернинг ичидағи шифохоналаргача ўз назоратларига буйсундирилар. Лагерь раҳбарлари, назоратчилар лагерь дарвозасига яқинлашолмас, исёнчилар билан карнайлар орқали гаплашишга мажбур бўлардилар. Лагерь ичкарисида фожиалар бошланди. Ўзи маҳбусликда ётиб, маҳбуслар ҳақида лагерь раҳбарига маълумотлар бериб турган стукачлар (гапташувчилар) жазоландилар: лагерь ҳовлисига осиб қўйилди.

Тиконли сим деворларнинг тўрт томондаги минораларда автомат тутган соқчилар лагерь атрофини танклар билан ўраб олинганини, исён кўтарғанлар ўз талабларидан қайтмасалар ўқса тутажакларини эълон қилиб турсалар ҳам, ҳақсизлик жонларидан тўйдирган маҳбуслар ё ўлим, ё адолат дегаңдек қатъий туриб олдилар. Ялпи очлик эълон қилажакларини билдирилар.

Лекин улар расмий очлик эълон қилмасликлариданоқ лагернинг ичиде очлик бўла бошлади. Лагернинг ичидағи новвойхона ёпилди. Чунки ташқаридан келадиган ун тўхтатилди. Фақат ун эмас, лагерь ичидағи иссиқ овқат учун керакли дон-дуналар ҳам бори тамом бўла бошлади. Оз-моз бор овқатларга ҳам исёнчилар билан лагердаги зўравонлар эга чиқиб олдилар. Лагердаги кўпчилик шуларга қарам бўлиб, бир бурда нон топилса еб, бўлмаса оч ўтира бердилар.

Исёнчилар ўз олдиларига ўн йиллаб лагерларда яшаб, охири хор-зор бўлиб ўлгандан, ҳамон ўлиш бўладиган бўлса, ё озодликда, ё очликдан бўлса ҳам кура-

шиб ўлган яхши, деган ниятии қатъий қилиб қўйган эдилар. Бир неча кунга чўзилган исён бекор кетмади. Ростми-ёлғонми, ўзларини марказдан келган вакиллар деб танитган бир неча кишилар маҳбуслар билан учрашдилар. Яқин орада кўпчилик талаблари қондирилиши, муддатлар қисқартирилиши, ноҳақ қамалгандарнинг ишлари қайта кўрилиб озодликка чиқарилиши, бир оз сабр қилиш лозимлиги айтилиб, хуллас, ўз келажаги,adolat, совет қонунига ишонч йўқотган шўрликларда озми-кўпми рўшноликка умид уйғотилди.

Улар қилган ваъдалар дарҳол амалга ошмаса ҳам, Сталиннинг ўлимидан кейин маҳбусларга муносабатларда ўзгариш сезила бошлади.

Бир йилда бир марта ёзиш мумкин бўлган хат ўрнига энди икки-уч марта ёзишга, оила аъзолари билан учрашиш, уйдан нарса олишга ижозат бўлди.

Аммо булар йиллаб қамоқда ётган маҳбуслар учун аҳамиятсиз нарсадек эди. Чунки бир йилда бир марта эмас, ўн марта хат ёзишга рухсат этганларида ҳам, кимларга, нима деб хат ёзасан! Бордию сенинг ҳам опа-сингил, ота-она ёки қариндош-уругларинг Болтиқбўйи жумхуриятлари, фарбий украиналик маҳбусларнидек қамоқ ёки сургунда бўлсалар, уларга ёзсанг, хат орқали алоқа қилсанг, албатта, бу имкон ҳам бир марҳамат ҳисобланарди. Аммо сен қайси меҳрибон қариндошингга, қайси қадрдан дўстингга нима деб ёзасан? «АЗИЗ ДУСТИМ, ЁКИ СЕВИКЛИ ЖИГАРИМ, МЕН СЕНИ ЖУДА-ЖУДА СОҒИНДИМ, СЕН БИЛАН ҚАДРДОН ЭДИК, СЕН МЕНИНГ КИМЛИГИМНИ ЯХШИ БИЛАРДИНГ, ЗАРРАЧА ГУНОҲИМ ЙЎҚ, ТАҚДИР ЭКАН... КўРИШГУНЧА ХАТ ЁЗИБ ТУР!» дейсанми?..

Бундай деб хат ёзиш энг яқин дўстинг ёки яқин кишинингни ўз ёнингга тортиш, гуноҳларингга шерик қилиш билан баробар эди. Бундай мактубларни ёзиш энг яқин одамларингни сенга ҳамфирлиқда айблаб қўлга тушириб қамашлари учун баҳона бўларди, холос. Бундай бўлишини маҳбуслар ҳам, озодликда қолганлар ҳам албатта яхши билишарди. Шунинг учун сен ёзган хатингни олган тақдирларида ҳам ваҳимага тушиб, ўша заҳоти йиртиб ташлаб, ҳеч нарса бўлмагандек жавоб ҳам бермасликлари ёки ҳатто айримлар ўзларини кутгилмаган оғатдан қутқариш учун ваҳима

билин: «Маҳбус Шукрулло, сиз менга ҳеч маҳал қадр-дон, мен сизга ҳеч маҳал меҳрибон, сирдош бўлма-ганман. Мени яхши билардинг, деб хато қилибсиз! Бундан кейин менга хат ёзманг! Мен сиздек ҳалқ душ-манини танимайман», деган жавобни қилиши ҳам мум-кин.

Ахир, мен ўзим, хотиним, бола-чақамдан бошқа, қайси бир дўстим, қайси қариндош-уруғларимга хат ёзганман! Ёки қайси бирларидан қаердасан, ҳолинг қалай, нима бўлди? — деган бир энлик хат олганман? Гарчанд бундай муносабат инсоний бўлмаса ҳам, ниҳоятда оғир ботса ҳам, ранжиш, гина қилиш ўринсиз эди.

Замонининг зайли деб гина қилмайсан, айбни сиё-сатга қўясан. Аммо инсоний, одамийлик нуқтаи назаридан ўйлаб кўрсанг-чи, ниҳоятда аламли! Ниҳоятда даҳшат! Ахир, кечагина сен билан оғиз-бурун ўпишиб, сендан бошқа менинг дўстим йўқ, деган бу гапларга сен ишониб, яна улар билан кўришармиканман деб соғинган одамларнинг бутун «мен сени танимайман, менинг номимни тилингга олма, олчоқ», деб жа-воб қилсалар!.. Одамларнинг вижданни чидаш шу дара-жага етиши сени қийнамайдими! Қадр-қиммат қаёқда қолди?

Исёндан кейинги қувончли ўзгаришлардан яна бири баракларга қулф солинмайдиган бўлди, кечаси бема-лол ҳожатта чиқиши имкони туғилди. Гарчанд номи лагерь дейилса ҳам, аслида тартиб жиҳатдан қамоқдан камдан-кам фарқ қиласарди. Юзлаб маҳбуслар ётадиган баракларга кеч соат 11 дан кейин қулф солиниб, тоза ҳавога чиқишдан маҳрум этиларди. Юзлаб одамларнинг шилтириларига чидашга мажбур эдинг.

Исёнчиларга қилинган ҳамма ваъдалар дарҳол амалга ошмаган бўлса ҳам, Сталин ўлимидан кейин қамоқ муддати оз қолганларнинг «жиноий» ишларини қайта кўриш учун комиссия ишга тушди, деган гаплар эши-тила бошлади. Ҳақиқатан ҳам, 10—15 йилга кесилиб, озодликка чиқишига бир-икки йил қолган айримларни 1954 йилда муддатидан олдинроқ чиқара бошлади-лар. Албатта, Совет қамоқхоналарига бир тушдингми, тамом, адойи тамом бўлмасдан бу сиртмоқдан қутулиб бўлмайди, деб ўйлаганлар учун бу янгилик ҳам кутилмаган ҳодиса эди. Аммо мендек 25 йилга ҳукм қилин-

ғанларнинг тақдири ҳақида турли миш-мишлардан ташқари бирор аниқ гап ҳозирча йўқ эди. Аммо, ўлмай қачондир озодликка чиқишига озми-кўпми умид уйғонган эди.

Сталиннинг ўлими, бир-икки йил қамоқ муддати қолганларнинг озодликка чиқарилиши ва ўзим кўрган тушлар ҳамма-ҳаммаси менда энди озодликка муқаррар чиқишимга ишонч, сўна бошлаган ижодий тафаккурга қайтадан жон ато бўлишига туртки бўлган эди. Ижод иштиёқи, теваракка ижод назари билан қараш уйғонгандек бўлди. Аммо бир муаммо қийнарди.

Хўш, нима ҳақида ёзасан?

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади! Яна баҳтиёрлик ҳақида, баҳтиёрман, деб ёзасанми? Баҳтиёрлик ҳақида ёзиб, баҳт топдингми? Топган баҳтинг мана шу лагерь бўлдими? Шу вақтгача ўз ҳалқингта манфаати тегадиган нима ёздинг? Шоир сифатида нима яратдинг? Хўш, дарҳақиқат, жавоб берарлик нима қилдинг? Ҳақиқий ижод ўзи нима?

Шу ҳақда ўз-ӯзимга савол бериб, ўйлар эканман, кутилмаган бир тасодиф фикримга ёрқинлик киритди.

Лагерларда ўзларини илфор маданиятли ҳисоблаб келган айрим оврупалилар биз ўрта осиёликларни «орқаси қоралар», деб чақириб, маданият, санъатдан бехабар, илм-матърифатдан узоқ ҳалқдар деб билишарди. Ҳатто миллатини аниқ айттолмайман-ку, болтиқ-бўйиданми, полякми, русми, билмадим, Пантелеев деган инженер, мен ўзбекман деганимда, қозоқ, тоҷикдан фарқ қилолмай, ўзбеклар ёнида доим пичоқ тақиб юрадиган, саводсиз, ваҳший, деган тушунчада эканини айтган эди.

Кунлардан бир кун шу одамнинг қўлида китоб кутариб юрганини кўриб, қандай китоб, деб сўрасам, кутилмаганда Ойбекнинг русчага таржима қилинган «Навоий» романи бўлиб чиқди. Бу тасодифдан қалбимда қувонч ва ғурур пайдо бўлиб, таассуротини билмоқчи бўлган эдим у:

— Бу роман менга жуда ёқди. Қадимий маданий ҳалқлар тарихи ҳақида. Алишер Навоий деган буюк ёзувчи ҳақида, ҳақиқатан ҳам у жуда ибратли, буюк шоир бўлган экан, — деди.

Кечагина ўзбекларнинг кимлигини билмаган, қолок, «орқаси қора» бир ҳалқ деб ўйлагани учун ундан:

— Менинг миллатим ким? Навоийнинг миллати-чи? — деб сўрасам:

— Навоий?.. Навоий самарқандлик ўзбек, — деган жавобни қилди.

Мен унга, кечагина мени сен «қоравой, бадавий» деган эдинг, ўша Навоийнинг авлоди, ўзбек мен бўла-ман, деганимда, мени кечир, Ўрта Осиё халқарини билмас эканман, билсам ҳам нотўғри тасаввурда эканман, ўзбек халқи ҳақиқатан ҳам жуда қадимий маданиятли буюк халқ экан деб тан олиб, узрини айтди.

Мана шу тасодиф ва Ойбекнинг ижоди ҳақидаги гаплар ҳақиқий асар қандай бўлиши, ўз халқига хизмат нимадан иборатлиги ҳақида жиҳдийроқ ўйлашимга сабаб бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Ойбекнинг бу асари ўз халқига хизматининг ёрқин намунаси эди. Хўш, мен ўзим ҳам бир ижодкор сифатида халқимга шундай хизмат қила-олишим, унинг номини улуглашим учун нима қилиш им керак? Тарихий асар ёзишим керакми? Йўқ! Ахир, тарихий ҳақиқатни озми-кўпми тўғри ёзган бу асари учун Ойбекни ҳам ўтмишни илоҳийлаштиргансан, ўтмиш маданияти олдида сажда қилгансан, ўзбек халқини қашшоқ, оми-саводсиз, жоҳил, гадо қилиб кўрсатиш ўрнига тарихий бой, юксак санъат, адабиётга эга демоқчи бўлгансан, деб космополитизм, милатчилиқда айблашмадими! Шуларни ўйладим-у, бизлардан кейин Ойбек акани омон қўйишганмикан, қамашганмикан деган ташвишга ҳам тушиб қолдим. Чунки ўзимиз қамалганимиздан кейин Ўзбекистонда, ёзувчилар орасида нима гаплар, нима ўзгаришлар бўлди, ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди. Ташқи дунёдан бутунлай маҳрум эдим ахир!

Ташқи дунёдан баҳра олишга ҳаққим бўлган бирдан-бир нарсалар у ҳам бўлса, учеби үтган қушларга қараш, кўқдаги ой-ю юлдузларга тикилиб ўй суриш, қору ёмғирлар борлигини сезиш эди, холос! Аммо, минг-минг надоматлар бўлсинким, бу бепоён заминга истаганча оёқ босиш ҳам менинг эркимда эмас эди.

Аммо инсон боласи тирик экан, табиат яратган гўзалликлардан баҳра олиш, унга боқмоқдан ҳеч ким уни бенасиб қилолмайди. У дахлсиз!

Табиат яратган мўъжизаларга боқиб дардларим бир нафас бўлса ҳам тарқарди, кўкрагимга шамол текка-

иига ҳам минг-минг шукрлар қилардим. Бир дамгина лагердалигимни унугиб, гүё уйимизнинг томида лолалар очилган фаслда варрак учиргандек шириң хаёлга чўмардим.

Мана бир неча кунки, устахона бўғотидан ҳали учирма бўлмаган чумчуқ палапонларининг чирқ-чирқлашлари умримдаги энг баҳтиёр онларим — болалигимни хотирамда тиклаб, қалбимни эркаладек. Унга қулоқ солиб бир дам бўлса ҳам тутқунликда эканимни унугтаман. Ўзимни қамоқ лагерида эмас, ёнроқ, ошиқ ўйнаб ўсган кўчам бағрида бўлгандек ҳис қиласман. Бир дамгина ўзимни лагерь устахонасининг бўғоти эмас, ҳовлимиз ортидаги каттакон ҳовуз атрофидағи қатор тераклар устига ин қўйиб, тинмай чирқираб, оғизларини очаётган қарқуноқ боласини ушлатгандек сезардим. Ва шу дақиқа беихтиёр кўзларим тиконли сим деворларга тушарди-ю, назаримда қарқуноғу чумчуқ полапонлари теракдаги инида эмас, каттакон тиконли симлардан ясалган қафас ичида тутқунликда қолиб, онасидан, ўз эркинлигидан айрилиб нола чекиб, чирқираётгандек туюларди. Ўша фурсатда, бордию кимдир менга яна ижод қилиш насиб этса, энди нима ҳақида ёзасан, деб сурагудек бўлса, нимаики ёзмай, бутун умримни зулмга қарши инсонларда меҳру шафқат, яхшилик, меҳрибонлик ҳиссини уйғотишга бахш этардим, деб жавоб қилган бўлардим.

Шулардан ўзга муқаддасроқ дунёда нима бор! Фақат инсон эмас, меҳр-шафқатга тутқунликдаги парранда ҳам зор эмасми! Хўш, шу бир чумчуқнинг уясини бузиш, ҳали учирма бўлмаган полапонни чирқиратиб онасидан ажратишми ёки уни ҳимоя қилиб меҳр-шафқат қилиш, эркинликдаги севинчини кўриш лаззатлироқми! Бир парранда, бир дарранда эмас, лак-лак тутқунлар инсон меҳр-шафқатига зор эмасми! Ҳаётда меҳр-шафқатли, меҳрибон инсонларни учратиш ўзи одамлар учун қувонарли эмасми? Мен учун-чи? Мен ўзим меҳр-шафқатга зор эмасманми? Зулм,adolatsizlik, қаҳри каттиқлик менда нафрат уйғотмадими?

Менга мабодо қайта ижод қилиш, қўлга қалам олиш насиб этса, фақат яхшилик, фақат меҳрибонлик, фақат инсонга вафодорликни куйлардим.

Бағрингга теккан бир нағаслик шамол, ўрмонларнинг шовуллости, ирмоқларнинг чулдираши кимга ором

багишламайды? Худо ярлақаб менга қайтадан ижод қилиш насиб этгүдек бұлса, фақат ва фақат гүзәллик-ларни мадх, этардим. Аммо висолсиз, муҳаббатсиз гүзәллик бұлармиди! Ҳаётда висол, муҳаббатдан үзға муқаддасроқ, оромбахшроқ нима ҳам бор! Муҳаббатта етмоқ эмас, муҳаббат ҳақида үйлашнинг үзида қанчалик қувонч бор, эркинликка эришмоқ эмас, ҳатто үзини озод ҳис қымомда ҳам қанчалар ҳұзур бор!

Меҳр-шафқат, висол, табиат гүзәллиги — буларсиз на қаҳрамонлик, на одамийлик, на ободлик, на ҳаётда ривож бор!

Шу фикрлар хаёлимдан үтаркан, ҳаётимда күрган-кечирған яхшиликлар, қалбимга ором баҳш эттан гүзәлликлар, айниқса, кейинги пайтларда рұшноликка уйғонған умид ғалаёнида аста-аста ижодға ҳавас уйғонди. Қоғозға туша бошлашиға далда бұлған яна бир нарса, әртегі кунға бұлған умид, яъни тушларим үңг келиб әртега озодликка чиқсам, иккі құлымни бүрнімга тиқиб чиқаманми деган ният бұлды. Борди-ю ҳозирги миши-мишлар миши-мишлигича қолиб, яқын йилларда озодликка чиқармаган тақдирларида ҳам хаёлімға келған нарсаларни бир умид билан қоғозға түширсам, бемаъни, булар-бұлмас үйларни үйлаб, үзимни қийнаганимдан, нимадир ёзилиб қолғани фойдалыроқ-ку! Ижод завқи билан яшаш, шу билан овуниб күн үтказиш афзалроқ-ку, — деган қарорға келдім.

Албатта, ғам-аламлар-у соғинчни күнгилдан ситиб чиқарып, тутқунлиқда эканингни унугтиб ижод қилишни хаёлға келтириш енгил эмас. Аммо мен үзимни шунга тайёрлай бошладым.

Ижод билан банд бўлиш лагердаги худбинликлардан, инсоний қадр-қимматингни оёқости бўлишини үйлаш азобидан бир оз бўлса ҳам сени холи қиласи-ку.

Мен лагерга келганимга кўп йил бўлгани йўқ. Ахир бу дўзах азобида бир йил, иккі йил эмас, ҳатто ўн йиллаб ётган аламзадалар бор-ку! Ҳа, аламзадалар! Ҳа, асабий, дарғазаб шўрликлар! Булардаги ички ғазаб шу даражага етган эдик, киши иззат-хурматини ифодаловчи, киши қалбига қувонч бағищловчи «жоним билан», «марҳамат», «азиз дўстим», «зиёфат» деган сўзлар бегона бўлиб кетган эди. Уларнинг сен билан иш вақтида «сонангни палон қиласи», нега қараб турибсан, ҳатто меҳрибонлик қилиб, хафа бўлма дейиш

үрнига, «уларга палонимни қўйдим» дейишларига одатий ҳолаг деб чидайсан! Чидамаганингда нима? Мен олимман. мен министр, мен генералман, мен билан ўйлашиб, одоб билан гаплаш дейсанми!.. Шундай десанг, бунга ҳам, «сени ундейлигингта қўйдим» деган жавобни оласан!

Булагра парво қилиб ўйлаб, азоблангандан, энг тўғри йўл — ҳаммасига ижод кўзи билан қараб, ўзингча таскин топганинг, овунганинг маъқул бўлмайдими?

Илҳом бу — атрофингга ижод билан қарааш, файрат!

Мен ўзимни маҳбус эмас, маҳбуслар ҳаётини гүё ўрганишга командировкага келган ёзувчи деб фараз қила бошладим. Худо ҳеч бацдага насиб этмасин-у, тавба-ю, ростини айтганда бу ердаги хилма-хил феъли одамлар, инсон қадр-қимматининг хўрлиги, инсон зотининг азоб уқубат-у мashaққатларга бунчалик бардошлилигини кўриш, ҳаммага ҳам ҳамма вақт насиб қиласбермайди. Эркиниликдаги ёзувчи бу ердаги ҳаётни хаёлига келтиrolмайди ҳам. Аммо бу ерда кўрган ва эшиганиларининг замон ва ўзингни кимлигингни унтиб, айнан ўзича ёки фақат ўз нуқтаи назарингдан ёзишинг ҳам қийин эди. Фақат қийингина эмас, тўғрисини айтиш хавфли. Бунинг иложи ҳам йўқ.

Оддий бир мисол:

Менинг лагерга келганимга мана бир йилдан ошапти, ҳали битта ҳам хат олганим йўқ. Юрак ютиб, менга хат ёзадиган яқинларим ҳам кимлар? Хотиним, опаларим! Булагринг биронтасидан ҳалигача дарак йўқ. Наҳотки, қаердалигимни билишмаса!?

Мен турган ерга пароходлар бир йилда бир марта Энасой (Енисей) дарёсида музлар эригандагина келади. Келади-ю, дарҳол ортига қайтади! Бўлмаса, совук тушиши билан дарёлар тош қотиб, келаси йилгача қолиб кетади. Катта ердан келадиган хат-хабарлар ҳам пароходлар орқали бир йилда бир марта келади. Бу ерга самолётлар деярли қатнамайди. Унда-мунда келганилари ҳам шу ердаги қурилишга зарурий нарсаларни ташийди.

Хат-хабар йуқлигидан диққат бўлган кезларда ўзими шайтоний хаёллардан бир дам тиярдим. Минг ўзими тиймай, аммо баъзан турли хил ўйлар, вассасалар уйқу бермасди. Алам ҳасратларингни хатта ёки шеър-

га тушириб хумордан чиқмоқчи бўлганингда ҳам ҳақиқатни ёзишга ўйланиб қоласан. Шеър қилиб мутлақо ёзолмайсан. Қўрқасан.

Бизларни бу ҳукумат одам санамайди, бизларни бир-биirimиздан ноҳақ жудо қилган бу давлатта лаънат, дейсанми? Авваламбор бундай хатни ўтказмайди. Шеър бўлса, унинг учун яна жазоласа жазолайди-ю ҳеч қаерда босмайди. Хатинг эгасига тегиши ёки сени гуноҳкор қилмасликлари учун борди-ю худонинг раҳми келиб, озодликка чиққудек бўлиб, асарларинг босилишини истасанг, ҳақиқий кўрганларинг, кечирган азоб-уқубатларингнинг аксини ёзасан.

Масалан, уйимга лагердаги аҳвол ва соғинчимни баён қилиб хат ёзгудек бўлсам, аҳволимни сўрама, бу ерларнинг табиати ҳам, яшаш шароити ҳам дўзахнинг азоби, соғинишишимнинг бўлса чегараси йўқ. Бир дақиқа хаёлимдан нари кетмайсан.

Ўрмонга боқсам ҳам оғади эсим,  
Ниҳоллар қаддингни солар ёдимга.  
Еллар эслатаги сочингнинг исин,  
Ойга боқсам, ҳуснинг келар олдимга.  
Олча, гилосларга кўзим тушса ҳам  
Ўҳшашлик кўраман лабинг, кўзингта.  
Аммо тополмадим мукаммал, кўркам  
Биронта тенггошни сенинг ўзингта, —

деб ёзаман, албатта! Аммо бу мисраларни матбуотда эълон қилинишини ўйлаб унинг олдига:

Янгилик жуда кўп, ишдан хурсандман,  
Бир хатга сиғмайди мукаммал ёзсан.  
Хатингни ўқидим, «соғиндим» дебсан,  
Менинг соғинишиим эмас ундан кам.

Мен келгандан бери ўйлар тикланди,  
Үйларнинг олдига бўлди боғ, гулзор.  
Ҳар нарса мұхайё... Фақат еттайди  
Бу гулзорлар аро сенинг ҳуснинг, ёр! —

каби Совет шоирига хос некбин мисралар қўшмай иложим йўқ.

Маҳбус бечораларнинг меҳнатидан юртлар обод қилинганилиги тўғри. Аммо бу мисраларда маҳбуснинг дарди қани? Шу гаплар маҳбус айтадиган гапларми?

Тутқунликда бұладими, әркинликда бұладими, Совет шоири бундан үзгача фикр қилиши, ёзиши ҳам мумкин эмас. Совет матбуотида ҳаётдан нолиган, пессимистик шеърлар босилмайды.

Ижодим китобхонга етсин, нашр қилинсін десанг үз күрган-білгіларинг, үз күнглингдегі гапларни эмас, партия қарорига мос келадиган қилиб, ҳаётнинг нұқсонларини эмас, ижобий томонларини ёзишинг керак.

Хали коммунизмға етганимиз йүқ-ку! Ҳаётимизда камчиликлар, ҳақсизлик,adolatsizliklар, пораҳұрлық, үғирликлар йүқми? — десанг, бу типик ҳолат эмас, бизнинг жамиятта хос эмас, деб сени айбдор қилишади.

Мен турган лагернинг үн икки ойида фақат беш ёки олти кунгина бадаңнингта офтоб тегадиган 16—18 даражали илимиилік, қуёшли қунлар бұлади. Шундай пайтларда абадий музлаб ётган ернинг устки торф қатламигина бир оз юмшаб, бөш күтарған күкатлар бир ой, ярим ой умр кечиради. Ҳаёт үйғонади. Музликларда күн кечирадиган қорт-құмурсқалар қайта тирилади. Айниқса, ботқоқзор ва құлмаклардан иборат тундраны чивинлар босиб кетади. Құз очирмайди. Кечалари билан баракларга тұлиб, талаб чиқади.

Худо ураман деса, құш құллаб уради деганларидек, нимаики азоб, машаққат бұлса, ҳаммаси маҳбусларнинг пешонасига ёзилған. Лагернинг одам чидаб бұлмас ҳұрлық, азобларидан ташқари, сени шундай бир ерга олиб келиб ташлаганки, ҳатто табиатдан ором олиш имконидан маҳрумсан. Табиат ҳам сендан шафқатини аяиди. Үн бир ойлик қаҳратон ҳам, йил бүйи зулмат ҳам, құз очирмас бұронлар ҳам, бадаңнингта офтоб тегишига құймайдыған чивинлар ҳам шу даргоҳда. Аммо етти-саккыз йиллаб нур тушмаган қамоқларда, шимол лагерларида умр кечирганлар учун беш-олти кунлик илиқ-иссиқ кунларда бадаңнига офтоб тегиши ҳам байрам эди. Шундай қунларда айрим маҳбуслар яланғоч бұлиб офтобда ётардилар. Қанақа офтоб!? Бизлар үйлагандек құйлагингни ечишинг билан жаз оладыған офтоб қаёқда! Соатлаб ётсанг, бадаңнингта иссиқ үтмайди. Тагингдан муз уради. Бу ерларда ерга иссиқ үтмайди. Офтобда ётмоқчи бұлғанлар стадиоңдаги тахталарға чұзилишади. Шимолдан салгина фир этиб эсгән шамол бадаңнингни үймалаб, жунжитади. Бу ер-

ларнинг ёз дегани шундайки, устингдан пахталик тушмайди, ёзлиги — фақат қор ёғмайди. Шамол салгина тиндими — бўлди, ботқоқзорнинг оч чивинлари устингга дув ёпирилади.

Мен ҳам атрофдагиларга ҳавас қилиб ечина бошладим-у жуда заифлашиб қолган эканманми, чивинлар таламасданоқ, фир этган шамолнинг совуғига бардош беролмадим. Чивинлар таласа ҳам парво қилмай ётган шеригимдан:

— Баданингга чивин чақмайдиган бирор нарса сурғанмисан. Қандай чидаяпсан? — десам, у:

— Ҳеч нарсадан ҳадик билмас, кўрқмас одамни чивин эмас, ўқ ҳам, ҳатто ўлим ҳам ололмайди, — деди-да, нималардир эсига тушиб, ғазаб билан:

— Жангда бўлдим, немисга асир тушдим, концлагерда бўлиб ўлмаган, чивин чақишидан қўрқаманми? Зах қамоқхонада ёки қамоқ бошлигининг тепкисини еб ўлгандан кўра чивин эмас, илон чақса ҳам, чаён чақса ҳам бир нафас, ёруғликда офтоб кўриб ўлганим яхши-ку, орайни!

Шу гапни эшитдим-у, ундан кейин нималар деди, қулогимга киргани ҳам йўқ. Бутун хаёлим ярқираб қуёш чиқиб, қовун, узумлар ғарқ пишиб ётган она юртимга кетди. Бу ердаги одамларга, бизларда ёзда бодрингни ҳеч ким емайди, молга берилади, десам афсона, деб ишонмасди. Чунки улар қовун, тарвуз, менинг юртимда ёзда етиладиган анжир, шафтолини еб кўриш у ёқда турсин, нималигини тасаввур ҳам қиломасдилар.

Менинг ўйларимни унинг ёнида ётганинг:

— Сен қачон асирга тушгансан, Германиянинг қайси шахрида бўлгансан, — деган сўровига, палон шаҳарнинг палон лагерида, кейинчалик палон ерида бўлганман, деган жавоби бўлиб юборди-да, иккови бир ерда бўлгани, бир-бири билан учрашмагани, Германияда асиrlарга муносабат, немис қамоқхонаси, лагерларида тортмаган азоб-уқубатларини бизда кўрганларини, яна бири КГБнинг Тошкент қамоқхонасида бўлган вақтида қамоқ бошлиги Красноголовов уриб қулогини кар қилиб қўйганларини ўзаро гаплаша бошлади.

Красноголововни мен ҳам танирдим. У бир оёғини урушда олдириб, ҳассада юради. Нихоятда қаҳри қат-

тиқ, золим табиат. Немисга асир тушгани учун қамалғанлардан жиндай бұлса ҳам қамоқ қоидасини буздинг, деб айб топиб, мен оёғимни ватан учун берганман, сенлар эса мени оёқсиз қилган фашистта тушган хоинларсан, деб карцерга ташлаб, тұғри келган жойига таёғи билан уриб хумордан чиқадиган жаллод эканниңи айтиб бердім. Улардан бири, Красноголововни қаердан билишимни суриштиришгандан кейин, нега қамалганимни сұради. Мен ҳарбий иш билан әмас, советларга қарши тарғиботда айбланганимни билгач, негадир миллатимни сұради. Ўзбек эканимни айтишим биланоқ, гапимни охиригача әшитар-әшитмас:

— У ёғини айтмасанғ ҳам нега қамалганинг маълум, албатта, миллатчилик! Чунки үрисдан бошқа миллатни албатта, миллатчилиқда айблашади.

Унинг бу гапи аввалига мени ғазаблантириди. Лекин ҳолатимни сезгач, мени тинчлантириш учун:

— Менинг гапимни тұғри тушун! Мен сени миллатчи демоқчи әмасман, Миллатчи сүзи қачон чиқди, биласанми? Масалан, мен кавказлиkmан, бу сүз аслини суриштирсанг, интернационалист бұлайлык дейила бошлагандан кейин пайдо бўлди. Руслар Ўрга Осиёни ёки Кавказни босиб олгунича, интернационалист бұлайлык деган сүз ишлатилганми? Ёки қадимларда миллатчи деб ҳеч кимни қамаганми? Йўқ! Интернационалист бұлайлык деган гап инқилобдан кейин, яъни рус ҳалқи ёмон, босқинчи демасин, унга қарши курашмасин, шундай десанг, миллатчилиқда айбланасан деб қўрқитиш учун пайдо бўлган назария, — деган фикрни айтди.

Мен бу одамларнинг немисга асир тушгандаги ҳаётлари, фашистлар билан бизнинг давлатни маҳбусларга бўлган муносабатларидағи тафовутларни әшигиб, наҳотки шу гаплар тұғри бўлса деб ўйлардим.

Унинг гаплари беғараз, тұғри эди. У ўзи кўрганларини айтди. Лекин буни ҳалқа айтиб бўладими? Бўлади! Унинг бирдан-бир йўли бундай гапларни насрый ёки драматик асарда салбий образлар орқалигини, уларнинг тилидан айттириш мумкин. Бошқа илож йўқ.

Шулар ҳаёлимдан кечаркан, ўз ичида (албатта, тилга чиқарип бўлмайди) наҳотки, ўзинг кўриб турган ҳақиқатни ҳақ деб айттолмай, ясама йўллар изласанг, бу қандай замон деб ўйлардим. Ғазабимни ичимга ютардим. Ахир, бу одамларни ёлғонга ўргатиш-ку! Бу

одамларни ҳам, жамиятни ҳам бузиш-ку! Лекин шундай деб айта оласанми? Айтиб күр-чи, тұхматчи деб қарашади. Нима чора?..

Бутунги тасодиf сабаб бўлиб, лекин нима ҳақида ўйламай, адолат, дунё ташвишларими, барибир севги, рашк, вафо бир нафас менинг хаёлимни тарк этмас эди. Драматургия ҳақида, драматик асар ёзиш ҳақида жиддий ўйлай бошладим. Чунки фақат драмада салбий, ижобий иштирок этувчилар орқалигина ўз дардларимни айтиш имкони бўларди.

Драма ҳақида ўйлаш бир неча вақт икир-чикир хаёллар азобидан мени холи қилиб, худди айтадиган гапларимни айтиб, хуморим тарқагандек, дардим енгиллашгандек бўларди.

Ахир, инсон учун севги-муҳаббат, меҳр-шафқат, висол, эркинлик, ҳаёт гўзаллиги ҳақида ўйлашдан муқаддасроқ нима бор! Инсон қалбига айниқса мендек тутқунилиқдаги одам учун соғиниш, висол, севги азобида ўртанишдан яқинроқ дард бўлармиди. Севгисиз эркинлик нега керак! Севикли хотинимнинг жамолини ўйлашдан ўзга менга қувонч ҳам, шундан ўзга азоб ҳам йўқ эди.

Кўрмаганман не гўзалларни,  
Қагди расо, ҳуснга бекам.  
Бўлмаганман не гўзалларнинг  
Куйин тинглаб, сұхбатига ҳам.  
Учратмагим не гўзалларни,  
Нозик бадан, келишган кўз, қош,  
Безак қылган бриллиант зарни,  
У не гўзal! — бўлмаса оташ!  
У не гўзal! — жозиба, илиқ,  
Ёқимлилик бўлмаса агар.  
Гўзаллар бор нозик ва силлиқ,  
Тюолаги совуқ бир ҳайкал!..

Сенга тенг келарлик гўзал ҳам, вафодор ҳам то-пилмайди, деб ишқида ўртанганинг сени унутса! Ундан ажралиш...

Ҳақиқат, висол қадри — нималигини жудоликдаги инсонгина тўла ҳис қиласи. Жудолик азоби!.. Висол шоддиги!.. Бунинг бири дўзах, бири жаннат демақдир! Камалганимнинг мана бешинчи йили, Сталин ўли-

ми, 1954 йилдан бошлаб юзлаб маҳбусларнинг ишила-ри қайта курилиб озодликка чиқа бошлади. Албатта, даставвал қамоқ муддатининг тугашига бир-икки йил қолганлар, қисқа муддатлилар чиқарилади. Мендек 25 йилга ҳукм қилинганлар ҳақида ҳали аниқ гап бўлмаса ҳам, лекин ҳатто ватан хоини деб айблан-ганларни энди бегуноҳ қамалган деб озодликка чиқаришлари, албатта, бу менда ҳам эркинликка чиқишимга ишонч, фазаб ва аламлардан туғилган муштга яна қалам ушлаб, ижод хаёли билан яшашга куч, қувват бағишилаганди.

Қандай куч-қувват?

Одатда маҳбуслар 10 соат ишлаб толиқиб келади-ларда, таппа ташлаб чилпарчин бўлиб ухлайдилар. Аммо келажакка умид ва эндиғина эса бошлаган эркинлик нафаси менда ҳамма уйқуга кетганда, уйқуни тарк этиб, ҳатто баъзан тонготаргача ижод дарди билан яшашга бардош пайдо қилди. Ижодхонам сантехмон-тажнинг стадиондек келадиган устахонаси. Туни бўйи битта менинг ихтиёrimda.

Одатда мен тунда навбатчиликка чиқаман. Қила-диган ишим сантехмонтажчиларнинг эртанги ишлари учун керакли айрим нарсаларни тайёрлаш. Нима иш қилишимни кундузги сменадаги бошлиқ ёзиб қолди-ради. Энг енгил иш салкам стадиондек устахонани супуриб-сидириш, 200—300 тунукани алифлаб, қури-тишга қўйиш, темирчилар ясаган айрим асбобларни бўяш, ҳатто қофозларни қисишига симдан қисқич (скрепка)лар ясаш ҳисобланади. Қўлим ишда, хаёлим ижодда бўларди. Имкон борича топшириқни тезроқ тутатиб, ёзишга вақт қолдиришга ҳаракат қилардим. Баъзан келган фикрларнинг қочиб кетмаслиги учун бўёқли қўлларим билан қофозга туширадим ва назо-ратчилар ногоҳ кириб қолмасликлари ва эшикдан кирганилари билиниши учун эшикнинг орқасига ерга тушганда овоз берадиган темир суюнчиқ (лом) тираб, сал шарпа сезсам ёзганларимни улар кўзи тушмай-диган ерга яширадим. Улар сезгудек бўлса жазола-нишим аниқ эди.

Сталин ўлимидан кейин, гарчанд маҳбусларга му-носабат бирмунча ўзгарган бўлса ҳам, илмий иш ёки ўзингча нималар ижод қилишга мутлақо йўл қўйил-масди, ҳатто қалам, қофоз топиш имкони ҳам йўқ эди.

Мен бутун бошли достонлар, шеърларимни идорада-  
гилар фойдаланиб, бир томони оқ қолган қоғозларга  
ёзиб, шубҳа бўлмаслиги учун маҳорка ўрашга қилин-  
гандек буқлаб кўкрак чўнтағимда асрардим.

Ойлар, кунлар ўтияпти, шикоятни на олдик, на ол-  
мадик деган бирор хабар йўқ. Ёзган шикоятим жойи-  
га етганмикан? Ёки ўзбек тилида ёзилгани учун ту-  
шунмай ташлаб юборган бўлса-чи!

Шикоятимнинг натижасини суриштиринглар деб  
уйимдагиларга хат ёздим. Улардан ҳам бирор садо йўқ!  
Наҳотки, улар ҳам менинг яқин орада чиқишимдан  
умидвор бўлмасалар?!

Мана яна куз яқинлашяпти. Бу ерда сентябрдан  
20—30 даражали совуқ, қор бўронлари бошланади.  
Дарёлар музлайди. Бир ой илиқ-иссиқ кунларда ке-  
либ кетадиган кемалар қатнови ҳам тўхтайди. Йўллар  
ёпилади.

Бу ерларни Катта ер билан боғлайдиган темир  
йўллар ётқизилмаган. Бунинг иложи ҳам йўқ. Абадий  
музлик, ботқоқзорлар. Самолётлар қатнамайди. Кузда  
озод бўлган маҳбус шўрликлар баъзан бир неча ой-  
лаб уйларига кетолмай қолиб кетадилар.

Ийлар бўйи бегуноҳдан бегуноҳ қамоқда ётган  
одам, кутилмаганда озод бўлдинг, хоҳлаган ерингга  
кетишинг мумкин, деган хабарни эшилса-да, кетолма-  
са, бундан ёмони йўқ.

Баъзан маҳбуслар, қамоқ азоби суюкка етган чор-  
ларда бир-бирларига, ҳозир сенга уйингга кетишига  
жавоб беришса, лекин мана шу 50 даражажа совуқ, қор  
бўронда яёв кетармидинг? — дейишганда, «Кетардим»,  
дер ёки уйингга ҳозир жавоб бериб, 25 йил бола-  
чақанг билан бирга яшайсан, аммо фақат сув билан  
нондан бошқа нарса емайсан, деб шарт қўйса шунга  
рози бўлармидинг? — деса, «жоним билан», деганлар  
ҳам топиларди.

Озодлик, эркинлик учун одамлар нималарга рози  
булмайди! Менга шундай савол берсалар мен нима  
жавоб қилган бўлардим?

1954 йил, аниқ эсимда йўқ, тахминан сентябрнинг  
охирлари бўлса керак, лагернинг маҳсус бўлимига ча-  
қириб, кимлигимни сўради. Исми шарифимни айтдим.  
Москвага ёзув-чизувларингни юборганмидинг? Яъни  
аризаларингни демоқчи эди. Ҳа, деган жавобни қил-

дим. Шундан кейин олдимга бир қорозни қўйиб, қўл қўйишим кераклигини айтди. Унда:

«СССР Олий суди коллегиясининг қарорига биноан жиноий ишингиз бекор қилинди», деб ёзилган экан. Аммо мен зада бўлиб қолган одам «бекор қилинди» сўзини ўқиб, одатда ҳаммага қилинадиган жавоб, ми-ямга сингиб қолган фикр бўйича, «шикоятинг бекор қилинди», деган маънода тушуниб, ичимда падарига лаънат, қачон адолат бўлади, деб қўл қўйишга ҳам ҳолим келмай, хаёлга толганимни кўрган маҳсус бўлим бошлиғи:

— Нега қаққайиб турибсан, қўл қўймайсанми, юкларингни тайёрла, Тошкентта кетасан, — дегандан кейин ўзимга келибман.

Юкларингни тайёрла!.. Тошкентта кетасан!.. Ё тавба!.. Жиноий ишинг бекор қилинди!.. Гуноҳсизсан!..

Бу сўзларни эшитган замони унга қўл қўйдимми, қўймадимми, билмайман, телбалардек, гўё мени поезд кутиб тургандек, баракка чопдим. Аммо яна ўша дамда қачон кетаман ҳамда қачонга тайёрланишимни билиш учун орқага қайтдим. Тайёргарлик!?

Қандай тайёргарлик? Тайёрлайдиган нимам бор?

Тайёргарлигим шуки, ямоқ-ямоқ ички кийимларими ни эски бўлса ҳам йиртиғи йўғига (лагерда ёқалик кўйлак деган нарса бўлмайди. Факат ички кўйлак), устимга қават-қават киядиган ички-ташқи паҳталикларни, эскириб тагларига ямоқ тушган кигиз этигими ни иркити чиқиб кетмаганроқларига алмаштириш эди. Бундан бўлак йўлга оладиган бирор нарсам йўқ. Бор кўтарадиган бисотим уйдан олинган, адёлга ўралган битта ёстиқ, ёзган қўлёзмаларим, холос! Ёзган нарсаларимнинг бир нусхасини кўрпамнинг ямоқ жойига яшириб қўйдим.

Бўронли қиши куни йўлга чиқдим...

Кўрган тушларимда қандай ҳикмат бор, билмадиму, бу ҳар бир кишининг сезгиси, ихлосига алоқадорми, бу мен ният қилганимдек тўғри бўлиб чиқди.

Тўғри бўлиб чиққани шуки, лагердан чиққанимдан кейин, уйимга эмас, қўлимда киshan билан яна Тошкент КГБсининг ички қамоқхонасига олиб келишди.

СССР Олий судидан оқланганим ҳақида жавоб олганимдан кейин ҳам ноҳақ шунча йил ётганим ет-

магандек, яна бир-икки ой КГБ қамоқхонасида тутиб туришди. Бу — тушимда қызил от миниб лагернинг темир дарвозасидан эркинликка чиқиб кетганимдан кейин қўлқопимнинг биттаси қолибди, деб ярим йўлда отимни тўхтатишим эди!

Эркинликка чиққанимдан кейин ҳам бир нарса ҳамон тушимга киради. Тушимда уйимнинг олдига яқинлашганмишману, аммо ортимда тиконли сим деворлар пайдо бўлиб елкамдаги қопимга илашмоқчи бўлармиш. Мен қадамимни тезлатиб уйғонаман.

Мана ўшандан бери неча йиллар ўтди, аммо қаерга бормай, Москвагами, Фарғонага ёки дам олгани Сочигами, ҳамон, ҳали-ҳали тушларимга этагимга илашмоқчи бўлган ўша тиконли сим деворлар, худди ўт тушиб деразалари олиниб, томларини тундра буронлари учириб, фақат деворлари қорайиб қолган бинолар киради.

Ҳамиша мен қадамимни тезлатиб, олдинга юргурганимча қуёш чиқиб турган бепоён яшил ўтлоқларда пайдо бўламан-у, табиатим равшан тортиб уйғонаман.

Йўлларимизнинг нурли бўлгани ҳамиша рост бўлсин, илоҳи омин!

*Карлови-Вари — Тошкент.*

*21 октябрь 1989, 23 июль 1990 йил.*

Алғанында көзінен көрініштегі мәдениеттің тарихынан  
бастау берілген. Аның мәдениеттің тарихынан  
бастау берілген.



## ТИРИК РУХЛАР



### ФАРЁД

Ёз кунларидан бири. Кутылмаган даҳшат бошланди.

Үзи гувоҳ бўлиб, ўзи қўрмаган одам ишонмайдиган воқеа юз берди. Ҳозиргина ҳаммаёқни куйдириб турган жазирама саратон бирданига қаҳратон қишига айланди. Ярқираб турган қуёшининг юзига қоп-қора парда тортилиб, осмон тунга бурканди. Қўнгилини бехузур қилувчи илимилиқ шамол келди-ю, кетидан дам ўтмай, чанг-тўзон кўтарилиб, бўрон бошланди. Бирпасда ҳаммаёқни ўнтуда қилиб ташлади. Бу даҳшатли увулаган шамол, том тунукаларини қалдиратиб, учирив туширади. Шовул-шовул етилган мевали дараҳтлар дув тўкилиб, қарсиллаб сина бошлади. Авжи туш пайтида ҳаммаёқни қоплаган қоронфилик, бўроннинг увулашидан атрофни ваҳм босиб кетди. Тўзон аралаш томчилаган йирик-йирик ёмғир шарросга айланди. Худди ёниб турган аланга устига сув сепиб ўчиргандек, ҳозиргина баданларни куйдириб турган саратон жазирамаси ўрнига ёмғир билан келган совуқ шамолдан баданлар жунжий бошлади. Шиддатли ёғган ёмғир бир зумда дўлга айланди. Кўча юзлари, ариқларда дўл аралаш айқириб оққан тошқин — оламни сув босгудек — ваҳм содди.

Бўрон билан тарсиллаб ойналарга урилаётган дўл дам ўтмасдан қорга айланиб, айни қиши пайтидагидек буралай бошлади. Дов-дараҳтларнинг новдалари қор босиб ерга эгили. Кўчалардаги пана-паналарда беркиниб турган одамлар кутылмаган бу даҳшатдан хаёлларини йиғишириб олишга улгурмасданоқ, мўъжиза рўй бергандек, уфқнинг бир чеккасида яна лоп этиб қуёш кўринди. Осмон юзига қора парда тортган булат тарқалиб, саратон иссифи, худди ҳаммом эшиги очилгандек, гуп яна юзларга урилди. Шамол ҳам, ёмғир ҳам тиниб, қуёш куйдира бошлади. Ерни ола-чалпоқ қоплаган, дўл аралаш ёғган қордан нам губор кўтарила бошлади. Атрофда ниҳоятда нохуш манзара пайдо бўлди. Даҳшатли бўрон ва жала ўзидан кейин хона-донлару бофу роғларда шохлари синиб, ерга дув тўкилиб, лойга қоришган шафтолио олмалар, шингил-шапоқ бўлган ишком-ишком узумларни қолдириб кетди. Тўда-тўда ахлат, ивирсиқ қолдириди. Бу бир нафасгина

бўлган, ўткинчи кўнгилсизлигу, бир дақиқалик табиат яратган алғов-далғов эди.

Бу бир нафаслик!.. Тасодифий!.. Бир кунлик алғов-далғов!..

Аммо Худойи таоло ўз бандаларининг бугунги қувончи ғамга, кечаги тўйи кутилмаганда азага айланнишидан ўзи асрасин!

Асадулла махсумнинг оиласи бошига тушган даҳшатли фожия ҳам худди шундай саратон кунларидан бирида юз берди.

Убайдуллахон отилишга ҳукм қилинибди, деган шум хабар келганда Асадулла махсумнинг уйидагина эмас, эшитган қариндош-урұғларницида ҳам қий-чув, йигисиғи күтарилиди. Асадулла махсумнинг божаси, дардкаш дўсти Юсуфхўжа қори хотини Зайнабхонни тинчишишга қанчалик уринмасин, фарёд кўтарди:

«Укамнинг қайси гуноҳига бунчалик!.. Шўримиз қурсин! Эй Парвардигор!» — деган ғапни йиги арашаш ички бир дард билан айтиб, шитоб ўрнидан туриб, қаёққадир бормоқчи бўлди-ю, аммо бирор ёқса бориши у ёқда турсин, қадам босиб уйдан кўчага чиқишининг ҳам имкони бўлмади. Атрофдагиларни ваҳмга солиб, ҳушидан кетиб, жим қолди.

Аммо бу шум хабарни эшиттан онанинг ҳоли не кечдийкин? Унинг аҳволини тасаввур қилиб бўлмасди. Авжи навқирон йигит чоғида вафот этган ўғли Абдулазизхоннинг доди юрагидан аримасдан, кутилмаганда яна бир ўғли Убайдуллахон отишга ҳукм қилингандиги хабарини эшитгандаги чеккан оҳу додига чидағ бўлмасди.

— Шу ниятда сени туққанмидим, болам!.. Туғмай ўлсан бўлмасмиди! Худога нима ёзгандим! Худо менга доно, дунёга ақли етадиган фарзаңд ўрнига, довдирроқ ўғил берганда бу азобларга қолмасдим! Дод!.. Дод!.. Бу жафолар, бу кўргиликлар менга каммиди! Худо, мен, бебаҳт банданг, сенга нима ёзгандим?!

Таскин беролмайсан! Сўз топилмайди! Бирданига икки навқирон ўғлидан айрилиш азобига чидаш осонми! Худонинг ўзи тўзим берсин!

Бу онанинг оҳу додини эшитиб тошюрак ҳам бардош беролмасди.

Мана, неча йилки, бу оналарнинг фарёдлари, нолалари юракларни тилка-пора қилиб, қулоқлардан кетмайди.

Ҳеч баңдаи мұмінга фарзанд дөғини күрсатмасин!  
Онам, деб йиғлатсын-у, ҳеч кимни болам, деб йиғлат-  
масин. Худоё, худовандо, бу күргиликларни ҳеч ба-  
данинг бошига солма!

«Болам шүрликтін гуноҳи нима эди! Гуноҳи бе-  
гуноҳлігіми! Дод, бу адолатсизлик, дод бу зулмдан!  
Золимларни уйи күйсин! Илоҳа, омин!»

Бу фақат Убайдуллахоннинг онаси бошига тушган  
күргиликмиди? Унинг фарёдимиidi?! Йўқ! 24 ёшида қама-  
либ, Сибирь совуқларида ўлиб кетган буюк истеъод  
эгаси — шоир Усмон Носир онасининг ҳам фарёди эди.

Авжи кучга тўлган йигит ёшида бегуноҳдан-бегу-  
ноҳ, ҳалқ душмани саналиб, отилган Абдулла Қодирий,  
Абдулҳамид Чўлпонлар... шўрлик оналарининг фарёд-  
лари!

Миллат учун, мустақиллик учун жонларини фидо  
қилган буюк арбоблар — Акмал Икромов, Файзулла  
Хўжаевлар... оналарининг оҳу фарёди эди.

Ноҳақдик зулмидан бевақт қатл этилган, фарзанд-  
лари дөғида адо бўлган оналар ўша кунлари Ўзбекис-  
тонда ўн эмас, юз эмас, сон-саноқсиз эди!

Қанча-қанча мушфіқ оналар фарзандларининг дий-  
дорларини кўролмай дунёдан ўтиб кетдилар. У кунни  
қайтиб ҳеч кимнинг бошига солмасин!

О, муҳтарам оналар!

Ҳаётда не алам, фожиалар бор!  
Одамлар бошига не-не кўргулик!  
Оlamda нима бор буюк, мўътабар —  
Фарзандлар ўстириб, она бўлгудек!  
Нима бор аламли она қаҳридан?  
Нақадар аччиқдир — у тўйкан кўз ёш.  
Ҳар тонг чиқиб келар туннинг қаъридан  
Онани зиёрат қилай деб қуёш!

Убайдуллахоннинг гуноҳи бормиди?!

Бундай савол фақат унинг уйида ёки қариндош-  
уруглари орасидагина бўлмай, қамалиш хабарини эшит-  
ган бутун Тошкент шаҳридаги одамлар, ҳатто унинг  
узоқ-узоқлардаги танишлари орасида айланиб катта  
шов-шувга сабаб бўлган эди.

— Шундай одам қамалибдими?

— Отилармишми?

— Ё тавба!

- Қайси Убайдулла?
- Шайхонтурлар Асадулла махсумнинг ўғли.
- Адвокат-да!
- Фақат адвокат эмас, унинг қилган ишлари унчамунча одамнинг қўлидан келмасди.

— Убайдулла Хўжаевни айтасизми? Унинг қилган ишлари... бу ўша ўрусларнинг буюк ёзувчиси Толстойга хат ёзган одам-да!

— Ҳа, ўша! Убайдулла! У замонларда Толстой асарларини ўқиш эмас, унинг номини, ҳатто ижодкорлар орасида ҳам билганилар кам бўлган бир даврда, унинг «Ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик» ҳақидаги дунё-қараши, фалсафаси тўғрисида шундай буюк адаб билан баҳслашишга журъат этиш!.. Унинг устига яна рус тилида, Толстойни қойил қиласиган савияда ёзиб, фикр ифода қилиш!

— Бу адвокат бўлса, ёзувчи билан нимани талашган?

— Миллатни!

— Миллатни?!

— Ҳа, миллатни! Миллатнинг тақдирини ўйлашдан бошқа уни дарди бўлган эмас. Бўлмаган!

«Кўп ҳурматли Лев Николаевич!

Сизни безовта қилишни асло истамаганим ҳолда, аммо менга шубҳали туюлган «ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик» масаласида бирор аниқлик киритарсиз деган умидга ушбу мактуб билан Сизга мурожаат қилишга журъат этдим.

Инсоф нуқтаи назаридан «Ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик»нинг ҳеч шубҳасиз адолатли эканига мен ҳам қўшилиб, унга иқрор бўлсан ҳам, аммо қўйигаги бир ҳолатда қандай муносабатда бўлиш кераклиги мени ўйлантириб қўяди:

«Ёвузликка қаршилик кўрмаслик»нинг адолатли эканига шунинг учун ҳам иқрорманки, бу Инжилга бўлган диний майлар ёки Мухаммад динигаги одам бўлганим учун эмас, балки бу менинг тушунчамга тўғри келганилигидан ҳам, албатта.

Менинг тушунишимча, «Ёвузликка ёвузлик қилма»-нинг негизига қўйигаги бир ҳақиқат ётади: мабодо кимдир бир ёмонлик қилган бўлса, шу билан у битта ёмонлик қилган бўлади, мабодо мен унга қаршилик қил-

сам ёки ёвузликка ёвузлик билан қайтариб қасос олмоқчи бўлсан, унда, табиий, бир ёмонликдан иккинчи ёмонлик пайдо бўлади ва ҳоказо. Агар мен ёмонлик кўрсатмасам эди, бир ёмонлик ёмонлигига қолиб, иккита бўлмасди, яъни ёвузлик камроқ бўларди. Буларнинг ҳаммасидан хулоса шуки, ёмонликка ёмонлик қилмаслик биланми ёки бошқа бир йўл биланми, хуллас, қандай қилиб бўлмасин, ёвузликни камайтириш чорасини қилиш керак. Агар хулоса шу дейдиган бўлсан, қуйидаги ҳолатда қандай муносабатда бўлишимиз керак:

Менга таниш бир мисолни келтириб кўрайлик: кимдир даҳшатли бир ёвузликни бошламоқчи: масалан, бир уй ёки шаҳарни, ёки поезднами, кемани ҳалокатга учратмоқчи ва ҳоказо... Шубҳасиз, бу юзлаб, минглаб кишиларнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Албатта, мен инсоний ахлоқ юзасидан бунинг олдини олиш чорасини топишга мажбурман. Аммо у ўз ёвуз ниятини амалга оширишдан олдин, уни бартараф этиш учун мени ўша ёвузни йўқ қилишдан бошқа чорам қолмайди.

Албатта, мен у ёвузни йўқотиб юзлаб, минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолдим, деган баҳона билан ўз қилмишмни оқламоқчи бўламан. Инчунин, мен қилган ёвузлик қилинадиган катта ёвузлик олдиға кичик нарса бўлиб қолади. Чунки у катта талофатлар келтириши мумкин бўларди. Шунинг учун мен буни ёвузлик деб эмас, аксинча, катта фалокатни, ёвузликни олдини олиш, ёвузликни камайтириш омилларидан бири бўлади, деб биламан.

Менинг мулоҳазаларим шулардан иборат, бу қанчалик тўғри, билмадим, узоқ иккиланишлардан кейин бу ҳақда бирор тушунтириш берар деган ниятда сизга мурожаат этишига журъат этдим.

Агарда ўз тушунтиришларингиз билан мен учун ниҳоятда муҳим саналган ва ноаниқ бўлган бу масалага ёрқинлик киритсангиз, мен Сиздан умрбод миннатдор бўлардим.

Менинг турар жойим:

Саратов шаҳри, пассаж, г. Юренкова. Юриг. отдел. Убайдулле Асадуллаевичу Ходжаеву.»

Сизга самимий садоқат билан, мусулмон:

У. Ас. Ходжаев.  
29 май, 1909 йил. Саратов шаҳри.

Бу мактубни Убайдуллахон ёзгаңда, жаҳонга донги кетган Толстой саксонга бориб қолган, кунига дунёнинг ҳар томонидан юзлаб хатлар келиб, ҳаммасини ўқишга, ҳатто имкони бўлмаган бир маҳалда, олис туркистонлик ўзбекнинг мактубига жавоб қайтариши лозим кўриши!.. Бу бекорга эмас! Мана унинг жавоби:

Ясная Поляна. 1909 йил 5 июнь.

*Убайдулла Асадуллаевич.*

Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак? Кўпчиллик ҳалокатининг олдини олиш учун ўша бир кишига нисбатан зўрлик қўллаш маъқул эмасми?

Афв этасиз, бу саволингиз, кўпларининг шу хилдаги саволлари сингари, ҳақиқатни билиш истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисобланган нарсани адо этмасликни оқлаш истагидан келиб чиқсан. Инсонга меҳрмуҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган идеалини билдиради. Идеалини таомиллинг оддий қоидаси деб билиш эса катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир. Бу ҳаётга ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатига зарурдир, ҳаётга эришиб бўлмайдиган ана шу камолотдан далолат бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат талаб этиш — ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир, шунинг учун уни адо этишга интилиш ҳам керак эмас, деган муроҷаза менга компас тутған шундай бир одами эслатади: йўлда манзилингга тикка бор, деб унинг қўлига компас тутқазганлар, у бўлса, компас кўрсатған тўғри йўлда ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар — тоғлар, гарёлар ва ҳоказолар бор, шу сабабдан ҳам мен мумкин қадар мутлақо тўғри йўналишга тушиб олиш учун компасга риоя қилиб ўтирмай, бошим оғганча четга қараб кетавериш имумкин, деб туриб олади. Қаршилик кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган

сам ёки ёвузликка ёвузлик билан қайтариб қасос олмоқчи бўлсан, унда, табиий, бир ёмонликдан иккинчи ёмонлик пайдо бўлади ва ҳоказо. Агар мен ёмонлик кўрсатмасам эди, бир ёмонлик ёмонлигича қолиб, иккита бўлмасди, яъни ёвузлик камроқ бўларди. Буларнинг ҳаммасидан хулоса шуки, ёмонликка ёмонлик қилмаслик биланми ёки бошқа бир йўл биланми, хуллас, қандай қилиб бўлмасин, ёвузликни камайтириш чорасини қилиши керак. Агар хулоса шу дейдиган бўлсан, қуйидаги ҳолатда қандай муносабатда бўлишимиз керак:

Менга таниш бир мисолни келтириб кўрайлик: кимдир даҳшатли бир ёвузликни бошламоқчи: масалан, бир уй ёки шаҳарни, ёки поезднами, кемани ҳалокатга учратмоқчи ва ҳоказо... Шубҳасиз, бу юзлаб, минглаб кишиларнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Албатта, мен инсоний ахлоқ юзасидан бунинг олдини олиш чорасини топишга мажбурман. Аммо у ўз ёвуз ниятини амалга оширишдан олдин, уни бартараф этиш учун мени ўша ёвузни йўқ қилишдан бошқа чорам қолмайди.

Албатта, мен у ёвузни йўқотиб юзлаб, минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолдим, деган баҳона билан ўз қилмишумни оқдамоқчи бўламан. Инчунин, мен қилган ёвузлик қилинадиган катта ёвузлик олдиға кичик нарса бўлиб қолади. Чунки у катта талофатлар келтириши мумкин бўларди. Шунинг учун мен буни ёвузлик деб эмас, аксинча, катта фалокатни, ёвузликни олдини олиш, ёвузликни камайтириш омилларидан бири бўлади, деб биламан.

Менинг мулоҳазаларим шулардан иборат, бу қанчалик тўғри, билмадим, узоқ иккиланишлардан кейин бу ҳақда бирор тушунтириш берар деган ниятда сизга мурожаат этишига журъат этдим.

Агарда ўз тушунтиришларингиз билан мен учун ниҳоятда муҳим саналган ва ноаниқ бўлган бу масалага ёрқинлик киритсангиз, мен Сиздан умрбод миннатдор бўлардим.

Менинг турар жойим:

Саратов шаҳри, пассаж, г. Юренкова. Юриг. отдел. Убайдулле Асадуллаевичу Ходжаеву.»

Сизга самимий садоқат билан, мусулмон:

У. Ас. Ходжаев.  
29 май, 1909 йил. Саратов шаҳри.

Бу мактубни Убайдуллахон ёзганда, жаҳонга донги кетган Толстой саксонга бориб қолган, кунига дунёнинг ҳар томонидан юзлаб хатлар келиб, ҳаммасини ўқишга, ҳатто имкони бўлмаган бир маҳалда, олис туркистонлик ўзбекнинг мактубига жавоб қайтариши лозим кўриши!.. Бу бекорга эмас! Мана унинг жавоби:

Ясная Поляна. 1909 йил 5 июнь.

Убайдулла Асадуллаевич.

Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак? Кўпчилик ҳалокатининг олдини олиш учун ўша бир кишига нисбатан зўрлик қўллаш маъқул эмасми?

Афв этасиз, бу саволингиз, кўпларнинг шу хилдаги саволлари сингари, ҳақиқатни билиш истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисобланган нарсани адо этмасликни оқлаш истагидан келиб чиқсан. Инсонга меҳрмуҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган идеалини билдиради. Идеалини таомилнинг оддий қоидаси деб билиш эса катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир. Бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатига зарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган ана шу камолотдан далолат бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат талаб этиш — ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир, шунинг учун уни адо этишга интилиш ҳам керак эмас, деган муроҷаза менга компас тутған шундай бир одамни эслатади: йўлда манзилингга тикка бор, деб унинг қўлига компас тутқазганлар, у бўлса, компас кўрсатған тўғри йўлда ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар — тоғлар, гарёлар ва ҳоказолар бор, шу сабабдан ҳам мен мумкин қадар мутлақо тўғри йўналишга тушиб олиш учун компасга риоя қилиб ўтирмай, бошим оғланча четга қараб кетавериш имумкин, деб туриб олади. Қаршилик кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган

мехр-муҳаббат масаласида эса компас доимо одамга нима қилиш кераклигини (сайёхга йўналишни) кўрсатдиган ахлоқий-диний түйғутир; одамнинг хатти-харакатидан келиб чиқадиган оқибатлар эса ҳеч қачон унинг ўзига аён бўлмайди. Шунга кўра, сайёҳ учун компас кўрсатган мутлақ тўғри йўналишга мумкин қадар яқинроқ юриш бирдан-бир раҳнамо бўлганидек, ахлоқий идеалга мумкин қадар яқин бўлишга интилиш — инсон учун бирдан-бир раҳнамо бўлиши керак...

Саволингизга берган бу жавобим Сизни қаноатлантира олса ғоят хурсанд бўлур эдим.

### Лев Толстой

Убайдуллахон нега Толстойнинг бадиий асарларидан олган ўз таассуротлари, унинг нуқсон ва афзалликлари ҳақида эмас ёки унга миннатдорчилик билдириб эмас, инчунин, унинг дунёқарashi, «ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик» ғояси билан қизиқади? Нега? Нима мажбур этган?

Убайдуллахоннинг хат ёзишдан бирдан-бир кўзлаган мақсади битта эди. Яъни ҳурматли Лев Николаевич, Сизнинг ғоянгиз бўйича, Чор ҳукумати Туркистон халқларини ўз эркига қўймай, хоҳлаганча эзаберсин! Зулм ўтказиб, мустамлака қилиб, бойликларини талайберсерсин! «Ёвузликка ёвузлик қиласмаслик керак» деб индамай, курашмасдан тақдирга тан бериб қараб ўтираберсерин, деган холоса чиқмайдими — демоқчи бўлган. Чиқарган хулосасини қара! Мана миллатга жон куйдириш!

Толстойга хат ёзганини айтамиз. Олтмишга яқинлашиб, қамоқ азобларида эзилиб, жисмонан заифлашиб қолган бир ҳолатда, нега инглиз ёзувчиси Киплингнинг ҳайвонлар ҳаётидан олиб ёзилган «Маугли» асарини таржима қилишга тутинди? Ҳайвонлар ҳаёти билан ўзини овутиб, қамоқни унутиш учун эрмакка қиласми? Йўқ, Худо раҳмат қиласин, фақат дарди миллат бўлган! Туркистонни мустамлака зулмидан озод қилиш бўлган! Ҳайвонлар орасига кириб қолган инсон боласи Мауглига ҳатто ҳайвонлар, ўз жинсига боришини истаса, майли, борсин, деб унга эрк берадилар, ихтиёрига қўйиб юборадилар. Ҳайвонларга эрк берадилар! Бизни орамизда ўсдинг, сени боқиб катта қил-

дик, энди ҳеч қаёққа кетмайсан, деб зўрламадилар-ку! Ҳайвонлар орасида шундай эркинлик бўлса, ҳайвонлар ўзлари яшайдиган бедаҳл майдонларига эга бўлса, нега совет ҳукумати ўшанчалик ҳам ўзбекларни ўз эркига қўймайди! Мустақиллик бермайди? Ўзбек халқи шунчалик ҳам мустақил, ўз юрти, ўз қавмлари билан яшаш ҳуқуқига эга эмасми, деган фикрни халқининг ёдига солиш, эркинлик, озодлик ҳақида ўйлатиш, жуда бўлмаса, ҳайвонлар ҳаётидан ибрат олинг, демокчи эди. Мана миллатга жон куйдириш!

Бутун умр халқининг тақдирини ўйласа-да, шундай одам отилишга ҳукм қилинса!.. Дунё тамом бўлди!

Убайдуллахоннинг дўстларидан бири:

— Бу ҳукуматнинг уйи куйсин! — деб, пешонасига уриб, боладек йиглайди.

— Шундай доно одам, бу ҳукуматнинг қандайлигини билиб туриб у билан олишмоқчи бўлса!..

— Бу ҳам донолигидан-да! Бўлмаса, сен билан менга ўхшасинмиди!

— Энди, айтаман-да! Шундай одамларни қамашда халқдан қўрқмаган, уни олдида бизлар киммиз!.. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, деган! Сен билан мени аярмиди, дейман-да.

— Одо қилди-ку! Золим-ку!

Ҳукумат ҳақидаги бу гапни эшишиб худди қўлини ёниб турган чўққа босиб олгандек, — Овозингни ў chir, — деб дўстига сапчиди. Чунки ҳозирги аҳволни тилда айтмаса ҳам ҳамма ичдан биларди, аммо оғиз очиб дардлашиб бўлмайдиган, одамлар бир-биридан қўрқиб қолган, «Ҳай-ҳай!..», «Жим!.. Жим!...» дейдиган замон эди.

— Русияда ўқиб келиб, топгани шу бўлдими? Бу ўрусларни марҳаматими? — деганлар ҳам бўлди қариндош-уруглар орасида:

— Русияга ўқишга юборгани учун отаси Асадулла маҳсумни маҳалладагилар кофирга чиқармоқчи ҳам бўлганлар!

— Ҳай, Асадулла маҳсум ўғлини ўруслар орасида ўқишига осонлика рози бўлган, дейсизми? Убайдуллани мен яхши биламан, кўнглига бир мақсадни тутдими, уни қайтариш — дарёни орқага буриш билан тенг. У мусоифир юртига ҳавасга боришни орзу қилганми, йўқ! У рус-тузем мактабида ўқиб, ўрусларнинг

орасида бўлиб, ўзини сарт, деб маломат қилган аламларини бошидан ўтказган. Бу бир сабаб бўлса, бундан кутулишнинг бирдан-бир чораси донишмандардан бирининг «Ҳар ернинг тулкисини ўз ити билан овла!» деган ҳикматига амал қилиши бўлган. Ёвнинг ичига кирмай, унга қарши курашмоқ, унинг зулмидан қутулмоқнинг иложи йўқ, деган мантиққа амал қилган.

— Бу одамнинг қилмаган хунари, билмаган иши қолмаган. Русиядан ўқищдан келгандан кейин ҳам тиниб-тинчимай, шу халқ дардини ўйлаб, дунёдан бохабар бўлсин, кўзи очилсин, деб «Садои Туркистон» газетасини очди. Ўзи муҳаррир бўлди. Туркистон Мухторияти тузилганда ҳарбий ва ички ишлар вазири бўлди. Ҳа, вазир бўлган! Гуноҳи шуми!

— Отиласмиш-а, энди!..

— Ё тавба!

— Худо асрасин!

— Афу сўраса отишдан қолдирамиди?!

— Шўроларга инсоф берсинг!

Убайдуллани яхши билган сирдошларидан бири:

— Шуро ҳукумати уни энди қамаши эмас!

«Уголовное дело Убайдуллы Ходжаева № 670. 1886 г. рождения. Бывший министр Кокандского Автономного правительства. По образованию юрист. Арестован 20 апреля 1930 года.

Коллегия ОГПУ от 25 апреля 1931 года. Осужден сроком на 10 лет в концлагерь в Северный Кавказ».

1930 йилда қамалганича, 1937 йилда қамоқдан қайтди. Орадан кўп ўтмай, 1938 йил 4 январда яна қамашди. Энди уни отишга ҳукм қилишганмиш! Ё, алҳазар!..

Қамоқдан чиққанига олти-етти ой ҳам бўлмасдан, шу борада нима гуноҳ қила қолдики, ёши бир жойга бориб қолганда яна қамоққа олиб кетилди?! Қандоқ замон бўлди! Ақлли одамларга қирон келди-ку! Астағфурилло... Астағфурилло!

Фақат онаси Тўхтахоннинг қарғиши, нолиши эмас, унинг қадрдон дўстлари орасида «Бу қандай адолатсизлик?» деган каби норозиликлар, тилида бўлмаса ҳам, ичдан қарғаганлар оз эмас эди. Фақаттина Убайдуллахоннинг укаси Башриллахондангина нолишу, ҳукуматнинг шаънига айтилган ҳақорат эшитилмасди. Ақасининг ноҳақ, қамалганлигидан қайғуриб сўзлаганларга қўшилишиб, афсус-надомат чеккан бир сас ҳам

оғзидан чиқмасди. Ҳатто онасининг ҳукуматни қарғаб қилган нолишидан ўртаниб, унга малҳам бўлиш ўрнига:

— Ҳамманинг олдида эҳтиёт бўлинг, қарғиши кўйинг! — дерди ва ҳол-аҳвол сўрайдиган одамлардан узокроқ булишга ҳаракат қилас, акаси ҳақида гап очилганда, ўзини фикр билдиришдан тиярди.

Нега бундай?!

Акаси билан ораларида кўнгил қоладиган гап ўтганмиди?

Ёки акаси олдида гуноҳ қилганми? Йўқ! Йўқ!.. Унинг ҳаёти ҳам қил устида эди. Ахир, у Убайдулланинг укаси эди! Ахир, у ҳам жадид бўлган-ку! Ҳозир ким-лигиндан қатъи назар, шуро ҳукумати сени қамашни истаса, ҳеч қандай сабабсиз, баҳонасиз олиб бориб тиқади. Жадид ёки руҳоний, деб бирор айтса, кифоя.

Башрилахон буни яхши биларди. Акамнинг ғами куйдирган онажонимни менинг ғамим ҳам куйдирмасин, деган азоб оғушида эди!

Замон шундай эди. Бугун пантуркист деб қатор-қатор зиёлиларни, панисламист деб бир оёғи гўрда, бир оёғи тўрда бўлган дин аҳлари, уламоларни қамаш авжига минган эди. Замондан шикоят қилиш, қамалганларга ачиниш билдирганлар уларга ҳамфирк санаалиб, бошлари балога қолиши турган гап эди.

Шундай бир замон эдики, тилида айтмаса ҳам, «Қандай кунга қолдик? Ўзи нима гап? Наҳот, ҳамма ақлли одамлар душман бўлса?» деган ўй ҳамманинг кўнглида бор эди.

Бир хонадонга ўт тушса, тутуни таралиб, ваҳимаси ҳаммаёқни босгандек, Убайдуллахондек эл ичидаш машхур одамнинг қамалиши, у ҳақдаги шов-шув, мишишлар кўпчилик одамларнинг аламига айланган эди.

Аммо ота-онанинг азобини тасаввур этиб бўлмасди!

Буюклик тоғларга хос! Аммо буюк инсон бўлмоқ учун ҳам тоғдек бардош керак!

Ҳамма бардошу сабрни Худойи таоло Убайдуллахоннинг отаси Асадулла маҳсумга берган эди.

Асадулла маҳсум кўринищдан кенг манглай, серсоқол одам. Унинг басавлат қоматига босиқлиги, кишилар билан бўлган сухбат чоғида ҳикматли сўзларни топиб, қисқа сўзлаши яна бир салобат қўшар эди. Шу

боисдан, бу одамнинг қаршисида ҳар қандай киши айтадиган сўзини ўйлаб, тортиниб қоларди.

Убайдулла ҳақида отаси:

— Фикрламайдиган одам енгилтак, серфикр одамчи, вазмин-оғир бўлади. Бошқа ўғилларимга қараганда Убайдулланинг ақди ўсиб, боши оғирлик қилиб, бўйи пастроқ бўлиб қолган, — деб куларди.

Фарзанд ўнта бўлса ўрни бошқа!

Убайдулланинг қамалиши ота-онасини адо қилди. Пешоналари шўр экан!

Ахир, Убайдулла бир қиморбоз, гиёхванд, безори бўлгандага эди, ўз бошига ўзи етди, дердилар, таскин топардилар.

Ундан зурриёт ҳам қолмади. У на орзу-ҳавас билан яшаб фарзанд кўрди, на молу давлат орттириди. Миллат-миллат дейишдан бошқа нимани билди! Беш фарзанднинг ёмони йўқ, аммо Убайдуллахоннинг ақли, одамларга меҳрибонлиги бошқача эди. Мана, энди онаси шўрлик юрган йўлида ўзи билан ўзи гаплашиб, кимларданdir нолиб, кимларнидир қарғаб, дардини тарқатиб юриди.

Аммо Асадулла маҳсумдан нола эшитилмасди. Ўғиллари кимлиги, ниятлари нима бўлгани ҳаммадан кўра унга маълум эди. Ўғли Убайдулланинг ғами билан бир қаторда, унинг қалбини ўғли Башрилланинг эртанги тақдири азобларди.

Эрта уни ҳам қамамасмикинлар, деган хавотир кечалари унга уйқу бермасди. Асадулла маҳсум ўз аламини китоб олиб, gox, Навоий, gox, Бедилдан таскин топарди.

Фарёдки, ҳеч ким йўқ биз билан бул кун,  
Хурамлиқдан ўққодир ҳатто бир учқун.  
Доим бирга бўлган мувофиқ дўстлар  
Борса келмас жойга кетдиilar бутун.

Ёлғиз қолган чоғларида Асадулла маҳсум бу мисраларни ёддан ўқиркан:

— Убайдулахон ўғлим, миллатни ўйлабсиз-ку, адолат ўрнатмоқчи бўлибсиз-ку, аммо дунёда мунофиқлар ўлмаганлигини ўйламабсиз-да. Аттанг! — дерди алам-надомат билан.

Асадулла маҳсум бу гапларни ўз ўғлининг миллатпарвар, элсевар бўлганлигига қаршилигиданмас, йўқ,

асло, аксинча, ҳукуматда адолат, дўстларда вафо йўқлигини билиб, куйганидан айтарди. У зукко одам эди. Замондаги адолатсизликларни тушунарди. Ўғлининг нияти эзгулигини ҳам биларди. Лекин фарзанд тақдири уни ўйлантиради. Замондаги адолатсизликларни билгани учун ҳам ташвиш қилиб, хавфу хатарда яшаб, қайфурарди.

Убайдулла ўғиллари ичида ақли билан бошқаларидан ажралиб туарди. Кичик ўғли Суннатилла маишатга берилган, дунёга ҳирс қўйган бўлиб, бу ўғли ҳақида баъзан:

— Суннатиллани ичкилик енгмаса, мол-мулкка бўлган ҳирс хароб қилмаса, унга ҳеч бало доримайди. Унинг йўли ҳам хато! Аммо Убайдулла унинг батамом акси, миллатдан бошқа дарди йўқ. Бунисиники ҳам ҳозирги замонда хатарли, — дейди.

Асадулла махсум доно одам эди. Фамни ақл билан енгарди. Ўша кунлари, аччиқни аччиқ кесади баҳонаси билан ўғли Суннатиллахоннинг маишат қилиб ўтиргани устидан чиқиб қолганда ҳам, унга қаттиқ гап айтмай:

— Нон ҳалолми, ҳаромми? Буғдой-чи? Ҳаммаси ҳалол! — дейди. — Хўш, шундай бўлгач, бу нарсадан қилинган шароб, нега макруҳ, бўлиши керак?! Буни ҳаром қилган бизларнинг нафсимиз. Ёмон феълимиз эмасми? Олтин ҳам ақллиниң қўлида, қиморбознинг қўлида хазон... Шундай қилиб, ўғлини оқлагандек бўлди.

Фарзандлари ғамида куйиб кетган Асадулла махсум — «кофирга бўстон, мўминга зиндан», — дерди-ю, алами тарқалиб, ўзига таскин топгандек бўларди, дардини кимга айтсин! Бу кўзинг у кўзингни ўяди. Бирор бирорвога ишониб дардлашадиган замон эмас! Битта дардкаш — художўй божаси Юсуфхўжа қори эди. Асадулла махсум ўғиллари ҳақидами, дунё ва оила ҳақидами, нимаики дардлари бўлса, божаси Юсуфхўжа қори билан ҳасратлашиб, кўнгил ёзарди. Бир-бирларига божа бўлишларига қарамасдан, aka-уқадек сирдош бўлиб кетган эдиларки, Убайдуллахоннинг судидан кейин деярли ҳар куни уларнинг уйларидан хабар олиб туарди. Айниқса, суддан кейин одамлар орасида турли миш-мишлар тарқалиб, бирорлар Убайдулла Сталинга хат ёзибди, бир-бирларини биларканлар, оқланибди, эрта-индин чиқармиш, деган гапни айтса,

баъзиларнинг оғзида отиш ҳукми 10 йил қамоққа алмаштирилибди қабилидаги гап юрарди.

Ўша кунлари Асадулла маҳсум ўғиллари ҳақидаги ҳасратини божаси билан дардлашди:

— Ақл ҳамма инсонда бўлади, яхшида ҳам, ёмонда ҳам. Ақли йўқни эса жинни дейилади, одам сафига қўшишмайди. Менинг болаларим ақдизиз эмас. Суннатулла ҳам, Убайдулла ҳам, Башрилла ҳам, лекин буларни ақлли деб ҳам бўладими, қори?! Суннатилла шуро ҳукумати очларни тўйғизади, йўқларни борқилади, деган гапга муккасидан ишонгандардан бири эди. Фирқага аъзо бўлди. Извошда келиб, извошда кетадиган бўлди. 1924 йиллардаги «янги иқтисодий сиёsat»нинг содик малайларидан, фидойиларидан бири бўлди. Шуро ҳукумати айтганича жонини бергудек эди. Худо йўқ, деса, сандан бошқа худо йўқ, дейдиган даражага етди. Охири нима бўлди? Ваъдаларнинг ёлғонлигини сезди, ихлоси қайта бошлади. Мана энди, ўзи билан ўзи олишиб, ўзини қаерга қўйишини билмайди. Савдоинамо бўлиб қолди. Художўй бўлди. Фирқадан чиқди. Қамалиб чиқди. Убайдулла-чи? Уни пайғамбар даражасигача кўтардилар. Вазир ҳам бўлди. Ҳўш, нима ҳаловат топди? Оқибат-чи? Умри қамоқда ўтди!

Бедил айтган:

*Дили ҳасад тўла ичи қоралар  
Доим тухмат ила покни қоралар.  
Шип бурчига оппоқ паҳта илиб кўр,  
Шамондан барча ис шунга ўралар.*

Асадулла маҳсум заҳарханда билан сўзини давом эттириди:

— Дўст билан душманни фарқ қилмаган, лаббай, ақлли бўладими? Бу ҳукумат ўзбекдан ақлли чиқишига хурсанд бўладиган ҳукуматмиди?! Убайдулла пайғамбар бўлиб, шуролар билан олишишдан фойда чиқмаслигига ақли етмади-ку! Умри қамоқда ўтди.

Куйиб-ёниб айтилган бу гапларни эшитган божаси одати бўйича:

— Валлоҳу аълам биссавоб, — деб гап бошлаб, таскин бериш ниятида:

— Ўзбек аҳмок, ақлни ўрисдан ўрган, деган ҳукуматни ҳақ, деб бўладими? — деган жавобни қилди.

Асадулла маҳсум:

— Убайдулланинг хатоси шуки, бу ҳукумат ақлли одамларга кун бермаслигини билмай олишди, қори! — деди-да давом этди.

— Суннатилла молпараст, майшатпараст бўлса ҳам бунга ақли етди. Ҳукумат билан олишиш йўлидан қайтиди.

Албатта, бу билан ўғли Суннатилланинг майшатпастлигини оқламоқчи эмасди. Бу гаплар ҳаммаси алам устида айтилган эди. Золим ҳукуматни инсофга келтирмоқчи бўлиб, умрини қамоқда ўтказгандан, болачақа, уй-жой қилиб, пиёниста, ҳатто ўғри бўлса ҳам, ота-онани куйдирмай, олдида бўлгани маъқул, демоқчи эди. Бу гаплар ҳаммаси энг ақлли фарзанди Убайдуллахонга ниҳоятда куйганидан, умрини миллат деб, ҳақиқат деб бир кун роҳат, ҳаловат топмай ўтказганидан эди.

Бу гапларнинг моҳиятига қулоқ солсанг, булар ўғлинг ниятларидан эмас. Шуро ҳукуматининг адолатсизлигидан норозилик эди. Бедилнинг теран фалсафий рубойилари мағзини чақиб, нозик ҳис қилиб, «бендилхон» деб ном чиқарган бу одам ота сифатида Убайдулланинг умрига ачинарди! Унинг дунёга ўзича қарashi, фалсафаси бўларди. Ўз фикрларини тутилмаган ҳикматлар, ривоятлар билан айтарди. Ўғилларининг феъли ҳақида:

— Суннатилла ичган маст, Убайдулла ичмаган маст. Суннатилла бутун исча, эртага ҳушёр тортади. Бу ичган маст! Ичмаган маст ҳам бўлади! Убайдулла миллатнинг дарди билан маст. Бунинг қулогига ҳеч нарса кирмасди! Уни бу йўлдан қайтариш қийин! Қайсар!.. Ўжар!

Бу гапларни эшитиб ўтирган божаси аксар:

— Асадуллаҳўжа тақсир, яъни бу билан ичган мастдан ичмаган маст ёмон, демоқчи бўлсангиз, ичиб маст бўлиш ҳам мусулмон кишининг иши эмас! Иккаласига ҳам Яратгандан инсоф сўрайлик! Куфрга бормайлик! — дерди.

Юсуфхўжа қори, кўриниши — табиатига мос, ба-ланд бўйли, ихчам салла ўраган, хушрўй чехра, бирорвга қаттиқ-қойирим гапирмайдиган юмшоқ феъли одам бўлишига қарамай, баҳс дин тақиқлаган чоғир ҳақида кеттани учун индамасликни ўзига гуноҳ сана-

ди. Бу унинг пассивлигидан эмас, бу Убайдуллахонга ўта меҳр қўйганидан ҳам эди. Убайдуллахон фақат ўз миллатининг ҳар бир кишиси, ўзининг ҳар бир қариндош-уругларига меҳрибон, ҳолидан хабар оладиган одам эди.

Юсуфхўжа қори терлама касали билан оғриб ётганда, қишли-қировли кунларда ўрус дўхтирларни олиб келиб, ҳар икки кунда хабар олиб турган ҳам Убайдулла бўлган. Юсуфхўжа қорининг ака-ука, амаки, тоғалари бўлган эмас. Ҳаммасининг ўрнида ўғилдек суюнчиқ бўлгани — Убайдулла эди.

Юсуфхўжа қори диндор киши бўлса ҳам, айрим диндорлардек дунёдан, сиёсатдан бехабар одам эмасди. Уйидаги токча жавонда диний китоблар билан бир қаторда Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз, замондош шоирлар, Таваллоларнинг китоблари ҳам бўларди. Юсуфхўжа қори Убайдуллахонни фақатгина қариндош-уругларга меҳрибонлиги, фамхўрлиги учунгина эмас, адолатпарварлиги, нафс кетидан қувмаганлиги, ниҳоятда хокисор, каттаю кичикнинг гапини эътибор, кўзларидан меҳр, очиқ чеҳра билан эшитиши, доно жавоблари учун ҳам севиб қолган эди. Суннатиллахондек нафс кетидан қувмагани учун ҳам алқарди.

Юсуфхўжа қорининг ичкилик, Убайдуллахоннинг қайсараги ҳақида эътироz билдириб айтганлари Асадулла маҳсумга ёқмади.

Асадулла маҳсум Убайдулланинг қайсарагидан нолирди-ю, аслида ўзи қайсарагида Убайдуллахондан қолишмасди. Бирор фикрига қўшилмай жавоб қайтаргудек бўлсанг борми, ўзини оқлаш учун Навоий ёки Бедилни ҳимояга олиб, мот қилмоқ ниятида улардан бирор нарса ўқиб берарди.

Набираларидан бири:

— Тоғамни қайсарагини гапирасиз-у, сиз ўзингиз улардан каммисиз?! — дегандек ҳазил тариқасида гапирган эди, унга ҳам:

— Баҳс, андан келур наҳс! Баҳсда, умуман, ҳақиқат топилади. Ҳалол,adolatli одамлар самимий баҳс қилсалар, тўғри хulosага эришилади! Лекин манман, ўзим бўларман, худбин кишилар баҳсга киришсалар, бу наҳсга айланади! Бу қайсарагик.

— Мунофик бўлгандан қайсараг бўлган яхшимасми? Тоғамнинг ичишини гапирасиз, яшириб қўйганидан

қиттай толиб берсам, банияти шифо, деб шимира-  
сиз... — ҳазил қиласи набира.

— Эй лаънати, беадаб!..

Суннатилла адолатсизлик аламини ичкиликдан ол-  
моқчи бўлди! Адолатсизликка қарши Убайдулла ақл  
 билан курашди! У набирасига ибрат бўлсин учун ри-  
воят айтади.

### Р и в о я т:

Бир она билан бир ўғил яшаркан. Ўғил топганини  
ичаркан. Ҳамма нарсасини сотиб ичиб булибди. Уйида  
битта итидан бошқа бисот қилмабди. Кунлардан бир  
кун майхўр ўғил ҳаддан ташқари қайф билан ялансиб  
келиб, онага овқат топасан, деб жанжал бошлабди.  
Ўзи оч она нима қилишини билмай, жанжал оқибатда  
фожиали бирор кор-ҳолга айланмасин, деб янги туқ-  
қан итининг иккита боласидан биттасини пишириб  
берибди. Ўғли бу билан ҳам тинчимабди. Иккинчиси-  
ни пишириб берибди. Бир неча кун оч қоринга ичган  
ўғил, бу билан ҳам қаноат ҳосил қилмай, мастилиги  
авжига чиққан экан, она шурлик:

— Болам, берадиган ҳеч нарса қолмади, энди бор-  
сам, онаси қопади, — деган экан.

Сиртдан қараганда, Асадулла маҳсум билан гурунг-  
да бўлган бу гаплар ҳазил-хузул, кулгилиқдек туюлса  
ҳам, ҳеч бири ибратдан, ақлдан холи эмас эди.

Бу оиласигиларнинг сұхбатларида бўлган чөғларда  
на қариси, на ёшида бирор ўринсиз гап, ножӯя қилиқ  
қўринмайди! Ҳазилида ҳам, можароси-жанжалида ҳам  
мантиқсиз, беадаб сўз оғизларидан чиққанини эшиш-  
майсиз. Бу оиласигиларга шаллақи сўкишлар ёт. Ҳар  
қандай ўзаро жанжалли масалалар ҳам уриш-сўкиш  
 билан эмас, мантиқий баҳс билан ҳал қилинарди. Ва-  
ҳоланки, ҳар қанча асабийлик, кўнгилсизлик бўлса  
шу хонадонда бўлиши керак эди! Бу хонадон бошида  
бир умр тегирмон тоши айланган! Лекин Тошкент  
шаҳрида бошқа — бунчалик ўз халқи, ўз миллатига  
бутун ҳаётини тиккан, билимдон, маданий кишилар  
оиласини тополмайсиз. Бу оиласининг боши — мудар-  
рис Асадулла маҳсум бўлса, ундан кейин ўғиллари —  
Убайдуллахон, Башриллахон, Суннатиллахонлар!

Ўтирганлар набира билан кекса буванинг ўзаро  
ҳазил баҳсларидан маза қилиб кулардик. Завқ олар-

дик. Чунки бу баҳс ўзаро бемаъни можаро эмас, доим кишини ўйлантирадиган, ибратомуз бўларди.

— Ҳамма гапнинг ўз вақти, ҳамма ишнинг ўз ўрни бор. Ўжарликни ҳам, ҳатто сен айтмоқчи мунофиқликнинг ҳам... — Асадулла маҳсум шундай деди-ю, фикрига далил излади.

Ахир, бу дунёда тенг эмас беш кўл,  
Барига бир юмуш бериб яратган.  
Ҳар инсон ахтарар ўз-ўзига йўл,  
Феъли-авторин ҳам билиб яратган.

Дунё шу эканми, ранжима сира  
Бирор гар тик боқиб, берса ҳам озор.  
Дунёда мунофиқ бўлишдан кўра,  
Афзал-ку, гардини сўзламоқ ошкор.

Захри ўйқ, дейдилар, бетга айтганни,  
Сен бунга шукр қил, сен бунга қувон.  
Шубҳа азобидан кутқармии сени,  
Яхши-ку, ариса қалбингдан туман.

Кимдир кўз олдингда ҳақорат этса,  
Бунинг азобига чидамоқ мумкин.  
Шайтонлар ўзларин фаришта деса,  
Унинг қиёфаси очилур бир кун.

Аммо баъзилар бор, на қаҳру раҳмин,  
Унинг қиёфасин билмайсан аён.  
У руҳми, шарпами, еттайди фаҳмишиг,  
Дўстим, ҳаммасидан мана бу ёмон.

Қиёфасиз одам!.. У қандайлигин  
Таърифламоқ маҳол! Ана турар у.  
Даштдаги саробга бирпас тикилгин,  
Қиёфасиз одам худди мана шу!

Дўстим, бирор даҳрий, бирор художуй,  
Дунёни тарк этмас ҳеч вақт эътиқод.  
Қиёфасиз одам еяр-ичару  
Маслагин айтмоқдан ор қилар, ҳайҳот!

Жанг чоги бурчакдан термилар улар  
Кимнингдир ғалаба қилмогин кутиб.  
Уни зафарига қўшмас ғолиблар,  
Маглублар юзига кетар туфуриб.

Зилзила силкитар, дўстим, ногаҳон,  
Сени ғафлат ичра қолдиради у.

*Баъзан вайрон қилар боғларни вулқон —  
Киёфасиз одам худди мана шу!*

*Баъзан кўз олдимга келар аргимчоқ,  
Доим икки томон тебранади у,  
Кўзимга қўринар гоҳо қўғирчоқ...  
Киёфасиз одам, худди мана шу!*

Нима бўлса ҳам Убайдуллахоннинг отаси-да! Убайдуллахон бекорга адвокат бўлмаган. Отадан юқсан. Юқсанда ҳам шундай юқсанки, отдан той ӯзадиган бўлиб юқсан.

Бу оиласда эрталабки чой пайтидами ёки оила аъзолари жам бўлиб қолган бошқа пайтдами, қилинадиган бир иш устида гап кетганда, ӯзаро фикрлашиб, баъзан баҳслашиб, нега шу иш қилиниши кераклигини аниқлаб олинмагунча, «ҳа», «йўқ», «бўлади» дейиш билан унга қўл урилмасди.

Лекин Асадулла маҳсумнинг қайсарлик ва мунофиқлик ҳақидаги фалсафаси ўғли Башриллахонга маъқул бўлмади.

Убайдуллахон қамалгандан бери, мана, неча ойлар ўтдики, у билан қўришиш учун уйидагиларга бир марта ҳам рухсат этилмаган. Ахир, уни, худо қўрсатмасин, отишга ҳукм қилишган. «Бунинг олдини олишнинг чораси борми, йўқми? Бирдан-бир чора акамнинг Шўро ҳукумати олдида гуноҳим йўқ, деб чиқарилган ҳукмни адолатсизлик, деб шикоят ёзиши ёки гуноҳ, қилган бўлса, гуноҳини кечиришларини айтиб, афв сўраши керак! Бошқа йўл йўқ! Хўш, айни фурсатда қайси бири тұгри?! Қайсарлик, ўжарлик қилиб ҳаётдан маҳрум бўлишми ёки ёмонлигини била туриб, сен яхши, сендан ит яхши қабилида иш туттганими?! Албатта, акам ҳеч маҳал афв сўраб ёзмайди. Бу табиий! Аммо неча йил ўрусларнинг ичида үқиб, қонунларини ўрганиб, Шўро ҳукуматининг феълини билган адвокат одам, наҳотки, бу чангальдан қутулиш йўлини тополмаса! Наҳотки, бу ваҳшний чангальдан қутулишнинг иложи бўлмаса!»

Бу чангальга кимлар илинмади?!

Убайдуллахон ҳибсга олинишидан бир неча вақт илгари қамалган Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли Тошкентдан Москванинг Бутир турмасига олиб кетилибди деган гап тарқалди. Нега? Бу Тошкент қамоқ-

хоналари тўлиб бўлгалигиданми? Ёки янги ўлжаларга жой тайёрлаш мақсадидами?

Ўша кунлари Чўлпон ҳам қамалармиш, деган даҳшатли миш-мишлар пайдо бўлиб қолади. Буларнинг мақсадлари нима эди? Қамалиш сабаблари нима? Одамлар ваҳимада эди.

Лекин халқ орасида ўзининг ақли, истеъоди, меҳнати билан яхши ном чиқарган бу кишилар нега қамалганлар, қандай гуноҳ қилган бўлишлари мумкин?! — ҳеч ким билмасди.

Башриллахон акаси ва замон ҳақида ўйларди-ю, эртага ўзининг тақдири нима бўлишидан бехабар эди.

\* \* \*

Башрилла нега қамалиши керак?

Башриллахоннинг акаси Убайдулла Шуро ҳукумати даврида сиёсий давлат идораларида ишламаган. Адвокат бўлган, холос. Башрилланинг эса бу даврдаги таржимаи ҳоли бутунлай ўзга! У қайси гуноҳига, нега қамалиши керак?! Ўйлаб-ўйлаб, асосли бир жавоб тополмай, ўзидан хавотирланмаса ҳам, аммо бир нарсага амин эди. Шуро ҳукумати хоҳдаган одамини — гуноҳи борми, йўқми — қамашига ишониб қолган эди! У бутун босиб ўтган йўлларини — савобу гуноҳларини хаёлидан бир-бир ўтказиб, ўзидан гуноҳ излаб кўрарди.

«Менинг отам катта мулк эгаси, судхўр бўлсанки, муштумзўрнинг ўғли деб Шуро ҳукумати мени қамаса!.. Наҳотки!.. Бизларда на завод, на фабрика! Замаска пиширадиган хизматкорлар ҳам бўлмаган. Фақат бисотимиз ичкари-ташқари ҳовлимиз бўларди. Ҳовлимизга катта дарвозали узун бостирамадан кириларди. Мана шу бостираманинг тагида катта-катта қозонларда алиф, елим, яна бўрга ўхшаган нарсанинг талқонини қўшиб қайнатилиб, замаска тайёрланарди. Кўчада ойна соламан деб юрганлар шу ердан келиб замаска олиб кетардилар. Отамнинг даромади рўзгоримизга етарли бўлмагани учун унинг ёнига кириб ёрдамлашадиган бўлдим. Қиши фаслида, ишдан ташқари вақтларда рус-тузем мактабида ўқиб, 1902 йилда уни тугатдим.

1900 йилда отам шаҳарнинг ўруслар яшайдиган қисмида бақдолчилик дўкони очади. Бу билан бой бўлганимиз йўқ, агарда бой деб қамамоқчи бўлсалар!.. Ти-

рикчиликни амаллаб ўтказардик. Бу ерда отамга ёрдамлашиб овруполиклар ҳаёти ҳақида анчагина малаками ни оширдим. Рус тилини үргандим. 1905 йилдан турли суд маҳкамаларида тилмоч бўлиб, 1907 йилдан Тошкент вилоят судида маъмурий ходим вазифасида 1917 йил февраль инқилобигача ишладим. Ўзимни-ўзим моддий томондан таъминлай оладиган даражага етган бўлсам ҳам, ерли халқнинг маданий ва моддий жиҳатдан русларга қараганда қолоқлигини эътиборга олиб, шундай шароитда ўз халқимга ёрдам кўрсатишни ўзимга муқаддас бурч деб билдим.

1909 йили ўз яқинларим билан биргаликда «Ёрдам» жамиятини тузиб, шу орқали камбарал, муҳтоҷ янги усулда ўқийдиган ўқувчиларга ёрдам кўрсатишни лозим топдик. Буни амалга оширишнинг ўзи бўлмади. Маблағ керак. Бу маблағ қаерда? Ким беради? Қай йўл билан топиш керак? Кунлардан бир кун шу хаёлда савдони ҳам унутиб, қўлимда китоб, ўқиганча хаёлга берилиб кетганимни кўрган одам, мени синаш учун бўлса керак:

— Китоб ўқиб, илм ортириш, вақт ўтказиш нимага керак? Қай йўл билан бўлса ҳам пул топиб қорин тўйса, бир кун ўтса бўлди, эмасми? — деган гапни айтди. Мен ҳам бўш келмадим. Отам ўзи айтиб юрадиган Шайх Саъдийнинг илм олиб амал қилмаган олим, устига китоб ортилган эшак билан баробар, деган ҳикматни айтиб, жавоб қилдим.

Менинг бу жавобимдаи, демак, мен айтганларим ўғлимнинг қулоғига кирибди-да, деб хуроса чиқарган отам:

— Устига ўтинми ва ё олтин ортилганлигини фарқ қилмаган эшақдан фақаттинга ўз нафии ўйлаб яшаган олимнинг илмдан бехабар жоҳил одамлардан нима тафовути бор? — деди қувонч билан.

*Осмондаги тайёралар, боқил, қаёнга боралар,  
Эй нафс ила оворалар, нечун кўролмайсиз ҳануз.*

*Аскар отиб ёй, замбарак, борларни қилди бодроқ,  
Сиз, боғга чалиб тартарак, сопқон отолмайсиз ҳануз.*

Нега бизлар шундай бўлиб қолдик? Бунинг сабаблари нимада?

Туркистон халқининг фаҳм-фаросати, ахир, уларни издан камми? Кам бўлган бўлса, нега? Ёки бизлар

құлиға китоб тутмаган бадавий халқындық, шундай бир ахволга тушиб қолдикми?!

Мен «Ёрдам» жамиятининг 1917 йилгача бирдан-бир котиби бўлиб келдим. Аммо халқни мұхтожлик ва қолоқлиқдан қутқармоқ, учун жамиятга қылган хайрзакот, сайл, кўрсатилган томошалардан тушган мабларнинг ўзи етарли эмас эди. «Турон» номида маданий-маърифий жамият ташкил қилиб, спектакллар қўя бошладик.

Омма олдида ўқишилар уюштиридик.

Маҳаллий халқ тилида газета чиқара бошладик.

Халқ орасида маданий сиёсий-тарғибот ишлари олиб бориш, бу сиёсий фаолиятнинг бошланиши, деб қараган полиция, фақат мени эмас, ҳатто менинг атрофимдаги илғор фикрловчи кишиларни таъқиб қилишга киришди. Мен ҳам, шўролар ҳам чор ҳукуматига қарши курашдик.

Нега энди шўролар мени душман деб қамаши керак?! Бу фақат полиция эмас, ҳатто диндорлар ҳам бизларни диндан қайтган жадидлар, деб халқ ичида душманга чиқариб, чор полицияларининг ёнига билар-бilmас кира бошладилар. Жоҳил диндорлар тутган йўл жадидлар учун Чор ҳукуматидан ҳам хатарли эди. Чунки «ғазот» дейилса, бас, оломоннинг улар кетидан эргашиши ҳеч гапмас.

Мен жадидлар кимлигини тушунтиришни истадим. Тўғри, намоз, рўза, хайрзакот, ҳаж, булар албатта, мусулмонликнинг белгилари, лекин мусулмончилик учун булар кифоями? Негаки, булар ҳаммаси худо йўлига эмас, жаннатга тушсан, деб ўзлари учун қилинган ибодатлар. Мусулмончилик ўз моли учун, ўз жони учун эмас, мусулмончилик бу — худо йўлига холисанилло нима қилдинг? Бир мұхтожнинг мушкулини осон қилдингми? Жон куйдириб халқни зулмдан озод қилдингми? Ўн кунда аравада борадиган ерга, дақиқаларда етиб борадиган аэропланлар қилишга жон куйдириб, худо йўлига савоб учун холисанилло ёрдам бердингми?!

Бир ноҳақ, жабр чеккан одамни золимнинг зулмидан қутқармоқ савоб эмасми? Халқни тутқунлик, бирорвга қарамлиқдан озод қилиб, тараққиёт учун курашмоқ бўлганларга, наҳотки, жадид деган тамға босилиб, гуноҳ саналса! Худони танимоқ, унга етмоқ — илм билан, дейилган-ку Қуръони каримда!

Кишилар қанчалик илмга берилсалар, шунчалик уларнинг худога ишонишлари ортгай. Ахир, Абу Али ибн Сино мурдага жон киритмоқ даражасида илмга берилди, оқибат-чи? Ҳар бир дардга даво топган-у, аммо жон ато қилмоққа келганда, банданинг ожиз эканлиги, бу фақат худонинг қудрати эканига тан берган. Ҳар бир китобини худога ҳамду санодан бошлиган. Худонинг бирлигига яна ҳам имон келтирган. Нахот, домлалар буни рад этсалар?

Улуғбек илм билан самовий сайёralар сирини топа бошлиди, бир эмас, ўн эмас, юз эмас, минг юлдуз сирини топмоққа илми етди. Аммо само сирлари очила борган сари унинг олдида дунёнинг бепоёнлиги аён була борди. Ахийри, худо олдида ўзининг ожизлиги аён бўлиб қолди. Бу, ўн саккиз минг олам фақат қудратли Парвардигорга аёнилиги, унинг амрига боғлиқ эканлигига яна бир бор иқрор бўлди-ю, ҳар бир ишга қўл урганда Тангри таолога мурожаатдан бошлиди.

Насоро динига мансуб Лев Толстой ҳам охиратга ишонган, художўй бўлган. Чунки у ҳам илм билан дунё сирларини ўрганган сари худонинг қудрати бепоён эканлигини фаҳм этган. Менинг гуноҳим отам айтган жоҳил диндорлару ўз нафсининг қурбони бойваччаларга қарши курашганимми?! Шўро ҳукуматининг мақсади ҳам шундай бўлганку! Нега энди мени душман санаб қамаши керак?!

Туркистон ҳалқининг манфаатини кўзлаб «Иқтисад», «Қишлоқ хўжалик ўртоқчилиги» жамиятини ташкил қилдим.

Бу меҳнатимни Чор ҳукумати қуруқ қўймади! Сургундан қайтгандан кейинги, яъни шўро ҳукумати вақтида 1917 йил февраль инқилобидан кейин Эски шаҳарда ўтказилган намойишлардан бирида мусулмонларнинг «Шўрои Исломия» кенгашига аъзо қилиб сайдандим. Шундан кейин мен шу кенгашнинг топшириғи ва ҳалқ сайлаган бир вакил сифатида 1917 йилнинг ўрталаридан эски Тошкентда биринчи маротаба озиқ-овқат қўмитаси туздим. Ва шу кунларда шаҳарнинг Эски шаҳар қисмида тартиб ва тинчликни саклаши учун кўнгиллардан тузилган милициялар қаторида ўз ҳиссамни қўшдим.

Менда коммунистик партиянинг раҳбари Ленин-

нинг қилган ваъдаларидан айримларига шубҳа туғилган бўлса-да, умид билан қарадим.

1918 йилнинг июнида собиқ Эски шаҳар савдо ходимлари уюшмаси, кейинчалик совет ходимлари деб аталган уюшма тавсияси билан партия сафига қабул қилиндим. Ва ўша кундан менинг партиявий фаолиятим бошланди...

1918—1919 йилларда Тошкент ижроия қўмитасининг бир неча чақириқларида халқ маорифи комиссияси аъзолигига сайдандим. Кейинчалик эски Тошкент халқ маорифи бўлимини ташкил қилиб, уни бошқардим.

Нега энди мени Совет ҳукумати акам билан бирга қамаши керак?!

Шу йили Туркистанда оқ гвардиячи осиповчилар исён кўтардилар. Улар билан курашиш, яширган тўдаларни топиб, инқилоб номидан ҳибсга олиш ҳам, айни замонда, вақтли инқилобий трибуналнинг раислиги ҳам, жиноятчиларни аниқлаб, уларни суд қилиш ҳам менинг зиммамга тушган эди.

Советларга нима хиёнат қидимки, энди жазоласа?! Шўроларга менинг нимам ёқмай қолди?! Халқимнинг дардини ўйлаганимми?! Шунга қамайдими! Бу қайси инсоф қонунига киради!

Шўро ҳукумати томонидан қандай вазифа юклатилган бўлса, ҳаммасини ишонч ва қувонч билан бажардим. Кучимни аямадим. Шўро ҳукуматини худо етказиб, унинг бирдан-бир орзуси очларни тўқ қилиш, ўзидан бошқани ўйламаган бойларни йўқ қилиш, мустамлакачилар зулмидан озод қилиб, қолоқлиқдан тараққиётта юз тутиш бўлганда, бундай ҳукуматнинг топшириқларини бажонидил, чексиз шодликлар билан, бутун куч-ғайратингни сарфлаб адо этиш катта баҳт, деб ўйлардим.

Аммо мен алдандим.

1919, 1920 йиллардан то 1921 йилгача Марказий ижроия қўмитасининг аъзоси, Халқ маорифи комиссарлиги коллегиясининг аъзоси, айни вақтда Озиқ-овқат комитети қошидаги Молия бошқармасининг бошлифи вазифасини бажариб, ҳамма хизматларим эвазига ўзимнинг иштирокимсиз, орқаворотдан райкомнинг қарори билан коммунистик фирмә сафидан чиқарилдим.

1921 йилнинг 30 март ойида аксилинқилобий фитнапинг аъзоларидан бири сифатида «ТуркЧК» томо-

нидан ҳибсга олиниб, душман сифатида қамашди. (Ҳибсга олишга келганиларнинг бирини танирдим. Уларнинг бири рус, бири ўзбек эди. Аммо уларнинг ҳар бири қўпол хатти-ҳаракати, важоҳати билан мен сени танимаганман, демоқчилик бўларди.)

Улар ҳовлига киришлари билан аввал ўзим қайси хонада туришим, бисот-анжомлар ўзимга тегишлими эканлигини сўрашди. Уйдаги ҳамма нарсаларни отиб-сошиб, тинтуб бошлашди. Ўз ихтиёларига қўйиб бердим. Хотиржам эдим. Чунки ўзимнинг ҳеч қандай гуноҳим йўқлигига қанчалик ишонган бўлсан, ҳатто буларнинг «ЧК»дан эканликларига, шундай бўлган тақдирда ҳам, бу қандайдир тасодифий англашилмовчилик эканлигига ишонган эдим. Қамалишим мумкин эмаслигига мутлақо амин эдим! Шуро ҳукумати олдида менинг қандай гуноҳим бўлиши мумкин?! Ахир, Совет ҳукумати эшик қоқиб Туркистонга кириб келган биринчи кунданоқ, унга жон куйдириб, садоқат билан, қайси соҳада бўлмасин хизмат қилганиларнинг бири мен эмасмидим?! Нега қамалишим керак?! Йўқ, қамашмайди!

Мени безовта қилган, хавотирга солган қамалишим эмас, бутунлай бошқа нарса. Ҳовлининг охиридаги уйимизнинг хоналаридан бирида оғир касал билан оғриган — бемор онам ётарди. Менинг бошимга тушган ҳозирги аҳволни онамнинг билиши, илиниб турган жоннинг узилишига олиб келиши ҳеч гап эмас эди.

Тақдирим ҳақида ташвиш чекиб, ортиқча ўйламаслигимнинг сабабларидан бири ҳам шу эди. Бутун хаёлим онамда, қандай бўлмасин, мени қамоқда олиб кетишга келганлар онам ётган хонага кирмасалар бўлдида эди. Бу фожиани онамга билдирамаслик эди. Чунки бошига Убайдуллахон солган ташвишнинг ўзи унга етиб ортарди. У бечорани адo қилиб тўшакка ётқизган ҳам шу эди».

Бир фарзанднинг ғами — она учун кам эмас.

Бугун Башриллахоннинг ҳам қамалишини эшитса, бу оғир юкни кўтаришга, худо ўзи тўзим бермаса, юрагининг бардош бериши гумон эди.

Асадулла маҳсум Убайдуллахоннинг дарагини суроштириб билиш билан мана, неча вақтки, эрталаб кетиб кеч келиб — овора. Бугун ўғли Башриллани ҳам

құлига кишан солиб қамоққа олиб кетсалар... О, ота шүрлік!

«Эй Парвардигор!

Рахминг келсин-у, шу кунларда оғир ётган она үлиб қолмасин, фарзандлари мушкулини үзинг осон қил! Омин!»

Башриллахон ақлини таниғандан бери күрган-кечирганию қылған ишларининг ҳаммасини жиddий үйлаб күнглидан үтказди-ю, аммо үзидан қамалишга лойиқ гуноҳ саналадиган ҳеч нарса тополмади.

Убайдуллахон-чи? Хүш, унинг қамалишига лойиқ гуноҳи бормиди?

Шундай фикр унинг ҳам хаёлидан үтмаганмикан? Қамоққа тушган кунидан то шу вақтгача қанча фурсат үтган бўлса, терговчининг қистовга олиб берадиган саволи битта эди. Бугун яна терговчи, ӯз гапини Убайдуллахоннинг жонига теккан шу саволдан бошлади:

— Сен чор Россияси даврида ҳам ҳукумат учун энг хавфли душман санағансан! Мана, бу ҳужжатлар шуни тасдиқлайди. — Терговчи машинкада күчирған Убайдуллани айбловчи Чор охранкасининг бир неча ҳужжатларини унга кўрсатиб, ӯқишга беради.

Бу ҳужжатлар Убайдуллаага таниш, тухматлардан иборат бўлгани учун, кўзойнагини тақиб кўз юргутади-ю, ӯқимасданоқ терговчига қайтариб, столига кўяди.

— Бу далил-ку, — деди терговчи Убайдуллладан жавоб кутиб.

— Тўғри, далил! Лекин мени гуноҳкор қиладиган эмас, асоссиз далиллар!

— Демак, Чор ҳукумати сени асоссиз қамаган?..

— Шундай!

— Биз ҳам асоссиз қамадикми?! Бизга ҳам ишонмайсан!

Убайдуллахон баҳслашишнинг бефойда эканлигини биларди. Чунки қамоққа биринчи марта тушиши эмас. Ҳақни айтиб, ишонтириб бўлмаслигига ҳам ақли етарди. Шунинг учун билганингни қиласавер, мени ҳам, ӯзингни ҳам қийнама, дегандек, қисқа қилиб:

— Мен ӯзимнинг бегуноҳдигимга ишонаман, булар ҳаммаси тухмат! — кўнглидагини айтди-қўйди.

Бу терговчининг сабр косасини тўлдиради. Чунки терговчи терговни тутатиб, шундай судга ёки «учлик»-ка (тройкага) ошириш учун бир оғиз бўлса ҳам Убайд-

дуллахоннинг «мен айборман» деган иқори керак эди. Лекин уни қанча қийноқларга солмасин, — уриб ҳам кўрди, неча кунлаб овқат бермай карцерга ташлади, — оғзидан мен гуноҳкорман, афв сўрайман, деган гап чиқмади. Бугун ҳам шундай бўлгач, ғазабига чи-долмаган терговчи:

— Демак, фақат Чор ҳукумати эмас, совет давлати ҳам сени бекорга қамаган!!! Асоссиз, хавфли одам сана-ган! Шундайми? — деди-ю, бақириб қўлидаги ручкани унга қараб отди. Тепасига келиб панжалари билан оғзи-ни ёпиб, гоҳ деворга, гоҳ курсига бошини ура берди.

Бугунги тергов шу билан тугади. Қамоқхонанинг фақат бир маҳал сув ва нон бериладиган яккахонасида ойлаб ётиб ҳолдан кетган Убайдуллахон кейинги терговларга ўз оёғи билан юриб чиқолмайдиган аҳволга тушиб қолди. Лекин шу аҳволда ҳам эртадан кечгacha бир нарсага жавоб изларди. У ҳам бўлса, «Душман ким бўлади?», «Душманлик нимадан иборат?» деган савол эди.

Атроф тўрт девор ва фақатгина темир панжарага ўралган темир эшик тепасидаги чироқ. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Унга тикилиб хаёл суруб ётган Убайдулла нимадандир чўчигандек бирдан ўрнидан туриб ўтириди. «Ўзи, ҳа, ўша!» — деб чироқнинг панжарасига диққат назари билан қаради.

Ойлаб бир хонада ётабергацдан кейин ҳам ҳамма нарса кўзингга таниш, сенга ёд бўлиб қолар экан. Убайдулла чироқ панжарасининг бир томонга букилган темириданми ёки туйнукнинг бир кемтик жойи-данми, ҳозирги ётган камера буидан бир неча йиллар олдинги ётган хона эканини таниб қолди! Шу баҳона ўша тергов давридаги азоблари, ўн йилга қамоқقا ҳукм қилингани, қўйилган ишлари, ёр-биродарларини хаё-лидан кечириб:

— Қайси қилмишимга Чор ҳукумати мени хавфли одам санаб таъқиб этди?! Хавфлилигим нимадан ибо-рат? Қайси гуноҳимга Шўролар мени душман деб қамади, жазолади? Душманлигим нимада?! Ҳаммаси-ни айтаман энди! Ҳаммаси қофозга тушиб қолсин! Ке-лажак авлод энг хавфли одам, душман кимлигини билсин. Тақдиримни Оллоҳга топширдим!.. Келажак ҳукм чиқарсин! — деган хулосага келди.

Тергов давом этарди.

СОДИҚЛИК

Хар бир она ўз фарзандингнинг қобил-солиҳ, бўлиши, узоқ умр куриши, фарзанд доғини кўрсатмаслигини Худойи таолодан тилайди. Аммо, баҳтга қарши, бу онанинг фарзандлари орасида қобил-солиҳи ҳам, эл ичида энг эътибор топгани ҳам, умр бўйи куйдиргани ҳам Убайдуллахон бўлди.

Убайдуллахон (қариндош-уруглар, оила ичида Убайдуллахон деб юритилса ҳам, расмий ҳужжатларда Убайдулла Асадулла Хўжаев деб, баъзан Асадуллаевич Хўжаев деб юритилади).

*Илоё, қорайсин фалакнинг юзи,  
Жафо бирлан жуфтут вафо бирлан тоқ, —*

дейилганидек, халқнинг баҳтига завол бўлганлар ҳукмронлик қилиб, Убайдуллахон каби ўз халқига бекиёс меҳр қўйган ватанпарвар, садоқатли кишилар таъқиб остига олиниб, Чор ҳукумати учун энг хавфли шахс ҳисобланди. Чор ҳукуматидан рўшнолик кўрмади. Бу жиҳатдан уни большевиклар фоясига яқин деса бўларди. Ваҳоланки, акси бўлди. Шуро ҳукумати ҳам уни ўзининг энг ашаддий душмани деб билди. Чор Русияси давридаги таъқиблар бунинг олдида ҳолва бўлиб қолди.

У нимани истарди? Нега бундай бўлган? — деган савол туғилиши ҳам табиий.

Ҳали сургун қилинди, сургундан қайтгач, узоқ йиллар дийдор кўришмаган қариндош-уруглари билан қайтадан учрашишга ҳам улгурмай, яна қамадилар. Бу билан ҳам ундан қутулмадилар, ахийри отишга ҳукм қилиб кўрдилар.

У нимани истарди? Мақсади?

Икки тузумга ҳам у нега бу қадар хавфли душман санаиди? Ёки у қатъий бир йўлга эга эмас, худбин, шуҳрат кетидан қувган оғмачи шахсмиди?! Йўқ! Ўз болаларининг бундай аччиқ тақдирига даставвал отаси сабаб бўлди. Болалар унинг таъсирида ўсди.

Асадулла маҳсум навоийхон, бедилхон, дунёвий илмлардан боҳабар, ўз касби тақозоси — руслар би-

лан яқин алоқада бўлган одам эди. Убайдулла оиласда бош ўғил бўлгани учун отаси улфатлари билан китобхонлик қилган вақтларида меҳмонлардан хабар олиб туриш ҳам, отасининг ишига ёрдамлашиш ҳам 11—12 ёшлариданоқ Убайдулланинг зиммасига тушган эди.

Отасининг китобхонликларидан олган таассуротлари баробарида руслар билан отасининг иш юзасидан яқинлиги, уларнинг ўзбекларга муносабатлари ҳақида айтилган фикрлар ёшлигидан илмга берилган, зийрак, отаси туфайли анчагина саводи чиқиб қолган Убайдуллага таъсир этмай қолмаган эди.

Убайдулла ёшлигидан серфикр бўлиб ўсади. Шайхонтахур мадрасасининг мударриси, Тошкентдаги табаррук одамлардан бири ҳисобланган буваси Зайниддин маҳсум, Убайдулла туғилганда қулогига аzon айтар вақтида башорат қилиб:

— Бу болада бир ҳикмат бор. Бу боладан «ё олим, ё золим чиқади» деганидек, улғайганда худди шундай бўлади. Кимларгadir бешафқат, ўз ҳалқига фидойи, меҳрибон сиймо бўлиб етишади.

Убайдулла туғилган ҳовли ҳам буваси мударрислик қилган мадрасанинг шундоққина қаршисида бўлган.

Мадраса кўчадан бир қадар баландликда жойлашган бўлиб, унинг атрофидағи нақшинкор масжиди жоммелар, уларнинг кўкка буй чўзган мезаналари салобат тўкиб, Тошкентнинг ҳар томонидан кўриниб турарди. Бу муқаддас зиёратгоҳга бир неча ўнлаб зипалардан кўтарилиб, икки табакали ўймакор дарвозадан ичкарига киришингиз билан янги манзара кўз олдингизда кўринади. Дарвозанинг икки ёнида тим остидаги қатор дўконларга дуч келасиз.

Шайхонтахур маҳалласи Тошкентнинг диний марказларидан бири ҳисобланган бўлса, иккинчи ёқдан Тошкент шаҳрининг энг кўп ўруслар яшайдиган, Янги шаҳар деб аталадиган қисмига ҳам туташ бўлган. Руслар яшайдиган тарафи Янги шаҳар, ерли халқ — ўзбеклар турадиган томони Эски шаҳар, дейилган. Шайхонтахур маҳалласи оврўполилар яшайдиган Янги шаҳарга туташ бўлгани учун, Тошкентнинг бошқа даҳаларида гиларига қараганда, бу ердагиларда оврўполиклар таъсири ҳамма соҳада — майшат, ичкилик ичиш, дунёқарашда ҳам кўпроқ сезиларли бўлган. Энг аввал

шапка кийиб, соч қўйғанлар ҳам шайхонтахурликлардан чиққан.

Тошкентда тушган биринчи трамвай йўлининг охирги бекати ҳам шу даҳада бўлган.

Трамвайга чиқиб тушиш ҳам ўша замонларда ҳаммага бирдек одат эмас эди. Тез юриб кетаётган трамвайдан мақтаниб сакраб тушиб, оёқдан ажраганлар ҳам оз бўлмаган. Ўзбек халқининг ўша даврдаги машхур шоири Тавалло ёзганди:

*Ёшлар, бу кун билингиз, ҳамма ғайрат қилингиз,  
Мактаб сари юрингиз, ўтмасин ой-йилингиз.*

*Элни кўриб уялмай, бир зарра ибрат олмай,  
Трамвайдан тушолмай, ўтмасди ой, йилингиз.*

*Бизларни Оврўпода юргузмаюр пиёда,  
Кўкрак очиқ ёқада, ўтмасин ой-йилингиз.*

Албатта, миллат дарди билан ўртаниб яшаган шоир трамвайга чиқиб-тушишни ўрганиш мартаба, маданият демоқчи эмасди. Бу қолоқлигимиздан нолиш эди. Нега биз қолоқмиз! Оврўпонинг техниковий ривожининг сири нимада-ю, бизнииг қолоқлигимизга нима сабаб? Бунинг сабабларини ўйлаб кўр, уйғон, кўзингни оч!

Ўз эркимиз ўз қўлимида бўлса бизлар ҳам Оврўподек тараққий этмасмидик?

Оврўпони қўяверайлик, Тошкентнинг Эски шаҳар қисми, руслар яшайдиган Янги шаҳардан, кучалари, ободончилик, театр, санъат жиҳатидан ҳам бир-биридан катта фарқ қиласарди. Фақат бу эмас, Эски шаҳарнинг ғавжум, марказий қисми ҳисобланган Шайхонтахурда эмас, бутун Тошкентда ҳам ўз биноси, ўз иномига эга ўзбек театри бўлмаган. Лекин бу деган сўз, умумали, саҳна санъати бўлмаган дегани эмас. Кенг майдонлар, дорбозлар ўйин қўрсатган жойларда, ҳатто рўза ойида бўладиган бозоришабларда қизиқчиликлар, турли ўйинлар кўрсатиларди. Аммо эркак ва хотинлар иштирок этган тўлақонли оврўпоча саҳна асарлари саҳнага чиқарилишига ҳам, бундай асарлар ёзилишига ҳам имконият йўқ эди. Бу замон тақозоси эди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» фожиавий саҳна асарининг ёзилиши, айниқса жадид руҳидаги зиёлилар орасида жуда катта қувончга сабаб бўлади.

Ҳатто саҳна санъатининг жонкуярларидан бири Тавалло «Падарқуш» саҳнада қўйилган куни зални тўлдириб ўтирган томошабинларни кўрганлиги қувончини ўз ичига сифдиролмай шеър ёзи:

*Бас, Убайдулла, Каримбекку Низомиддинлар,  
Жумла қатнашганга то ўлгунча миннатформиз.*

Албатта, бу қувонч бежиз эмас эди. Чунки бундай фожиавий драматик асарнинг юзага келиши ўша давр учун янгилик эди.

Албатта, бозорларда, байрам, сайилгоҳларда қизиқчиликлар, қўғирчоқ ўйнатувчилар томонидан халқни кулдирадиган, ўша давр руҳини қулаги орқали ҳажв қиласидиган, нуксонларни фош этадиган ўйинлар кўрсатилган. Дили зардобга тўла халқ қалбига бу қулгилар бир оз таскин берарди. Комедик асарлар бир дақиқа овутади, дардни енгиллатади, аммо аритмайди. Фожиавий жиiddий саҳна асарлари эса бир дақиқа таскин бериб, овутибгина қолмай, гарчи у кулдириш ўрнига кўз ўшларини оқизиб, чукур ўйга толдирса ҳам, унинг энг муҳим аҳамияти шундаки, уларда одамлар бошига тушган баҳтсизлик сабаблари, фожиаларни келтириб чиқарган омиллар, жиiddий тўқнашувлар фалсафий мушоҳадаларда ишонарли қилиб очиб берилади. Ундан қутулиш йўлларини, кураш йўлларини кўрсатиб беради ва дардини аритади. Жадидларга шу керак эди.

Аммо мустамлака даврида босқинчилик сиёсатини фош қиласидиган, халқнинг онгини уйғотадиган асарлар ёзиш хатарли эди. Ваҳоланки, чор истибоди эрксизлигига қолган Туркистон фуқароларини бу зулмга қарши уйғотишда бундай асарларининг ёзилиши жуда зарур бўлган. Шайхонтаҳур Тошкент даҳалари ичida маданий марказ ҳисобланиб, турли халқ сайиллари, тантаналарнинг ўтадиган жойи ҳам эди. Айниқса бир ойлик рўза кунлари бозор-учар, ўйин-кулги, сайил, томошалар ҳам шу ерда ўтарди. Ҳайит кунлари болаларга аталган ҳар турли совға-саломлар, сурнайлар, ўйинчоқ, пуфаклар, ҳолва-пашмак, новвоту нишолда, турли хил ширинликлар, оёқларини қолипга тортган хитой аёллари сотадиган турли елпифич, қороз гуллар шу ерда толиларди. Айниқса, рўза кунлари Шайхонтаҳурда кечки бозор — бозоришаб саҳаргача авжига

чиқади. Ифторлик олдидан турли хил нишолдалар со-тишдан бошланган бозоришаб масжиди жомеларда та-ровиҳ, тугаб, намозхонилар чиқиши билан яна ҳам гав-жум бўлиб кетарди. Намоз ўқиб бўлинишини кутиб турган ҳофизлар авж ашулани бошлайди. Ноора, қарнайлар чалинади. Теварак-атрофни ёритиб турган фонарлар ёруғида қизиқчилар ўйин бошлайди. Му-шакбозлик бўлади, саҳарликкача одамлар бу ердан ари-майди. Саҳарлик бошланиши билан дўкондорлар дўконни ёпди. Савдо, тантана тинади. Саҳарлик ейи-либ, оғиз ёпилиши билан атрофда сув сепгандек со-кинлик бошланади. Фақатгина Тошкентда энг катта, Лангар деб аталган ҳовузда билакдек-билакдек ба-лиқларнинг сувдан отилиб чиқиб «чўлп-чўлп» сакраш-лари эшитилади.

Масжиди жомеларда таровиҳ, ўқиши, ибодат қил-моқнинг хосияти туфайли бир-бирлари билан учраш-ган таниш-билишлар бутунги рўза окшоми саҳарлик-ка уй-уйига тарқалиб, атроф сув сепгандек жимиб қола-ди. Ҳатто мадрасалар олдидағи азамат чинорлардаги кўк каптарлар ҳам патирлаб, фугулашдан тинган бир пайтда, саҳарликни унутиб, тонг отдирганлар ҳам бўларди.

Лангарҳовуз атрофига кўмилган сўрилардан бири-да Туркистон шахматчиларининг отаси Шарифхон қозининг ўғли Азмиiddинхон ўз атрофига бир тўда шах-мат ишқибозларини йиғиб мукка тушганча шахмат тах-тасидан кўз узмай ўйнарди. Шарифхон қозининг бошқа бир ўғли Қозоқхон, ҳалойиқ тарқалган фурсатни ғани-мат билиб, чеккароқдаги холи сўрида русми, татар-ми — кўринишидан ажратиб бўлмасди, — ўшалар би-лан хуфя қилиб, эртанги ҳайит олдидан ичкилик ичи-шарди. Ўшанда бир гал миршаблар маст Қозоқхонни улфатлари билан қўшиб қамаб қўяди.

Миршаблар асосан руслардан эди, фақат мир-шаблар эмас, кўпчилик пиёниста, ўғрилар ҳам рус-лардан эди. Қадимги вақтларда фалончи қамалибди, ўғри ушланибди, деган гаплар камдан-кам эшитилар-ди. Ҳа, онда-сонда от ўғриси деган миш-мишлар қулоққа чалинади-ю, маҳсус қамоқхона, миршабхон-налар йўқ эди. Руза кунларида ҳозиргидек ароқ ича-диганлар, маст бўлиб қамалибди, деган гапларни ҳалқ билмасди.

Убайдуллахоннинг ёшлиги кечган Шайхонтахур Тошкент даҳалари ичида ҳам диний, ҳам маданий марказ ҳисобланган, жадидлар орзу қилган оврупча маданий ва техникавий тараққиёт билан бир қаторда, рус истилочилари келтирган ёвузликлар, қасофатлар ҳам ўз таъсирини шайхонтахурликларга кўпроқ кўрсатган.

*Доду фарёд аиласам, ҳеч ким менга солмас кулоқ,  
Юз ўтурдинг, эй ароқ, ё манму қадринг билмадим.  
Қайси кун курдинг, гапур, мангу едим сансиз тамоқ,  
Ким эди остона остига ётуб, мисли үлук,  
Тепку еб ўтган ва кетгандан еган нася таёқ!*

\* \* \*

Рус миршаблари ичкиликбоз, ўриларнигина эмас, ўрусларга тил теккизган бегуноҳларни қамашибдан ҳам тоймасди.

Рўза куни, мастиликда Қозоқхон қамалган куни, калтакланиб афти-башараси тимдаланган, кўли боғлиқ бир ёш ўзбек йигитини миршаблар қамоқхонага олиб келадилар. У мастилик қилмаган, «гуноҳ»и нималиги кейин очилади.

Гуноҳи шу эканки, Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмидағи кўчалардан биридан ўтиб кетатуриб «Бу ерга итлар ва бу ерга сартлар киритилмайди», деган ёзувга кўзи тушади. Үқиб, кўзларига ишонмайди. Қайта-қайта ўқийди. Қотиб қолади. Сартлар ким? Ким улар? Наҳотки, келгиндилар қолиб, ўз юртимиизда бизлар ит дейилсак?..

Фазабдан ўзини унугланган йигит ёзувга тош отади. Буни қўрган маҳкамама ходимлари уни тутиб калтаклай бошлайдилар. Орадан кўп ўтмай, суд қилиб Сибирга юборадилар.

Убайдулла эшитган бу адолатсизлик, бу қонунсизликлар ва отасидан Шайх Саъдийнинг «Элга вафо қилмаган киши на севимли бўлур ва на донишманд!» деган ҳикматини эшитганларини кўнглидан ўтказаркан, уни — наҳот, бу хўрлик, бу зулматларга чора бўлмаса?! Наҳотки, шўрликларни ҳимоя қилувчи бирор адвокат ўзбек фарзанди топилмаса?! — деган азоб қийнайди.

Рус-тузем мактабига ўқишга кириш ва адвокат бўлишга балки шулар уни ундағандир?! Ўз ҳалқининг шаънига айтилган маломатлар қаршисида чорасиз ту-

ришни ўзи учун ҳақорат, дунёдан бехабарлик, гумроҳлик деб билдими? У чора излаш йўлига киради. Шу кундан бошлаб ҳаловатини йўқотади.

Қўлида қилич тутган жаллодга сен дўзахий гуноҳкорсан, деб ҳақни айтиш, албатта, ақлдан бўлмайди. Лекин бу ҳақоратларнинг охири борми?! Қачонгacha давом этади?! Номимиз ит бўлиб қолаберадими?! Қадримиз шуми?! Дунё олдида биз ўзбеклар нима деган одам бўлдик!!!

Сұҳбатлардан бирида отасининг босқинчилик ҳақида айтган ривоятини эслайди:

— Бос, деб кимга айтилади? Итга айтилади. Кўпроқ овчи итларга айтилади. Бизлар нимани босиб олдик?! Нега бизлар ит бўларканмиз?! Бизлар ҳеч кимни босиб олмадик, бизларни оқ пошшо босиб олди. Мангуллар русларни босиб олди. Дунёни босиб олмоқчи бўлди. Яхшиликни билмаган кўр бўлади. Рус ерларини босиб олган Тўхтамишдан русларни ким озод қилди?! Ким уларни асрий қулиқдан қутқарди?! Бизнинг улуғ саркардамиз Амир Темур эмасми?! Босиб олиш бошика, эгаллаш бошқа! Одам эгаллаши мумкин. Одам эга бўлади. Ит-чи? Ит босиб олади.

«Сартлар, итлар киритилмайди!..»

Отасининг гапи қанчалик унга таскин бермасин, аммо бу ҳақорат, хўрликни ўйлаганда, Убайдулла ақлини таниб, ёши улғайган сари вужудини ғазаб алангала та борди. Бу алам вужудига ёшлиқдан заҳар бўлиб кириб бора берди. Илм олиб улғайган сари, оқ билан қоранинг фарқига етиб дунёни таниган сари, бу аламни чуқурроқ ҳис эта бошлади.

Бу мустабид ҳокимиятнинг зулмига қарши минг дод-фарёд қилган билан, аламга тўлиб, бошингни дөврларга урган билан, ҳой Убайдуллахон, битта сенинг ўзингнинг қўлингдан нима келади? Унга қарши чиқадиган лашкаринг борми?!  
Тўғри, бир одамнинг қўлидан ҳеч нарса келмас! Аммо битта одам ўрнига ўнта бўлиши учун, ўнта юзта, юзта мингта, мингта эса лашкарга, қўшингга айланиши учун нима қилмоқ керак?! Қачон лашкар бўламиз?! Қачон?

Убайдулла бу ҳақоратни ўзига жуда оғир олиб сингдиrolмади. Худди бу ҳақорат қаддини букиб қўйган-дек кундан-кунга камгап, кундан-кунга ўйчан бўлиб қолади.

Қачон қүшин бўламиз?!

Ҳар куни бўлмаса ҳам, икки кунда бир куришиб турадиган ҳамфир, ҳамдард дўсти Уйғур, нима бўлдики, кўринмай қолди. Аммо бугун унинг эшиқдан кириб келиши, Убайдулла қалбини турён уриб-ғижимлаб келаётган аламига даводек бўлди. Дардига дармон бўлди, аритди.

Кучоқдашиб куришди. Ҳай, бормисиз, дегандек қалбини очиб солди. Уни қийнаган нарса нима эканини айтди.

— Ҳали шундай денг!

— Ҳа!.. Ҳа!.. Қачонгача чидамоқ?! Қачон ҳалқ уйғонади?! Қачон биз лашкар бўламиз?!

Убайдулланинг икки қўлларини мушт қилиб, худди кимгадир ўқталгандек сўзлашини эшигтан табиатан вазмин, камгап Уйғур, бароқ қошларини чимириб, кўзларини бир нуқтага тикиб, узоқ уйга толгандан кейин:

— Бўламиз!

— Нима бўламиз?!

— Лашкар бўламиз!.. Бўламиз, ҳа! Аввал лашкар-боп одамларни уйғотмоқ керак! — У узоқ уйланиб хаёлида пишиб етилган ўз фикрини айтди. — Бунинг бирдан-бир чорасини, Қозоқхоннинг арафа кунлари рус улфатлари билан қилган майхўрлиги, қамоқقا тушганлиги, бизларни ит қаторида санаганликларини — барча-барчасини ҳалққа кўрсатмоқ иложини қилиш! Бунинг бирдан-бир чораси — театр қилиш! Сиз уйлаган, сиз хабардор бу гаплар менинг қўнглимда ҳам бор эди. Бунинг бир чораси, бу ахволни ҳалққа кўрсатмоқ, саҳнага олиб чиқмоқ!.. Бу менинг қўлимдан келади! Аммо саҳнага чиқармоқ учун, унда иштирок этувчи ҳар бир одамнинг дардларини ифодалай оловчи, саҳнага қўйишга тўри келувчи пьеса ёзадиган одам керак! Ёзмоқ керак!

Уйғур уйланиб сўради:

— Майхўрнинг хотини бўладиган одам борми? Топиладими? Ким уйнайди?

Убайдулла уйламай-нетмай:

— Бор... Хотинини уйлаб кўрамиз! Бу ҳам топила-ди.

— Аёл киши борми? Қайси аёл бизда эл олдида ўзини кўрсатишга розилик беради. У розилик берса ҳам маҳалла-кўй, гузар?!

— Мен топаман.

— Жуда соз!

Ўша куни улар тахминан асар қаҳрамонлари қандай одамлар бўлади, бу ролларни кимлар ижро этади, мазмунини келишиб оладилар.

Саҳна очилганда, Тошкент шаҳрини иккига бўлиб оқаётган Ўрда анҳорининг нариги, руслар яшайдиган томонидаги черковлар, ресторонлар кўринади. Қўнғироқ овози келган Янги шаҳар! Шаҳар олдида «Итлар ва сартлар бу ерга киритилмайди!» деган ёзув катта ҳарфларда кўзга ташланади.

Ўрда анҳорининг иккинчи — ерли халқ, ўзбеклар яшайдиган, мадрасалар қурилиб, аzon овози эшитилган қисмида эса «Бу ерга итлар ва руслар киритilmайди!» деган ёзув кўринади.

Убайдуллахон саҳнанинг Эски шаҳар қисмига бундай ёзув ёзилишига эътиroz билдиради!

— Руслар бизни ҳақорат қиласалар майли-ю...

— Йўқ! Биз руслар қилган жиноий хатони такрорламаслигимиз керак! Халқда айб йўқ. Халқни ҳақорат этиш омилик! Жаҳолат!

— Буни ҳозирча очиқ қолдирдик. Саҳнанинг овруполиклар яшайдиган қисмида «Итлар ва сартлар бу ерга киритилмайди!» деган ёзувга кўзи тушиб унга тош отаётган ўзбек йигитини кўрсатсак? Саҳнанинг иккинчи томонида, яъни ўзбеклар яшайдиган томонида эса қарта ўйпаб, ичкиликбозлик қилиб ўтирган ўзбек йигитлари билан руслар.

Томошанинг кейинги кўринишида ёзувга тош отган ўзбек йигитининг рус маъмурлари томонидан ушланиб калтакланиши, саҳнанинг иккинчи томонида маст бўлиб қолган ўзбек йигитини судраб, бақиртириб олиб кетаётган миршаблар.

Томошанинг охири — суд зали. Русларнинг ҳақорат қилишларига қарши исён кутарган ўзбек йигитининг устидан ҳукм чиқарилиб, Сибирь қалиниши. Пъесанинг охири қамоқхонадан чиқиб келган ичкиликбоз, қиморбоз ўзбекнинг оиласидаги хотини билан жанжали, охири қарзларини тўлолмай, ўзини-ўзи ўлдириши билан тугас...

Үйгурнинг режаси Убайдуллани қувонтиради. Саҳнада ижро этувчиларни топишни хурсандчилик билан ўз зиммасига олади.

Маст ролини ўйнашни ичкилик тотиб юрадиган укаси Суннатиллахонга топширади. Ўнинг хотини ролини ижро этишга эса кичик укаси Абдулазизхонни кўндиради. Асарнинг сўзларини укаси Башриллахон билан кўлдан келганча ўзи ёзиб кўрмоқчи бўлади.

— Буни кўрганлар, наҳот, лоқайд чидаб ўтирсалар!

Мана лашкар қандай пайдо бўлади! Кўрганларнинг мингдан юзи лоқайд қолар, ярми... тома-томуа кўл бўлмайдими?!

— Тўғри! Фазабга қелган одам қўлига тушган нарсани ота бошлайди. Жони ачимайдиган, ур, десанг ҳам жойидан жилмайди.

Пъесанинг устида бошланган машқ, ҳали томошибинларга етмасданоқ, айрим кўнгилсизлик, тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Аммо Убайдулла бундан хафа бўлмади. Аксинча, буни асарнинг биринчи муваффақияти, деб қабул қилди.

Пъесанинг машқидан кейин ичкиликбоз ролини ўйнаган Суннатилла уйга бир оз кайф билан қайтади. Ўғлининг бу аҳволини кўрган отаси Асадулла маҳсум:

— Сенинг жойинг бу ҳовлидамас, — ўйнинг қаршисидаги мишлоҳонани кўрсатиб, жаҳл билан, — ана у ер, — деганда Суннатиллахон отасига:

— Ўзингизни айтганингизни қилдим!

— Қанақа айтганимни, касофат?!

— Ичган мастдан ичмаган маст ёмон, деган эдингиз-ку!

Ўғлининг ҳазилини ичига сифдиrolмаган, кайфи бузилган Асадулла маҳсум: «Бўлди, бас! Лаънати!» дейишдан бошқа гап айттолмади.

Бундай ҳазилни ўзига нисбатан маломат, беодоблик деб қабул қилган ота, фазаб билан яна нимадир демоқчи эди, Суннатиллахон:

— Ичмасдим, мажбур бўлдим...

— Нима?! Мажбур бўлдим?! Нима мажбур қилди?

— Акамлар...

— Ким? Қанақа лаънати аканглар?!

— Ким бўларди, Убайдуллахон ҳам Башриллахонлар! — куракда турмайдиган, ақлга сифмайдиган бундай жавобни эшитгач:

— Бир лаънати ахлат е деса, ақли ўзида одам еяберадими?!

Ўғлиниң жавоби ниҳоятда бемаънилигидан ғазабланган ота нега катта ўғиллари бунга ичирган, ҳақиқатан ҳам шундайми? Ёки бу мастилик билан ўғлиниң оғзидан үзини оқлаш учун чиқсан бемаъни гапмиди, аниқлашни ҳам истамай, намозга шошилиб турган эканми, обдастани күтариб таҳорат олгани кетти. Қандайдир иш билан келган Асадуллахоннинг боҗаси уларниң жанжали устидан чиқиб қолиб, ичкилик ҳақидағи ота-боланиң баҳслари қулоғига кириши биланоқ, айтадиган гапини айтишдан ҳам кечиб, ихлоси совиб изига қайтади.

Юсуфхўжа қори божасига қараганда мутаассиб одам эди. Асадулла маҳсумниң ўрислар билан олдисотди қилишлари, уларга үзини яқин олишлари ҳам унга хуш қелмасди. Худди уларга қўшилиб, улар билан бирга чўчқа гўшти еяётгандек ундан тортина бошланган эди. Ичкилик ҳақида ота-боланиң ўртасидаги гап унинг шубҳасини яна авж олдириди.

Асадулла маҳсум божаси Юсуфхўжа қори билан, айниқса қиш фаслида биргаликда тафсирхонлик, ҳадисхонлик қилса ҳам, божаси диний урф-одатларга муккасидан берилган мутаассиб одам эмас эди. Юсуфхўжа қори кўнглига туғиб юрган шу гаплар эсига тушиб, бунчалик зарур иши ҳам йўқ эканми, уйга қайтиб кетади.

Аммо орадан кўп ўтмай, Убайдуллахон кайфияти чор, нимадандир жуда курсанд, Юсуфхўжа поччасини йўлда учратганми, унга нималардир гапириб уйга бошлаб келади.

— Бу гапларингиз бизларга жуда керак. Отамдан ҳам, укамдан ҳам гина қилманг! Лекин Суннатилланинг бир оз кайфи борлиги нима сабабли эканлигини сизга айтдим. Саҳнадаги ҳаракатлари ишончли бўлиши учун бир оз ичгани рост. Ундан хафа бўлманг! Аммо сизнинг майпарастлар, унинг оқибати ҳақида айттан ривоятларингиз бизга жуда керак. Буни ёзган асарларимизга киритамиз, одамлар билиб қўйсин. Айтинг, мен ёзиб олай...

### **Биринчи ривоят:**

Бир мусулмонни асир олган насронийлар уни озод этмак учун учта шарт қўядилар. Май солинган идишдаги майни ичасан ёки норасида қиз билан

ўйнашасан. Учинчиси — шу хонадаги гўдакни қатл этасан.

— Нима қилиш керак?

Албатта, бегуноҳ, бир гўдакни ўлдириш бу жаллодик, кечирилмас гуноҳи азим. Аммо бир мунис қизнинг умрини хазон этиб, баҳтсиз қилмаклик — бу раҳмисизлик!

Ўйлаб-ўйлаб, гарчанд шароб-чақир ичмоқ мусулмон эътиқодига зид бўлса ҳам, мажбуран қилаётганини худо ўзи инобатга олиб кечирар, деган ўй билан идишга солинган ичимликни ича бошлайди. Ичган сари қиз қўзига гўзал кўриниб бораверади. Ҳирси авж олади. Шайтон аралашади-ю, қизни зўрлашга ҳам ўтади. Қизнинг додини эшитган гўдак қизга тармасиб, фарёд кўтаради, халақит бера бошлайди. Ичкилик ўз кучини кўрсатади. Кайф устида у гўдакни ҳам ўлдиради.

Ичкилик кайфи билан ўз ихтиёрини қўлдан берган одам ҳар қандай гуноҳга қўл уради!

Ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилмасликка бошлайди. Бу ҳақ! Ичкилик деган нарса ёлғиз юрмайди, унинг ҳамроҳлари бўлади. Бунинг биринчиси фахш! Қимор, ўғирлик! Одам ўлдиришнинг боши ҳам шундан бошланади. Фақат бу эмас, мусулмонлар оиласида камдан-кам бўладиган қўйди-чиқдилар, булар ҳамма, ҳаммаси ниманинг оқибати?!

### Иккинчи ривоят:

Одамнинг ичидаги ҳам шайтон, ҳам раҳмон бўлади, дейдилар.

Ҳаддан ташқари кўп ичиб, тунда маст-аласт уйга қайтган одам, албатта, эрталаб уйғониши билан, кеча нималар бўлди, қайси кўчадан келдим, деган саволларни кўнглидан ўтказиб, бир дам бўлса ҳам дили сиёҳ бўлади, ҳатто ёнида пули қолдими, қолмадими, нималарга сарфлаган, шуни билиш учун қўзини очишни билан қаергадир мастилиқда отиб юборган кийимларининг чўнтакларини, хотинидан бекитиқча тишиб ҳам чиқади. Кечаси келиб овқат еганми, емаганми билиш учун ўғринча ёнидаги идишларга ҳам ваҳима билан назар солиб куради. Шундай пайтларда ичидаги ўғирган раҳмон билан шайтон тилга киради.

Раҳмон:

— Сенга нима деган эдим, ичма, озгиңадан бошлаб охири қанча ичганингни баъзан билмай қоласан. Ҳаромнинг ози ҳам, кўпи ҳам ҳаром. У гуноҳга бошлайди. Мана кеча нималар қилдинг? Кимларга озор бердинг? Қайси кўчадан ким билан келдинг — билмайсан. Мана, ўзингни ўлдиргудек кўнглинг ғаш, хунобсан. Юрагинг ёмон, оиласанг безовта, топганингда барака йўқ. Ичишинг сабаб, хотининг билан ажрашиб-ярашдинг. Ўзингни ўйламасанг ҳам болаларингнинг келажагини ўйла!

Рахмоннинг гапларидан хulosса чиқариб ўрнидан туриб юзини ювгунча ичмасликка қарор ҳам қилади. Аммо шу орада иккинчи, ичида ўтирган шайтон тилга кириб, уни ўйдан ура бошлайди:

— Сен маст бўлганингда ҳам ҳеч кимга озор бермайсан, аксинча, ширин бўласан. Ақдинг чархланиб, жуда доно гаплар айтасан. Ҳамманинг кўнглини олиб хурсанд қиласан, кулдира оласан. Лекин битта айбинг шуки, ичганингда овқат емайсан. Бўлмаса, сен унчамунчага маст бўладиган одаммассан. Битта айбинг, ичганингда гапга берилиб, овқат емайсан, оч қоринга ичасан. Одам дунёга нега келади! Бир марта келади! Мана ҳозир ўрнингдан тур, меҳмонлардан қолган коњъягинг бор, ўладиган дунё: кўп эмас, озгина ич. Кўнглингдаги ғашлик кетади. Ўқифинг ҳам, кўнглинг айниши ҳам босилади. Сен ўйлаганларнинг ҳаммаси ваҳима! — Шундан кейин шайтон ўз вазифасини ўтаб, ғойиб бўлади.

Албатта, эрталаб кўнгли ғашлик билан уйғониб, ўзини-ўзи ўлдиргудек виждон азобига тушган кишига шайтоннинг гаплари маъқул келади.

Қарз-қурз қилса ҳам, таниш-билишлардан насияга бўлса ҳам кўнглини қийнаётган хаёллардан қутулиш учун «бош оғриғи» қилади. Шайтон айтгандек, дарҳа-қиқат, кўнгли равшан тортади. Шайтон яна пайдо бўлиб — мана кўрдингми, кўнглинг равшан тортди. Оғзингга бир нарса солиб яна оз-моз иссанг, анча енгил тортасан. Ҳой инсон, одам дунёга нега келади. Битта ўзинг уйда қамалиб ўтирасанми? Овқат еб — ичдинг, кўрдингми, маст бўлмадинг, кўчага чиққин. Одам — одамга ғанимат. Дўстларинг кўп-ку. Бирга хахолашиб ичмайсанми? — Шундай дейди-ю, шайтон ғолиб бўлади. Майхўрга бу гап ҳам ёқади. Улфатлар

олдига, күчага жұнайди. Аммо кечаги ҳолат яна так-рорланади. Бу гал боши ёрилиб қайтади.

Кунлар үтган сари одамлардан олинган қарзлари күпая боради. Уни тұлаб қутулиш учун шундай ҳам бұладики, уйдаги бисотлардан баъзи бирларини сота бошлайды. Ҳозирча олиб турай, кейинчалик үрнига қўйиб қўярман, деган шайтоний хаёл билан үғирилик-ка қўл уради. Хотинини ҳайдайди. Ахийри, қамалади.

Бу ҳикоятлар Убайдулла билан Уйғурнинг күнглигидаги гапларнинг айнан ўзи эди.

Лекин халқымиз бошига мусибат келтирған — фататгина шумиди?! Ҳақоратлар-чи?!

Ҳақорат дилни оғримас,  
Тубанлик манту кетмасму?!

Убайдулла ва Уйғурлар үзлари яратған саҳна асарига ном изладилар. Топдилар ҳам! Аммо рус истибдодининг қиёфасини халқа ошкор қылувчиларни құлда қилич тутган генерал-губернаторлар жазосиз қолдирармиканлар?!

Буюк ниятлар билан қўл урилған бу ишлар завол топмасмикан?!

Шўро ҳукумати золим деган чор ҳукуматига қарши Убайдулла мана шундай курашиб келган!

Қамоқда ёттан Убайдуллахон терговчига очиқ айтиш учун бутун босиб үтган йўли, кечмишларини хәёлидан үтказаркан, гуноҳим халқ бошидаги адолатсизлик, ҳаромхурлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозликларга қарши курашганимми, деб ўйларди. Бунинг учун мени эмас, Сиз жаноб терговчиларни отишга ҳукм қилиш керак. Суд қилиб ҳаммангизни жазолаш кепрак! Бундан кейин яна нималар қилдим, айтами?! Ҳа, ҳаммасини айтаман! Айтаман, ёз! — дерди худди терговчи билан гаплашгандек.

## Учинчи боб

«ГАП»

Шўро ҳукумати кимнидир халқ душмани ёки миллатчиликда айблаб қамамоқчи бўлса, туттган одами, шахсан ўзи ҳукумат сиёсатига қарши бирор ҳаракат қилгани ёки миллатчиликдан иборат гап айтган бўлиши

шарт эмас! Совет ҳаёти ҳақида бирор танқидий фикр билдирган киши билан танишлиги бўлса, бас, шунинг ўзи кифоя!

Убайдулла эрталаб соат 9 да терговга чақирилганича кечқурун ётар олдидан соат 10 ларда камерага қайтди. Миска товоқда совиб қолган бўтқани еб, ёстиқда бош қўйиб ётмоқчи бўлган эди ҳамки, темир дарвоза-нинг дарчаси очилиб назоратчининг: — Хўжаев Убайдулла, чиқишига тайёрланинг, — деган ёқимсиз овози эшитилди. Ӯғир уҳ тортиб, мудроқ аралаш кийина бошлади. Терговчи назоратчининг маҳбусни топширдим, деган қофозига қўл қўйиб, унга узатгач, Убайдулла га худди бўғмоқчилик чимирилиб, дарғазаб тикилиб:

- Нималарни ўйладингиз? Қани, айтинг!
- Нимадан бошлашимни айтаберинг!
- Душманлик ишларингизни қачондан бошлаган-сиз?
- Миллат манфаатини ўйлашдан бошқа менинг ишим бўлган эмас!
- Жуда соз! Миллатчилик фаолиятингизни айтинг!

Убайдулладан садо чиқмади! Чунки терговчини унинг ўз ҳалқига қилган хизматлари эмас, мана бундай миллатчилик, мана бундай душманлик қилганман, дейиши қизиқтирарди. Ҳадеганда Убайдулладан садо чиқабермагач, терговчи:

— Садридин аълам Сизга ким булади? — деб сурога тутди. Аммо Убайдулланинг жавобини кутмаёқ телефонда ким биландир гаплашиб бўлгач:

— Ўланг! — деб уни ёлғиз қолдириб, хонадан чиқиб кетди.

Убайдулла фақат Садридин аъламнинг ўзини эмас, отасини ҳам жуда яхши танирди. Лекин унинг Садридинхон билан танишлигидан булар нима гуноҳ топмоқчи бўлдилар?! Нега уларни бу қизиқтириб қолди?! У йигирманчи йил бошида Афғонистонга кетганча, Убайдулланинг у билан ҳеч бир алоқаси бўлмаган... Шарифхон қози отасининг қадрдан дўсти эди. Шулар унинг хаёлидан ўтди-ю, қамоқда эканлигини ҳам унтиб, боғдаги учрашув чоғидаги қандай одамлар бўлгани, уларнинг гапларини эътибор билан эшиганилари-ни эслаб кетди:

Боғлардаги чиллаки, доройи узумлар охирлаб, кеч-

ки узумлар шира тортиб, қирдан қовунлар четан араваларда шаҳарга кела бошлаган саратон чилласининг сўнгги кунларидан бирида Асадулла маҳсум боғига ўз даврининг энг билимдон, эл ичида обрў қозонган, асосан ҳаммаҳалла улфатларини меҳмондорчилликка чақиради. Бундай меҳмондорчилликлар пишиқчилик муносабати билан фақат ёз ойларида бўлмай, йил бўйи, гоҳ Шарифхон қозиникида, гоҳи Муҳаммадхон аълам, Мирзакаримбойларницида тафсирхонлик, бедилхонлик қилиш учун бўлиб турарди. Бутунги гап навбати Асадулла маҳсумники эди.

Шарифхон қози ўзининг тарғил отида, бошқалар ҳам ўзларининг уловларида келган эди. Буларнинг орасида эгар-жабдуқлари садафлар билан безатилган Мирзакаримбойнинг самани ўзининг кўрки билан ажралиб турарди. Иккита-учта бўлиб извошчада чиққанлар ҳам бор эди. От-аравалар учун йўл кейинчалик Гидростанция деб аталадиган томондан бўлиб, кўпчилик шаҳардан чиқадиган пиёдалар йўл яқин бўлиши учун Алвости кўприк орқали поезд йўлини кесиб ўтардилар.

Гидростанция муносабати билан пайдо бўлган қўл атрофида турли ноз-неъматлар тўла дўконлар, ҳар хил таомлар тайёрланадиган ошхоналар қурилган бўлиб, ўша замонларда дам олув кунлари ҳисобланган жума сайлига чиққан шаҳарликлар билан тўлиб кетарди. Сайилга чиққанларни қўлни айлантириб томоша қилдирадиган моторли қайиқларнинг овози кечгача боғдан эштилиб турарди. Моторли қайиқда айланишни қиммат санаганлар, оддий қайиқларни ижарага олиб, эшкак тортиб айланардилар. Кечаси аллавақўтгача мушакбозликлар, мусиқа овозлари давом этарди. Қўл атрофида тортилган сон-саноқсиз турли раигдаги чироқларнинг қўл тубида акс этиб жимиirlашлари мўъжизадек қўринарди.

Боғнинг бир томони тепаликка туташган бўлиб, унинг сув чиқадиган ёнбағирларига қовун-тарвузлар экиларди. Орқа томони қирларга туташган буғдойзор...

Айниқса, ой тўлиб ўн беш кунлик бўлган кечалари қирдаги қовун полизга қилинган чайладан Тошкенттагча туташиб кетган пастлиқдаги беҳисоб боғлар ой нурида қора баҳмал тўшалгандек бўлиб қўринарди. Ойдин кечада қир орқасидан чиябўриларнинг увлашлари

ҳам тунни нимаси биландир түлатиб турғандек туюларди. Гарчанд чиябўри, тулкилар ваҳший саналса ҳам, уларнинг тунги овозлари кишида қандайдир ажиг ҳис уйғотарди. Дала ва боғларнинг кундузги нашъаси эса бутунлай бошқача. Ўзича гўзал. Боғларни иккига бўлиб ўтган каттагина ариқнинг ёнида бир дам ўтиришнинг ўзи бир олам ҳузур бағишлади. Албатта, ариқнинг икки ёни мевали дарахтлар, икки қирғоғи кўм-кўк барра ўтлар, маймунжону қамишлар билан ўралган. Атрофидаги боғлар ноз-неъматларга тўла. Ариқнинг ичи ҳам ҳаётга тўла! Гала-гала бўлиб тиним билмайдиган сувғичлар, балиқчаларнинг сув устига чиқиб сакрашлари, отлар суғорилганда, лунжларига ёпишиб оладиган зулуклар, ариқнинг у бетидан-бу бетига ўзини олиб қочадиган сув илонлари... Булар ҳаммаси ўзи бир дунё. Анвойи қушлар орасида, кўлга ўргатилган қарқунокларнинг эгаларини батъзан адаштириб елкангга келиб қўнишлари ҳам бутун губорингни чиқариб юборади.

Саратоннинг туш чоғлари, ҳарорат забтиданми, бутун боғларда бир ажиг сукунат бошланади. Терак шохларига қўнгган гала-гала чуғурчуқлар ёпирилишидан ишкомларни қўриқлаб, қайдадир тартарак, қайдадир най чалган қизалоқларнинг гала-гала «қув» деган овозлари эшитилади.

Боғнинг бир четидаги атрофига райҳон, гармдорилар экилган шийпондан меҳмонларнинг вақти-вақти билан кулгилари кўтарилиб туради.

Асадулла маҳсум танбурни яхши чаларди. Танбурни созлаб, «Хўш, нима қилиб берай?» дегаңдек атрофдагиларга қаради-ю, жавобини ҳам кутиб ўтирамай, қўнглига маъқул келган «Баёт»ни чала бошлади. Ўтирганлардан кимдир баланд овоз билан росмана ашула қилиб айтмаса ҳам, завқи тошиб Фузулийнинг:

Кўзи ёшлиларин ҳолин не билсун мардуми ғофил,  
Кавокиб сайрини шаб то сахар бедор ўландан сўр, —

деган байтини хиргойи қилиб, танбурга жўр бўла бошлади.

Боғдаги бу базму зиёфатлар, ёшлиқ йилларини, ўлим камерасида ётган Убайдуллахон хаёлидан бир-бир ўтказаркан, отасининг чалган танбурига жўр бўлиб

айтилган хиргойи қулоқларида жонландими ёки қирда этилган қовуналарнинг таъмини, боридаги қатор-қатор ишкомлардаги хилма-хил узумларнинг мазасини хаёлан таътиб кўрдими, кўзларига ёш кела бошлади.

Айтилаётган ашуланинг ҳар битта сўзи мағзини чақиб, завқ билан бош тебратиб ўтирган Шарифхон қози авж олган завқини ичига сифдиролмай, танбурга жўр бўлиб, куй охирига етмасданоқ:

— Балли!.. Балли! Офарин! Лекин, афсус, бизлар саҳар бедор ўлиб майшат қиласиз-у, аммо кўзи ёшлиларнинг кўзлари нечун ёшли, бунинг сабабларини ўйламоқни хаёлимизга келтирмасмиз, — деган лукмани ўртага ташлаганларини, ўша ёз фасли ва шийпондаги ўша одамлар, уларнинг суҳбатларини Убайдулла шундай бир ором билан эсладики, ҳатто Олий судга ёзган норозилик аризасининг натижаси қандай бўлишини ҳам, ўзининг қамоқда эканини ҳам бир дақиқа унудти.

Мехмонларга чой олиб кириб, ашулаю танбур бошланиб қолганлиги сабабли, кетолмай қолган Убайдуллахонни Шарифхон қозининг бир дард билан айтган бу гапларига бошқаларнинг нима жавоб қилишлари қизиқтириб қолган эди ўшандა!

Шарифхон қозининг сўзларини бу ерда ўтирган айримлар ўзларига нисбатан таъна деб билиб, оғир олганликлариданми ёки ўринли жавоб излаганлариданми, ҳадеганда жавоб чиқавермади. Улардан жавоб куттандек, Шарифхон қози боғларга тикилганча, узоқ вақт ўйга чўмиб қолди. Гарчанд кўп қатори ҳазилхузул, ўйин-кулгиларга ора-сира қўшилишиб турса ҳам кайфияти паст, қандайдир дард унинг чехрасида акс этиб туради. Ўзининг бундай ҳолати бошқаларда шубҳа уйғотмаслиги, нимадандир кўнгли ранжидими, деган хаёлга бормасликлари учун, ниҳоят, кўнглини хира қилган сабабни ўртага ташлади. Аммо гап бошлашдан илгари теварагидаги жаннатдек боғларга яна ўйчан тикилдида, қандайдир ичидан хўрсишиш келди:

— Вож!.. Қани энди, мана шундай дастурхон атрофида, соя-салқин гўзал боғларда фароғатда бўлмоқ шўрлик дэҳқонларимизнинг ҳаммаларига ҳам насиб этсади. Бир оғатдан қутулмай туриб, иккинчи оғатга тутилдик!

Шарифхон қозининг кутилмаганда, нимага нисбатан айтилган бу мулоҳазаси, ўтирганлар кайфиятида жиiddийлик уйғотди.

— Ўрс амалдорлари, — деди, — бойликларимизни талаб, ҳукуқимизни құлдан тортиб олгани етмаганидек, Русиядан қувғин қилиниб Туркистанга келтирилген руслар ҳам еримизни эгаллаб, деҳқонларимизни ёллаб пахта эка бошладилар. Паҳтадан катта фойда чиқишини билдилар. Руснинг амалдорлари эмас, энди қувғин қилингандар ҳам деҳқонларимизнинг елкасига чиқиб, бойий бошлади.

Шарифхон қозининг фикри унинг күнглидаги гапдек туюлди шекилли, қани, давомини ҳам айтинг, деғандек Убайдуллахон унга тикилди. Чунки эндигина рус-тузем даргоҳига ўқишига кирған Убайдулла русларнинг ерли халқларга тубан назар билан қараашларидан ўзини хўрлангандек ҳис қила бошлаган, күнглида норозилик уйғонган эди ва хўрликнинг негизи қаерда, уни излашга ундалган эди.

Узоқ хаёлга ботган Шарифхон қози:

— Ўрснинг ўз ватанидан ҳайдалиб сургун бўлиб келгани ҳам бизнинг деҳқонларни ишлатиб бойисинда, биз ўзимиз!.. — томогига бир нарса тиқилгандек бўлди, ғазаб билан:

— Биз ким?! — деб ўтирганларга тикилди.

— Қул!

— Балли!

Шарифхон қозининг гапи сабаб бўлди-ю, суҳбат мавзуи сиёсатга, ўрсларнинг Туркистандаги зулмига айланиб кетди. Бу тасодифий эмас эди. Булар ҳаммаси маърифатпарвар, халқининг аҳволидан воқиф, жадид руҳидаги жамиятнинг илғор фикрли кишилари эдилар. Гарчи булар расмий бир ташкилотта мансуб бўлмасалар ҳам, миллат дардини ҳис этган, унга даво изловчилар эдилар.

Қозининг гапидан кейин, ўйин-кулги билан бошланган зиёфат жиiddий тус олди. Боф сайли, меҳмондустлик қолиб, масала, баҳсга айланиб кетмаслик учун ҳазил-мутойиба, айниқса, малеҳулқабиҳнинг пири (сиртдан мақтовдек кўринса ҳам, тагида камситиш яширинган бўлади) Асадулла маҳсум гапни бошиқа ёқقا бурмоқчи бўлди:

— Русларни ҳадеб янийбермайлик! Русларнинг пойи

қадамларининг хайрли томонлари ҳам йўқ эмас, кайфимизни чор, хушнуд қиладиган нарсалар ҳам олиб келдилар-ку! Лаббай?

Кимдир бу гапнинг тагига тушунмай зарда билан:

— Гапираверинг.

— Кайфларни чор, қайгуларни унтиш даволарини ўзлари билан олиб келганлар ҳам, ахир, ўруслар-ку!

Гап нима устида кетаётгани, Асадулла маҳсумнинг мажозий гапнинг тагига еттан айримлар, мийифида кула бошлаган бўлсалар, айримлар бунга жиддий тус бериб:

— Дардимизга дармон бўладиган?!.. Ё тавба! Қандай даво олиб келган экан бединлар!

— Ичкилик-чи! Ароқ-чи! — Ўтирганларнинг кўпчилиги ярим кулги аралаш ғазаб билан:

— Мана! Бу ҳақ! — деб қўшилиди.

— Фақат бу эмас! Нимаики бузуклик, майшатпарастлик бўлса?!

— Ҳаммасидан даҳшатлиси ўрусни ёқлаган бўлиб: Ҳамма гуноҳнинг боши шунда! Маст одамни ҳар йўлга солмоқ мумкин. Мастни бошдан-оёқ, бемалол шилмоқ ҳам мумкин. Мастлик фоҳишахонага бошлайди. Маст итни ҳам ўпади.

Асадулла маҳсум ўрусни ёқлаган бўлиб:

— Ўрус меҳнаткаш, танноз эмас! Бизларга ўхшаб қўлим ювилмаган деб, овқатни емай, қараб ўтиrmайди. Қулининг мойини ёнига артиб, ароқни уриб, олдига қўйилганни, айниқса, бизларнинг овқатни «очен сладка» деб тортинасадан еб кетаберади... Чидамли, дардга оғир халқ. Мана бизларни ҳам ўзларига етказиб олмоқчилар.

— Зўрники тегирмонтошни юргизади — деган. Ҳокимият, қилич кимнинг қулида бўлса!.. Муқимий ўз шеърида:

Хоҳи танобини дучандон солай,  
Хоҳи карам бирла бошингни силай, —

дегандек оқ пошшо ҳам хоҳдаган ҳукмини юрита олади.

— Лекин бизнинг бойлигимиз — юртимиз. У ўз оёғимиз тагида! Оллоҳга шукрларким, уни ҳеч ким орқалаб кетолмас! Аммо, шарм-ҳаё, имон-эътиқодимиздан бу даражада айирмоқ йўлини тутгсалар, бу бизни

бутун инсон сифатида адо қилмоқ, қатордан чиқармокни ният қилғонлариdir. Бу оғатлардан фақат илмамаърифат ердамида қутулмоқ мумкин! Илм билан қутулмоқ мумкин?!

Меҳмонлар дастурхонидан хабар олиб, вақти-вақти билан чой ташиб турган Убайдуллахонни Мұхаммадхон аъламнинг бу фикри анча үйлатиб қўйди. Эриш туюлди. Илм билан енгиш деганда, нимани назарда тутмоқда?! Илм билан Чор ҳукумати ихтиёридан, мустамлака зулмидан қандай озод бўлмоқ мумкин?! Убайдуллага бу гап маъқул бўлмади. Аммо ўтирганлар Мұхаммадхон аъламнинг фикрини маъқуллаб:

— Кўр одам етаклаган ёқقا юради. Бизнинг халқимиз дунёдан бехабар бўлиб қолди. Ўруснинг пиёнистаси ҳам, маҳоркасини ўзи ўқиган жариdasи үраб чекади. Ўрусда фақат жарида эмас, ойномалар, рўзномалар бор... Ўруснинг пиёнистаси ҳам сиёсатдон. Ҳукуқини билади. Бизлар-чи?

Гап шу ерга келганда Шарифхон гўё устига ёф сепиб гутурт чақиб юборилгандек, қўлларини тиззала-рига уриб, бутун вужуди ўтирган жойида тебраниб, айтадиган гапларини айтишга муносиб сўз тополмаганиданми:

— Нега бизлар шундай бўлиб қолдик, тақсирлар! Нега?! — деган сўзни бир неча мартараб тақрорлади.

Дарҳақиқат, нега? Шарифхон қози рус амалдорлари, губернаторлар билан яқин муносабатда бўлиб турадиган, Оврўпо маданияти ва сиёсатидан, ўз халқининг аҳволидан боҳабар уламо одам бўлгани учун миллат тақдири ҳақида сўз борганда, атрофдагиларнинг омилигидан, миллат, Ватан дардидан ўртаниб кетарди. Бундай гапларни эшитганларида бепарво овқат чайнаб, эснагувчилардан додга келгудек ғазабланадиган жадидлардан эди. Айниқса, ўзларининг ораларига бугун қўшилиб қолган Асадулла маҳсумнинг боғ қўшниси, Аъзамхон домланинг бу гапларни эшитмагандек, бепарво ўтириб, шиннига нон ботириб, оғзини чапиллатиши ниҳоятда фашига теккан эди.

Айрим диндорларнинг назарида, жадидлар, уларнинг илм ва тараққиётни тарғиб этишлари, мусулмонларга салла ўрнида шапка, чопон ўрнида думи юлуқ товуқдек калта-култа костюм кийдириб, диндан оздириш-у кофирларнинг йўлига киритишдек, катта гуноҳ

бўлиб туюларди. Шиннига нон ботириб, оғзини ча-пиллатиб ўтирган Аъзамхон домланинг Шарифхон қозининг гапларини эшитиб, баъзан «астағфурилло» деб бош тебратиб қўйиши шунинг тасдиди эди.

Убайдулла Шарифхон қозининг миллат тақдирига алоқадор ёниб, ўртаниб гапиришларини ҳузур қилиб эшитса ҳам, Аъзамхон домланинг миллат ҳақидаги гапларни эшитиб, «астағфурилло» дейиши уни ҳайратлантиради.

Аммо Шарифхон қозининг Чор Русиясининг Туркистон халқларига келтирган зулми, оғатларидан қутулиш ҳақида айтган фикрларига тўла қўшилолмади.

Ўтирганларнинг бальзилиари Чор истибодидан қутулишнинг бирдан-бир йўли русларнинг тилини ўрганиш, улар билан баробар баҳслаша олиш даражасига етиш, деса, иккинчи бирорлари рўзномаю жаридалар ташкил қилиш, нашриётлар очиб, китоблар, турли-турли тарғибномалар чиқаришни таклиф қилдилар, кино, театрлар қуриш! — дедилар.

Бундай ғояларни амалга ошириш ниятида Мунаввар қори бошлиқ Абдулла Авлоний, Тавалло, Муҳаммадхон Пошшохўжа ўғли, машҳур бойлардан Саидабдулло Саидкарим ўғли, Саидазимбойлар ва бошқалардан иборат бир неча киши «Нашриёт» ширкати тузиш мақсадида эканликлари ҳақида ҳам қувонч билан гапиришиди.

Убайдулла бу қадар миллатига содик, унинг тақдирини ўйловчи олижаноб кишилар борлигидан қувонса ҳам, уларнинг бу режаларидан тўла қаноат ҳосил қилмаган эди. Оврупо маданиятига эга, илмли, зиёли бўлганинг билан Чор ҳукуматига қарам бўлиб қолаверсанг... Бундай илм ва маданиятнинг кимга кераги бор! Илм ва маданият озодликка, ҳуррияту истиқололга хизмат этилса, унинг илмлиги, кишиларнинг маърифатли ва маданийлиги қаёққа борди! — деб ўйларди.

Бугун боғда бўлаётган сухбатда ҳам илм ва маърифат, зўравонларнинг зулми, оқ пошшонинг мусулмонларга келтирган гуноҳ ишлари ҳақида чиндан ҳам ғазаб билан дилдан айтилган фикрлар бўлди-ю, аммо бундан қандай қилиб қутулиш йўллари ҳақида бирор киши сўз айтмади. Мулоҳаза юритмади.

Буларнинг гапларидан Убайдулланинг заррача кўнгли тўлмади. Куттан нарсаси «гап»донларнинг би-

ронтасининг оғзидан чиқмади. Унинг кўнглида түғён уриб, азоб бераётган алам бутунлай бошқа эди. Унинг қулоги буларнинг сұхбатларида бўлса ҳам хаёлида ҳозир фақатгина неча вақтдан бери виждан азобига солиб, қийнаб келаётган «Итлар ва сартлар бу ерга киритилмайди» деган мудҳиш ёзув бўлса, кўз олдида фақатгина бунга қарши исён кўтариб жазога ноҳақ, хукм қилинган ўзбек йигитининг қиёфасию, ўзи иштирок этиб, гувоҳи бўлган суд зали турарди.

Бугунги зиёфат иштирокчилари миллат ҳақида қанчалик жон қўйдирив гапирмасинлар, уларнинг биронтаси бу ҳақда оғиз очмаганлиги Убайдуллани афсуслантирган эди. Наҳотки, булар уйдан бехабар бўлсалар!

Илм... Маърифат...

Фуқарога илм ҳам керак, маърифат ҳам! Бунинг учун жаридалар ҳам, рўзномалар ҳам чиқармоқ керак! Керак! Аммо булар қачон чиқарилади-ю, қачон халқ уларни ўқиб, илмли-маърифатли бўлади?! Қачон кўзи очилади?!

Наҳотки, унгача бизлар ўз халқимизни руслар сарт, десалар ҳам жим, сартларни ит билан тенг қилиб маломат қилсалар ҳам чидағ ӯтироғимиз керак!

Наҳотки, «Итлар ва сартлар бу ерга киритилмайди» деган шиорлар ёнидан ёнлаб ӯтиб кетаверсак!

Наҳотки, шуни кўра била туриб, кўнглимизга боғ сайри, танбур садолари сиғса!

Бир эмас, ўн эмас, бутун халқни ҳақорат қилгандарни илм билан эмас, китоб билан уриш эмас, йўқ, уларнинг бўйинларига қилич тортмоқни халқقا ўргатмоқ Сиз жаноблардан лозим эмасми!

Илм!.. Илм-а!..

Русларнинг ўзи, ўз подшосининг зулму адолатсизлигидан тўйиб, унга қарши қурол кўтаргандা, нега бизлар, унинг қулваччалари, бу ҳақда ўйламаслигимиз, бундай ғанимат дамда, уларнинг ёнига кирмоқликни ўйламаслигимиз керак?!

Қаримиз, ёшмиз, деманглар энди,  
Маорифга керак бирдан ёпишмоқ! —

дэйиш ўрнига, қуролга ёпишинг, дэйиш фурсати келмадими, ахир?!

Убайдулла вужудини ларзага соглан бу ғазабли фикрларни отаси чалган танбурдан кейин «Хўш, энди бизлар киммиз, итларми, сартларми?» деб ўтирганларга ўрни келса ҳазил тариқасида бўлса ҳам айтмоқчи бўлди-ю катталарнинг гапига аралашиш одобдан бўлармикин, деган андиша билан ўз ғазабини ичига солди. Аммо бу ғазаб ичига сифмай ёриб чиққандек, беихтиёр:

— Ё тавба, — деб ўрнидан туриб кетишга отланганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Унга яқин ерда ўтирган амакиси Саидрасулхон:

— Тавбалаб қолдинг, Убайдуллахон укам, нима гап ўтди?..

Убайдулла кинояли оҳангда:

— «Сартлар»га илм, маърифатдан бошқа нима керак, демокчиман, амаки.

Тирмизақдек Убайдуллахоннинг гапи Саидрасулхонга ёқмади. Чунки у аср бошларидаёқ рус-тузем мактабларига дарслик ёзган одам эди. У гоҳ оқ-қизил юзига ярашган қоп-қора мўйлови, гоҳ қисқа қўйилган қоп-қора соқолини ўйчан силаб, жавоб қайтариш ўрнига меҳмонларга:

— Қани, «сарт»лар, боғни бир айланайлик, гўзал бўлган! Анжир жуда асал бўлиб етилибди. Қўли билан узуб еганни таъми бошқа, — деб гапни бурди.

Кимдир:

— Лаббай, сарт дедингизми?

— Ҳазил ҳам керак-да, — деб уни чалғитмоқчи бўлди Асадулла маҳсум.

— Кофирларнинг айтганини тақрорламанг, — деди бу сўзини нима учундир ёқтиргмаган Саидкаримбой.

— Қани, боққа тушайлик, тагини ковламанглар...

Бу гапни Асадулла маҳсум, сартдан кейин гап «ит»га ўтиб, жиiddий баҳс бошланиб, зиёфатнинг руҳи бузилмасин маъносида айтган эди! Лекин...

— Ошнинг ёғи тагидан чиқади, — деб ҳазилга бурди, боққа чиқмоқчи бўлиб ўрнидан турган Муҳаммадхон аълам.

— Бу гапни кавласа таги қирмоч олиб, куйинди бўлиб кетган. Гапиришга тил ҳам бормайди, — деди Асадулла маҳсум ўғлидан эшитган, судда ўғли гувоҳ бўлган воқеани назарда тутиб. Шу воқеа сабаб ўғли бутун ҳаловатини йўқотиб, худди битта ўзи бу халқ-

ни хўрлиқдан кутқармоқчи бўлгандек, аллаёқларга ўқишига отланиб қолди. Ўғли айтган суддаги воқеа фақат Убайдуллани эмас, Асадулла маҳсумнинг виж-донини ҳам азобга солиб қўйган эди! Боқча чиқиши ҳам унугтилиб, турган жойларида гап барибир баҳсга айланиб кетди. Бу уламоларнинг баҳслари нима на-тижга билан тугашини кутгандек жим турган Мирза-каримбой:

— Ўғлингизнинг умри узоқ бўлсин, қани энди, ҳамма фарзанд шундай бўлса!

Мирзакаримбойдан бу гапни эшитган, унинг оиласи билан борди-кељдиси бор Саидрасулхон жиадий тус олган баҳсни бўлиш мақсадидами ёки чин кўнгилданми:

— Ҳавасингиз чиндан келган бўлса, Асадуллахон Сиздан ўғилларини айдиларми, икки томонга ҳам мен баробар одамман, Оллоҳу акбар, ўғил бўлгани рост бўлсин, деймиз-қўямиз, — деган эди, Мирзакаримбойнинг юзидағи қандайдир ҳайронликми, табассумдек ўзгаришни кўрганилар буни розиликка қабул қилиб, фотиҳа тортиб юбориши. Гапдан гап чиқиб, Мирзакаримбойнинг қизини Убайдуллага унаштириб қўйиши!

Ёшлигидан серфикр, ўйчан, қатталарнинг саволларига қайтарган жавобларининг ниҳоятда мантиқлилиги, айрим масалаларда кишини ўйлантириб қўядиган саволлар бериши, ҳатто ҳазиллашиб қилинадиган ёлғонларга bemurosалиги, феълидаги кескинлик Убайдуллани таниган кишиларда келажагига катта умид ўйғотганди. Айниқса, бу уйга тез-тез келиб турадиган Мирзакаримбой Асадулла маҳсумнинг ўғиллари ичida Убайдуллага алоҳида меҳр билан назар солиб юрарди. Бой фотиҳага розилик берди. Албатта, бу орқаворотдан бўлди, ҳозирча Убайдулла бехабар. Аммо у куёв бўлишга рози бўладими-йўқми, худо билади.

Мирзакаримбойдек бир одам рози бўлади-ю, нега у рози бўлмасин?! Аммо Убайдулланинг хаёли бошقا ёқда. У бошқа ниятлар билан яшамоқда эди. Эшитганда ҳам бундан хурсанд бўлиши гумон. У рус-тузем мактабида ўқиган округ суди идорасида тилмоч бўлиб ишлаган вақтларида ёқ, русларнинг ерлик халқ устидан ҳукмронлигини сезган. Айниқса, суд идораларида бундай адолатсизликнинг гувоҳи бўлган Убайдулла шу кун-

ларда Русиянинг Саратов шаҳридаги ҳуқуқ институтига ўқишга кетиш учун тайёргарлик кўриб қўйган эди. Ҳатто юборган хужжатлари маъқул бўлганлиги ҳақида маълумот ҳам олган эди.

Ота-онасиининг эса Мирзакаримбойдек обрўли, бадавлат одамга қуда бўлишдан қувончи ичига сифмайди. Ота қувонч билан бу хабарни ўғлига етказиб, хурсанд қилмоқчи бўлди-ю, аммо, минг афсусларким, унинг акси бўлиб чиқди. Буни эшигтан ўғли сапчиб тушди. бу йўлдаги тўсиклардан қутулиш йўлини излай бошлиди. Бунинг бирдан-бир чораси, ота-она билан баҳслашиб ўтирмай, қизнинг ўзига шундай бир мактуб ёзсинки, қиз бунга турмушга чиқишга рози бўлмасин. Нима деб ёзса?..

### МАКТУБ

Менга насиб этган бу ғойибона унашув баҳтидан қанчалар қувонмай, ҳақиқий муҳаббат ўз севгилисими ҳамиша қувонч ва баҳтга, унинг орзуларига эриштиромок, деб билганим учун, бу ниятларга етказищдаги ожизлигимни пинҳон сақлаб, Сизга айтмасликни ҳақиқий севигига бўлган хиёнат деб билдим. Ва ушбу мактубни ёзмоққа саъй қилдим.

Ҳусн ва донолик, ақлу заковатдек баҳтнинг бир одамга худойим томонидан берилиши, ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу Сизга насиб этган! Қанийди, худойимнинг бу марҳаматига ҳамма ҳам Сиздек мусасар бўлса! Афсус!.. Афсус!

Сизнинг ақлу ҳуснингизу отангизнинг давлати кимда бор! Бу оиласа яқин бўлмоқнинг ўзи биздек ожиз бандаларга фаҳр-ку!..

Мактубнинг шу ерига келганида ўйланиб қолади.

Мирзакаримбойнинг қизига мактуб ёзаётган шу кезларда у Саратов шаҳридаги Юридик олий ўқув юртига кетишга тайёргарлик кўраётган эди-да. Шу муносабат билан рус қонунчилигини ўқиб, ўзича ўрганиб адвокат сўзининг таъсир кучи нимада эканлигини, ҳақиқий адвокат қандай булиши, нималарни билиши кераклигини ўрганишга киришган эди. Шунинг учун ёзаётган мактубидаги ҳар бир сўзининг ижобий таъсир кўрсатиши устида ўйланиб, тўхтаб қолди. Чунки мактубнинг қиз қалбига таъсир этарли даражада эҳти-

рос билан ёзилиши, ўзидан унинг ихлосини қайтариш эмас, аксинча, муҳаббат уйғотиб ижобий таъсир кўрсатиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Шунинг учун мактубда қиз қалбини ром қиласидиган эмас, аксинча, довдир-совдир гапларнинг ёзилгани маъқул, у қизнинг ҳафсаласини пир қилиб кўнглини қолдириши мумкин-ку, деган фикрга ҳам келади. Қиз номига ёзилган мактуб шуңдай бўлиши керакки, қиз бунга тегишига, ота-онаси эса, бу қўйган шартлар асосида тўй қилишга розилик бермасин.

Мабодо мен «Сизнинг қўлингизни ушлаб, ёнингизда юрсам, бу қандай қувонч» деб ёзсан, қиз нима дейиши мумкин? Албатта, у «Қўлимни ушлаб, қаёққа бормоқчи у мен билан? Вой, гапинг қургурнинг бемаъни, совуқлигини қаранг» демайдими? — дейди, албатта. Шу фикрга келади. Борди-ю, қиз — халқимиз озодлиги йўлида не истасангиз, қандай қийинчилликлар бўлмасин, биргалиқда тортишга, Сиз билан ўтга ҳам, сувга ҳам тушмакка розиман, — деса-чи!

Отаси миллатнинг дардини чекувчи бойлардан. Ўша отанинг қизи бўлгандан кейин, миллат учун бу ҳам менинг шартларимни рад этмаса-чи?

Лекин?..

Хўш, ота-она қизининг розилигига рози бўладими? Қайси ўзбек ота-она бўй етган қизини тўрт-беш йил қари қиз қилиб уйида сақлаб ўтиришга йўл қўяди. Албатта, икки дунёда ҳам мен тўрт-беш йил ичида ўқишини битириб келгунимча кутишга рози бўлмайди.

Улардан кутулиш йўлини топдим! Аммо ўз ота-онам?! Улар Мирзакаримбойдек одам қизини бормоқчи бўлса-ю, сен уни ташлаб аллақаёққа ўқишига бормоқчи бўлсанг, бунга осонлик билан рози бўлармикин? Отамнинг феъли маълум, қайсар одам, ўз фалсафаси билан мени мот қилмоқ бўлади. Албатта, у — Инсон нега яшайди, яшаётдан мақсад нима? — деган савол беради. Бола-чақа қилмай, фақат илм билан яшаш, мукаммал инсонийликка кирадими? — дейиши табиий. Албатта, мен:

— Йўқ, — дейман.

Албатта, у менинг тан олганимни мағлубият деб қабул қилиб, завқ билан:

— Балли!.. Балли ақлингга! — дейиши ҳам турган гап. Шундай бўлгач, ўғлим, Мирзакаримбойдек фақат

Тошкентда эмас, бутун Туркистанда таниқли бир бой одам сенга қызини бераман, деб турса-ю, сен унинг давлати паноҳида айшу ишрат, майшат қилиб, давлатига меросхўр бўлиб яаш ўрнига, мен Русияга илм олгани бораман, уйланишга вақтим йўқ, деб турсанг, хўш, ўқиб, ким бўлдинг?! Нима орттирасан?! — деса, қандай жавоб қиласан, Убайдулла?! Бундан ташқари:

— Мирзакаримбойнинг фариштадек қызини олиб, ҳали Истанбул, ҳали Олмонияга сайдра чиқиб, дунёни кезиши ўрнига ўруснинг ўрмонзорига бориб, йил бўйи картошка қайнатиб кун кўрган, яқингинада лозим кишишни нималигини билган халқдан нима илм ўрганмоқчимисан?!

Ахир, қайси бизнинг буюк олимларимиз — Улугбекми, Берунийми, Синоми, қайси бири Русиядан таълим олиб, дунёга машҳур бўлиб етишдики, сен улардан илм ўрганиб дунёга устун бўлмоқчисан, — деса нима дейсан, Убайдулла?

Убайдулла отаси нима дейишининг ҳаммасини кўнглидан бир-бир ўтказди. Ҳаммасига ўзича жавоб топиб кўрди. Ўз жавоблари билан отасини тан олдиришни, ўз домига сола олишига қатъий ишонч ҳосил қилди:

— Сиз, ота, бедилхон, дунёни биладиган одамсиз! Агар мен Сизга топган илмингиз уч пул, рус маданияти олдида Сиз, кимсиз, битта сартсиз, ваҳший туркистонликсиз, — десам, нима дейсиз, буни ўзингизга ҳақорат деб билмайсизми? Ё тўғри, деб қуллуқ қилиб тураверасизми? Албатта, йўқ.

Мана энди Сизга, нега жаннатдек юртимни ташлаб, муҳаббатдан кечиб Русияга ўқишга бормоқчиман, нима мени бунга мажбур қилди, керак бўлса — яна ҳаммасини бирма-бир айтаман.

Аввало, менда бу ниятнинг туғилишига сабабчи бўлган Сизларнинг ўзларингиз. Ҳа, шундай, отажон! Ахир, Сиз ва сизнинг улфатларингиз эмасми, Туркистон халқини ғафлатдан қутқариш учун жаридалар, рўзномалар, нашриётлар, театрлар очайлик, ташкил қилайлик, халқнинг кўзини очиб, уйғотайлик, деганлар.

Мени ҳам ғафлатдан уйғотиб, Сизлар кўзимни очдинглар! Ҳақ билан ноҳақни танийдиган қилдинглар, хўш, бу ёмонми? Энди, албатта, савол туғилади, ғафлатдан уйғониш нима? Кўзи очиқ одам нима қилиши

лозим? Шундай бұлғақ, қани, айтинг, күзим очиди, ғафлатдан уйғондим, энди нима қилишим керак? Курашишми? Чора излашми? Шу йұлни тутсам, бунинг нимаси ёмон? Сизларнинг ниятларингиз ҳам ахир, шу эмасми, отажон!

Руслар юртимизда фоҳишахоналар очғанлиги сизларга аён. Хүш, бұлмаса, юртимизни бегоналар келиб, фоҳишахонага айлантираверсинарми?!

Ё бұлмаса, одамларимизни ароққа үргатиб, дунёдан бебаҳра, күчаларда юмалаб ётадиган бир махлук булишта үргатсалар, сабр-тоқат қилишимиз керакми? Бұлар иш бұлды, деб қараб турсам, Сизга маъқулми?

Мана шу бузғунчиликлар, мана шундай ҳақоратларга қарши нафрат ва ғазаб билан майшатни ҳам унугиб кечә куни, фақат кечә кунигина эмас, ҳар сұхбат чөйида, ҳамиша жон күйдириб келгандар. Сиз, илм аҳлари, қозиу қурра, ағыламлар үзларингиз зәинглар-ку!

Оқ билан қоранинг, ҳақ билан ноҳақнинг, зулм билан адолатнинг нималигини менинг қулоғимга ёшликтан қыйиб, қалбимда халқ ташвишини уйғоттан сизлардек одамлар борлигидан қувонмай иложим борми? Сизларнинг истак-орзуларингиз рус мустамлака зулмидан құтулиш бұлғанда, мен бунга жонимни тикмай, үз ҳузыримни, үз жонимнинг роҳатини үйлаб, бойнинг саман отига миниб, бир гүзәлнинг қулиға айлансан, Сиз шунда мендек үғидан миннатдор бұлармидингиз?!

Хаёлан отасининг саволларига қайтарған жавоблары гүё ҳаммаси рад этиб бұлмайдиган, отаси тан оладиган даражада үринили эканлигидан үзича мамнун ва хурсанд әди!

Ахир, мен айрим бойваччалардек сайру саёҳат қилиш ёки фойда күриш учун у мусоғир юртга бориши орзу қилмадим-ку! Ё бұлмаса, үз халқи манфатини амалга, пулға, үз майшатига соттанлар қаторига кирайми?!

Убайдулла үз фикрига отасини ишонтирап-күнди-рару, онаси нима деркин?!

Убайдулла онанинг бош үғли. Кетіда яна бүй етган, менга қачон гал келади, деб кутиб турған уч азамат укаси бор. Бу уларнинг йұлни түсмайдими?!

Она Убайдулланинг орзусига розилик берармикин?! У онага қаңдай жавоб топаркин?!

## Тұртінчи бөб

### ОРЗУНИНГ АЗОБЛАРИ

Шу кунларда Асадулла махсумнинг руҳи тетик, ўзи-ча хурсанд. Ахир, Мирзакаримбойдек машҳур, бадавлат бир кишига қуда бұлади-ю яна хурсанд бұлмасинми! Аммо ўғли Убайдулла Мирзакаримбайнинг қизига мактуб юбориб, фотиҳани бекор қилиш ниятида эканлигидан отанинг ҳали хабари йүк.

Она ҳам түй тарааддудига тушиб қолган. Аммо Убайдулла жим, уйланиш ҳақыда ҳали оғиз очганча йүк. Чунки у ёзіб юборған мактубига қизнинг жавоб қайтаришини күтмоқда. Ҳали отага ҳам юрагини очиб гаплашғанча йүк. Чунки бунга ҳали вақт эрта. Асосий масала қизнинг жавобида. Мабодо қызы мактубни олғандан кейин рад жавобини берса, яъни тегишга розилиги йўқлигини билдиrsa, у чоқда отам билан бу ҳақда сўзлашишга эҳтиёж ҳам қолмайди, деб ўйлади Убайдулла!

Орадан анча вақт үтди, қиздан жавоб йўк. Балки ота-онаси билан бамаслаҳат жавоб қилмоқчиидир?

Тоқати тоқ бўлган Убайдуллахон синглиси Иқболхонни қизнинг уйига юборишига қарор қиласи. Иқболхон қиздан мактуб эмас, «Мен етимча эмас, менинг бошимда ота-онам бор. Улардан бемаслаҳат, ўзимча яширин, у кишининг мактубига бирор жавоб қайтармоғим одобдан бўлурмиди? Борди-ю, менинг ўрнимда Сиз бўлсангиз!» деган унинг ниҳоятда одоб билан айтилган гапларини акасига етказди.

Убайдуллахон шундай бўлишини ҳам кўнглидан ўтказган эди. Лекин уни қизнинг рад жавобигина эмас, бундай жавобнинг бошқа бир жиҳати, яъни ўзбек қизларининг энг ўқимишли, маданиятли, илмли оиласдан бўлишларига қарамай, ўз шахсий фикрларига эга бўлмасликлари, ўз баҳоларини қадрламасликлари рапжитган эди.

Демак, Убайдуллахоннинг уйланиш, уйланмаслик масаласи икки томон — ота билан оналарининг хулоса чиқаришларига боғлиқ. Менинг мактубимдан хабар топган қизнинг отаси ёки онаси, албатта, куёв бўлмиш — менинг ўйимдагиларга маслаҳат солишилари табиий.

Масала энди ечимга келди. Лекин икки томон қандай қарорга келмасин, Убайдуллахоннинг мақсади қатъий эди.

Аммо!.. Хўш, ота-она розилиги-чи?!

«Ота рози — Оллоҳ рози!»

Убайдуллани бу савол узоқ ўйлатади. Қийнайди. Лекин ўз мақсадидан яна қайтмайди.

Мен, отамнинг дилини ранжитиб ёки норози қилиб, нима қилибман. Топған-тутган, бор-йүғини қиморга бой бериб келибманми? Ўрусларга қўшилиб маст бўлиб, кўчаларда йиқилиб, Асадулла маҳсум деган шаънига доғ туширибманми?! Бекор юриб, ўғирлик қилибманми? Безори фарзанд бўлиб, савоб-гуноҳни фарқ қилмайдиган, фоҳишаҳоналарда ётиб, уйини наҳс бостирган ўғил бўлибманми?!

Борди-ю, мен ҳам ўз юрти, ўз халқи манфаатини амалу мартабага, пулга, ўз майшатига сотгандар қаторига кирсам, хўш, отам мендан рози бўлармиди?!

Ё тавба!.. Ё тавба!.. Ахир ўзимизда ўрисларда бўлгандек олий аддия дорилфунунлари бўлмаса, ўз халқини ҳимоя қиласидиган, ўруслар билан баҳслашадиган адвокатлар бўлмаса, шундай бўлишга интилиш гуноҳми? Ўруслар аэроплан ясасин, булар эшак-арава, улар дунё кезсин, булар эса қўлда кетмон... Бизга шу баҳтми! Токайгача бу аҳвол!

«Ҳой Убайдулла, бутун бир халқнинг мушқулини битта ўзинг осон қилмоқчимисан? Қаҳрамон ёки доҳий бўлмоқчимисан?!»

Убайдулланинг бошида турфа хил саволлар айланади. Бу қилаётган ишининг ҳақлигини теран ўйлади. Ўз ҳақлигига тўла қаноат қилгунча, уни асослагунча минг хаёл, минг кўчага кириб чиқади. Ишонарли жавоблар излайди. Доҳийлар, қаҳрамонлар осмондан тушадими?!

«Итлар ва сартлар бу ерга киритилмайди» деган ёзувни кўриб, унча-мунча қўрқоқ, нафспарастлар қилолмайдиган, аммо кўпчиликнинг кўнглидаги ишни қилган, халқнинг дуосига қолган ўзбек йигитининг мардлиги қаҳрамонлик эмасми?!

Қайси ота бундай фарзанддан норози бўлади?! Қайси ота оқ қиласди?!

Отамнинг раътига қарши бориб Мирзакаримбойнинг қизига уйланишга розилик бермаганим учун, мен

аминман, ҳа, отам мени оқ қилмайди. Худога шукрларким, менинг отам Асадулла маҳсум баъзи оталардек оми, жоҳил эмас. У ўз фарзандини оқ қилишнинг гуноҳи азим эканлигини, фарзандини оқ қилса, фақат фарзандига эмас, ўзига ҳам жабр қилинишини яхши билади.

### Р и в о я т:

Кунлардан бир кун ўз ноқобил ўғлини инсофга келтиромаган ота, ахийри, жонидан тўйганидан кейин оқ қилибди. Йиллар ўтиб, ўғлининг азобида куйгані ота ҳам оламдан ўтибди. Ота қарғишига учраган ўғил, отадан кейин хору зор бўлиб, аммо кексайган чоғида Худойи таоло унга инсоф берибди-ю, ҳар пайшанба, ҳар ҳайит кунлари отасининг руҳига Қуръон бағишлайдиган бўлибди. Аммо, савоби отага етмабди. Негаки, ота бундай савобдан ўзини маҳрум этган эди. Ўз фарзандини оқ қилиб, фарзандидан кечган эди. Бу, энди унинг фарзанди ҳисобланмасди. Шунинг учун ҳам инсофга келган ўғли ўқиган дуонинг савоби ҳам унга етмасди.

Отам, оқ қилиш, ўз фарзандидан кечиш эканлигини, бу эса савобдан маҳрум булиш эканини яхши билади.

Убайдулла Русиянинг Саратов шаҳрига отланишдан аввал ҳар жиҳатни ўйлади. Ахир, ўзининг орқасида хали уйланмаган уч азамат укалари бор-ку! Уларнинг йўлини тўсмайдими? Улар бунинг истагига норозилик билдириб ота-онасининг ёнига қўшилмасмикин? Худога шукур, Убайдулла бу ташвишдан осон қутулди. Аксинча, укалари жонига оро кирди. Укаларининг ҳам ўзицек миллат манфаатларидан йироқ кишилар эмасликларидан беҳад хурсанд эди.

Бола-чақа орзуси, муҳаббат лаззатидан кечган Убайдулла

*Айрилиқдан ким ўлибди,  
Ҳаммадан хўрлик ёмон!..*

деган нақлга амал қилиб, ёз ўрталарида ўзи билан Тошкентда бирга ишлаган рус судьяси билан Саратов шаҳридаги олий ҳуқуқ ўқув юртига ўқишга жўнайди. Жўнади-ю, аммо ўша кундан ота-онасининг азобларию, ўз умрининг заволи бошланади.

Албатта, Убайдулла узоқ Русияга илм олиб, ўз юртига амалдор бўлиб қайтиш учун бормаган эди. Унинг кўз ўнгида бор бисоти бутун шилиниб, қўл-оёғи боғланган, ноҳақ ҳақоратланган, ихтиёри тортиб олиб хўрланган, ноласини айтгувчи тиллари қирқилган, эркидан айрилган одамдек почор ва аянчли ватани Туркистон туради.

Золимнинг зулмига, унинг ҳақорат ва тухматларига Тангри таолодан нажот сўраб, халқнинг дардини англаган Убайдулланинг қулоқлари, кўрган кўзлари ва виждан чидаб туролмади, Русияга келди!

Золимнинг қўлидан қандай қилиб қилични олиш йўлларини излаб келди. Убайдулланинг Саратовга келиши, русларнинг ўз подшоларига қарши бош кўтарган 1905 йил инқилоби пайтига тўғри келди. Буцдай инқилобий кўтарилишлар фақатгина Русияда бўлмай, инглиз босқинчиларига қарши Ҳиндистонда ҳам «Сводеш» миллий-озодик ҳаракати бошланган эди. Айниқса, Русиядаги инқилоб Убайдуллани чексиз қувонтирди. «Чиқаси келса, эгаси бош бўлади» деганларидек, Туркистон халқарига худонинг ўзи нажотлар етказди, деб ўйлади. Унга русларнинг ўз подшоларига қарши бошлаган бу кураши, Туркистон халқларининг золимнинг зулмидан қутулиб, озод бўлишларига энди йўл очгандек бўлиб кўринди.

Лекин, подшо зулмига қарши курашганларнинг ниятлари нима? Ўз подшоларини ағдариб, ўрнига қандай давлат тузмоқчилар? Улар кимлар? Большавийларми, кадетларми, меншевикларми?.. Истило чангалидан Туркистон озод бўлиб истиқдолга эришадими, йўқми?..

Албатта, сенинг қўл-оёғингни боғлаб, бор нарсангни талаган босқинчидан кимdir сени кутқарса, ўша фурсатда, қувончинингдан бу одамнинг кимлиги ва не ниятда эканлигини ҳали билмасанг ҳам, ўша дақиқада халоскорим, деб миннатдор бўласан!

Худди шундай. Убайдулла аниқ бир фикрга келмаган бўлса ҳам, лекин бу инқилобни у Туркистон халқларининг ҳам ўз эркинликлари учун курашга отлашишларига яратилган имкон деб тушунган эди.

Ҳаммаёқда уйрониш, ҳаммаёқда қўзғалиш! Бизларчи!

Убайдулланинг беҳаловат кунлари боғланади, тин-

чини йўқотади. Эътиқоди йўлида ҳар қандай машак-  
қатга тайёр эди.

*Қанот наидо қилса илон, чаёнга,  
Парвозни истамас, кавакка қочар.  
Эътиқоди учун, аммо ўлимга  
Риёни билмаган кўксини очар, —*

деган отасидан эшитган эътиқод ҳақидаги бу ҳикмат,  
ҳар қандай мушкуллар олдида унга мададкор эди.

Туркистонык ватандошлари, жадид дўстлари халқ-  
ни фазотга қўзғамоқ, бош кўтартирмоқ учун Русиядаги  
аҳвол ғанимат, фурсат етганилигини ҳис этдиларми,  
йўқми? Уни қийнаган нарсалардан бири шу эди!

У Мунаввар қори, Садриддин аълам, Абдулла Ав-  
лоний каби дўстларига кетма-кет мактублар юбориб,  
Русиядаги аҳвоздан огоҳ қила бошлади. Аммо золим  
подшоҳга қарши кўтарилган инқилоб Убайдуллаға қан-  
чалик умид бағишлаб, уни қувонтирган бўлмасин, бу  
нима билан тугайди? Буни бошлаганлар ким? Ниятла-  
ри нима? Туркистон мустақил бўладими?! — номаъ-  
лум эди!

Қон тўкишларга нисбатан рус инқилобчилари,  
қонуншунос, рус зиёлилари, илғор фикрли ёзувчи-  
ларнинг қарашлари ҳам бир хилда эмас эди. Қарама-  
қарши гурухлар, турли партиялар авж олиб кетган  
бўлиб, айниқса, Буюк адаб Лев Толстойнинг «ёвузлик-  
ка қаршилик қилмаслик» ҳақидаги ғояси атрофидағи  
баҳслар авж олиб кетган эди. Большевиклар буни  
инқилобий ҳаракатга қарши деб талқин қилган бўлса-  
лар, бошқалар ўзларича хулоса чиқардилар, ижобий  
қабул қилдилар. Убайдулла эса бу Туркистон халқла-  
ри манфаатларига зид! — деган қарорга келди.

— Нечук зид! Туркистон халқлари қон тўкишни  
истайдими?

Убайдулланинг бундай қарашини билган ҳамкасб-  
ларидан бири, турк адабиётини яхши билган татар  
йигити унга эътироуз билдириб, Сўфи Оллоёрнинг:

*Сенам эрсан, отанг эрдек қилиқ қил,  
Ёмонлик айлаганга яхшилик қил, —*

шеърини мисолга келтиради. Буни эшитган рус ҳам-  
касларидан бири, татар йигитининг фикрини қув-  
ватлаб:

— Убайдулла, сени қандайдир бирор жоҳил, нодон шапалоқлаб урса, сен ҳам ўзингни у билан тенг қилиб, ёвузыликка ёвузылик қилиш керак, деб ёқа бўғишиласанми?

Убайдулла узоқ ўйлаб ўтиրмасданоқ:

— Бу гапингга юз фоиз қўшилишаман. Ҳатто сен мени урсанг, мен сени урмайман ҳам, — деди.

— Нега урмайсан? Унда Толстой ҳақ! Шундай бўлгач, нега Толстойга қаршисан?!

— Шунинг учунки, сен битта одамга, менга ёвузылик қилдинг. Бу ёвузылик эмас, бу жаҳолат. Нодонлик. Буни кечириш мумкин. Аммо кўпчиликка. — Лекин шериги Убайдулланинг гапи давомини эшишишга ҳам қаноат ҳосил қилмай, нимадир демоқчи эди. Убайдулла ўзининг фикрини исботлаш учун кўнглида сақлабтугиб турган, ниҳоятда жиддий далилларни, рад этиб бўлмас мисолларни бирма-бир айта бошлиди:

— Сизларда, рус темир йўлчилари иш ҳақларини оширишни талаб қилиб, иш ташлайдилар. Уларда бу эрк бор!

Рус кончилари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб на-  
мойишга чиқадилар. Бунга эришдилар! Биз Туркистон  
халқлари-чи?! Хўш, бизларда кон йўқми? Бизларда  
ҳам конлар бор, аммо эгалари келгинди руслар!

Бизларда темир йўллар йўқми? Бор! Аммо хўжа-  
йин кимлар? Руслар! Бизда бепоён пахта далалари ҳам  
бор! Далалар, пахтазорлар бизники, меҳнат биздан,  
аммо ҳосил соҳиблари ким? Рус тўралари!

Бу талончилик эмасми? Талончиликни бизда ўғир-  
лик, дейдилар. Хўш, бироннинг ҳалол молини ўғир-  
лаш, ёвузылик эмасми? Бу жаҳд ёки нодонлик натижасида  
бир одамга урилган шапалоқ эмас! Бу очиқ зулм!  
Руслар ўз подшоларига, ўз юртларида туриб, исён  
кўтармоқдалар. Ё Оллоҳ! Ахир, улар бизлар каби ким-  
ларнингдир мустамлакаси эмаслар-ку. Биз — Туркис-  
тон халқлариdek хўрланиб-таланган эмаслар-ку! Руслар  
бизлардек эрксиз, таланган бўлганиларида, худо би-  
лади, бундай мустамлакачи подшолар бошига руслар  
не ит кунларини солмасдилар!

Биз туркистонликларга худо тўзим берсин!

Бойлоқда узоқ турган ит ҳам бир кун қутиради.  
Туркистон халқлари ахир, инсон-ку! Лекин рус им-  
перияси назарида-чи! — Убайдулла Туркистон халқ-

ларига сарт деган ном қўйиб, ит билан тенглаштирганларини ҳам айтмоқчи бўлди-ю, ғазабдан үзини тийди.

Убайдулланинг бу далилларига рус ҳамкасби қаноат ҳосил қилмагандек нимадир демоқчи эди, дарғазаб Убайдулла Русия подшолари келтирган оғатларни исботлаш мақсадида қофозга тушириб қўйган эканми, чўнтағидан олиб қалаштириб ташлади:

— Туркистон миллий марказларидан бириси, ул, Русияда мусулмон энг кўп бўлғон бир ўлқадир. Мусулмонлар бутун аҳолининг юздан тўқсон бешини ташкил этадилар. Туркистон халқининг 5 процентафи мусулмондан бошқа миллат. Шул сабабли Туркистонни соғ мусулмон ўлкаси деб санарга ва шул сабабдан анга эътибор этарға тегишлимиз.

Ҳозирга қадар Туркистон рус маъмурлари учунда, рус сармоядорлари учун-да, зўр бир соғимли сигиргина эди. У кишиларнинг Туркистонга нечук этиб истифода қилурларин сўйлаб турмайман; бир мисолгина келтираман, шундан англарсизки деб билам.

Туркистоннинг энг кўп етиштурғон нарсаси момик. Бу нарса бутун Русия мамлакатида Туркистондагина ўсади. Момик бутун дунёга керак нарса. Ҳозирги сўғиши чоринда унга эҳтиёж тағин-да ортиб тушди... Олдинги вақтда Америка момифининг пути 18 сўмдан Русияга келтирилар эди. Туркистон момиги эса ҳозирги вақтда ҳар нарсанинг баҳоси 3—4 ортган чоғда-да такса бўйинча пути 7—10 сўмдан тебраниб туради. Бутун Туркистон йил сайин 10—12 миллион пут момик чиқорғонда Туркистон дехқонлари бу такса орқасинда йил сайин 100 миллион сўм йиғадилар демакдир. Мана, Туркистон дехқонлари йиғган 100 миллион сўм ақча, рус сармоядорларининг киссасига киради. Руслар Туркистондан шу қадар фойда этгани ҳолда, Туркистонга бунинг баробарига ҳеч бир нарса бермайдир...

Ушбу далилларни келтирган Убайдулла баҳслашаётган дўстларига:

— Мана энди адолат билан хуолоса чиқаринг! Бу нимага киради? Ёвузликми, талончиликми, қароқчиликми? Зулмми? Азизим, бу Сиз айтгандек, бир одамини шапалоқлаб уриш эмас. Бу бутун бир халқни талаш! Зўравонлик-ку! Бу зўравонликкина эмас, ваҳ-

шийлик-ку! Бу қандай ёвузындан кам! Бунга ҳам индамаслик керакми? Толстой бу маънода айтмаган бўлсалар керак! — Убайдулланинг империя зулми ҳақида келтирган далиллари рус дўстига ёқмади. Татар ўйга толиб қолди. Убайдулла рус дўстининг шовинистик қарашларини илгарилардан сезган учун у билан баҳслашишни ортиқча деб билиб, бир вақтлари ака-ука ўртасида бўлган можаро вақтида отаси айтган: «Баҳс, андан келур наҳс!» ҳикматини эслаб, ўшанга амал қилишни лозим топди: — Агар баҳс бемаъни тортишувга сабаб бўлса, наҳс бўлади. Мабодо баҳс ўз манфаатини кўзлаб, манманликка ўтса, унда ҳам наҳсга айланади.

Ҳақиқат ва адолат — бетаъма ҳукм чиқаришда.

Убайдулла атрофдагиларнинг таъналаридан қутулиш, улар олдида ўз ҳақдигини исботлаш ниятида Саратовда яшаган вақтидаёқ 1909 йили Лев Николаевич Толстойга хат билан мурожаат этишга аҳд қилган эди. Убайдулланинг ушбу мактуби катта шов-шув бошлинишига сабаб бўлди.

Рус инқилобчилари, большевиклар Убайдулланинг үзларига ҳамфикр, яқин деб билсалар, Чор охранкаси эса, аксинча, Убайдулланинг большевиклар билан ҳамкорлиқда шубҳа қилиб, уни таъқиб эта бошлади.

Рус давлатининг махфий ташкилоти, ўша даврдан бошлаб Убайдулла Асадуллаевич Хўжаевни рус империяси учун энг хавфли одам, деб эълон қиласди. Ҳатто Туркистон вилоятидаги махфий давлат ташкилотларига у ҳақда ва унинг яқинлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш, улардан огоҳ бўлиш ҳақида телеграммалар юбора бошлайди. Шу даврдан Убайдулланинг бир умрлик таъқиби бошланади.

Убайдулланинг большевикларга ҳамфикрлиқда айблаш бутунлай асоссиз эди. Чунки большевикларнинг Туркистон ўлкасига мустақиллик бериши Убайдуллада ишончсизлик туғдирган эди. Аммо Чор империясига қарши эканлиги бу шубҳасиз аниқ эди. У икки ўт орасида курашди. Убайдулланинг дўсти ҳам, душмани ҳам фақат битта бўлган. Кимики, Туркистонга истиқлол бериш тарафдори бўлса, ўша унга дўст, кимики бунга қарши бўлса, ўша унинг душмани! Бу фикрини халқ орасида, уни уйғотиш мақсадида у очиқ айтадиган бўлди.

Яширин ишни жосуслар қиласы, сир олиш учун! Бу Николай подшонинг яширадиган сири қолгани йүқ-ку! — дерди Убайдулла. — Қани, айтинг-чи, унинг зулмини билмаган одам борми? Фақат Туркистон халқларига мас, бутун дунёга аён булиб қолди-ку! Хуш, яна нимасини яшириш керак! — дерди ғазабини ичига сиғидирмай Убайдулла. «Адолат — бетаъма, ўз манфаатини ўйламай ҳукм чиқаришда» деган ақидага амал қилиб, Саратовда иш бошлиши унинг қамалишига сабаб бўлди.

Кунлардан бир куни чор амалдорларидан бири, ўз извошкасида кетатуриб, кўча четида турган одамларга лой сачратиб ўтади. Ҳаммаёғи лой бўлган одамлар орасидан кимдир унинг орқасидан «какое свинство» деб бақиради. Буни эшитган амалдор, отининг жиловини тортириб, сўқинган одамни ушлаб, ура кетади. Ахийри, жанжалга айланиб, амалдор ўз амалидан фойдаланиб, у одамни судьяга чақиртиради. Суд жанжалнинг чиқишига сабабчи бўлган, лой сачратган амалдор қолиб, усти-боши лойга беланган одам устидан айбдор деб ҳукм чиқаради. Убайдулла эса бир адвокат сифатида бу оадмни оқлади, жанжалнинг келиб чиқишига сабаб нимада эканини икир-чикирларигача мантиқан исботлайди. Мабодо, одамларга лой сачратилмаганда, борди-ю, бу беихтиёр қилинган тақдирда, ҳайдовчи ёки амалдор узр сўраганда, бошқаларнинг норозилигига сабаб бўлмасмиди! Агарда, бизлар одамларга лой сачратганидан бехабармиз, нимагадир бизни ҳақорат қилиди, демоқчи бўлсалар, унда икки томон гуноҳкор. Лекин асосий айбдор одамларга ҳурматсизлик, эътиборсизлик билан қараганларда! Бундан ташқари, одамларнинг кийимларини лойга белаганлари учун ҳам ҳақ тўлашлари лозим.

«Бу — свинство» дейилган учун айбдор қилиб бўлмасликнинг яна бир сабаби шундаки, у аниқ бир одамни сен «чўчқасан» демай, умуман кишиларга эътибор бермаслик, одамларни менсимай оёқости қилишнинг ўзи «свинство», бу яхши эмас, деган умумий маънода айтган. Агарда аниқ қилиб «Бу кўчадан руслар ва чўчқалар ўтмасин» деганда эди, бу бошқа гап! Лекин, бизнинг Туркистонда «Итлар ва сартлар бу ерга киритилмайди» деган ёзувни ёзганлар ҳам жазога тортилмайди. Мен ўйлайманки, бу одамни жазодан холи қилиш керак.

Убайдулланинг бундай гапларини эшитган суд ҳайъати ҳангу манг булиб қолдилар. Судни тұхтатдилар.

Бундан кейин, Убайдулла жиноятчи санаалган рус инқиlobий ҳаракатининг аъзоларидан бириининг ишига судда адвокатлик қилади. Бу иш билан танишган Убайдулла, ватан ва халқ манфаати учун курашган кишини ҳеч маҳал жиноятчилар қаторига қўшиб бўлмайди, — деб оқлади. Ўзининг бундай қарашини халқаро қонунлар асосида далиллар келтириб исботлайдики, вақтинча бўлса ҳам уни озод қилмасдан иложлари қолмайди. Бу ҳам ҳоким синф раҳбарларига, албатта, хуш келмайди. Чор охранкаси уни йўқотиш йўлига ўтади. Шундай қилишади ҳам.

Болшевиклар билан алоқада уни айбдор топиб, мълум муддатга озодликдан маҳрум этилади. Олий ўкув юртини аъло даражада битириб қувонч билан Тошкентта қайтиб, ота-она бағрида бўлиш унга насиб этмайди.

Русиянинг заҳ, совуқ қамоқхоналари. Бегона юрт. Кийим-кечак, емак-ичмагидан хабар оладиган кими бор! Отадими, осадими, ким хабар топади? На акука, на бир меҳрибон қариндош-урӯғ! На бошқалардек уйидан киритилган кўрпа-ёстиқ! У ётган хонадаги бирдан-бир ҳамроҳи сассиқ мис тувагу, унинг атрофида фужрон ўйнаган қандалалар!

Шу ниятда она юртини ташлаб, бу жаҳаннамга келганими?

Ёлизиликдан оғир азоб борми бандасига!

Лекин у ёлғиз эмасди. У на атрофида фужрон ўйнаган қандалалар ва на димоглари қамоқнинг бадбўй ҳидларини сезарди. Мана неча вақтки, унинг хаёли ва қулоқлари остида отаси ва онасининг нидоси янграйди: «Қани бир суюнчик! Қани бир дардингга таскин бергувчи яқининг, Убайдулла болам! Бегона юрт!.. Палончининг фарзанди-ку бу, деб бошингни силовчи қани! Мирзакаримбойдек бадавлат бир кишининг фариштадек қизига уйланишдан кечиб, топган роҳатинг шу бўлдими?»

«Нима қилиб юрибсан бу ерларда, Убайдулла! Бофларинг қўмсамадими? Онанг-чи! Қани дўстларинг, қани ёшликларинг кечган кўчалар! Қани маҳаллангдаги ҳаддинг сифадиган ёшу қари дўстларинг! Асадулла маҳсумдек билимдон одамнинг фарзанди эканингни ким

бу ерда билади!» — Убайдулла шу хаёллар билан на тонг отгани, на тун ботганини билади бу зулмат хонада! Фақаттина авахта йўлагида ёқилган шамнинг хира шуъласи темир эшик тирқишиларидан хонага кирганда, қуёш ботиб ғарип оқшом чўкканини сезиб қоларди. Ғарип оқшомдан оғир дам борми! Нега қуёш ботгандা йиғлагинг келади? Нега ҳўрлигинг билинади? Қуёш ботабориб оқшом чўккан сари орзу-умидларинг сўнгандек, ҳаммадан худди айрилгандек ёғизлигинг яна ҳам кучлироқ билинади. «Ҳой Убайдуллахон!.. Убайдуллахон!.. Қани, сени йўқловчи бир меҳрибонинг борми! Ҳозир сенинг боғларингга баҳор келди. Майсалар унмоқда. Осмонингда турналар! Наҳот, уларнинг қур-қурлари сенга эшитилмаса! Хумори тутиб йиғламайсанми! Қирларингдаги лолалар, гунафшалар, варрак учирган томларингдаги чучмомалар наҳот хумор қилиб кўзларингга кўринмаса!..»

Унинг хаёлида жонланган онасининг нолалари қанчалик аламли бўлмасин, аммо отаси Асадулла маҳсумнинг ёшлигидан қулогига қўйган ҳикматлари хаёлидан кечаркан, қамоқ азоб-уқубатларини ҳам, соғинч хуморларини ҳам бирдан унутарди. Янгидан ўзида кучфайрат түярди, келажагига, ўз мақсадларига эришишга умид уйғонарди.

«Бир ғофил бандани ғафлат уйқусидан уйғотиб, йўлга солмоқнинг ўзи қанчалик савоб!

Бир етимнинг бошини силасанг, бир ғарибнинг мушкулини осон қилсанг, бир беморнинг кўнглига малҳам бўлсанг, бунинг савобига не етсин!..

Аммо халқнинг дардига дармон бўлмоқ ниятида жон фидо қилсанг, унинг баҳт-саодати учун ўз ҳаловатингдан кечсанг, ҳаётингни шунинг йўлига тиксанг бунинг савобига teng савоб бўлармикан дунёда! Бундай бандасидан худойим ўз марҳаматини дариф тутмайди», — дерди отаси. Саратов қамоқхонасида ётган Убайдуллахон ғарип оқшомлари қалбини соғинч, ҳўрликлар ўрганида, ўзича шундай эътиқод билан таскин топаркан, туганмас бир кучга тўлиб, ўзи сезмаган ҳолда беихтиёр овоз чиқариб, ўзи-ўзича:

— Майли, мени дунё лаззатидан маҳрум қилсинлар, Ватанимдан, дўстларимдан айрсинлар, аммо сен ўзинг борсан-ку, Парвардигор! Сенинг кудратинингдан, марҳаматингдан асло айирмасин! — дерди.

Бундай эътиқодли инсонни йўлдан қайтариб бўлармиди! Қамоқ азоблари, ўлим ваҳимаси унинг кўзларига кўринармиди! У ўзининг ҳақлигига ҳар қандай ҳолатда ҳам жавоб топа оларди. Йўқ, унинг жавоби тайёр эди:

— Халқ учун жонини қурбон қилишдан афзалроқ, инсон учун улуғроқ савоб иш йўқ! Халқининг баҳту озодлиги йўлида қурбон бўлганларга ўлим йўқ!

Ўз келажагини ўйлаганда қамоқ зулмати, азоблари, ҳатто ўзининг қаерда эканини ҳам унугиб, унинг кўзларига фақатгина қуёш порлаб турган келажак ва озод Ватанигина кўриниб кетарди! Шодлигидан қанот пайдо қилиб, жаҳонларни кезгудек бўларди. Орзусига этишгаандек худога шукроналар айтарди.

Булар барчаси унинг қалбидағи орзулар эди. Кўз олдида эса зулм, зах қамоқ, ҳашаротлар босиб кетган хона эди! Маълум вақтгача Саратов шаҳридан четта чиқмаслик шарти билан қамоқдан озод қилинади. Ҳозирча уни Саратовдан ташқарига чиқариб бўлмасди...

Чунки, 1905 йилги биринчи рус инқилоби таъсирида, Туркистонда ҳам жадидлар ҳаракати жонланиб қолган эди. Албатта, Убайдулладек эътиборли бир шахснинг айни вақтда Тошкентта қайтиши, жадидлар ҳаракати яна ҳам кучайишига сабаб бўлиши Чор ҳукуматига аён эди. Ўша даврдан бошлаб унинг ҳар қадами жандарм томонидан кузатилади. Русия учун энг хавфли шахс сифатида тўрт тарафга хабарлар юборилади.

1913 йил май ойида Саратов губернаси жандарма бошқармасининг бошлиғи Туркистон маҳфий ишлар бўлимининг бошлиғига қўйидагича хат юборади.

Мана ўша хатнинг асли:

Мутлақо маҳфий

### Туркистон маҳфий бўлими бошлиғига

Муҳтарам жаноби олийлари, ушбуни Сизга маълум қиласманки, 1912 йил 15 августгача Саратов шаҳрида яшаган судда қатнашадиган тарафнинг хусусий ҳимоячиси Убайдулла Асадуллаевич Хўжаев ўзининг Москвага боришини маълум қилган эди. Аммо, шу вақтгача Саратовга қайтгани йўқ.

Саратов губернаси жандарм бошқармаси бошлиғи  
полковник:

(Имзо)  
10 май, 1913 йил.

Бундай меҳрибонликнинг боиси нимада? Бунча ғамхурлиқ қилиб, жаноб маҳфий бошқарманинг бошлиқлари ташвиш чекмасалар. Нега мунча ваҳима, мунча талваса! Убайдулла Русияга ўт қўймоқчимидики, шунчалик хавфли шахс саналса! Ёки рус подшосига суиқасд улошириш ниятида бўлсаки, шунчалик ваҳима қилинса! Нега бунчалик унга душманлик назари билан қараш!

Ахир, унинг жосуслик қилиб, Русияни босиб олиб, Туркистонга мустамлака қилишдек нияти йўқ-ку! Русия учун унинг энг хавфли шахс саналишининг битта сабаби — ўз ватани Туркистонни империя чангалидан озод қилиб, ҳуррият учун курашгани демаса, бошқа нима гуноҳи бўлиши мумкин эди ҳали уйланмаган бу навқирон йигитнинг!

Мана 1913 йили Туркистон маҳфий идоралари бошлиғининг Саратов Губерна жандарма бошқармасининг бошлиғига Убайдулла ҳақида берган маълумоти:

*Мутлақо маҳфий*

### **Саратов губернаси жандарма бошқармаси бошлиғига**

Менга ишончли бўлимлардан келган маҳфий маълумотларга кўра таниқли арбоб, панисломчи, судда қатнашадиган тарафнинг хусусий ҳимоячиси (адвокат) Убайдулла Асадуллаевич Хўжаев Саратов шаҳридан Тошкентга келган.

Ушбуни маълум қилиш билан бир қаторда, Хўжаев ҳақида бошқармангизга маълум маълумотлар билан мени ҳам хабардор қилишингиз ва йўл-йўриқлар беришингизни сўрайман:

Полковник Сизих:

(Имзо)

Аслига тўғри:  
ротмистр:

(Имзо)

Шу даврдан бошлаб Убайдулланинг бир куни озодликда ўтган бўлса, бир куни қамоқда кечди.

Убайдулланинг азобларини кўрганлардан бири унга афсус билдирганда, Убайдулла унга:

— Оҳ, она юртим! Оҳ, бечора онагинам Туркистон! Жонимни ҳам сендан аямайман деймизми, демак, Ватан онадек азиз экан! Оғизда шундай деймиз-у, аммо амалда-чи? — деб ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб бериди:

— Бир аёл кишини девдек эркак тутиб олиб, шундай калтаклайдики, унинг оҳи-додига чидаб бўлмасди. Эркак уни соchlаридан бураб савалайди. Аёл бор кучи билан, болам, қаёқдасан, деб бақиради. У бақирган сари эркак қўлларини бураб, тилларини қайириб уради. Она, боламлаб, қаердасан, деб бақиришини қўймайди. Ахир онанинг фарзанддан бошқа суюнадиган кими ҳам бўлиши мумкин! Қайси бегона девдек одамнинг қўлидан онани ажратишга ботиниб боради?! Фақат фарзанд онага ўзини қурбон қилиши мумкин! Фарзанд қани? Наҳот, она фарёдини эшитиб, ўзини эшитмаганга солса!

Онани тепкилайди. Онанинг дод-фарёдини эшитиб, уни хор қилиб, тепкилатиб қараб турган фарзанд, фарзандми! Буни кўрган фарзанд чидаб тура оладими! У қўрқув биладими! Азобни ҳис қиласдими! Йўқ!

Ватанпарварлик — ўзини унутмоқ! Мана шундай ҳис билан Истиқдол учун курашга кирганлардан бири Убайдулла эди. У 1913 йили Тошкентта яширигча қайтади.

Убайдулланинг бир қисм умри қамоқда ўтган бўлса, қамоқдан ташқарида юрган кезларни ҳам ўз эркича яшаш имконидан маҳрум бўлиб, хавф-хатарда ўтказди.

Чор охранкаси орқаворотдан қидирив эълон қилиб, уни дарҳол қамоқقا олиш ҳақида буйруқ чиқаради.

## Б е ш и н ч и б о б

### қилич қинидан чиқди

Убайдуллахон ақлинин таниганидан бошлаб, фақат ўз ақлининггина эмас, халқнинг кимлигини таниган кунидан, Чор ҳукуматининг босқинчлилек ва мустамлакачилик сиёсатига қураш йўлига кирди. Ум-

рини шунга бағишиләди. Фикри-зикри шу бүлди. Октябрь тұнтарышигача — 1917 йилгача Чор ҳукуматига қарши курашды. Лекин нима учундир терговчи Убайдулланинг совет ҳукуматига қарши курашни қачондан бошлаганлиги, бундан мақсади нима эканлиги эмас, аксина, Чор ҳукумати билан нима мақсадда, кимлар сафида курашганилиги, 1913 йили Тошкентта қайтганидан кейин қандай фаолият олиб боргани, қандай ташкилотлар тузганлигидан суроқни бошлади.

Албатта, бу билан, сен ҳам Чор Русиясига қарши кураща болшовойлар билан ҳамдард, қуролдош бүлган экансан, деб гунохини енгиллатмоқ бүлган дейсизми?! Йүк, албатта.

Убайдуллахоннинг 1913 йили Тошкентта қайтгандан кейинги фаолияти, нима билан шуғулланғанлигини суриштиришдан терговчининг бирдан-бир асл мақсади бутунлай бошқа эди. Яъни Чор Русияси зулмига, унинг босқинчиллик сиёсатига қарши курашдан, сенинг ниятинг, большевиклар билан бирга Ўзбекистонда Шуролар жумхуриятини тузиш эмас, аксина, уни Москвадан — Русиядан ажратиб, инглиз империалистларига сотиш бүлган, деган айбномани қўйиш эди. Бу ниятни амалга оширишда кимлар билан биргаликда курашган, улар кимлар бүлган, тирик бўлса уларни ҳам Убайдулла шериклиқда айблаб ҳибсга олишни назарда туттган эди. Буни Убайдулла яхши биларди. Улар ўйлаганча бефаҳм эмас эди.

У ўзининг қайғусини қиласди. Чунки у Туркистонга иисбатан Шуролар сиёсатига, яъни оқ пошшо сиёсатига ҳам қарши курашганини инкор этмади ва ўзини бу ишда ҳақ деб биларди.

Уни адвокат сифатида азоблаган нарса бутунлай бошқа эди. Бу ўзи билан қамоқ камераларида бирга ўтирган одамларнинг оҳ-нолишилари, лагерларда учратгани минг-минглаб бегуноҳларнинг фарёдлари эди.

— Сизни нега қамашди?

— Мен ўзим Тошкентнинг Эски Ўрда маҳалласиданман. Уни Олмазор ҳам дейилади. Отим Рашид, Рашид кал деса, ҳамма билади. Мени, сен судхўрсан деб қамашди. Судхўрлигим шуки, мен уйимда ош тузини қадоқлаб эгасига берардим. Бу ҳамма эрмакка қиласиган иш. Баъзан маҳалланинг болалари ҳам ҳар бир қадоқлашига бир тийиндан беришимга қизиқиб

ишлиарди. Шуни, кимдир, Рашид кал уйида одам ишлатиб, бировларни кучидан фойдаланади, деб хабар берганми, мени бу ерга олиб келиб қўйишиди.

Бу одам шўрлик камерага кирганда башаралари калтақдан кўкарған, гапга ҳам холи келмайдиган, чала ўлиқ бир аҳволда эди.

Убайдуллахон бунчалик азоблашларининг боисини ундан сўраганида у:

— Менда олтин бўлганмиш, қаерга қўмгансан, шуни айт! — Олтин эмас, қўлимга кумуш танга ушламаган бир одамман. Мен қандай қилиб йўқ нарсани бор, деб айтаман. Шунга калтаклашди! Ёлғон гапириб, у дунёда дўзахга тушгандан, бу дунёда ҳақни айтиб, гуноҳдан форир бўлишини афзал кўрдим, — деди-ю, ўтирган жойида намоз ўқий бошлади.

— Сизни-чи? — деб сўради Убайдуллахон бошқа бир кексайиб қолган маҳбусдан.

— Мен, ўзим, Чақар маҳалласиданман, Новзада учтўрт туп ўрик, ёнроқ, беҳи, бир-икки ишком узум экилган бофим бор эди. Мени ҳам ҳовлиси, ҳам ботинг бор, ер эгасисан, деб айбдор қилишиди.

Бу гапларни эшиттан Убайдулла:

— Жинни кўзига чақа пул тегирмон тоши кўрингандек, шуларки, бой-капиталист, шуларки, катта ер эгаси — помешчик санаалган бўлса, унда Ўзбекистонда ҳақиқий бой зоти ҳам, ҳақиқий ер эгаси ҳам қирилиб тамом бўлди, деяверинг! — деб ўз-ўзига телбалардек сўзларди. У бу гапларни алам билан айтарди. Фазаб билан айтарди.

Бирининг кўзи яхши кўрмай, бирининг қулоғи яхши эшитмаса, ўзлари чаласавод кишилар бўлсалар!

Убайдулла бу адолатсизликни оддий одам сифатида ҳам, бир адвокат сифатида ҳам ўйлаб-ўйлаб ўйларини охирига етказолмади.

Киши ўз бошига тушган фалокатга, тақдир деб чидайди. Аммо қўл-оёғингни борлаб энг яқин, бегуноҳ одамингизни кўз олдингда бўғизласалар! Астағфурилло! Астағфурилло! Худо кўрсатмасин! Бунга одам қандай чидайди! Юқоридаги икки одамнинг қамалиши, Убайдуллахонни шундай аҳволга солиб қўйган эди. Убайдуллахон Шўро ҳукуматига нега қарши эканини ўзи билади. — Булар-чи? Атганг, атганг! Булар қўйдек сўйилиб кетаберадилар! — Фазабидан ўрнидан сакраб

турди, кулишини ҳам, йиглашни ҳам билмасди. Қани энди эрк берсалар-у, адвокатлик қилиб ҳаммасини оқласа!

Ахир, ёш қайтиб қолган бу шүрлик бечораларда ҳеч қандай гуноҳ, йўқдигини ким, ким ҳимоя қиласди?! Қани, адвокатлар?! Үлдирса ҳам, отса ҳам ҳеч ким билмаса! Бу қандай давлат?!

Адвокат ким?

Ахир, ҳар қандай суд ҳам, ҳар қандай прокурор ҳам билиб-бilmай хато қилиши ҳам мумкин. Албатта, онгли, пора олмай, хатога йўл қўйган суд, жони-дили билан адвокат фикрларига қўшилади. Аксинча, иш билмайдиган, қонунни тушунмайдиган, аммо ўзимники тўғри дейдиган жоҳил суд ва прокурорлар ҳам, албатта, билиб туриб қонунга қарши иш тутадиганлар ҳам бўлади. Лекин мени тергов қилаётганлар ҳаммаси йўқ жиноятни бор қилиб, отишга ҳукм қилишнигина биладиганлар.

Адвокат — қонунни жуда яхши билган, адолатли, кишиларга холис хизмат қилувчи, ноҳақ жабрдан қутқариш учун курашувчи олижаноб шахс!

Ҳамма ҳам ўз бегуноҳдигини суд ёки прокурор олдида ақли етиб исботлай олмайди. Гуноҳкор эмасман, айбим нима, дейишидан бошқа гап айтолмайдиган кишилар ҳам бўлади. Рашид кал, шундай одамлардан эмасми, ахир! Бу шўрликлар ўз фикрини қандай тушунтиради! Буларнинг мутлақо бегуноҳ эканликлари ни қайси мард бу қонхўр терговчиларга тушунтиради!

Сен бой, бирорларни кучидан фойдаланган судхўр бўлганинг учун, сен эса, ҳам боғ, ҳам ҳовли эгаси, бадавлат бўлганинг учун душман саналдинг, деса нима деб ўзини оқлади? Шўроларнинг наздида бизлар душман эканмиз-да, — дейди-ю тақдирга тан бериб ўти-раберади.

Қани бу шўрликларни ҳимоя қиласиган адвокат?!

Адвокатларга тўла ҳуқуқ берилмаган мамлакатда на адолат бор деб бўлади ва на эркинлик бор, деб бўлади!

Одамларни бундай аҳволда кўриш, бундай адолат-сизликларга чидаш, виждан азоби Убайдуллахон учун карцерларга ҳафталаб ташлаш, ҳар жисмоний қийноқлардан ҳам оғирроқ жазо эди. Лекин у олдинда

бундан ҳам даҳшатлироқ, азоблар, адолатсизликлар кутаётганини билармиди?

— Қандай замон бўлди! Бу қандай бегуноҳ, ҳалқ, бошига тушган кўргилик? — дерди-ю терговчига: — Мен одамларни ҳукуқларини мана шундай поймол қилинишига қарши курашганман, — деб очик айтарди. Фақат терговчига эмас, қамоқдан қутулиб озодликда бўлган йилларида ҳам ҳалқига ўтказилган зулмни кўнглидан чиқаролмади. Фазаби кундан-кунга авж олаверди.

Убайдулла Тошкентга қайттач, мана, неча кунки, уйидан одам аримай қолди. Неча йилдан бери кўришмай, соғинган қариндош-уруг, таниш-билишларнинг кети узилмасди. Убайдулла анча йил Русияда яшагани учун кийим-кечаклари ҳам оврупча бўлиб кетган эди. Устида тўн ўрнида ўша вақтда ўзбеклар учун расм бўлмаган костюм, маҳси ўрнида оёғида пошиали туфли, эгнида галстук тақилган кўйлак, дўппи ўрнида бошига шляпа кийганлигини кўрган маҳалла, ўша даврдаги таниш-билишлар учун ўзбекнинг бундай кийиниши, албатта, ҳайратланарли эди. Ҳатто кийиниб кўчага чиқишини кўришга ишқибозлар ҳам пайдо бўлган эди. Оврўполилар ва Убайдулла учун табиий бўлган бундай кийиниш, айримлар назарида олифтагарчиликдек туялиб, Убайдулла «пўрим» деган лақаб ҳам тўқилади.

Убайдулланинг фақат ташки кўриниши эмас, мусофириклика кечган йилларда унинг ички дунёси ҳам бутун ўзгарган эди. Бир неча йиллаб кўришмаган ҳаммификр, ҳамдард дўстларини унинг кийинишидаги ўзгаришлар эмас, миллат манфаатига алоқадор дардлар қизиқтиради. Айниқса, ҳаммификр ошна-оғайнилар нималардир ҳақида баҳслашиб, гаплари тамом бўлмай, кечаси билан қолиб тонг оттирадилар. Албатта, буларнинг учрашувлари шунчаки дийдор кўришувдан иборат эмас эди.

Фақат булар эмас, Мирзакаримбойдек бадавлат, баобрў кишининг қизидан кечиб, ота-онани азобга қўйиб, Убайдулланинг бегона юртларга кеттанидан хабардор, бу уйга келганларнинг ҳаммасининг, айниқса ота-онанинг кўнглида, «хўш, мусофириклика шунча йил заҳмат чекиб ўқиб, нима орттириб келдинг?» деган савол очик айтилмаса ҳам бор эди.

«Орттириб келганинг Чор ҳукумати учун энг хавфли одам саналиб орқандан қўйилган махфий идораларнинг айғоқчиларими! Бизларда қиз қуриб қолгандек Русиядан ўрус аёлига уйланиб қайтганингми? Сени йўлдан оздирган шу эмасми? Ахир, унинг отаси ҳам ўз пошшосига қарши чиқиб қамалгандардан экан, отасининг ўчини Убайдулла орқали олмоғи эмасмикан?»

Хой Убайдулла, Саратовда, Москвада сургун, қамоқларда изтироб чекканларинг сенга ибрат бўлмадими? Йўқ, аксинча, оқ пошшога қарши Русияда бошланган инқилобий ҳаракатга, фурсатдан фойдаланиб туркистонликларни уйғотиш мақсадида елиб-югуриб «Умид» деган яширин ташкилот тузишга киришиб кетдинг! Хўш, ўруслардан ўрганиб келганинг шумиди?!»

Албатта, унинг бу қадар жон куйдириб ташвишиланишлари бежиз эмас эди. Ҳар бир қадами таъқиб остида бўлган Убайдулла тузган «Умид» деган яширин ташкилоти махфий идоралар назаридан ташқарида қолармиди? Фош бўлса-чи! Астағфурилло! Худо ўзи паноҳида асрасин! Яширин ташкилот нима? Ҳукуматга қарши ошкора айтиш мумкин бўлмаган гапни айтиш-у ошкора қилиш мумкин бўлмаган ишни қилиш! Ахир, бу, Убайдулла ўғлим, билиб туриб ўзини дор тагига олиб бориш-ку! Сенга худо инсоф берсин, отонангга раҳм қил!

Убайдулланинг илмли, эл олдида обрўли киши бўлиб, эсон-омон ўз юртига қайтганидан ота-она қанчалик суюнишмасин, ўғлининг Тошкентта келгандан кейин қилган бундай хатти-ҳаракатларидан ота-она-нинг кўнгли ёримаган эди. Ўғлининг қилиб юрган ишлари, нима билан машғуллиги, улфатлари кимлиги, улар ўртасидаги суҳбатлар фақат отага эмас, ҳукуматга ҳам албатта маълум бўлмай иложи йўқ, эди. Буларнинг орасига гап оловчи айғоқчилар кириб қолмаган, деб ким айта олади? Бу уйга келганларнинг суҳбатлари вақтида оғизларидан «Иттиҳод», «Истиқлол», «Ҳуррият», «Турон», «Озодлик» деган сўзлардан бошқа гап чиқмасди.

Озодлик кимдан? Оқ пошшо зулмиданми? Оқ пошшо бунга рози бўладими? Буларнинг ниятини билса соғ қўядими?

Асадулла махсум фақат Убайдулладан эмас, ўғли Башрилланинг ҳам Убайдулланинг улфатлари суҳбат-

ларига құшилишларидан хавотирлана бошлади. бир ташвиши икки бұлды!.. Қарилекнинг гашти бор деймиз-у, гашти қаёқда! Гашти бола-чақадан тииссанг!..

Ұғлини бу йүлдан қайтариш осон эмаслигини, унинг қайсар феълини ҳам яхши биларди Асадулла махсум! Лекин, ноумид шайтон деганларидек, ұғлининг күнглига құл солиб, келажак ниятини аникроқ билиш мақсадидами ёки бу қалтис йүлдан қайтариш, күнглидаги иштибоңни құтариш учунми:

— Одамлар бор, фақат ҳақиқат ҳақида, ҳақгүйлик ҳақида жон күйдиріб гапирадилар. Аммо үша одамлар ноҳақликни қилаёттан кимлар эканини үzlари билмайдиларми? Йүк, биладилар! Бу ноҳақликларнинг келиб чиқишига үzlари ҳам сабабчи эканликларини тан оғылари келмайди. Үнга қарши курашга келганды-чи, күзларига жонлари ширин күриниб қолади. «Тинчлик бұлсии», — дейдилар-у сукут сақладылар. Бундайларга ишониб, бир иш қилиш?.. — дея ұғлиға қаради.

Убайдулла хаёлиға қандайдир қувончли нарса келдими ёки отасининг гапларига яхши жавоб топғанинди, үзича мамнун бұлибми, юзларыда табассум, алланечук хурсандчилік билан отасини құчоқлади.

Буларнинг баҳслари нима билан туғашини қизиқиши билан кузатиб турған укаси Башириллага қараб:

— Халққа ноҳақ жабр-зулем үтказғанлар, одамларнинг «бу күнлар ҳам үтар, сабр қылайлик», дейишларини билмайдими, билади. Билғанлари учун ҳам ҳеч нарсадан құрқымасдан, қылгуликларни қилиб яшайберадилар! Зулм үтказа берадилар. Форсий шоирлардан бири: «Тақдирға тан беріб юрган бу одамлар, нұхтаси йүк ҳұқиз билан эшакқа үхшабдилар», — деганини, ота, Сиз үзингиз айтғанмидингиз?!

Убайдулла отасини қойил қолдирдим, енгдим, деб үйлаганди, аммо Асадулла махсум ұғлининг кутилмаган жавобидан кейин уни қалтис йүлдан қайтаришга қанчалик уринмасин, бу мушкул эканини үйлаб қолди. Шунинг баробарида умид билан:

— Қари билғанни пари билмас, деганлар. Бүрининг қарисидан құрқ! Ёш бүри, албатта, ундан қучлироқ, лекин олишишда қари бүридек тажрибали эмас. У үлжасига қандай ташланишни билади. Қари бүри үнта ёш бүриваччани үз йүлиға бошлаши, йүлдан оздирити мүмкін. Ундан эхтиёт бўл!

Ярим чин, ярим ҳазил, жуда топиб айтилган отасининг бу доно жавоби, икки ўғилнинг завқ билан кулишларига сабаб бўлди. Ота-бона, ҳаммалари қўшилишиб қулишид.

Бу уйдагиларнинг гаплашиш тариқаси ҳамиша шундай кечарди. Бу уйдагиларнинг уриши ҳам, тўғри гаплари ҳам шундай бўларди, заҳри бўлмасди. Бегина, ақл билан тан олини руҳида ўтарди. Гарчанд бугунги сұхбат ҳам кулги, курсандчилик билан ўтгандек кўринса-да, Убайдулла отасининг гапидан қаноат ҳосил қилмади:

— Қўрқоқ ҳам ўзига, ҳам ўзгага жабр қиласди.

— Жабр қиласди?

— Жабри нима?

— Қани, топинглар! — Лекин уларнинг жавобини узоқ кутиб ўтирмай, тўлиб турган эканми, ўзи айтди-кўйди:

— Бу мен билан ҳукумат! Мен қўрқоқлик қилсам, ўзимга ҳам, ҳукуматга ҳам хиёнат қиласман! Жабр қиласман.

Қўрқоқ бўлсан, ҳар қандай адолатсизликларга бардош бераман. Ўзимни ўзим оқибатда адо қиласман! Ҳалок қиласман!

Қўрқоқ бўлсан, ҳокимиятдаги, жамиятдаги нуқсонлардан кўз юмаман, ахийри унинг чиришига, ахлатга кўмилиб кетишига, заволига сабаб бўламан! Бу мендек қўрқоқнинг қилган жабри эмасми...

Умуман, Убайдулла адолат, жабр-зулм ҳақида гап кетганда куйиб-ёнмасдан гапиролмасди. Унинг вужуди ҳали ёш бўлишига қарамасдан, ёвузликка қарши разаб-нафрат билан тўлиб-тошгандек эди.

Буларнинг сұхбатларини эшитиб ўтирган Юсуфхўжа қори Убайдуллахонни яхши кўриб ачинганиданми, унинг орқасига айғоқчилар қўйилгани қулоғига чалинганидан ваҳимага тушибми, божаси Асадулла махсунинг ёнига қўшилишиб:

— Убайдуллахон укам, мана неча йил машақкат чекиб, аллақаёқларда бўлиб, ўқиб келдингиз. Худога шукур, обруйингиз эл ичида ҳеч кимдан кам эмас. Бир тирикчилик, касби-кор дейдиган бўлсан, Сизда ҳаммадан кўра етарли ақл ҳам, илм ҳам бор. Сизга ақл ўргатгулиги йўқ. Бу гапларни айтишдан муродим шуки, ота-онангиз, балки ўзимнинг ҳам кўнглимдаги бир ташвишни айтиб ўтиш... Энди, нима десам? Эши-

тишимча, оқ пошшонинг айғоқчилари яна кетингиздан исқаб юрганмиш! Үқиган шаҳрингиз Саратов деган жойда ҳам қамашгани қулогимга чалинган эди. Албатга, булар ҳаммаси ота-онангизга ортиқча ташвишлар... Сизнинг қўлингизда қилич йўқ... Бу золим пошшода раҳм-шафқат йўқ!.. Булар билан олишиш? Гапларимни кўнглингизга олманг, Убайдуллахон!..

Аллақачон мақсад нималигини англаған Убайдулла заррача ҳам бу гапларни кўнглига олмай, гапира беринг — дегандек, бир самимий кулги билан, охирига че тинглаб, қори поччасининг елкасига меҳр билан қўлларини қўйиб:

— Ҳамма гапларингиз тўғри, тушундим. Ҳаммаси, жонингиз менга ачинганидан, раҳмат! — Бир оз ўйлануб, сўнг Юсуфхўжа поччаси ўтирган духоба кресло устидаги оврўпача анжомларини кўрсатиб:

— Хўш, қалай бу сизга ёқдими, қийнаб қўймадими? — дейди.

— Муборак бўлсин, жуда маъқул.

— Энди халқимиз бўйра устидан кийиз солиб яшашга кўнишиб қолган. Сизга булар маъқул бўлган бўлса, жуда хурсандман.

— Нимасини айтасиз!

— Дунёда янгиликлар кўп, қори почча! Аммо бизлар... — гапи охирига етмасдан, қадрдан дўстлари Мунаввар қори, шоир Тавалло, Салимхон, Садриддин-хонларнинг кириб келишлари Убайдуллахонга айтмоқчи бўлган гапларининг ҳаммасини айтишига имкон бермади.

У дўстларини, Саратовдан келгандан кейин, узун бостирма йўлақдан ташқари ҳовлига киришинг билан шундоқ қўриниб турадиган ойнавонли айвон ва унинг ёнидаги каттагина ўзи яшайдиган уйга таклиф қилди. Бу уйдаги анжомлар барчаси деярли оврўпача, яъни устига қизил, кўк духоба кимхоб қопланган бир неча кресло, стол, стуллардан иборат бўлиб, бу уй ичкари ҳовлидан холи, кейинги вақтда кўпайиб кетган кеди-кетдилар, айниқса, баъзан тонг отаргача қолиб миллат дарди билан баҳслашадиган дўстларининг сұҳбатларига халақит бермайдиган хос хона эди.

Аммо Убайдуллахоннинг сўзларини эшитган Юсуфхўжа қори ўзига етарли жавоб олган, уни бу йўлдан қайтариб бўлмаслигига имон келтирган эди. У Убай-

дуллахон тақдиридан қанчалик хавотир олган бұлмасин, Николай подшо даврида туркистонлікларни ит билан тенг бұлғанлари, уни миллатта садоқатини үйланда, унга күнглидан хайрихоҳ ҳам бұлған эди. Балли дегудек севиб ҳам қолған эди.

Убайдуллахон дүстларини күриши билан, Ҳамлеттинг:

«Ё үлиш, ё қолиш: гап шунда!..» монологини үқиб, үзида йүқ бир қувонч билан қучоқ очиб күриша кетади. Түсатдан бундай кутиб олинишдан улар ҳайрон-ликка тушғанларида:

— Ҳамлет!.. Шекспир!.. — деди.

— Хүш, нима гап?

— Бу даражада, исён?..

— Ҳа, шундай, топдингиз, Садриддинхон тақсир! Фалаба учун исён кифоя қилмас, дүстлар! «Ё үлиш, ё қолиш!» Ана шундай қатъий эътиқод ҳам керак. Аммо эътиқоднинг үзи ҳам етарли бұлмас!.. Қани, үтиринглар.

Ҳамма фотиҳага құл очиб:

— Имон, эътиқодимизни Оллоҳи таоло суст қиласин!

— Иншооллоҳ...

— Ҳамлеттинг бошдан кечирғанлари бизларға бегонами? Бизнинг халқимизни унинг отасини заҳарлаганларидек мунофиқона заҳарламадиларми? Ҳамлеттинг мардлиги, матонати бизларға ҳам охиригача толмай курашиш учун ибрат бұлмайдими!

Тарих бизга ҳокимият учун бұлған жангү жадаллар, шахслар ҳәётидан аниқ маълумотлар беради. Баддий асарлар эса янги ғоялар беради, фалабага қандай эришмоқ, йұлларини күрсатади. Қаҳрамонлик ва жасоратта үргатади.

Унинг гапларини эшитиб, қуюқ қошларини чимириб хаёлга чўмған Абдуманнонга:

— Дүстим Абдуманнон Мажидий, Сиз, театр санъатининг ошиғисиз, ниятларингиз менга аён. Қани, энди, Шекспирни үқий олсангиз?! У бизнинг миллатта кепрак! Жуда зарур! Ибратли жиҳатлари бисёр эди. Үрустилини билмоқ шундай дамларда фойдалы...

Убайдулланинг театр санъати ҳақида бу гаплари, ўша кезлари Бухоро, Тошкент каби қатор шаҳарларда қўйилган Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарини кўрган

Абдуманнонда драматик асар ёзишга бўлган ҳавас ва саҳнада асар қўйишга бўлган иштиёқини янада алан-галаштириди.

Убайдулланинг санъатта бунчалик эътибор бериши бежиз эмас эди. Убайдулла Шекспир ҳақида гапини давом эттириб:

— Ўрус давлатининг қонунлари, давлат сиёсатини ўргандим, аммо кураш йўлларини билмай, жамият қонунларини билиш билан зафарга етишмоқлик мушкул! Адабиёт, санъат кишиларни ҳамфир қилиб, бошларини қовуштирувчи омиллардан биридир.

— Булар таҳсинга лойик, ибратли гаплар, Убайдуллаҳўжа афандим! Аммо халойиқни ҳам Ҳамлетдек «Ё ўлиш, ё қолиш»га келтирмоқ учун, аввало, менимча, фафлат уйқусига ботган халойиқни фафлатдан уйғотмоқ лозим бўлурмикан? — деди унинг сўзларига эътибор билан қулоқ соглан Тавалло. Бу гаплардан ўзича хуроса чиқарган Мунаввар қори кулги аралаш:

— Фофилни сен уйғотсанг-ку, аммо у кўз очиб, нега мени уйғотдинг, деса-чи!Faфлатни ором деб билсачи?! — Унинг бу гапи истеҳзоли кулгига сабаб бўлди. Убайдулла худди шу гапни кутиб тургандек, зўр қувонч билан:

— Офарин, қори, кўнглимдаги гапни айтдингиз! Кўз очган вофилга, нега уйғотганимизни англатмоқ учун, рўзнома лозим. Айни фурсатда бу жуда зарур!

Убайдуллахоннинг ҳаяжон билан айтган гапларини қувватлаб, маъқуллаш ўрнига Мунаввар қори аксинча эътиroz билдириди:

— Ёдингизда бўлса, Убайдуллаҳўжа, отангиз боғда ўз улфатларига гап берган куни рўзномалар, жаридалар нашр қилиш ҳақида зиёфат аҳли истак билдириганда. Сиз, жаноблари, душманни газета билан уриб енгиб бўлмайди, қурол билан курашмоқ керак, дегандек эътиroz билдириган эдингиз... Аммо, бугун!.. Хўш?..

— Деган эдим! Ҳа, айтган эдим. Ҳаммаси ёдимда! Аммо энди, афандим, замон ўзгарди. Русияда большевиклар ва меншевиклар подшога қарши тарғибот эмас, очиқдан-очиқ қуролли курашга ўтдилар. Қилич энди қиндан чиқди! Энди бизлар рўзномада у вақтдагидек мустабидлик, мустамлака зулмининг аламларини тарғиб этиш эмас, жангга ундаймиз. Жангчиларга эса, насиҳат ўқилмайди, қурол тутишни, қилич солишни ўргатилади.

Мен нашр этмоқ истагини рўзнома шу мақсадга хизмат қиласди. Шу рухда бўлади. Русия ўзи бизга йўл очиб берди. Биз ўруслар билан оқ пошто зулмига қарши жангта Туркистон ҳалқини тайёrlашимиз керак.

— Убайдуллахўжа, ўруслар билан дейсиз, улар қайси руслар?

— Тақсир, улар кимлар, буниинг сиз билан менга асло аҳамияти йўқ. Улар большевиклар, меньшевиклар, кадетлар деган турли-турли гурӯхлардан иборат. Бизлар булатнинг биронтаси тарафида бўлмаймиз. «Оқ ит қора ит бир...» Иккиси ҳам мустабид! Большовийларнинг Туркистон ўлкасига мустақиллик ваъда қилиши, ҳокимиятни идора этиш ихтиёрини ерли ҳалқа бериши, бари ишониб бўлмайдиган алдов! Мен адвокатман. Адвокатнинг далилсиз сўзлаши унга обру келтирмаса керак, лаббай! Большовийлар йўқсуллар, яъни пролетар ҳокимиятини тузмоқчи бўлади. Бу макр!.. Негалигини айтаман. Меншевиклар эса, ҳокимият бошида йўқсиллар билан корандалар эмас, дунёдан боҳабар, пасту баландни биладиган зиёлилар, буржуйлар бўлсин, дейди.

— Шундай деганлар ҳақ! Бизнинг қарашимиз ҳам шундай! Оёқ яланг йўқсиллар қаёқда-ю, илм-маърифатдан хабардор, зиёлилар қаёқда! Биз ўшалар билан бўлайлик!

— Сабр қилинг! Асло мумкинмас!

— Нечун? Пахта заводидаги бир майхўр қора ишчи билан, ўйлаб қўрсанг, ақлга сифмайди, Убайдуллахўжа. Сизни тенг қилиб бўладими? Давлат тепасида дунё илми-маданиятидан боҳабар, ўрусларнинг Толстойдек улуғ адабини мот қилмоқчи бўлган Сиздек одам эмас, қорни нонга тўймаган, қорнидан бошқа ташвиши бўлмаган бир чорикорнинг ҳукмронлик қилиб ўтиришини тасаввур этинг! Камбағални давлатни ким бошқариши эмас, қорни тўйиши қизиқтиради. Сиз айтган большовийлар, кимнинг кетидан эргаштиришни, кимни қўлига қурол бериб, жангта киритишни билганлар! Ана макр! Бунга ақли етганини қаранг! Офарин!

Таваллонинг юқоридағи фикрларини эшитганлардан бири:

— Жаноб Убайдуллахўжа, эшитишимиизча, Сиз ҳам большовийлар тарафдори бўлганлигигиз учун Саратовда Чор ҳукумати қамаган дейишади?

Убайдулла жавоб бериш ўрнига қотиб-қотиб кула бошлайды. Жавоб қилмоқчи бўлди-ю, бу гап нафсониятига теккани ёки энг яқин дўстларидан бу гап чиқиб, ишончсизликдек туолгани учунми, ўзини заҳарли кулгидан тұхтатолмай кула бошлади. Ва ниҳоят, уларнинг ҳайратларини кўриб:

— Мен қамалган бўлсан, азиз дўстларим, большовайларнинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ! Бош сабаб, Толстойга ёзган мактубим. Ана шу чор жандармасини ваҳимага солди. Мактубимдаги инқилобий фикрим учун энг хавфли шахс деб қарашибди. Шубҳа билан большовайлар мағкурасидаги одам, деб қамашди. Албатта, бизлар ҳам большовайлардек мустабид ҳукуматга қаршимиз. Аммо бизлар, ҳеч маҳал, у маккор, имонини ютган риёкор большовайлар билан ҳамтовоқ бўлолмаймиз! Ҳа, бўлолмаймиз. Уларнинг кимлигини ҳеч ким ичида бўлган мендек яхши билмайди! — Убайдулла ниҳоятда асабийлашди. — Ҳамма гаплари алдов! Ҳамма гаплари ёлғон! Бўхтон!.. Улар ҳалқа дин эркинлигини берармиш! Бу ҳам алдов! — Убайдулла шундай деди-ю, савол назари билан ҳаммага бирма-бир қараб чиқди.

Мунаввар қори:

— Ким бизнинг динимизга тўсиқ бўлган эканки, улар бизга дин эркинлигини бермоқ бўладилар?

— Алдовлиги шу эмасми?

— Ё алҳазар!

— Бу гапни ўртага ташлашларидан большовайларнинг мақсадлари «дин ҳалқ учун афюндири» деб айтган доҳийлари Карл Маркснинг даҳрийлигини ва ўзларининг кофирилларини оддий ҳалқдан яшириш бўлган.

— Фақат бу эмас! Большовайлар подшони ағдариб, деҳқонларга бериши ҳам алдов! Ерни қаердан олиб берар эканлар? Ўруслар ўз ерларини Туркистон деҳқонига бўлиб бермоқчими?! Ўзбек деҳқони ўз ерига эга-ку! Минг йилдан бери деҳқончилик қилиб келади. Большовайлар бойнинг ерини камбағал деҳқонларга олиб берармиш! Қаранг, қандай меҳрибонлик! Қаранг, қандай пишиқ ўйланган сиёsat! Бу меҳрибонлик эмас, бир ҳалқни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, бир-бирига ёв қилиш, гиж-гижлашдан бошқа нарса эмаску!

Убайдулланинг ўта мантиқли далиллари дўстларини ҳам ғазабга келтирди:

— Деҳқонга ер берамизми, йўқми, қандай ётибтурамиз, нега энди улар бизларга айтишлари керак экан?!

— Бизга нима қилишимизни ўз ихтиёrimизга қўймасдан, нега улар айтиши керак?

— Ҳа, балли! Улар ўзлари кимлар? Нега энди улар бизлар қолиб, бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилиб, деҳқонларимизга ер бериш керакми, керакмасми, ҳал қилишади? Ахир, бу очикдан-очиқ Туркистон устидан ҳўжайинлик-ку!

— Худди шундай! Босқинчилик!

Убайдуллахон большевик ва меншевиклар, хуллас, бутун рус инқилобчиларининг мақсадлари нималиги, ҳаммасини очиб ташлади. Ва ўзига нисбатан «Сиз ҳам большевикларга қўшилибсиз», — деган таънага жавоб тариқасида, — қани, азизларим, шундай хоинлар билан менинг ҳамфир бўлишим, улар йулидан кетишм ақдга сифадими! — деган гапларини айтиб. — Келтирган далилларим билан адвокатга үхшадимми? — деб кулиб кўнглини буштади. Дўстларини қуочқлагудек таъби равшан тортди.

Узок йиллар кўришмаган бу дўстларнинг очиқ кўнгилдан, самимий сұхбатлари кутилмаганда бўлиншига, бошига дурра ўраб, атлас кўйлак кийган, баланд бўйли, юзи оппок, хушрўй рус аёлнинг ўзбекча салом бериб, кириб келиши сабаб бўлди.

Бу Убайдуллахоннинг рус хотини эди.

Бу муждадан меҳмонлар нима деярларини ҳам билмай, тараддулданиб қолдилар. Меҳмонлардаги ҳозирги ҳолат, рус келин келган биринчи кунларда, Убайдуллахоннинг уйдагиларда ҳам юз берган эди. Бу фақат отаонани ҳайратга эмас, ҳатто ғазабга солган. Лекин бундай муносабатлар узоққа бормади. Яхшиликка, хайрликка юз тутди. Бунга биринчи сабаб, Тошкентга келгунга қадар насроний динидаги аёлнинг мусулмон динини қабул қиласиганлиги бўлди. Уйдагилар уни русча исми билан эмас, энди Маликахон деб атай бошлидилар.

У илмли, аристократ рус оиласидан чиққан бўлиб, мусулмон динини қабул қилишни ўз эътиқодига хиёнат деб билмади. Бутун динларнинг асоси Оллоҳнинг бирлигини танимоқ, унинг негизи эса миллатидан қатви

назар, инсонларга муруват, яхшилик қилмоқ, деб тушунди.

Маликахоннинг бу қарашлари қанчалик асосли эканини синаш учун у янги келган кунларда, Башриллахон:

— Сиз ёвузликка ёвузлик қилмаслик керак, дейсиз. Сизларнинг ёзувчиларингиз Толстойнинг бундай қарашларига акам тарафдор бўлмаган-ку, — деган эди.

Маликахон узоқ ўйланмасдан, аввалдан ўзи қатъий хулоса чиқарган фикрини айтди:

— Убайдулла Асадуллаевич яхшиликка қарши эмас, ёвузликка қарши. Бу деган сўз, инсон инсонга яхшилик қилсин, дегани-ку! Убайдулла одамларга, ўз халқига яхшилик истаган. Бизни яқинлаштирган сабаб шу, — деган шубҳага ўрин қолмайдиган асосли жавобни айтди. У шунчалар севикли келин бўлиб қолдики, катталар меҳр билан Маликахон, кичиклар Малика келинойи деб исмини тилдан қўймайдиган бўлдилар.

Уни Убайдуллахонга яқин қилган ва унга бўлган муносабатининг самимийлиги ишонарли сабаблардан бири яна шунда эдики, у ҳам ўз ҳукумати адолатсизлигининг жабрини тортган оиласдан чиқсан эди. Уни эри — Убайдуллага адолатсизлик ва зулмга бўлган нафрат яқинлаштиради. У Убайдуллага ҳамдард, ишларига ҳамкор бўлди. Оиланинг севикли аъзосига айланди.

Меҳмонларга чой олиб келиш баҳонаси билан кирган Маликахон эрига бир конверт топшириди-да, меҳмонларнинг суҳбатларини бўлмаслик учун узр сўраб чиқиб кетди.

Убайдулла конвертни очиб, кўз югуртириб, «тавба, тавба»лаб давомини ўз ичида ўқий бошлиди. Дўстларидан яширгандек бўлмаслик учун:

— Бу мактуб Москвадан, рус ошналаримдан. Тавба дейишимнинг боиси шулки, Русиядаги очарчилик, оғир аҳволни айтиби. Буюк давлат деган оқ пошшо халқининг ўзи қашшоқ, оч-ялангоч, қорни нонга тўймаган бўлса, унга қарам қуллари, бизнинг аҳволимиз нима кечарди?! Айтмаса ҳам бўларкан!

Улфатлардан бири Убайдуллага мурожаат қилиб:

— Энди сиз ҳам янги рўзномангизнинг номини ўзгартиришингизга тўғри келармикин?! — деди.

Убайдулла Саратовдан келгандан кейин ўзбек ти-  
лида «Садои Туркистон» рўзномасини чиқариш ҳара-  
катида бўлиб, Туркистон губернаторининг рухсатини  
кутмоқда эди. Улфатининг ҳозирги гапи шунга ишора  
эди.

— Нима деб ўзгартирсам?

— «Садои Туркистон» эмас, «Садои қуллар» десан-  
гиз, аниқроқ бўлармиди дейман?! — албатта, бу ҳазил  
эди.

Убайдулла кулиб: — Асли шундай бўлиши керак,  
лекин бу ном билан чиқаришга рухсат беришмайди.  
Ундан ташқари, бу жуда ошкора, яланроч! Яланрочлик  
Шарқ одобига тўғри келмайди, — деб ҳазилга айлан-  
тириди.

Лекин аслида газета чиқаришдан Убайдулланинг  
мақсади ҳам шу бўлган!

«Садои қуллар» эмас, «Садои Туркистон» номи би-  
лан рўзнома чиқаришга ҳам ҳукумат рухсат этадими-  
йўқми, ҳали аниқ эмас эди.

Ахир, Убайдуллага чор ҳукумати учун хавфли одам  
деб қаради. Айниқса, большевикларга яқинлиқда ун-  
дан шубҳаланиб, большевиклар гоясини тарғиб этмас-  
микан, деган гумон ҳукуматни ваҳимага солиб қўйган.  
Ўша даврдаги Туркистон махфий бошқармалари, ҳар-  
бий губернаторлар марказдаги Чор ҳукумати идора-  
ларига Русияда алғов-далғов бир замонда бу сартларга  
рўзнома чиқариш нега зарур бўлиб қолган, бундан  
мақсадлари нима, нима ҳақда ёзмоқчилар? — деган  
хавф билан махфий ёзишмалар ёза бошлидилар.

1913 йил 1 ноябрда Сирдарё ҳарбий губернатори,  
Туркистон махфий бўлим бошлиғига қуйидагича мут-  
лақо махфий мактуб юборади:

«Кўп ҳурматли жаноби олийлари, Сизга Тошкент  
шахри, Романовский кўча, 16-йида турувчи тошкентли  
сарт, хусусий ҳимоячи Убайдулла Асадуллаевич (асли-  
да шундай ёзилган) Хўжаевдан Тошкент шахрида ма-  
ҳаллий мусулмонлар тилида (турк тилида) «Садои Тур-  
кистон» номида рўзнома чиқаришни сўраб ариза ёзган-  
лигини маълум қилмоқчиман.

Генерал-лейтенант

(имзо)

Топшириш учун оловчи

(имзо)».

полковник

Ҳадеганда рухсат бўлавермаганидан Убайдулла шу кунларда асабий, дарғазаб эди.

Лекин ғазаб, жаҳл сўниши мумкин. Диlda уйғонганди бу нафрат унтутилмас бўлади. Ёдга тушган ҳар дақиқада у ғазабга айланади. Ғазабни алангалатади. Унинг аҳволини кўрган Асадулла махсум:

— Курашаман, дейсан — курашиш керак! Аммо оқибатини ўйлайсанми?! Кураш ўзи нима, биласанми?»

— Ҳа! Кураш — енгмак, — деб жавоб қилди Убайдулла.

— Жуда тўғри! Аммо енгиш нима? — Убайдулла ўйлаб жавоб қилгунча, отаси: — Қандай енгасан? Енгиш нимадан иборат? — деб давом этди.

— Енгиш, ғалаба қозонмоқ, ғолиб чиқмоқ.

— У нимадан иборат? Асир олмоқми, қатл қилмоқми? Афв этмоқми?

— Ҳаммаси!

— Сен ўлимга розимисан? — деди ўғлининг жавобидан ғазабланган Асадулла махсум. Аммо Убайдулла бундан зарра аччиқданмасдан отасининг яна ҳам ғазабини кўзғатмаслик учунми, босиқлик билан:

— Бир нимадан алам ўтмаган, ўтганда ҳам жонжонидан ўтмаган одам жангта кирмайди, отажон! Аламзода, ҳақоратланган, хўрланган одамнинг кўзига ўлим кўринадими? Ўлимдан қочадими, йўқ!

Ўғлининг бундай қайсар жавобини эшитган ота ўғлини бу йўлдан қайтариб бўлмаслиги, пешонасига нима ёзган бўлса шуни кўришига имон келтирди.

Ота-боланинг баҳси устига келиб қулоқ солиб бир чеккада ўтирган укаси Башриллага «Хў, сен менинг бу гапимга нима дейсан» дегандек умид билан қаради. Аммо Башрилладан садо чиқмади.

Шундай жиёдий гаплар бораётган бир пайтда укасининг парво қилмагандек жим ўтириши Убайдулланинг ғашини келтирди. Аммо Башрилланинг бундай сукути бежиз эмас эди. Айни шу дақиқаларда унинг кўнглидан қандай хавф-хатар, нохушликлар кечеётганидан Убайдулла бехабар. Башрилла энди ёш бола эмас. Акаси билан ҳамма иш, ҳамма ҳаракатда ҳамфир бўлиб, жафосини ҳам бирга тортишини, акасининг бoshига тушиши мумкин бўлган фалокатлардан Башрилла ҳам холи қолмаслигини билдириди.

«Умид» номи билан тузилган яширин ташкилот, албатта, Башрилланинг иштирокисиз бўлмаган. «Садои Туркистон» шу ташкилотнинг газетаси. Туркистон махфий сиёсий полицияси «Садои Туркистон» газетасининг нашр қилинишига рухсат этиши бекорга бўлмабди, газетадан бир қопқон сифатида фойдаланишини кўзланган.

Ахир, ташкилот аъзолари, унинг бошлиғи Убайдуллани жазолаш учун ашёвий далил бўлиши керакми? Бу фақат газета орқали бўлиши мумкин эди. Убайдуллани ҳибсга олиш учун қидирув эълон қилган ҳукумат бекорга уни эркига қўйиб қўйибдими? Чор Русияси учун энг хавфли, ашаддий душман Убайдуллани ҳибсга олиш учун бошқа сабаб, бошқа йўл йўқ эди.

Башриллани ҳозир ўйлантириб қўйган нарса шу эди. Вадим Чайкин ҳам ҳозир жаҳон уруши вақтида газета чиқариш пайти эмас, хавфли деган фикрда эди.

Башрилла ўз дардларини ичига сиғдиrolмай айтганда, Убайдулла кутилмаганда қотиб-қотиб кулди:

— Ёшлигинда ошиқقا қулом қўйгансан-а! Қўйган қуломинг яхши эритилиб, ошиқнинг чек-чекига сингмаса, биласан-а, катга соққа билан бир урганда кўчиб тушади. Одам ҳам ўз мақсадини қулом қўйгандек бутун вужудининг мағзи-мағзига сингдириб олмаса, ҳар қандай зарбага бардош беролмайди. Тўрими?

— Тўғри!

Убайдулла бундай ишлар бўлишини биларди. Ахир, у ўз юртидан жудоликда, қаҳратон Русияда бекорга яшадими! У ердаги яширин ташкилотлар фаолияти ва унга ҳукуматнинг назарида нима жиноят саналиши бунга қарши қандай тадбир, жавоб ва сабаблар кўрсатилиши мумкинлигини, бу ишларга қўл уришдан аввал, газетада нималар ҳақида ёзиш, чор сиёсатини қандай фош қилиш йўлларини ўйлаб қўйганди.

Убайдулланинг Чор ҳукумати учун энг хавфли, хатарли одам саналиши ва уларни доғда қолдирган сабаблардан бири ҳам унинг қонунчиликда ҳаддан ташқари билимдонлиги, тадбиркор, ўз мақсади йўлида ўта қайсарлиги эди.

Убайдулла ўзи ташкил қилган ва ўзи бош муҳаррир бўлган «Садои Туркистон» газетасининг илк сонларидаёқ, босилган мақолаларида Русиянинг талончилик сиёсатини шу қадар усталик билан фош қила

бошлайдики, энг раҳмсиз фирибгар чор жандармаси ҳам ўз тузогига илинтириб, айбор қилишнинг иложини тополмай қолади. У ҳар бир мақоласида отасидан эшитган, Шарқда кўп қўлланилган «малеҳулқабих»-дан фойдаланади. Яъни сиртдан қараганда бу мақтодек туюлса ҳам, асли тагида нуқсонларни фош қилиш ётган бўлади. Туркистонни руслар босиб олганлигига 1915 йилда эллик йил тўлиши муносабати билан руслар буни тантанали нишонлашга ҳозирлик кўра бошлайдилар. Убайдулла ҳам бу маросимдан четда қолмайди. У юбилейга бағишлаб 1914 йил 25 май ойида ёзилган мақоласини «Юбилейга ҳозирланув» деб атайди. У шундай бошланади:

«Тошкент шаҳрининг Русия ҳукумати тарафидан забт қилинганилигига 1915 йили, 15 июнда эллик йил тўладир». (Қўшилганига эмас, яъни босиб олинганига. Мақоланинг ёзилишидан асосий мақсад халқقا ихтиёрий қўшилиш эмас, босиб олинганилигини қайд этиш.) Мақоланинг давомида:

«Рус ватандошларимизнинг (ўзбеклар эмас) бу юбилейга камоли шодлик ва тантана или иштирок этиб, бунинг хотирасини улуғ-улуғ муассасоти илмия ва хайриялар вужудга келтирмоқларида шубҳа йўқdir.

Ул вақтда биз мусулмонлар нима қилурмиз?..»

Убайдулла ўз мақоласида бу савонни мусулмонларга бекорга ташламади! Бу билан у, бизни босиб, бойлигимизни талаган, ўзимизни ит қаторида санаганлар билан бирга тантана қиласизларми? — демоқчи эди, холос! Бундан бошқа ҳеч қандай мақсад бўлиши мумкин эмас эди.

Мақоланинг давоми:

«Улар (руслар) шаҳар олган киши, қанча шодлик қиласалар ярашур. Биз эсак шаҳар берган киши. Бизга шодлик ўрнига хафалик керак, деб оғиз очиб қараб қоламиزمси?»

Албатта, мустамлака зулмини тортган ҳар бир одамни бу савол ўйлантирмай иложи йўқ эди. Ўз эрки, ўз шаҳридан ажралган инсон бу савонга қандай жавоб айтиши мумкинлигини Убайдулла яхши биларди. Халқнинг босқинчиларга қарши ғазаблари бўғзига келганини билмаса, бу савонни бермасди. Бу мақолани ҳам ёзмаган бўларди!

Ўзбек зиёлилари учун юбилей эмас, Убайдулланинг мақоласи зўр тантанага айланди. Бунинг акс-садоси сифатида газета ва унинг шаънига мадҳиялар ўқилди, қасидалар ёзилди:

ТОШКАНДДА ЧИҚМИШ,  
МУҲТАРАМ УБАЙДУЛАХУЖА  
АСАДУЛЛАХУЖАЕВ  
ЖАНОБЛАРИ ТАРАФИНДАН  
«САДОИ ТУРКИСТОН» НОМ ГАЗЕТАСИНА  
ЁЗИЛМИШ  
МУБОРАКБОД ТАРИХНОМА

Ҳамдлар ўлсун сенинг номининг, эй қодир худо,  
Курагатингни кўргузубон бир газит қилдинг ато.  
Раҳматинг очдинг қапусин, бир назар қилдинг биза,  
Турфат ул-айн ичра қилди ушбу Туркистон саго.  
Қоғазим кўз пардаси, қонлар сиёҳ ёзсан агар,  
Ҳазратингта то қиёмат шукрлар ўлмас аго.  
Кўп умиги умматингни, эй ҳабиби муҳтарам,  
Илтижо эттим сиза доим, Муҳаммади Мустафо.  
Эй Ватан! Ўлсун муборак санга Ҳақининг раҳмати,  
Эмди қилгумсур — губорингни кўзимга тўтиё.  
Фикримиз қилсун тараққий, илмимиз топсун ривож,  
Кўз очилсун, ўйлни кўрсун, кўнглумиз топсун жило.  
Биз жарида ташнасини лабзи ширинлар ила  
Комёб этса «Саго»миз дунёда топсун бақо.  
Матбаа гулзорига терди Тавалло тарихин,  
Мисраинга сайради: «Булбул фиғон — миллий наво.»

Убайдулла шаънига айтилган бу ҳамду санолар унинг эл ичида қанчалик обрўли эканлиги, унга одамларнинг қанчалик муҳаббати зўрлигининг ифодаси эди. Лекин бундай мадҳия, қасидалар қанчалик ҳақ бўлмасин, Убайдулланинг манфаатига эмас эди. Мақолада айтилган фикрларни кўпчилик газетхон, зиёлилар мағзига тушуниб, қанчалик хурсандчилик билан қабул қилган бўлсалар, чор амалдорлари ҳам худди шундай тушуниб, шунчалик ғазабга келадилар. Чунки мақола-

\* И з о х: «Булбул фиғон — миллий наво» сўзларидағи арабий ҳарфлар йигиндиси ҳижрий 1332 йилни, яъни «Садои Туркистон» нашр этила бошлаган салани билдиради.

да «забт этилди», «шаҳар босиб олган кишилар» каби айтилган гаплар газетани ёпиб қўйиш, таҳририят аъзоларини жазолаш учун етарли ашёвий далил бўла оларди. Аммо!..

Мақоланинг давоми шу қадар усталик билан ёзиладики, уларнинг тилларини тишлаб қолишдан бошқа иложлари бўлмайди.

Сенга қарши қилич яланғочлаб келганга, қиличинги ташла, десанг, у мени қуролсизлантирмоқчи шекилли, деган ваҳима билан қилични ташлаш ўрнига, аксинча, тезроқ сенга ташланади. Ташла, дейиш ўрнига, балки, тўхта деганида, нима демоқчи? Таслим бўлмоқчими, деган ўй билан қилични бир дам қинига солиши мумкин бўлармиди!

Чор ҳукуматига нисбатан Убайдулла шундай йўлни тутади.

Мақоланинг давоми:

«...Русия ҳукумати бизнинг шахримизни забт этди, ҳуқуқимизни қўлимидан олди...» (Чор зулмини бундан ортиқ, бундан очикроқ яна қандай ифодалаш мумкин?) Агар мақола фақат шундай гапларни айтишдан-гина иборат бўлганда эди, ҳеч сўзсиз муаллиф жазога лойиқ бўларди. Аммо мақоланинг давомида усталик билан «Чор ҳукумати темир йўл, телефонлар келтирди, саломатхона, тижоратхоналар таъсис этди, тарақ-киётга ундади, кўзимни очди», дейиладики, бу эса амалдорларни жазолашдан ўзларини тийишга мажбур эта-ди.

Убайдулланинг фақат Туркистон музофотида эмас, Русия давлатида ҳам машҳур адвокат деб ном чиқарishi, энг хавфли одам деб саналиши сабабларидан бири ҳам ана шундай мантиқий йўллар топа олишида, ҳаддан ташқари билимдонлигига эди.

Дардлари ичига сифмай, бор овоз билан атрофга жар солиш иложини тополмай юрган ўша даврнинг Камий, Беҳбудий, Тавалло, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон каби шоир ва мутафаккирлари, ватан ва миллат дардида жонкуяр Садриддинхон аълам, Саидносир Миржалил ўғли каби илми бойлар, маърифатпарварлар учун ҳам бу газетанинг дунёга келиши катта қувонч бағишлиган, байрамга айланган эди.

Ҳа, кимларгадир байрам эди, кимларгадир қувончли эди. Аммо, худо кўрсатмасин, бу қувонч, шодлик-

ларнинг оқибати нима билан тутайди, жабр-жафосини тортиш кимнинг елкасига тушади, уларнинг хабарлари ҳали қайда!

Газета ўзбек зиёлилари ва жадидларнинг йифиладиган, соатлаб эмас тонг отаргача баҳс, мушоиралар бўладиган марказига айланди. Бу ерда сухбат қилиб, чой ичиш эмас, йўқ — дарё сувлари ҳам бу ерда йифиладиган, куйган юракларнинг аламли алангасини босишга ожиз эди. Бу ерга келадиганларнинг ҳар бири уйларига ўт кетиб, хонавайрон бўлган, энг азиз нарсалардан маҳрум кишилардек, фарёд билан келардилар.

*Алҳазар, эй шоҳи золим, алҳазар,  
Раҳм кўп бар ҳоли мазлумон нагар.  
Оҳ урса пиразан вакти саҳар,  
Бўлғай андин юз туман зеру забар, —*

деган шеърини ўқиб шоир Камий фарёд билан кириб келса, Садриддинхон аълам Фарғона губернатори Ивановнинг айтишга тил ҳам бардош беролмайдиган: «Минг сарт бир ўрус солдати кийиб юрган этигининг пошнасига арзимайди!» — деган ҳақоратларига, наҳотки, биз Амир Темурхон авлодлари чидаб ўлтирасак! Наҳот, чора бўлмаса! — деб нола билан келарди.

Бу газета даргоҳида ҳамма бир фарёд билан, маддакор, деб келадиган бўлди. Губернатор Абрамовнинг Самарқандда барпо этган боғи пештоқида — «Боққа сартлар ва итларнинг кириши тақиқданади!» деган ёзувдан хабар тоғган Туркистон шаҳрининг миллат ва илмпарвар бойларидан бири, Убайдулланинг қадрдонларидан, газета чиқаришда моддий манфаати теккан — Сайдносир Миржалил ўғли:

— Шу гапларни ўқиб, шу гапларни қулоғимиз билан эшишиб, биз улардан нима инсоф кутишимиз мумкин! Ахир, бу, бизларга аниқ хулоса чиқармоғимиз учун етарлидан ҳам ортиқ эмасми? Ё Оллоҳ! Сабртоқат шунчалар бўладими! — деган фарёд билан келади.

Буларнинг орасида ёш жиҳатдан энг кичиги, Андижондан келиб Тошкент мадрасасида таҳсил кўрган вақтларда тошкентлик жадидлар билан яқиндан танишган, айниқса, рус ва жаҳон адабиётини ўша даврдаги ўзбеклар орасида яхши билган ва Убайдуллахон

билин дўстлашиб, энди шеърлар ёза бошлаган Чўлпон рус амалдорлари зулмидан фақат ўзбек халқи эмас, унга қарам туркий халқарнинг барчаси додга келгани мисоли сифатида бўлса керак, буюк татар шоири Абдулла Тўқайнинг рус полициясини Азроил, подшо атрофидагиларни «ваҳшийлар гуруҳи» деб атаган шеърини ўқиёди:

*Ичарлар қонларин аҳли башарнинг, чунки қон ичмоқ  
Ҳаловатлидир унларга шакардин ҳамда ҳалводин.*

Барча дўстларининг дардларини тинглаб, фикрга чўмган Убайдуллахон, Чўлпоннинг Тўқайдан ўқиган шеърини эшитиши билан ҳаяжондан қизариб, завқ билан чапак чала бошлайди. Чунки бу фақат татар халқи ҳақида бўлмай, туркий халқнинг дарди эди.

Бу шеър баҳона Убайдулла баҳсли бир масалага ўзича хулоса чиқарган эди.

Шу йиллари Чор ҳукуматига қарши кураш бошлаган Ленин бошлиқ большевиклар, пролетариат ҳокимияти тузиш учун Туркистондаги рус ишчилари орасида тарғибот, ташвиқот олиб боришга киришган эдилар. Большовойларнинг бу ҳаракатлари Убайдуллани жиддий ўйлантириб қўйган эди. Буни у, Туркистонга мустақиллик бериш эмас, аксинча, ҳукмронлик қилиш учун курашининг бир кўриниши деб тушунган эди. Рус меньшевиклари — эсерлар эса подшо ўрнига буржуазия ҳокимияти ўрнатиш тарафдори эдилар.

Бизлар бу курашда кимнинг ёнида бўлишимиз лозим. Убайдулланинг ўзи бу масалада аниқ фикрга эга эди. У большовойларга ҳам, меньшевик-эсерларга ҳам қарши эди. У иккаласининг ҳам Туркистонни чор зулмидан озод этиб, мустақиллик, ҳуррият бериш ниятлари йўқлигига ишонган эди. Унинг курашдан бирдан-бир мақсади озод, мустақил Буюк Турон давлатини тиклаш бўлган, холос! Бунга эса, Уралдан то Қора денгиз соҳилларигача бўлган туркий мусулмонлар — татарлар, ёқутлар, қозоқлар, қrimликлар бирлашиб курашишлари орқалигина етишмоқ мумкинлигига қатъий амин эди. Убайдулла ўз газетасида ана шу масалани ёритишни ўз олдига биринчи мақсад қилиб олади.

Абдулла Тўқай шеъридаги мана шу ҳамфикрилийк, ҳамдардлик Убайдулланинг чексиз қувончига сабаб

бўлганди. Туркий халқлар бирлашмасдан, якка-якка курашиб озодликка эришиб бўлмасди.

Лекин, афсус! Инсон ўзи кутмаган, инсон ақди етмайдиган тасодифлар билан бу ўткинчи дунё тўлаки, Парвардигорнинг амри билан кутилмаганда баҳтга эришмоғу, кутилмаганда бутун умидларнинг барбод бўлмоғи ҳеч нарса эмас!

Кутилмаганда буларнинг қизғин сұхбатлари устига кириб келган Саид Камолхон домланинг нохуш хабари ҳақорат ва зулмдан тутаб турган Убайдулла ва унинг шериклари аламларини яна ҳам алангалантириб юборди.

Саид Камолхон Петербургга рус подшоси Николай II нинг таклифи билан борган бўлиб, Петербург университетида турк, форс ва араб тиллардан дарс берган шарқшунос, маърифатпарвар, йирик олим эди. У фақат университетда эмас, подшо Николай II нинг қизларига Шарқ халқларининг урф-одатлари, маданияти, тарихлари, иқлим-шароитларидан таълим берувчи шахсий муаллимлик ҳам қилган.

Буни қарангки, улар бизнинг маданиятимиз, тарихимижни ўз фарзандларига ўргатиб маънавий бойиган, аммо биз шўрликларга, ўзларимиз, болаларимизни мактаб очиб ўқитишимизга имкон бермаган!

Туркистон тарихини ўрганиш уларга нега керак эди? Шунинг учунки, бизлар мустамлака — қул, уларнинг фарзандлари қул эгалари. Ўз қулларининг устидан фарзандлари келажакда ҳам ҳукмонлик қилишлари учун ўзига қарашли мустамлака халқларининг урф-одати, феъл-атвори, жуғрофияси, тарихини ўрганиши зарур эди. Уларнинг ниятлари ёмон! Туркистонга мустақиллик, халқига озодлик бериш ниятлари ҳали-бери йўқ.

Кечагина бир неча йиллик Петроград сафаридан қайтиб келган Камолхон домла:

— Подшо саройи атрофидаги гап-сўзлардан менга маълум бўлишича, ўруслар Олмонияга қарши бугун эрта уруш эълон қилмоқчи. Бу деган сўз жаҳон муҳорабасининг бошланиши эмасми? Бу нима билан якунланур, бир Оллоҳга аён!

Бу хабарни эшигтганлар ҳайронлиқда бирдам хаёлга толдилар. Нима ҳам дейиш мумкин эди дабдурустдан.

Аммо бу урушдан ўзича хулоса чиқарғанлардан бири:

— Бу Оллоҳнинг бизга марҳамати-ку! — деди.

— Шояд, шу баҳона ўруснинг қонли чангалидан халос бўлсан.

— Ёмғирдан қутулиб, қорга тутилмасликка кафолат борми? Олдиндан ҳукм чиқариш, шошма-шошарлик бўлмасмикин!

— Оқ ит, қора ит бари бир ит эмасми?

— Бизларга касофати тегмаса, бас!

Бошлина жаҳон муҳорабасининг Туркистон халқлари тақдирига алоқаси ҳақида дарҳол бир тұхтамга келиш мумкин эмас эди. Аммо бу хабарни эшигтан ҳар бир кишининг фикри-зикри битта савол билан банд эди, у ҳам бўлса, Туркистоннинг келажаги эди! Ахир, буларнинг ватан, миллат, истиқлолдан ўзга нима ҳам дарди бўларди!

— Худодан тилайлик, қўли баланд келмасин.

— Бу ҳақ гап! У қанчалик қучайса, қудрати ошса, у шунчалик қутуради. Бизга жабр-зулми ҳам шунчалик ортади. Негаки, ҳайиқадигани қолмайди. Мендан зўрийўқ, деб қарайди.

— Борди-ю, Олмония ғолиб келса-чи?

Булардан ҳеч бирининг фикрига муносабатини билдирамай, эшиitmaganдек қандайдир ўй-хаёллар оғушида безовталаниб қолган Убайдуллахон:

— Қай томон мағлуб, қай томон ғолиб, бундан бизларга ҳеч қандай манифаат ўйқ, жаноб дўстларим! Ҳеч маҳал буюк давлатлар, балки буюк босқинчилар (буюк қароқчилар десак тұғрироқ бўлар) ҳеч маҳал кичик давлатларнинг, кичик халқларнинг фойдасини ўйламайди. Бир буюк мамлакат, ўзидан бошқа кичик бир ўлкани босиб таласа, халқини қонга ботириб қирса, иккинчи бир буюк давлат уни зулмдан ҳимоя қилиш эмас, асло! Аксинча, аралашиб ораларимиз бузилиб қолмасин, деб ўзини четта олади.

Фаранглар қанча-қанча араб давлатларини забт этдилар, қайси буюк давлат, ҳой, бу адолатсизлик-ку! Ахир, бу талончилик-ку, худодан қўрқмайсанми? — дедими?

Инглизлар қўшнимиз Афғонистонни босиб олмоқчи бўлиб халқини қирди, хўш, ўруслар ҳой, — дедими?

Аксинча, мендан олдин, нега сен эгалик қилмоқчи бўлдинг? — деб афсусланди.

— Буюк давлатларнинг сиёсати, афандилар, сен ҳам индама, мен ҳам индамай! Сен ҳам босиб талайбер, мен ҳам босиб талайберайдан бошқа нарса эмас. Айни фурсатда бизларни ўйлатадиган, ташвишга соладиган бирдан-бир нарса, муҳораба нима билан тугаши, қай томон енгиши эмас, айни фурсатда, биз қайси йўлдан боришимиз, Туркистон халқлари истиқоли учун қандай тадбир кўришимиз кераклиги бўлмоғи лозим, менимча!

Убайдулланинг ҳозиржавоблик билан, масаланинг моҳиятини ниҳоятда чуқур англаб чиқарган фалсафий хуросаларидан маминун бўлган Мунаввар қори:

— Дарҳақиқат, фурсатни қўлдан бой бермай бизларнинг айни замонда қилодирғон юмушимиз, бу урушнинг натижасини ўйлаш бўлмай, бошланган бу уруш даврида Чор ҳукуматининг бизларга бўлатурган муносабати кўпроқ ташвишлантирмоғи лозимдир. Яъни фурсатни ғанимат билиб, мустамлака ўлкалар бизга қарши бош кўтармасин, деган ваҳима билан ўз ёнига олмоқ бўлиб, бир оз марҳаматлироқ бўларми ё аксинча тазийиқу тақиқларни зўрайтираму. Буни назардан қочириш катта хато!

— Айни замонда, биз туркистонликларнинг бу урушга, Чор ҳукуматига қарашимиз қандай бўлиши керак? Кўп нарса бунга ҳам боғлиқ.

— Афсуски, бизнинг муносабатимиз беш қўлдек маълум.

— Нечун афсус?

— Ахир, биз жадидларнинг бирдан-бир ниятимиз Истиқлол учун кураш экани чор амалдорларига ҳам, подшо саройидагиларга ҳам беш қўлдек аён-ку! Жаридалар, рўзномалар нашр этганимиз. Бизларнинг мақсадимиз, бизнинг ҳар қадамимиз, қилғон ишларимизни ҳамиша назорат остига олмоқлари, тафтиш этмоқлари бизларга шубҳа билан қарашларининг кўриниб турган далили эмасми!

Мунаввар қорининг жон куйдириб гапирган бу гаплари ҳаммаси дўсти Убайдулланинг миллат учун қилаётган меҳнатларига ишора эди. Туркистонда рус амалдорлари, губернатор, жандармаларининг халққа қилаётган зулмлари, порахўрликлари, майшатбозлик-

ларидан шикоят қилган ҳам ким эди? Убайдуллахұја эди!

Булар фақатгина оғзаки шикоятлар бўлмай, йўқ, маҳаллий рус амалдорларининг юқоридаги қилмишлари, кўтарилиган ҳалқ қўзғолонини бостиришдаги золимликлари, ҳаммасини Давлат думасига жабрланган Туркистон ҳалқи номидан ҳамкасби, рус журналисти Вадим Чайкин билан Петроградда арз қилиб борган Убайдуллахұја эмасми?

Яширин «Умид» ташкилотини тузган, унга раҳбарлик қилган ким эди? Убайдуллахұја Асадуллахұјаев эмасми?

«Садой Туркистон» газетасини ташкил қилиб, ўз мақолаларида чор ҳукуматининг босқинчилик сиёсатини, қон тўкиб Туркистонни «забт» этганини фош қилган ким эди? Убайдуллахұја эмасми?

Убайдулланинг ҳукуматга қарши бундай фаолияти рус махфий идораларида эмас, подшо саройида-гиларга ҳам маълум эди. Русия Германиядек даҳшатли душман билан уруш бошланганда ўзининг ичидаги Убайдулладек душманига, унинг атрофидағи жадидларга эрк бериб қўярмиди?

Одатда, уруш вақти баҳона ҳар қандай ташкилот, партияларнинг фаолиятлари тақиқданарди. Фақат уларнинг нашрларигина эмас, раҳбар аъзолари ҳам шу баҳона қамаларди. Бундай хавф-хатар Убайдулла ва унинг атрофидағилар бошига тушмоғи аниқ, эди.

Бу уруш Туркистон ҳалқлари ва ўзининг бошига қандай кутилмаган кулфатлар келтиришини сезган Убайдулла:

— Ҳозирги жаҳон муҳорабаси бошланган бир фурсатда Туркистон келажаги истиқдол учун қандай курашиш кераклиги ўрнига, кўпроқ душман тузогига илинмаслик чорасини топиш ўз жонимизни ҳимоя қилишни ўйлаб қолишимиз?

Ахир, умрбод бирорларнинг оёқлари остида тепкилар азобини тортмоқдан, ҳар дақиқа наслу насабингни ҳақорат қилишларини эшитиб умр кечирмоқдан, бир дақиқа, бир нафасгина отилган ўқقا кўкрак тутиб ўлмоқ афзал эмасми!

Хой азиз инсон! Эллик йил ё юз йил яшарсан! Юз йиллик азобда яшамоқ қаёқда-ю, бир нафасда бу азоблардан қутулмоқ қаёқда!

Бирдан баланд овоз билан:

— «Ватансиз қолмоқ, шу йўлда қурбон бўлмоқдан оғир бир ишдир!» — деб ҳайқиргиси келарди.

— Олмон енгадими, ўрус енгадими деб ҳардамхаёлликка берилмай, озодик учун, ҳуррият учун қуролли қўзғолон кутариш фурсати етмадими! — деб ўзи сезмаган ҳолда хитоб билан Убайдуллахон атрофидағи-ларга тикилди. Бу Убайдуллахоннинг ўша кунги сўнгти сўзи бўлди.

1914 йил 19 апрелда ярим кечада Убайдулланинг қўлларига кишан солиб, қамоқقا олиб кетдилар.

## О л т и н ч и б о б

### ФАРЗАНДИНГ ШУНДАЙ БЎЛСА...

«Қуруқ тухматдан, бевақт ўлимдан Ўзинг асрар!»

«Бевақт ўлимдан, қуруқ тухматдан Ўзинг асрар!»

Убайдуллахоннинг онаси Тўхтахоннинг кейинги вақтларда ўқийдиган дуоси шу бўлиб қолган эди. Лекин қуруқ тухматдан, ўз уйида юз берган бугунги фожиадан она шўрлик бехабар эди. Бу фожиа Убайдуллахоннинг энг кичик уқаси Абдулазизхоннинг никоҳ тўйи куни юз беради. Тўй азага айланмаслиги учун онага билдиришмайди. Лекин инсонларга шодикни ҳам, қайгуни ҳам кўнгилдан сезиш ҳиссини худодан ато қилинганки, онанинг бугун эрталаб қаңдайдир фалокатни сезгандай шундай дуони дил-дилидан тилаб ўқиши ҳам бежиз эмас эди. Ўғилларининг ишларидан озми-кўпми, доимо хавотирда эди.

Ахир, Убайдуллахон, Башриллахондек доно ўғилларининг онаси бўлгандан кейин унинг ўзи ҳам, албатта, бефаҳм, бефаросат аёл эмас эди. Ҳали қиз вақтидаёқ илму маърифат билан эл ичида обў, шуҳрат қозонгтан Зайнуддин махсумдек мударриснинг тарбиясини кўрган, хат-саводли аёл бўлгани учун ҳам ўз фарзандларининг қилмишларини ўйлаб, ташвишланарди. Айниқса, ўғлининг ўрус хотинга уйланишига аввалбошданоқ норози бўлган она, ўғли Убайдуллахон ҳақида бирор кўнгилсиз гап-сўз эшитгудек бўлса, буни бир неча йилдан бери тутмаган «қисир» ўрус хотининг касофати урганга йўярди. Баъзан ғазаб билан «илондан илон, чаёндан чаён, коғир хотиндан туғил-

ган бола ким бўларди», деб туғмаганига ҳам шукр қиласади.

Хотинининг нолишини эшитган Асадулла маҳсум:

— Ўғлингни сен, шунчалик бўш-баёв, бироннинг сўзига кираdigан, етакласа кетидан оёқ тирамай кетадиган қобил, деб ўйлайсанми? Ҳамма ҳавас қиладиган одамнинг қизига уйлантиришига, мусофири юртларга боришига сен билан мен кўндиrolмаган ўғлинг, бир ўрус хотиннинг айттанига лақقا учадиган, деб ўйлайсанми?

— Кофирнинг сехри кучли бўлади, дейишади.

— Ўз подшосига қарши курашиб, қамалиб кетган отасининг қасосини бу маккор ўрус келин ўғлингизни ишга солиб, хукуматдан олмоқчи бўлган бўлса-чи?

— Хомхаёл! Шайтоннинг васвасаси! Бусиз ҳам ўғлингни ўзи кимга қарши қилич қайраб юриби! Ақлини танигандан бери кимга қарши ҳаракатда! Ўғлингни ҳаракати шу экан, Мирзакаримбойнинг қизига уйланмагани ҳам ўринли бўлди, негаки, унга уйланганда ҳам, сен ўйлаганингдек борди-кељди, куда чақириқ, чарлар деган гапларни улар билан беллашиб қиломасдинг! Сен билан биз уларга бас келомасдик. Топган-тутганини рўзномалар, китоблар чиқариш, хайрияларга сарфлай берадиган ўғлингга фақат шу келининг чидайди, холос!

Эрининг бу сўнгги сўзини эшитгач, «ўғлингта муносаби шу, демоқчимисиз?» — деб дод солмоқчи бўларди-ю, Асадулла маҳсум:

— Бу рози бўлганимданмас, аламидан, — деб хотинини бир дам тинчтарди.

Асадулла маҳсумнинг ҳозир бугун фикри-хаёли ўғлининг қамалганини тўй вақтида билдириб қўймасликда. Тўйни азага айлантирмасликда эди!

Асадулла маҳсум дунёдан бохабар одам бўлгани учун бундай фалокатлар бошига тушишини олдиндан тахмин қилган эди. Убайдуллахон Саратов шаҳрида қамалгандан кейин, унинг ҳар бир қадами, у қаерда бўлмасин, уйдами, одамлар орасидами, ҳатто у тузган яширин ташкилот «Умид»гача кузатиш учун орқасидан рус маҳфий идораларининг одамлари қўйилган бўлиб, «Садои Туркистон» ва бошқа газеталарда босилган ҳар бир мақоласи, бутун фаолияти назорат остига олинган эди.

«Садои Туркистон» газетасида босилган «Савдо-гарликлар на ўлди», «Шариат ва закон», «Турли ўринларда» каби ўнлаб мақолаларини, бу шунчаки мақолалар эмас, келажақдаги Туркистон давлати қандай бўлиши ҳақидаги кўрсатмалар, деб талқин қилган Чорхукумати учун газетани тарқатиб юбориш ва муҳаррири бўлмиш Убайдулла Хўжаевни жазолаш учун етарли далил деб ҳисобларди.

Одатда, сиёсий айблар билан айбланувчиларни ҳибсга олиш байрам олдиларида бўлади. Бундан мақсад, сенлар байрам, тўй қувончларига муносиб кимсалар эмас, дейилмоқчими, Убайдуллани ҳам ҳибсга олиш укаси Абдулазизхоннинг никоҳ тўйи кунига мўлжалланади.

Тўйдан бир-икки кун один «Садои Туркистон» газетаси ёпилади. Туркистон генерал-губернатори Куропаткиннинг буйруги билан қувфинга олинган жадидларнинг ичида энг таникли, раҳбар ҳисобланган Убайдуллахўжа ва унинг укаси Башриллахўжаларни ўлқадан сургун қилишга қарор қилинган бўлиб, шу буйруқ асосида худди укасининг тўйи куни Убайдуллахон ҳибсга олинади.

Тўй азага айланди!

Нима учундир, Башрилла омон қолади.

Тўй кунлари Убайдулла йўқлигини турли баҳоналар топиб онани бир дам тинчлатган бўлсалар ҳам, юрган йўлида, ўтирган жойида онанинг:

— Қуруқ туҳматдан Ўзинг асрар!» дуоси асло тилидан тушмасди. Убайдулласиз кўнгли фаш. уни тинчилиш учун айтилган ана келади, мана келиб қолади каби баҳоналар билан кўнгли хотиржам бўлолмасди. Лекин ўғилларидан гоҳи-гоҳида она нолиб ҳасрат қилганга унга қўшилишиб:

— Мана, ўғилларим, сенларга нима девдим, оқибати нима бўлди, аттанг, — деб куйиб ёнадиган Асадулла маҳсум Убайдулланинг қамалишига бутун афсус билдирамади. Қамалганидан нолимади!

Ахир, сенлар ўғил бўлиб, бир дастурхон атрофида ота-она келин-куёв билан ўтириб, тирикчилик, болачақа орзусини қилдиларингми? Мана энди нима бўлди? Баттар бўлларинг! — деб таъна ҳам қилмади. Эрталаб қоғоз қўлтиқлаб кетиб, кеч келганингда ҳам еяр-ичарингда ҳаловат бўлмай, ёзув-чиズувдан бош кўтартмай,

хўш, мана энди, нима бўлдиларинг, жазойингни торт, бир кун ҳам майшатни билмай, оғзингдан чиққан гап миллат, истиқлол бўлди. Давлат ортириб тўй-томуша қилмадинг! Қилганинг тўйни ҳам азага айлантириш бўлди. Лаънат сенек фарзандларга, деб нолиш ўрнига:

— Барака топ, ўғлим! Барака топсин, Убайдуллахон! — деб бир неча марта такрорлади. Йўқ, хаёл билан эмас, бу гапларни у қандайдир меҳр билан айтди. Ҳа, агар ҳозир ўғиллари ёнида бўлганида эди, бағрига босиб қучоқлагудек эди.

Одам бир-бирига раҳм-шафқат қилмаса!.. Ўзини одамман деб санаган одам бир одамнинг бошига мушкул тушганда, оғирини сингил қилишга ярамаса!..

Дод-фарёдни эшитиб, эшитмагандек қулоқ солмаса!.. Ё тавба, мусулмончилиги қаёқда қолди!.. Қаёқда!

Унинг ҳаракатлари ўзгарди. Асабий бир ҳолатга кирди-ю, ўғилларига умру инсоф тилаб, дуо қила бошлиди. Авваллари ўғилларининг ишлари унга бекорчи уринишдек туюлиб, ранжиб юрган бўлса, бир йилдан бери давом этиб келаётган жаҳон муҳорабаси даврида кунлардан бир кун юз берган воқеани эслаб, ўз ўғилларининг мунофикс, беэътиқод бўлмаганларидан қалбига бир фаҳр сезди. Бу воқеа Асадулла маҳсумнинг ҳам кўзи очилишига сабаб бўлди.

Баҳор чоги бир қишлоқдаги одамлар чор-ночорликдан очдан ұлмай деб, атала ош учун рус бойларининг ерини ишлашга чиқадилар. Ишдан ҳориб-чарчаб коса-товоқларини кўтариб қозон тепасига бормоқчи бўлгандарида, қозон атрофидан айланиб ўтган ўруснинг чўчқасига кўзлари тушади-ю, юз, эллик чамаси одам, насибамиз ҳаромга чиқди, деб идиш-товоғини кўтариб орқага қайта бошлайди. Оладиганинг ярмини далада еб, ярмини болаларига олиб борадиган насибадан ҳам бу чўчқа бенасиб қиласди.

Мана эътиқод! Очдан ұлса ҳам, эътиқодидан кечмайдиган бу халқ!

Воқеанинг устидан чиқиб қолган шу қишлоқлик мўйсафидлардан бири, ахволни билади-ю, насиба куттиб ўтирган болалар очдан ұлмасликлари учун атрофда ўсиб ётган саримсоқдан бир бойламини юлиб, қозон атрофидан айлантириб ичига ташлайди-да:

— Энди бемалол олаберинглар, увол-чуволи бўлса

менинг бўйнимга, — деб, куз ёшлари билан фатво беради. Одамлар қозон атрофига дув ёпириладилар.

Очарчилик камлик қилгандек, халқ орасида оғир касаллар тарқалади. Николай подшо урушга — жабҳага ёрдам, деб солиқларни бир неча баробар оширади. Халқнинг бор-будини талаб, силласини қуритиб адо қилиш етмагандек, ерли халқнинг ўғилларини аскарга олиш ҳақида подшонинг буйруғи халқقا маълум қилинади.

Бойлар, даромади бор одамлар, ўғиллари ўрнига пулга одам ёллайдилар, бор бисотидан, молидан айрилган халқ энди ёлғиз фарзандини урушга юбориб, жонидан ҳам айрилади!

Менинг ватаним, Туркистон! Ёв менинг юртимни босган эмас, нега энди мен, бегона юртга бориб, бир умр кўрмаганим немиснинг боласини ўқса тугишим, ўлдириш им керак, деб ҳақ гапни айтганлар жиннига ёки ватан хоининг чиқарилиб, жазога тортилади.

Халқقا бундан ортиқроқ зулм, ҳақсизлик бўладими!

Бу халқнинг оҳ-додига, сендан ўзга ким етади, Парвардигор! Бу зулм, адолатсизликлар жонидан тўйдирган халқ, масжиди жомеларда Николай пошшонинг заволини тилай бошлайди. Унинг ўрнига ит келса ҳам рози бўлиш даражасига етади.

Итга ҳам тобе бўлиш даражасида зу, м остида қолганларда, наҳотки, ўз халқидан бирон раҳнамо топиласа!

Наҳотки, бирон ғамхўр бўлмаса! — деб ўйларди Асадулла маҳсум!

Масжидлардан бирида ибодатдан сўнг, фотиҳа вақтида «ит келса ҳам розимиз», дегандек фотиҳага қўл очилганда, жамоа орасидан паст бўйли бир одам ўрнидан туриб, дарғазаб овоз билан:

— Эй халойиқ! Эй мусулмонлар! Бу зулму адолатсизликлар шу даражада вужуд-вужудимизга алам ўтказмаганда!.. Виждану нафсониятимизни қақшатиб, бу қадар тубанликка юз тутдирмаганда! Бизлар итга ҳам тобе бўлишга кўнармидик!

Эй халойиқ! Эй буюк Турон фарзандлари, ҳар қандай ғазаб, ҳар қандай аламга чидаб ноумидликка борсак, биз Амир Темур авлодлари учун кечирмас ҳақорат бўлмасму!

Бизлар Оллох таолодан оқ ит ўрнига қора ит келменини эмас, бундайларга тобе бўлмоқдан кўра озодлик, Истиқдолимизни тилайлик!

Золимларнинг зулмидан, унга асирикдан кутулишини тилаб, бу орзу йўлида халқимизга музafferият истаб фотиҳага қўл очайлик!

Унинг юрақдан чиққан оловли ҳайқириғини нағозхонлар, бутун масжиди жомени ларзага келтиргудек гулдурос билан қўллаб:

— Илоҳо, омин! — деб фотиҳага қўл очдилар.

Убайдуллахоннинг ҳақига узоқ дуо қилдилар. Бугун масжидаға йигилган халойик бу орзу-армонларини рўёбга чиқармоқ учун жон фидо қилиб келган, Николай пошшонинг зулмига қарши курашиб келган одам деб Убайдуллахонни биларди. Убайдулла халқ ичида шундай обрўва ишонч қозонган киши эди! Лекин, афсуслар бўлсинки, Убайдуллага халқнинг бунчалик ихлоси ва муҳаббати, халойиқнинг эса ўз ниятларини ошкора айтганлари, ибодат чоғида бўлган рус айроқчилари орқали маҳфий идораларга қўшиб-чатиб етказилади.

Халойиқнинг ўз мақсадини бундай дадил ошкор қилиши чор айроқчиларини жазавага солиб қўйди! Убайдуллага шу қадар меҳр қўйган халойик, уни қамоқдан қутқариш учун исён кўтариши хавфи ҳам йўқ эмас эди. Бу хатарни олдини олишнинг бирдан-бир чораси оғзакигина эмас, ёзма равищда халқ орасида Убайдуллага нисбатан ишончсизлик туғдирувчи, унга ихлос қўйганларнинг ихлосини қайтарувчи, ундан узоқлаштирувчи, ахлоқий бузук нопок киши сифатида курсатувчи шундай тухматлар тарқатилдики, айрим одамлар орасида бунга ишониб, Убайдуллани подшога қарши газетада босган мақолалари учун қамаган эмас экан, деган шубҳалар ҳам пайдо бўлди. Ҳатто ўз маҳалласидагилар ичида Асадулла маҳсумдан «шу гаплар ростми?» деб сўровчилар ҳам чиқиб қолди. Тарқатилган бу иғволарда шундай «далимлар» келтирилган эдики, унча-мунча эшитганлар ишонмай иложи йўқ эди. Шаҳарда эса дув-дув гап тарқалган.

Асадулла маҳсум хотинининг гапларини эшитса-да, бутун хаёли мана шу тарқалган тухмату иғволарда эди.

Тошкент «Тузем комитети»нинг раиси, жадидлар раҳнамоси Убайдулла Хўжаевнинг шахсий бойлик ортириш ва аҳолидан қўшимча солиқлар олиш учун жазо

қүшинлари маҳаллий қўшхонасидан фойдаланганлиги тўғрисидаги Туркистон охранкаси район бўлими маҳфий ходимининг агентура хатида лақаби «Шаҳрисабз хабарчи» шундай ёзади:

«Тошкент уезди, Зангиота, Тўйтепа, Кенжигали бўлисларининг аҳолиси шикоят қиласидарки, бўлим бошқарувчилари сўнгти вақтларда аҳолидан ҳар ҳафтада 200—400 сўмдан йигадиган бўлиб қолиши, бу йигинар, шу йилнинг июль ойидан бошлаб бўлисларда юз бериши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир улусда 20—30 кишидан иборат ҳарбий командаларни сақлаш учун сарфланади, демоқдалар. Аҳоли бундай фармойиш борлигига шубҳаланмоқда, исёнчи деб қораланмаслиги учун буни очиқ айтишга ботинмайди.

Тошкент шаҳрида элликбошилар бу пуллар ҳараратдаги армиянинг орқа томонига жўнатиладиган ишчиларни ёллаш, кийинтириш ва боқишига сарфланади, деб ҳар бир ҳовлидан 200 сўмдан 500 сўмгача пул ўғирламоқдалар, бу эса аҳолига малол келмоқда.

Йигилаётган пуллар тузем комитетига ва унинг расиси Убайдулла Хўжаевга кетмоқда. Овозаларга қарангда пулнинг катта қисми асл мақсадга эмас, балки Хўжаевнинг ва комитетнинг бошқа аъзоларига гўёки уларнинг зиммасига юклатилган ҳар хил эҳтиёжларга сарфланаётган эмиш.

Убайдулла Хўжаевнинг шахсияти беғубор деб бўлмайди. У Тошкент шаҳрида туғилган. Рус-тузем мактаби курсини тамомлаган, сўнгра Тошкент шаҳрининг 1-участкасида бўлса керак, ҳакамлик судида таржи-мон бўлиб хизмат қилган. У идора кейинчалик Саратов шаҳрига кўчирилган. Уни ҳам у ерга бирга олиб кетишган.

Саратов шаҳрида яшаётганида Хўжаев қандайдир бир бева аёлницида яшаган ва у билан бирга турган. У хоним билан яқинлашиб, унинг собиқ эрига хиёнат қиласидан фош этувчи хатни ўғирлаб, у аёлни, бу ишни фош қиласан, норасида қизини ворислиқдан маҳрум қиласан, бу қиз ўйнашдан туғилган, деб шантаж қилган. Бу аёл Тошкентда Хўжаев билан бирга 1913 ва 1914 йилларда Хорошинек кўчасида (сарт уий) 4 ёки 8-ҳовлида яшаган. Ўша вақтлар атрофида Хўжаев хусусий ишончли вакил бўлиб ишлаб, оқловчилик қилган.

1913 йилда Тошкент шаҳрида Хўжаевнинг уйида практика ҳуқуқидан маҳрум қилинган адвокат Чарковский яшаган (Романов кучаси, шаҳар бошқармасининг орқасида, «Садои Туркистон» газетасининг собиқ редакцияси). Бу одам Хўжаевнинг фаолиятини бошқариб турган ва унинг номи билан ишлаб юрган. Чарковскийнинг билимдошлиги ва унинг кўрсатмаси билан Хўжаевнинг адвокатлик обрўси аҳоли ўртасида ошиб кетган ва ўша вақтдан буён яхши практика қила бошлаган.

«Садои Туркистон» газетасида қандайдир мақола чиқаргани учун Хўжаев ҳатто судга берилган. Унинг натижаси номаълум.

Сўнгги вақтларда Андижон шаҳрида яшаган. У ерда ўғрилик ва қарийб 200 сўмлик ўғрилик ҳақидаги қалбаки ишни ҳимоя қилган. Бу иш ишончли вакил Xашчинга яхши маълум бўлиши керак (Андижон шаҳрида яшайди). ЦГМАУ УзССР, Туркистон район охрана бўлими, ОП I.2144-иш, 106—107-бетлар. Асл нусхаси).

Фақат бу эмас, «Абдуллин» лақабли чор айғоқчиси жандармалар кўрпуси бошлиги полковник Роз-Сошальскийга қўйидагича маълумот беради:

«Андижон «Тараққийпарвар» партиясининг машҳур арбоби Убайдулла Асадуллаевич Хўжаев, ўз партиясининг номидан Туркистон ўлкасидағи ерли аҳолининг, халқ тайинлаган қозиларнинг ҳуқуқларини ошириш, сайлов ва Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш, Туркистон ўлкаси аҳолисининг ҳуқуқларини ёқлаш учун давлат думасига ўз вакиллари бўлишлигини амалга ошириш учун Петроград шаҳрига боради...» — дейилади.

Убайдулланинг Петроградга бориши Туркистондаги рус амалдорларини талвасага солиб қўяди. Убайдулла рус тилида мукаммал сўзловчи, қонуншунос ва ўта нотик бўлгани учун таъсир ўтказмай иложи йўқ эди. Дума аъзолари ўртасида айтилган даъволар, Туркистон халқи олдида ўзини фамхўр қилиб кўрсатиш учун рус амалдорларидан баъзиларининг қурбон қилиниши табиий эди. Убайдуллани Петроградга борищдан олиб қолишнинг бирдан-бир чораси шундай бўхтонлар ва қамаш бўлди.

Юқоридаги каби уюштирилган тухматлар бенатижа қолмади. Афсус... Минг афсуслар бўлсинки, би-

рин-кетин сургун қилиш, ҳибсга олиш бошланиб, Мунаввар қори, Башриллахонларнинг қўлга олингани хабари келди. Тўй азага айланди. Она шўрликнинг ҳоли не кечди, Парвардигор!

Фақат булар эмас...

Айниқса, 1914 йилда аҳолидан аскар, мардикор олинишига қарши Жиззах ва Тошкентда кўтарилаған ҳалқ исёнидан юрак олдириб қолган генерал-губернаторлар, жадидларнинг ташкилотлари ва ҳар қандай нашрларига қарши жиноий иш қўзғаш учун бутун вилоятлардаги жазо идораларига буйруқ берадилар.

Жазолаш, қирғин бошланади.

Вадим Чайкин билан Убайдуллахонларнинг рус тилида чиқаришга рухсат олганлари Андижондаги «Туркестанский голос», Фарғонадаги «Садои Фарғона» ва «Файрат», «Тараққий» газеталари ва ташкилотлари тарқатиб юборилди. Алоҳида жандармалар кўрпүсининг бошлиғи полковник Роз-Сошалский иш устидан тергов бошлайди. Бутун Туркистон бузилган ари инига ўхшаб қолди.

Убайдуллахўжа, Мунаввар қориларнинг сургун қилингани хабарини эшитиб узоқ-ёвуқдан, Қўқондан келган Ҳамза Ҳакимзода борми, бухоролик Фитрат, Беҳбудий борми, шу кунларда Тошкентда бўлган Абдулҳамид Чўлпон, «Садои Туркистон» газетасининг катта фаолларидан Мўминжон Муҳаммаджон, Садриддинхондан тортиб, Абдулла Авлоний, Тавалло, ҳамма ўзбек зиёллари айғоқчиларнинг кўзидан чеккароқда бўлган Убайдуллахоннинг боғига йиғилишади.

Асадулла маҳсум буларни ўз боғига таклиф қилиши бекорга, бемақсад бўлмаган. Ўз ўғлидек бўлиб қолган буларнинг ҳар бирларига зеҳи солиб, меҳр билан назардан ўтказаркан, уларнинг ҳар бирининг ёниб турган кўзларида, ҳар бир хатти-ҳаракат, ҳар бир сўзларида фидойилик, шиҷоат, ақлу доноликни кўриб, у ўз ўғилларининг бошларига тушган жабру жафолардан нолимади! Бу ташвишларга инсоф билан қаради, ақл билан муносабатда бўлди.

Ўз миллати, ўзи туғилган юртини кимдир ёвлардан қўриқлаши, кимдир унинг тақдирини ўйлаб жон куйдириши керакми? Лозим бўлса, ўзини курбон ҳам қилсинми? Кимдир шундай қисса, унга тасаннолар айтамизми! Қувонамизми!

Хуш, ахир, менинг ўғилларим кимлардир қилиши зарур бўлган ишни қылса, ўшалар қаторига қўшилган бўлса, нега сен бу ишга қўл урдинг, деб менинг афсус чекишим, фарёд кўтаришим қай инсофдан бўлади!

Халқнинг лаънатини эмас, дуосини олишга лойиқ бўлган фарзандларидан қандай ота-она хурсанд бўлмайди!

Асадулла маҳсум куйиб-ёниб бу гапларни гапирапкан, ўғлининг шундай дўстлари борлигидан фахрланганиданми, беихтиёр кўзларига ёш олиб, ўғлининг дўстлари ҳақига узундан-узоқ дуо қилди. Тангри ўз паноҳида сақлашини тилади.

Унинг илтижоси ижобат бўлдими, кутилмаганда боғ эшиқдан соchlари тўзғиб терлаб-пишган Убайдуллахоннинг хотини Маликахоннинг кириб келиши, ҳаммани ҳайронликка солиб қўяди. Ёз иссиғи авжга чиқдан туш қизифида, айниқса, хотин кишининг кутилмаганда келиши, ҳамманинг кўнглига ваҳима солди. Ҳамманинг хаёли қамалган Убайдулла, Мунаввар қориларга кетди. Аммо ўтирганларнинг қани, гапир, нима гап дейишларини кутмасданоқ, уларнинг ваҳимали қараашларини сезган Малика, тутилиб-тутилиб бўлса ҳам ҳаммага тушунарли бўлсин учун, ёки севинганиданми, ўзбекчалаб:

— Убайдулла Хўжаев яхши... яхши хабар! Жуда яхши! — деган икки оғиз гапни айтиб, тинчитмоқ бўлди! Ўзи билан олиб келган шахсан Убайдулланинг номига Александр Фёдорович Керенскийнинг Петрограддан юборган хотини русчалаб ўқий бошлади:

«Ҳурматли Убайдулла Хўжаев, Сиз билан Петроградда учрашган вақтимизда Туркистон фуқароларининг талабларини амалга ошириш масаласида сўзлашганимиз, бундан ташқари, рус амалдорларининг пораҳўрлик, майший бузукликлари мусулмон халқарини ғазабга келтиргани, уларнинг зулми ҳаддан ошганлиги ҳақида қилган арзингиз, тафтиш қилиниб, даъволарингиз тасдиқланади: шу масалалар бўйича, мен бошлиқ IV Давлат думаси ноибларининг бир гуруҳини Тошкенттга шу яқин орада бориши мўлжалланган.

Кўришгунча хайр!

А. Ф. Керенский»

Малика бу хатни кўз ёшлари билан, қувончи ичига сиғмасдан ўқиди. Бу мактуб бир жиҳатдан эрининг гуноҳсиз эканлиги, бугун бўлмаса, эртага озодликка чиқишига йўл очган бўлса, бу ердагиларни хабардор қилишга шошилганлигининг иккинчи бир сабаби, сизлар ҳам таъқибдан қутулдинглар, демоқчи эди.

Лекин, Малика ўйлагандек, эшитганларнинг ҳаммасига бу хабар бир хилда қувонч бағишламади. Бунинг сабабини мактубни бошдан-оёқ эътибор билан тинглаб, фикрга чумганча, сўзлашга шошилмай ўтирган Садриддинхон жуда мулоимлик билан икки оғиз гапида айтиб қўяқолди:

— Керенский жанобларининг марҳаматлари, қамоқдаги тутқунларга улуф айём кунлари одатда бериладиган сийловдек гап. Ҳеч маҳал тутқун вақтинча қилинган бундай илтифот учун тортган азоб-уқубатлари, озодлиқдан маҳрум бўлганларини унугиб, ўз жаллодига миннатдорчилик билдириб, таҳсин ўқирмикан!

Зиндонга ташланганларга, қуёш нурларидан ором олиш учун, зиндон соҳибининг бир нафасгина берган эркин эмас, ёки осмон тўла юлдузлар жамолига бир дақиқагина боқиши учун очиқ ҳавога олиб чиққани марҳамат эмас. Йўқ! Йўқ!.. Унга озодлик керак!

Унга озодлик керак!

Унга тутқунлик кишанидан мангуд қутулиш баҳти керак! Ҳа, дарҳақиқат, Туркистон халқларига сабру қаноат тилаш эмас, бир нафаслик таскин эмас, озодлик керак! Ўз эркига қўйиш керак!

Александр Керенскийнинг шахсан Убайдуллахон номига юборган мактубининг ерли халқни чор амалдорлари зўравонликларидан маълум вақт тийилишига ёрдами текканлиги, албатта, ўша вақт учун қувонарли эди. Аммо Керенскийнинг дўстона мактуби шўролар даврида КГБ қўлига тушиши, Убайдуллахон учун оғат бўлди, бошига бало бўлди. Чунки Керенскийнинг бу мактуби, Убайдулланинг большевиклар учун ашаддий душман бўлган меньшевиклар тоғисидаги одам бўлганлиги, шўроларга душман бўлганлигини асослаш учун етарли далил бўлади. Ваҳоланки, Убайдуллахон ҳам, Садридин аълам ҳам на вақтли ҳукумат раҳбарлари ва на большевиклар тарафдори эдилар.

Терговчининг:

— Кўлимиздаги бу ашёвий далилни ҳам рад этиб, душманлигини яширасанми? — деган саволига:

— Мен шўроларга қарши курашганим йўқ! Мен Туркистон миллий озодлиги учун курашдим. Нега бу сизларнинг наздингизда душманлик саналиши керак!

— Сен, менышевикча қарашларни тарғиб қилиб, миллий сиёсатимизга тұхмат қылғансан!

— Тұхмат эмас! Мен миллий сиёсатнинг бузилишига қарши курашгандын, ундан қайтмайман.

— Биз камчилік, нуқсонларга қарши курашганларни жазоламаймиз! Ўртоқ Сталин нима деган? Уни яхши биласан! «Танқид келажакнинг меваси!» Бу биз шўроларнинг асосий шиоримиз. Биз сенга үхшаган тұхматчиларни жазодаймиз!

Бу гайларни эшитиб, ёрилгудек бўлган Убайдулла имкони бўлса, ўрнидан туриб, бармоқларини терговчининг кўзларига ўқталиб:

— Ҳой, менга қара, сенда ҳам заррача виждан деган нарсадан, инсоф деган нарсадан борми?! — деб жавоб қайтарарди-ю! Қани иложи!

Халқларни эмас, ҳатто битта халқнинг ўзини иккига ажратиб юбордиларинг-ку! Бой, камбағал, шурога ҳақли, шурога ҳақсиз, деган баҳоналар билан бир халқни иккига бўлиб қўйдиларинг-ку! Халқлар тенглиги шуми!

Бойни камбағалга, илмени илмсизга қарама-қарши қўйиб, икковини бир-бирига бир кун гўштини едирмоқ бўлсаларинг, ёв қилсаларинг, қулоқ қилсаларинг, халқлар бирлиги деганларинг шуми! Тарихи оёқости бўлса, дини ўлса! Тили унуптилса!.. Қани Туркистон халқларига ваъда қилингани мустақиллик! Миллий эркинлик! Бу — қанақа тенглик! Қанақа бирлик! Бу халқлар тенглиги эмас, бу халқлар қуллиги, халқлар бирлиги эмас, халқлар ёвлиги десанг-чи! Кўр бўлгур, — деб бақириғиси келарди-ю, бу билан ўзининг ҳақлигига заррача ишонч уйғота олмаслигига ишонарди.

Убайдулланинг жавоб қайтармаслигини ризога йўйиб, кўнглига келгандарни қоғозга туширди-да, имзо чекишига берди. Убайдулла кўз югуртиб:

— Мен тұхматчи эмасман! Бундай тавқи лаънатни бўйнимга олмайман! Мен фақат Шўро ҳукуматига қарши курашганимни, унинг миллий сиёсатига душман бўлғанилигимни тан оламан!

— Ўчир овозингни! Менышевизм ғояларининг тар-  
ифиботчиси эканингни далиллар билан фош қиласиз!  
Туҳматчи эканингни бўйнингта оласан! Испотлаймиз!

У «далиллар билан испотлаймиз» деганда яна ни-  
маларни назарда тутди экан? Ёки...

1917 йил февраль инқилобидан кейин вақтли ҳуку-  
мат аддия вазири А. Ф. Керенский Убайдуллахўжани  
Марказга чақириб олади ва ўзининг Русия мусулмон-  
лари ишлари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинлайди.  
У, далиллар билан испотлаймиз, деганда шуни назарда  
тутмаганмикан, деган гумон Убайдулланинг кўнглидан  
ўтади.

Бу ҳам унинг учун хатарли эмасди. Бу ҳам ҳақиқат!  
Убайдулла душманлигини яширмасди. У туҳматдан  
кўркарди.

Узоқ йиллик қамоқ муддатини ўтаб, куч-қувват-  
дан қолиб, юрак хасталигига учраб, ёши қайтган чо-  
ғида уни, мен адолатли Шўро ҳукуматига тухмат қил-  
ганман, бўйнимга оламан, дедириш учун карцерга  
ташладилар. Ҳафталаб уйқу бермай азобладилар. Бу  
азобларга ҳали отмаслариданоқ бардош бера оларми-  
кан?

## *Е т т и н ч и б о б*

### **ҚИЛ КЎПРИК**

Оқ подшо қулади. Николай тахтдан ағдарилибди,  
деган хабар бутун Туркистон бўйлаб тарқалди.

Одамларнинг севинчи ичига сифмайди:

— Николай подшо зулмидан қутулганимиз рост  
бўлсин!

— Ким қулатибди?

— Олмон енгибдими? Олмон келармишми?

— Ўрнига ким бўларкин?

— Туркистонда энди ҳуррият!

Чор ҳукумати Туркистон халқлари бошига соглан  
кулфатлар, камситиш ва ҳўрланишларга қарши кура-  
шиб, Сибир қилинган бегуноҳлар туйган шодликнинг  
асло чеки йўқ эди.

— Ўрусга қарамлиқдан энди қутулдикми?

— Мустақиллик бўлади! Ҳуррият!.. Ҳуррият!.. —  
деган қувончлар ҳар бир овоздан эшитиларди. Кам-  
бағал ҳам, бойлар ҳам, айниқса айрим ота-оналар

мардикорликка олиниб йўқ бўлиб кетган фарзандлари хунини олгандек, хурсанд эдилар.

Чор ҳукумати даврида бутун умрини таъқиб, қамоқда ўтказиб, кечагина унинг қамоғидан чиқсан Убайдуллахонлар хонадони хурсандчилигининг ниҳояси йўқ эди. Ахир, инсоғ билан айтганда, Николай пошшонинг зулмини кўрган бундай оила, бундай ота-она, бундай фарзандлар йўқ десе бўларди. Асадулла маҳсумнинг қамоқ азобини тортмаган бирорта ўғли бормиди? Худойи татоло буларнинг ҳаммасини миллатга жонкуяр,adolat-парвар одамларнинг қайғусига ҳамиша шерик қилиб яратган эди. Фахрланса арзийдиган фарзандлар! Лекин ота-онани ўзининг фироқу ташвишида бунчалик куйдирган ҳам балки бўлмагандир.

Неча йилдан бери фарзандлари дардида бемор бўлиб қолган Убайдуллахоннинг онаси Тұхтахону, отаси Асадулла маҳсумларнинг қувончини тасаввур қилиб бўлмасди. Ахир, ўғилларининг ўз ҳаловатидан кечиб, бола-чақа орзусини билмай, қамоқларда умр кечиришларига шу ўрус подшоси сабаб деб билардилар. Уларнинг назарида энди Башриллахон ҳам, Убайдуллахон ҳам бу азобдан қутулдилар. Энди бағримизда бўлар, ташвишимиз ариди, деб ўйлардилар.

Бағриларига шамол теккандек хотиржам нафас ола бошлидилар. Ҳамиша омонатдек кўриниб қолган фарзандлар энди бағридан кетмайдигандек. Тұхтахон аянинг қадди шу кунларда тикланиб қолди. Асадулла маҳсум ҳам намозини хотиржам ўқийдиган бўлди. Аммо Убайдулланинг назарида қувониб карнай-сурнай қилишга вақт эргадек эди. Ахир, у Чор ҳукуматига қарши нима учун курашган? Бундан мақсади нима эди? Бутун умрини багишлаган орзусига энди етадими, йўқми? Унинг кўнглидаги шу азоб кетмай, уни қийнарди. Ҳаловатсиз кунлари яна бошланди. Унинг дардларини ота-она билмасди. Хурсанд эдилар.

Халқ хурсанд эди. Лекин ҳамма бирдек эмас! Айрим мутаассиблар орасида:

— «Кулли ёвмин баттар» — дейилган, — ҳа! Беҳтар дейилмаган, энди бундан ҳам баттаррои келмаса бўлди, — деганлар ҳам йўқ эмас эди.

Бу гапда ҳам жон бор эди. Подшо қулагани билан, ҳали-ҳозирча мустамлака Туркистон халқлари учун карнай-сурнай чалиб, қувонишга вақт эрта эди.

Чунки, подшо қулади, аммо унинг ўрнига ким келади? Ундан яхшироқ келадими, ундан ҳам баттарроғими?

— Ким келарди, бигта подшосининг ўрнига яна бири келади. Бундан, хўш, бизга нима фойда? — Николай подшога тегишли ҳамма нарса — молу мулк меники, еру жой... бундан бўёқ ҳаммаси, энди меники, неки давлат бўлса, унга меросхўр бундан буён мен! Арзи-додларинг бўлса, ӯшанг айтларинг энди — деса-чи?! Яна мустамлака бўлиб қолаверамизми?

Бу шубҳалар ҳам бежиз эмас эди. Шундай бўлиши ҳам мумкин эди.

Подшо ўрнига Керенский давлат тепасига чиқиби, вақтли ҳукумат бўпти, деган хабарни эшитганлар орасида — ҳа, нима бўлса ҳам Керенский ўзимизнинг Тошкентда туғилиб ўсан, аҳволимиздан хабардор, балки инсоф қиласи, — деб севингланлар ҳам бўлди.

Лекин Керенский Муваққат ҳукумат эди. Русияда ҳақиқий ҳукумат кимнинг қулида бўлади, қандай тузум, қандай сиёsat юргизилади? Ҳозирча ҳеч ким башорат қилолмасди.

Вақтли ҳукумат Керенский ўрнига ким келади? Болшовойларми, кадетларми, ким?

Ҳарна ёвнинг бири кам дейилганидек, золим Николай подшонинг таҳтдан қулаши, Туркистон ҳалқлари учун ниҳоятда қувонарли ҳодиса бўлса ҳам, аммо, айни замонда, вақтли ҳукуматнинг ўрнига ким келади? Туркистон тақдири нима бўлади? Рус чаңгалидан қутулиб, мустақил бўладими, йўқми? Тўнтаришдан жадидларнинг ҳам, Туркистон ҳалқининг бирдан-бир умиди шу бўлган. Бусиз, Николай подшонинг қулаганидан Туркистон ҳалқларига нима фойда? — деган савол жадид раҳбарларини уйлатиб, таҳликаға солиб қўйган эди. Инқилобнинг биринчи кунларида худди уйга адашиб кириб қолган парранда, қутулиш учун ўзини ҳали у деразага, ҳали патирлаб бу ойнага урганидек, айрим зиёлилар ҳам шундай ҳолатга тушиб қолган эдилар.

Нима қилиш керак?!

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деб бекорга айтилмаган. Мана бугун туркий ҳалқларнинг миллат учун, ҳуррият учун жонкуярлари Заки Валидий, Беҳбудий, Тавалло, Авлоний, Мунаввар қори, Чўлпон, ўнга яқин жадидлар Убайдуллахоннинг

уида йигидилар. Қорли, бўронли чўллардан ўзининг саман отида йўл босиб Мустафо Чўқай ҳам етиб келган. Унинг бугунги ҳолати шундай эдики, устидаги почапўстин, бошидаги қулоқчинини ечиш ҳам эсига келмай, молжон, болача омонми, деб ҳол сўраш ўрнида бир-бирларини қучоқлаб:

— Кутти бўлсин!

— Муборак бўлсин!..

— Хайрли бўлсин! Илоҳо оминдан бошланиб кетди. Булар ҳаммаси ўзларини мен ўзбек, мен қозоқ деб билмаган, бир халқнинг фарзандимиз, деган кишилар эдилар.

Буларнинг орасида энг ёши бўлгани учунми чеккароқда кузатиб турган Чўлпон қувончми, дардларини ичига сиғдиролмай, ҳаяжон билан шу фурсатда қалбida туғён урган:

*Кет, қўзимни алдагувчи хоки нур,  
Кет, оловли чизигумдан нари юр!  
Кет, заҳарли қизғалдоқни иргитма,  
Кўнглимдаги сўнг умидим йўқ этма.  
Кет, илоҳий виждонимни булғама,  
Бутлар билан тегарамни чулғама!..*

«Бутлар билан тегарамни чулғама» сатри кимларга қаратилганини таъкидлаш учун бўлса керак, Чўлпон такрорлаб ўқиди.

Бу ерга йифилганлар миллатга даҳлдор неки бўлса, қулоқлари ёнидан ўтказиб юборадиган кишилар эмасдилар. «Кет»нинг кимга қилинган хитоб эканини англаганлари учун Чўлпоннинг шеърини чапак билан қарши оддилар.

Золимнинг зулмидан қутулиш қувончи ва тантанаси билан бошланган бу учрашув, Чўлпоннинг «Кет!» деб Николай пошшони назарда тутганилиги сабаб бўлди-ю, яна эндиги чора нима қилмоқлик ҳақидаги баҳсга айланиб кетди. Ҳаммани жиддий ўйлатиб қўйди.

Бугун булар шундай бир руҳиятда эдиларки, бир-бирлари билан кўришиб, ҳаяжонга берилганларидан, ясатилган дастурхон атрофидаги қўйилган курси ва креслоларга ўтиришни ҳам унугиб қўйган эдилар.

Фотиҳа қилинди-ю, ҳаммалари бир нафас хаёлга толдилар.

Ҳозирги бу ердаги мустамлака зулмидан қутулишга бўлган умид қувоғчию, эртанги ташвиш, худди кўз

ёшлари билан кулаётган одам қиёфасини эслатарди. Ўтиргаилар ораларида ёши улуғроқ бўлган, катта салла ураган муфтий Беҳбудийга одоб юзасидан, қани, фикр айтинг, дегандек Убайдуллахон назар ташлади.

Буларнинг ҳаммаси айни фурсатда дарёга қармоқ ташлаб, нима илинишини билмаган киши ҳолатида ўйчан эдилар.

Ўтирганларнинг сўз бошлишга ўйланиб қолганларини кўриб, оврӯпча кийиниб, бўйнига бантик тақ-кан шоир Абдулла Авлоний:

*Оламни ўраб оғон ғавғоси надур билмам,  
Бу Одам ўғулларин даъвоси надур билмам,—*

деган шеърини ўқиди-ю, баҳсга имкон яратди.

Жадид раҳбарларнинг бирдан-бир мақсадлари ва даъволари ҳам нима қилиш керак, деган саволга бугун қатъий жавоб топиш эди. Ўй соҳиби бўлгани учун Убайдулла:

— Подшо ағдарилди, давлат тепасига Русияда мувваққат ҳукумат келди, туркистонликларнинг тақдери қандай бўлади? Жабрдийда Туркистон халқлари орзу қилган озодлик, мустақилликка қайси йўл олиб бора-ди? Русияда подшо ағдарилгандан сўнг, давлатнинг барча соҳаларида, давлатни идора қилишда ўзгаришлар бошланди. Бу сизларга аён. Бизлар ҳам ўзимизда шу усулга амал қиласак, мақбул бўлур, деб ўйлайман. Яъни давлатимиз ҳудудларида маҳаллий миллат фарзандла-ри эгалик қилиб ўтирмас экан, у қандай мустақил давлат саналиши мумкин? Менинчча, бу ишни халқа ҳаддан ташқари зулм ўтказган подшо амалдорлари, жандармаларига қарши норозилик намойишлари уюштириш, уларнинг ўринларига маҳаллий кишиларни тайинлашдан бошлай бериш керак. Бунинг фурсати етди, деб ўйлайман!

Кўпчилик бу фикрни маъқул кўрса ҳам, лекин дарҳол ишни шу тариқа бошлиш, баъзилар назарида қалтисроқ, икки томонни жиiddий тўқнашувларга олиб бориши мумкиндек туюлди. Айримлар Умуммусулмонлар йиғилиши ўтказилиши, айтилган мулоҳазаларни муҳокама қилиш таклифини киритди.

— Бу тўғри. Оқ подшо қулади. Хўш, Русия мамлакати тепасига энди ким келади? Большеевикларми, мень-

шевикларми, бизларнинг тақдиримиз ўшанга боғлик, деб қараб ўтираверамизми ёки ўзимизнинг ҳам жонимиз, ўзимизнинг ҳам ақлимиз борми? Ёки ўзимизча бирор чора кўришга шунчалик ожиз бўлиб қолганимизми?

— Подшонинг ўрнига келгани эртага тепамизда қиличини ўйнатиб, ҳой, қулваччалар, ўз билганларингча мустақиллик олишга ким Сизларга ҳуқуқ берди, дейиши ҳам мумкинми?

Ўртада туғилган бундай баҳслар жиҳдий йўл тутишни тақозо этарди. Бугунги йиғилишдан уларнинг мақсади ҳам шу саволларга аниқ жавоб топиш эди.

Икки қайиқнинг бошини тутган ғарқ бўлади, деганлариdek, икки ғидирак орасида қолиб, мажақланмасак, деган хаёлга борганлар ҳам жадидлар орасида йўқ эмас эди.

Большевикларга ҳам, Керенскийга ҳам ҳамма жадидларнинг қарашлари бирдек бўлмайди. Қарама-қарши қарашлар, келишмовчиликлар пайдо бўлади. Чунки мустамлака ўлкаларга эркинлик бериш ҳақида Керенский ўз баёнотида ваъда қилган бўлса, орадан кўп ўтмай большевиклар ҳам айнан шундай ваъданни қидалар. Лекин шундай бўлишига қарамай, жадидлар орасида айримлар Керенскийдан умидвор бўлсалар, айримлар, ҳатто, большевикларга ҳам, Керенскийнинг ваъдаларига ҳам шубҳа билан қарайдилар.

Туркистон тақдири икки ўт орасида қолган эди. Жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мустафо Чўқайхон ўғли иккисига ҳам ишончсизлик билан қарайди.

У ҳамиша қатъий ўз фикрига эга, далил, асоссиз гапирамайдиган одам эди:

— Илон чақишидан қутуламан десанг, унинг уясини топмасдан, бигтасини ўлдиришдан фойда йўқ, қолганлари ўнта бўлиб сени чақмайдими?!

Унинг ҳозирги ҳолати худди илонни куриб, уни мажақламоқчи бўлган одамни эслатарди.

Битта Мустафо Чўқайхон эмас, Убайдуллахонми, Авлоний, Заки Валидийми, буларнинг ҳаммаси, одамлар билан учрашганларида ниҳоятда вазмин, ўйчан, арзи-додига эътибор билан шошмай қулоқ соладиган сдамлар. Аммо булар бир жойга йиғилиб, бирор масала устида гап бошланадиган бўлса, таниб бўлмас

ҳолатта кирадилар. Қиёфалари буткул ўзгаради. Бирбүрларидан ажратиб бўлмайди. Дардлари битта эди! Ичлари тўла олову ҳозир портлайдигандек, ёнмасдан, ҳаяжонсиз гаплашолмасдилар. Айниқса, бу миллат, Туркестон тақдирига алоқадор масала қўзғалганда!..

Мустафо Чўқайхон тутокиб:

— Даилисиз айтилган гап — илдизсиз ўтқазилган кўчат! Большевикларга ишониб бўлмайди. Большевикларнинг бирлари айттан гап, иккинчилариникига, бирлари қилган ваъдалари иккинчиларининг айтганларига бутунлай тўғри келмаслигини қўриб турибмиз-ку! Буларнинг ваъдалари алдовдан иборат эканини мен яхши ўргангамман-ку!

— Бизларга эркинлик, ўз юртимизга ўзимиз эга бўлишимизга уларнинг хоҳипи йўқ. Бунинг исботи сифатида Мустафо Чўқайхон Сталиннинг «инқилобнинг ҳозирги босқичида, чекка ўлқадагиларнинг ажралиб чиқишини талаб қилишлари, бу, мутлақо аксилин-қилобий ҳаракатdir!» деган гапини мисолга келтириб, у фазаб билан:

— Ну не деган гап? Қани, жиддий кўрайлик, айналайин, афандиларим! Сталин бу билан нима демоқчи! Яъни сенлар шунча йил мустақил бўлмай, ажралмай яшадиларинг, қўликка алида уйрангандаринг жўқпи? Мустақил бўлиб, хўш, не қилмоқчисан? Пахтангни экиб, топганингта қаноат қилиб жасайбермайсанми! Пахтадан бошқа сен сартларнинг яна нендай ҳунарларинг бор! Мустақил яшаш ўзи бўладими? Сенга унинг не кераги бор, ортиқча ташвишларни! — демоқчи эмасми, жаноб Сталин? Балки мен хато сўйларман! Аммо, Сталиннинг айтганларига шубҳа билан қарашимнинг яна бир сабаби шундаки, агар большевикларнинг раҳбари Сталиннинг мақсади чиндан ҳам мустамлака ўлкаларга мустақиллик бериш бўлганда эди, бундай тақдирда: «Инқилоб қилишимиздан асосий мақсад Чор Русияси ўзига зўрлаб қўшиб олган ўлкаларнинг ҳамма ерини эгалари ихтиёрига қайтариш, рус халқини эса босқинчи деган лаънатдан қутқариш, лекин афсус бу ишни, жаҳон уруши бир ёқли бўлмасдан, ҳали қай томон ғолиб чиқади, буни билмасдан қилиш имкони йўқ. Ҳозирча сабр керак», — деб ҳам аниқ айтиши мумкин эди-ку! Сталин бундай дегани йўқ-ку!

Тавалло:

— «Ҳозирча» дегани, муталқо дегани эмас-ку! Хулоса чиқаришга жуда ҳам шошилмайлик.

Кимдир: — Гап ҳозирми, кейиннинг устида эмас, — деб луқма ташлаган эди, Мустафо давомини эшитинг, дегандек ишора қилиб:

— Менинг шубҳам шунчаки гап эмас! Петроград ишчи ва солдатлар депутатлари Советининг раиси булиш, бу кичик лавозим эмас, шунинг раиси Чехидзе билан учрашиб ҳол-аҳвол сўрашганимда, унга:

— Биз, туркистонликлар, фақат муҳториятни истаймиз, бутун фаолиятимиз мана шунга тайёргарлик йўлида боради, — деган сўзни айтишим билан, у чўчиб тушиб:

— Худо ҳаққи, сиз юртдошларингиз орасида бу ҳақда оғиз оча кўрманг, Туркистон каби бир мамлакатга муҳторият берилиши, ўйлайсизми, бу Русиядан ажралиб чиқиш томон ташланган одим бўлади! Бу ҳақда гапира кўрманг! — деган жавобни қилди.

Бу — Сталиннинг сўзига фақат мен эмас, унга энг яқин кишиларнинг ҳам шубҳа билан қарашларига далил бўлмайдими?

Сталиннинг «ҳозирча» деган ваъдаси алдов!

Мустафонинг гапларини мантиқийлигидан қандайдир ҳузур қилиб, эътибор билан тинглаган муфтий Беҳбудий:

— Офарин! Уларнинг ҳамма гапи ўйин! Макр! Туркистон халқарини нодон деб ўлашдан бошқа нарса эмас! — деб Мустафонинг фикрига қўшилди.

Мустафо:

— Менинг шубҳам сабаблари ана шунида!

У яна нимадир демоқчи эди, дардларини ичига сиғдиrolмай, ёрилгудек бўлиб турган, Ленин ва Сталин билан яқиндан таниш, миллий масалалар ва Шарқ халқарининг урф-одатлари тўғрисида Лениннинг илтимосларига кўра маслаҳатлар бера олган татар-бошқирд миллий ҳаракатининг буюк вакили Заки Валидий:

— Мустафо афандим тўғри айтди, большевикларнинг барча ваъдалари шубҳали, ноаниқ. Мана бунга ижозатиниз ила бир мисол келтирсам.

Заки Валидий мисол келтиришдан олдин хаёлига нимадир келгандек ўйланиб турди-да: — Қай тилда

сўйлай, татар тилиндами, бошқирдчами, таржимон керакми? — деб атрофдагиларга жиiddий тикилди.

Кутилмаган бундай гап эшитганларни ҳайронликка солиб қўйди:

— Бу ҳазилми?

— Қачондан бери туркий халқлар таржимон билан гаплашадиган, бир-бири мизни тушунмайдиган бўлиб қолдик! — деди Чулпон.

— Бир миллат эмасмизми?

Заки Валидий бу гапни ҳазил тариқасида айтганда, худди шундай жавоб бўлишини кутганди:

— Балли! Офарин! Бизлар таржимонсиз бир-бири мизни тушунадиган халқ! Бизнинг куч шунда! Шуни унумаслигимиз лозим! Бизлар бир халқлар! Большевикларниг ҳамма ваъдалари ёлғон. Мисолини айтам: олар ўз программаларида ҳар миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этуви ҳақинда сўз юриталар! Ваъдалар бералар! Бу ваъдаларни чин деб бўлами? Асло йўқ! Булар бариси сафсатабозлик! Бизларни ҳар ёққа етакласа, боратурғон ишак деб билмоқчилар, олар! Мустафо афандимниг шубҳалари бик урунди! Далиллари бик асосли!.. Ахир ўйлағон кишига, ҳар бир халқ мустақилликка эришишига, ўз тақдирларини ўzlари ҳал этмаклари лозим бўлса ничук ўз эркларига қўймилар? Сталин мустамлака халқларига озодлик берувни, ўз тақдирларини ўzlари ҳал этувни ваъда қилади. Бу бик яхши! Иккинчи бир томондан, ўзига ўзи зид фикрни айта! Русиядан ажralиб чиқиш, мустақилликка эришмакни эса, аксилинқилобий ҳаракат деб била! Бир-бирига қарама-қарши ваъдалар! Мустафо Чўқай афандим, зўр фикр айтдилар. Большевикларниг барча ваъдалари ёлғон!

У «ёлғон» сўзини бир печа маротаба асабий ҳолатда такрорлади.

Сталиннинг макри ҳақида шундай гапларни айтаркан, унинг ҳозирги асабий важоҳати, худди ўғрини ушлаб, мана энди қўлга тушдинг-ку, мана шу молларни ўғирлаб олганингдан эндиям тонасанми, энди қаёққа қочасан, деган кишининг ҳолатини эслатарди.

Негадир Убайдуллахон ўз фикрини билдиришга шошилмади. Ваҳоланки, Заки Валидий ҳам, Мустафо Чўқай ҳам ўз гапирганларини кўпроқ Убайдуллахоннинг эътиборини тортишга қаратиб, ундан «бопладинг» дегандек ижобий жавоб кутган эдилар.

Убайдуллахоннинг шошилмаслиги, бу эътиборсизлик билан қарагани ёки бепарволикдан эмас, унда бундай одат йўқ эди. Ҳатто, у кичик болаларнинг ҳам гапларига қулоқ осиб, севинтирадиган бирор нарса айтишини ҳамиша ўйларди.

Ҳозир ҳам дўстлари Мустафо Чўқайхон, Заки Валидийларнинг фикрларини эшитиб, бир оғиз «жуда тўғри» деб кўяқолиш билан қаноатланмай, аксинча, куйиб-ёниб, ўртаниб, айтган фикрларини қўллаб-куватлайдиган, тўғрилигига қўшимча далиллар келтириб хурсанд қилмоқ хаёлида эди. У ҳаяжон билан:

— Фикримиз бир жойдан чиқди, Заки афандим! Мустафо, большевикларга бўлган Сизнинг гумонларингиз ниҳоятда асосли! Ҳа, большевикларга ишонмак, бу бир сароб! Тубсиз жар! Қассобдан чиқсан жаллоддан, олимдан чиқсан жаллод даҳшатли! Мен Ленинни назарда тутяпман! Большеvикларнинг яна бир яширин қиёфаларини уларнинг доҳийси Ленин ўзи ошкор қилиб қўйди. Вақтли ҳукумат Русияда ўриатилгандан сўнг меньшевиклар рус давлати тақдирини парламент, муроса йўли билан ҳал қилишнинг тарафдори бўлгандилар. Ленин эса, унга қарши чиқди. Қуролли қўзғлонни, инқилоб тоғасини олдинга сурди. Бу ўз ҳалқини ўз ҳалқига қарши қўйиш дегани эмасми! Ҳокимиятни эгаллаш деганда, ўз ҳалқини бир-бирига қарши қўйиб, қонини дарё қилиб оқизишдан ҳам тоймади-ку улар! Бундан ортиқ жаллодлик бўладими! Улар муроса йўли билан, сайлов йўли билан ютмасликларини сезиб қолдилар.

Жаҳон муҳорабаси давом этаётган ҳозирги пайтда-чи? Бутунлай тескари йўл тутдилар! Инқилобий тоғасидан қайтади Ленин.

Керенский ҳокимияти немисларга қул бўлиб қолмаслик ниятида, ғалабагача урушни давом эттиromoқ бўлганда, Ленин-чи?! Кечагина ўз ҳалқини бир-бирига қарши қўйиб қони тўкилишини истаган Ленин нега энди қон тўкилишига қарши, немислар билан сулҳ тузиш тарафдори бўлиб қолди! Бу қон тўкишни истамай, тинчлик тарафдори бўлиб қолганиданми? Йўқ! Бу ҳам большавойларнинг макри эди. Улар уруш жонига теккан ҳалққа бу ёқишини биларди. Бир томондан шу йўл билан ҳалқни ўзига оғдирмоқчи бўлса, иккинчи томондан, мабодо уруш давом этавериб, охир-

оқибатда бир томон ғолиб чиқса, бу Ленин учун ҳало-  
кат эди. Бу урушда немис ғолиб чиқса ҳам, Керенский  
ютса ҳам, Лениннинг тахтга ўтиришдан маҳрум бўли-  
шининг муқаррарлиги эмасмиди!

Мана Лениннинг, мана большевикларнинг қиёфа-  
си! Ҳозирги бизларнинг қиладирғон ишимиз уларнинг  
қиёфалари, киммиклари устида эмас... — У яна нима-  
дир демоқчи эди, аммо бу баҳслардан қандай холоса  
чиқаришларини сабрсизлик билан кутган шоир Чўлпон,  
большевикларнинг макри ҳақидаги Убайдуллахоннинг  
гапларини эшитгач:

— Агар, сен, душманингни душманлигини билсанг,  
албатта, ўз юртингни, молу мулкингни, тахтингни ҳимоя  
қилиш учун жони жаҳдинг билан курашасан! Лекин,  
сен дўстим деб ишонганинг, кунлардан бир кун сенга  
хиёнат қилиб, тахтингни ҳам, мулкингни ҳам эгаллаб  
олсачи! Тахтга чиқиб олиб оёғи остига сени тиз чўктири-  
са-чи! Бундан кўра аламлироқ азоб борми!

— Мени от! Мени ос!.. Хоин!.. Хоин!.. — дейиш-  
дан бошқа, аламингдан бошларингни тошга уришдан  
ўзга иложинг қоладими? Йўқ! Курашиб ўлсанг беар-  
мон кетасан! Халқинг сени лаънатламайди! Шаҳидлар  
қатори дуо қиласди!

Аммо сен, дўстим деганингни хоинликда гуноҳкор  
қилиб, қанча дод солма, ўзингни оқламоққа уринма,  
халқинг эса, хоинга ишонганинг учун сени лаънатлай-  
ди!

Даврадагиларнинг куйиб-ёниб қилган баҳсларини  
эшитган Абдурауф Фитрат, гўё бу гапларнинг унга  
алоқаси йўқдек, бирор фикр билдиришга киришмас-  
дан, худди тиловат қилаётган одамдек, кўзларини юмиб  
жим ўтиради.

Ҳамма жон куйдириб, мушкулга чора излаганда  
унинг индамай ўтиравериши, баъзи бирларнинг «ҳай,  
тилинг борми» дейиш даражада ғашини келтирган эди.  
У буни сезса ҳам сабр билан ғазабини ичга ютиб жим  
эди. Ваҳоланки, ҳамманикидан кўра узунроқ тили ҳам  
бор, ғазаби ҳам ортиқчароқ эди. Бундай баҳсларни  
эшитишга унда тоқат йўқ эди. Ҳатто ғазабдан, бундай  
баҳсларни бас қилинглар, дейиш даражасига етган эди.  
Бу баҳсларни эшитишдан кўра қулоқлари кар бўли-  
шига рози эди.

Унинг хаёли бутунлай бошқа ёқда эди:

У шу дақиқада бутун атрофни унугиб, бүюк Амир Темур билан юзма-юз келиб, юрагини унга ёргандек:

— Бир бурда нонга зор гадодек, наҳотки, үз Ватанимиз, үз юртимизда туриб, кимлардан дир озодлик беринглар, деб тиранчилик қылсак, эй улуғ ҳоқонимиз!

Бағрим ёник, юзим қора, құнглим синик, бүйим букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним! Эгилган бошим, қисилган виждоним, күйған қоним, үрттанған жоним учун бу сағананғдан даво излаб келдим, ҳоқоним!

Юз йиллардан бери жафо күриб, ғам чекиб келган туркнинг қонли құз ёшларини этакларингга тұқарға келдим. Қоронғилар ичра ёғдусиз қолған үзбек күзлари учун, тупроғингдан сурма олғали келдим. Номусини бад қишиларнинг оёқлари остинда күриб турклик қони қайнағай, мусулмонлик ҳамияты тоштай, тамуғ оловлари каби сачрагай. Лекин үз күчсизлигини аңглаб қайтиб үтирган ва қон йиғлаган туркнинг ҳолини арз этарға келдим, ҳоқоним!

Улуғ ҳоқоним! Турклик шарафи таланди. Турк учун қүйдігік давлат битди, турк отиға қурдігік ҳоқонлик ёғмага кетди. Туркнинг номуси, зәтибори, имони, виждони, золимларнинг оёқлари остинда қолди. Туркнинг юрти, улоги, үчоги, Турони ёт құлларға түщди. Туркнинг белгуси, онги, үйлови, зийраклиги жақолат үлжасига кетди. Сенинг қиличинг билан дунё әгаси бұлған турк тинчгина бор ётоқ тополмай қолди. Сенинг күчинг билан дунё хұжаси бұлған турк қарлуқ темурларига кирди.

Хоқоним! Туркликка хиёнат қылғанлар турк бұлсалар ҳам қонларини оқитмоқ сенинг муқаддас одатингдур, ётма, тур! Сенинг омонатингга хиёнат қылғанларни эз, ур, үлдір!

Султоним! Биламан, шу тобда сенинг у юксак ва улуғ рұхониятинг мен каби тубан рұхли ва ҳимматсиз бир боласининг шу ҳолига ғазабли кулиб турубдір. Биламан, бу чоғда сенинг тұлқинли деңгизларға үхшаган юрагинг мен каби юраксиз бир үғлинг шу күришингдан нафрат қиласадур. Чунки юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига үзим сабаб бұлдим, барчасини үзим қылдым, сенинг Туруннингни үзим талатдым, сенинг туркнингни үзим эздирдім, сенинг омонатларингга хиёнат үзим қылдым.

Мен уч күнлик умримни тинчгина ётиб ўтказмоқчи бўлмаса эдим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди. Мен қўлимга топшириғинг қиличини ташлаб чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!..

Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бўсағангга тўкмак учун эмас, ўз ёзиқларимни (гуноҳдаримни) иқрор этарга келдим, ҳоқоним. Мени қўйма! Мен ёзиқларимни иқрор эртага эмас, Туронга бердигит заарларни тұла-моқ учун келдим, ҳоқоним. Мендан нафрат этма!

Эй арслонлар арслони! Меним ёзуқларимдан ўт, меним қўлимни тут, белимни боғла, муқаддас фоти-хангни бер!

Сенинг дунёда сифмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғликни қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасмен (тўхтамасмен). — Шундай фикрларни кўнглидан ўтказаркан, атрофидагиларни унугиб, «воҳ! воҳ!...» дея баланд уф тортди-да:

— Ҳақ олинур, берилмас! Бундан ўзга илож йўқ! — деган бир оғиз сўзнигина айтди, холос.

Худди шундай жавобни кутиб тургандек, Абдулла Авлоний ҳам:

— Ҳуррият берилмас, олинур! — деб қўшимча қилди.

Қылур токай жафосин, бизга ҳам дилдор ўлур олам,  
Тўлиб меҳру вафоси, қўзғалиб, ғамхўр ўлур олам,  
Ташаб оғушу нисёнин, туриб ҳушёр ўлур олам,  
Мурувватсизлиғинган жиркануб, безор ўлур олам...

Бу мисралар, дардини ичига ютиб турган Абдулла Авлоний юрагини ёриб, отилиб чиққан эди.

Бу шеърни эшитган Чўлпон:

— Бу жафо, мурувватсизликдан дунё безор бўлур-у, аммо «Оч тўймас, ўғри бойимас» деганлариdek, Туркистонни зулукдек сўрган босқинчилар инсофга келишларига ишонмоқ, энди ҳаддан зиёд нодонлик бўлур.

Убайдуллахон:

— «Ёмонни ўлди деса ишон, яхши бўлди, деса ишонма!» — деб бежиз айтишмаган. Ҳозирги масала, ишониш, ишонмаслик ҳақида эмас, афандилар. Ҳурриятдан ташқари гап бўлмоғи ортиқча! Бунга қандай эришамиз? Амалда курашга отланмоқ! — У қандай йўл эканлигини

айтмоққа чөгләнган эди, аммо, кутилмаганда, гоҳ бошига сұғылардек салла үраб, гоҳ қора дұхоба дұппи кийиб, савдо ахли қиёфасида буқайламұндек түнини үзгәртириб турадиган Султон суллоҳнинг кириб келишини күрган Убайдуллахон қаршисида кутилмаганда жирканч бир махлуққа дуч келиб қолғандек үзгариб, айтадиган фикрини очиқ айтиш имкони бұлмай қолди. Чунки унга сир беріб бұлмасди.

Султон суллоҳнинг ҳөвлиси Убайдуллахонлар билан битта құчада бұлиб, унинг отасини Мұхит подачи дейишарди. У лаби сўйлоқ, гувала бош бұлғани учунми ёки подачилик қилиб, хурмачаси бұлғани учунми, маҳалладагилар Мұхит хурмача деб лақаб қўйишган эди. Булар камбағал оила бұлғанлари учун подачи-нинг үғли бұлған Султон Убайдуллахоннинг отаси Асадулла маҳсум үрус ойначиларига замаска пиширганда авваллари тепасида томоша қиласидиган, кейинчалик унда-мунда қараашадиган, бунинг учун бир оз ҳақ ҳам оладиган бұлди. Шу баҳона бу хонадонга яқинлашадиган бұлиб олди.

Бу хонадон Николай пошшо даврида ҳам, Шўролар ҳукумати даврида ҳам ҳамиша назорат остида бұлған. Султон суллоҳнинг бу хонадонга яқинлигини билган шўролар, уни үзига айғоқчи қилиб олғанлигини унинг айрим хатти-ҳаракатидан, бу соҳада анча ҳушёр бұлиб қолған Убайдуллахон сезиб қолған эди.

Болшавойлар Туркистон халқини үз томонига оғдириш учун тарғиботчилару үз айғоқчиларини тұда-тұда юбора бошлаган эдилар. Туркистон, большевиклар билан вақтли ҳукумат үртасида бири у ёқقا тортмоқчи, бири бу ёқقا тортмоқчи бұлған улоқдек икки үртада талаш эди.

Султон суллоҳ бошига салла үраб масжидларда диндорлар орасига, гоҳ қиёфасини үзгәртириб зиёлілар орасига кириб, уларнинг фикрларини үғирлаш учун большевиклар томонидан қўйилған жосус әди. Айтимаган жойларга ҳам, «айтмаган ерга йұнмаган таёқ» деганларидек, бирор баҳона топиб кириб келаверадиган бұлғани учун унга суллоҳ деган лақаб қўйилған.

Убайдуллахон Султон суллоҳнинг кимлиги ва унинг үзига яқинлашувидан мақсади нималигини сезиб қолған эди. Отасига танишлиги баҳонаси билан уйларига

тез-тез келадиган бўлиб, келган чоғларида турли баҳоналар билан Убайдуллахоннинг фикрини билмоқ ниятида:

— Убайдулла маҳсум, сизлар ҳукуматга яқин одамларсиз, ҳалқ орасида — большавойлар бойларнинг ерини олиб, камбағалларга текинга берармиш, камбағаллар вар деган гаплар бор. Большавойлар ҳокимиятни камбағалларнинг қўлига топширармиш — дейишади, камбағал ҳам одам қаторига кириб қопти, большавойлар дурустми, Керенский деганими? — каби саволлар билан фикр ўғирламоқчи бўлгани Убайдуллани шубҳага солганди.

Убайдуллахон ва унинг ҳамдард дўстлари бефаҳм, енгил табиат одамлар эмас эдилар. Султон сulloҳнинг кимлиги ва нияти нималиги уларнинг айримларига ҳам сұхбат вакътларида аён бўлиб қолган эди. Айниқса, уни билганлардан бири Авлоний, Убайдулла ни ноқулай аҳволдан қутқариш мақсадида, гўё шеърхонлик бўлаётгандек, шеър ўқий бошлайди:

Оlam ичра кўрмагум кизбу хиёнатдан бўлак,  
Меҳру шафқат ўрнига шахсий аговатдан бўлак.  
Ҳамшикамлар, ҳамнағаслардан фароғат кўрмагум,  
Оҳ, кўнглим пора-пора, сил жароҳатдан бўлак.  
Ошно ёру биродардан муқаррар чекдим оҳ,  
Ҳеч бир шай кўрмагум фийбат-ҳақоратдан бўлак.

Шеър шу ерга келгаида, Мунаввар қори:

— Офарин!.. Фийбату тухматлардан қутулмоқ учун фийбату тухматчи, сотқинларга раҳм қиласлик керак. Эл олдида юзларига қора суртиб, эшакка тескари ўтқазиб ҳалқ олдида сазойи қилмоқ лозим!

— Сотқинларга бу оз! Хоинлар учун бу ор эмас, юзини артиб кетаверади.

Ўртада бир оз кулаги кўтарилиди.

Убайдуллахон ўзининг шўроларга ҳам, вақтли ҳукуматга ҳам бўлган қагъий муносабатини подадан олдин чанг чиқармай, деб Султон сulloҳнинг олдида очик айтмаган бўлса ҳам, орадан кўп ўтмай, Қозон шаҳрида очилган умумруссия мусулмонларининг съездидаги гапириш учун тайёрланган нутқини дўстларининг муҳокамасига ҳавола қилишини лозим топди:

— Рус инқилобидан сўнг биз ўз турмушимизнинг ҳам, ўз ишимишни ҳам тузувда ўзимиз хўжа бўлурмиз.

Инқилоб ваъда этатурғон текислик ва адолатдан бизда улуш олурмиз, деб умидаланган ва шодланган эдик, лекин бизнинг учун ул соатлар етмаган экан ҳали.

Ҳар ерда бўлғони инқилобдан сўнг Туркистонда-да солдатлар Шўролари тузилди. Лекин Туркистондаги солдат Шўролари анинг туб халқиндан бўлмағонга албатта бу Шўроларга Туркистон халқи кира олмади. Туркистоннинг ўз демократия, деҳқонлар уюшмасига уюша олмадилар. Шул сабабли мусулмонлар ҳамма синфлар учун муштарак умумий муассасаларгина ясай олдилар.

Солдат Шўролари идеяси бишаб бўлса-да, Туркистондаги буидай Шўролар маҳтарлик бўлмадилар... Ўзларининг сўз усталиқлари, халқнинг соддалиғи орқасинда бу шўроларга кўп ўтирган зотлар беш процент халқнингтина вакиллари бўлувларига қарамасдан Туркистонни идора қилишга киришдилар. Туркистонни туб халқига «идора этулатурган кишилар» дебгина қаровларида давом этиб, ўзларининг жаҳодгезлик заҳари билан заҳарланганиклиарини исбот этдилар.

Мазкур съезднинг қарорига биноан биз Туркистонга юборув учун вақтли ҳукуматга кандидатлар кўрсатдик. Вақтли ҳукумат комитетига кирган тўрт мусулмон комиссари Туркистонда зур ишлайдилар деб умид этган эдик. Лекин Туркистондаги солдатлар Шўроси уларга ишлашга эрк бермади. Улар ҳамон талабаларни раҳбар тутиб, марказ Туркистон комитети тузиб, иш қилурга тиришсалар-да, Туркистондаги солдат ва ишчилар Шўроси моне бўлди. Улар-да Туркистонни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Туркистондаги Советнинг аъзоларидан бўлиб ундан Петроград Советига юборилган Славецкий деган бириси миллий Шўромизнинг аъзоларидан бири билан ўтирганда «Марказий миллий Шўро деган нима ўзи у?! Туркистон масалаларига аралашибашга унинг қандай ҳаққи бор? Кўрсатган кишиларингиз бор, шулар ҳали уларни андан тез тойдуруар» деган.

Мана ҳозир Туркистонда шундай кишилар хўжайинлик қиласи. Аскар уларнинг қўлида бўлгани учун, улар кучга таяниб, ўзларининг тубан ва эски сиёсатларини давом эттираверадилар...

Султон сulloҳ, Убайдуллахўжанинг мана шу қатъий қарашини билиши керак эди...

Убайдулланинг қамалишига Совет ҳукуматининг

адолатсизлигидан ташқари ўз ичимииздан чиққан хоин — Султон суллоҳларга ўхшашлар ҳам сабабчи бўлдилар.

— Қил кўприқдан ўтолмадик. Жаҳаннамга қуладик. Шўролар давлати қайси жаҳаннамдан кам! — Отилишга ҳукм қилиниб, тор ва ёз иссигида бижгиб кетган камерада эркинликка интилган қафасдаги қушдек у ёқдан-бу ёққа асабий юриб, Убайдуллахон ўтмисини хаёлидан бир-бир ўтказаркан, камеранинг темир эшиги туйнуги очилиб, пачақланиб, ўз шаклини йўқотай деган алюмин косада узатилган ачиган карамдан қилинган шўрванинг ачимсиқ ҳиди димогига урилади. Овқат олиб келган бадбашара қамоқ назоратчиси нима учундир кўзларига Султон суллоҳ бўлиб кўриниб кетди.

— Нега бу менга Султон суллоҳни эслатди? Нега? Бу яхшиликкамас!

Султон суллоҳни эслади-ю, лоп этиб кўрган туши эсига келди. Тушини эслади-ю, бу ёмонлиқдан дарак бергандек кўнгли фаш тортиб кетди!

Наҳотки, ёзган шикоят аризасига рад жавоби келса!.. Отилса!

Бугун терговчи нима учундир яна сўзни Садриддинхон аълам билан қандай алоқаси бўлганлигидан, у инқиlobнинг ашаддий душмани эканини айтишдан бошлади.

## С а к к и з и н ч и б о б

### ОФАТ

— Сен, Убайдулла Хўжаев? — деб қичқирди — саратон иссими, ҳақоратдан ҳолсизланган Убайдуллага разаб билан терговчи. — Сен, диндор ёзувчи Лев Толстой билан баҳслашиб, ёвузликни кечириш эмас, аксинча, ёвузликни ёвузлик билан жазолаш тарафдори бўлгансан, шундайми? Нега индамайсан!

— Ҳа! Шундай!

— Демак, ёвузга ёвуз бўлиш керак! Қани, энди айтчи! Борди-ю, бир одам юзта кишига ёки мингта кишига эмас, бутун бир озод ҳалққа, 150 милёнлик қудратли совет ҳалқига ёвузлик қиласа, уни йўқ, қилмоқчи бўлиб курашса, унга, инқиlobга сотқинлик қиласа,

хиёнат қылса, бундан ортиқ ёвузык бұладими! — Терговчи бу «мантиқий» далиллари билан Убайдуллани фош қымоқчи бұлды.

Убайдулла:

— Халқа хиёнат қылғанларни осиш керак! Кепрак! — деб қисқа жавоб қайтарди!

— Ҳа! Сен-чи!..

— Мени? Нега?

— Сен, ёвузыкка ёвузык қилиш керак, деб помешчиклар зулмiga қарши Шуролар билан курашдинг! Подшо ағдарылғач эса, Шуроларга хиёнат йүлиға үтдинг! Уни социализм қуриш йүлидан ажратиб, сенлар, миллатчи жадидлар, Мухторият тузиб, эркидан маҳрум қымоқчи бұлғанларинг, бу бутун халқа суиқасд, ёвузык эмасми?!

Бу гапларни эшитган Убайдулла ҳеч гап қайтармади, ҳушидан кеттган одамдек жим қолди. Бу ҳар қанча тұхматинг бұлса гапиравер деганимиди ёки қулогига туттган эшитиш аппарати ишламай қолганиданми! Қанча гапинг бұлса, қанча үйлаб топған бўхтонларинг бұлса, айтабер, сенга гап ҳайф деганиданми, — жим эди.

Унинг сукутини қўшилмаслик аломати деб билган терговчи, ўринидан шиддат билан туриб, Убайдулланинг олдига келиб русчалаб:

— Вражина, — деди-да бир қўли билан сочидан тортиб, иккинчи қўли билан мушт тушириди. — Гапири!.. Гапири!.. Хоин! Миллатчи — халқ душмани!

Убайдулла худди ҳақорат эшитмаган, калтакланмаган одамдек, мутлақо бепарволик билан:

— Ёвузыкка ёвуз бўлмоқ адолат! Ёвузыкка шафқат йўқ. Мен, халқимни, буюк Туркистонни бир мустамлакачидан, иккинчи бир мустабидга — Шуролар қуллигига бермоқ учун курашмаганман! Мени ҳақорат қилма! Қўлингни тий! Сен агар ҳақ бўлсанг, агарда мен Туркистон халқининг озодлигига, мутакиллигига хиёнат қылған бўлсам!.. — Убайдулла ўринидан сапчиб туриб: — Халқим олдига, майдонга олиб чиқиб от! Олиб чиқиб ос!

Терговчи нечундир энди совуққонлик билан:

— Йўқ!.. Йўқ!.. Сен, Октябрь инқилоби тарафдори бўлдинг! Шундайми? Бундан тонмайсан. Энди сен, Октябрь инқилобига қандай хиёнат қылғанингни айт! Кеинин осамиз!

Инқилоб сўзини эшилди-ю, инқилоб Убайдулланинг кўз олдида оғзини очиб турган аждаҳо бўлиб кўриниб кетди. Оғзини юмса борми? Гё ё бутун дунёни ютиб юборгудек...

Хаёлга нималар келмайди. Тушга нималар кирмайди. Сувлар ўрнида дарёларда олов оқиб фавворалардан сув эмас, олов отилиб, унинг атрофида одамлар бемалол елпиниб ўтиргани хаёлга келиши мумкин. Ёмғир ўрнига олов ёғиб, танаси илон, боши ҳайвонсифат одамларнинг соябон тутиб кўчаларда юрганлари ҳам тушда кўриниши табиий ҳол.

Тушга нималар кирмайди! Хаёлга нималар келмайди! Аммо туш кўриб уйғонганингдан кейин, ўзингга келиб хайрият, тушим экан, деб бир оз таскин топасан, яхшиликка йўясан. Худо йўлига хайри закот атаб, кўнглинг равшан тортади. Аммо худо бандаларини ўнгида бўладиган офатлардан бир умр асрасин! Иисоннинг маҳлуққа айланиши, ёмғир ўрнида одамлар бошига оғату кулфатлар ёғилишини асло-асло Яратган кўрсатмасин!

1917 йилнинг кузида шундай даҳшатли бир зилзила бўлдиди, ер юзи қоқ ўртасидаи тарс-тарс ёрилиб, икки томонга ажралиб жаҳаннамий тубсиз жарлик юзага келди.

Факат дунё эмас, ҳатто зилзила оқибатида дунё одамлари, ҳатто фикрлаш ҳам иккига ажралиб қолди.

Осмонни қоп-қора булат қоплаб, худди тоғ ағдарилигандек атрофни чанг-тўзон босди. Энди чиққан ой кўмилди-қолди. Дунёни ваҳима босиб кетди. Бу — октябрь зилзиласи, октябрь инқилоби, деб аталди.

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ!

Албатта, зулматли кунлардан кейин чиққан янги ой, теварак-атрофни чараклатиб ёритмаса ҳам, унинг кўриниши ўзи одамлар кўнглига бир қувонч бағишлайди. Фотиҳага кўл очиб, яхши ният қилади. Нимадандир умидвор бўлади.

Эл орасида — ой ўзига тинч туққан бўлса, юртга нотинч, ой ўзига нотинч бўлса, юртга тинч бўлади, деган ривоят бор. Аммо бугунги уфқда куринган янги ой булатлар орасида туғилиб, хира курингани учуними, ундан аниқ бир маънога йўйиш қийин бўлди. Кўрганлар факт «Хайрли бўлсин», — деб кўя қоладилар. Аммо осмон фуборли эди. Куринган янги ой, булатлар аро қалқиди.

Бұлиб үттан дақшатли зилзила натижасыда иккиге бұлниб қолған дунёнинг бир томонида золим бойлардан иборат капиталистлар дунёси, иккінчи бир томонда қашшоқ, камбағал ишчи-дәхқонлардан иборат йұқсиллар давлати — Русия пайдо бұлди. Бу — Октябрь Инқиlobининг ғалабаси, деб атади.

Николай подшо замонасииң қоп-қоронғи зулматини ёриб, булултар аро күринган янги ойнинг ўроғидек, Русия уфқида большевиклар раҳбарлық қила бошлаган шүролар ҳукумати Петроградда қад күтара бошлади. Янги ойнинг шуыласи мустамлака Туркистанни ҳам ёрита бошлади.

Фарибу гуррабо, фақиры фуқаро, етим-есир, жабрдийдаларнинг бошларини силайдиган меҳрибон одам юрт бошига келармиш! Бундан ортиқроқ қувонч бўладими! Халққа бундай «меҳрибон давлатпано» Ленин бўлди.

У мустамлака Туркистан халқарига шундай эрк бердики, бунинг далили сифатида давлат тепасига келганидан икки-уч ҳафта үтмай, ноябрь ойида Қўқон шахрида Туркистан Мухторияти дунёга келади.

Айниқса, ўша кунлари Халқ комиссарлари кенгашининг Ленин ва Сталин қўл қўйиб «Русия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига» қарата қуидаги баённомаси чоп этилади:

«Бундан буён Сизларнинг урф-одатларингиз, Сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз, деб эълон қилинадур. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштира берингиз. Сизларнинг бунига ҳаққингиз бор.

... Сизлар ўзларингиз, ўз Ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз керак. Ўз расм-руссумларингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизларнинг бунга ҳаққингиз бор. Чunksи, Сизларнинг тақдирингиз ўзингизнинг қўлларингизда...

Миллий ишлар бўйича халқ комиссари:  
И. Жугашвили (Сталин),

Совет Халқ комиссарлари кенгашининг раиси:  
В. Ульянов (Ленин).

Истиқболининг абадий берилганига ишонтирувчи бундан ортиқ муқаддасроқ ваколат бўладими! Бу мустақиллик, озодликка большевиклар томонидан берил-

ган кафолат эди. Туркистон халқлари қувончининг чеки йўқ эди. Икки бирдек давлат бошлигининг эл ичида бугун ошкор айтганларига ишонмай, улар эртасига айтган гапларидан қайтадилар, деган шубҳа билан қараш, кимнинг хаёлига келади! Ахир, мусулмонлар ваъдага худонинг муҳри, деб қараганлар. Ишонгандар. Ҳатто, Сталиннинг олдин миллий мустақиллик ҳақида айтганларига шубҳа билан қараган Мустафо Чўқайхон каби жадид раҳбарларининг ҳам энди ишонмай иложлари йўқ эди!

Русияда бўлган Октябрь инқилоби чиндан ҳам асрларча руслар мустамлакаси бўлган Туркистон халқлари учун чексиз қувонч, катта байрам эди.

Куз кунларининг бирида худди баҳор киргандай ёшу қари барчаси қувончдан кўчаларга чиқиб, дўппиларини осмонга отдилар. Ҳатто маърифатпарвар аёллар қувончларидан паранжиларини унтиб, бир-бирларидан суюнчи олай деб шошилдилар. Карнай-сурнай овозлари, ноғораларнинг така-туми, айниқса, илм марказларидан бири саналган Кўқонда авжга чиқди. Масжид, мадраса, бозорларда баланд овоз билан жадидлар:

— Ҳуррият!.. Озодлик!.. Уйғон, қулликка чўккан халқ! Истиқдол абадий бўлсин! Миллий истиқдол муборак! Яшасин мухторият, — деб жар солдилар. Туркистон мухторияти эълон қилинди.

Кўнглида заррача ёмон нияти йўқ, оқ кўнгил халқ, истибдод зулмидан қутулган бутунлай рост, деб унга ишонди.

«Камбағалнинг бир тўйгани бойигани...»

Истиқдол овозини бир дақиқа бўлса ҳам эшитиш, кўр кўзнинг очилиб, ёруғлик кўришидек ҳол эди.

Шоирлар бу қувончдан уйқуларини тарқ этиб, истиқдолга бағишилаб шеърлар ёздилар, халойиқ йифилган майдонларда ниятларига етганларидан халқни ишонтириб, ғазаллар ўқидилар:

Қутулди барча миллат золими хунхор зулмидан,  
Романов хонавайрон бўлди, бадкирдор зулмидан,  
Асир ўлди, ҳақир ўлди ҳам ўлди хор зулмидан,  
Қутулди қанча жонлар Распутин думдор зулмидан.  
Бу ибратхонага золимлар этсин ор зулмидан.

Сиқарди ҳар тарафдан бизни ул золим ҳукуматлар,  
Йўлимизни кесарди беҳаё фосид табиатлар,

*Тараққий йұлға сад боялар эрди бекемияттар,  
Хақиқат ишламасди, ишилорди бизда бидіяттар,  
На күлфатлар чекардик, бир неча бадкор зулмидан.*

*Саодаттаға әришдик, лек бизда истиқоматт үйк,  
Самарсиз иш, амалсиз бұлдымыз роҳи саломатт үйк,  
Илм үйк, ғоя үйк, мақсадтаға еттакка аломатт үйк,  
Асоватт үртамиздың ұжымдармо, яхши одағ үйк,  
Қаён борсын бу міллат, дод этинг ағер зулмидан.*

*Хаётингдега умидинг бұлса, майли, шам-ла рағбат қыл,  
Сиёсатдин, синоатдин, ҳунардин иста, ғайрат қыл.  
Үқувдан ақчани қызығанма, ташла тұпни, ғайрат қыл,  
Үёл ҳижрон бу хобингдан, үйкөт ашкынгни, ғайрат қыл.  
Ки шояғ қутулурсан бу чиёну мор зулмидан.*

Шоир Абдулла Авлонийнинг Истиқдол күнлари  
ёзилған бу шеъри айниқса:

*Құтулды барча міллат золими хунхор зулмидан,  
Құтулды қанча жонлар Распутин думдор зулмидан, —*

каби сатрлари катта ишонч билан оғиздан-оғизга күчиб  
айтилди.

Қишининг изғириң совуқлари бошланаётган, куз-  
нинг охирги күнлари бұлишига қарамай Тошкентнинг  
жоме масжида күп минг кишилик намойишлар бұлиб  
үтди.

Газеталар: «Нотиқлар ҳаёжон, құзларида ёш ила  
мазлум ҳаёт битиб, янги ҳурriяттаға тұла ҳаёт бошла-  
ниши ҳақида сұзлайдилар» деб ёзади.

Туркистан мухторияттини нафақат мазлум үзбек хал-  
қи, шу қатори Гуржилар жамияти, савдо-сотиқ уюш-  
маси, яхудийларнинг Тошкент жамияти ва қатор жа-  
миятлар құллаб-құвватлайдилар. Рус рұзномалари буни  
самимий баҳолаб, ахволни ҳаққоний таҳлил қилади-  
лар.

Ұша давр илғор фикрли рус газетаси «Свободный  
Самарканд» бундай деб ёзади: «Давримиз учун мұхим  
бұлған Қурултой қарорлари ушбу міллий чекка үлка-  
нииг ҳаётида янги сақиға очилишини англатадур.  
Биз — үлка истилочилари, фақат истилочилық ҳуқуқыға  
биноан ягона маданият тарғиботчилари эканимиз, халқ  
оммалари эса — «мағлублар сифатида ғолиблар учун

тажкрибадан ўзга нарса эмас» эканлиги ҳақидаги шовинистик ва том маънода ғайритараққий мулоҳазани улоқтириб ташлашимиз вақти келди».

Бундан ташқари, шу газета: «Занжирлардан бўшолон Туркистон ўз ерининг ҳокими ва ўз тарихининг яратувчисига айланатурғон пайт келди» деб хитоб этади.

«Туркистон аҳди қафасдан қутулиб, ўзини тўрт томонга уриб, бутун атроф энди меники, деб парвоз этаётган қуш каби елкасини босиб ётган оғир бир юқдан бўшагандек нафас оларди».

Аммо Убайдулла Хўжаев Ички ишлар ва хавфсизлик вазири бўлгани, унча-мунча нарсалардан воқиғи эканлигиданми, бу кунларга етгаңдан ўзини қанчалик баҳтиёр ҳис этмасин, Истиқлол олдидаги тўсиқларнинг олдини олиш, уни мустаҳкамлаш ташвишига тушиб қолганди. У ўйлагандек, хатарнинг белгилари йўқ эмас эди. Бу шундан иборат эдики, Шуро ҳукумати ҳали Чор Русиясига қарашли ҳамма ўлкаларни ўз таъсирига мустаҳкам олгунча йўқ эди.

Гарчанд ҳокимият Керенский қўлидан Шуролар қўлига ўтган бўлса ҳам, айрим шаҳарларни эътиборга олмаганди, Русиянинг кўпчилик губерналари ва мустамлака ўлкалари деярли рус қўшини — ҳали оқ, гвардиячилар ихтиёрида эди.

Ҳали жаҳон муҳорабаси тўхтамаган, немис билан совет аскарлари эмас, ҳамон чор аскарлари, оқ, гвардиячилар жанг олиб борарди.

Оқ, гвардиячилар Русиянинг бошқа губерналарини ҳам Шуролар эгаллаб олмасликлари учун Колчак, Деникин, Юденич каби империя генералларини Шуро томонига ўтган қўшинга қарши ички курашга тайёрлай бошлаган эди.

Энди Русияни олдинда ҳокимият учун бўладиган ички қонли жанглар, фуқаролар жангиги кутмоқда эди. Шуролар эса бутун мамлакатни ўз ихтиёрига қаратиш учун бор куч-қудратини ишга солади. Бутун мамлакатни шуролар тарафига дарҳол оғдириш эса, осон эмас эди. Ташинага сув, очга ош керак бўлгандек, қашшоқ ва жабрланган Русия халқига айни замонда хуш келадиган нима эканини ва унинг йўлларини Ленин топади.

Уч йилдан бери давом этиб келаётган Жаҳон муҳорабасидан қашшоқлашиб, силласи қуриган бечора

халқа нима керак эди? Аввало, тинчлик, бева-бечораларга уруш келтирган оғат — эрларидан, үз фарзандларидан айрилиш азбларидан қутулиш керак бұлса, ерсиз дәхқонларга ер, одам сифатида яшамоқ учун озодлик, инсоний қадр-қиммат, ҳуқуқ, әркинлиги керак эди. Бунга етмоқдан ортиқроқ халқа баҳт бормиди! Инсоннинг бундан ортиқроқ орзуси бұладими! Бу баҳт, бу орзуга ким етказади! Халқ шурликтининг бу ниятларини ким фаҳм этади! Ким рүёбга чиқаради?! Қани руснинг шундай ғамхүри?

Халқнинг бундай орзу умидларини рүёбга чиқаришни Ленин бүйніга олади.

Дәхқонларга ер бериш, матбуот, сүз әркинлиги ҳақида, мустамлака үлкаларга эса мустақиллик, тақдирларини ўзлари ҳал қилиши ҳақида баёнот қабул қылди.

Айниқса, Туркистонга берилған мухториятни, халқ чексиз қувонч, тантана билан қарши олған бұлса, Убайдуллахоннинг уйқусиз тунлари бошланған эди. Негаки бир томондан айрим собиқ мустамлака үлкаларга мухторият бериб, иккинчи ёқдан маҳаллий бойлар, миллатчилар зулмидан қутулиб, ҳамма учун тенг бұлған ягона ижтимоий шуролар давлати тарғиб қилинмоқда! Бу нима дегани? Ахир, тарихда ҳокимият учун курашда, ота-бала бир-бирларига берган ваядаларидан кешиб, ота үгелини, үғил отани қатл қылмаганларми? Рұсларни боқиб турған Туркистонни, бор билганингни қыл, деб, Лениндек маккор одам әркига осонликча қўйиб қўярмикин? Ахир, Чор ҳукумати бекорга қон тўкиб Туркистонни мустамлака қилғанмиди?!

Асрий ҳўрлик, зулм, адолатсизлик устихонидан ўттан халқ ҳали караҳт эди. Вужудида мудрокдик бор эди.

Зинданга ташланған одам даставал ҳайратланади. Аммо зинданда узок йиллар ётган одамни, озодликка чиқариб, қайтадан яна зиндан қылсанг, унда на ҳайратланиш, на таажжубланиш бұлади. Чунки унинг учун бу табиий хол булиб қолған. Бунга у тақдир деб қарашига ўрганған.

Мустамлака халқнинг қамоқдаги тутқундан қандай фарқи бор эди?

Убайдуллахон ёшлигиданоқ Чор ҳукуматининг қамоқларида бұла бериб тутқунлиқдаги кишилар руҳидати ҳақида яхшигина малака орттирган эди. Шунинг

учун у, кишилар қалбидә озодликка нисбатан кучли мұхаббат ёки тутқунликка үтә ғазаб ва нафрат ҳиссини үйғотмасдан, уларнинг онгига сингдирмасдан айтилган гапнинг манфати кам бўлишини чуқур ҳис қиласди.

Дарҳақиқат, атрофга жар солиб:

— Ҳуррият!.. Ҳуррият!.. Тур!.. Кўзингни оч!.. Уйғон!.. — деб ҳайқирганинг билан зулм остида қади букилиб, қарамликка тақдир деб қўнишиб қолганлар орасида уйғониб, кўзини очиб: — Нега мени уйғотдинг! — дегувчилар топилмайди дейсизми!

Оҳ, бу қуллик, оҳ, бу қуллик! Унинг темир кишанлари устиконларимизга нақадар ботиб кетган!

Убайдуллахон халқ қалбидә ҳурриятта мұхаббат, уни кўз қорачиғидай асраш ҳиссини уйғотиш, Лениннинг ёлғон ваъдаларига учиб, алданиб қолмасликнинг олдини олиш шу куннинг энг мұхим иши эканини юрагига қаттиқ туккан эди.

Бу муқаддас ниятларини амалга ошириш учун у катта-катта майдонларда, юз минглаб йифилган аҳоли олдида нутқ сўзлаб, кишилар руҳиятида қарамликка нафрат, озодликка мұхаббат уйғотишга интилди. Шундай йигинлардан бирида:

— Турун юртининг азиз фарзандлари! Туркистон Истиқолининг бугунги соҳиблари!..

У истиқол сўзини, соҳиблари сўзларини ҳаяжон билан айтди-ю, хаёлидан нималар кечди, кўзларига ёш келгудек, нафаслари бўғзига тиқилиб, бир дақиқа сукутга чўмди. Балки шу фурсатда унинг хаёлида Туркистон Истиқоли болшавойларнинг хоинлиги остида барбод бўлиб, ундан айрилаётгандек туюлиб кетдими?

Ё Фитратнинг Мухториятга сўнмас умиidlар, чексиз қувончлар билан айтганлари қалбини тилка-пора қилдими? Дарҳақиқат, Мухториятнинг қадр-қиймати, унинг нима эканини ҳеч ким Фитратдек ифодалай олмаган эди. Бир оз сукутдан сўнг, ўз нутқини Фитратнинг сўзи билан бошлиди:

«Туркистон мухторияти... Темур хоқоннинг чин болалари ёнинда, туркистонлик тубчак турклар орасинда, мундан фурурли, мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлиғига ишонмабман!»

Туркистон туркининг қонини қайнатувчи, имонини юксалтирувчи, бир қувват бор эса ёлғиз шу сўзда бордир: Туркистон Мухторияти!

Эллик йилдан бери эзиңдик, таҳқир этилдик, құли-  
миз боғланған, шарағимиз юмурилди, номусимиз фасб  
қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бұлды, инсонлиғи-  
миз оёқлар остига олинди, түзимли турдик, сабр эт-  
дик. Күнде таянған ҳар буйруга бүйсундик, бутун бор-  
лиғимизни құлдан бердик. Ёлғыз бир фикрни берма-  
дик, яшунтиридик, имонларимизга авраб сақладик: Тур-  
кистон Мухторияты!

Мәжкема эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз  
турмаларда ёттанда, йирғувчи жандарманнинг тепгуси  
билан ийқиленгенде, юртларимиз ёндурулғонда, диндош-  
ларимиз осулғонда онгимиз йүқолди, миямиз бузуды,  
құзимиз ёғдусиз қолди, бирор нарсани күролмадик.  
Шул чөнда, түшкүн руҳимизни күттармоқ учун шул  
қоп-қоронғи дүнёнинг узоқ бир еринде ойдін бир  
юлдуз ялқыллаң турар эди. Бирор нарсага үтмаган  
құзимиз шуни күрар эди. Ул нима эди? Туркистон  
Мухторияты!

Биз аниқ билар әдикки, золим Николай ҳукумати  
қанча яшаса яшасун, адолат ошуғи бұлғон... рус дем-  
ократияси, халқға таянғон бир инқилоб, хор миллат-  
нинг ўз ҳақларини қайтарур.

Инқилоб бұлды. Русиянинг «құшма халқ жумху-  
рияты» усули билан идора этилури жарланған (эълон  
қилинди). Шул эълон узра ясолғон Украина, татар  
ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди.  
Күнук (иавбат) Туркистонники эди. Туркистоннинг  
тарихи хонбалиқларындан (пойтахтларынан) иккинчи-  
си бұлған Хұқанд шаҳрида тұпланған Туркистон  
қурултойи 27 ноябрининг (Миллий лайлатурқадримиз  
бұлғон) ярим кечасинда Туркистон Мухторияттың эълон  
қылды.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухтория-  
ти ёлғуз бир съезднинг эълони билан тамом бұлмас.  
**МУХТОРИЯТНИ ОЛМОҚ ВА САҚЛАМОҚ, КЕРАК-  
ДИР.** Съезд ўз ишини қылды. Қолғонлари бутун мил-  
латнинг вазифасидир. Мухториятни сақламоқ учун күч  
лозим. Мухториятни бажармоқ учун ақча керакдур.  
Бунларин миллат ҳозир қылсун!..

Убайдуллахон Фитратнинг халқа бұлған бу муро-  
жаатининг охирги сұzlарини алоқида ургу бериб айт-  
ди. Халқ орасыдан — молимизни эмас, Туркистон учун,  
Истиқбол учун жонимизни ҳам берамиз, берамиз!..

Боримизни шу йўлга қурбон қиласиз, — деган гулдурак садолар эшитилди.

Одамлар бир-бирларини табриклаб қучоқладилар. Ўзаро ғала-ғовур давом этди.

Бундан руҳланган Убайдуллахон ўз сўзини:

— Буюк Турон элининг фарзандлари! — деган хитобдан бошлади. Сиртдан билинмаса ҳам унинг бу хитобида ички бир дард, зўр алам бор эди!

У Турон сўзини айтаркан, наҳотки, «Буюк Турон» сўзи эртага «Шуро» сўзи билан алмашса! Наҳотки, яна Туркистон барбод бўлса! — деган даҳшатли хаёл кўнглидан ўтарди. У бутун нутқини Истиқдолга муҳаббат уйғотишга қаратди:

— Истиқдол!.. Мустақиллик... Оллоҳга минг қатла шукрларким, бу кунларга ҳам етищдик. Кўчаларда жар солиб, «Суюнчи!» «Суюнчи!» — деб уйма-уй юрадиган замон келди!

Мухторият!.. Оҳ-о!.. Бунга етмоқ ниятида не-не курашлар бўлмади! Не-не асл фарзандларимиз жонларини фидо қилиб, қурбон бўлиб кетмадилар. Истиқдолнинг бу қадар жон фидо қилгулик не сехри, не мўъжизаси борки, асрлардан бўён инсоният Истиқдол учун, бир қулоч ери бор халқлар ҳам жон олиб, жон бериб курашган. Ахир, бизнинг Турон юртимиз гўзаллиқда ҳам, бойликда ҳам, Худонинг марҳамати ёғилган бир замин эмасмиди! Йиллар бўйи таланмадими! Ўзимиз қайтадан эга бўлганимизга шукурлар! Муборак бўлсин!

Алишер Навоий «Олтин қафас...» деб каромат қилганиларидек, қафасда парвоз бўлмайди! Қафасдаги қушнинг судралувчи жонвордан не фарқи бор, ахир!

Үрус босқинчилари бизнинг қанотимизни қайирди. Ваҳдоланки, халқимизнинг жаҳонга парвоз қиласи қаноти бор эмасми! Энди қайрилиш билласин бу қанот! Илоҳо, омин!

Истиқдол боқий бўлсин! Шукрлар! — деган овозлар эшитилади.

Убайдулланинг сўзи интиҳосига етмасдан, Ҳуррият қувончи билан тўлиб турган шоир Тавалло маҳсус шу санага мўлжаллаб ёзгандек, минбарга кўтарилиб шеър ўқий кетди:

Ислом эли, муборак эҳсони бегарона,  
Ёғи ҳуррият ила нури худо жаҳона.

*Ҳар ким мушарраф үлди, шод ила байрам этди,  
Бир неча «алвидо»лаб кетди бўлиб ҳазона.*

Ушбу мисрани яна тақрорлаб ўқийди.

*Тур, ётма, қил таҳорат, кийгил либоси фахр,  
Чорлар чалиб нағора томларда шодиёна.  
Бир нечалар юрур шод, бир неча айлаюр дод,  
Ўлганларни қилиб ёд афғони булбулона.  
Нафсониятни ташланг, кийна уйин тарашиланг,  
Ҳақ йўлга ўзни бошлиланг бу хуррият баҳона.*

Мустақил давлат бўлганимизда, Туркистон озод бўлганда, ихтиёримиз ўз қўнимизда бўлганда, ҳа, ҳалойик шоиримиз: «Бир нечалар «алвидо»лаб кетди, деганлариdek, олмонлар билан урушган ўрусларнинг ёнига кириб, азиз фарзандларимиз қурбон бўлишларига рози бўлармилик! Ўрус подшоси бизнинг жонимизу бисотимизгача талаган бўлсин-да, бизлар ўзимизни талаганин Олмондан ҳимоя қилсак, бу қайси инсоф, қай ақдга сифади! Эркимиз қўлда бўлса, мустамлака бўлмасак, бу зўрликка кўнармилик! Фарзандларимизни мардикорга берармилик! Энди бас! Ўрус учун эмас, ўз юртимиз учун жонимизни қурбон қилсак арзимайдими?

Ҳалойик орасидан:

— Минг жонимиз қурбон! Жонимиз садақа! — деган овозлар эшитилади.

Оврўпоча кийинган бир киши, афтидан, зиёли бўлса керак, қўлини осмонга кўтариб:

— Ахир, бизлар кимнинг авлоди? Соҳибқирон Амир Темурнинг авлоди эмасмизми?!

— Ҳиндистоңдек юртга юз йиллаб ҳокимлик қилиб келган, ўлмас тарихий обидалар қолдирган Заҳиридин Муҳаммад Бобурнинг авлодларимиз-ку, наҳот, бизлар, ўз юртимизни ҳимоя қилолмасак! Ахир, бизларга ҳамиша ўшаларнинг руҳи мададкор-ку. Афсуслар бўлсинким, қарамлик йиллари ўзимизнинг кимлигимизни унутдик!

Топталган, гижимланган нарсани дарҳол асли ҳолига қайтариб бўлмайди. Бизлар гижимландик. Илон чақ-қан — арқондан чўчиди.

Юз йиллаб занжирда боғлоқ фил занжир чириб, тўкилганда ҳам ўша қозиқ атрофида айланаберади.

— Ахир, халойик, илон чакмасин, деб ҳамиша кўрқиб, ҳадик билан умр кечирмоқ! Бундай ҳаётми!

Қорин тўйса бас, деб қўл-оёғи кишанда, инсоний қадр-қимматини унугтиб умр ўтказишга рози инсоннинг ҳайвондан фарқи борми, ахир, халойик! Истиқ-олимизнинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ахир, бизнинг шариат қоидаларимиз, урф-одатларимиз шу вақтгача оёқости қилинмадими?

Биз туркий халқларда муҳаббат, вафо муқаддас саналиб, риё эса гуноҳ саналарди. Ахир, эрига ёки хотинига хиёнат қилиб фаҳш йўлига кирган одам тошбўрон қилинарди. Руслар келиб нима бўлди? Уйларимиз қаршисида фоҳишахона, қаҳвахоналар очилди. Одамларимизни 50 йил ичида инсоф, диёнат йўлидан қайтариб, шайтоний йўлга бошлади!

Биронта мусулмон фарзандининг руслар келгунча маст бўлиб, қусуғига беланиб кўчада ётганини кўрганмисизлар? Халқимизни майхўрликка, зинога ўргатди.

Ахир, халойик, бизнинг бозорларимиз, савдо дўконларимизга, бирор замонда қулф солинганми? Бир-бirimizga шунчалик ишонч, халқимизда шунчалик имондиёнат бўлган. Чор ҳукумати ўзи билан юртимизга ўғирлик, фаҳш, бадмастлиқдан бошқа нима олиб келди? Бунга далил-исбот керакми!

Халойик, орасидан — Астағфурилло! Астағфурилло! — деган хитоблар эшитилди.

Ўғирлик қилган қўлга тушса, қадимда бармоқлари кесилган. Ўрусия ҳукмронлиги давом этаберганда, Худо асрасин, ярим халойиқнинг қўли кесиларди.

Тобелик юртга вайроналик, илм-маърифатга сўқирлик, истеъдоллар ривожига кишан бўлмоқдан ўзга нима берди? На фикрда юксаклик, на юртда ободлик!

Қасри олийлар вайронага, илм-маърифат таназзулга юз тутди. Асл фарзандаримиз умри авахталарда чириди. Номимиз саводсиз, қашшоқ, асрлар бўйи ўзбек халқининг илму санъатини дунёга машҳур қилган, жаҳоннинг энг маданиятли халқлари сафига тизган Истиқдол — мустақиллигимиз узоқ йиллар қўлдан бой берилди. Оқибати-чи!

Бугун Туркистон Мухторияти, бугунги бизлар эришган Истиқдол кимлигимизни дунёга намойиш этадиган омил бўлмоғи керак!

Мухторият!.. Истиқдол!.. Бу (кўзларимизга тұтиё!  
Унинг бундан буёнги) йўлларимизни ёритадиган машъ-  
ал нури, ҳар биримизнинг дилларимизга чуқур кириб  
боргандагина абадий бўлади!

Бизлар бунга қодир халқмиз!

Халойиқ орасида — яшасин Ҳуррият! Яшасин ис-  
тиқдол!.. Қўқон Мухторияти боқий бўлсин! Яшасин Ҳуррият! — деган овозлар осмонни тўлдириди, бу овоз-  
лар гўё тўсилган дарёнинг йўли очилиб, тўғонлардан  
оша ҳайқириб оқишидек эди. Бу овоз «Урҳо!.. Урҳо!..»  
садолари билан алмашинди. Халқ қудрати денгизга ай-  
ланган эди.

Бу қувонч, бу тантана ҳуррият, мустақиллик, ўз  
эркига ташна халқнинг хонадону шаҳар, қишлоқла-  
рида кеча-кундуз давом этди. Бозорларда, кўчаларда,  
ибодатхоналарда кишилар тилларида «Ҳуррият», «Ис-  
тиқдол» сўзи янграб, бир-бирларини бағирларига бо-  
сиб табриклаганларнинг ҳисоби йўқ эди. Айниқса,  
ҳамиша халқнинг дарди билан яшаган, ҳамиша унинг  
қувончию баҳтини ўз баҳти деб билган шоирларнинг  
қувончу завқлари ичларига сифмасдан «Озод Туркис-  
тон», «Гўзал Туркистон» номи билан қўшиқ бўлиб  
янгради:

*Тўрт юз йиллик Романов биттач давлати,  
Кўтарилди асорат, хўрлик иллати.  
Насиб ўлди миллата қайтиб шавкати,  
Куплуғ бўлсин Туркистон Мухторияти!*

*Яшасун энди бирлашиб ислом миллати,  
Бугун қайси бир кўнгил дилшод ўлмасун,  
Бугун қайси бир мироншолар обод ўлмасун,  
Фоғил қолманг, бул фурсат барбод ўлмасун.*

*Куплуғ бўлсин Туркистон Мухторияти!  
Яшасун энди бирлашуб, ислом миллати!  
Бугун (Чингиз, Темурдек) шоҳлар арвоҳи,  
Дунё юзин титратган аскар сипоҳи.*

*Қичқириб дер: «Турк ўғли! Ўлманг шу чоқи!  
Куплуғ бўлсин Туркистон Мухторияти!  
Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!*

Құтлуг бұлсın, эй ёшлар, тұкуб қонингиз  
Берган қурбонингизга олған шонингиз,  
Мангу қолғы дунёда хүш унвонингиз,  
Құтлуг бұлсın Туркистан Мухторияти!  
Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!  
Яшасун бу түрк үглиниң мангу давлати!

Ииллар бүйі халқ интиқ бўлиб кутган ҳуррият-  
нинг келтирган қувончига таърифу тавсиф йўқ эди.

Абдулла Авлоний ӯзининг «Қизил байроқ» шеъри-  
да:

Құлдаги қирмизи қизил байроқ,  
Ииши меҳнат элига жондир бу!  
Мустабидларнинг оғати жони,  
Бойларга қип-қизил зиёндир бу!  
Тұпланиң, барча олам ишчилари,  
Бу муқаддас қизил олам тубина!  
Бойларга гарду ғам, жафою аlam,  
оч кишиларга ош-ноңдур бу!

Худди шундай шеър үқилишини кутиб турғандек, орзуси ушалғандек бир чеккада турған Султон суллоҳ, одамларни туртиб-суртиб Убайдуллахон турған минбарга яқин келиб, ӯзида йўқ ҳаяжон билан, овози борича:

— Яшасин камбағал, қашшоқларнинг меҳрибони Шуролар ҳукумати, — деб ҳайқириб чапак чала бошлади. Лекин халойиқ орасида унга құшилғанлар кам бўлди. Бугун Султон суллоҳ, асли башарасини ошкор қилган эди.

Туркистан, Октябрь инқилоби қизил байробига ҳамду санолар айтилиб, тантаналар қилинаёттан бир замонда оломон орқасида шуроларнинг бир неча қуролланган отлиқ аскарлари пайдо бўлди. Қуролли отлиқларни кўрган халойиқ орасида ғала-ғовур бошлиди. Тошкентда ӯз мавқенини бир оз мустаҳкамлаб олган большавойлар кишиларга ишончсизлик ва шубҳаланиб қарай бошлаган эдилар. Ҳалқнинг мустақилликка бўлган қатъий ишончи уларда хавф уйғотганди. Албатта, уларнинг асл нияти Туркистонга истиқолол бериш эмас эди. Шунинг учун Туркистан Мухторияти ҳали мустаҳкам илдиз отмасдан чорасини кўриш ҳара-

катини қила бошлаган эдилар. Бунинг энг түгри йўли одамларни қамаш, ҳисбсга олиш, деб билдилар.

Бу ёмонлик аломати эди. Бу Русиядан эсган совук дарак эди.

Ўша кунлари Москва ва Петроградда чиқадиган рус рўзнома ва жаридалари большавойларнинг зулми, шармандаликлари ҳақида ишончли маълумотлар бера бошлаган эди. Айниқса, ўз даврининг машҳур адаби Максим Горькийнинг октябрь инқилоби муносабати ниҳоятда даҳшатли бўлиб, Мухторият раҳбарларининг шўроларга бўлган шубҳасини янада оширди.

Горькийнинг мурожаати шундай эди:

«Ленин, Троцкий ва уларнинг йўлдошлари ҳокимиятнинг чуқур заққуми ила заҳарланиб бўлдилар. Уларнинг сўз эркинлиги, демократияга эришган шахс ҳукуқларига шармисорларча бўлган муносабати бунга шаҳодатdir.

Сўқир мутаассуб ва васвасага учраган жаҳонгашталар олди-кетини билмай, гўёки «социал инқилоб» томон елмоқдалар, аслида бу йўл ўзбошимчалик йўли, инқилобнинг ва йўқсилларнинг ўлим йўлиdir...

Мазкур йўлда Ленин ва унинг сафдошлари Петербург атрофида хунрезлик, Москвада емириш, сўз эркинлигини пучга чиқариш, ҳисбсга олиш каби қабиҳлик ва жиноятларга қодирликларини намоён қилдилар» — Горький бу гаплари билан октябрь инқилобини бутунлай фош қилган эди. Бу гаплар Туркистонга ҳам таалуқли деса бўларди.

Бу мустақиллик олган ўлкаларни ҳушёрликка датьват этувчи хитобнома эди.

Ўша ола-ғовур, ҳокимият учун кураш даврида фаяқат Ўрусиya рўзномаларида эмас, чет ўлкалардан ҳатто «Туркестанский куръер» рўзномасида ҳарбий йўл билан ҳокимиятни ўз қўлига олган Туркистон ишчи ва аскарлари Шўроси ҳақида ҳам унга қарши очикдан-очиқ фикрлар айтилади:

«Бу Шўро кенг ҳалқ оммасига суюнган асл ҳалқчил кучми? Йўқ, зинҳор! Чунки, унинг таркибида маҳаллий ҳалқ вакиллари йўқ... Шундай экан, шуни эътироф этиш мумкинки, рус инқилобий демократиясининг Шўролари Туркистонда қуролли куч ёрдамида ўрнашган келгинди рус изчилиги иродасининг ифодасидир. Аввал рус тўплари ижро этган рул энди

Шүролар зиммасига юкланди. Аммо, янги рус империализми йўлбошчиларининг ихтиёридаги куч ва имкониятлар аввалгидан беҳад зиёддир».

Бу фикрларнинг исботи сифатида Тошкент Комиссарлар раиси Колесов буйруғига биноан шаҳар Думаси тарқатилиб, ҳаммаёқда тинтуб ва талон-торожлар бошланади. Халқ орасида тури хунук миш-мишлар кўпая бошлади. Бу миш-мишлар тез орада ҳақиқатга айланди. «Қўқонлик палончининг уйини тунда қандайдир келгиди ўғрилар босиб, молини талаб, ўзларини бўғизлаб кетибди. Бундай ваҳшийликлар билан бирга, Қўқон вокзалига тунда тўп-пулемётлар билан қуролланган аскарлар тушаёттан эмиш, бунда Шўроларнинг қўли бор эмиш», деган гаплар Убайдуллаға ҳам етиб келган эди. Бундай даҳшатли хабарлар, айниқса, Қўқон шаҳрида даставвал пайдо бўлди.

Қурол-яроғ билан Қўқонга бостириб келаётган бу босқинчилар, совет ҳукумати томонидан бегуноҳ саналиб, Чор Русияси қамоқларидан озод қилинган каллакесару безорилар, туркий халқлардан ўч олмоқ истагида кўзлари қонга тўлиб Сибир жабҳасидан қайтаётган дошноқлар — арман жаллодлари эмиш, деган гумонлар бор эди.

Бу босқинчиликнинг олдини олгунча ҳам бўлмай, бундан ҳам даҳшатлироқ воқеа рўй берди. Большая войлар 1917 йил 8 декабрь эрталаб соат 11 дан 20 дақиқа ўтганда Туркистон Мухторияти аъзолари жойлашган Қўқон шаҳрига қўйидагича ултиматум юбордилар:

1. Мухторият ҳукумати Совет ҳокимиятини таниши;
2. Туркистон халқини совет ҳокимиятига бўйсунишга чақириб баённома нашр этиш;
3. Аҳолини қуролсизлантириш, халқ қўлидаги бор қуролларни большевикларга топшириш;
4. Миллий ҳукумат милиция ташкилотини тарқатиш ва ҳоказолар.

Бу куппа-кундуз куни Туркистон устида чаққан чақмоқ эди! Хоинлик эди! Бу кеча берилган Мухториятнинг азага айланиши эди!

Куни кеча Ленин, Сталин қўл қўйиб Шарқнинг мусулмонларига қилган: «Сизлар ўзларингиз ўз ватанларингизнинг ҳокимлари бўлишингиз керак... Сиз-

ларнинг тақдириңгиз, Сизларнинг ўз құлларингизда...» хитобномаси қаёқда қолди-ю, бугун бу ультиматум қаёқда! Бу ўз құл-оёғингни үзинг боғлаб, менинг оёғим остига қул қилиб ташла, дейиш-ку!

Бу қандай маломат! Қандай риёкорлик! Наҳот, яна кунимиз шуларга қолган бұлса! Йүқ!.. Йүқ!.. Бу имон-сизларга асло бүй әгиш йүқ!

Убайдуллахұжа үтирган жойида тиззаларига құлла-ри билан шаппакилаб урди-да, ғазаб билан нима де-йиши ҳам билмай у ёқдан-бу ёққа бесаранжом юра бошлади. Құлиға шу дамда нимадир түшса-ю улар-нинг бошларига уриб, хумордан чиқа қолса! Ниҳоят, аламини ичига сиғдиролмай, Мустафо Чүқайни бағри-га босиб:

— Бизлар киммиз?! Ким! Наҳот, бизларни шунчалик эшак қилиб минмоқчи бұлсалар! Наҳот, бизларни шунчалик нодон, бефаҳм деб үйлаган бұлсалар! Ақмоқ билан нодоннинг фахмига етмаган бу большевиклардан нима кутиш мүмкін? Ҳа, булар ақлга, виждонга, мантиққа әмас, зулмга, құрқитиши, қирғинга сүяниб ҳоки-миятга әга бұлған жаллоддар!

Муштларини муштларига уриб, худди кимданыр аламини олғандек, Мустафо:

— Қуролларимизни большевикларга топширап эмишмиз!

— Туркистан халқини Шұро ҳукуматига бўйсунди-ришга чақирап эмишмиз!..

Убайдуллахұжа үзини қаерга қўйишини билмай қўйнига чаён кириб қолган одам ҳолатида гир-гир айланарди:

— Құл-оёқларингни боғлаб, менинг ихтиёrimга таш-ламиш-а! — унинг ҳаракат ва сұзларини ниҳоятда алам билан эшитаёттан Мустафо Чүқайбекка юzlаниб:

— Дұстим Чүқайбек, буларнинг қайси меҳрибон-ликларига, қилажак қайси марҳаматларига биз уларни оға, деб бутун тақдиримизни құлларига топшириши-миз керак экан. Наҳотки, бизлар уларнинг назарла-рида шунчалик бадавий, ўз давлати, ўз халқини идора эта олмайдиган, тарихи, маданияти йўқ халқ бўлиб күринган бұлсак!

Бундай ультиматумни эшлитиб, уларнинг ичлари шун-дай ғазабга тұлиб кетген здики, айтиб адo қилиб бўлмайдиган даражада эди.

Бизларга давлатни идора қилишни ўргатмоқчими-  
кан улар? Наҳотки, улар үзларини Чингиз зулмидан  
қутқарған улуғ Темур номини унугтан бұлсалар! бу-  
лар күр бўлмайдиларми! Саркарда Темурнинг қилган  
яхшиликларига уларнинг миннатдорчилиги, қайтари-  
фими бу! Дунё ғилдирагини айлантиришга қудрати,  
ақли, салоҳияти етган биз туркий халқларнинг үз юр-  
тимиз «Туркистон Мухторияти»ни үзимиз бошқара ол-  
мас эканмизми? Жаҳон таниган Темурдек буюк ин-  
сонни танимаган большавойлар бизнинг қадримизни  
билармиди?

Фазабини босиб, оғир үйга толган Мустафо Чўқай-  
хон:

— Убайдуллахўжа, оқ билан қорани қўзи очиқ та-  
нийди. Кўрдан — гина йўқ! Замон кўрники бўлди. Соғ  
қолиб, кўр етакладиган бўлди! Улар бизга йўл кўрсат-  
моқчи, ёруғликка олиб чиқмоқчи эмишлар. Уларнинг  
кўрликлари айни шу ерда!

— Ҳа, Чўқайбек, — деди тўлиб турган Убайдулла-  
хўжа. — Бизлар ҳатто ғишт қўйишни билмаган халқ  
бўлсакки, бизларга бошпана, масжиду мадраса солиши-  
ни ўргатмоқни ўйлаган бўлса! Бир саводсиз бадавий  
бўлсакки, ҳарф танитади десак! Даشت-биёбонда қум-  
рон ичиб ўсан бўлсакки, боғ-роғ обод қилмоқ, зиро-  
атдан дарс беради, десак!

— Чор Россияси бизларга нима берган эди, большевиклар нима берарди!

Октябрь инқилобининг раҳбарларидан бири Тобо-  
лин: «Қирғизлар иқтисодий қолоқ бўлгани учун ҳам  
улар барибир қирилиб кетишга мажхумдир. Шунинг  
учун Инқилоб бутун кучини очликка қарши курашга  
эмас, яххиси, фронтни мустаҳкамлашга қаратиши ке-  
рак», — деб айтган! Ана туркий халқларнинг улар ол-  
дидаги баҳоси! Мана, большевиклар бизга нима бер-  
моқчи бўлганлари!

— Бундан ортиқ раҳмисизлик, жаллодлик бўлади-  
ми? Большавойлар нима ваъда қилмасинлар, сиёсатла-  
рининг ёлғонлиги гўнг ўра тагидан чиққан сассиқдек,  
ошкора бўлиб, бурқисиб туради.

Уларнинг ултиматумларига, хўш энди, қандай жа-  
воб муносиб?

Шўролар юборган бу ултиматумни оёқостига таш-  
лаб, топтаб, тепкилаб, ўтларга ёққан билан аламдан

чиқиб бўлмасди. Бирдан-бир чора буюк боболаримиз Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Навоий руҳи покларига сажда қилиб, ўз кимлигимизни унутмай, нопоклар олдида тиз чўкмай, кимлигимизга муносиб жавоб қайта-риш эди! Шундай қатъий қарорга келинди:

«Куч Сиз тарафда. Бизда эса ҳозирча ўз миллий халқимизни таниганликдан бошқа куч йўқ. Сиз бу курашда бизни енгиб чиқишингизга ҳеч шубҳа йўқ. Шу билан бирга, Сизнинг ҳаққингизни, Туркистонда Совет ҳокимиятини танишни рад этамиз!..»

Ватан ва миллатга чексиз муҳаббат қони билан суғорилиб қатъий қилиб мардонавор айтилган бу жавобда халқнинг фурури ва шаъни тұла акс этган эди.

Бу жавоб «Сиз большевиклар, қанчалик қудратга эга бўлманг, тирик эканмиз, бир томчи қонимиз қолгунча Туркистон мустақиллиги учун ҳаётимизни аямаймиз. Туркистон халқлари ўз ихтиёrimiz билан Сизларга қул бўлишга розимиз, деб айтишдан кўра, тилларимизни кесиб ташлашни афзал биламиз», дейишдан бошқа нарса эмас эди.

Большевиклар Туркистон Мухторияти ҳукуматига ултиматум юборгандаридан шундай жавоб олишларини ўзларининг ҳаёлларига келтириб кўрганмидилар? Чексиз ишонч ва фидойилик билан айтилган бу оташин фикрлар уларнинг газабини аланглантирмаганмикин?

Туркистонликларнинг қилган юқоридаги жавоблари манфур ёвнинг ҳақорат ва маломатларини эшишиб, ўзни хўрлашдан кўра, кўнгилдагини айтиб-айтиб хумордан чиқиб, мана энди, қўлингдан келганини қил дейишдан иборат эди, холос!

Қани, бундай жавобнинг охири нима билан тугаркин?!

## Т ў қ қ и з и н ч и б о б

### КИШАНЛАНГАН ЭРК

Бу йил баҳор қорасовуқ, ёмғир аралаш ёғган дўл билан келди. Гоҳ, тўп отгандек ҳаммаёқни зириллатиб гулдираган момақалдироқ, гоҳ, қоп-қора булувлар аро аждар оғзидан олов сочгандек чаққан чақмоқлар ҳаммаёқни куйдирадигандек ваҳимали эди. На баҳор, на қиши эканини билиб бўлмасди. Йилт этган қуёш йўқ.

Ҳатто кундуз кунлари ҳам осмонни қоплаган қора бу-  
лут баайни хуфтондан дарак бергандең зди. Бу — ки-  
шиларнинг руҳига ҳам сингиб, кўнгилларга ғашлик  
солганди.

Болшевиклар давлатни идора қилишни советлар  
ихтиёрига топширишни талаб қилиб ултиматум юбор-  
ган, Туркистон Мухторияти раҳбарлари эса «Биз со-  
вет ҳукуматини тан олмаймиз», деган қатъий жавобни  
қайтаргандан бери мана, ҳафталар эмас, ойлар ўтмоқда.  
На ҳа, на йўқ деган жавоб бор. Жимжит! Ҳеч қандай  
садо йўқ. Бу сукутдан большавойларнинг мақсадлари  
нима, яна қандай фитналар хаёлидадирлар!.. Ёки ин-  
соф йўлини тутмоқчиларми? Мутлақо билиб бўлmas-  
ди.

Лекин шунга қарамай, мухторият олинган биринчи  
кунларданоқ, ҳалқ тантаналарни бошлаб юборган зди.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломнинг ту-  
филган кунлари 13 декабр мавлуди шариф байрами  
куни деб ҳалққа эълон қилинди.

Туркистон Мухториятининг ҳарбий вазири Убайдулла  
Хўжаев миллий қўшин ташкил этишга жадал  
киришиб, тез орада қўшин сони 2000 кишидан ортади.  
Большавойларнинг қандай жавоб қилишларини кутмас-  
даноқ, ўзига ишонч, ҳалқ руҳини кутариш мақсадида  
Убайдуллаҳўжа ўзи тузган қўшинларнинг ҳарбий  
қўрикларини ногора-карнайлар, миллий қушиқдар ай-  
тиш билан тантанавор ўtkаза боради. Осмону фалак-  
ни тутиб янграган карнай, ногора ва қўшиқ садолари-  
дан қалблар тўлқинланган, кўзлардан қувонч ёшлари  
томчилар зди.

Туркистон ҳалқларининг совет ҳокимиятига бўйсу-  
нишини талаб қилган большавойларнинг ултиматумига  
мухторият раҳбарларининг жавобларидан боҳабарлар-  
дан бири Беҳбудийми, Мунаввар қорими, Убайдулла-  
нинг ўтказаётган айни замондаги тантаналарини қўриб:

— Ултиматумда «Куч Сиз томонда. Бу курашда биз-  
ни енгиб чиқишингизга ҳеч шубҳа йўқ..!» — дейилган  
бўлса-ю, Убайдуллаҳўжа тақсир, бу тантананинг бои-  
си?.. — деб гап бошлаган зди. Убайдулла савол берув-  
чининг мақсадини тушуниб:

— Гапингиз ҳазилми, чинми... ўринли! Бизлар уларга  
берган жавобимизда, ёдингизда бўлса, тақсир, «Тур-  
кистоңа Совет ҳокимиятини танишини рад этамиз!..»

деганимиз. Шундай қатъий фикримиз бор! Ахир, бу бекорга, шунчаки айтилмаган.

Сиз билар Шўроларнинг макру ҳийлалари ни таг-томиригача ўргандик. Уларнинг кучини тан олишимиз, бу, энди кураш тамом бўлди, билар умрбод шўроларнинг қули бўлиб яшашга розимиз, дейилган гап эмас! Мутлақо! Бу — «Сиз зўрсиз, аммо Сизга қарамлиқдан қутулиш учун курашимиз тўхтамайди!» — деганимиз! Қани, айтинглар-чи, севикли жанобларим!.. Дўстларим! Зулмнинг умрбоқийлигига ишонамизми?!

— Йўқ! Астағфурилло! Зулмнинг заволи бўлишилиги ҳақ!

— Кураш тадбирлари, озодлик, ҳурриятни бир дам унугиб бўлмайди. Бу абадий!

Убайдулланинг гапига жўр бўлгандек, миллий қўшиннинг:

*Ҳуррият жонимиз! Қайнаган қонимиз!  
Турондир юртимиз! Ўз маконимиз!*

деган ҳайқириқ қўшиқлари қудратли тўлқиндек, аксадо бериб янгарди.

Аммо бу қўшиқ ўша куни охирига етмади. Қўшиқ тинди. Карнай, ноғоралар овози қутилмаганда сўнди.

Қўқон устида бугун гумбуrlаган даҳшат кечаги момақалдироқдек эмас!

Қоронғи зулмат аро чақдан ҳам чақмоқ эмас! Йўқ!..

Туркистон мухторият бўлганига ҳали уч ой ҳам бўлмасдан ярим тунда Туркистон Мухториятининг маркази бўлган Қўқон шаҳри устида баҳорги чақмоқ ўрнида тўплар хартумидан ўт ёғдирилди. Баҳор момақалдироқлари ўрнида хонадонларни кўйдириб кул қилувчи бомбалар портлай бошлади. Бугун шаҳарда қийчув, дод-фарёд кутарилди, шаҳар қонга ботирилди.

Туркистон ўлка Ҳарбий комиссари Перфилов бир маҳалда ўн икки замбаракдан Қўқон аҳолиси устига ўт очишни, ёндирувчи снарядлар ёғдирилишини буюради. Кечагина мустақиллик шодиёнасини нишонлаб чалинган карнай-сурнайлар ўрнида бугун бутун Туркистон устида халқнинг оҳу ноласи янграйди. Қўқон Мухторияти жойлашган бино вайрон қилиниб, қули кўкка совурилади. Сибирь қамоқларидан келтирилган каллакесарлар хонадонларни, дошноқлар бойларнинг

бисотларини талаб, гұдакларни она күкрагидан юлқиб наизаларга илиб, ёнаёттан гулханга отадилар.

Бу жаллодларнинг Қўқонга советлар томонидан юборилиши бежиз эмас эди. Совет ҳукмати 1914 йилги турк-арман қирғинининг сабабчиларидан бири туркій халқлар қавмидан бўлган ўзбеклар, деган фитнани аламзада, хунталаб, кўзи қонга тұла дошноқлар қулогига қўйиб, уларни атайдан Қўқонга йўллаган эди.

Қўқон бойларининг ҳаммаси отилиб, Қўқон алангичида қолди. Минг-минглаб аёлларнинг билаклари қирқилиб, олтин тақинчоқлари юлиб олинди. Аёллару гўдакларнинг жасадлари кўчаларда тўлиб кетди. Тирик қолганларнинг дод-фарёдларига чираб бўлмасди. Тирикларнинг қарғишлари оламни тутган эди. Юракларни тилка-пора қилган нолалар на советларнинг қулоқларига кираради, на тўп ўқлари остида вайронада бўлган шаҳар кўчаларида ётган мурдалар уларда шафқат уйғотарди.

1917 йил 27 ноябрда ҳурриятга эришиб, дунёга келган Туркистон 1918 йилнинг 19 февраляда, Советларнинг хиёнаткорона хуружлари оқибатида, қора кийди. Кеча маддия ёзган шоирлар бутун марсия ёздилар.

Вой, юз войки, Фарғона хароб ўлди, дарис,  
Зум ӯқи бирла бу кун гарди туроб ўлди, дарис,  
Бу мусибатдин улус чашми пуроб ўлди, дарис,  
Ҳам бари катта-кичик бағри кабоб ўлди, дарис,  
Шаҳр обод эрги, чун дашти сароб ўлди, дарис.

Бу сатрлар шоир Камийнинггина эмас, бутун Туркистон аҳлиниң қалбидан отилган нидо эди. Туркистон мотам либосида эди:

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,  
Рұксиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.  
Биздек ҳеч миллат борму зиллатга ботган,  
Сафолатга алдануб, иффат йўқотган,  
Фироринга тик ётур ихват ўргатган.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,  
Рұксиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Боялу қолди қўлимиз ваҳшат домида,  
Башар чатналмасунми ғафлат комида.

Кўкрак қони кўрунди турбат жомида,  
Маҳв ўлди шармнинг нури бидъат номида.

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,  
Руҳсиз танлар тебрансан, йиғла, Туркистон.

Ҳамза Ҳакимзоданинг бу марсияси Туркистон зиёдиллари, барбод бўлган Туркистон Мухторияти Миллий Кенгаши вазирларининг халқа билдирган таъзия ва таскини эди.

Чўллоннинг шеъри ҳам юракларни ларзага солди:

Етар, бас, чекдан ошганлар,  
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!  
Тўлуқдир, балки тошгандир  
Тубаилик ҳам сафолатлар!

Қўлимда сўнгги тош қолди,  
Қўнгилда сўнгги интилмоқ,  
Қўзимда сўнгги ёш қолди,  
Кучимда сўнгги таллинмоқ,

Бу қарғиш, бу ҳақоратлар  
Кучимни тортмоқ истайдир.  
Тубаилик ҳам сафолатлар  
Ўзимни ютмоқ истайдир!

Қўнгилда сўнгги интилмоқ,  
Шу ҳолда кетмак истарман.  
Кучимда сўнгги таллинмоқ,  
Амалга етмак истарман!  
Қўлимда сўнгги тош қолди,  
Ёвимга отмоқ истарман!  
Қўзимда сўнгги ёш қолди,  
Амалга етмоқ истарман!

Бу фарёду нолалар, йиғи-сиғи, қонли кўз ёшлар, вайронио харобаликлар, афсус, фақат Қўқон шахринигина эмас, бутун Туркистонни, Туркистоннинг озодлиги учун курашган ҳар бир жадид хонадонини қопқора булутдек босганди.

Мухторият истаган Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларга тўп-аслаҳалар билан келган Фрунзе, Куй-

бишев бошлиқ, каллакесарлар хонадонларга ўт қўйиб, бегуноҳ, халойиқни қиличдан ўтказадилар. Бадарға қилиб, қувғин қила бошлайдилар. Кечагина чор турмаларидан қутулган Убайдуллаага энди Шўро қамоқдарининг эшиклари очилади. Бу ўз тақдирингизни ўзингиз ҳал қиласиз, ҳокимият ўз қўлингизда, Чор қуллигидан қутулдингиз, деган большавойларнинг берган жавоблари эди.

Большавойлар ўзларининг «бармоқлар муштга айланмасдан қирқиши керак. Муштга айландими, кучга айланади», деган назарияларига амал қилиб, бир ўлкани қонга ботириб, иккинчи бир ўлкага ҳуррият бердилар.

1918 йилда Қўқонда оққан қон иси, муҳторият учун курашаётган бошқа ўлкалар димофида уриб, улар ҳам большевикларга қарши қўзғалиб қолмасликлари учун туркий ўлкаларнинг айримларига, жумладан, Бошқирдистонга оқ, гвардиячиларга кўшилиб кетмаслиги учун мустақиллик берилди. Бир ўлкада аза, бир ерда тўй.

Қўқон Мухторияти қонга белангандан кейин, унинг раҳбарлари курашни давом эттириш учун муҳторият олган турли қардош шаҳарларга тарқалиб кетадилар. Тиник осмонда парвоз қилган кабутарларга ташланган калхатдек большавойлар уларни ҳар томонга тўзфитиб юборадилар, дарбадар қиласидилар, ватанларидан жудо қиласидилар.

Ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига эрк бергани шуми!

Бу дунёда виждану андиша деган нарса бўлса, тилга кирсин!

Бу дунёда инсофу имон деган нарса инсон болалари учун яратилган бўлса, тилга кирсин, ҳайқирсин!

Большавойлар қадами етган кундан ўзбек халқининг асл фарзандларини жазоладилар, қувғин қиласидилар. Мунаввар қори, Чўлпон, Мустафо Чўқайлар Москва, Ўринбург шаҳарларига, Убайдуллахўжа қадрондисти Заки Валидийнинг муҳторият олган ватани Уфага қувғин қилинди.

Фарёдлар бўлсинки, Бошқирдинстондаги Истиқлол шоддиклари ҳам Қўқондаги каби узоққа бормади, орадан йил ўтмай, барбод қилинади, қонга ботирилади.

Убайдуллахўжа ҳаёти бу ерда яна хавф остида қолади. Ҳарбий инқилобий қўмитанинг раҳбарларидан бири Илёс Алқин билан шу қўмитанинг маъсъул котиби вази-

фасида хизмат қилаётган Убайдуллахұжа Бошқирдистоннинг Тичура деган ерида ҳибсга олиниб, аввал Үринбург, ундан кейин бир неча кун саратон иссиғида сасиб кеттган қызил вагонда йүл босиб, ярим кечада Москванинг Бутири турмасига ҳайдаб олиб келинади.

Мана бу үз юртидан узок, бегона юртда на унинг ҳолидан хабар оладиган ва на иккита нон билан іўқлайдиган кишиси бор!

Очлик, йўл азоби тинка-мадорини қуритган эканми, қамоқнинг қоронфи, бадбўй якка хонасига кириб келганидан ҳайратланиш, үз тақдиридан ўксисб кўз ёш тўкиш ўрнига хотиржамлик билан қўлидаги кичкина тугунчасини бошига қўйиб, худди үз уйига соғ-саломат етиб келган одамдек, уйқуга кетди. На ватандан айрилиқ ва на қамоқ азобидан нолиш ва на дод-фарёд!..

Наҳот, тақдирига тан берган бўлса!

Мана, неча ойки, Бутири турмасининг бир кишилик якка хонасида. Наҳот, ватан хумори тутмади!.. Наҳот, муштипар онани соғинмаган бўлса! Уни бирдан-бир азобга қўйган нарса ҳам онага бўлган меҳри! Ақлини таниганидан бери миллат дарди билан шаҳарма-шаҳар, сургуну қамоқларда умр ўтказиб бир кун ҳам дастурхон атрофида тўйиб гаплашишга вақти бўлмаган ўғлини кўрганда онаси айтадиган:

Қидирган бирла рихсинг қатра ошмас,  
Кетар қадринг, қадардан ҳаргиз ошмас! —

деган гаплари ёдида. Аммо бу гапларни кўнглидан ўтказаркан, нолимади! Аксинча, тақдирига бўлган эътиқод унга далда берди. Куч бағишилади. Пешонамизга абадий қуллик ёзилмаганига ишонди! Тақдиришимизга қуллик абадий ёзилмаган-ку! Сендан ҳаракат, мендан баракатга ихлос қўйди. Қуллик азобини тортгандан, умид билан курашиб хумордан чиқмоқ афзалроқ эмасми! Унинг нолимаслиги, эътиқоди боиси шу эди.

Убайдуллага бу ишонч бир оз таскин берса ҳам, Руслан зулми фақат үз бошида эмас, авлод-аждодлар устидан ҳукмрон бўлиб келганини ўйларкан, үз тақдириданмас,adolatsizlik ва бедодлиқдан бошини деворга уриб дунёга жар согудек бўларди.

Мана, бир неча ойки, Убайдуллахон Бутири турмасининг бир кишилик қоронфи хонасида. Бутири турма-

сининг терговчиси, Убайдуллаага жиноятингни бўйнингга оласанми, йўқми, деган бир савонни ҳадеб тақрорлаб бўлмай, гуноҳларни бўйнига қўймоқ учун қистовга оларди.

Убайдулла:

— Туркистонга мустақиллик бер, мен сендан, сен мендан қутуламиз! — дерди.

Бу азобдан қутулиш учун жиноят ўзи нима, жиноятчи ким, сенларми, менми, очигига ўтиб қўя қолай, деб ўйлади-ю, аммо бу билан ҳеч нарсага эришолмаслигига ақли етиб, яна тилини тияди-да, худодан ўзига сабр тилайди.

Терговчи:

— Охирги марта айтиб қўяй, ёлғон гапирганлигинг учун ҳам жазо бор, — деб яна дағдага қила бошлади.

Терговчи гапининг мантиқсизлигига ичидан қулиб:

— Ёлғон учун жазо амалда бўлса, бу жуда маъқул, унда мен ютқазмайман, — деди Убайдуллахон.

— Ундай бўлса, қани, ростини айт-чи, тошкентлик!.. Ўзбек!.. Бошқирдистонга, Уфага боғлиқлигинг нимадан иборат, нега келдинг, гапир?

— Бизлар ҳаммамиз мусулмон, тилимиз, урф-одатимиз бир, туркий халқдармиз.

Терговчи истеҳзо билан қулиб:

— Турклар!.. Басурмон, дегин!

Терговчининг бу маломати Убайдуллахўжанинг нафсониятига тегди:

— Жаноб терговчи, алҳамдуиллоҳ, басурмон эмас, мусулмонлармиз!

— Мусулмонми, бусурмонми, менга фарқсиз — гуноҳларингта иқрор бўлмасанг, Инқилоб қонуни билан отиб ташлаймиз. Шуроларга халқни қарши қўйганингни гапир!

— Бор нарсани йўқ, йўқ, нарсани бор, деб ёлғон сўзлаш, мусулмончиликда гуноҳи азим! Мен миллатим учун курашдим.

Убайдуллахоннинг бундай жавоби терговчини яна разабга миндирид:

— Ҳозирдан терговни бас қиласан! Буюк рус халқини ҳақорат қилганингни ўзи, устингдан ҳукм чиқаришим учун етарли! Демак, сенингча руслар — христианлар ёлғончи, демак, мусулмонлар ростгўй. — Терговчи муштини кутариб Убайдуллахонга яқинлашди.

— Айни замонда, жаноб терговчи, Сиз рус эмасиз!

Терговчи қаҳр билан:

— Нима?

Убайдуллахон:

— Рус ҳам, христиан ҳам эмассиз, Сиз большевиксиз! Лев Николаевич Толстой — у рус! У худога ишонган, ёлғонни гуноҳ, билган рус!

Убайдуллахон оғзидан Толстой номини эшигтан терговчи бу азиат Тостойни қаёқдан биларкан, деган хаёлга келди-ю, унинг кейинги айтган гаплари қулогига ҳам кирмай, хаҳолаб кула бошлади:

— Толстойни ҳам биламан, дегин!

— Биламан эмас, Толстой ҳам мени биларди!

— Ох, сен басурмон, Толстой ҳам мени билади, дегин! Ҳа! Ҳа!..

Терговчи олдингисидан ҳам қаттиқроқ хаҳолади. Унинг бундай кулишини Убайдуллахоннинг Толстойни билишини тасаввур қилолмаганлиги ё бўлмаса Толстой деган ёзувчи борлигини ўзи эшигмаганлигидан, деб тушиниш мумкин эди. Чунки совет давлати инқилобнинг дастлабки йиллари ўз атрофида илмли, зиёли кишилар эмас, аксинча, буйруқни бажарувчи, совет тузумига содик, раҳм-шафқатни билмайдиган одамлар бўлишини муҳим деб билган эди. Москвадаги Бутир турмасининг терговчиси ҳам худди шундайлардан эди.

Худо кўрсатмасин, агар ҳозир, Лев Толстой совет терговчисининг ёнида бўлганда эди, унинг кимлигидан қатъи назар, диндорлиги учун Совет давлати, Ленин партиясининг ашаддий душмани сифатида Убайдуллахоннинг ёнига қўшиб қамарди. Қани эди, қўлига ҳозир тушақолса-ю, худонинг қаердалигини Толстойга кўрсатиб қўярди. Бутхонасининг тагига қўйиб портлатарди.

Терговчининг қаршисида турган Убайдуллахонга разаби яна авж олди. Кўзларига тергов қилмаёқ, бўғиб ўлдириши лозим бўлган ашаддий душмандай қўриниб кетди. У билан савол-жавоб қилиб ўтирмасдан масалага ўтишни афзал билди:

— Илёс Алқин ким?

Бундай тўмтоқ, бундай бемаъни саволга нима деб жавоб қайтариш керак? Убайдуллахон шундай нодон одамларга куни қолганидан афсусланиб, саволга муносиб жавоб қайтарди:

— Уми? Одам!

— Одам эмас!.. Советларнинг, бошқирд ҳалқининг ашаддий душмани одам бўладими? Ўша ҳайвон сенинг дўстингми?

— Менинг дўстим!

Бундай жавоб, душманлигини иқрор қилгандек, терговчини қувонтирди. Бу қувончнинг сабаби йўқ эмас эди. Унга шундай жавобни эшлиши керак эди. Шўро ҳукуматининг қонуни бўйича, душман деб қамалган одамга ким дўст бўлса, кифоя, бу билан у бирга жиноят қилганми, бунинг фарқи йўқ, дўст эканми, демак, тамом, ҳамфир, демак, у ҳам душман саналарди.

— Жиноятчининг дўсти ким бўларди? Жиноятчи! Илёс Алқин ўз жиноятига, Совет давлатининг душманлигига тўла иқрор бўлди. Сен... ўжарлик қилишинг бефойда.

— У сизларга душман бўлиши мумкин, аммо асло жиноятчи эмас! — Убайдуллахоннинг бу сўз ўйинининг маъносига аниқ тушуна олмаган терговчи унга дарғазаб тикилди:

— Нима? Адвокатлигингни бас қил! Душман бўлармиш-у, жиноятчи бўлмасмиш! Совет ҳукуматига душманлик, бу сенингча жиноят эмасми?

Убайдуллахон, қай маънода бу гапни айтди, бунинг тагида Убайдуллахоннинг қандай фалсафий қарashi бор, буни терговчи тасаввур ҳам қилолмасди.

Убайдуллахон жиноятчи эмас, деб жавоб қилганда, душманлик ва жиноят нималигига бир адвокат сифатида ҳамда жаҳон адолат қонунчилигидан хuloscha чиқариб, ёндашган эди. Шунинг учун терговчининг, «Бошқирдистонга нима мақсадда келдинг, Илёс Алқин билан алоқанг қандай, дўстларинг ким» — сингари сўроқларини эшлишиб ўтирасдан, ҳаммасига бир йўла жавоб айтиб, чакагига уриб қўяқолишни маъқул топди:

— Ҳар бир миллатга мустақилларни Совет давлатининг доҳийси Ленин ваъда этди. Унга ишондик. Ленин сўзига амал қилиб, ишониб муҳторият учун курашган бўлсак, бунинг нимаси жиноят? Нимаси гуноҳ? — Убайдуллахон терговчининг нима жавоб қилишига ҳам сабри чидамай: — Агар Лениннинг үлкаларга муҳторият бериш ҳақида айтганлари чин, деб билсак, у тақдирда унинг сўзига амал қилиб муҳтори-

ятта эга бўлган бизлар эмас, ўз сўзларингизга амал қилмай, бизларни алдаган сизлар жиноятчи бўлишларингиз керак-ку!

Убайдуллахоннинг асабини босиб, вазминлик билан қилган бундай жавоби терговчини яна ҳам тутоқтириди. Уни ҳозир бўғиб ташлагудек фазаб билан у томон кела бошлади... Аммо хўрлик ва аламига чидай олмаган Убайдуллахон, очиқ жангта ўтиб:

— Халқни алдаган Ленин, сизлар, — демоқчи эди-ю, айтишга улгурганича ҳам бўлмай, фазабига чи долмаган терговчи, стол тортмасидан олган тўппончасини қарслатиб столга урди. Кўзлари қинидан чикқудек, унинг олдига бориб, ёқасидан олиб силтай бошлади. Бир неча ой Бутири турмасида ётиб озган, табиатан жуссаси кичик бу одамни терговчи бир қўли билан бўғиб, бир қўли билан шапалоклаб ура бошлади. Аммо Убайдуллахон, жонсиз қўғирчоқдек унга қаршилик кўрсатмади. У билан ўзини тенг тутишни муносиб кўрмадими ёки виждан азоби олдида бу қийноқни ҳам унудими, ҳатто инграб овоз чиқармади. Гапириш, нажот сўрашнинг фойдаси йўқ, дегандек ўзини унинг ихтиёрига кўйиб берди. Нихоят, жазавасидан тушиб ўзига келган терговчи уни фазаб билан туртиб, силкитиб курсига ўтиргизди. Убайдуллахоннинг бу қонунсизлик, бу зўравонлиқдан қаҳру фазаби, ички олами шунчалик кучли эдики, ўлдирсанг ўлдир, дегандек, ёрилган юзидан оққан қонни ҳам артмади.

Орага жимлик чўқди. Терговчи маҳорка исидан сашиб кетган хонада яна босиб-босиб чекди. Сочлари тўзғиган, ёқалари йиртилиб, тутмалари узилган Убайдуллахўжа ҳозирги вақтда большевиклардан раҳм-шафқат кутиш ортиқча эканлигига ишонч ҳосил қилгач, бу жоҳиллар оёғи остида ўзини хор қилмай, кўнглидаги бор ҳақиқатни айтиб, хумордан чиқишини, ундан кейин пешонасига ёзилгани нима бўлса, шуни кўришни ўйларди:

— Жиноятчилар кимлигини мана энди айтаман.

— Ростини айт!

Маҳбус синган кўзойнагини тўғрилаб, жуда вазминлик билан:

— Мен қамоқда ётганим Масков, русларнинг киндик қони томган ўз ватани, Русия уларнинг жонажон она юртлари! Албатта, унга ташқаридан кимдир ке-

либ, хукмини ўтказмоқчи бўлса, мол-мулкини талаб, бойликларига эгалик қилмоқчи бўлса, ўз файриқонунй урф-одатларига зўрлаб бўйсундирмоқчи бўлса, у қандай олижаноб ниятлар, ваъдалар билан кириб келган бўлмасин, босқинчи саналадими, йўқми? Бирорнинг ҳовлисига бостириб кириб, бир бечоранинг бор мол-мулкини талаган босқинчи, жиноятчи саналмай, бор-йўғидан айрилиб жабрланган уй эгаси жиноятчи саналса! Бу қайси инсоф китобида ёзилган! Биз, Туркистон халқари рус юртига бостириб кирдикми? Ўз урф-одатларимизга, қонунларимизга русларни бўйсундирмоқчи бўлдикмики, қайси гуноҳимизга большевиклар олдида биз жиноятчи бўлиб қолдик? Жиноятчи, талончи, зўравон ким?

— Бас!.. Бас!..

Терговчининг дўқ-пўписа, дағдағасига қарамай, бу жаллодларнинг қўлидан қутулиб бўлмаслигини билган Убайдуллахон:

— Кўён қонга ботирилди. Халқи таланди, шаҳар ўт ичиди қолиб, кулга айланди. Сиз большевиклар, бизларнинг олдимизда жиноятчи бўлмай, бизнинг душманимиз саналмай, бизлар жиноятчи бўламизми, жаноб терговчи? Сиз душман саналмай, биз душман саналамизми? Айбимиз — Ленин ваъдаларига ишонганимиз! Алданиб таланганимиз. Айбимиз — чор зулмидан қутулиб, Сиз большавойларга қуллуқ қилмаганимизми! Истиқдол истаганимизми?!

Унинг гапларининг кутилмаган бундай якунланишидан гангид қолган терговчи, давомини кутмасданоқ, тўппонча билан бўйнига туширди. У ўтирган жойида ерга беҳуш қулади.

Убайдуллахон Бутир турмасида узоқ ётиб қолди.

\* \* \*

Йўқ гуноҳдан жиноят ясай олган терговчи ишни суд ҳукмига оширганига ҳам мана анча вақт бўлди. Суд бўлиши керак. Терговчи шундай бўлганда, суддан нима инсоф кутиш мумкин эди! Бирдан-бир умид худодан, тасодифдан эди.

Убайдулла судни кутмоқда. Аммо Тошкентда қолган дўстларининг тақдири Убайдуллахоннидан ҳам азоблироқ, фожиалироқ кечди.

1920 йили Тошкентда хотинлар қамоқхонаси пайдо бўлди. Кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган бу даҳшатли хотинлар қамоқхонаси биринчи маротаба Тошкентнинг қадимги Қиёт, кейинчалик Навоий кучасига жойлашган Қишлоқ хўжалик вазирлиги биноси ўрнида пайдо бўлади.

Авахта! Хотинлар учун қамоқхона! Ўзбек тарихида қачон хотинлар қамоқхонаси бор, деган сўз эшитилган.

Ўзбек хотинлари орасида қамоқбоз жиноятчилар наҳотки шунчалар кўп? Улар совет даврида қаёқдан пайдо бўлди? Улар кимлар? Гуноҳлари нима?

Тошкентга шу йилларда бало ёпирилди. Юртда очарчилик бошланди. Очарчиликдан одамлар қирилди. Очарчилик ўзи келмади, ўзи билан битни, тиф касалини бошлаб келди. «Фам босгани бит босар, бит босса ўта босар» деган гап бекор айтилмаган. Касал, очарчиликдан ҳар куни ўнлаб одамлар ўлади. Одамлар ўзига нон тополмаган бир замонда, касалларнинг ҳолига худонинг ўзининг раҳми келмаса!.. Ўша кезлари ҳам ҳар хонадондан бир кунда иккита-учта бўлмаса ҳам, битта ўлик чиқарди.

Убайдуллахоннинг онаси шўрлик худога нима ёзган экан, шу кунлари тиф билан оғриган эрининг касали етмагандай, хотинлар қамоқхонаси ҳақида шаҳарда тарқалган хунук хабарлар онанинг қулоrigа етиб, дарди устига чипқон бўлди. Шўрога қарши чиқсан эркакларнинг ўzlари қўлга тушмаган бўлса, уларнинг ўрнига хотинларини уйидагилардан бирини қамавотганмиш, деган миш-мишлар Убайдулланинг уйидагиларни ҳам ваҳимага солиб қўйди.

Қўқонни Шўролар босиб олгандан кейин, Убайдулла қаёқда, нима бўлган, бир марта келган хатдан бошқа ҳеч нарса маълуммас. Энди унинг ўрнига укаларини ёки хаста отасини қамаса-чи! Онанинг ўлмаган жони. Шўри қурсин.

Ёз кунларининг бирида шайхонтаҳурлик Шарифхон қозининг келини Обидахон эри Садриддинхоннинг ўрнига паранжисини ёпинишига ҳам қўймай, Ўрдада очилган қамоқقا олиб кетилди. Бола-чақали, намозхон, паранжисиз кўчага чиқмайдиган бир мунис-бокира аёлнинг турт-бешта ёш болаларидан ажратиб-ҳайдаб, қамоқقا олиб кетилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди...

Лекин бу ҳақиқат! Шуролар биринчи кундан ишни қамоқхонадан бошлади. Болалари балоғатта етган бұлса отасини топиб, құлға туширгунча, болаларини қамаш-ган.

Қамоқда ётган Обидахон шүрликтінг эри ким бўлган, шуролар ҳукумати учун уни топиб қамаш шун-ча зарур, шунча у хавфли одаммиди, деган фикр ту-ғилиши ҳам табийй, албатта! Лекин ориятли, тирик эрлар, била-туриб хотинларини ўз ўринларига дўзах азобига ташлаб қўймаганлар! Бу даҳшатдан хабар то-пиб сафардаги эрлари етиб келгунча бу мунис-бегу-ноҳ, маликаларнинг гўдаклари ҳоли не кечган?!

Ўзбек аёлларидан қамоқда ётган битта Обидахон-миди? Албатта, битта Обидахон учун қамоқ очилма-ган.

Қўқон Мухторияти қонга ботирилгандан кейин, унинг учун курашганлар борки, ҳаммаси таъқиб ос-тида бўлди. Борлари қамалади, турли қардош ўлкалар-га кетгандарнинг оиласари ейиш-ичиши ва уйқулари-да на ҳаловат, на тинчлик бўлади! Бу шўрлик хотин-лар эрлари учун балога қоладилар. Юракларини ҳову-лаб кун ўтказдилар!

Тошкентда хотинлар қамоқхонаси пайдо бўлгандан бери Убайдуллахоннинг уйидагиларда ҳам ҳаловат йўқ. Уйдагилари Убайдуллахон ўрнига қай биримизни олиб кетадилар, деган ваҳимада яшайдилар.

Инсон учун бундан катта азоб, бундан ортиқ қўрги-лик борми?

Убайдуллахоннинг икки укаси — Башриллахон билан Суннатиллахонлар шу ваҳима сабаб қаёқларгадир фойиб бўлганлар. Ота тиф касали билан оғриб, иситма зўрлигидан гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ноҳуш — ўлар ҳо-латда.

Оиласа битта соғ одам Убайдуллахоннинг онаси! Бемор отанинг дардига куйиш ҳам, Убайдуллахоннинг ҳижрон азобига чидаш, қолган ўғилларнинг тақдирла-ри ташвиши ҳам битта она шўрликтинг бошида!

Бу қандай раҳмсиз дунё?!

Она шўрликтинг бошидаги дарду аламлар фақат бугина эмас! Ўғли Убайдуллахонни излаб, Шуро ҳукуматининг айғоқчилари ҳар икки кунда келиб кетадилар. Йўқ, шунчаки келиб кетмайдилар. Убайдуллахон-нинг нарсаларини излаб, ҳамма ёқни ўн тўда қилиб

титадилар, күрпа-ёстик, бор нарсаларни аямасдан тұрт томонга отиб-титиб кетадилар. Бугина эмас, душман санаб, дүқ-пұписа, құрқитиши, ҳақорат ёғдираадилар.

Бечора бу оналарда нима гунох! Бу оналарга худо-нинг раҳми келмаса, бандалардан нима умид!

Убайдуллахондан, Бошқирдистондаман, деб келган хабаридан бошқа на унинг қамалиб Бутир турмасида ётгани-ю ва на қамоқдан чикқанидан уйдагилар ха-бардор зәдилар. Унинг үлилк-тиригидан қариндош-урұғ ҳам, она ҳам бехабар. Фироқда үртаниб, үз ёғига үзи қовурилган, дардкашсиз! Дарди ҳам ичида.

Хотинларни қамоқдан күтқаришнинг бирдан-бир чораси эрларидан ажралгани ҳақидағи талоқ хати олишлари бұлды. Бу күлфатлардан қутулишнинг бош-қа иложи бұлмади. Вақтингча ажралышга мажбур бұлди-лар.

1920—1930 йиллари қамалғанлар борки, ҳаммаси қамалишларидан аввал хотинлари үzlари билан бирга душман сифатида жазога тортилишларининг олдини олиб, улардан ажралғанлари ҳақида талоқ хатини рас-мийлаштиришга мажбур бұлғанлар.

(30-йилларда Маориф вазирлігіда котиб бұлиб иш-лаган, үша йиллари халқ душмани деб отилиб кетган Асадулла Хұжахонов, Мунаввар қорилар ҳам шундай қылғанлар. Үша талоқ хатлар уларнинг фарзанддары құйыда ҳали ҳам сақданмокда.)

Ватан учун жон фидо қылған, миллатим деб бутун умрини сарфлаган садоқатли бу инсонларнинг гунохи нима? Гунохи аксилинқиlobчилек эмиш. Аксинча, ак-силинқиlobчилек эмас, ҳақиқий инқиlobчилар дейиш ке-рак! Чоризм тузуми ва унинг зулмiga қарши озодлик ва истиқолол учун курашиб, инқиlob қылғанлар фақат ёлғиз большевикларми? Меншевиклар-чи? Кадетлар-чи? Эсерлар-чи? Жадидлар-чи? Туркистан халқлари чоризм зулмiga қарши кураш болшаганларида, бол-шавойлар у ёқда турсин, эсерлар ҳам, меншевиклар ҳам онасининг қорнида ётган зди. Большавойлар у ёқда турсин, большавойларнинг дохийиси Ленин ҳали онаси-дан туғилмаганды. 1865 йилнинг 15 майда генерал Черняев Тошкент шаҳрига бостириб кирганини бол-шевиклар тарихдан яхши биладилар.

Генерал Черняев Туркистондаги босқинчилеклари-ни халқдан яшириб, қонхұрлыгини оқлаш мақсадида,

Тошкентнинг энг эътиборли кишиларидан бўлган мулла Солиҳбек додҳо, Бердивор саркор Себзорий, Файзбойвачча Тошкандий, Мулла Қўшқозоқларни ўз ҳузурига чорлаб:

— Сизларнинг номингиздан Петербургга, подшо жаҳноблари номига, мактуб юборишни лозим топдим, — деб қўйидаги мазмунда ўзи ёзган хатни ўқиб беради:

«Қанча вақтдурким, Фарғона ҳукмдорлари Туркистон аҳлига зулм қилиб келмоқдалар, закот, хирож жуда оғир, олиқ-солик қоидалари бузилган, ноҳақ қонлар тўқадилар, шариатта амал қилмайдилар, уламоларга қулоқ солмайдилар, айниқса, қипчоқ, қирғиз ва қозоқлар кўп зулм кўрдилар. Шу сабабдан, биз халқимиз билан, иккilanmasdan рус аскарларини таклиф қилдик, тики Фарғона ҳокимларидан қутулиш, фуқаролар тинчлигини кўзлаб...»

Ўзи ёзган ушбу мактубни ишонч билан ўқиган генерал, эшитганлар дарҳол биз розимиз, деб қўл қўядилар, дегандек мамнуният билан улардан ижобий жавоб кутади.

Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Жавоб ўрнида орага совуқ жимлик чўкади. Бунга розилик бериш бир ўзигина эмас, халқига ҳам хиёнат, золимларнинг ёнини олишдан бошқа нарса эмас эди. Буни англаган мулла Солиҳбек додҳо қулида қилич яланғочлаб турган жаллодга қарши чиқишдан мурод ҳосил бўлмаслигини ҳам яхши биларди. Шу боис, ниҳоятда доно ва ўз виждонига хилоф бўлмаган йўлни танлаб:

— Биз хатда бўлган воқеани ўзгартирмаймиз. Аммо мен бор ҳақиқатни ёзаман. Яъни: «Руслар Туркистон шаҳарларини жанг-жадал билан эгалладилар. Жумладан, Тошкентни ҳам. Кўп ҳолларда улар кечаси, тусатдан ҳужум қилардилар, ҳеч қандай музокарасиз, ҳеч бир шартсиз (аҳоли учун), ҳамма ерда қаттиқ жанг бўлди, айниқса, Тошкентда, 1865 йил зулҳижжа ойининг уртасидан то сафар ойининг 12-сигача жанг бўлди, шаҳарни 42 кун сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирдилар... Руслар шаҳарга бостириб кирганда, сешанба кундан то пайшанбагача шаҳар кўчаларида жанг борди. Ниҳоят, руслар сулҳ тузишни таклиф этдилар ва шундан сўнг, биз ҳам сулҳга розилик бердик ва сулҳ шартномаси тузилди».

Мулла Солиҳбек додҳонинг ниҳоятда донолик би-

лан рус босқинчилигини фош қилиш мазмунида ёзилган бундай мактуби ижобий жавоб кутган генерал Черняевнинг ғазабини қўзратиб юборади. Аммо у ўз ғазабини қанчалик сездирмасликка ҳаракат қиласин, қилич дастасига беихтиёр бориб қолган қўлларининг қалтираши, унинг ички дунёси, қасос қасдида ёна-ётганини ошкор этиб турарди.

Ғазабини яширомаган генерал Черняев: «Кимки мулла Солиҳбек додҳо тарафдори бўлса, бир томонга ўтсин», дейди.

Мулла Солиҳбек додҳо фикрига қўшилган у бошлиқ етти киши ва бошқалар бир томонга ўтадилар. Генерал Черняев соқчилари ўша заҳотиёқ уларни қуршаб олиб, почта аравасига ташлайдилар. Қаффол ва Дўм деган жойга олиб кетадилар. Орадан кўп ўтмай генерал Черняевга қаршилик кўрсатган мулла Солиҳбек додҳо тарафдорлари ҳаммаси халқдан яширин равишда Томскга бадарға қилиниб, ўша ерларда отиб, йўқ қилинади.

Бу чоризмга қарши Туркистон халқлари кураши нинг бошланиши эди, холос! Аммо большавойларни эса халқларга озодлик берган бизлар, деган даъвоси ортиқча!..

Дукчи Эшон бошлиқ Андижонда кўтарилиган ғалаён, минг-минг бегуноҳ кишиларнинг тўкилган қонлари қайси инқилобдан кам эди!

1916 йилда Жиззахда кўтарилиган халқ ғалаёни, бу ҳам Туркистон халқларининг рус босқинчилигига қарши бошланган қонли курашлари давоми эди-ку, ахир!

Эндиғина дунёга келиб, қонга ботирилган Туркистон Мухторияти учун бўлган курашлар, булар ҳаммаси қайси инқилобдан кам эди!

Судланувчи Убайдуллахонининг инқилоб ва муҳторият, истиқдол учун курашгандар ҳақида инкор этиб бўлмас тарихий далиллари суд ҳайъати аъзолари орасида пичир-пичир бошланишига сабаб бўлди. Ғазабга келиб ўрнидан дикка турган суд раиси қўнғирорини кетма-кет чалиб:

— Судланувчи Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, сафсатани бас қилинг, акс ҳолда суд мажлисини тұхтатаман, — деб дўқ ура кетди. Үнга жавобан Убайдуллахўжа ғазаб билан:

— Мени гуноқкор санаб суд қиляпсизлар, гунохимни айтайми, йўқми? — Убайдулланинг бу гапи гўё у гуноҳларини бўйнига олаётгандек, суд раисини бир оз ўйлатиб қўйди-ю, унга сўзини давом эттириш имконини берди:

— Мен адвокатман! Адвокатни ишонтирадиган бирдан-бир таянч бор. У ҳам бўлса, аниқ далиллар ва мантиқ. Ҳа, мантиқ! Ишонтиарли сўз! Одам ўлдирганни ҳам дарҳол гуноқкор санаб бўлмайди. Уни жаллод, деб дарҳол хукм чиқармоқ хато! Ҳатто оқлаш ҳам мумкин. Ҳа, худди шундай. Бунинг учун қонун ҳакамларида мантиқقا етадиган фахм-фаросат, илм бўлмоғи зарур.

Жангчи душманини енгиш учун ўқ отади. Ватанинг ҳимояси учун одамни ўлдиради, ўлдирса фозий бўлади, ўлса шаҳид! Бу жиноят эмас, қаҳрамонлик. Ҳалқ баҳти, озодлик учун курашганлар-чи? Булар гуноқкор эмас, асл фарзанд саналадилар.

Хуш, шундай бўлса, ўз эрки, ўз ватани, истиқдол учун рус империяси тузумига қарши курашганлар нега душман саналсин! Бу қайси адолатли давлат қонунида ёзилган!

Туркистон Мухториятини қонга ботириб, уни барбод этиб, ўн минглаб бегуноҳ, қари-қартанглар, гўдаклар қонини тўккан, хонадонларига ўт қўйиб, кул тепа қилганлар жиноятчи бўлмай, бу шафқатсизликка қарши курашган ҳалқ, унинг фарзанди — мен, наҳотки, жиноятчи бўлсан!

Бу аччиқ ҳақиқатларни эшитган суд раиси қўнгирофини чалишни ҳам унугиб, жаҳл билан столни урди. Ҳайъат аъзолари судни тўхтатиб, чиқиб кетишга ҳозирлангандек, бирин-кетин ўринларидан тура бошладилар.

Суднинг адолатсизлиги ва совет давлатининг айни маҷилик ва зўравонлик сиёсатини билган Убайдуллахон ёзувчи Короленконинг маориф министри Луначарскийга ёзган хатини эслади. «Совет чекистлари ба-лоғатга етмаган 14—16 ёшли ёш болалару қизларни душман ҳисоблаб, ушлаган жойларида, қабристонга олиб бориб терговсиз, судсиз бўйинларига тўппонча тираб кечқурунлари отиб ташламоқдалар. Уларнинг ҳалқоб бўлиб ётган қонларини итлар чапиллатиб ичаётганини, эрталаб қабристон ёнидан ўтганлар кўриб тур-

салар, Совет давлатини шу йўл билан тиклаймизми?..» каби даҳшатли воқеаларни эслаб у ўзига шафқат қилинмайди, деган хуносага келди.

Бунга қатъий ишонган Убайдуллахўжа суддан кечирим сўровчи айбордor сифатида эмас, балки тарих олдида бор ҳақиқатни айтиб, қолдиришни бурч деб билди.

Шўро ҳукуматининг раҳбарларига қамоқдан ёзиб юборган шикояти мабодо етган бўлса, суд эмас, балки Убайдуллахўжа устидан улар ҳукм чиқарармикан?! Балки! Суд тўхтатилганича жим! Убайдуллахўжа қамоқнинг яккахонасида... Суд, хабар келгунча ўлим жазосига ҳукм қиласа-чи?

Орадан маълум фурсат ўтар-ўтмас, Убайдуллахўжа хаётида мўъжиза рўй берди. Онасининг худога қилган нолалари етибми ёки ўзи ёзган очиқ хатлар сабаб бўлибми, дилни тилка-пора қилувчи қамоқхона эшигининг ногаҳон шарақлаб очилиши унинг хаёлини бўлиб юборди. Бу сафар Бутир турмасининг эшиги озодикка очилиб, 1920 йил декабрининг қаҳратон соvuғида у қамоқдан озод қилинди. Қандайдир мақсадда ўша куни, у билан бирга қамалган дўсти Илёс Алқин ҳам қамоқдан чиқарилиди!

Иккалалари бир-бирлари билан кучоқлашиб куришдилар. Бағирларига сингиб кеттудек бўлдилар. Ахир, булар қамоқхонанинг айрим-айрим хоналарида ушланган бўлиб, бир-бирларининг тақдирларидан бутунлай бехабар эдилар. Кўришганларига ишонмагандек тикилишдилар. Бу қувончиими, ҳайратмиди ўша дамда, буларнинг ҳолатини англаш мушкул эди. Балки бу, энди қаёққа бордик, дейишнинг аломатидир?! Буралаб ёғаётган қор остида хаёл билан қамоқхона дарвозасидан узоқлашдилар.

Қаёққа борсинлар? Қаёққа!.. Қаёққа?.. Ҳақиқатдан ҳам қаёққа борсинлар? Бу уларнинг йўл тополмаганликлариданмиди? Йўқ! Йўқ! Булар, ахир ватани бўлиб, ватанидан айрилганлар эдилар-ку!

Ўзларининг гулдек ватанлари бўлиб, бегона юртларда дарбадар, сарсон-саргардон бўлсалар!.. Йўқ, уларнинг юзларида қамоқдан кутулганликнинг қувончи эмас, ғазаб бор эди. Кўзларида алам ёши бор эди.

Улар қамоқдан чиқарилидилар. Аммо иккаласи ҳам кўзлари боғланиб, дашту биёбон ўртасига ташлаб кетилган одам ҳолатида эди!

Энди бундан сүнгги тақдирлари нима кечади? Нега уларни қамадилар-у, не сабабдан чиқардилар?

Булар иккиси иссиқ күнларда Уфадан құлларига кишин солиб, Москва қамоқхонасига тергов учун олиб келингандыңдар. Мана, ҳозир қаҳратон қиши. Иккиси ҳам енгил-елли кийимда. Ташқаридан бұралаб қор ёғиб ётибди. Устилари юпүн. Туф десанг, ерга тушгунча туфутинг музлайды. Бегона юрт.

Улар Ресей қишининг қаҳратон совуғи азобини ҳам, устлари юпунлигини ҳам сезмас жәндилар! Улар учун қамоқдан қутулиш эркинлиги эркинлик зәмас жәндил. Улар на ноңақ қамалишнинг хүрлік азобларини се-зардилар ва на эрклик қувончини ҳис этардилар. Фа-қатгина уларнинг вужудини әгаллаб олган бир үйгина азоб ўтида ёндириб, бир дақиқа холи құймай қийнар-ди.

Иккаласи қамоқдан чиқарилди! Ҳа, чиқди! Лекин энди үз эрки құлларидами? Қамоқдан чиқдилар-у, Москвасиз бирор ёққа жилиш, үз мақсадларика яшаш эрки үз ихтиёрларидами? Бу, қандай эркинлик?

Түркистон мустақиллиги учун асрларча бұлған кур-рашнинг, нақот, оқибати шу бұлса! Нақот, тутқунлик-дан яна тутқунликка гирифтөр бұлсалар! Үзга юрт-ларда нега қамалишимиз керак? Нега үзгалар бизни қамаши керак? Улар ниҳоятта дарғазаб жәндилар. Уларнинг азоб ва изтиробларининг чегараси йүқ жәндил.

Қамоқдан қутулған икки туркий маңбуснинг қал-бини бұралаб ёғаёттан рус қоридек совук қайғули хаёл-лар үртарди.

Энди нима чора? Нима қилиш керак? Қаерга кет-дик?.. Түркистонга бориб бұлмайды. Жадидлар, мух-торият тарафдорлари бари таъқибда...

Илес Алқин қатый оқанғда:

— Бирдан-бир чора, Ленин ё Сталин билан учра-шиш, — деган қарорға келганини айтди.

Убайдуллахұжа узоқ хаёлга толди. Үз фикрини дар-хол айтишга шошилмади. Бу жуда жиғдий гап жәндил. Алқиннинг бу режаси унга маңқул келмаган жәндил. Розилиги йүқ жәндил. Чунки «Қози дағындар бұлса, арзингни кимга айтасан?» деганларидек, бизларнинг қамали-шимиздан ҳам, чиқишишимиздан ҳам уларнинг хабарла-ри йүқ, деб ким айта олади? Ахир, 1919 йилда Баш-қирдистонга мустақиллік беріб, 1920 йилда унга қар-

ши кураш бошлаб, барбод қилиб, сиз билан биздек мухторият тарафдорларини қаматишга розилик берган шу большевикларнинг ўзлари эмасми?!

Бир томондан Алқиннинг Сталин билан учрашишдан яхши натижага чиқишига умид боғлашига асос ҳам бор эди. Чунки Чор империяси қулагандан кейин миллий ўлкаларнинг давлат тузилиши ва бу халқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қандай бўлиши масаласини ишлаб чиқища Илёс Алқин Сталин ва унинг атрофидағи Стасов, Пятаков, Крестинский ва бошқалар билан бирга бир ярим йилча ҳамкорлиқда биргага ишлашган эди-да! Қадрдан бўлган эдилар-ку! Алқин шуни ҳисобга олган эди.

Айниқса, шу даврда Илёс Алқин москвалик раҳбарлар олдида бошқирди斯顿лик билимдон, сиёсий арбоб сифатида жуда катта эътибор қозонган эди!

Хўш, натижа-чи?! Лениннинг фармонлари, Алқиннинг Сталин билан яқин ҳамкорлиги — мана, оқибатда нима билан тугади?!

Таъқиб!..

Қамоқ!..

Тергов!.. Ҳақорат! Алдов! — Шуни билиб туриб Сталиннинг дўстлигига, ундан нажот чиқишига ишониши...

Убайдуллаҳўжа отаси Асадулла маҳсумнинг сўзларини эслади:

— Кимdir ёлғон гапириб, аммо ёлғончилиги бир вақт очилиб, шарманда бўлганда, мен ҳазиллашган эдим, деб ўзини оқламоққа уринса, бундай одамдан нари қоч! Чунки ёлғон гапиришга одатланмаган одам, ҳазилашиб ҳам ёлғон гапирмайди!

Бир одам ёлғончи бўлса, унга чора бор. Аммо бутун бир бошли давлат ёлғончи бўлса-чи?!

Ўз сўзига амал қилмаган, алдов ва ёлғондан, кўз-кўзга тушишдан андиша қилмаган «эркинлик» доҳийларидан нима инсоф кутиш мумкин?!

Убайдуллахон бу даҳшатли фикрларни кўнгилдан ўтказди-ю адолатсизлик аламида ёниб турган Алқинга ўз фикрини айтишдан кура ҳам, Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг буюк раҳбари Заки Валидийнинг айтганларини эслатишни ўринли деб билди:

— Алқин афандим, ёдингизда борми, жаноб Валидий улар ҳақида нима деган?

— «Советларга, коммунизмга қарши кураш йүлига ўтиб, мен алданмадим... Жоҳил, риёкор диктаторларнинг одамлар тақдири, шахси ва ихтиёри билан бено-мусларча ўйнашишини сезган айрим ўртоқлар, партия орасида қўрқинчли террор бўлиши, бош кўтарилиши ҳақида очиқ сўзламоқдалар. Улар менга ҳам бир куни келиб сизларнинг ҳам бошларингиз кетмасин, деб қўрқаман, деган гапларни айтмоқдалар. Мен бошимни қачон кесар эканлар, деб кутиб турган эмасман, ўлсам ҳам очиқ жангда ўламан!»

Заки Валидийнинг юқоридағи гапларига қўшимча қилиб, Убайдуллахон:

— Сиз улар билан юзма-юз гаплашиб ниятларини билмоқчи бўласиз, бу яхши! Аммо юзма-юз сўзлашмоқ учун Сиз сўзлашадиганларда ҳам юз бўлиши керак, — деган фикрини яширмади.

— Ҳа, топдингиз. Улар билан учрашишдан ниятим ҳам уларнинг ниятларини билиш. Жуда бўлмаса, юзларига туфлаб, хумордан чиқамиз-ку, — деб истехゾ билан кулди Алқин, ўз эрки, ватанидан айрилиб алданган икки дўстнинг аламлари дунёга сифмасди.

Дарҳақиқат, Валидийнинг қўрқмас, мақсадга бургутдек интилевчи, фақатгина чин ватанпарвар айтиши мумкин бўлган юқоридағи сўзлари Алқинни очиқ юзма-юз курашга даъват этиб, куч бағишлаган эди.

Икки дўст Сталин олдига кириб очиқ сўзлашишга аҳд қилдилар. Сталин билан учрашиш олдидан Марказий ижроия қўмита котиби Авел Енукидзе ҳозирча Москвадан ташқарига чиқиш тақиқланган, деган соувук хабарни уларга етказди. Бу ҳам улар учун кутилмаган янгилик бўлди.

Ох, тутқунлик! Тутқунлик! Яна тутқунлик!

## Ўни н ч и б о б

### СТАЛИН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Қамоқда ётган одамнинг бирдан-бир эрмаги, умиди ҳам кўрган туши бўлади. Тушида катта далада чопиб кета туриб, жарликка тушиб кетган бўлса ҳам ёмонликка йўймайди. «Далаларда юрибманми, демак, очиқликка чиқарканман»га йўяди, жарга ағанаганини эслагиси келмайди. Мабодо тушида устига қора нарса

түкилиб кетса буни ҳам ёмонликка йўймайди. Қора нарса устимдан тўкилибдими, бўлди, фалокатларим арибди, энди кетарканман, деб озод бўлишидан умид қиласди.

Убайдуллахон бугун онасини туш кўрди. Онаси нарвон қўйиб қаергадир чиқмоқчимиш. Лекин бирдан нарвон жойидан қўзғалиб, онасини кўтариб кетганмиш...

Убайдуллахон уйғониб кўзини очди-ю, кўрган тушини эслагунча ҳам бўлмай, хаёлида нима учундир одамлар кўтариб келаётган тобут кўрина берди. Кўнгли ғаш тортди. Кўрган тушининг таъбирини уйлагунча ҳам бўлмай, у ётган хонанинг темир эшиги шарақлаб очилиб, адёлга ўралган кўрпа ёстигини орқалаб 17—18 ўшлар чамаси рус йигити кириб келди. Кириб келди-ю, эшик олдида юкини ерга қўйиб қаерга келиб қолдим, бу ким экан, дегандек нима қиларини ҳам билмай гангиги туриб қолди. Гоҳ Убайдуллахонга, гоҳ тўрт томони семон девордан иборат хонага қўйилган бўм-бўш темир каравотга назар солиб, юки қўйган жойида қолиб, ўзи каравотга келиб ўтириди. Хаёлидан нималар кечди бу норасида, баҳтиқаро йигитнинг, бошини икки қўли орасига олганча гапга оғиз очмади.

Қамоқ ҳаётининг ўз ёзилмаган қонунлари бор. Қамоқ хоналарига кириб келган одам, қамоқ шароити шундайки, ҳеч маҳал салом бериб, ҳол-аҳвол сўраб кириб келмайди. Қамоқдаги одамдан, яхшимисиз, деб ҳол сўраб бўладими? Айниқса, КГБ қамоқхонасига тушган одамдан нега қамалдинг, деб сўрашга эҳтиёж бўлмайди. Чунки бу ерда қамалганлар ўғри, савдогар, одам ўлдирганлар бўлсанки, нима билан тушдинг? — деб сўралса! Бу қамоқ сиёсий маҳбуслар учун!

Бу ерга келтирилганларнинг айби нима, нима гуноҳ қилган — уни терговчидан биласан. Қандай гуноҳ қилганинг, нега қамалганингни терговчи айтади. Ё миллатчи бўласан, ёки ҳалқ душмани. Бундай айб бўйнингта қўйилиши учун сен бирор миллатни маломат қилган бўлишинг ёки совет давлатини портлатмоқчи бўлганинг шарт эмас. Икки одамнинг орасида камчиликдан гап очган бўлсанг, шунинг ўзи миллатчилик учун ҳам, совет давлатининг ашаддий душманига чиқарилишинг учун ҳам етарли.

Ҳали соқол-мўйлови чиқмаган бу болани нега қамашди? Миллатчиликда айбланган бўлса, бу рус-ку! Душман десанг, советларга қарши десанг, бу ёш бола нима қила оларди?!

Юкини ҳам олмасдан бошини чангаллаганча ўтирган жойида пиқ-пиқ йифлай бошлади. Убайдуллахон нима дейишини ҳам билмай, ич-ичидан ачинганича узоқ ўйга ботди. Нима қилгандинг, деб сўраб бўлмайди. Чунки нима гуноҳ топганини терговчи айтади.

Бу ёш йигитнинг йифисига Убайдуллахон чидаб ўтиролмади. Таскин бериш йўлини излаб, ахийри:

— Ўслим, қамашганига кўп бўлдими? — деб сўради. Бола тўлиб турган экан, жаҳд билан:

— Йўқ! Йўқ! — деб йиги аралаш жавоб қайтарди.

Убайдуллахон унга таскин бўладиган бир гап ўйлаб топгунича ҳам бўлмай, темир эшикнинг туйнугидан назоратчи овқат узата бошлади.

— Богдановский — бери! — Богдановский олишни истамаган эди, назоратчи: — Бери, — деб тақрорлади.

Бу қамоқда овқатни рад этиш ҳам мумкин эмас эди. Бу ҳам норозилик ҳисобланарди. Бола уйида кўрмаган пачоги чиқиб кетгаи товоқдаги бўтқани олди-ю, орадан бир оз ўтгач, бир қошиқни оғзига солиши билан кўзига ёш қалқиб келиб, томоғидан ўтмади.

Убайдуллахонни боланинг кўз ёшлари эзib юборди.

Бу бола озиб-тўзиб, ранги кеттанилиги, соchlарининг олинганидан яқин кунларда қамалганга ўхшамасди. Унинг аҳволини кўриб ачинганидан Убайдуллахон:

— Ўслим, бу ерда овқат емасликни иложи йўқ! Ўзингни олдириб қўйма! Ҳа! Терговчиларнинг бир бурда нон билан, бир маҳал сувга боғлаб қўядиган вақтлари ҳам бўлади.

Кейин:

— Қамашганига кўп бўлдими? — деб сўради.

— Уч ой...

Бу бола бечоранинг шунчалик тергов қиладиган «туноҳи» нима экан?

Убайдулла ўйланиб:

— Уч ой бўлган бўлса, ўзингни қийнама, ёш экансан, қўйиб юборишади... Қаерликсан?

— Тошкентдан.

— Тошкентнинг қаеридан?

— Шайхонтаҳурдан.

— Шайхонтаҳурдан? Буни қара-я! Ҳаммаҳалла эканмиз! Кимларни танийсан?

Йигит ўзига дардкаш топғандек бир оз чехраси очилиб:

— Мұхаммадхоновларни биласизми? Ўша күчада турамиз.

— Қайси Мұхаммадхоновлар? Кимини танийсан?

— Ҳибзиiddин Рамзиiddинович билан бирга ўқиганман.

Бу гапни эшитган Убайдулла уйидагилардан хабардор одам топилғандек қувониб:

— Танийман, дегин? Нима гаплар?

— Уни тоғасини ҳам қамашган экан.

Бу гапни эшитиб, Убайдулла шошганча:

— Тоғаси ким? — деб сұрамоқчи бұлди-ю, бу ерда танишларнинг номини тилга олиш хатарлы эканлиги, билиб қолишиңа, сенга құшиб айбдор қилишлари мумкинлигини үйлаб, Ҳибзиiddиннинг ўша қамалған тоғаси ўзи эканини айтмади. Гапни бошқа ёққа буриб:

— Мен катта ёшли одамман. Булардан душманлик чиқади, деса биров ишонади. Сени.. Қани... сенда нима гуноҳ бўлиши мумкин?

Бола қўзига ёш олиб, йифи аралаш:

— Бизнинг институтда дарсдан кейин ҳар куни ярим кечагача қўсакчувиттиришиб, дарс тайёрлашга вақт қолмасди. Унинг устига катта зал совук. Бармоқларимиз қонаб кетди. Биз ўқишга нимага кирдик, ўқишгами, қўсак чувишгами? — дегандим. Қамалған куним терговчи шундоқ деганмисан? — деб сұради. Бу тўғри гапда нима гуноҳ бор экан, деб — ҳа, дедим. Энди мени Шўроларга қариссан, деб айбдор қилмоқчи.

— Шундай дегин! Шундай дегин Шундай дегин!.. — Убайдулла бу боланинг бутун умри хазон бўлганига ачинди. Чунки бу даргоҳнинг рўйхатига бир марта тушган одам абадул-абад таъқибдан қутулмайди.

— Нимам мани душман? Уйда битта онам! Отам ўлган...

— Йиглама, ўғлим!.. Йиглама! Чиқиб кетасан! Қандай модда билан айблашди?

— 64-модда дейди. Бу нима?

Убайдулла бу модда билан қамалганга неча йил берилишини билса ҳам, болани юпатиб:

— Яхши, бир ўзинг гуноҳкорсан. Мабодо шу гапимда палончи-палончилар ҳам бор эди, деганингда, гурӯҳ бўлиб, бунга ҳам яна 66-моддани қўшарди!

— Неча йилга қамайди?

— Мен адвокатман! Сени қамаш эмас, ҳатто қаматмасдим!

— Сизни нега қамаши?

— Эй, мени қўябер, ўлим! Менга қара, сен бу гапларни қаерда айтган эдинг? — Убайдулланинг хаёлига дарҳол у билан бирга ўқиган Ҳибзиiddин тушди. Борди-ю, у бу гапларни айтганда, палончи-палончилар билан Ҳибзиiddин ҳам бормиди? У нима деди, — деб ўсмоқчилади Убайдулла.

— Ҳибзиiddип ўшанда, қариндоши ўлиб ўқишга келмаган эди. — Бундай жавобни эшитган Убайдулла Ҳибзиiddиннинг бу гап устида бўлмаганидан қувонган бўлса ҳам, ўлим ҳақидаги гапни эшиттиб, худди нинага ўтириб олгандек ўрнидан сакраб турди... Ким булиши мумкин? Хаёлига кекса онаси билан отаси келди:

— Ким экан у вафот қилганлар? Билмадингми? — шошиб сўради.

— Билганим йўқ. Мени ўша куни қамоқقا олиб кетишганди.

Убайдуллахоннинг ҳозирги ҳолатини тасаввур этиб бўлмасди. Наҳотки, ота, она билан дийдор кўришиш энди насиб этмаган бўлса!

Вафот этган — Убайдулланинг онаси Тўхтахон эди. Она-болага бир-бирларини дийдорини кўриш насиб этмади. Она болага интизорлик билан оламдан ўтди.

Она шу йилнинг қор бўралаб турган декабрида дағн этилган эди.

Ўлим дарагини эшитган Убайдулла ўтирганча пешонасига муштлари билан ура бошлади.

Унинг бундай ҳолатини кўриб, ҳайрон бўлган, уининг дардидан бехабар Павел:

— Нега сизни қамашган, балки чиқиб кетарсиз? — деб тинчлантироқчи бўлди.

Убайдулла ғазаб билан, худди Павел билан уришган одамдек:

— Нега, дейсанми? Нега?! Бу ерда нега деган гап бўлмайди! Хоҳласа қамайди! Хоҳласа отади! Хоҳласа қиради! Сени, ўғлим, нега қамашган бўлса, мени ҳам шунга!

Шундай деди-ю, лекин қўнглида бу йигитнинг тақдирига ачинди. Бу адолатсизликлар сабабларини, авлодлар бошида такрорланмаслигини ўйларкан, нима учундир Афанди латифасини эслади:

Улфатлар гурунгида Афанди мақтаниб аравани қуруқ олиб қочган экан, гапининг ёлғонлигини сезиб қолганлардан бири:

— Афанди, бу гапинг ёлғон-ку, — деса, Афанди:

— Фақат рост билан иш битириб бўладими? — деб ҳазилга олибди.

— Ёлғонинг билиниб, шарманда бўлишдан кўрқмайсанми? — деган экан, унга ҳам жавоб топиб:

— Рост билан ёлғонни ажратишга ҳамманинг ҳам фаҳми етавермайди...

— Борди-ю, фаҳм етиб қолса-чи!

— Унинг фаҳми етгунча мен отимни қамчилаб, қиласдиган ишимни қилиб оламан, маррага етиб оламан, — деб бунга ҳам жавоб қайтариби:

— Қўлга тушиб қолгудек бўлсанг-чи? — деган экан, Афанди хаҳолаб кулиб:

— Соддасан, сода! Ёлғон топилмайдиган матаҳми!..

Убайдулланинг хаёлига келган бу латифа, Сталин билан учрашувда бўлган сұхбатни ёдига солиб қўйди...

Бутир турмасидан чиққан Убайдуллаҳўжа ва Илёс Алқинлар Сталин билан унинг иш куни тугагач, ярим кечада Кремлдаги уйида учрашдилар. Бу вақтда Сталин миллий ишлар бўйича халқ комиссари эди. Сталиннинг бу вазифаси моҳияти тагида нима борлиги, у билан учрашиш олдидан Убайдуллаҳўжани бир файлласуф, ҳуқуқшунос сифатида ўйлатиб, ташвишга солган эди.

Миллий ишлар?

Миллий ишлар нимадан иборат бўлиши мумкин? Тўғри, ҳар бир давлатда ўзининг маориф, соғлиқни сақлаш, мудофаа, ички ишлар каби вазирликлари, комиссарликлари бўлади. Аммо миллий ишлар вазири деган нарса жуда камдан-кам учраган. Аксарий давлатларда бундай комиссарликлар ёки вазирликлар

бўлмаган. Аммо Совет давлати вужудга келган биринчи кунданоқ бутун эътиборни икки вазирликка — миллий ишлар комиссарлиги билан давлат хавфсизлиги комиссарлигига қаратади. Бундан мақсад нима?! Нега мунча?!

— Туркистон Мухторияти барпо бўлгандан сўнг, — деб ўйлади ўзича Убайдуллахўжа, — бизларда ҳам турли-турли вазирликлар тузилди, аммо миллий ишлар ёки миллий масалалар билан шуғулланувчи вазирлик тузилгани йўқ-ку! Чунки бунга зарурат бўлмаган, яхлит, мустақил битта туркий давлат бўлгандан кейин, ўз халқининг тақдиридан ўзга яна қандай миллий масала бўлиши мумкин? Ҳар миллат ўз тақдирини ўзи ҳал қиласа, ўз эркига эга бўлса, давлат томонидан шундай ҳуқуқ берилган бўлса, бошқалар унинг тақдири билан шуғулланишларининг нима кераги бор? Ёки бу большавойларнинг миллатларга ғамхўрлигими?

Бунинг яхши ниятда қилинмаганидан Убайдуллахон ўзича хулоса чиқарган бўлса ҳам, бу фикрини Илёс Алқинга айтиб, ошкора қилишга шошилмади. Илёс Алқиннинг Сталин билан учрашиш таклифига дарҳол розилик бермаганига мана шу муаммолар ҳам сабаб бўлган эди. Большевикларнинг ниятлари холис эмаслигига қатъий ишонган эди. Хўш, чиндан ҳам қатъий ишонган бўлса, нега Сталин билан учрашмоқ бўлди?!

Убайдуллахўжа масалага енгил қарайдиган, рост билан ёлғонни фарқ қилмай, ишониб кетаверадиган одамлардан эмас эди. Чор ҳукуматининг унга энг хавфли одам деб қараб келганлигининг сабабларидан бири ҳам шу эди! Бугун Сталиннинг уни қабул қилишдан мақсади ҳам шундай хавфли саналган одамнинг фикрларини яна аниқроқ билиб олиш эди! Убайдуллахон Сталин билан учрашишга розилик беришининг сабаби эса Совет давлатининг миллий ўлкаларга муносабатини Сталиннинг ўз оғзидан эшлиш эди.

Мабодо большевикларнинг миллий масалалар билан қизиқишларидан мақсадлари — ҳали сенлар ёш жумҳурият, атрофда Англия, Олмония каби капиталистик мустамлакачи давлатлар бор, у сенларни босиб олиб, яна қуллик занжирларига солишлари мумкин,

дейдиган хайрли ниятда бўлса ва бу меҳрибонлик са-  
мимий бўлса, унга минг-минг раҳматлар. Борди-ю, худо  
кўрсатмасин, шундай хатар туғилди дейлик, ундан тақ-  
дирда, большевикларми ёки бошқа босқинчи давлат-  
ми, қайси бири инсофлироқ бўлишига ким кафолат  
беради?

Ундан кўра энг тўғри йўл, ҳар бир халқ, ҳар бир  
миллатни ўз эрки, ўз ҳолига қўйиш маъқул эмасми!  
Биров босиб олмасин, деб ғамхўрлик қилган бўлиб,  
бир халқни ўз ихтиёрига қўймай, ҳукмронлик қилиб  
тепасида туриш бунинг ўзи қайси босқинчилидан кам?  
Ҳали ҳеч ким босиб олмасидан гумон билан кимнинг-  
дир босқинчилигидан сақлаб қолиш учун, эндиғина  
ҳурриятга эришган Туркистон Мухториятини ёки Бош-  
қирдистонни қонга ботириб, тинч халқни қирғин  
қилишининг большевикларга нима зарурати бор эди?

Ёки бу ҳам миллий ишлар бўйича халқ комиссари  
Иосиф Жугашвили — Сталиннинг миллатларга ғамхўр-  
лигининг натижасими?

Ахир, қадим Туркистонда миллат деган атама ёки  
Қирғизистон, Ўзбекистон деб алоҳида-алоҳида дав-  
латларга ажратиб аташ бўлмаган. Ҳаммаси Турон ёки  
Туркистон деган битта ном остида юритилган. Туркий  
халқлар бир оила, бир миллат бўлиб яшаган. Миллат-  
га ажратилмаган.

Ахир, ҳеч маҳал олим ва шоирларимиз ҳозиргидек  
фарёд кўтариб миллат қайғуси ҳақида ёзмаганлар. Аср-  
лар бўйи муҳаббат, дўстлик, қаҳрамонлик, инсоний-  
ликни куйлаганлар.

Туркистон халқлари Чор империяси томонидан бо-  
сиб олиниб, «сарт», «баран» деган ҳақорат, камси-  
тишлар пайдо бўлгандан кейин, миллатни куйлаш адаб-  
иётда авж олмадими? Ҳа, шундай бўлди!

Миллатни куйлаган қўшиқлар, миллат дарди билан  
тўла шеърий китоблар чиқиб, драмалар ёзила бошли-  
ди. Улар миллатни илм-маърифатга, чоризм зулмига  
қарши курашга, ғафлатдан уйғонишга даъват этди.

Фақат асарлар эмас, миллат манфаати учун кура-  
шувчи зиёлилар, илғор миллат вакиларидан иборат  
ташкилотлар ҳам «Миллий истиқдол», «Миллий итти-  
ход» деган номлар билан атала бошлиди.

Тўлмаган нарса тошмайди! Шамол бўлмаса, дарахт-

нинг боши қимиirlамайди, деганларидек, қарама-қаршилик бўлмаган жойда курашга эҳтиёж ҳам бўлмайди.

Совет давлатида Сталин бошлиқ миллий комиссарликнинг тузилиши бу ҳар қандай одамни ўйлатмай, кўнглига хавотир солмай иложи йўқ эди. Совет давлатининг биринчи кунларидан икки комиссарлик бунёд этилиши ва бунга асосий эътиборнинг қаратилиши, мутлақо бежиз эмас эди. Убайдуллахоннинг назарида, бу икки комиссарликдан бирининг вазифаси мустақилликка эришган халқларда уйғонган миллий қурашлардан сиёсий хато топиб бериш бўлса, иккинчиси, Совет далватининг миллий сиёсатига душман сифатида уларни жазолаш вазифасини бажаришдан иборат эди.

Сталин билан учрашишдан олдин Убайдуллахўжанинг кўнглидан кечган бу фикрлар ва бу жумбоқнинг сиру асрори, Сталин билан юзма-юз учрашган вақтдаги суҳбат чофида тўла аён бўлди.

Сталин бу икки «Бутир»ликларни очиқ, чехра ва меҳрибонлик билан, ўз қадрдонларини учратгандек, қарши олди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Сталин булар иккисини яхши танирди. Илёс Алқин билан, ахир, бир неча йил миллий масала устида Москвада бирга ишлашган бўлса, Убайдуллахўжани Туркистон Мухториятининг раҳбарларидан биригина эмас, инқилобдан илгарилари ҳам Русия учун хавфли шахс, эл орасида таниқли, обрўли кишилардан бўлганлигини яхши биларди.

Сталин булар билан учрашганда қамалган ёки қамоқдан чиққан маҳбуслар сифатида эмас, гўё буни билмагандек, икки мустақил давлатнинг вакиллари билан учрашгандек муомалада бўлади. Гапни уларнинг соғлиқ-саломатликларини суриштирмасдан, келажакдаги режаларини сўрашдан бошлайди. Орага совуқчилик тушмаслиги учунми, нега қамалди, ким чиқарди, бу ҳақда оғиз очишмас, аксинча, гапни бошқирдистонлик арбобларни москваликлар билан яқинлаштиришдаги Илёс Алқиннинг хизматларидан мамнунлиги ва миллий масалаларни Москвада ишлаш давридаги қўшгаи катта ҳиссаси учун миннатдорчилигини изҳор қиласди.

Сұхбат улардан үзини баланд қўймасдан, иноқлик руҳида үтади. Буларга Сталин ҳатто ички туйғулари, үзининг ҳаётида бўлган нуқсону армонларини ҳам яширмай айтишга ишонадиган дўстлар сифатида мунносабатда бўлади. Сұхбат давомида жуда хотиржамлик билан трубкасини тутатиб, катта бир ташвишдан қутулгандек:

— Ёшлигимда мен ҳам миллатчи бўлганман, мана энди, ундан батамом қутулдим. Сизлар-чи? — дегандек ўртага гап ташлайди. Буларнинг кўнглига қўл сола бошлайди.

Нега бирдан ҳе йўқ, бе йўқ, миллатчилик ҳақида гап очиб қолди? Бунинг тагида нима бор, бу нимага ишора? Бу билан Сталин нима демоқчи? Нега бир оғиз Туркистон Мухториятининг тақдири, унинг қонга беланиш сабаблари ҳақида гап очмади? Хабари йўқмиди? Нега тепасида ўзи турган бу қирғиндан хабари бўлмасин!

Ҳозир Сталинни булар эмас, фожиалардан бу икки раҳбарнинг чиқарган хуросалари, келажақдаги режа, ўйлари қизиктиради.

Сизларни нима учун қамадик, нега қамоқдан озод қилдик, бундан тўғри хуроса чиқариб тавбаларингга таяндилирингми, йўқми? Бизнинг қудратимизни сездиларингми? Ё ҳали ҳам «Туркистон Мухторияти», ўз миллатинг учун курашни ўйлаб юрибсанларми? Умрларингни миллат деб қамоқда ўтказмоқчимисанлар? Ёки менга ўхшаб миллат деган нарсадан бутунлай қутулмоқчимисанлар, — деган нарсани билиш уни қизиктиради?!

Нима бўлса ҳам бу яхшилиқдан дарак эмас эди. Албатта, бу Лениннинг: «Ким биз билан бирга эмас, демак, у душман», — деган шиорининг давоми эди. Булар билан бирга бўлиш учун Истиқлолдан ҳам, энг даҳшатлиси миллатнинг тақдиридан ҳам, озодлигингдан ҳам, ҳатто ўз фикрингдан ҳам кечишининг керак!

Сталиннинг миллат ҳақида гап бошлишидан шундай хуроса чиқарган Убайдуллахон унинг гапи давомини кутгандек, дарҳол бир фикр билдиришга шошилмайди. Жим қолади. Аммо Илёс Алқин ҳе йўқ, бе йўқ, Сталиннинг миллатчиликдан сўз очишидан нияти

нимә эканини сезгани учунми, ўша ондаёқ қатый қилиб:

— Унутадиган менинг нарсам йўқ! — деб ўз фикрини билдиради. Агар гап шундай бўлса, унда Сиз билан орамиз очиқ, деб кетадиган асабий ҳолатда ўтирган жойидан қўзғалиб, Сталиндан сўз кутгандай унга тикилади. Айтилган бу жавобга, Сталин дарҳол муносабатини билдирмаса ҳам, мийифида кулиб қўяқолади.

Сталин ўз фикри, режаларини ошкор қилмай, пинхон сақлашни афзал қўрадиган шахс эди.

Орага совуқ жимлик тушади. Шунинг учун бўлса керак, сухбат узоқ чўзилмайди. Чунки Сталиннинг «Миллатчиликдан қутулдим» дейиши ва Алқиннинг «Мен ҳали миллат ташвишидан қутулганимча йўқ» деб ўз фикрини очиқ билдирганидан сўнг, икки томоннинг қараашлари, учрашувдан мақсадлари ҳам бир-биралига аён бўлиб қолган эди.

Сталиннинг бу икки миллат вакилларини қамоқдан чиқариб ўз хонасида қабул қилишдан мақсади ҳам уларнинг совет ҳукуматининг ҳозирги сиёсатига муносабатларини билиш эди. Демак, бу маълум бўлди. Ҳамон иккаласи ҳам Истиқлол тарафдори. Демак, иккаласи ҳам миллатчи! Совет ҳукумати билан бирга бўлиш ниятлари йўқ. Демак, Совет сиёсатига қарши. Сталинга шу керак эди. Сталиннинг бу қўришувда чиқарган хulosаси шу бўлди.

Икки томоннинг ҳам кузаттан мақсадлари бир-биралига аён бўлгандан кейин ортиқча савол-жавобга ўрин қолмаган эди.

Сталиндан бир садо чиқмагани учун улар ўзларича гап очмадилар. Булардан бир садо чиқмагани учун Сталин ҳам индамади. Ўртага тушган совуқ жимликни орадан кўтариш учун Сталин шишадаги гуржи шаробини мақтаб-мақтаб қадаҳларга қўйиб, ясама хурсандчилик билан бу учрашувдан мамнун кишидек меҳмонларга узатди.

Озод республикалар иттифоқи учун қадаҳ кўтаришларини таклиф қилди. Илёс Алқин: «Озод ва мустақил Республикалар учун кўтарайлик», — деб қўшимча қилди.

Убайдуллахўжа қадаҳни олди-ю, лабига ҳам текизмай қўйиб қўйди. Сталиннинг бунга ҳайроплигини

күргач, бугунги учрашувдан олган хунук таассуротларини яширин сақлаш мақсадида ёки кулги учунми, ичмаслигига сабаб қилиб отасининг «Ичган мастдан, ичмаган маст ёмон» деган гапини айтib берди.

Сталиннинг ичмаган одам қандай маст бўлади, деб сўраган саволига жавобан:

— Ичиб маст бўлган одам, эртасига ҳушёр тортади, афсусланади. Аммо ичмаган мастни асло ҳушёр қилиб бўлмайди. Ичмаган мастрлар, булат миллатининг дарди, муҳаббати билан маст бўлган одамлар. Булатни ўз йўлидан қайтариб, ҳушёр қилиш мушкул. Ичмаган мастнинг ёмонлиги шунда! — деган гапни айтади.

Ўртадаги нохушлик кулги билан қутарилгандек бўлади. Гарчанд ўртада кулги бўлган бўлса ҳам, бу билан Убайдуллахўжа миллатдан кечиб бўлмайди, деган кўнгилдаги ниятини пайтини топиб Сталинга билдириб қўйишни ҳам кўнглига тутиб қўйган эди.

Кишилар билан суҳбатда ниҳоятда камгар ва камсукум, ўзининг айтишича, миллат қайфусидан қутулган Сталин сиртдан самимийдек кўринган майин табассум билан ўша куни кечаси ўз машинасида уларни кузатади. Улар Кремлдан чиқиб, халқ комиссарларининг пре-чистенкадаги ётоқхонасидан икковлари учун ажратилган алоҳида хоналарига жойлашадилар.

Вақт тонгга оға бошлади. Қиши бўлгани учун ҳали атроф зим-зиё. Сталиннинг кўнглига мизфиш ҳам сифмай, қандайдир хаёллар оғушида хонасида у ёқдан бу ёққа безовта юради. Ҳатто жиринглаган телефон овозвини эшитмади. Ёки сўзлашибни истамадими, олмади. Аммо қайтадан қилинган телефонни вазминлик билан қўлга олиб, кимнингдир гапига узоқ қулоқ тутди. Телефонни қўйиш олдидан «Суҳбатлашдим, уларнинг қони қўшилмабди. Соғ бўлинг, Феликс Эдмундович!» деганидан Дзержинский билан сўзлашгани маълум бўлди. Телефондаги гапдан маълумки, Дзержинский Убайдуллахонлар билан бўлган учрашувнинг натижасини билмоқчи эди.

Сталин билан «самимий ва меҳрибон» ҳолатда ўтган учрашувнинг эртаси куни икки дўст нонуштани бирга қиласидилар. Туни билан хаёл оғушида салқиган қовоқлари, киртайган кўзларидан улар безовта ухлаганиллари куриниб туради. Чунки кечаги учрашувдан сўнг

кўнгиллари ниҳоятда фаш эди. Сталиннинг бадгумонлик билан, ўсмоқчилаб ўртага миллат ҳақида гап ташлаши, иккисини жиддий ўйлатиб, қатъий хуросалар чиқаришга мажбур қилган эди.

Убайдуллахон қадрдан дўсти Илёс Алқиннинг кечаги учрашувдан олган таассуроти, Сталиннинг гапидан чиқарган хуросасини аниқ билиш учун унинг елкасига қўл ташлаб, сиртдан ҳазилдек туюлса ҳам, юзида заҳарли ханда ва ички алам билан:

— Шундай қилиб, Илёс Алқинович, «Йўқотадиган нарсам йўқ» денг!

Алқин Сталиннинг кечаги маккорона муносабатидан ҳамон ғазабга тўлиб турган эканми, бу ҳазилни жиддий қабул қилиб:

— Миллатдан бошқа манинг нима бойлигим бор! Албатта, миллатдан бошқа ҳеч нарсам йўқ! — деган жавобни қилди-ю:

— Сен ўзинг-чи! — деб унга тикилди.

Унинг ғазабли, аммо ниҳоятда жиддий жавоби ва миллатга бўлган чексиз муҳаббати, фикридаги бундай қатъийлик Убайдуллахонни ниҳоятда қувонтирганидан уни қучоқлаб бағрига босди. Ўпди! Лекин Убайдуллахоннинг бу меҳрибонлиги Алқинни қувонтира олмади. Алқин Сталин билан учрашув таъсиридан асабий ҳолатда бўлгани учунми, Убайдуллахоннинг ниятини англамади.

Рахбар одамлар орасидаги бир-бирига ишончсизлик ва макр, риё жонига теккан Алқин, гарчанд, дўстининг ёмон ниятда айтмаганига шубҳа қилмаган бўлса ҳам, бу ҳозир унинг кўнглига сифмаган эди. Аммо Убайдуллахон яна уни қучоқдади:

— Сталин билан учрашганимиз бу, аслида бизнинг фойдамизга бўлди, дўстим! Уларнинг ниятини ошкор билиш ва уни бизлар билишимиз, худонинг марҳамати-ку! Бу бизларни келажакда нималар қилишимизга, бундан буён эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишимизга йўл очди. Сиз билан мен бугун қамоқдан қутулдик. Бу вақтингчалик! Ҳа, вақтингчалик! — шундай деди-ю, бир нарсасини йўқотиб, уни излаган кишидек, ҳаракати ўзгарди. Айтадиган гапини тополмагандек, қўлларини ҳаракатга келтириб:

— Энди Лениннинг ҳам, Сталиннинг ҳам бизларга

ишонмаслиги ошкор бўлди. Аммо бу ниҳоятда даҳшатдан дарак беради. Ҳали бу ишончсизлик миллатларнинг шўри бўлмаса! Энди фақат сиз билан мен эмас, «миллатчи», «Шўрга қарши» деган тамға остида Туркистон раҳбарларини яна қамаш бошланмаса! Уларнинг нияти даҳшатли, дўстим! Чора излаш керак! Чора! — Шундай деди-ю паст бўйли, табиатан серҳаракат Убайдуллахон, турган жойи торлик қилгандек, у ёқдан-бу ёққа асабий бориб-кела бошлади. Илёс Алқин унга жавобан нимадир демоқчи бўлган эди, шу кунларда Москвада бўладиган конгрессга келган Туркистон Миллий бирлиги жамиятининг раиси Заки Валидий, буларнинг қамоқдан чиққанлари, Сталин билан учрашганларидан хабар топиб кириб келади. Гап бўлинади.

Сочи силлиқ тараалган, ниҳоятда озода кийинган Заки Валидий бир-икки йилдан бери бир-бирларидан узоқларда яшаб, кўришолмаган қадрдан дўстлари билан энди дийдор кўришиш насиб этганда, қучоқлашиб-омонлашиш ўрнига дабдурустдан:

— Озодикка бутунлай чиққанларинг, илоҳи омин, рост бўлсин! — деб гап бошлади.

— Илоҳи омин! — ҳаммалари фотиҳага қўл очдилар. Аммо Убайдуллахон фотиҳага қўл очди-ю, «бутунлай» деган сўзининг тагида нима бор: қай маънода айтилганига аниқлик киритиш учун:

— Бутунлай чиққанимизга, тақсир, шубҳангиз борми?

Заки Валидийнинг табригини кинояли тушуниб, ҳайрон бўлган Илёс Алқин:

— Нима гап, афандим, бир гап борми яна!

Заки Валидий буларнинг галига заҳарханда билан кулди:

— Бошқирдистон мустақиллиги учун большевиклар билан дўстлашиб натижা нима бўлди? Бошқирдистон мустақилиқдан маҳрум бўлди! Сизлар-чи, озодликдан! Тақдирингиз шуларнинг қўлида бўлса, табиийки, бу қама-қамалар умумий қатли омнинг бошланиши бўлмайдими!

Заки Валидий бу гапларни бекорга айтмаган эди. Унинг асосли далиллари, ишончли маълумотлари бор эди.

Күчадан келиб, нафасини ростлаб ҳол-ақвол сұраш ўрнига дабдурустдан дарғазаблик билан айтилган бу гаплар Убайдуллахонни ҳам, Алқинни ҳам бир дам ҳайронликка солиб қўйди. Бир-бирига тикилиши. Буларнинг орасида ёши каттаси Убайдуллахон эди. Унинг ёши улуғлигига риоя қилмай, Заки Валидийнинг дабдурустдан қилган бундай муомаласи Убайдуллахоннинг иззат-нафсига теккандай:

— Заки афандим, Сиз ўйлаганча, бизлар учун бу кутилмаган янгилик эмас... Аксинча, сиз бундай оғатдан қутулиш ва қандай чора топишимизни айтсангиз, янгилик бўларди!

Убайдуллахоннинг бу гапи гўё унинг фикри тасдиги, ҳамдардликдек туюлди-ю, Валидий юзидаги дарғазаблик, қалбини ўртаётган алам сўниб, бир меҳрибонлик билан русчалаб:

— Сколько волка не корми, всё равно смотрит в лес! Бизнинг айбимиз — большевикларга ишонганимиз! Алдандик. Убайдуллахўжа, сиз айтгандек эндиги бирдан-бир чора, Туркистаннинг мустақиллигини ўйлаш. Большевиклар босиб олишидан сақлаш!

Кечаги учрашувдан, Сталиннинг маккорлигидан тун бўйи азоб чекиб, дарди ичига сифмай турган Илёс Алқин Заки Валидийнинг сўзини бўлиб:

— Биз алданганимиз йўқ, ақвол мажбур қилди... Хабарингиз бор, Ленин қўл қўйган шартномада «Бошқирдистон ички ҳамда иқтисодий ишларда тамомила мустақил, жумҳуриятда коммунизм қуриш мажбурий эмасдир», — деб ёзилган эди. Бунга ишонмай бўлармиди?

Илёс Алқиннинг риё ҳақидаги бу дардли гаплари Насриддин Афандининг ёлғон билан одамларни лақиллатиб иш битиришини Убайдуллахўжанинг ёдига солиб қўйдими, у:

— Кураш!.. Фақат кураш! Бошқа йўл йўқ! — деган қатъий фикрини билдириди. — Алданиб армон билан яшагандан, курашиб хумордан чиқиш афзал эмасми!

Убайдуллахон қатъий қилиб шундай холосага келганда, нималарни назарда туттан эди?! Аммо бу жуда мушкул, дарҳол бирор жавоб айтиш қийин бўлган муаммо эди.

Заки Валидий ҳам, Илёс Алқин ҳам узоқ хаёлга

толищди. Русиядек буок бир мамлакат билан жанг қилиш?!. О, бу осонми?.. Ёки Ленин билан Сталин раҳбарлик қилаёттан большевиклар қўлига ўтган Совет давлати билан муросага келиш!.. Бу ундан ҳам хавфли! Кечагина Бошқирдистонга мустақиллик берган, бугун ҳалқнинг кўзига қараб айниганд, ўз сўзидаи қайтган Лениннинг Туркистонга бундан кейин мустақиллик ваъда қилишига ишониб бўлармиди? Шундай хаёлларга чўмган Заки Валидий:

— Мұхтарам Убайдуллахўжа, айттанингиздек бошқа чора йўқ, ё муроса, ё жанг! Лекин сиз қонуншунос, адвокат, рус сиёсатини ҳар томонлама билган кимсасиз. Ўз мулоҳазангизни айттанингизда нималарни эътиборга олдингиз, бу менга қоронғи. Аммо жангми, муросами? Қайси йўл тўғрилиги, қайси фикрингизга амал қилиш маъқуллигини айтишдан илгари ва сизга ишонарли бўлиши учун Ленин билан бўлган мулоқотларимдан чиқарган хulosамни айтай:

Москвада бўлиб ўтган VII Советлар Конгрессидан кейин, Ленин мени ҳузурига чақирди. Албатта, Ленин бекорга чақирмаган. Ҳиндистон либерали Мухандар Партолнинг Ҳиндистон озодлик кураши ҳақида ёзганларини менга ўқишига бериб фикримни билмоқчи бўлди. Бу киши ҳам Шарқ ва Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаётини мусулмон бўлмаган ҳиндлар манфаатидан келиб чиқиб текширган. Лекин Советларнинг бу соҳада нима ишлар қилишлари кераклигини билишга интилган...

Сталин билан учрашувдан кейин ниҳоятда асабийлашган Убайдулла билан Алқиннинг бу гапларнинг бизга нима кераги бор, дегандек қарашларини сезган Валидий:

— Буни батафсил айтишимдан мақсад шуки, Убайдуллахўжа, Сизнинг «Фақат кураш» деган таклифингизни тўғри танлашимизга ёрдам берармикан, демоқчиман. Ҳинднинг ёзганларини Ленин нечун менга берди? У қандай мақсадни кузатган? Фақат бу эмас, Шарқий Осиё ҳақидаги бир-икки маъруzasини ҳам ўқиб чиқишини менга таклиф қилди. Ҳўш, Ленин ўзига ишонмасмиди? — у Убайдуллахўжага назар ташлаб: — Убайдуллахўжа, мен буларни, сизнинг «фақат кураш» деган фикрингизга ишонарли бир далил келтириш мақсадида айтмоқчиман, холос! Лениннинг ўз маърузала-

рини менга ўқитищдан мақсади шундаки, ҳиндаларнинг қай йўли бизларга маъқул, қай бири маъқул эмас. Кураш йўлими, муроса йўлими? Шу орқали менинг қарашларимни маккорона билиб олишдан бошқа нарса эмас эди! Менинг хulosам шуки, советлар билан муросага келиб, сулҳ тузилган тақдирда ҳам, уларга тўла ишонч йўқ! Сўзларига қаттиқ суюниб бўлмайди!

Унинг гапларини эътибор билан эшигтан Убайдуллахон миннатдорчилик билдириди:

— Демак?! Кураш! — Яна нимадир демоқчи эди, аммо кутилмаганда ҳарбий кийимда кириб келган одам Илёс Алқинга яқинлашиб, унинг номига ёзилиб муҳрланган пакетни қўлига топшириди.

Хатни ўқиган Алқин, гўё атрофида ҳеч ким йўқдек, уни қўлида ушлаганча узоқ хаёлга толиб, жим қолди. Ниҳоят:

— Сталин чақирибди, — деган бир оғиз сўзнигина айтди, холос! У, ўзича Сталин билан учрашганларига ҳали орадан кўп фурсат ўтмай, нима сабабки, яна кўришмоқни кўмсаб қолган? Ёки миллатчилик масаласида гап кетгаңда, «Менинг унутадиган нарсам йўқ», деган жавобимнинг тагига етмоқчими? Ҳарҳолда хайрликка бўлмаса керак, деб ўлади.

Алқиннинг узоқ ўйга толганидан сабр косаси тугаган Валидий:

— Нега чақирилганингни айтибдими?  
— Йўқ!..

— Нега чақирганидан қатъи назар, астағфуриллоҳ, ёмон ният қилмай, — деди Убайдуллахон, — чақиргани яхши бўлибди.

— Яхши бўлибди?!

— Яхшилиги шуки, нима ҳақда гап бўлмасин, қандай шарт қўйиб, марҳамат кўрсатилмасин, унинг биронта ваъдасига ишонманг! Чақиргани яхши бўлибди.

Валидий бу сўзларни қувватлаб, қўшимча қилди:

— Нега қамаганлари маълум. Аммо нега озодикка чиқардилар, буни ўйланг! Мен «бутунлайми?» деган гапни бекор айтмаган эдим. Ҳа, у билан учрашганингизда бор гап ёдингизда бўлсин, Илёс!

— Бегуноҳ одамларни қамаб, эртасига дўстлигига ишонтироқчи бўлган, шармандаларча юзи, виждони чида, риё қилган мунофиқларга, азизим, ишонч йўқ! —

Убайдуллахон бу сўзларни жон куйдириб, оддий Убайдуллахон бўлиб эмас, худди суд залида бегуноҳ одамни ҳимоя қилаётган адвокатдек жиiddий оҳангда сўзлади.

Кутимаганда Сталиннинг чақириши, буларни жиiddий ўйлатиб қўйган эди. Сталиннинг нимага чақиртиргани кейинчалик маълум бўлди. Аммо унинг тагига етгунча, Туркистон миллий озодлик ҳаракати учун куршаётган бу уч кишининг ейиш-ичиши, ётар-турарида ҳаловат бўлмади. Бемалол кўнгил очиб холи гаплашиш, келажак ишлар ҳақида келишиб олиш учун кечагина қамоқдан чиқиб ётганлари ҳукуматнинг меҳмонхонасида имкон йўқ эди. Чунки ҳаммалари яширин таъқиб остида эдилар.

Заки Валидий Москвада яшовчи татар қардошлиридан бирининг уйи бехавотир эканлигини айтиб, шу ерга боришини таклиф қилди. Шу кунларда Москва буларга душман назари билан қараб, ҳар бир қадамлари назорат остида бўлганлиги учун Валидий ўзи таклиф қилган жойга якка-якка бориш маъкуллигини таъкидлади. Валидийнинг бу маслаҳатини эшитган Убайдуллахон нима учундир қотиб-қотиб кула бошлади.

— Мана, сизларга мустақиллик!.. Мана, бизларга эркинлик, ўз инсоний ҳуқуқига ўзи эга бўлиш! Ҳозирданоқ эркин сўзлаш, ҳатто эркин юриш ҳуқуқи бизларда йўқ! Бу ҳукумат олиб бораётган сиёсатнинг асл қиёфаси эмасми? — Илёс Алқинга қараб: — Сталин билан бўладиган сұҳбатнинг натижаси шундан маълум эмасми?!

— Бу энди табиий, Убайдуллахўжа! Чунки мустақиллик учун курашишимиз қатъий эканлиги большевикларга, Ленинга аниқ маълум бўлдими, демак, аёнки, биз уларга душманмиз! Бизлар истиқдол тарафдори, Ленин эса бунга қарши! Демак, Лениннинг назарида, бизлар у билан бирга эмасмиз. Холоса, истиқдол тарафдорлари ҳаммаси қамалади. Алқин билан Сиз, Москвада ҳозирча озодсиз, эртага эса!.. Аниқроқ айтсанам, ҳаммамиз қочқинмиз! Наҳот, пешонамизга ёзилгани шу! Наҳот?!

Улар ўзларининг қаерда эканликлари, борадиган жойларини ҳам унугтиб, баҳсга киришиб кетдилар.

Булар ҳозир, катта ниятларда сафарга чиқиб, йўлда

қароқчиларга таланган кишилар ҳолатида эдилар. Айниқса, Лениннинг ўша кунлари чиқарган декретлари шафқатсиз эди.

1918 йил 9 августда Ленин «Қулоқлар, руҳоний ва оқ гвардиячиларга қарши кенг кўламда шафқатсиз оммавий қатли ом (террор) бошлаш учун ишончли ва садоқатли кишилардан алоҳида қисмлар тузиб, шубҳали одамлар ҳаммаси концлагерга ташлансин» деб чиқарилган Декретга қўл қўяди.

— Бундан хулоса шуки, — деди Заки Валидий фикрини давом эттириб, — факат қурол кўтариб Советларга қарши чиққанларгина эмас, ҳаттоқи самимий мақсадда ўз фикрини билдирганлар ҳам душман саналади. Концлагерларга юборилади. Демак, азизларим, бизларнинг жойимиз тайин. Бу ниҳоятда даҳшатли! Ақдинг борида этагингни ёп дегани.

Убайдуллахон қўшимча қилди:

— Ленин, руҳонийлар деб кимларни назарда тутган? Демак, энг ақленини таниган ўзбек зиёлилари, уламолар борки, қирилади! Бу Декретдан кутилган бирдан-бир мақсад шу.

Ленин қўл қўйган куннинг эртасига ёқ Русияда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, тилга олиб сўзлашда тил куядиган ваҳшиёна отиш, ўлдиришлар, оммавий қирғинлар бошланиб кетади.

— Наҳот, тақдиримиз шу бўлса! Наҳот, шунча йиллик хатти-ҳаракатларимиз натижаси дорга осилса!

— Икки душман давлат урушганларида, бир-бirlарини аёвсиз қирғанлар. Лекин тарихда ҳеч бир подшо ўз халқини душман санаб гўдакларигача қатл этган эмас!

Убайдуллахоннинг аламли бу гапларини эшитган Заки Валидий:

— Бу раҳмисизлик ақлга сифмайди! Бу қирғин ёвдан ватанини асраш учунмас! Бу қирғин ўз халқи қўлидан ҳокимиятни олиш учун! Яккаҳокимлик!..

— Дунёга ҳокимлик.

— Лениннинг ияти шундай! Бошқа эмас!

Убайдуллахон муштини беихтиёр муштига уриб, кўз-ойнагини отиб юборгудек шиддат билан қўлига олиб:

— Мана, бутун фожианинг негизи! Ахир, Лениннинг ўз сўзларини эсланг! Мана, у нима деган: «... Шу

вақтгача қайсики инқилобий партиялар ҳалокатта юз туттан бұлса, фақатгина үз ожизликтарини айтишдан құрқанлықларидан, бизлар эса ҳеч маҳал ҳалок бўлмаймиз, чунки бизлар үз нуқсонларимизни айтишдан қўрқмаймиз...» Қани, бу сўзларга амал қилингани! Қани, бошқаларнинг фикрига самимий қулоқ солиш! Бизларни қамашлари бу сўзларга амал қилишганиданми?!

Қадим-қадим замонларда подшолардан бири ақл ва билимдонлиқда менга тенг келадиган йўқ, деб ҳисоблаб үзини кўрсатиш учун вазирларига юртдаги барча соҳадаги энг доно кишиларни суҳбатига чақиришга фармони олий берибди. Олиму фузало, шоиру шуаро, ҳакиму ҳукамо, хуллас, юртидаги үз соҳасининг ном чиқарган, элга машҳур кишилари борки, барчасини жамлабди. Ҳар бир иштирок этувчига истаган фикрини айтиш ҳуқуқини берибди. Голиб чиққанларга мукофотлар ваъда қилибди.

Савол-жавоб бошланибди. Биринчи галда подшо гапни илмда ечилмаган, жамият ишларида ҳал қилиш мушкул-мураккаб, деб үзича ўйлаган масалалардан бошлабди. Не кўз билан кўриб, не қулоқ билан эшиг-синки, не-не чалкаш саволлар бермасин, йифилгандарнинг ҳар бири таҳсин-қарсакларга сазовор бўлиб, подшонинг саволларига жавоб бераверибди.

Голибларга олий мукофотлар, совға-саломлар ваъда этган подшо үзининг илмда ҳам, тадбиркорликда ҳам ожизлиги, ношудлигини сезиб, вазирлардан бирини чақирибди-да, қулоғига нимадир деб шивирлабди. Вазир қуллук қилиб чиқиб кетибди. Савол-жавобда иштирок этганларнинг юзларида эса мукофот илинжида қувонч акс этаётган экан. Бир оздан кейин ҳалиги вазир қайтиб келиб, подшо ёнида қўлидаги қофозга қараб голиблар номини айтиб, уларни бирма-бир зиёфат хонасига таклиф эта бошлабди... Соатлар ўтибди, кунлар ўтибди. Улардан дарак бўлмабди. Зиёфатга таклиф этилганларнинг биронтаси кирган хонадан қайтиб чиқмабди. Чунки уларнинг бир-бир ҳаммасининг боши олинган экан.

«Биз үз нуқсонларимизни айтишдан қўрқмаймиз...» деган Ленин, амалда үз нуқсонларини очиқ айтиш эмас, нуқсонларни эшитишни ҳам истамади, эшитиш у ёқда

турсын, айтилишига ҳам йүл қўймади. Подшо-ку са-  
вол-жавоб қилиб, олимлардан енгилгандан кейин, улар-  
ни ўлимга буюрган.

Ленин-чи?! Лениннинг подшолардан фарқи шу  
бўлдики, унинг савол-жавоб қилиб ўтиришга ҳам саб-  
ри етмади. Кўз олдидағиларни эмас, халқ ичидаги обру  
қозонган илмилар, билимдан руҳоний, бой, оқ, гвар-  
диячи дейилган кишилар борки, орқаворотдан душ-  
ман деб ҳукм чиқариб, кўзига қўринган, қўлига илин-  
ганин сургун қилди, қамади, йўқотди.

— Хулоса?

— Хулоса дейсизми?!

Убайдуллахон, жавоб қилиш ўрнига, ичиб турган  
чойини жаҳл билан сепиб ташлаб, столга шундай ур-  
дики, чил-чил бўлган идишнинг дастаси қўлида қолди.

Бундан дўстлари ранжимадилар. Чунки ҳаммаси  
ҳозир шундай ҳолатда эдилар — хулоса эмиш-а!..

Убайдуллахоннинг ҳозирги ҳолатидан таажжублана-  
ниш ўрнига Заки Валидий «Қайнаган нарсанинг оғзи-  
ни ёпиб бўлмайди, у портлайди. Албатта, алданган одам  
агар ўша алдовчи ёнида бўлганда эди, ёқасидан олиши  
табиий эди». Бу билан Валидий мен ҳам шундай қилар-  
дим, демоқчи эди.

Дарҳақиқат, буларнинг ҳар бири ҳозир шундай  
руҳий ҳолатда эди.

1920 йилнинг қаҳратон қишида уч дўст қор бўра-  
лаб, изғирин увлаб турган Москва кўчасига чиқди-  
лар. Алқин Сталиннинг таклифига кўра Кремлга бора-  
диган бўлди.

Қани, Сталиннинг олдига кетган Алқин яна қандай  
мужда олиб келар экан?!

Бу уч дўстнинг тақдирлари шунга боғлиқ бўлиб  
қолган эди.

## Ўн биринчи боб

### ХИЁНАТ

Бутири қамоқхонасида қутулиб, Сталин билан  
бўлган юзма-юз учрашувдан кейин, Убайдуллахоннинг  
бирдан-бир нияти, қанот пайдо қилиб, амаллаб тез-  
роқ ҳали тинчимаган она юрти Туркистонга етиб олиш

эди! Сталин билан учрашувга кетган дўсти Илёс Ал-қиннинг келишини бесабрлик билан кутарди-ку, аммо кунгли ғаш эди. Туркистон халқари манфаатига фойдали унинг бирор қувончли хабар олиб келишидан умиди йўқ эди. Ахир, қандай хушхабар олиб келиши мумкин! Ахир, мана Совет ҳукуматининг Инқилобдан кейин ҳукмронлик қила бошлаганидан бери уч йилдан зиёда фурсат ўтди. Халқ нима рўшнолик кўрибди? Қайси ваъдалари амалга ошди?

Қўқондами, Уфадами? Қаерда? Фақат қон тўкиш!.. Фақат қон!.. Қон!.. Икки дўст, Убайдуллахон ва Заки Валидий уларга ҳукумат томонидан ажратилган маҳсус меҳмонхонадан қаттиқ қиши совуғи бўлишига қарамай Москва кучаларидан биридаги холи топгандари кафега йўл олдилар. Улар таъқиб остида эканликларини билардилар. Ҳаётлари хавф остида эди. Улар енгил кийинган эдилар. Иккаласининг ҳам бошларида шляпа, устларида кимнингдир марҳамати билан то-пилган костюм ичидан бантик тақилган кўйлак, устларида қоп-қора пальто эди.

Йўл-йўлакай Убайдуллахон отасидан эшитган бир ривоятни эслади:

— Дараҳтларни емирадиган ҳайвон дейми ёки жониворми, бўларди. Тишлари билан худди арра билан арралагандек катта-катта мевазор дараҳтларни ағдарди. Қўйиб берсанг, бутун етилган мевали боғларни қириб ташлайди. Кўрган одамнинг жони ачимай иложи йўқ. Лекин кўрганларнинг жони ачишиб, алам қилгани билан, қўлидан бир иш келмагандан кейин, ўтиб кетаверарди. Албатта, ундан қутулиш учун ё унга яраша қопқон қўйини керак, ё бўлмаса, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан пайт пойлаб, шошилмай уни йўқотиш йўлини ўлаш керак. Шундагина ундан қутулиш мумкин. Ана шундагина зада бўлади-ю, изи қирқилади, — дерди. Буни эслашимдан мақсад шуки, — деди Убайдуллахон ёнида совуқдан мўйлаблари музлаб бораётган дўсти Валидийга: — Хўш, Шуро ҳукуматининг бу кемирувчилардан нима фарқи бор? Бизнинг юртимиз Туркистон, деб аталиб келган. Шуролар «Ўзбекистон» деган ном берди. Хўш, бу билан бу ер фақат ўзбекларга даҳлдор, ўзбеклар юрти демоқчи бўлдими? Қаёқда...

Дўсти Убайдулланинг ёниб-уртаниб, алам билан айтган гапларини эътибор билан йўл-йўлакай эшитган Заки афанди гап орасида ўз фикрини:

— Золимлар! Кофирлар! Оҳ, иблислар! Оҳ, иблислар! — деб қисқа-қисқа сўзларда баён этиб борарди. — Несин айтасиз, Убайдуллахон афандим! Қутулмоқ йўлини излашдан ўзга чора йўқ! Гап шул, дўстим, — деб Убайдуллахоннинг елкасидан қучарди.

— Бир мевали дараҳт синса алам қиласи! Бизнинг юртимиз ахир, бу битта боғ ёки битта дараҳт эмас-ку! Ватан-ку! Туркистон-ку!

Убайдуллахон бу гапларни айтаркан, Илёс Алқиннинг қандай хабар олиб келишидан қатъи назар, бутун умидини узиб, бир йўл билан ўз ватанига қайтишга, бу айномаларга қарши кураш чорасини излашга қарор қиласи.

Убайдуллахон хаёлини қора булатдек даҳшатли воқеалар қоплаб олмоқда эди.

Туркистон Мухторияти Советлар томонидан хиёнаткорона қонга ботирилиб, раҳбарлари таъқиб остига олиниб, қатағон қилинган бўлсалар-да, қонга беланиб, ғазабга тўлган халқ ғазотга отланған эди.

Қўқонда тўкилган дарё-дарё қонлар Туркистон ўлласининг ҳамма вилоятларига, ҳатто хонадонларигача сараганди. Мудроқ кўзларни сескантирганди. Ғазабга келтирганди.

Отасидан айрилиб етим қолган фарзандлар, шавқирон ўшда қатл этилиб, фарзандларидан айрилган оталар қўлида ханижар, қўлда болта, қўлларига тош тутган халойиқ, «Озод Туркистон учун, қонга қон», «Золимларсиз Туркистон учун жонга жон», «Болшавийлар босқинидан қутулмоқ учун» шиори остида бутун мамлакат бўйлаб советларга қарши жангга отланған эдилар.

«Ал-қасосул мин ал-ҳақ», «Жон аччиғи — мол аччиғи». Ўз юртига ўзи эга бўлмай, келгиндиларга қўл қовуштириб қуллуқ қилиш аламлари устихон-устихонига сингган халойиқнинг кўзига жони кўринмай қолган эди. Туркистон Мухториятини барбод қилишда тўкилган қонлар большевикларга етмагандек, ўз юртнинг озодлиги учун кўтарилган халқа «босмачи» деган тавқи лаънатни тақиб, шу баҳонада олти ўшдан

олтмиш ёшгача бўлган тирик жонни душман санаб, кўзга кўринган жойда ота бошладилар. Қишлоқларга ўт қўя бошладилар.

Халқимизнинг бошига ёғилган бу офату, бу кўргиликлар Ленин, Сталин қўл қўйиб:

«Сизлар ўз давлатларингиз, ўз ватанингизнинг ҳокимлари! Сизларнинг бунга ҳаққингиз бор!.. Ўз милий ҳаётларингизни эркин, bemalol бошқара берингиз!..» деб эълон қилган ваъдаларнинг амалга ошганимиди??

Дарҳақиқат, инқилобдан кейин Туркистон халқлари ҳаётида нима ўзгарди? Туркистон халқларига Советлар нима берди?

Убайдуллахон Советларнинг Туркистонга қадамлари теккан биринчи кундан, улар қилган олижаноб ваъдалар, нимаики амалдаги иш бўлса, инсоф билан тарозига солиб чиқди.

Советлар Туркистонга мухторият берди!

1917 йил 26 ноябрда Қўқон шахрида Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съезди тантанали очилиб, муваққат ҳукумат таркиб топди:

Тинишпееев — Бош вазир, ички ишлар вазири;

Мустафо Чўқаев — Туркистон мусулмонлар кенгаши Марказий қўмитасининг раиси;

Соломон Абрамович Герц菲尔д — молия вазири;

Убайдулла Хўжаев эса ҳарбий вазир... ва бошқалар. Хуллас, 12 кишидан иборат вазирлик тузилди. Бу эса Советларнинг марҳаматидан.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳукумат таркибига рус, яхудий ва бошқа халқларни киритиш ҳақида съездда қилган таклифи ҳам инобатга олиниб, 12 вазирнинг тўрттаси овруполик аҳоли вакилларидан бўлиши маъқулланди. Байнамилал сиёсатга асосланган инсонпарвар янги бир давлат ташкил топди. Бунинг шарафига карнай-сурнайлар чалинди. Тантаналар, қувончли на мойишлар ўтказилди.

Ундан кейин-чи?! Ундан кейинми?!

Убайдулла ўзига бундай саволни берган сари ёрқин қуёшли кунни қора булат босиб кела бошлагандек, унинг кўзларида қувонч ўрнида вужудини ларзага солгудек бир алам, бир ғазаб алганлана берди. Мухторият қувончи аста-секин халқ, бошига ёғдирилган офат-

га, миллатлар озодлиги, ҳуррият ҳақида кечагина берилган ваъдалар эса риё ва мунофиқликка айланди. Оёққа туриб олгунларича макр ва алдовларга суюниб келган большевиклар Туркистанда ўз қурол кучлари билан қадларини ростлаб олгач, миллий озодлик ҳарататига, Туркистан Мухториятига қарши ошкор ҳужумга ўта бошладилар.

Ленин, Сталиннинг энг яқин ҳамфирларидан бири большевик, Совет комиссари Полторацкий мухториятни барбод қилиш, халқни чалғитиш мақсадида нималар деб вадирамади! Қандай макру ҳийлалар ўйлаб тоғмади:

«Бизлар камбағалларнинг мухториятига қарши эмасмиз. Аммо биз бойларнинг мухториятига қарши миз... Биз мухторият учун курашар эканмиз, ҳокимиятни биз, ишчи синфи ва камбағаллар учун буржуазия қўлидан тортиб олдик... Биз мусулмон меҳнаткашларини ўз тарафимизга қўшилишлари учун ишлаб келдик ва ишлайберамиз!..»

Жаноб Полторацкийнинг Туркистан Мухториятига «садоқати», Туркистан камбағалларига «мехрибонлиги»ни қаранг-а!

Болшавойларнинг бу қилмишлари бир халқни икки тоифага, икки қарама-қарши синфга ажратиб, бирини бирига гижгижлатиб, бирининг иккинчисига гүштини едириб, томошабин булишни исташдан бошқа нарса эмас эди.

Бундан ташқари, Туркистан мустақиллиги учун умр бўйи курашиб келган зиёлилар, илм аҳллари, муллалар, маданият ва савдо ходимлари жаноб большевик Полторацкий назарида, меҳнаткаш халқ қаторига, инсон қаторига кирмайди! Булар гўё мухторият учун курашмаган! Чор истибдодидан қутулишни орзу қилмаган!

Ҳар қандай содда одамда ҳам жаноб болшавойлар, нега энди ўз халқи, ўз юрти турганда, сизлар уни табақаларга ажратиб, ўз томонингизга тортишингиз керак. Ўзининг давлати, ўз юртини идора қиласидан Сиздан бошқа ақли расо одамлар ҳукуматда йўқми? — деган савол туғилмасмиди?

Туркистан халқларини ўз томонларига қўшиб олиш учун не-не найранглар ишлатилмади! Не-не тузоқлар қўйилмади!

Бунинг янги бир исботи шуки, жаноб Полторацкий мусулмон меҳнаткашларини ўз тарафимизга қўшиб олиш учун курашиб келганимиз, деган гапни айтади. Ё тавба!.. Бундан ортиқ шармандалик бўладими?

Убайдуллахон большевикларнинг ҳар бир сўзини, ҳар битта ваъдасини миридан сиригача, ипидан-игна-сигача таҳлил қиласди. Полторацкий: «Биз камбағаллар мухториятiga қарши эмасмиз» дейди. Бу ваъдалар ҳам бутунлай ёлғон экани, мухториятга бутунлай қарши ва носамимий эканлигини Убайдуллахон бир адвокат сифатида мантиқан асослаб, унинг сафдошлидан мисоллар келтириб, фош қиласди.

Большевик Полторацкий мухториятга қарши эмасмиз, деса, Тоболин ҳужжатлардан бирида: «Мухториятни ҳозир амалга ошириш мумкин эмас», — деган гапни айтади.

Большевиклардан қай бирининг гапига ишониш кепрак!

Полторацкий ва жаноб Тоболиннинг сўзлари бутунлай бир-бирига зид, ҳалқни бефаҳм, лақма деб алдашу мунофиқлиқдан бошқа нарса эмас эди. Ҳалқни гангитиб келинди. Кетма-кет алдов, кетма-кет зулм!

Улар бу билан чегараланмади. Бу алдов, бу хоинликлар давом этаверади.

1918 йилдаги советларнинг ўлка съездидаги қилган нутқида, Тоболин: «Биз нафақат Русия ҳақида, балки пролетариат синфи ҳақида қайгурамиз, агар ҳалқ хоҳиш-иродаси бу ўлканинг Русиядан ажралиб чиқишини референдум орқали ҳал этишни истаса, унинг ажралиб чиқиши ҳукуқини сақлаб қоламиш!»

Бу ҳам ёлғон эди. Сақлаб қолганлари — Туркистон Мухториятини қонга ботирганларими? Бу алдовларнинг охири бўладими?

Мана, бошқа ҳалқларга большевикларнинг олижаноб марҳаматлари!

Мана, «ҳукуқини сақлаб қоламиш!» — деб сақлаб қолганлари! Дунёга жар согланлари!

Авваламбор, нега, сиз сақлаб қоласиз? Нега унинг ҳукуқи сизларнинг қўлингизда булиши керак?

Чиндан ҳам большевиклар ҳар бир ҳалқнинг озодлигига, тақдирига бедахл бўлса, нега уларни ўз ихтиё-

рига қўйиб бермай, ундай қилса, бундай қилса, ундай бўлади деган буйруқ оҳангидаги муносабатда бўлишлари керак?!

Туркистон Мухторияти хиёнаткорона қонга ботиррилгандан кейин, ҳалқ орасида «большавой» деганинг маъноси нима, деб сўралганда, — большавойнинг маъноси — алдаш, ёлғон, — дейиладиган бўлди.

— Одамнинг кўзига тик боқиб, ёлғон гапириш учун, юзга чарм қоплаб олган бўлиш керак, бўлмаса юз чидамайди, ёлғончининг юзи ўнта бўлади, — дейди ҳалқ.

### Р и в о я т:

Икки биродар бир-бирлари билан маълум бир вақтда учрашишни ваъда қиласилар-у, аммо улардан бири ваъдасининг устидан чиқмайди. Орадан вақт ўтиб учрашганларида, унга:

— Ваъда қилинган жойда ёмғир ёғишига қарамай, хўп сени кутдим, тайининг қолмабди, келмадинг, — деса, у:

— Эй, оғайни, тишим оғриб туни билан ухламай чиқдим, ухлаб қолибман, — деган жавоб қиласди. Аммо буларнинг гапига қулоқ солиб турган танишлардан бири:

— Бунинг баҳонасига ишонма, гапи ёлғон. Тиши бўлса, оғрийди-да, тишлари ясама, қўйма, — деган экан.

### Яна бир ривоят:

Харидорлардан бири сотувчига:

— Молинг ёмон чиқса, нима бўлади? Қарғайман, — деса, сотувчи ўша заҳоти унга:

— Болаларим бор, болаларни ҳақи ёлғон гапирмайман! — дебди. Бу жавобни эшиштганлардан бири:

— Унинг гапига ишонманг, гапи ёлғон. Бола у ёқда турсин, ҳали уйланмаган, бўйдоқ, — деб уни шарманда қиласди.

Дарҳақиқат, Советлар ҳам ҳар куни турли хил товланадилар. Кечагина: «Мухториятни ҳозир, зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас!» деган большавойлар, кейинчалик рухсат бериб, озодлик, мустақиллик ваъда қиласилар. Орадан кўп ўтмай, юқоридаги ваъдаларидан айнийдилар. То-

болин, Туркистон үлкаси ишчи-деҳқонлардан иборат Совет ҳокимиятини тан олиб, унга қўшиладими ёки ажралиб чиқадими, — буни референдум йўли билан ҳал қилиш керак, — дейди.

Халойик буига ҳам ишонмайди. Аслида, большевиклар референдумнинг ҳам амалда ўтказилишини истамас эдилар. Чунки кўпчиллик ҳалқ албатта советлардан ажралиб чиқишини, мухторият учун овоз беришни ҳис этардилар. Лекин бу йўлини ҳам тутмоқ бўлишларидан мақсад эл олдида, жаҳон олдида ўзларини демократ қилиб кўрсатиш, ўзлари мустаҳкамланаб олгунларича ҳалқни алдаб, босиб туриш, борди-ю, мақсадлари амалга ошмаса, акс ҳолда, зўравонлик ва ҳарбий кучларга иш тутиш эди.

Большевикларнинг шартлари бўйича Туркистон Мухторияти бўлиши учун, пролетар давлати тузиш учун референдум ўтказиш керак экан. Ўтказилди ҳам дейлик, ундан кейин-чи?! Борди-ю, камбағал пролетариатлар мухториятни ва ажралиб чиқишини қўллаб-қувватлаб, ёқлаб чиқсалар-чи? Советлар уларнинг талаби бўйича, мана энди ўз эркларинг ўзларингда, деб ўз ихтиёrlарига қўйиб, Туркистонни ташлаб, қизил аскарларини бу юртдан олиб чиқиб кетармикинлар? Намойишчилар ўқقا тутилмайдими? Бу жуда яхши!

Лекин Советлар референдум ўтказишга рухсат этмаслариданоқ бундан хабар топган бутун ўлка бўйлаб ҳамма вилоятларда оммавий намойишлар, ҳалқ йигинлари бошланиб кетди. Убайдуллахон Намангандага 100 мингдан ортиқ кишилар кўчаларда йиғилгани, Тошкентнинг жоме масжида Мунаввар қори, Шерали Лаптинлар ва бошқалар иштирокида 60 мингдан ортиқ ҳалойик йиғилганини билади. Бундан ташқари, ҳалойик кўчаларга, Оқмасжиқ томонгача чўзилиб кетган жоменинг ҳовлисую томларигача чиқиб кетган эди. Қўлларида «Яшасин мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати» деган ёзувлар, байроқлар кўтарган намойишчилар, Туркистон ҳукуматидан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни тан олмасликка қарор қабул қиласидилар. 60 мингдан ортиқ йиғилганлар «Омин, Оллоҳу акбар» деб фотихага қўл очиб, қасамёд этадилар.

Шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмидан жуда

кўпчилик «Туркистон ўлкасига мухторият» шиори, байроқлар билан, ҳатто рус жамоатчилиги вакиллари мусулмонларни табриклиш учун Шайхонтаҳур масжиди томон оқиб кела бошлидилар.

Намойишга мусулмонлардан ташқари, руслар, яхудийлар, арманлар, большевиклардан бошқа турли турли ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг вакиллари қатнашадилар. Айниқса, Чор Русиясининг зулмини татиган халқлар, энди большевикларнинг тузогига илиниб ўз эркларидан маҳрум бўлишни истамасдилар. Эрклик олган халқларнинг баҳти билан ўз баҳтларидан қувонардилар. Ўзбек халқининг мухториятга эришганини шунинг учун ҳам табрикламоқда эдилар. Улар ўзбеклар қатори ўзларини халқ комиссарлари деб атаган большевикларнинг хатти-ҳаракатларидан норозиликларини билдиришди.

Намойишчилардан бирининг:

— Туркистоннинг ери — бизнинг танимиз, суви — қонимиздир... Кимда-ким бу иккисига тегадурғон бўлса, бизнинг танимиз билан қонимизга тутулғон бўлажак, — деган ҳайқириғи, бу бир одамнинг эмас, юз минглаб одамларнинг тилларида такрорланиб момақалдириқдек бутун ўлка бўйлаб ёйилиб кетди. Халқнинг қасамидек гуруллади.

Туркистон ўлкасининг ҳамма жойларида бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари номидан қуйидагича қарор қабул қилинади:

— «Биз мусулмонлар синф ва даража айрмаларига қарамасдан (бу большевик Полторацкий ва Тоболлинларнинг бир халқни бой, камбағал, буржуазия деб бўлиб, хато қарашларига билдирилган эътиroz эди), Туркистон мухториятини олқишилаган ҳолда, Туркистонда вужудга келган халқ ҳукуматини ва Туркистон халқи тарафидан бир оғиздан баён этилган тилакларига ҳамда бирга истиқлол йўлида қадам босища ва ўз кунимизни ўзимиз кўрабошлишда ёрдам этар...

Шунга имон келтирган ҳолда, Туркистон ҳукумати атрофида жипслалиб, муваққат ташкилотларни душманларча муомала қилувдан сақланишга... тинч-тотувликни сақлашга даъват этамиз... Бугундан эътиборан ҳур бўлган Туркистоннинг бир тӯғон каби халқларимиз орасида гуноҳсиз қони тўкилмасин!

Яшасун мухториятли Туркистон!..»

Мана, советлар ҳокимияти талаб қилган референдумга Туркистон халқдарининг берган ижобий жавоби!

Ундан кейин нима бўлди?

Ундан кейин халқ, чиндан ҳам Мухторият, ҳуррият ва истиқдол тарафдори эканига советлар ишониб, тан бердиларми?!

Бундан ортиқ яна қандай қилиб халқнинг фикрини билиш мумкин эди? Большевиклар бунга қандай жавоб қайтардилар?

Убайдуллахон большевикларнинг намойишдан кейин қилган жавобларини эсларкан, қоп-қоронғи тубсиз жарлик ёқасига келиб қолгандек, юрагини ваҳм қопларди. Большевиклар, намойишчиларнинг талабини халқнинг фикри дея қабул қилиш ўрнига, буни советларга қарши исён деб баҳолаб:

«Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб ҳисоблансин, бошлиқлари қамоққа олинсин!» деб буйруқ чиқарадилар.

Мана, халқ фикрига амал қилиш! Бу буйруқнинг биринчи қурбони яна Убайдуллахон бўлган эди. Бу буйруқ умумий қатли омнинг бошланиши бўлди. Буйруқ чиққан кундан кўп ўтмай Тошкентнинг Ўрда кўприги олдида намойишчиларни ўққа тута бошладилар. Раҳбарларни қамадилар. Қўлга тушмаган Садриддин аълам ва бошқалар чет элларга қувғин қилиндилаар.

Хуллас, ундан кейин? Ундан кейинми? Сўзламоққа тил бормайди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати халқ бошига тушган бундай ноҳақликлар, қонхўрликлардан додга келиб, умид билан Сталинга мурожаат қиласилар:

«Тошкент Халқ Комиссарлари Советига, ҳокимиятни Туркистон Мухторияти ихтиёрига топшириш тўғрисида фармойиш беришингизни сўраймиз. Бу билан Сиз, жуда катта фалокатга олиб келувчи анархия ва қўш ҳокимиятчиликдан қутқарган бўлардингиз».

Сталинга юборилган бу мурожаат сўнгги умид ва сўнгги чора эди. Бошқа илинж ҳам қолмаган эди. Бу даврда Совет ҳокимияти анчагина мустаҳкамланиб,

оёққа туриб олган, узининг ички душманлари Колчак, Деникинларни тор-мор этиб, унча-мунча кичик үлкаларнинг додларини писанд қылмайдиган мавқега эга бўлиб қолган эди. Минг дод солгани билан қўлидан ҳеч нарса келмаслигига амин эди. Бу Сталиннинг уларга қилган жавобида жуда аниқ ифодасини топган эди.

Унда:

«Совет комиссариатини истамасангиз, қўш ҳокимият Сизга маъқул бўлмаса, уни куч билан йўқота оласиз», — дейилган эди.

Ё тавба! Куч биланмиш! Қайси куч билан? Қандай куч билан!

Чўлпоннинг қалбидан:

*Халқ деңгиздир, халқ тўлқингдир, халқ кучдир,*

*Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...*

*Халқ қўзғалса, куч йўқдирким, тўхтатсан!.. —*

каби газабнок сатрлар отилиб чиқади.

Қўқон Мухториятининг ички ишлар вазирлигини йўқ қилиш, халқнинг қўлидаги қуролларнинг ҳаммасини топшириш ҳақида советларнинг буйруғи чиққандан кейин халқнинг қўлидаги теша, кетмондан бошқа нарсанинг ҳаммасини тортиб олинганлигини била туриб, бундай жавоб қайтариш! Энди бу, қўлингдан келганини қил! Кучинг бўлса қани, бизга кўрсат-чи! — деган зўравонлиқдан бошқа нарса эмас эди!

Сталиндан шундай жавоб бўлишига Убайдуллахоннинг имони комил эди.

Ундан кейин-чи?

Убайдуллахон Сталин билан иккинчи маротаба учрашувга кетган Илёс Алқин келгунча, совет давлати пайдо бўлган 1917—1920 йиллар орасида Туркистон кечирган фожиа ва адолатсизлик, алдов ва ёлғон, қирғин ва қамоқ, қатағону оғатларни кўнглидан ўтказаркан, советларнинг бу мудҳиш хиёнатларидан бошларини деворга ургудек ҳолатга тушган эди.

Убайдуллахон Бугир қамоқхонасида сўроқ қилган Совет терговчисининг: «Ёлғон учун жазо бор, ростини айт», деган сўзини эслайди. Совет раҳбарларининг бундай алдовлари учун уларни ким жазолайди! Ким суд қиласиди?

Келажак! Фақат келажак!.. Буларни ҳалқ олдида очиқ суд қилиш керак-ку! Қилинур!

Убайдуллахоннинг бу аламли хитобарини ким эшитарди!

Дардларини ичига сифтиромаган Убайдуллахон, ҳовурини босиш учун бўралаб ёғаётган қорга қарамай, кўчага отланади. Кутимагандан ит етаклаган одамга дуч келади-ю, чўчиб нима учундир умрида чапанича сўкишни билмаган Убайдуллахон оғзидан дарғазаблик билан айтилган «қанжиқ» деган сўз отилиб чиқади. Бу, уни чўчитган итга нисбатан айтилдими ёки хаёлида жамланган кимгadir бўлган нафратининг сиртга қалқиб чиқишиимиди, билиб бўлмас эди.

Гарчанд ўйлашни истамаса ҳам, унинг вужудига сингиб кетган «Ундан кейин-чи? Хўш, нима бўлди? Энди нима бўлади?» — деган савол ҳамон хаёлига хукмрон бўлиб, уни қийнарди. Аслида, Сталин билан бўлган учрашув ва большавойларнинг «Туркистон Мухторияти раҳбарлари қамоққа олинсин!» деб чиқарган фармонларидан кейин, энди нима бўлади? — деган саволга жавоб излашга эҳтиёж ҳам қолмаган эди.

Айниқса, Лениннинг мустақиллик истаган ҳалқларга нисбатан: «Бундай ҳалқ душманларига, социализм душманларига, меҳнаткашларнинг душманларига раҳм-шафқат бўлмаслиги лозим... Бойлар ва уларнинг ювиндихўрлари билан, буржуа зиёлилари билан ҳаёт-матомот жангига бормоқда...

Бу борадаги ҳар қандай заифлик, ҳар қандай тебраниш, ҳар қандай пачакиланиш социализм олдида улуғ жиноят бўлади!» — деганлари Убайдуллахоннинг «Энди нима бўлади? Қандай бўлади?» — деб қийналиб ўйлаган саволларига аниқ жавоб эди. Демак, эртаси нима эканлигини Убайдуллахон яхши биларди!..

Жиноят деб нимага айтилади? Жиноят саналган нарса, ахир жазосиз қоладими? Йўқ, албатта!

Ленин айтган зиёлилар ким? Сиз билан биз — зиёлилар! Демак, бизларнинг тақдиримиз аён — сургун, қамоқ, қочқинлик... Дарбадарлик!.. Аммо ҳалқимизнинг келажак тақдирлари-чи?!

Ахир! Ё алҳазар!.. Октябр тўнтариши бўлгани, шўро ҳукумати бутун ҳокимиятни қўлга олгани 17-йилдан

бери тўрт йил вақт ўтди. 1921 йилга қадам қўя бошладик. Уч-тўрт йилдан бери, инқиlobнинг биринчи кунидан, жазолашни бошладик. Уч-тўрт йилдан бери отот, қама-қама, жазолаш, сургун!..

Кимни? Зиёлиларни! Кимни? Бойларни! Яна кимларни? Руҳонийларни! Буларнинг гуноҳлари нима, ахир! Илмли бўлганими? Худога ишонгани, диндорлигими? Бойларнинг айби, мамлакатма-мамлакат кезиб, элни дунёга танитиб, ўз халқининг эҳтиёжини қондиргани, маданият олиб келганими!

Ахир, қаердаи савдо йўли ўтган бўлса, ўша ерда маданият ривожланган, деймиз. Буни ахир, тарих тан олади, инкор этмайди. Нега энди бойлар заарали, душман бўлиб қолди!

Шуро ҳукуматига бойлар нима гуноҳ қилди? Шуро ҳукумати бойларни, мол-мулкини талаб камбағал қилгандан кўра, камбағалларни бой қилишни ўйлагани маъқул эмасмиди!

Faфлатга ботган Туркистон халқини Чор зулмига қарши курашга тайёрлаган, унинг кўзини очиш, унинг жон куйдирган, кураш йўлларини ўргатган, инқиlobни севинч билан қарши олганлар кимлар? Зиёлилар — жадидлар эди-ку, ахир! Нечун Ленин уларни ўзининг ашаддий душмани санааб қолди?

Андижонда ўн минглаб халқни Чор босқинчилиги-га қарши ғазотга кўтарган ким эди? У ҳам руҳоний эди-ку! Дукчи Эшон эди-ку!

Бу жазодан қутулмоқ учун, хўш, қани, нима чора? Бу қирғин қачонгacha давом этади? Ўйлаб-ўйлаб, Убайдулла ўзини қаёққа қўйишини билмасди. Бунинг интиҳоси борми? Ёки бизлар ҳам Ленинга қўшилиб дунёни фаҳм этган, дунё маданияти, илм ривожига ҳеч миллат қўшмаган ҳиссани қўшган олимларимиздан, ҳадису тафсирлар яратган уламоларимиздан, дину дие-натимиздан кечиб, уларни душманга чиқариб, улардан кечишимиз керакми? Шунда шуроларга дўст бўлами-ми? Йўқ, энди бўлди! Миллатни сотиш хоинлик, жа-ноб Ленин!

Хўш, майли, сиз айрим диндорларни Маркс айтганидек, халқни дин билан «заҳарлаган» деб динларида мустаҳкам эканликлари учун жазоланг!

Айрим зиёли — жадидлар сизнинг социализм йўли-

да құллаган баъзи қарашларингизга қүшилмаганлари учун...

Майли, үзининг ақлли ва ишбилармоналиги билан орттирган мол-мұлкини үз ихтиёри билан, текиндан-текин, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йүқ шүроларга бериш-га рози бұлмагани учун бадавлат одамларни үзингизга душман сананг!..

Лекин, жаноб Ленин, халқда нима айб? Нега түпладардан ўқ отиб, уйларга үт қўйиб, халқни қира бошладингиз!

Шүроларга қарши, сизнинг сиёсатингизга қарши бутун Туркистон бўйлаб — Фарғона, Қашқадарё, Буҳоро, Тошкент — ҳамма вилоятларда қурол кўтариб кураш бошлаганлар ахир, улар эмас-ку! Туркистон халқи-ку! Сиз уларни «босмачилар» деб атадингиз! Қурол кўтариб чиққанлар бойлар, мадраса мударрислари, илм аҳли — зиёлилармас! Йўқ! Йўқ! Сизга қарши курашганлар, болаларимизнинг саводини чиқариб илм берган, ахлоқ-одоб ўргаттан — зиёлилар жазоланишларига рози эмасмиз, деган фуқаролар-ку!

Шүроларга қарши қурол кўтарғанлар — ўзлари ибодат қилиб, намоз ўқиган масжиду мадрасаларнинг молхона бўлишини истамаган, ўзлари зиёрат қилган ота-боболарнинг қабрлари, улуф авлиёлар ўтган ёдгорликларга үт қўйиб оёқости бўлишини, ўз дину эътиқодидан қайтишни гуноҳи азим деб билган, сиз, босмачилар деганингиз эмас, халқ-ку, жаноб Ленин!

Босмачи ким Сизнинг назарингизда? Босмачи бирорванинг уйига бостириб кириб, талаганлар! Ҳа! Шундай бўлгач, ўзбеклар кимнинг юртига бостириб кирибди! Сизларга қурол кўтариб чиққанлар бойлар эмас, бирорвни норизо қилиб молига эга бўлишни талончилик, деб билган виждони пок, камбағал деҳқонлар.

Убайдуллахонлар миллат дарди билан маст бўлган тоифалардан эдилар. Буларда на ўлим ва на жазоланиш хавфи! Халқ тақдиридан ўзга кўзларига ҳеч нарса кўринмаган инсонлар эдилар.

— Ҳар бир қамалган одамнинг азоби менинг азобим, — дерди Убайдуллахон. — Ҳар бир отилган одам билан мен бирга ўлганман, — дерди у!

Мен руҳман, руҳни ўлдириб бўлмайди, дерди Убайдуллахон.

Фақат Убайдуллахон эмас, Заки Валидий ҳам, Мұнаввар қори, Чүлпонлар ҳам үз жонларини миллат йүлиға тиккан, үлім билмас одам зәилар...

Убайдуллахон Лениннинг қароридан шу қадар ғазабга келган әдіки, ҳатто дүсти Заки Валидий қўшни хонадан чиқиб, унинг хаёлини бўлмаслик учун бир чеккада ўтирганини ҳам сезмаган зди.

Убайдуллахоннинг «кураш» деган сўзини эшишиб, ундан хуроса чиқарган Заки Валидий:

— Ноаҳиллик бир жойда, куч бўлмас, Убайдулла афандим! Халқнинг тақдирини ўйламоқдан кузатилган наф бўлмас!.. Большевиклар отсалар, минг одамни отарлар. Қамасалар, минг одамни қамарлар! Бу билан халқни қўрқитиб, муродларига етмоқликлари мумкин эмас. Большевиклар буни яхши англайдилар. Аммо бир халқ икки тарафга тортса, бу душманга марҳамат этиш, үз ватани ва халқининг тақдирига бегоналар эга бўлмоғи учун йўл очиб бермоқ билан баробар бўлур.

Сир яширган дўст бўлмас! Очиқ айтсак, бизнинг Туркистанда ҳозир шундай ҳол мавжуд. Ахир, бизнинг севикли Файзулла Хўжа ўғлиниң қилмишлари! Бик ачинарли! Ачинарли!

Валидийнинг бу гапидан Убайдуллахон ўтирган ўрнида сапчиб тушгандай бўлди. Бу унинг учун кутилмаган «хушхабар зди».

— Файзулла Хўжаев?!

— Файзулланинг большевиклар тарафинда бўлмоғи бу кўп хатарли! Мен большевиклар билан ҳамфир эмас, амирга қарши курашдагина биргаман деган ўта хато фикрда у!

Наҳот, унинг Туркистон Мухториятини қонга ботирганларидан хабари йўқ бўлса! Большевикларнинг Бошқирдистонга хоинликларини, наҳот, билмаган бўлса! Файзулланинг бу хатти-ҳаракатларини не деб англамоқ мумкин? Мен уни йўлдан қайтаролмадим. Мен унга — наҳот, иккимиз, икки томондан туриб, бир-бirimizga ўқ отсак, деган вақтимда у: «Нима чора, бундан ўзга ҳозирча илож йўқ», — деган жавобни айтди. Иккаламиз бир-бirimiz билан йиғлашиб хайрлашдик. Қандай даҳшатли кўргилик! Қандай баҳтсизлик!

Бир ватан, бир миллат фарзандлари бир-биrimизни англай олмай, күзимизга қараб ўқ отишга рози бўлсак!.. Ахир, Убайдуллаҳўжа!..

Заки Валидий яна нималар демоқчи бўлди-ю, тили тутилди, томоғидан бирор бўғандай сўзи бўғзида қолди-ю, узоқ бир хўрсиниқдан кейин: — Бу қандай оғир! Бунга қандай чидамоқ мумкин, ахир! Душман бир чеккада қолиб, икки ака-ука бир-бирини бўғизласа! Астағфурулло!.. Астағфурулло! Бу — биз учун иснод!

Файзулла Хўжаевни бу фикрдан қайтармоқ учун мен унга Ленин билан миллий масалалар ҳақинда бир неча йил бирга ишлашганимни, Сталиннинг қандай одам эканлигини яхши билишим, буларга ишониш бирда мумкин эмаслигини айтиб бир далили сифатида, Турор Рисқуловнинг қўлига тушган Ўрта Осиё хорижий ишлар комиссарлигига юборилган яширин ҳужжатни ўқиб бердим. Унда диний ва тариқат жанжалларини кучайтириш зарурлиги, шахсий ифволар, савдогарлар ва шайхлар орасида баҳс, келишмовчилик туйгуларини кучайтириш ҳар бир коммунистга тавсия қилинган... Мана, коммунистларнинг тутган йўли! Мана, сиёсати!

Аммо шунда ҳам Файзулла Ленин қилган ваъдаларга ишончдан қайтмади. Фрунзе ва Куйбишев билан Амир ҳукмронлигини парчалагунча большевиклар томонида туриб «босмачилик»ка қарши курашажагини айтди. У большевикларнинг юқорида айтганимдек, битта ҳалқни бир-бирларига қарши қўйиш билан мақсадларига эришмоқ бўлганларини ҳис қилмади. Илмоқларига илинди, ҳалқимизнинг тақдирини кимларга ишонмоқ бўлди?

Заки Валидийдан бу гапларни эшитган Убайдуллахон нима хаёлларга чўмди, тилини тишлаган одамдай узоқ сукутга ботди. Албатта, Файзулла Хўжаевнинг тутган бу йўли ниҳоятда хатарли, ачинарли эди.

Убайдуллахон жиiddий масалалар ҳақида гап кетганда ўйчан, камгап; ниҳоятда фикрли, масаланинг мөҳиятига етмасдан гапга оғиз очмайдиган эди. Лекин Валидийнинг гапига ўзининг хulosаси сифатида, ҳалқнинг «Ёт ярлақамас, туққан ўлдирмас» деган ҳикматни айтиб, Файзулладек одам бунга амал қилмаганига афсусини билдириди, холос!

— Биз бу ерда күйиб ёньяпмиз-у, айни замонда Фрунзе қонхұрлари үnlаб түпн аэропланларда Бухоро устига үк ёғдириб, мұқаддас масжиду мадрасаларимизни ёндириб күл тепага айлантироқда. Жон сақлаш учун уй-жойларини ташлаб, кийим-кечаксиз, озиқ-овқатсиз құчаларда қолган бечораларнинг ақволи не кечди экан?

Үз юрти ҳимояси учун құлига қурол тутган фидойиларимизга большевиклар «босмачи» деган тавқи лаънат тақиб, халқни талаб, қирғин қылган бир маҳалда, Файзула большевикларни ҳомий билиб, амирра қарши курашиш баҳонаси билан уларни юртимизга киритиш эмас, аксинча, бир душмандан қутулиб, иккінчисига тутилишни үйламоғи лозим эди.

— Мен бир нарсага ҳайронман. Ақлым етмайди. Шоир Абдулхамид Чұлпон менинг Үренбургда саркотибим бұлған қозоқ Сайтқора Мофоз каби қозоқ жадидлари Тошкент, Фарғона, Алаш үрдада «босмачилар» билан алоқа үрнаташимизда озмунча хизмат этдиларми! «Босмачи»ларнинг мақсаддарини тушундилар. Аммо Файзула-чи? Ҳатто у бизларга ёрдам бермоқчи бұлған түрк дүстимиз Анвар пошога құшилишни истамади.

Убайдуллахон унинг гапини бұлиб, Чұлпоннинг: «Дүст билан душманни фарқ қымасликдан катта жинаят үйк», — деган ҳикматини эслатиб:

— Чұлпон буок шоиргина эмас, буок файласуғ ҳам. Шоир сайлов қонунига алоқадор масалалар, ҳуқуқларимиз бүйича жуда ажойиб достон ҳам ёзди. «Босмачилар» ҳақида Чұлпон «Шинел үрнида түн, рус офицерларининг үғирилек билан топилған олтин камарлари үрнида қызларимиз муҳаббатларини құшиб тиккан шохи белбоғ бойлаган йигитлар — бизнинг фидойи лашкарларимиз», — деган эди.

Үз юртининг ҳимояси учун құлига қурол тутган фидойиларимизга большевиклар босмачи деган тавқи лаънат тақиб, халқимизни талаб, қирғин қылган бир замонда бизларнинг бунда турмогимиз!..

Убайдуллахон ватанга қайтиш, босмачиларга раҳбарлық қилиш кераклигини айтди. Аммо бунинг иложи бұлмади, йұли түсилемди. Сталин билан иккінчи марта учрашувдан қайтган Илөс Алқин «үзи Москва-

да ишга қолдирилгани, Убайдуллахоннинг эса ҳозирча Москвадан кетмай туриши кераклиги» ҳақидағи хабарни олиб келди. Тезда ватанга қайтиш умиди барбод бўлди.

— Кетмай турсин! Ё тавба! Буйруқ тариқасида айтилган бу гапни Убайдуллахон ўзи учун ҳақорат деб қабул қилди. — Тавба! Мен кимман? Ким? Бутунлай қул қилиб олганларини билмаган эканмиз-да!..

Нега энди, менинг қачон, қаерга бориш-келишим бирорларнинг ихтиёрида бўлиши керак экан! Тенгхукуқли иттифоқ бўлишининг шарофатими бу.

Биримиз иккинчимизга буйруқ берсак, биримиз иккинчимизни қамасак, судсиз, терговсиз отсак, оссак, бу иттифоқ эмас, ноиттифоқдик саналмайдими?!

«Кетмай тур!» эмиш-а! «Москвадан ташқари чикмасин!» Демак, «Мендан берухсат жилма!..» «Ҳозирча сенга рухсат йўқ!» Ё Парвардигор! Мен ҳали ҳам асирманми! Ҳали ҳам озод бўлганим йўқми?

Илёс Алқин олиб келган хабардан бир дамгина ўз ихтиёрини йўқоттан Убайдуллахон:

— Мен кимман?! Ким!!!

Мен муқаддас Истиқдолим барбод бўлгандан бери дарбадарлик, қамоқ, хўрликларга маҳкум Убайдулламан!

Мен — чор империясининг мустамлака зулмига қарши ҳуррият учун курашиб келган инсонман-ку!

Мен — дунёни тенгсиз зулматдан, ўзаро қирғиндек оғатлардан кутқармоқ ниятида йўлга отланган буюк инсонлар авлодиман!

Мен — Турон байробини юксак кўтариб, ҳуррият ва озодлик учун курашга отланган миллион-миллионларнинг бири Убайдуллахонман!

Мен — 1917 йилнинг 26 ноябридан Умуммусулмон съездидан минбардан ҳалқ вакиллари айтган: «Туркистаннинг ери — бизнинг танимиз, суви — қонимиздир... Кимда-ким бу иккига тегадурғон бўлса, бизнинг танимиз билан қонимизга қасд қилган бўлажак», — деганларнинг бириман-ку, ахир!

Бу қасамёд бугун Москва чангалида турган Убайдуллахон ёдидан бир дақиқа кўтарилмаган эди.

Мана, сенга Истиқдол! Мана, сенга Октябрь инқи-лоби бахш этган «Туркистан Мухторияти!» Мана, қон

түкиб, йиллар бўйи курашиб, кутганинг ҳуррият, Убайдуллахон!

Истиқдол!.. Истиқдол!.. Ҳуррият, Ҳуррият!.. деб мана, нима бўлдинг! На айшу ишрат, на бола-чақа орзу-ҳавасини кўрдинг! Онанг умрини фироқингда куйдириб ўтказдинг! Эшикка термултиридинг! Отанг каромат қилиб айтганидек, миллат дарди билан маст бўлдинг! Оқибат нима бўлди, Убайдуллахон! Яна қарам бўлдинг!

Бу азоб-уқубатли ўйлар чангалида қалби фижимланган, дунёдан кечгудек бўлган Убайдулла, Амир Темур номи хотирида бехос тикланиб, вазмин хаёллардан эгилган боши кўтарилиб, хушхабар эшигтан одамдек қаддини ростлади. Темур номи келажак умидларига ишонч уйротгандек, кўзларидағи ғамгинлик ариб, юзига майин табассум чиқиб, қандайдир қувонч акс этди. Гўё тинимсиз курашишлари оқибатида барбод бўлган Туркистон Мухторияти қайтадан Буюк Турон давлати бўлиб дунёга келгандек туюлган эди, унга! Туюлиш эмас, шундай бўлиши ҳам шубҳасиз эди.

Тутқуннинг хаёли қанчалик ширин, умидбахш бўлмасин, барибир у бир дақиқалик! Тутқунлиги ёдига тушиши биланоқ, ярқираб турган қуёш юзини ногаҳон қора булулар қоплагандек, ширин хаёллар ўрнини ўша ондаёқ қайтиб тутқунлик алами босади-қўяди.

Бизларни турли «мехрибонлик»лар билан Русиядан ташқарига чиқармасликларининг боиси большевикларнинг махфий хатларидан бирида шундай изоҳданади:

«Миллий ўлкалардаги эл ичида сўзи эътиборли, ташкилотчи, ҳалқقا таъсир ўтказиши мумкин бўлган машҳур одамларга марказдан амал бериб, бундай кишиларни ёллаб олишга уриниш керак. Бу билан биз ҳалқни бизга қарши кўтаришларидан қутулган бўлмиз. Мабодо улар бизнинг истагимизга кўнмасалар, юргларида юқори лавозимларга кўтарилишларига йўл қўймаслик керак!»

— Мен Ленин билан учрашдим, — деди сұхбатлардан бирида Валидий. — Ленин мендан босмачиларга қарши курашда Файзулла Хўжаевга ёрдам беришимни илтимос қилди. Мен Ленин фикрига қўшилмадим. Ленин ўйланиб қолди. «Да» дейищдан бошқа гап айтмади, хайрлашдик... Менга маълум бўлишича, Файзулла-

га Бухоро Жумҳурияти раислигини ваъда этишибди!  
Мана, советларнинг тутган йўли.

*Кирланиб битдим ўзим, дунёни поклай олмадим,  
Чунки иблисларни, олчоқларни ёқлай олмадим!*

Абдулла Тўқай айтганидек, бу иблис, бу олчоқлардан ҳали-бери қутулишимиз осон эмас.

— Бизлар ташна эдик, сув сўрадик. «Тилаб олган ёмғир бошга бало» деганлариdek, гарқ қилсин, деб эмас, обод қилсин, ташналигимизни қондирсинг, деган умидда эдик. Бу бизни вайрон қилди. Тошқин офатга айланди. Хароб қилди...

Туркистон халқининг бошида босмачилик баҳонаси билан большевиклар қилич ўйнатиб турган бир пайтда, буларнинг қандай қилиб Москвада қолиши мумкин эди!

Убайдуллахон билан Заки Валидий қандай яширини ўйлар билан Туркистонга етиб олиш режаларини охирiga етказгунларича бўлмай, кутилмаганда буларни излаб келган Мустафо Чўқайбек билан Вали Қаюмхон эшик қоқмаёқ, озодликда дийдор куришиш насиб этганидан беҳад хурсанд кириб келадилар. Бир-бирла-ри билан қучоқ очиб кўришадилар. Кўришадилар-у, аммо умр бўйи орзу қилиб келганлари Туркистон халқларининг озодлик учун курашининг фожиали тақдири кўнгилларига эрк бермай, энг яқин одамларидан аж-ралган кишилардек, кўз ёш билан бир-бирларини бағирларига босадилар. Сўзсиз, жим кўз ёшларини артадилар.

Туркистон Мухторияти Советлар томонидан барбод этилгандан сўнг унинг раҳбарлари бўлган буларнинг ҳаммаси қочқин, ярим тутқун ҳолида яшардилар. Мустафо Чўқайбек Парижга, Вали Қаюмхон Берлинга кетаётган бўлиб, Убайдуллахон ва Заки Валидий билан яширинча учрашиш имконини топган эдилар.

Бу уларниг сўнгги учрашувлари бўлди. Убайдуллахонга Тошкентта қайтиб келиш насиб этмади.

1928 йили Убайдуллахўжанинг Сибирга сургун қилингани ҳақида хабар келди. Барчани қайфуга солди...

## Ўн иккинчи боб

### ХУКМ

Бугун Асадулла маҳсумнинг уйида жамоат жам. Кечаси билан судга тушган папка-папка жиноий ишларни кўришдан бўшамай, эрталаб кетиб, ҳамма ётганда қайтадиган Убайдуллахон ҳам бугун ҳамма қатори дастурхон бошида, ўзбек оиласига сингишиб, урф-одатларига кўнишиб кетган хотини Маликахон хурсанд. У уйда ўзбекча кийиниб, тилимизга ҳам ўрганиб қолган. Ҳамма тўпланиб, Убайдуллахон ҳам даврада ўтирганидан у айниқса хурсанд. Онаси Тўхтахон:

— Бугун ҳамма уйда! Кечқурунга нима овқат қилсан экан? Убайдулла, сен уйимизни овқатларини соғиниб қолгандирсан, ахир. Ош қилақолайми?! — деб сўрайди.

Убайдулла ўйланиб жавоб бергунча ҳам бўлмай, Асадулла маҳсум унинг ўрнида хотинига:

— Ҳой, сен ҳам қизиқсан-а! Убайдуллахон нима овқат ейишини сўраб ўтирасанми? Уни нима билан нафси ором олишини билсанг, битта неъмат бор, бошқа нарса керакмас унга. У ҳам бўлса, миллат! Миллат!

Бу Убайдуллага нисбатан айтилган кесатиқмиди ёки шунчаки ҳазилмиди, Убайдулла ҳам завқ билан кулди.

— Ота, жуда тўғри айтдингиз, — деб ўғли Суннатилла гапга аралашган эди, Асадулла маҳсум унга жиддий қарап қилиб:

— Тўғри, дегин?!

— Ҳа, албатта!

— Албатта, дегин! Ҳа, энди, менинг гапимни тўғри-эгрилигини сен биласан. Сен тушунтириб, айтиб турмасанг бўлмайди! — Ҳар бир гапнинг тагига етадиган, ахир, ҳатто Бедилни ўқиганда турли маъно топа оладиган Асадулла маҳсум, ўғлининг бундай луқма ташлаганини беодоблик, катта одамдан ўзини билимдон қилиб кўрсатиш, деб қабул қилган эди. Унинг гапини эшитган атрофдагилар кесатиқлигини сезган бўлсалар-да, Суннатилла бунга эътибор ҳам бергани йўқ. Унинг хаёли бутунлай бошқа нарсада эди:

— Ахир, ота, жуда тўғри айтдингиз! Тўғри-да! Убайдулла акамни миллатдан бошқа нима ташвиши, нима

дарди бор. Ҳатто уйда камдан-кам бўлиб, овқатларни номини ҳам эсдан чиқарганлар шекилли, нима де-йишни билмай ўйланиб ўтирибдилар, — Суннатилла яна ўз хаёли билан бўлиб, «тўғримасми?» деб ўзи қайтарди. Бир оз қулги бўлди.

Гапга Башриллахон аралашиб:

— Дарҳақиқат, Суннатилла айтгандек, Убайдулла акам деярли йигирма-уттиз йил ичида, 1905 йилда Саратовга ўқишига кетгандан то шу вақтгача, хўш, қанча кун уйда бўлдилар? 1913 йилда Саратовдан қайтиб келиб газета чиқардилар-у шу сабаб бир йилга қамалиб, уйда бўлмадилар. Қамоқдан чиққандан кейин Туркистон Мухторияти тузилган 1918 йилгача икки-уч йил Тошкентда бўлдилар-да, кейин яна қувфинга учраб, Бошқирдистонга кетдилар. Ундан кейин ўша ердан Буттир турмасига қамоққа олиб кетилганиларича, бир-икки йил қамоқда ётиб чиққандаридан кейин ҳам, ўз юртларига қайтишга рухсат бўлмади. Москвада олиб қолиши. Бу нима эди? Бу ҳам бадарғанинг бир хили эмасмиди. Бундоқ ҳисоблаб кўрсан!.. — Башриллахон нафаси сиқилгандек бир дам гапиролмай қолди. — Акамлар йигирма йил ичида тўрт-беш йилгина ўз уйларида, ўз юрти Тошкентда бўлган эканлар. Миллат дардини, Туркистонга муҳаббатни худо ҳаммамиздан ҳам кўпроқ акамнинг аъзойи баданига сингдирган.

Ўғлининг бу гапларини кўнгилсизлик билан эшитган онаси Тўхтахон, кўзига чиққан ёшлирини енги билан артиб, Убайдулланинг бошини бағрига босди. Башриллахонга:

— Ўғлим, бу гапларни бас қил. Кўрган-боққан ташвишларимиз энди шу бўлсин. Ҳамма бугун уйда, кечқурунга ош қилақолайлик. Маликахон ҳам уста бўлиб кетган, — деб фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

Агар Убайдуллахоннинг 1905 йилдан то 1938 йил вафотигача ўз юрти, ўз ҳовлисида қанча йил бўлганини ҳисобладиган бўлсак, етти-саккиз йилдан ошмаган.

Ахир, Москва сургунидан йигирманчи йил ўрталарида қайтгандан кейин орадан уч-тўрт йил ўтмай, 1930 йилда яна қамалганча... 1938 йилда... — Башриллахон ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди.

Убайдуллахон ўз уйи, ўз она юрти Туркистонда

бұлганидан, уни қайтадан күришга мушарраф бўлғанидан қанчалар қувоңган бўлмасин, у үзини үша йиллари озод Туркистанда эмас, дўзах оташига дуч келгандек ҳис этди.

Ахир, ўзлари учун муқаддас бўлган юртлари Туркистон, Турон номларини тилга олганлар пантуркист, панисломистлар деб аatab ҳақорат, таъқиб қилинишлари учун курашганимиди?

Давлат тепасини қизил комиссарлар эгаллаб, Турон лашкарлари ўрнини Совет қўшинлари эгаллади. Фақат рус аскарлари эмас, очарчиликдан «Волга бўйида одамлар одамларни еди» деб Ленин ёзганидек, Русиядаги очлар ҳам Тошкентга — «нон шаҳри»га болачақалари билан ёпирилиб келиб қорин тўйғазсинларда, тер тўккан халқ очдан ўлишини кўрай, деганимиди?

Фақат рус аскарлари, очлар эмас, илм ва маърифат тарқатиш баҳонаси билан рус миллатидан иборат турли касб эгалари ҳам кўчиб кела бошлидилар. Давлат идораларида ҳужжатлар уларга тушунарли бўлиши учун «улуг» Ленин тили — рус тилида олиб бориладиган бўлди. Убайдулла шунинг учун умрини бағишилаганимиди! Шуни орзу қилганимиди!

Фақатгина давлат идоралари, давлат чегараларида гина эмас, урф-одатларимиз, тилимиз устидан ҳам энди бошқалар ҳукмронлик қила бошлидилар.

Бу сиёsat кундан-кунга авж олаверди.

Қай одам эсламас ўзин ёшлигин,  
Она алласини унумтар ким ҳам?  
Фақат унумтаги — ўз она тилин,  
Она сутин таъмин унумтган одам.

— Ўз она тилин унумтоқ — ўз урф-одатларидан кечмоқ эмасми, ахир! — деди Убайдулла.

Тилдан кечсак, урф-одатларимиздан, миллатдан кечсак, Шўро аскарлари қўриқласа, тарихимизни қораласак, динга йўл қўйилмаса! Ҳамма-ҳаммасидан кечиб, мосуво қилиб, бунинг ўрнига шўро ҳукумати бизларга нима бермоқчи? Ахир, бу ватандан бутунлай айрилиш-ку!

Одамлар яна мени бой гумон қилиб қамаб қўймасин, деб от минишдан, ҳатто домла деб ўйламаслиги

учун кўпчилик салла ўрашга ҳам қўрқиб қолган замон бўлса!..

«Миллатлар ўз тақдирларини ўzlари ҳал қиладилар...» деб Ленин, Сталин қилган ваъдалари қани? Шуми!

Фақат бу эмас, бир томондан қишлоқ аҳолисини босмачилар деб, уларнинг бошлиқларини эса қўрбoshi деб раҳмсиз отиб-ўлдиришаётган, иккинчи томондан қосимовчилар ҳаракати баҳонаси билан оммавий ҳибста олиш, суд қилиб отиш бошланган бўлса!.. Ким ҳимоя қилади? Бунга чидаб туриш!..

Бундай аҳволнинг гувоҳи бўлган Убайдулла ўзини қаёққа уришни билмасди. Нима қилиш керак?

Қосимовчилар ҳаракати нима ва улар кимлар?! Булар ўша даврнинг ил xor фикрли зиёлилари. Чўлпон, Фитрат, Мунаввар қори каби, Турор Рисқулов, Қайғусиз Отабоев каби сиёсий давлат арбоблари бўлиб, жумҳуриятда авж олган молиявий бузғунликлар, давлат ишларидағи маъмуриятчилик, қонунда кўрсатилган тил эркинлигини йўқлиги ва оғир моддий аҳволни яхшилаш ниятида муқобил фикр билдирганликлари учун Шўро ҳукуматининг душманлари сифатида қамоққа олиниб, суд қилинадилар. Ўша йиллари жумҳурият Олий Судининг раиси Саъдулла Қосимов булардан жиноят топмагани учун ўзи ҳам улар билан гурухбозлиқда айбланиб, барчаси «қосимовчилар» деб қамалади, отишга ҳукм қилинади.

Булар чиңдан ҳам ўзбек халқининг душманлари эдиларми? Ким буларни ҳимоя қилади? Қани, ким ҳақни ҳақ қилиб адолат ўрнатади?! Убайдулла томошабин бўлиш учун Русиядан адвокатлик касбини ортириб келганимиди?

Убайдуллахон адвокат сифатида уларнинг судларида бошдан-оёқ қатнашади. Буларнинг бирортасидан терговчи ва суддар жиноятчилар қилганлариdek заррача айб топмайди. Ҳаммасини оқлади. Ҳимоя қилади. Кечалари ухламай судда кўрилиши лозим бўлган ўнлаб, юзлаб жиноий ишларни кўриш билан машғул бўлади ва уларни оқлаб судда адвокат сифатида нутқлар сўзлайди. Бу Шўро ҳукумати олдида очиқдан-очик ўзини душманга айлантириш эди. У бундан чўчимади.

Убайдулла қанчалик олиб борилаётган сиёсатнинг хатолигига қарши чоралар изламасин, миллат учун жон куйдирмасин, кундан-кун ўзининг ёлғизлигини сезади. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар билан учрашиб, мадад сўрайди. Афсус, улардан нажот топмайди. Файзулла Хўжаев: жумҳурият бутунлай Иттифоқقا қарам бўлиб қолганлиги, бу ҳақда ҳатто 1925 йил ноябрдаги Компартияning II съездидаги айтганлигини, оқибатда, фақат қишлоқ хўжалик соҳасида эмас, ҳамма соҳада ҳуқуқ қўлдан кетаётганидан, ўзининг ожизлигидан нолийди. Файзулла Хўжаевнинг жавоби Убайдулланинг юзига тарсиллатиб эшик ёпишдек бўлди.

Наҳот, бу қарамлиқдан қутулишнинг чораси бўлмаса!

— Мен нега адвокат бўлдим? Кимни ҳимоя қилмоқ учун! Миллатга нафи тегмаган касб касбми?! — Убайдулла бутун қобилияти, бутун кучини шуро ҳокимиятининг таъқибидан халқни ҳимоя қилишга бағишлади. Буни мақсад деб билди.

Убайдулланинг мақсади, унинг жумҳурият раҳбарлари ва жадид руҳидаги зиёлилар орасида машхур ҳуқуқшунос, билимдон киши сифатида обрўга эга эканлигидан хабардор идоралар, қайси йўл билан бўлмасин, ўз хизматига уни ёллашга киришади.

Албатта, Убайдулла бунга ўзича розилик бермасди. Аммо сиёсий ташкилот — у шундай ташкилотки, бир нарсанни ният қилдими, ундан қутулишнинг иложини топиш ҳам, қутулиш ҳам мушкул. Чунки унга ишонч билдирилдими, буни рад этиш, совет давлатига хизмат қилишдан бўйин товлаш, деган хулоса чиқариларди.

Убайдуллаҳонни ёллаш бир томондан давлат арбоблари, шўроларга қарши фикрда бўлган таниқли ёзувчи, зиёлилар ҳақида у орқали маълумот олиш имконини беради. Чунки Убайдулла уларнинг ҳаммасини танийди, улар эса бунга ишонади. Иккинчи жиҳатдан Шўролар душмани сапалган кишиларни адвокат сифатида ҳимоя қилишидан қутулинади. Ўша даврда ГПУ деб номланган бошқарма бунга эришади. Бу ҳақда Убайдулла шундай дейди:

«Мен Убайдулла Хўжаев 1926 йил ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси) томонидан яширин агент сифа-

тида ёлланиб, АКСИЛИНҚИЛОБИЙ ҳаракатлар ҳақида, унга алоқадор одамлар ким бўлишидан қатъи назар, маълум қилиш мажбуриятини бўйнимга оламан. Мана шу талаб даражасида ўз вазифамни адо эттаман. Мунаввар қори, Сайдносир Миржалиловларда АКСИЛИНҚИЛОБИЙ ҳаракатларни сезмаганим учун ҳам улар ҳақида бирор нарса айтишимнинг иложи бўлмаган».

Убайдулланинг бу қилмиши айримларни кутилмаганда ҳайратта солиши табиий. Аммо Убайдулладек одамни миллат хоинига айлантириш осон эмас эди. Бу йўлга киришга шунчаки розилик бермади, йўқ! «Ёвингни ичида бўлганинг яхши» деган ақида ҳам кўнглидан ўтди. У ўз миллати, ватани учун нимаики манфаатли бўлса, ҳамма ишга ўзини қурбон қилишга тайёр эди. Ахир, унинг умр бўйи ўзини курашга бағишишдан, миллат баҳтини ўлашдан ўзга орзуси бўлмаган. Наҳотки, у ўз дўстлари Мунаввар қори, Фитрат, Садриддинхонлар ҳақида миллатчи деган маълумот етказса! Унинг розилик беришидан бирдан-бир кўзлаган мақсади «АКСИЛИНҚИЛОБИЙ ҳаракатлар ҳақида... Мана шу талаб доирасида вазифамни адо этаман», деб бекорга ёзмаган. У биронта дўстини, миллат, ватан манфаати учун қилган ҳаракатларини аксилинқилобий деб ҳисобламаган. Шўролар Конституцияси доирасида, шунга мувофиқ иш олиб боришни кўзда тутган, ўз миллати манфаати учун курашиш, ёки ҳатто, СССРдан ажралиб чиқишини талаб қилишни у аксилинқилобий жиноят деб билмаган. Чунки буни Совет конституциясида битилган қонуний масалалар деб исботламоқчи бўлган ва бундай ҳаракатларни аксилинқилобий деб маълумот беришни лозим топмаган. Ёлланган вақтда шу йўл билан ўз ҳаракатларини оқлашни олдиндан пишириб қўйган эди. Бундан ташқари, унинг розилигига иккинчи бир сабаб шуки, у дўстларини ҳукумат кишиларини нималар, кимлар қизиқтираётганидан ўз вақтида огоҳлантириш ва шундай хавф борлигидан боҳабар қилиш имконига эга бўлди.

Бир неча йил давомида Убайдулла на бир миллатчилик ҳаракати ҳақида ва на Шўроларга қарши бирор аксилинқилобий ташкилот борлиги ҳақида маълумот

беради. Албатта, бу сиёсий ташкилотларнинг сабр ко-  
сасини тұлдиради. Убайдулланинг хатти-қарапатлари  
ГПУнинг фойдасига эмас, зиёнига айланади. Уни йүқо-  
тишга киришадилар. 1930 йили ҳібсга олинади.

Убайдуллахон ётган қамоқхонага үғри, савдоғарлар  
тушмайды. Бу қамоқхонага жосуслар, Сталинга суи-  
қасд қылғанлар, миллатчи, халқ душмани каби оғир  
жиноятларда айбланғанлар қамалади. Айбии бүйніга  
олиб, мен миллатчиман, мен халқ душманиман, дейди-  
ғанлар узоқ тергов қилинмай, қамоқхонада сақланмас-  
дан, дархол, учлик комиссия қарори билан ҳукм чиқа-  
рилади-ю, отиладиганлар отилиб, қамоқ муддатини  
үтайдиганлар турли ердаги лагерларга жұнатыладилар.  
Күпчilik үзбеклар Русиянинг қаҳратон совуқ бұлған —  
Калима, Магадан, узоқ шимолдаги Таймир яримороли-  
га юборилади. Бу аниқ мақсад билан қилинади. Иссик  
үлкалардан бу ерларға келғанлар очлик ҳамда туф деса  
туфук яхлайдиган совуқларға бардош беролмай бир  
йил, ярим йилда сил касали, зотилжам билан оғриб,  
үлиб кетадилар ёки құл-оёқларини совуққа олдириб,  
умрбод мажрух, бұлыб қоладилар. Бу дұзахга тушган-  
лар отилемасалар ҳам тирик қайтмаганлар.

Убайдуллахоннинг тергови анча узоққа чұзилди.  
Чунки бу ерга қамалған маҳбуслар, терговчи қўйған  
айбии үз бүйніга олиб, иқрор бўлғанликларини қўл  
қўйиб, тасдиқлашлари шарт эди. Бу шунинг учун  
шарт эдики, совет ҳукумати бегуноҳ одамларни қама-  
ған, деган даъволар бўлмаслиги керак. Иккинчи жи-  
ҳатдан, маҳбуслар шикоят қылған чоғларида ҳам үз  
иқрорларидан тонувчи кишилар эканликларини дав-  
лат ташкилотлари олдида кўрсатиш учун ҳам бу за-  
рур эди. Терговчилар бунга эришмагунича терговни  
тутатолмасди. Лекин Убайдуллахон үзига қўйилган  
миллатчи, халқ душмани деган айбни қанча азобла-  
масинлар, карцерларга ташлаб, ойлаб фақат сув би-  
лан нонга боғлаб қўймасинлар, бўйніга олмади. «Мен  
ҳеч маҳал халқимга душман бўлған эмасман», деган  
жавобни қиласерди. Йиллаб қамоқларда ётабериб  
минг хил дард оргтиргани, кечагина қамоқхона ка-  
салхонасида юрак касали билан ётиб чиққанига қара-  
май, «Мен ҳеч вақт үз халқимга душман бўлған  
эмасман!» — деб тураверди. Тергов чўзилди. Тергов-

ни тугатиб ҳукм чиқариш учун энди янги-янги, курақда турмайдиган жиноялар үйлаб топдилар. Буларни бўйнига оладими, йўқми? Ўзи-ку, энди касалхонадан чиқсан. Энди қийноқларга бардош бера олармикан?

1919—1920 йилларда қамалганида Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб, Туркистон Мухторияти тузганлик, миллатчилик, пантуркизм, панисломизм каби жиноялар билан уни айблаган эдилар. Беш-олти йил қамоқда ётиб чиққанидан кейин, 1930 йилда яна қамалганида, энг оғир жиноялар — ватан хоини, чет эл разведкаси билан яширин иш олиб борган жосус, шўроларга қарши маҳфий ташкилотларнинг фақат аъзоси эмас, ҳатто ташкилотчиси, ҳатто давлат хавфсизлик ташкилотига ёлланиб, унга ёлғон маълумотлар берганлиги каби жиноят қонунининг бир неча олий жазога ҳукм қилиш мумкин бўлган моддалари билан айбланиб, отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Хотини Е. Хўжаевани эса ҳибсга олиш ҳақида ажрим чиқарилган эди. Отиб ўлдириш, кейин 10 йил жазо муддати билан алмастирилади.

Убайдулла сўнгги сўзида ҳаммани ҳайронликка солиб, ўзининг хориждаги қочоқлар билан алоқаси бўлганлиги, турли ташкилотлар билан алоқа қилганлиги, ҳатто давлат хавфсизлиги ташкилотига маълум вақт ёлланганлигини ҳам тан ола туриб, аммо юқорида сизлар үйлаб топгандарингдек, таъбир берганларингдек, биронта ҳам жиноятим йўқ, деб бутунлай рад этади. Нафақат бир ўзи, ҳатто хотинининг ҳам заррача жинояти йўқлигини айтади.

Бу жабрдийда, садоқатли шўрлик аёлни нега қамаш керак!

Қамалишга лойик ва ашаддий душманлиги нима экан? Эрини ҳимоя қилиб, Сталинга юборган хатими?

«Үртоқ Сталинга

Сиздан, юрак хасталигига учраган, эзилган, гуноҳсиз одамга эътибор этиб ёрдам беришингизни ва ҳаётини сақлаб қолишга эътибор беришингизни сўрайман.

Мен Туркистонда таниқли Убайдулла Хўжаевнинг рафиқасиман. Сиз уни 1921 йилда биринчи бор шахсий суҳбатларингиздан яхши биласиз.

Хозирги вақтда «қосимовчилик» (Самарқанддаги қосимовчилар устидан суд) муносабати билан газеталар ва Убайдулла Хўжаевга қарши тұхмат уюштирилди. Бу ҳол уни Зелинскийга мурожаат этишга мажбур қилди. Зелинский унга газеталарда раддия билдириши таклиф этди. Мен бу ерда ана шу раддияни илова қылдым ва Сиздан уни ўқиб чиқишингизни сўрайман, у қисқа ва аник.

Бу раддияни газеталарда босишимади, албатта. Эндилиқда эса мен Тошкентдан У. Хўжаев қамалганлигини эшитдим.

Раддияни ўқиб чиқсангиз, бу уйдирмалардан мақсад унга қарши процесс уюштириш ва уни контролюцияда айблаш эканлигини билиб оласиз.

Сиздан бир инсон ва бизнинг доҳиймиз сифатида, биз Сизга ишонамиз, уни бўғтонлардан ва зулмдан ҳимоя этишни ҳамда уни қамоқдан озод этишни ҳамда унинг Туркистондан чиқиб кетишига ёрдам беришингизни ўтиниб сўраймиз».

25/VI. 30 й.

E. Хўжаева. Менинг адресим:

Б. Якиманка, 22, кв. 155.

Бу мактубда эрга садоқатдан ўзга жиноят саналадиган нима бор!

Гунохи, совет ҳукумати ашаддий душман санаган кишиларни бутун мамлакат бўйлаб қатлиом кетаётган бир пайтда, одамлар юрагини ҳовучлаб, эртага яна кимни қамайди, кимни ўлимга ҳукм қиласди, деган қўрқувда яшаётган бир чоғда... ҳукумат ашаддий душман санаган Убайдуллахондек бир одамни қўрқмасдан ҳимоя қилганими?!. Бу чин севгига кирмайдими!

Бундан ортиқроқ яна қандай эрга садоқат, бундан ортиқроқ вафо бўлади!

Бундай тұхматлар бу эр-хотиннинг бошига энди ёғилиши эмас эди.

Бу эр-хотин не-не азобу уқубатларга, не-не тұхматларга дучор бўлмадилар! Ҳатто, 1916 йили Убайдуллахоннинг эл ичида топган эътиборидан ваҳимага тушиб, ундан маҳрум қилиш мақсадида:

«Убайдулла Хўжаев Саратов шаҳрида яшаган вақтида, бадавлат бу аёлнинг мулкига эга бўлиш ниятида

ни тугатиб ҳукм чиқариш учун энди янги-янги, курақда турмайдиган жиноялар ўйлаб топдилар. Буларни бўйнига оладими, йўқми? Ўзи-ку, энди касалхонадан чиқсан. Эндиги қийноқларга бардош бера олармикан?

1919—1920 йилларда қамалганида Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб, Туркистон Мухторияти тузганлик, миллатчилик, пантуркизм, панисломизм каби жиноялар билан уни айبلاغан эдилар. Беш-олти йил қамоқда ётиб чиққанидан кейин, 1930 йилда яна қамалганида, энг оғир жиноялар — ватан хоини, чет эл разведкаси билан яширип иш олиб борган жосус, шўроларга қарши маҳфий ташкилотларнинг фақат аъзоси эмас, ҳатто ташкилотчиси, ҳатто давлат хавфсизлик ташкилотига ёлланиб, унга ёлғон маълумотлар берганлиги каби жиноят қонуинининг бир неча олий жазога ҳукм қилиш мумкин бўлган моддалари билан айбланиб, отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Хотини Е. Хўжаевани эса ҳибсга олиш ҳақида ажрим чиқарилган эди. Отиб ўлдириш, кейин 10 йил жазо муддати билан алмаштирилади.

Убайдулла сўнгги сўзида ҳаммани ҳайронликка солиб, ўзининг хориждаги қочоқлар билан алоқаси бўлганлиги, турли ташкилотлар билан алоқа қилганлиги, ҳатто давлат хавфсизлиги ташкилотига маълум вақт ёлланганлигини ҳам таи ола туриб, аммо юқорида сизлар ўйлаб топгандарингдек, таъбир берганларингдек, биронта ҳам жиноятим йўқ, деб бутунилай рад этади. Нафақат бир ўзи, ҳатто хотинининг ҳам заррача жинояти йўқлигини айтади.

Бу жабрдийда, садоқатли шўрлик аёлни нега қамаш керак!

Қамалишга лойиқ ва ашаддий душманлиги нима экан? Эрини ҳимоя қилиб, Сталинга юборган хатими?

«Ўртоқ Сталинга

Сиздан, юрак хасталигига учраган, эзилган, гуноҳсиз одамга эътибор этиб ёрдам беришингизни ва ҳаётини сақдаб қолишга эътибор беришингизни сўрайман.

Мен Туркистонда таниқли Убайдулла Хўжаевнинг рафиқасиман. Сиз уни 1921 йилда биринчи бор шахсий суҳбатларингиздан яхши биласиз.

Хозирги вақтда «қосимовчилик» (Самарқанддаги қосимовчилар устидан суд) муносабати билан газеталар ва Убайдулла Хўжаевга қарши туҳмат уюштирилди. Бу ҳол уни Зелинскийга мурожаат этишга мажбур қилди. Зелинский унга газеталарда раддия билдириши тақлиф этди. Мен бу ерда ана шу раддияни илова қилдим ва Сиздан уни ўқиб чиқишингизни сўрайман, у қисқа ва аник.

Бу раддияни газеталарда босиshmади, албатта. Эндилиқда эса мен Тошкентдан У. Хўжаев қамалганлигини эшитдим.

Раддияни ўқиб чиқсангиз, бу уйдирмалардан мақсад унга қарши процесс уюштириш ва уни контролреволюцияда айблаш эканлигини билиб оласиз.

Сиздан бир инсон ва бизнинг доҳиймиз сифатида, биз Сизга ишонамиз, уни бўхтонлардан ва зулмдан ҳимоя этишини ҳамда уни қамоқдан озод этишини ҳамда унинг Туркистондан чиқиб кетишига ёрдам беришингизни ўтиниб сўраймиз».

25/VI. 30 й.

Е. Хўжаева. Менинг адресим:

Б. Якиманка, 22, кв. 155.

Бу мактубда эрга садоқатдан ўзга жиноят саналадиган нима бор!

Гуноҳи, совет ҳукумати ашаддий душман санаган кишиларни бутун мамлакат бўйлаб қатлиом кетаётган бир пайтда, одамлар юрагини ҳовучлаб, эртага яна кимни қамайди, кимни ўлимга ҳукм қиласди, деган қўрқувда яшаётган бир чоғда... ҳукумат ашаддий душман санаган Убайдуллахондек бир одамни қўрқмасдан ҳимоя қилганими?!. Бу чин севгига кирмайдими!

Бундан ортиқроқ яна қандай эрга садоқат, бундан ортиқроқ вафо бўлади!

Бундай тұхматлар бу эр-хотиннинг бошига энди ёғилиши эмас эди.

Бу эр-хотин не-не азобу уқубатларга, не-не тұхматларга дучор бўлмадилар! Ҳатто, 1916 йили Убайдуллахоннинг эл ичида топған эътиборидан ваҳимага тушиб, ундан маҳрум қилиш мақсадида:

«Убайдулла Хўжаев Саратов шаҳрида яшаган вақтида, бадавлат бу аёлнинг мулкига эга бўлиш ниятида

у ҳақда бўлмағур иғволар тарқатмоқчи бўлиб, қўрқи-тиб уйланиб олган» деган тухматларни Чор жандар-масининг махфий идоралари тарқатган эди-ку! Чиндан ҳам улар тухмат қилғанлариdek, бу аёл ўз ихтиёри билан эмас, мажбуран, севмасдан Убайдуллага теккан бўлса, ўз жонидан кечиб, уни ҳимоя қилиб Сталинга арз-дод ёзармиди!

Маликахон катта умид ва ишонч билан Сталиндан жавоб кутади. Чунки у Сталинга ёзган хатидаги:

«Сиздан бир инсон ва бизнинг доҳиймиз сифатида, биз Сизга ишонамиз, уни бўхтонлардан ва зулмдан ҳимоя этишини ҳамда уни қамоқдан озод этишини... сўраймиз» — деган илтижоларига марҳамат бўлиши ва бекор кетмаслигига умидвор эди. Аммо бу хат туфайли ўз бошига тушадиган оғатларни Маликахон ўйлаганмиди!

Маликахоннинг Сталинга ёзган хатини қўлида тутган терговчи, газабидан Убайдуллани бўғиб ташлагутдек жазава билан унга:

— Буюк Октябрдан илгариёқ большевикларнинг ашаддий душмани Керенский билан яқин дўст бўлиб, Шўроларга қарши курашганингни, бу манжалақи хоним билмаган эканми! Бундай душманлигингни Совет даврида ҳам давом эттириб, қилган миллатчилик ҳаракатларингдан наҳот, бехабар бўлган у маккора! Шўроларнинг шундай ашаддий душманига доҳий Сталин раҳм-шафқат қилсинмиш-а! Гуноҳи йўқмиш-а! Гуноҳинг йўқдигини қўрсатиб қўяман!

Чет эл разведкаси билан алоқада бўлганингни ҳам бу ифлос хотин билмаганлигига ким ишонади!

Биламиз, Сталинга бундай хатни ёзишдан унинг мақсади нима бўлган! Бу доҳиймизни ҳурмат қилиб, унга ишонганиданми!? Йўқ! Бу маккор аристократдан чиққан рус фоҳиинаси, фақат сени бегуноҳ қилиб қўрсатиш учун эмас, ҳа, шу билан бирга, ўзининг ҳам қилган жиноятларини яшириб, ўзини оппоқ қилиб қўрсатиш учун қилган, холос!

Кимни алдамоқчи бўлган бу манжалақи!

Ўз хотинининг бундай ҳақорат қилинганини эшитган Убайдуллахон нима деб жавоб қайтарсан! Қани, нима деб? У жавоб қайтармади. Ихтиёри ўз қўлида бўлган эр, хотинига ҳам, уни ҳақоратлаган эркакка

ҳам балки пичоқ соларди. Унинг хаёлида Чўлпоннинг:

*Етар, бас, чекдан ошганлар,  
Бу қарғиш, бу ҳақорапилар!*

шеъри такрорланарди, холос!

— Сенинг Русиядан келгандан кейинги Ўзбекистонда олиб борган жиноий ишларинг, миллатчилигинги, бу ифлос хотининг билмаганлигига ким ишонади?! Гапир! Ҳаммаси бизга маълум!

Буни фош этувчи далил сифатида терговчи Убайдулланинг яқин дўсти Мунаввар қори Абдурашидхонванинг қамоқда оғзидан ёзиб олинган маълумот билан уни таниширади.

«1924 йили Убайдуллаҳўжа Москвадан Тошкентга келади. Унинг Тошкентта келиши муносабати билан унинг дўстлари йиғилишмоқчи бўлдик. Убайдуллаҳўжа холироқ жойда, фақат ўзимизга яқин — ишончли кишилар доирасида ўтказишни таклиф қилди. Унинг илтимосига кўра, агар янгилишмасам, Сайдвалининг ҳовлисида йиғилишдик. Йиғилишимизда Убайдулла Хўжаведан ташқари — Сайдносир Миржалилов, Эргаш (Нурмуҳамедов), мен ўзим, Сайдвали Аҳмедов, Шаҳобиддин Эшон (Аҳмедов), бундан ташқари, яна кимлар бўлган, ёдимда йўқ.

Меҳмондорчиликда Убайдуллаҳўжа беш-олти йил Москвада бўлганини, бу йилларда қандай яшагани, Бутир турмасида Илёс Алқии билан ўтиргани, касаллангани, Сталиннинг ёрдамида қамоқдан озод бўлиб, хукумат турар жой ва озиқ-овқат билан таъминлагани хусусида гапирди. Бундан ташқари, ўша ерда ишга жойлашиб, яшайдиган жой топганларини айтди. Шу вақтда эски жамият ўзгаргани, бу ҳақда ўйлаш кераклигини айтиб, гапни шу мавзуга бурди:

— Одатда бирор ҳокимият қулагандан кейин шу муносабат билан жабрланганларга, масалан — сургун қилинган, ҳибста олинган, қочқинларга, уларнинг оиласларига амалий ёрдам кўрсатилади. Бизлар ҳам ёрдам кўрсатишимиш учун комиссия тузишимиз лозим.

Бу таклиф яқдиллик билан маъқулланди. Чамамда ўша куниёқ шундай комиссия тузилди, аммо унинг таркибиға кимлар кирганлиги аниқ ёдимда йўқ. Ту-

зилгаи комиссия комиссиялигича қолаверди, ҳеч қандай фаолият, иш бўлгани йўқ, фақатгина Садриддинхонга Сайдносир ёрдам берганлигини Садриддиннинг хотини гапириб берди!

Ўша кунги бўлган кечки йиғилишимизда хорижга кетган Садриддинхонга қайси йўллар билан ёрдам кўрсатамиз, деган гап ҳам бўлди. Бу иш бўйича Афғон консули билан мени таниширадиган бирор одамни топиб, ўша орқали ёрдам беришларини сўрашни менга топшириди...»

Албатта, терговчилар Мунаввар қоридан бу маълумотни бекорга олмаган ва бекорга Убайдуллага маълум этмади. Убайдулланинг хотинининг Сталинга юборган шикоятидан терговчилар қандай жирканч жиноятлар ўйлаб тўқиган бўлсалар, Мунаввар қорининг бу самимий маълумотидан ҳам шундай мунофиқона хуносалар чиқаришни режалаб қўйган эдилар. Лекин кишини ҳайратта соладиган бир ҳолат рўй берди. Дўсти Мунаввар қорининг терговчига берган бу маълумотини ўқиган Убайдуллахон, дўстини лаънатлаб, ундан нафрлатланиб ғазабланиш ўрнига, худди ўқимаган одамдек, ўқиган бўлса ҳам хўш, нима бўпти, бунда ҳеч қандай ёмон гап йўқ, дегандек совуққонлик билан кўзойнагини олиб, уни терговчига қайтаради.

Записки М. К. Абдурашитова.

10/XII—29 г.

Относительно совещания в 1924 г. Я припоминаю сейчас следующее: в 1924 г. в честь возвращения Убайдуллы Ходжаева из Москвы решили устроить вечер. Убайдулла Ходжаев предложил устроить этот вечер в уединенном месте и пригласить только надежных лиц. Мы исходя из этого решили устроить вечер в доме, кажется Сайд Валия. На вечере кроме Убайдуллы Ходжаева присутствовали: Сайдносир (Миржалилов), Иргаш (Нурмухамедов), я, Сайдвали (Ахмедов) и Шихабиддин Ишан (Ахмедов). Кто были остальные — сейчас не помню. На вечере Убайдулла Ходжаев подробно рассказал о своем житье-бытье в Москве за эти 5—6 лет, о том, как он сидел в тюрьме, заболел, как он вместе с Ильясом Алькиным благодаря помощи тов.

Стилина освободился из-под ареста, как был обеспечен правительством квартирой и продуктами и затем, как он устроился на службу, сам нашел себе квартиру и т.д. В это время старые общества и их остатки были совершенно ликвидированы и в связи с этим Ходжаев перевел свой разговор на эту тему и сказал:

— Обычно, после распада какого-нибудь общества практикуется помочь пострадавшим его членам (высланным, арестованным и бежавшим). Поэтому нам необходимо создать комиссию помощи. Это предложение единодушно одобрено и насколько я помню там же была выбрана такая комиссия, но кто вошел в эту комиссию я сейчас не помню. Указанная комиссия осталась просто комиссией, никакой деятельности и активности не проявила. ... Только один Сайдносир от имени тов. «Туркестан» несколько раз оказал помощь семье Садриддинхана, о чем мне говорила жена Садриддинхана!

На том же вечере поднялся вопрос о том, какими путями оказать помощь бежавшему Садриддинхану. По сему поводу мне было поручено найти посредника, чтобы познакомиться с Афганским консулом, а затем просить последнего о том, чтобы он оказал нам помощь в предпринимаемом. Мунаввар Кары. Перевел (Рахимов). Архив КГБ УзССР. том I, лист 274, обв. дело № 33391.

Терговчилар буидан қандай жирканч айблар ўйлаб топишларини Убайдулла билмасмиди? Биларди! Аммо Убайдулла Шўро ҳукуматининг қамоқхоналарида қамалавериб, терговларни бошдан кечиравериб, уларнинг найранглари ҳақида қатъий хулоса чиқарган одам эди:

— Сени талаган ўғрига, сен ёлбориб, бу молларни мен ўз ҳалол пулимга, ҳалол тер тўкиб, машаққат билан болаларимнинг тўй-ҳашамларига атаб, яхши нијатда олган эдим, деб қанчалик дод солма ўғрининг иши, сен молларни қаердан, қандай тонганилигинга, сенинг кимлигингни аниқлаш эмас, фақат талаш! Фақат зўрлик билан тортиб олиш! Терговчиларнинг иши ҳам сенинг ҳақ-ноҳақдигингни аниқлаш эмас, фақат сени жиноятчи қилиш, қамаш!

Убайдуллахон буни билмасмиди? Биларди! Худди шундай, ўзи билганидек бўлди. Мунаввар қорининг

маълумотидаги дўстларнинг бирга йиғилишларини, бу аксилиниқилобий махфий ташкилотнинг ташкил топиши, Убайдуллахон эса унинг ташкилотчи раҳбари, 1920 йилларда чет элга кетган, ҳозирда Афғонистонда яшаётган, ўзининг елкадош қадрдан дўсти бўлган Садриддинхон Шарифхон қози ўғлининг оиласига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги маслаҳатини, чет эл разведкаси билан алоқа, жосуслик ва Ватан хонини деган энг оғир жиноятларга далил қилиб, хулоса чиқарди терговчи.

Бу қўйилган жиноятларни эшиттаи Убайдуллахоннинг сукут саклашдан ўзга иложи қолмаган эди. Жавоб қайтармади. Оқнинг оқлиги, қоранинг қоралигига иқрор қилолмасди. Наҳотки, дўстлар билан учрашув, дардлашув, бева-бечораларга ёрдам, раҳм-шафқат қилиш жиноят саналса!

Бу ватанда ҳақиқатнинг тамоман оёқости бўлгани, ноҳақлиқ, зўравонлик ҳукмронлигига имон келтирган эди. Убайдулланинг бу айномаларга жавоб қайтармаслигидан ғазабга келган терговчи: худди ўгрини ёқасидан олиб, хўш, ҳали ҳам ўз гуноҳингни бўйнингга олмайсанми, дегандек сиёсий бошқармага ёлланганилиги ҳақидаги ҳужжатни унга пеш қилди:

— Садриддинхон Шарифхўжаев бошқарган «Иттиҳод ва тараққий», «Нашри маориф», «Миллий иттиҳод», кейинчалик Мунаввар қори ташаббуси билан «Миллий истиқдол» ташкилотлари фаолиятидан ҳам бехабарсан-а!

Сени ўз раҳбарлигингда ташкил топган «Жамияти андардил» (Мехр-шафқат) каби ўнлаб сиёсий ташкилотлар бўлганлигини билганингни ҳам рад этарсан!

Убайдуллахон булярнинг барчасидан мақсади миллий истиқдол бўлганлигини яширмади, аммо буни жиноят деб айбламоқ бўлганини одатдагидек тан олмади.

— Садриддинхонни чет элга кетиб қолгани, Мунаввар қорини ашаддий миллатчи сифатида қамалгани фош этилиб, ўз айбига ўзи иқрор бўлса-ю, сен Шуро ҳукуматининг ашаддий душманлари Чўлон, Сайдносир Миржалиловларни ҳам халқ душмани эканликларини яшириб келгансан!

— Улар халқа ҳеч маҳал душман бўлган эмас!

— Бас, сен давлат сиёсий бошқармасига шуро ҳукуматининг ашаддий душманлари ҳақида ногури маъ-

лумотлар бериб, уларни фош қилиш ўрнига, аксинча, яшириш мақсадида суқилиб кирган бўлсанг, қани, ўзинг ҳукм чиқар, қандай жазога лойиқсан?!

Устма-уст, кунба-кун ўйлаб топилган тухматлар, адолатсизликлар азоби эзиб ташлаганиданми, терговчининг сўзи охирига етмасидаюқ Убайдулла:

— Бундайларни фақат отиш керак! Отиш! — деган жавобни қиласди.

Бундай савол-жавоблар, чидаб бўлмас, ўйлаб топилган бўхтонлар энди Убайдуллани жонидан тўйдирган, Убайдулла энди ёрилгудек тўлиб-тошган эди. Терговчиларнинг ҳамма қўйган айбларига ҳар бир қамалганида ўз жавобини айтиб бўлган эди. Энди бир оғизгина сўз, у ҳам бўлса нияting отиб ўлдириш бўлса, бўлди, бас! Отиб ўлдириш бўлса, бўлди, бас!

Убайдулла миллат учун, Туркистон озодлиги учун ўзини ўтга урди, чўқقا урди, ҳеч нарсадан қайтмади, ҳамма нарсага рози бўлди. Мана энди, отиб ўлдирақол, дейишдан бошқа айтадиган гап қолмаган эди.

Ҳозиргина, Убайдуллани агар қўлида болта бўлса чопиб ташлашга тайёр турган терговчи, унинг оғизидан бундай жавобни эшитиши биланоқ худди бу сўзидан у тонадигандек, дарҳол орқасига қайтиб, ўз жойига ўтирганча нималариңдир қофозга тушира бошлади ва ниҳоят, Убайдулланинг номидан «Мен чиндан ҳам Шўро ҳукуматининг душманларини яшириш мақсадида ГПУга ёлланганлигимни бўйнимга оламан. Мунаввар қори, Садриддинхонларнинг душманлигини яширганимни инкор этмайман. Буни Шўро ҳукумати олдида хоинлик, оғир жиноят деб биламан», деб ёзилган қофозни унга кўл қўйиш учун берди.

Жиноят?! Убайдулла уни қўлида тутганича, охиригача ўқимади ҳам. Жим эди. Чунки бу савол-жавоблар қўлда қилич тутган жаллод билан оёқ-қўли кишинланган одамнинг олишуви эди.

Убайдуллахоннинг қўрқадиган жойи, умид қила-диган нарсаси тамом бўлган эди. Ушалмаган орзулари, айтилмаган аламларини тўкиб-тўкиб, яйраб-яйраб айтиб хумордан чиқиб олишдан бошқа кўнглида нарса қолмаган эди. Лекин кимга айтсан! Кимга??

Ҳа, Убайдуллахон учун бу дунёда энди орзу қила-диган нима қолган эди! Ҳеч нарса! Кимга суюнади?

Бир Оллоҳдан бошқа кими бор? Онанинг дийдорини кўролмади! Она эса фарзанд доғида оламдан ўтди! Хотини-чи? У шўрлик ҳозир қайси қамоқ лагерларида экан? Бир Яратганинг ўзига аён! Бу хонадонда қамалмаган ким қолди? Отаси Асадулла маҳсуму укаси Башриллахонми?

Йўқ, Башрилла «Ўзбекшёлк»да муҳандис бўлиб хизмат қиласади. Уни ҳам миллатчиликда айблаб қамашди.

Бутун бир оила қамоқда! Бу дунёда Убайдулла бор деб уни соғинадиган кими қолди?

Қани, жонажон, дардкаш дўсти Мунаввар қори? У отилди! Қани, севимли шоири Чўлпон? Уни ҳам отдилар! Фитрат қани? Қани, Беҳбудий? Қани, ўзбекнинг пешонасига битган баҳт юлдузи навқирон Усмон Носир? Ўлимга маҳкум этилди! Қани, Файзулла? Қани, отасининг қадрдан дўсти Икром домланинг севикли ўғли Акмал Икромов?

Бу дунёда Убайдуллага нима қолди?

Убайдуллани балки отмаслар. Балки, ўн-ӯн беш йилга ҳукм қилинар. Кейин-чи? Кутулиб чиққаңдан кейинчи? Кейин кичик қамоқдан Шўро давлати деб аталган катта қамоққа тушадими? Энди уни бағрига босиб, қучоқлаб, қувонадиган кими қолди?!

Жаҳаннамий азобларда умрининг заволи бўлган жаллодларга лаънатлар бўлсин! Лаънатлар бўлсин! Парвардигорнинг қаҳри ёғилсин!

Булас унинг кўнглидан ўтган сўнгти гаплар эди. У сукутга чўмган эди. У жим эди. Бу хаёлмиди? Ёки бу мудроқмиди?..

Буюк қояни қутурган даҳшатли тўлқинлар кўмиб кетганидек, қамоқ азобларида кичкина жуссаси яна ҳам кичрайиб, бир ҳовуч бўлиб қолган Убайдуллахон, ўтирган жойида қўлларини тиззаларига жим тираганича, боши қўйи тушиб, боргани сари кичрайиб, чўкиб борарди. Энди у ҳақда отишга ҳукм чиқариш фурсати ҳам ўтган эди. Бу сўнгти тергов бўлди. О, аттанг! Надоматлар бўлсин! У шу дақиқада оламдан ўтган эди!.. Йўқ! Йўқ! У оламдан ўтмади, омонатини Яратганга топширди.

Оғиз очиб рози-ризолик тилайдиган, васият қиласидиган меҳрибонлари йўқ эди. Ундаи абадий озод рух, ўлмас ном қолди, холос!

## БАШОРАТ

(Хотима)

Одатда, пайшанба арвоҳлар келадиган кун, деб марҳумларнинг руҳига Қуръон бағишлиданади. Отам ҳам бемор ётганинга қарамай, пайшанба оқшоми қадларини ростлаб, ҳар галгидан баланд овоз билан, ниҳоятда ихлос ва қироат билан Қуръон тиловат қила бошладилар. Узоқ тиловат қилдилар. Сура охирига етиб «Субҳона роббика, роббил иззати амма ясъафун»ни ўқиб қўл очишлари билан хаёлларидан нималар кечди, қайси марҳумлар ўтди ёки уларнинг ўзларининг беморликлари, бу дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг бебақолиги ўтдими, кўзларига ёш келиб, ўпкалари тўлиб, титроқ овоз билан: «Ўлганларни раҳмат қил, шаҳид кетганинг зулмидан, қуруқ тухматдан, бевақт ўлимдан... Ўзинг ҳамиша паноҳингда асра, Парвардигори олам!» деб тилак тиладилар.

Бу отамнинг вафотларидан бир неча кун илгари бўлган эди. Ўз аҳволларини сезган эканларми, мени ёнларига олиб ўтқиздилар-да кутилмаганда:

— Эй Убайдуллахон, Сизни худо раҳмат қиссин, вали экансиз! Нима деган бўлсангиз ҳаммаси, мана, олдимизга келди. Бошимизга тушган бугунги кулфат-у очарчиликлар, бугунги уруш бўлишини ҳам олдиндан айтган эдингиз, аттанг, — деб иона чекиб, афсус билан уни эсладилар.

Убайдуллахоннинг қамоқда ўлганлиги ҳақида хабар келганидан бўён, мана, бир неча йил ўтганига қарамай, бутун унинг гапларини эслашларига нима сабаб бўлди? Балки аҳволлари оғирлашиб бораётганини сезиб, ўғлим, менга қиёмат қарз қолмасин, Убайдуллахон қандай буюк инсон бўлган, унинг айтганинги билиб қўй, деган маънодамиди? Ёки бошқа бир сабаб бормиди? Ахир, очарчилик, қимматчилик бўлишини ҳар қандай одам ҳам олдиндан тахмин қилиши мумкин. Аммо бу урушнинг бўлишини Убайдуллахон қандай қилиб олдиндан билган, деб сўрагунимча ҳам бўлмай, отам:

— Мана, Убайдуллахон, сиз айтган уруш ҳам келди. «Ош авлиё, нон пайғамбар», нон ўрнида кесак фириллаган замонлар ҳам келди, Убайдуллахон.

Дарҳақиқат, шундай замон бўлди. Очарчилик!.. Қаҳатчилик. Баъзан неча кунлаб ўчоқ ёқишига ўтин, қозон қайнатишга соладиган сувдан бўлак нарса йўқ. Ейдиган нарсалар у ёқда турсин, ерга тушадиган ушоқ ҳам бўлмаганидан, ҳатто сичқонлар ҳам йўқолиб кетган. Бир замонлар от сўйилиб, қази-қарта қайнатилиб меҳмонлар кутиладиган ташқари ҳовлидаги бир туп тутни ҳам, эртага яна ё халлоқ, деб кесиб, шоҳ-шаббасини ёқиб бўлганимиз. Бозордан ўтин сотиб олиб қозон қайнатиб бўлмасди. Чунки қаламчадек-қаламчадек бешолтида тарашадан иборат бир боғлам ўтин, бозорда палон пул турарди. Бир ойлик маошга бозордан оламан десанг, икки буханка қора нон келарди. Аравалаб ўтин, кўмир тушириш камдан-кам оиласа бўлиб, кўмир челаклаб, ўтинни эса бир кунга етарли бир-икки боғлам бозордан олинарди.

«Очлик нелар едирмас, тўқлик нелар дедирмас...» Ахийри ҳовлимиздаги тутнинг тўнкасини кавлашдан бошқа чора қолмади. Лекин мана шу тўнка бизларнинг шўримиз бўлди. Чунки тўнкани кавлашга ярайдиган мендан бошқа одам бу уйда йўқ эди. Отам эса бу вақтларда кексайиб, 76—77 ёшларга бориб қолган. Уйдагилар бир-икки айтганиларида ҳам ҳадеб қила-вермаганимдан кейин — муҳтожлик! — отам кексайганга қарамай, мажбур бўлиб, мен ҳафсала қилгунимча, болта, теша олиб иш бошлаб қўйибди.

Кавланган тўнкадан, ўтиндан ташқари бир неча кун қозон қайнатишга етарли пайраҳа ҳам чиқди. Бир туттам тутантирикقا зор вақтда, бу ҳам катта қувонч эди.

Лекин афсус, қозонимиз қайнайдиган ўтин топилди-ю, қозонга соладиган нарса топиш имкони бўлмай қолди. Чунки шу вақтгача асосий рўзгоримизни отам тебратиб келарди.

Тўнка кавлаш сабаб бўлди-ю, отам оғир дардга — бод касалига чалиниб, юриш-туриши қийинлашиб, узоққа юролмайдиган бўлиб қолди.

Отам эмчи бўлиб, Қозогистон, турли шаҳарларда таниш-билишлари бор, ўша ерлардан бир оз вақтга етарли арzon-гаров олган дон-дуналарини, бирордан омо-

нат от ёки эшакка ортиб, эшиқдан кириб келарди. Отам касалга чалинганидан кейин бундан ҳам маҳрум булиб қолдик. Хотиним билан менинг ўқитувчилик қилиб бир ойда олган маошимиз бозордан икки кило гурунч олишга етарди, холос!

Уйимизда на ёф, на дон-дун бор.

Отамнинг оғриғи кундан-кун кучайди. Бирор бу касалга иссиқлик керак, деб новвот буорди, бирор қази, яна кимдир бодга даво қимиз, деди. Одамлар очликдан шишиб ўлаётган замонда буларга етиш имкони қаёқда! Бирдан-бир даво — бадандаги оғриған ерларни, елкаларини, оёқларини менинг уқалашим эди. Кек-салиқда нозик булиб қолган баданларини уқалаганимда бир оз ҳузур қилиб:

— Барака топ, энди елкамни, секинроқ... — илтижо билан: — яна озгина оёғимни ҳам... — деганлари эсимга тушса, ўшани ҳам ёлчитиб бажармаганимга ҳали-ҳали армон қиласман. Отамнинг дуосини олишнинг бирдан-бир имкони шу бўлганда, нега қўлларим узилиб тушгунча ҳаракат қилмаганиман дейман-у, афсус билан кўзларимга ёш оламан. Даволанишнинг бирдан бир имкони менинг ёрдамим бўлганда, отамнинг кўзларини мўлтиллатиб, шунга ҳам муҳтоҷ қилганимни эсласам, юрагим тилка-пора булиб кетади.

Отам ўша оғир куз кунларининг бирида ўтирган жойида кўзларини юмиб, нималарнингdir хаёлида бош тебратга туриб, аламли афсус билан оҳ тортди-да:

— Худо раҳмат қиссин, Убайдуллахон, Сизни! Замон қадрингизга етмади! Пайғамбар экансиз!.. — Отамнинг алам ва афсус билан ўзича овоз чиқариб айтган бу гапларини эшитган онам, бу гапни у нима маънода айтди, нега айни шу замонда Убайдуллахон хаёлига келиб қолди, сабабини суриштирмасданоқ унинг гапларига қўшилиб:

— Убайдуллахонга бувасининг нафаси кетган. Ахир, Убайдуллахон туғилганда, отам раҳматли уни қўлга олиб, қулоғига азон айтганлар. Валий чиқишини башорат қилганилар!

Шундайларнинг умрига завол бўлган жаллодларнинг жазосини Худо ўзи берсин! Илоҳо, омин!

Мен, бу урушнинг булишини қандай қилиб олдиндан билиш мумкин эди, деб сўраганимда отам:

— Худди шундай саволни мен ҳам унга берганим-

да, Убайдуллахон: «Шўро ҳукумати бизнинг мақсадимиз дунёда коммунизм қуриш, деди, Шундайми? Қори почча! Хўш, дунёдаги ҳамма мамлакатлар ҳам Шўроларга қарам бўлиб, коммунизм қуришга кўнадими? Албатта, йўқ! Шундай бўлгач, хўш, унга қаршилар нима қилади? Нима қиласди, курашади, унинг олдини олиш чораларига киришади. Шўроларга қарши ўзини мудофаа қилишга тайёрланади! Қуролланади!» — деган эди. Мана, айтганларининг ҳаммаси бўлди. Шўроларга қарши урушни биринчи лаънати Гитлер дегани бошлади.

Убайдуллахон раҳматлининг валийлиги, башорати шунда эдики, у эртага нима бўлишини билар эди.

— Сенинг хатна тўйинг олдидан эски иморатни бузиб, ўрнига орзу-ҳавас қилиб болахонали каттагина иморат қурдим, валлоҳи аълам, бу 1924—1925 йиллар эди. Ўша кезлари Москвадан қайттан Убайдуллахон ҳовлимизга келганди. Иморатимни кўриб яхши бўлибди, муборак бўлсан, дейиш ўрнига, нима учундир ўйланиб, жим қолди. Мен унга: Ҳали ҳамма иши битгани йўқ, қора сувоқда, куз келиб бўёқ, ганч ишларини қиломай қолганимни айтдим. Сўзларимни эшишиб, менга ҳайрат билан боқиб: «Ҳали пардоз-андозларини ҳам қилмоқчимисиз? Эй қори почча, янги иморат солиб бекор қилибсиз. Иложи бўлса, қилганингизни ҳам бузиб-бузиб қўйинг! Ҳали бу бошингизга бало бўлади. Шўро ҳукумати яқинда тортиб олиб қўяди, эскиси тура турса бўларди», — деганда худо раҳматли каромат қилган экан, кўп ўтмай бошимизга бало бўлди-ку! Худди у айтганидек, дон-дун турадиган болохона-мизга ким-кимларни кўчириб киргизди, ўзимизни Шўрога ҳақсиз қилиб, қулоқ қилиб кўчирмокчи бўлмадими!

Отам Убайдуллахонни валий деб эслагач, унинг руҳига бағишлиб яна Қуръон тиловат қила бошладилар. Узоқ тиловат қилдилар. Оппоқ соқолларидан чак-чак кўз ёшлари томиб, фотиҳага қўл очиб, тилак тиладилар. «Бундай одамлар қани энди! Увол! Увол!» — деб бош тебратиб, узоқ йигладилар.

Бу аламли, дардли йилларни батафсил сўзлашга отамнинг ўша куни ҳоллари етмади. Балки Убайдулла акамнинг ҳаётидаги сунгги фожиалар юки босиб қолгандир? Бу ҳақда отам айтмаса ҳам, Убайдуллахон

акамнинг Москвадан келгандан кейин кечган аччиқ тақдиди ва ҳаёти ҳақидаги хотираларим менинг кўнглимдан асло чиқмас бўлиб ёдимда муҳрланиб қолган эди.

Убайдуллахон акам 1930 йилда қамалганда мен ёш бола эдим. Уйимдагилар билан уни кўргани қамоқхона га борган пайтимдаги ваҳима ҳали-ҳали эсимда. Бу қамоқхона ўша даврларда Тошкентнинг чеккароги ҳисобланган Олой бозоридан бир оз нарида бўлиб, у «Московский турма» деб аталарди. Тошкентдаги қамоқхона нега «Московский турма» — Москва номи билан аталган, бунга ҳамма ўзича таъбир берарди:

Бирорлар бу қамоқхона Москвадаги қамоқхона-ларнинг бир бўлғи бўлгани учун шундай номланган деса, бошқа бирорлар — бу ўрусларнинг ўзбек халқига қилган совфаси, бу қилган яхшиликлари унтилиб кетмаслиги учун, доимо Москвани ёдларида сақлаб туришлари учун шундай аталган, дерди.

Шу таъбир тўғрироқ эди! Чунки тошкентликларнинг тилидан «Московский турма»сига яқин жойда, «Московский турма» томонда деган гаплар тез-тез эшигиларди. Бу турма Ўзбекистонда машҳур бўлиб, одамларнинг хотирасига ўрнашган эди.

Ёшлигимда кўрган ўша «Масков турмаси»нинг қопқорага бўялган темир дарвозаси, терак бўйи баланд ҳайбатли деворлари ҳамон даҳшат солиб кўз олдимдан кетмай туради.

Турма ҳовлисида, қамоқда ётган фарзандларига бериш учун кўрпа-ёстиқ, тутун-терсак, бўхчаларда озиқ-овқат кўтарган, мункайиб қолган чоллар, фарзанд доғида адо бўлиб, бир кўришга зор, кўзи ёшли, паранжига ўралган кампирлару, эрларидан ёшлиқда ажралган келинлар, ҳатто бу ер қамоқ эканлиги ваҳимасини ҳис қилмай, отасидан тирик етим қолган болалар, қўзлари ғамга тўла одамлар ҳали-ҳали хотирамдан чиқмайди.

Бизнинг уйдагилар, қариндош-уруглар, ҳаммамиз Убайдуллахон акам билан учрашишга рухсат этилган кунда, ўша мудҳиш қамоқхонага борганимиз.

Қамоқхона эшигидан соч-соқоли ўстган, озганлигидан бўйни ингичка тортиб, боши яна ҳам катта бўлиб кўрининган, икки қулогига эшитивчи аппарат тақиб олган (Убайдуллахон акамнинг қулоги оғир бўлиб қол-

ган эди) уст-боши анчагина уринган Убайдуллахон акам күринди.

Йиғи-сиғи бошланди. Бу йиғи-сиғилар бир томондан ундан ажралғанликники бұлса, унинг шундай ақволга тушиб, қадр-қиймати хұрланғанлигининг аламидан ҳам күтариған эди. Үғлини шу ақволда күрган холам үзидан кетиб ҳолсизланиб қолди. Йиғи-сиғи тұхтаб, ҳамма холам билан овора бұлды.

Бу күришиш Убайдулла акамнинг 10 йилга ҳукм қилинганидан кейин, Кавказга юборилиши олдидан бұлған хайрлашувмиди, терговдан кейинги вақтмиди — билмадыму, аммо отам үша куни Убайдуллахон билан үрталарида бўлиб ўтган гапларни бошқаларга ибрат учун вақти-вақти билан менга сўзлаб берарди:

— Убайдуллахоннинг менга айтган бир гапи шу бўлдики, — дерди отам, — мени суд қылғанлар суд қилиш қандайлигини билмаган гўдаклардир. Саводсизлар! Ҳақиқий қонунни билғанлар бўлса, мени эмас, буларни суд қиласди.

Убайдуллахондан бошқа унча-мунча одам бу гапларни қўрқиб гапиролмасди. Убайдулла эса судда ҳам очиқ айтганлигини гапириб берди.

Хайрлашув олдида ҳамма йиғлади. Аммо унинг кўзларида ёш кўрмадим. Унинг юзида бу айрилиқ, жудоликларнинг алами, қамоқ азобларини чекишнинг афсуси эмас, ҳатто мендан хато ўтибди, бу «гуноҳлар»га бекор қўй урибман, деган нарсанинг изи ҳам мутлақо кўринмасди! У дадил эди. Худди эртага қамоқдан чиқишига, ўз эртасига ишонған одамдек, руҳи тетик эди. Аммо ғазабнок эди! Унинг афсусиadolat йўқлигидан, буadolatsизликлар бир үзининг эмас, халқнинг шури эканлигига ачинищдан эди, холос!

Үша куни ҳаммадан кўп йиғлаган ҳам — ҳеч эсимдан чиқмайди — отам эди. Убайдулла акани бағирларига босиб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғладилар.

Убайдуллахон акам билан менинг навбатдаги кўришишим у 10 йиллик қамоқ муддатини ўтаб, қисқа вақт Тошкентта келгандан кейин юз берди. Бу вақтда мен йигит бўлиб қолган эдим.

Қамоқдан чиқиб бизларникуга меҳмонга келган кунларидан бирида, бир кеча ётдилар-да, эртасига ноңушта қилиб, шошилганча кетишга отланиб қолдилар.

Отам билан ойимларнинг: «Ҳой Убайдуллахон, ҳали бир-биримизга тўймадик, ахир, қанча йил куришмадик, бутун ҳам қолинг», — дейишларига жавобан, ойимга:

— Опажон, яна келаман, онамнинг ўрнига қолган битта Сиз! Иш кўп, иш кўп! — деди.

Отам:

— Убайдуллахон, ахир бу дунёning ишлари... — деб гап бошлаган эдилар, Убайдуллахон давомида нима дейилишини билгандек:

— Ҳа, ҳа, бу дунёning ишларини қилиш керак! Бўлмаса кўпайиб кетиб, босиб қолади, — деб кулгига айлантириди. — Мен театрга тушишим керак, Ўйғур деган дўстим билан ваъдалашганман.

— Кечқурун келинг!

— Келди-кетди бўлиб, кўп дўстларим билан учрашиш, гаплашишга ҳам вақт бўлмаяпти. Акмал Икромов Москвадан келибди. У билан учрашмоқчиман. Ахир, кўп йилдан бўён қўришмаганман.

Мен у вақтларда Акмал Икромов ва Ўйғурлар билан нима ҳақида гаплашиш мумкинлигини тасаввур этолмаган бўлсам ҳам, қулида Сибир дараҳтларининг шохидан қилинган эгри ҳасса, катта бошида дўппи, оддий кийинган, ҳатто қулидаги папкасигача эскиб кетган Убайдуллахонни ҳамма ерга расмлари осилган, катта бир раҳбарнинг номини бемалол айтиб «Акмал билан учрашишим керак!» — дейишларига ҳайрат билан қулоқ солардим.

Убайдуллахон ҳайронликка тушиб қолган менга қараб, айтадиган гапларини айтолмагандек, кетиш олдидан:

— Театрларга тушасанми? Ҳамлетни кўрдингми?

Мен нима жавоб қилишни билмадим. Чунки у пайтларда «Ҳамлет»га кириш учун йиллаб билет олиб бўлмасди. Мен дарҳол жавоб қилавермаганим учун:

— Қандай китоблар ўқиисан? — деб сўрадилар.

Ўша вақтларда ҳамманинг оғзидан тушмайдиган, жуда машҳур бўлиб кетган Усмон Носир, Пушкин, Минховзин... яна бир-икки ёзувчининг номини айтдим.

Отам:

— Жиянингиз ҳам, Убайдуллахон, шоир бўлмоқчи... Фотиҳа берсангиз бўлармиди?

— Яхши бўлибди, дуруст, қани, бирор шеърларингдан ўқи-чи, — дейиш ўрнига, ўйланиб:

— Ҳа-ҳа... Ҳа-ҳа!.. Мақтаб-мақтаб, алдаб-алдаб ёзабер!.. Кўп ўқи! Чўлпонни биласанми! Чўлпонни ўқи! — деган гапни айтдилар.

Шеърларимдан бирортасини ўқиб бермоқчи эдимку, шошиб турғанлари учун имкон бўлмади. У кишининг «мақтаб-мақтаб ёзабер» деганиари қулоғимга кирган бўлса ҳам, «алдаб-алдаб»ни нима маънода айтдилар ёки қулоғимга шундай чалиндими, чинми-ҳазилми эканини ўша дамда англаёлмадим.

Уртада бўлган шу гаплар сабаб бўлдими, нечундир у киши кетаёттан ерда тўхтаб, папкасидан нимадир ахтара бошлади. Ундан кичик бир қофоз олиб отамга кўрсатди. У гражданлар уруши вақтида Убайдулла акамга берилган ҳужжат бўлиб, унинг мазмуни шундай эди: «Ушбуни кўрсатувчи Убайдулла Асадуллаевич Хўжаевнинг Тошкент станциясигача етиб олиши учун монелик кўрсатилмасин».

Гувоҳномага миллатлар иши Ҳалқ Комиссари И. Сталин имзо чеккан эди. Гувоҳнома машинкалangan бўлиб, Сталин ранда перода, қизил сиёҳда имзо чеккан эди.

Бу ҳужжатни айни замонда отамга нега кўрсатди?

Бундан мақсади шу эдики, у «алдаб-алдаб» ёзабер деган сўзни бекор айтмаган эди, бу ҳукуматга ишониб бўлмайди, ҳамма гапи алдов, ёлғон... Мана, Сталин имзо чеккан хатнинг оқибати нима билан тутади? Бундайларга ҳақиқатни айтиш, юракни ёриб ростини гапиришдан фойда йўқ. Алдовнинг замони бўлиб қолди, демоқчи эди.

Кетар олдидан дастурхон атрофига ўтиришдилар. Убайдуллахон лагандага тўғралган ҳасипни оғзига солиб, ҳайрат билан:

— Ия, бу тотли таом экан-ку! — дегани асло ёдимдан кўтарилимайди. Ахир, ҳасипни ҳам, миллий таомларнинг таъмини ҳам бу шўрликлар унугиб юборган эди. Унинг лаззатидан маҳрум бўлган эди. Балки бу унинг ўз она юртидаги сунгги насибасими-ди!

Булар миллат деб ҳаёт лаззати, бу дунёниг неъматларию майшатини ҳам унуглан зотлар эдилар.

Ўша куни бизнинг уйдан чиқиб, дўсти Маннон Уй-

гур билан учрашдими, йўқми, аммо Акмал Икромов билан учрашмоқ насиб этмади. Яна фожиа юз берди!

— Мен, бамисоли аждаҳо комидаман, у оғзини юмса борми, мени ютади-қўяди! — дерди. Шундай бўлди!

Тонг отиб опа-сингиллар, ака-укалар уйғонганла-рида унинг ўрни йифиштирилмаган, бўм-бўш эди.

Тонг отиб, улар уйғонганда, бу ҳовлида қиёмат-қойим қўпди. Отамиз ўрнида тогамизни қайтиб берди, деб қувонган бир уй етимлар, отадан ёш қолган жи-янлари — Ҳибзиiddинхон, Мамлакатхон, Салтанатхон, Шаботхонларнинг фарёдига тўлди.

Орадан кўп ўтмай Убайдуллахоннинг вафоти ҳақида хабар келди.

«Мен шунинг учун адвокатлик касбини танладим-ки, кишилар бошига тушиши мумкин бўлган жабру адолатсизликлардан уларни ҳимоя қилсан!», дер эди.

Лекин, минг-минг афсуски, уни ҳимоя қилувчи то-пилмади!

1992—1998,  
Тошкент

2950

«Шарқ» өткөрмөнүн  
ауданын

## Шукрулло

### ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2007

Мұхаррір Ш. Эрғашева  
Бадий мұхаррір М. Самойлов  
Техник мұхаррір Р. Бобохонова  
Мусақхан А. Зокиров  
Сағифаловчы А. Шафиуллина

Теришга берилди: 10.10.2006. Босинга рухсат этилди: 26.12.2006.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. «Балтика» гарнитура. Офсет босма. Шартли  
босма тобоги 21.0. Нашриёт-хисоб тобоги 19.7. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 2979. Бағоси келишилгән нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.